

В. ЗУЕВ, А. АБДУЛЛАЕВ

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
ўқув-услубиёт маркази қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари
учун дарслик сифатида тавсия этган

Тақризчилар: Наманган мева-сабзавотчилик техникумининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р. Иброҳимов ва шу техникум сабзавотчилик бўлимнинг мудири, катта ўқитувчи Р. Мамасидикова.

Mуҳаррир: З. Каримова

ISBN 5-640-02016-6

3 **3704030700-166 97-**
M 351 (04) 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1997 й.

КИРИШ

САБЗАВОТЧИЛИК ФАНИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Сабзавотлар — бу серсув, этли ва мазали (мевалари, илдиз-мевалари, карамбоши, пиёзбоши, туганаклари, поялари, барглари, куртаклари, илдизлари ва ш.к) инсон истеъмол қиласидаган ўтсимон ўсимликшуносликнинг бир тармоғи сабзавотчилик дейилади, шунингдек, у ўсимликларнинг биологияси ва маҳсулот етишириш технологиясини ўрганувчи илмий фандир. Бу тармоқнинг очиқ дала сабзавотчилиги, ҳимояланган жой сабзавотчилиги, полизчилик, уруғчилик каби йўналишлари мавжуд.

Сабзавотчиликни ўрганиш натижасида талабалар асосий сабзавот экинларининг биологик хусусиятлари ва навларини ўзлаштириб, уларни очиқ ва ҳимояланган жойларда етиширишнинг замонавий технологиясини ҳамда ҳимояловчи иншоотлар турлари, тузилиши, вазифаси, маҳсулотлар сифатига талаблар, харидергирлик хусусиятлар бериш сабзавотларни ташиб ва вақтинча сақлаш технологияларини эталлашлари лозим.

Сабзавотчиликнинг вазифалари, хусусиятлари ва аҳамияти.

Сабзавот экинлари мамлакатимизнинг ҳамма жойида ўстирилади ва ҳайдаладиган жами майдоннинг яқин I фоизини эталлайди. Бироқ гектаридан олинадиган умумий маҳсулот миқдорига кўра сабзавотлар ўсимликишуносликда биринчи ўринда туради.

Қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида сабзавотчиликнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: аҳоли ва қайта ишлаш саноатларининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талабларини тўла қондириш, сабзавот турларини кенгайтириш аҳолини йил бўйи давомида сабзавот маҳсулотларига талабини бир маъерда таъминлаш ва маҳсулотлар сифатини яхшилаш.

Аҳолини сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун уларни етиширишни кескин кўпайтириш лозим. Бунга эса қўйл мөҳнатини камайтирган ҳолда маҳсулот таннархини пасайтириб, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Бунинг учун сабзавотчиликни йириклаштириш ва ихтисослаштириш, унинг техникавий манбаъини мустаҳкамлаш, механизацияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, экинларни парваришлишнинг жадаллашган технологиясини қўллаш, парваришда, йигим-терим-

да, транспортларга ортиш, ташиш, сақлаш ва сотишда маҳсулотни нобуд бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Сабзавот маҳсулотларининг асосий қисми ёзнинг охири ва кузда етилади. Лекин ахолини сабзавот маҳсулотлари билан таъминланишдаги бундай мавсумийликни йўқотиш учун ҳимоя қилинган сабзавотчилик майдонларини ошириш, шимолий ноҳия ва минтақаларни таъминлаш учун жанубда сабзавот стиштиришини кўпайтириш, очиқ ерда сабзавот етиштириш мавсумини узайтириш, маҳсулотларни яхши ҳолатда ва узоқ сақланишини ташкил этиш керак бўлади.

Етиштирилаётган сабзавотлар хилини ва уларни кам тарқалган турларини кўпайтириш лозим. Сабзавот маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун олий навларни мақбул технология бўйича парваришилаш ва йигим-теримдан кейин ҳосилни қайта ишлашни ташкил қилиш, шунингдек, уларни ўз вақтида ташиб келтириш ҳамда яхши сақланиш ҳисобига эришилади.

Сабзавотчилик олдида турган вазифалар унинг ўзига хос қўйидаги хусусиятларни белгилайди:

1. Сабзавотларни оддий дала шароити-очиқ ерда ҳамда сунъий микроқлим шароитидаги ёпиқ ерда етиштирилади.

2. Бошқа тармоқларда кам қўлланадиган агротехник усуслардан (кўчат ўстириш, қантариш, сақлаш, чала ўсан, етилмаган маҳсулотларни тўла етилтириш) фойдаланилади.

3. Хилма-хил сабзавотлар ва турлича навлардан маҳсулот етиштириш ва йиғиб-теришда уларнинг биологик ва хўжалик хусусиятларига мос технологиялар қўлланади.

4. Маҳсулотлар нобудгарчилигига қарши сабзавотчиликни йирик шаҳарлар, саноат марказлари, консерва заводлари атрофида ташкил қилиш.

5. Мавсумда биринчи, иккинчи, зичловчи ва оралиқ экинлар ҳисобига ердан самарали фойдаланишга эшириш.

6. Жадаллашган тармоқ бўлгани учун ўйтлар, суғоришлар, кимёвий препаратлар, маҳсус иншоотларга керакли иссиқлик манбаларидан ва шу кабилардан кенг фойдаланиш.

Ўзининг хусусиятларига ва вазифаларига эга бўлган сабзавотчилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, айниқса, ўсимликтарни олдида таркибида оларни ташкил қилишни кимёвий препаратлар, маҳсус иншоотларга керакли иссиқлик манбаларидан ва шу кабилардан кенг фойдаланиш.

Сабзавотларнинг озиқ-овқатлик аҳамияти. Сабзавотлар ўзининг хушхўрлиги, тўйимлилиги ҳамда шифобахшлиги билан асосий озиқ-овқат турларидан бири ҳисобланади. Сабзавотларнинг тўйимлилиги улар таркибидаги углеводлар, оқсиллар, ёғлар ва бошқа моддаларнинг оз-кўплиги билан аниқланади. Сабзавотлар таркиби асосан сувдан (65-96 фоиз) иборат бўлиб, қуруқ моддалар бодринг, помидор ва тарвузда — 4—7%, илдиз меваларда — 11—17%, фақат кўк нўхатда — 20%, саримсоқ пиёзда — 35% гача бўлади. Шунинг учун сабзавотларнинг тўйимлилик

қүймати катта әмас: бир килограмм әнг күп иsteсmол қилинадиган сабзавотлар 150—400 ккал ёки 600—1700 кЖ қувватга әга.

Сабзавотлар озиқ-овқат сифатида организмнинг энергияга талабарини қондира олмайды (инсоннинг кундалик талаби 8—17 минг кЖ ёки 2—4 минг ккал). Бироқ улар қўшимча карбон сувлари, оқсиллар ва мойлар манбаи бўлиб хизмат қиласди. Шунга қарамасдан кишиларнинг ҳаётида сабзавотларнинг аҳамияти жуда каттадир. Уларнинг таркибида кўплаб миқдорда биологик актив моддалар: витаминалар (дармондорилар), минерал гузлар, ферментлар, органик кислоталар, эфир мойлар ҳамда хушбуй моддалар мавжуд.

Инсон ҳаётида витаминаларнинг роли катта, улар физиологик зарур моддалар ҳисобланади. Унлнг номи лотинча "вита"— бўлиб, ҳаёт деган маънони билдиради. Кишининг ўртача фаолияти учун 20 га яқин тури витаминалар зарур ҳисобланади. Улар орасида айниқса, В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин), С (аскорбин кислота), А (ретинол), шунингдек, Е (токоферол) витаминалари әнг зарурларидир. Озиқ-овқат маҳсулотлари орасида таркибида витаминалари кўплиги бўйича сабзавотлар биринчи ўринни эгаллайди ва уларнинг асосий манбаи ҳасобланади.

Сабзавотлар таркибида 50 дан ортиқ кимсёвий элементлар бор. Уларда кул миқдори 0,1—2% га етади. Сабзавотларда киши организмига зарур ва осон ўзлашадиган тузлар: натрий, калий, кальций, фосфор, магний, темир, марганец, хлор, йод, олтингурутлар мавжуд. Бу минерал моддалар ишқорий хусусиятга эга бўлиб, овқат ҳазм бўлиш жараённида нон, мой, гўшт иsteсmолидан ҳосил бўладиган ва организмга салбий таъсири қиласдиган кислотали бирикмаларни нейтраллайди ҳамда қоннинг ишқорийлигини доимий бўлишини таъминлайди.

Сабзавотлар таркибидаги органик (айникса олма, лимон, вино, шовул) кислоталар, ферментлар, эфир мойлари ва бошқа хушбуй моддалар киши иштаҳасини қўзғатиб оқсиллар, углеводородлар ва мойларнинг сўрилишини яхшилайди. Инсоннинг овқат ҳазм қилиш аъзолари ссрҳажм маҳсулотларга одатланган. Уларни нормал ишлашлари учун овқатлар таркибида ҳазм бўлмайдиган балласт-чиқинди моддалар ҳам бўлмоғи лозим. Бундай моддаларни ҳам организмга сабзавотлар стказади.

Сабзавотларнинг шифобахш хусусияти ҳам қадимдан маълум. Улар асаб қўзғалишини нормаллаштиради ва асабий-руҳий ҳолатларни олдини олиш имконини беради. Бир қатор сабзавот ўсимликлари (пиёз, саримсоқпиёз, помидор, қалампир, петрушка, хрен, турп таркибида бактерицид (смирувчи) хусусиятига эга бўлган, фитонцидлар мавжуд. Баъзи сабзавотлар (сельдерсийлар ва саримсоқпиёзлар) қувватни ошириш хусусиятига эга.

Соғлом одамнинг озиқ-овқатида турли сабзавотлар миқдори суткалик рационнинг 1/4 қисмидан кам бўлмаслиги лозим. Ҳар куни тахминан 300 грамм картошка ва 400 грамм сабзавот

истесьмол қилиш зарур. Маълумотларга қараганда аҳоли бошига сабзавотлар истесьмол қилишнинг ўртача йиллик месъёри 146 кг, жумҳуриятлар ва минтақалараро 128 кг дан 164 гача, жумладан: оқ бошли карам — 32—50 кг, гулкарам, брюссель ва савай карамлар — 3—5, помидор — 25—32, полиз маҳсулотлари — 20, сабзи — 6—10, бодринг — 10—13, қизилча — 5—10, пиёз — 6—10, қовоқча ва бақлажон — 2—5, чучук калампир — 7—13, кўк нўхат — 7—8, хушбўй сабзавотлар — 1—2, турли хил сабзавотлар — 3—5 кг ни ташкил этиши керак.

Ўзбекистон жумҳуриятида сабзавот ва полиз экинларининг йиллик месъёрини 164 кг гача ошириш, картошкани эса 50 кг га тушириш таклиф қилинмоқда. Ҳосилни сақлашда ва транспортларда ташишда нобуд бўлишини ҳисобга олиб, истеъмол месъёри бўйича таққослаганда сабзавот тайёрлаш нормасини 25—30 фоизга ошириш лозим.

Сабзавотчиликнинг илмий асосда ривожланиши. Сабзавотчиклик қишлоқ хўжалигининг амалий тармоғи сифатида ривожланishi билан баробар унинг илмий асослари ҳам юксалиб борди. Россияда 1917 йилгача сабзавотчиликка оид маҳсус муассасалар, олийгоҳлар, кафедралар бўлмаган. Лекин ўша даврда айрим олимлар омиллик билан слғиз ўзларича сабзавот ўсимликлари биологиясини ўрганиб, юқори ҳосил етиширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқсанлар. Навлар яратиш ва уларнинг уругчилиги билан шуғулланганлар.

А. Т. Болотов (1738—1833) биринчи агроном-сабзавоткор олим ҳисобланади. Унинг сабзавотчилик тўғрисидаги бир қанча илмий асарлари ўша давр учун катта аҳамиятга эга эди. Сабзавотчикликни ривожлантириш учун Р. И. Шредер (1822—1903) қилган ишлар бекиёс улкандир. Унинг қаламига мансуб бўлган "Рус томорқаси, кўчатхонаси ва мевали боги" асари жуда қимматли бўлиб, шу кунгача ўн мартадан кўпроқ нашр қилинган. Амалиётчи сабзавоткор-селекционер Е. А. Грачев (1826—1877) ўз фолияти давомида сабзавот экинларининг кўплаб навларини яратди. М. В. Рытов (1845—1920) сабзавот экинлари уругчилиги ва томорқачилиги бўйича қимматли қўллэзмалар муаллифи ҳисобланади. Сабзавотчиликка оид 20 дан ортиқ китоб ёзган Н. И. Кичунов (1863—1942) ҳам ўз даврининг машҳур олимларидан бири эди. С. И. Жегалов (1883—1927) сабзавот экинлари илмий селекциясининг асосчисидир.

Фахрли академик В. И. Эдельштейн (1881—1966) илмий сабзавотчиликнинг олий мактаби асосчиси ҳисобланади. Бу олим агрономчиликка оид жуда кўп амалий масалаларни ўсиш ва ривожланиш қонуниятларига, ташки мұхитга боғлаб ечади.

Сабзавотчилик ва полиз экинлари селекциясига Н. И. Вавилов (1887—1943) жуда катта ҳисса қўши. У маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши марказлари назариясини яратди ва дунё ўсимликлари манбаъларини тўплаш устида катта ишлар қилди.

Ўзбекистонда сабзавотчиликка оид дастлабки илмий-текшириш ишлари Туркистон қишлоқ хўжалиги станциясини бошқарган Р. И. Шредер номи билан боғлиқ. 1933 йилда Ўзбекистон сабзавот-картошкачилик таржиба станцияси УЗОКОС ташкил этилди, сўнгра у 1961 йили Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институтига айлантирилди. Ўзбекистон худудида ўсимлиқшунослик институти жойлашган. Сабзавотчилик ва картошкачилик бўйича илмий-текшириш ишларини Тошкент Давлат аграр университетнинг сабзавотчилик ва Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтининг мева-сабзавотчилик кафедралари олиб бормоқдалар.

Сабзавотчиликда фан ютуқларидан тўғри фойдаланган хўжаликлар юқори натижаларга эришмоқдалар. Масалан, Наманганд вилоятидаги "Косонсоӣ", "Комсомолобод" совхозлари, Тошкент вилояти, Тошкент ноҳиясидаги Гулом-Маҳмуд Абдуллаев, Турғун Мирзаев, Зангиота ноҳиясидаги "Ўзбекистон" номли жамоа хўжаликлари, Самарқанд ноҳиясидаги Ф.Қосимов, Мароканд жамоа хўжаликлари ҳар йили гектаридан ўртacha 32—37 т дан сабзавот етиштиrmоқдалар. Бу хўжаликлarda помидор ва карам ҳосилдорлиги 50 т га ортмоқда. Жумҳуриятимиздаги илғор бригадалар эса сабзавот, полиз экинлари ва картошкадан янада юқори ҳосил олмоқдалар. Жумладан Фарғона вилояти Риштон ноҳиясидаги Ленинград колхозидан А. Абдураҳмонов бригадаси гектаридан 25,2 ва 34 т дан, Тошкент вилояти Зангиота ноҳиясидаги Ўзбекистон номли колхоздан П. Абдуллаев бригадаси 1989 й. 50 гектарнинг ҳар гектаридан ўртacha 32 т эртаги картошка етиштирилар.

УМУМИЙ САБЗАВОТЧИЛИК

1 Боб

САБЗАВОТ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ ВА УЛАРНИ СИНФЛАРГА АЖРАТИШ

Сабзавот ўсимликларини синфларга ажратиш. Дунё бўйича 78 ботаник оиласа тегишли 1200 дан ортиқ турдаги ўсимликлардан сабзавот сифатида фойдаланиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда эса 70 дан ортиқ сабзавот ўсимликлари тиштирилади. Уларни ўрганишни осонлаштириш учун турли бсрдилари гўрухларга кўра қўйидаги гурӯҳларга бўлинади.

Ботаник хусусиятларига кўра сабзавот ўсимликлари қўйидаги оиласаларга мансубдир:

1. Карамдошлар — (бутгулдошлар) — карамнинг ҳамма тури редиска, турп, шалғом, хрен, катран, брюква, хантал;
2. Сельдрейдошлар — (Соябондошлар) — сабзи, петрушка, сельдрей, укроп, пастернак, кашнич, фенхель;
3. Қовоқдошлар — тарвуз, қовун, ошқовоқ, бодринг, қовоқча, патиссон;
4. Итузумдошлар — помидор, бақлажон, қалампир, физалис, картошка;
5. Шўрадошлар — ош лавлаги, исмалоқ;
6. Дуккакдошлар — (Капалакгуллилар) — кўк нўхат, ловия, спаржа ловияси, дуккаклар;
7. Астрадошлар — (Мураккабгулдошлар) — салат (қора салат), артишок (бўзтикон), скорцинер, сули илдизи, эстрагон (шеролчин), цикорий (сачратқи), эндивий;
8. Торонгулдошлар — шовул, ровоч;
9. Лабгулдошлар — (Ясноткадошлар) — райҳон, оддий ялпиз, иссоп, майоран, жамбил;
10. Чирмовуқдошлар — батат;
11. Лолагулдошлар — (пиёздошлар) — бош пиёз, батун, порей, кўп ярусли, шнит, олтой, шилот, саримсоқпиёз;
12. Спаржадошлар — сарсабил;
13. Бошоқдошлар — ширин маккажўхори.

Лоладошлар, спаржадошлар ва бошоқдошлар оиласига кирувчилик бир паллали, қолганлари эса икки паллали ўсимликлар ҳисобланади.

Ҳаётининг давомийлигига қараб асосий сабзавот экинлари бир йиллик, икки йиллик ва кўп йилликка бўлинади.

Бир йилликларнинг ҳаётий даври — экилганидан то янги уруғ пишиб етилиши бир йилда (мавсумда) тугайди ва улар кузда

нобуд бўлади. Бунга итузумдошлар, қовоқдошлар, дуккаклилар оиласига кирувчи барча ўсимликлар, шунингдек, баттат, райхон, кашнич, кресс-салат, хантал, гул ва пекин карамлари, укроп, исмалоқ, ширин маккажўхори, редиска киради.

Икки йиллик ўсимликларда барг тўплами ва эти, ҳосил органлари (илдизмева, карамбош, бош пиёз) поясмева биринчи йили, гуллари ва уруғлари иккинчи йили шаклланади ва стилади. Уларга савой, брюссель, кольраби, брюква, турп, шолғом, пастернак, петрушка, сельдерей, ош лавлаги, пиёз, шалот пиёзи, порей пиёзи мансубdir.

Кўп йилликларда биринчи йили бақувват илдиз системаси ва барглар тўплами шаклланади. Иккинчи ёки учинчи йилидан бошлаб бир неча йил давомида улар гуллайди ва мева беради. Бу гуруҳдаги ўсимликларга артишок, катран, хрен, батун пиёзи, шнитт, серқат лиёз, спаржа, ровоч, шовул каби экинлар киради.

Ҳар хил тұрдаги ўсимликлар ва навларнинг тезпишарлиги уларнинг ўсув даври (уруг униб чиққанндан то ҳосил йигиштириб олгунча бўлган кунлар ҳисобига) қараб баҳоланади. Сабзавотчиликда, шунингдек, вегетацион давр термини ҳам ишлатилади. Бу ўсимликнинг ўсиш имконияти бўлған давр (фасл)ни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинадиган қисмлари (органлари)га қараб сабзавотлар қўйидагиларга бўлинади: мевалилар (помидор, қалампир, нўхат, бақлажон, бодринг, қовун, тарвуз, ошқовоқ, қовоқча, патиссон, ловия, дуккаклар, ширин маккажўхори), баргли ва поябаргли (карамбоши ва барг карам, салат, кресс-салат, исмалоқ, шовул, ровоч, петрушка ва сельдерей, мангольд, хантал, кўп йиллик пиёз) пиёзилар (бошпиёз, саримсоқпиёз), илдизмевалилар (сабзи, лавлаги, брююква, шолғом, турп, редиска, пастернак, сельдерей ва петрушка), илдизпояли (хрен), тугунак мевали (картошка, батат), поямевали (кольраби). тўпгулли (артишок, гулкарам), новдали (спаржа), қўзиқорин (шампиньон).

Агрономик адабиётларда ёзилишича, сабзавот экинлари ўзининг биологик ва хўжалик хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилади. Ана шунга мувофиқ В. И. Эдельштейн сабзавотларни қўйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади:

- Карамдошлар (пекин карамидан ташқари ҳамма турлари):
- Мевалилар (итузумли, қовоқлилар, дуккаклилар, ширин маккажўхори);
- Илдизмевалилар (сабзи, пастернак, петрушка, сельдерей, лавлаги, турп, шоғлом, редиска); — Тугунак мевалилар (картошка, баттат); пиёзилар (бош пиёз, порей пиёзи, саримсоқпиёз);
- баргилар (салат, пекин карами, исмалоқ, укроп, кресс-салат);
- кўп йилликлар (хрен, спаржа, ровоч, шовул, шалот, батун, кўпярусли пиёзлар); замбуруғлар.

Сабзавот ўсимликларининг келиб чиқиши. Филогенез.

Ер юзида турли кўринишдаги ўсимликларнинг узоқ тарихий ривожланиш даври филогенез дейилади. Бу даврда ҳар қайси организмнинг ўсиши ва ривожланиши, ирсий ўзгаришларидан онгсиз (табиий) ва онгли танлашлар натижасида янги хусусиятли организмлар шаклланган, мустаҳкамланган ва планетанинг турли ерларига (кўпинча одамзод аралашуви билан) тарқалган. Бундай ўсимликлар янги экологик шароитларга маълум даражада мослашган ва мувофиқлаштирилган. Натижада, ёввойи ўтмишдошлидан фарқланувчи, масалан, йирик бошли карам, йирик мевали помидор, қовун, тарвуз, серэт илдизмевалар каби лаззатли сабзавотлар юзага келган. Кўпчилик сабзавотлар 2—4 минг йилдан бўён етиштирилмоқда.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, тарихий шаклланиш (филогенез) шароитлари ҳозирча мавжуд ўсимликларнинг биологик хусусиятларида чуқур из қолдирган. Масалан, тропик шароитлардан тарқалган итузумдошлар. қовоқдошлар ҳануз совуққа чидамсиз, иссиқталаблигича, субтропикдан келиб чиққан турп, шолғом кабилар эса аксинча иссиққа, қурғоқчиликка чидамсизлигича қолиб келмоқдалар.

Н. В. Вавилов ўсимликларнинг ер шаридаги тарқалиш қонуниятларини чуқур ўрганиши натижасида сабзавотларнинг 7 та келиб чиқиш маконларини аниқлади:

1. Жанубий Осиё, тропик (Ҳиндистон, Ҳинди-хитой, Жанубий тропик хитой, Жанубий-шарқий Осиё ороли)—бодринг, бақлажон, Ҳиндистон салати.

2. Шарқий Осиё (Марказий ва Шарқий Хитой, Корея)—Пекин ва Хитой жарами, турп, батун пиёзи, ровоч.

3. Жануби-гарбий Осиё (Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистон, Кавказ)—қовун, бошли пиёз, саримсоқ, исмалоқ, нўхат шолғомнинг баъзи турлари, петрушка, сабзи, порейпиези, латук салати, қаттиқ пўстли ошқовоқ.

4. Ўрта ер денгизи (Европа ва Африкага оид қирғоқлари)—карамнинг пекин ва хитой турларидан ташқари барча навлари, лавлаги, сабзи ва петрушканинг баъзи турлари шолғом, брюква, спаржа, салат, укроп, пастернак, шовул, нўхат.

5. Абессиния-шалот пиёзи, хантал, ловия, бамия.

6. Марказий Америка — қалампир, маккажӯхор, физалис, олчасимон помидор, ошқовоқ, картошка.

7. АНД ёки Жанубий Америка (Перу, Боливия, Эквадор, Шарқий Колумбия)—помидор, йирик мевали ошқовоқ, картошка. лима фасоли.

Ўсимликларнинг ушбу келиб чиқиш маконлари экологиясини ўрганиш сабзавот экинлари хусусиятларини яхши ўзлаштириш ва юқори ҳосил етиштириш технологиясини тўғри ташкил қилиш омилидир.

Сабзавот экинларининг онтогенези. Ўсиш ва ривожланиш. Организмнинг юзага келиши ва ривожланиши онтогенез дейилади. Онтогенез жараёнида ўсимлик ўсади ва ривожланади.

Ўсиш ўсимликнинг таркибий қисмларида янги тўқима ва органларнинг пайдо бўлиши натижасида ҳажм ва вазн ўзгаришидир.

Ривожланиш организмнинг ўсув нуқталаридаги тўқималар таркибида, кўзга кўринмайдиган чуқур сифат ўзгаришидир. Бу жараён ўсимликларнинг генератив органлар шаклланиши, гуллаши ва мевалашига сабабчи омилдир.

Ўсиш ва ривожланиш жараёnlари организмда ўзаро боғлиқ ҳолда кечади. Бу ҳар қайси жараённинг хусусиятлари, ўсиш жадаллиги ташқи шароитга ва организм ирсиятига, ҳолатига ҳам боғлиқликдир. Нормал шароит яратиш ёки сскинлаштириш мумкин.

Ўсимликнинг ривожланишида бир босқичдан иккинчисига ўтиши учун муайян ташқи шароит, аввало иссиқлик ва ёруғлик бўлиши керак. Ўсимликнинг дастлабки ривожланишида ўсиш нуқталарida сифат ўзгаришлари бориши учун ҳарорат энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Совуққа чидамли экинлар (карам, пиёз, илдизмевалар, салат, исмалоқ, икки ва кўп йиллик ўсимликлар) дастлабки ривожланиш босқичини ўсишга нисбатан анчагина паст ҳароратда—(+1—5°) ўтади (фақат пиёз учун +2—18° мумкин).

Икки йиллик ўсимликлар паст ҳарорат таъсирини уч ой ва ундан ортиқ, бир йиллик экинлар икки ҳафтагача давом этишига мойил. Иссиқсевар ўсимликларнинг дастлабки ривожланиш босқичи уларнинг ўсиши учун зарур бўлган ўша юқори ҳароратда ўтади.

Ўсимликнинг гуллаши ва мева тузиши учун ёруғ кунларнинг узун ёки қисқалиги аҳамиятлидир. Тропик ўсимликлар 10—12 соатда, қисқа, субтропик ўлкалардан тарқалганлари эса 14—16 соатда гулладилар.

Бир йиллик ўсимликларда генератив органларнинг шаклланишини таъминловчи барча жараёnlар шу бир йил ичida, икки йиллик ўсимликларда эса асосан қишида сақлаш даврида ўтади. Агарда сақлаш давомида зарур паст ҳарорат етарли бўлмаса, унда гулпоја чиқмайди. Бундай ўсимликлар "қайсар" ўсимликлар деб аталади.

Икки йиллик сабзавот экинлари парвариш қилинаётганда айрим ўсимликларда гул новдаларининг биринчи йилда ёки пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин. Бундай ҳодисаларни "гуллаб кетди" деб аталади. Бу қиши олдидан экилган ўсимликларда, баҳорги совуқ чўзилганда, кўчатлар парваришида зарур иссиқлик этишмаганда кузатилади.

Ўсимликлар эволюция жараёнида жадал ўсишдан пассив ёки тиним ҳолатига ўтиш хусусиятлари уларнинг ирсиятида мустаҳкамланиб қолган. Бундай тиним ҳолатга бир йиллик сабза-

вотларнинг фақат уруғлари, икки йилликларнинг эса уруғлари ва қишлоғчи қисмлари (органлари) киради. Тиним даври чуқур (табиий) ва мажбурий бўлади. Чуқур тинимда организмнинг ҳаётига зарур барча шароитлар старли бўлса-да, ўсиш бошланмайди. Чуқур тиним даври тугагач, куртакларнинг ўсиши учун бирорта шароит стишмаганда мажбурий тиним даври бошланади. Бир ва икки йиллик ўсимликлар уруғларида чуқур тиним даври қисқа ёки сезилмас даражада, кўп йилликлар уруғида эса жуда узун бўлиб, уни қўзғатиш учун маҳсус усул ёки тадбирлар қўлланади. Икки йиллик сабзавот ўсимликларида чуқур тиним (улар йигиштириб олингач) даври 2—4 ойга боради.

Сабзавот ўсимликлари ҳаётидаги даврлар ва фазалар.

Ўсимликлар ҳаётида ўсиш ва ривожланиш учта:— уруғлик, ўсув (вегетатив), кўпайиш (репродуктив) даврларга бўлинади. Ҳар бир давр ўз навбатида учта фенологик фазалардан иборатadir. Фенологик фазалар — ўсиш ва ривожланиш натижасида ўсимликлар ташқи кўринишидаги ўзгаришлардир. Ўсимликларнинг бир фазадан иккинчисига ўтиши морфологик ўзгаришлар ва организмнинг физиологик ҳолатлари орқали осон кузатилади.

Уруғлик даври зиготанинг шаклланиши билан бошланади ва ниҳоллар пайдо бўлгунча давом этади. Бу даврда ўсимлик фотосинтездан фойдалана олмайди, унинг ҳаёт-фаолияти она организмидан тўпланган жамғарма озиқ ҳисобига боради. Уруғлик давр эмбрионал, тиним ва ниҳоллаш фазаларига бўлинади.

Эмбрионал фаза — урчиш ва уруглашдан бошланиб, унинг тўла стилиши билан тугалланади. Бунда ўз ҳолича мустақил ҳаёт кечира оладиган янги организм шаклланади. Бу фазада ўсиш, стилиш жараёнлари жадаллашади ва бўлажак ўсимликтининг барча органлари табақаланади.

Тиним фазаси уруғнинг стилишидан то ниш уришигача давом этади. Бу даврда уруғ таркибидаги намлик камайган, қобиғи зичлашган бўлиб, ўсмайди, хатарли ва ноқулай шароитларга чидамлилиги ортади. Тиним фазаси бир неча йил давом этиши мумкин.

Ниҳоллаш фазаси ташқи муҳитда зарур иссиқлик, намлик ва ҳаво старли шароитда, уруғ бўртиб, нишлаб ниҳол чиққанида тугайди. Бу пайтда ниҳол уруғдаги заҳира озиқ моддалардан тўла фойдаланиб илдизча ва ург палла ҳисобига энди ўзи мустақил ривожланишгача тайёрланади.

Ўсув даври уругпаллалар очилиб ниҳолда биринчи чин барг шаклланишидан бошланиб, ғунчалар ва тўпгуллар кўрингунча давом этади. Сабзавот ўсимликлари бу давр турларига кўра биттадан учтагача фазаларни: сўрувчи ва ассимиляцион юзаларнинг ортиб бориши, заҳира озиқ моддалар кўпайиши, жамғарма органларнинг тиним жараёнларини ўз ичига олади.

Ассимиляцион ва сўрувчи юзаларнинг кўпайиш (ўсиш) фазаси — бу бир йиллик экинларда шу даврнинг биринчи ва ягона фазаси бўлиб, ғунча ва тўпгуллар кўриниши, икки йилликларда

Эса жамғарма қисмлар шакллана бошлаши бплан чекланади. Бу пайтда фотосинтез жадал боради ва тўпланаётган озиқ моддалар ўсимликнинг ер остики ва устки қисмларининг кўпайишига сарфланади. Бу фазада агротехника тадбирлари бир йиллик сабзавотларнинг мевалашга киришишини тезлатишга, икки йиллик ўсимликларда эса заҳира моддалар тўплайдиган органларнинг шаклланишига қаратилмоғи лозим.

Заҳира моддалар тўплаш фазаси ўсимликларда органларнинг шаклланиши билан характерланади. У икки йиллик ва кўп йиллик сабзавотларда яхши акс этган, шунингдек бошчалар (салат турида), илдизмевалар (редиска), гултупули (карамтурида) ҳосил қилувчи бир йиллик экинларда ҳам мавжуддир. Бу пайтларда барча шароитлар, тўпланаётган органик моддалар ўсимликлар ҳосил қисмларининг шаклланишига қаратилиади.

Ўсув қисмларнинг тиним фазаси фақат икки ва кўп йиллик ўсимликларгагина мансубдир. Бу ўсимликларнинг келаси мавсумий (иккинчи) йилида жадал ўсиши ва маҳсулдорлиги тиним фазасининг тўла-тўқис ўтганлигига боғлиқдир. Шу боисдан ўсимликларни сақлашда шароитлар куртакларнинг кўпроқ уйғунлашишига қаратилиши лозим.

Кўпайиш даври, гулпоя, ғунча ва тўпгулларнинг пайдо бўлиши билан бошланади. У ғунчалаш, гуллаш ва мевалаш фазаларидан иборатдир.

Ғунчалаш фазаси бир йиллик ўсимликларда ассимиляцион ва сўрувчи юзаларнинг ортиб бориш фазасига қўшилиб, икки йилликларда эса қишлоғчи органларнинг узоқ чўзилган тиним фазасидан сўнг бошланади.

Гуллаш фазаси гуллар очилгунча, яъни чанглар ва тухум ҳужайралар етилганда бошланади, чангланиш мева туғиши билан тугайди. Гуллаш бир вақтда бўлмайди. Шу боис амалиётда гуллашнинг бошланиш ва қийғос пайтлари аниқланади.

Мевалаш фазаси ўсимликларнинг ривожланишидаги энг охириғи фаза ҳисобланади ва янги организмнинг эмбрионал фазадаги шаклланиши билан бир вақтда ўтади. Бу даврда ўсиш жуда сустлашади ёки бутунлай тўхтайди, ассимиляция маҳсулотлари ва заҳира моддалар уруғларнинг шаклланишига сарфланади.

Бир йиллик экинлар уруғи мавсумдаги ўсув даврида шаклланади ва охирида нобуд бўлади. Икки йиллик ўсимликларда биринчи йили ўсув органлар заҳира озиқ моддалар ва жамғарма қисмларнинг ортиб бориш фазаларини ўтади. Иккинчи йили баҳордан эса ўсимлик қайтадан бўй чўзади, ғунчалайди, гуллади, мева тугади ва уруғи стилади. Шундан сўнгтина ўсимлик нобуд бўлади.

Кўп йиллик ўсимликлар ривожланишининг иккинчи-учинчи йилларида фақат ўсув даврини ва қишки тиним фазаларини ўтади. Кейин ўсув ва кўпайиш даврининг фазалари бир неча марта такрорланади. Ҳар бир мавсумнинг охирида ўсимлиknинг срости қисми нобуд бўлади, срости қисми эса сақланиб қолади.

Ўсимликлар фақат уруғдан эмас, балки ўсув қисмларидан ҳам күпаяди. Бундай ҳашарда ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши ҳар доим ҳам юқорида баён этилган даврлар ва фазалардан иборат бўлмайди.

Амалий машғулот

1 - мавзу. Турли сабзавот ўсимликларини биологик ва хўжалик белгиларига кўра ўрганиш.

Машғулотнинг мақсади. Ўқувчиларни сабзавот экинларининг морфолоѓик, биологик ва хўжалик белгилари билан таништириш.

Топшириқ: 1. Ўсимликларнинг кўпайиш (мевалаш) давридан ҳажм ва шакл ўлчамларини ва маҳсулот қисмларининг тузилишини аниқлаш.

2. Минтақада этиштирилган сабзавот экинларини ҳаётий даври давомига, хўжалик белгилари ва истесъмол қилинадиган қисмларига кўра гурӯҳларга ажратиш.

Машғулот ўтказиш режаси. Ўқувчилар тирик ўсимликлар, уларниң табиий ва фиксацияланган қисмлари, гербаријлар, расмлар, қўлланма ва ашёлардан фойдаланиб, шу минтақада этиштирилаётган белгилари билан танишадилар. Ҳисобот ва бажарилган ишларга тегишли қўйиндаги форма (1-жадвал) тўлдирилади.

1-жадвал

Турли сабзавот ўсимликларини ўрганишга оид ҳисобот.

Экиплар номи		кўпайиш (мева- лаш) даврида ҳажми ва шакл кўрини- ши	Маҳсулот қисм (орган)лар			Гурӯҳи	
ўзбекча	русча		Ботаник ва хўжалик номи	Диамет- ри, см	Мева- нишинг кўрини- ши, рас- ми ёки узули- гига ке- сими, ўлчами	Ҳаётий даври давоми- га кўра	Истесъ- мол қилиш усулига кўра
1	2	3	4	5	6	7	8

Оила...

1.

2.

Сабзавот ўсимликларини тасвиirlаб ўрганишда ботаник тас-
нифлар кўргазма жадвалидан фойдаланиб, 1-ҳисобот жадвалининг
1-, 2-устунларига экинларнинг русча, ўзбекча номлари ва улар-
нинг ботаник оиласи ёзилади. Бу маълумотларни фақат ёзиш
эмас, балки хотирада ҳам сақлаб қолиш лозим.

Ўсимликларнинг уруғлаб кўпайиш давридан катталиги ва
ташқи кўриниши табиий намунасини ўлчаш ёки гербаријлар ва

расм, плакатлардан фойдаланиш билан аниқланади. Жадвалнинг 3-устунинг тахминан қуидагича ёзилади: бодринг учун ер бағирлаб ўсуви поясининг узунилиги — 60—250 см, уруғлик мевалари йирик, сарғыш-яшил сабзилар учун — тик бутасимон шохлаган, баландлиги 50—70 см, "соябончалар" билан чекланган.

Ҳосил берадиган қисмини тасвирлашда унинг ботаник ва хўжалик номлари ҳам аниқланади. Бунинг учун 4-устун тўлғазилаётганда тахминан қуидагича ёзувлар бўлиши керак: карам учун — "карамбошча йириклишган куртак бўлиб, 20—50 та мураккаб барглардан тузилган; помидор — "пишгап мева-икки ёки кўп уяли мева" ва ҳоказо.

Шундан сўнг талабалар ҳосил қисмнинг диаметрини ўлчов бирлигига аниқлаб натижани ҳасобот жадвалининг 5-устунинг ёзадилар. 6-устунга ана шу органларнинг ташқи кўринишини, шунингдек карам, илдизмевалар, писэз, саримсоқ ва бошқа экинлар маҳсулларининг (мевалар) чўзиқ кесимдаги ички тузилиши расмини чизадилар. Шундан сўнг талабалар сабзавот ўсимликларининг ҳаётий даври давоми (7-устун), маҳсулни истеъмол қилиш усулларига (8-устун) кўра улар қайси гуруҳларга мансублигини аниқлаб ёзадилар.

Сабзавот маҳсулотлари турлича усулларда истеъмол қилиниш баъзилари кўпроқ хомлигича (салат, редиска, турп ва бошқалар) бошқалари-хомлигин ва қайта ишланганда (помидор, бодринг, хушбўй ислилар ва ш. к.), учинчилари-кўпинча ишланганда (бақлажон, исмалоқ, пастернак, қизилча, карам) эътиборга олиниб, ҳисобот жадвалининг 8-устунинг қуидагича ёзилади: карам учун — "қайта ишланган (пиширилган, қовурилган, тузланган ва ш.ў.)", помидорда — "хомлигича ва қайта ишланган (тузланган, сиркаланган, шарбат, пюре-паста. ш.к.)"; редиска учун — "хомлигича".

Топшириқларни бажариш охирида ўқувчилар баён қилинган барча сабзавот экинларининг ўзбекча ва русча номларини, шунингдек, уларни қайси ботаник оиласа мансублигини каётий даври давомини маҳсулот қисмларини тузилиш хусусиятларини, истеъмол қилиниш усулларини билишлари ҳамда уруғлаш-кўпайиш даврида ўсимликларнинг ҳажм катталиги ва ташқи кўринишлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак.

Топшириқларнинг тўғри бажарилганини ўқитувчи дафтарга ёзилган ҳисоботларга қараб оғзаки савол-жавоб орқали текширади.

Фойдаланиладиган асбоб ва ашёлар. 1. 15—20 хил сабзавот экинларининг гуллаш ва мева туғиш давридаги жонли ёки гербарий тайёрланган тартибли тўплами. 2. 15—20 хил сабзавот экинларининг табиий ва консерваланган қисмлари. 3. Бақлажон, қовоқча, патиссон, помидор, кўк нўхот, барра бодринг ва бошқаларнинг консервалари. 4. Ўсимликларнинг ботаник оиласарига, истеъмол қисмларига, ва ҳаётий даври давомига кўра таснифлар жадваллари. 5. Кам тарқалган сабзавот ўсимликларининг расмлари. 6. Ўлчов асбоблари.

САБЗАВОТ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ТАШҚИ МУҲИТГА МУНОСАБАТИ

Ташқи муҳит омилларига умумий тафсил ва уларга муносабат. Сабзавот экинларининг ўсиши ва ривожланиши, маҳсулотнинг миқдори сифатини етилиш муддати, уларнинг иқлимга ва тупроқ шароитига мослашиши ирсий қобилиятига боғлик. Ҳар қандай экиндан юқори ҳосил олиш ўсимлик ва ташқи муҳит шароитининг диалектик бирлигига ҳамда стиштириш усуllibарига боғлиқлигига асосланади. Технологиянинг у ёки бу усуllibарини қўллаш билан ташқи муҳитни ўсимликлар талабига мослаштириш мумкин. Ташқи муҳит қанчалик мазкур экин талабига яқинлаштирилса, шунчалик унинг ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати ортади ва аксинча, ташқи муҳит комплекси ўсимлик талабидан узоқлашган сари ҳосил ва унинг сифати пасая боради.

Сабзавот экинлари селекцияси, уруғчилиги ҳамда стиштириш технологиясининг асосий вазифалари ташқи шароитлар комплексини ўсимлик талабига мослаштириш йўлларини топиш ва қўллаш, мазкур минтақа омилларига мақбул навлар яратиш, уларни табиатда учрайдиган салбий факторлар таъсирига чидмиллигини ошириш кабилардан иборат.

Экинларга таъсир этувчи ташқи муҳит омиллари 4 гуруҳга бўлинади: 1) иқлим, иссиқлик, ёруғлик, намгарчилик ва ҳавонинг таркиби; 2) тупроқ ёки эдафик-тупроқнинг таркиби, физик ҳолати, ундаги озиқа элементлари ва намнинг миқдори; 3) биотик-ўсимликлар атрофидаги макро ва микрофлоралар ва фауналар таъсири туфайли вужудга келувчи омиллар; 4) антропоген-кишилар фаолияти (мехнат қуроллари, машиналар, турли хил ўғитлар, заҳарли химикатлар, атроф-муҳитни ифлослантирилиши ва ҳ.қ.) таъсири.

Ёруғлик, иссиқлик, нам, газли режим ва минерал озиқлар ўсимлик ҳаёт фаолиятини белгиловчи, тепги йўқ, ҳаммаси ҳам зарурий омиллардир. Улардан бири иккинчисининг ўрнини боса олмайди ва ўзаро доимо муайян нисбатда бўлиши лозим. Ўсимликлар ҳаётини белгиловчи бирорта омил миқдорининг ўзгариши бошқа омилларнинг ҳам ўзгартиришни талаб қиласди. Ўсимликлар фаолиятини сусайтирувчи ёки чекловчи ҳар қандай муайян ҳолатда доимо 1—2 сабабчи омилларни аниқлаш мумкин. Шароитларни ўсимликлар талабига мувофиқлаштиришда худди ана шу стишмаётган омилларга таъсир этиш лозим. Ўсиш ва ривожланишларни чеклаётган муайян омилларни ўзгартириш билан стиштирилаётган экин маҳсулдорлигини оширишга эрин мумкин.

Ўсимликларнинг ташқи муҳитга муносабатини аниқлашда академик Г. И. Тараканов қўйидаги учта кўрсаткич бўйича баҳо-лашни таклиф этади: 1) Талабчанлик — организмнинг муайян омил қуввати ва давоматига муҳтожлик даражаси; 2) чидамлилк — таъсир қилувчи омилнинг энг юқори ва паст даражасига чидаш кобилияти; 3) сезувчанлик-омилнинг ўзгаришига муносабат тезлиги ва даражаси.

Ўсимликлар ўсиш ва ривожланишнинг турли даврларида омилларнинг муайян нисбатига турлича муносабатда бўладилар. Масалан, ургунинг бўртиши учун биринчи навбатда намлик керак, нишлашига иссиқлик, майсалаш пайтида ҳарорат ва ёргулук асосий белгиловчи омил ҳисобланади. Ўсимликлар майсалаш ва биринчи чин барг чиқараётган фазалар, яъни уларнинг сўрувчи илдизлари-ю, ёргулук синдирувчи юзалари старлича ривожланмаган.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида ташқи муҳит шароитлари ҳар хил бўлиб, ўсимликларга ҳам турлича таъсир этади. Жанубда намлик етишмаса, шимолда иссиқлик кам, тупроги ҳимоя қилинган срлар (парник, иссиқхона ва ҳ.к.)да қишиш вақтида ёргулук стишмайди. Ҳолбуки, ҳар бир омилнинг таъсир кучи йил давомида, ҳатто суткада ҳам ўзгариб туради.

Бирор омилнинг ўзгариши бошқа омилларнинг ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин. Ўсимликларга минерал ўғитларнинг соли-ниши уларнинг ўсишини таъминлайди, лекин бунда нам старли бўлмаса, солинган ўғитнинг фойдаси бўлмайди, балки аксинча зарар келтиради.

Сабзавоткорлар ва маҳсулотни қайта ишлайдиганлар бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олишлари, керак.

Ҳарорат режими. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнлари маълум бир ҳарорат шароитида ўтади. Барча жараёнлар жадаллик билан кечадиган энг мақбул ҳарорат қулай ҳарорат деб аталади. Ўсимлик бундай ҳароратдан маҳрум бўлса, унинг тўқималарида модда алмашиниш жараёни бузилади, натижада у касалланади, нобуд бўлади.

Ҳароратнинг қулай даражаси ўсимликнинг турига ва сутканинг вақтига боғлиқ. Филогенезда ўсимликнинг ер устки қисми тунда кундузига нисбатан иссиқликни кам талаб қиласди. Бу хусусиятни термопериодизм дейилади.

Илдизларда термопериодизми бошқачадир: уларда тунги қулай ҳарорат кундузига нисбатан $2-3^{\circ}\text{C}$ юқори, кундузи эса ўсимликнинг ер устки қисмига нисбатан паст.

Иссиқликка бўлган талаб ўсимликларнинг ёши ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Кучли ёритилган, нами старлича бўлган ва унумдорлиги яхши ерларда ҳамда юқори ҳароратда ўсимликларда фотосинтез жараёни, шунингдек, органик моддалар тўпланиши жадаллик билан боради. Сабзавот экинландининг иссиқликка бўлган талаби ўсиш ва ривожланишнинг турли

даврларида ҳар хилдир. Барча сабзавот экинлари уруғларининг кўкариб чиқиши (униши) учун аввало юқори ҳарорат зарур. Юқори ҳарорат таъсирида уруғ тез бўртади ва қобиқни ёриб чиқиш жараёни жадаллашади. Уруг кўкариб чиқиши биланоқ ҳарорат анчагина пасайтирилиши лозим.

Уруг янги униб чиқкан пайтида ҳарорат юқори бўлса, майсанинг нафас олиш жараёни тезлашиб, айни вақтдаги нимжон илдизлар сув ва минерал озиқларни старлича ўзлаштираолмай ниҳол нобуд бўлиши мумкин. Ҳароратнинг пасайиши ниҳоллар ер устки қисмининг ўсишини секинлаштиради, лекин илдиз системасига таъсир қилмайди. Бу даврда ҳароратнинг паст келиши аксинча илдиз системасининг яхши тарақкӣ этишига шароит яратиб беради, бу эса ўсимликнинг кейинги ривожланиши учун катта заминдир. Сабзавот экинлари ривожланишининг кейинги фазалари, айниқса, ўсимлик гуллаш ва мевалаш даврида ҳарорат анча юқори бўлиши зарур. Чунки бу даврда гулда чанглар шаклланиб, стилаётган бўлади.

Бироқ ҳароратнинг ҳаддан ташқари юқори бўлиши чангдонлар фаолиятини тўхташига, чанглар нобуд бўлишига, гуллар тўклишига олиб келади. Ҳосилнинг пишиб стилиш вақтида ва уни сақлаш даврида, ҳарорат пастроқ бўлгани маъқул. Пастроқ ҳароратда меваларнинг нафас олиши сусайиб органик моддаларнинг сарфланиши камаяди, маҳсулот яхши сақланади.

Сабзавот экинларининг ҳароратга талабчанлиги турлича бўлиб, В. И. Эдслъштейн (1953) уларни беш гуруҳга бўлади.

1. Совуқ ва қишига чидамли кўп йиллик ўсимликлар-шовул, ровоч, спаржа, хрен, саримсоқ пиёз, кўп йиллик пиёз. Бу экинлар учун қулай ҳарорат $15-20^{\circ}\text{C}$. Барглари ва поялари баҳорги ҳамда кузги совуқнинг $-8-10^{\circ}\text{C}$ чидайди.

2. Совуққа чидамли ҳамма икки йиллик ўсимликлар (карамнинг барча турлари, пиёз ва илдизмеваларнинг ҳаммаси, шунингдек нўхат, дуккакли экинлар, бир йиллик кўкатлар). Бу экинларнинг уруги 10°C дан паст ҳароратда униб чиқа бошлайди, $18-25^{\circ}\text{C}$ да эса янада тезроқ унади. Совуққа чидамли экинлар давомли $-1-2^{\circ}\text{C}$ га, қисқа муддатли $3-5^{\circ}\text{C}$ га, баъзан $-7-8^{\circ}\text{C}$ га чидай олади. Бу экинларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун ҳарорат $18-20^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Ҳарорат $30-32^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиб кетса, уларнинг ўсиши тўхтайди.

3. Совуққа ярим чидамли-картошка. Бу экин учун ҳам қулай ҳарорат ҳудди совуққа чидамли экинларнига ўхшаш. Бироқ давомли 0°C да ўсимлик нобуд бўлиши мумкин.

4. Иссикқа талабчан экинлар-помидор, қалампир, бақлажон, бодринг, қовоқча, кулча қовоқ. Бу экинларнинг уруғи $12-14^{\circ}\text{C}$ да униб чиқа бошлайди, бироқ ҳарорат $25-30^{\circ}\text{C}$, бўлганда майсалаш тезлашади. Экинлар қисқа муддатли совуққа ҳам бардош бера олмайди. Улар учун ҳарорат $25-30^{\circ}\text{C}$, экинларнинг ўсиш ва ривожланиши 15° дан пасайганда ёки 40°C дан юқори

бўлганда тўхтайди. Ҳароратнинг 3—5° га пасайиши ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

5. Жазира маҳалла маккажўхори, ловия, тарвуз, қовун, ошқовоқ. Бу ўсимликларнинг қулай ҳароратга муносабати бундан олдинги гурӯҳда, айтилган иссиқ талаб ўсимликларга ўхшаш. Бироқ бу чидамли ўсимликларда ҳарорат 40°C бўлганда ҳам модда алмашиниши нормал давом этаверади, 30—35°C да эса яхши ўсиб ривожланади.

Демак, қеча-кундузнинг ўртача ҳарорати 5°C бўлса, қишлоғчи кўп йиллик сабзавот экинлари ўсув даврининг бошланиши ёки тугашини англаш мумкин. Кечакундузнинг ўртача ҳарорати 12—15°C бўлса, иссиқ талабчан ва иссиқликка чидамли экинларини экишни бошлаш мумкин.

Сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун қулай ҳарорат яратиш, шунингдек, экинларнинг совукқа ҳамда жазира маҳалла маккажўхори бардошини оширувчи усулларни қўллаш керак. Экинларнинг бу хусусияти кириб келаётган бир қанча янги навларга агротехник тадбирлар (экиш олдидан уруғларни ҳимоя қилиш ва уларни микроэлементли эритмаларга намлаб олиш, кўчатларни чиниқтириш, фосфор ва калий билан озиқлантириш) ни қўллашни кучайтиради.

Очиқ ердаги иссиқлик режимини, парвариш муддатларини аниқлаш, экиннинг иссиқликка бўлган талабини билish, ср участкасини тўғри танлаш (жанубий ёки шимолий ён бағирдан), иҳота дараҳтлари экиш, экинлар устини вақтинча плёнкалар билан беркитиш, экин майдонларини тўғри танлаш, совукқа қарши тулатиш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳимоя қилинган жойлардаги ҳароратни мақбуллаштириш учун қўёшдан ҳамда сунъий иситкичлардан фойдаланиш кифоя, шунингдек, бино иҷидаги вентиляциялар ва ортиқча иссиқдан сақловчи турли қурилмалар ҳам катта аҳамиятга эга.

Ёруғлик режими. Ёруғликнинг ўсимликларда фотосинтез жараёни, моддалар алмашиниши ва органик моддалар тўпланиши учун энергия манбаидир.

Мамлакатимизнинг турли районларига қуёш нури турлича тушади. Бу борада шимолий районларни жанубий районларга таққослаб бўлмайди, албатта. Шунингдек, ёз вақти билан қишиш вақти, туш пайти билан кечқурун, ёки эрталаб билан кечаси бир-бирига ўхшамайди.

МДҲ жанубий минтақаларида ёз даврида шимолий вилоятларга нисбатан кун анча қисқа (10—14 соат), бироқ қуёш радиацияси жуда кучли. Қуёш бир йилда Москвада 1574, Тошкентда 2889 соат давомида нур таратади.

Ўсимликларнинг ёруғлик энергиясидан (қувватидан) фойдаланиши коэффициенти анчагина паст, масалан, сабзавот экинларида у қўйидагича: исмалоқда — 0,3, салат, укроп ва редискада — 0,4,

петрушкада — 0,7, ош лавлагида — 0,8, сабзида — 0,9, карамда — 0,9—1,0 фоизни ташкил қилади.

Атмосфера орқали ўтиб келувчи қуёш ёргулиги кўзга кўринувчи ва кўринмас нурларга бўлпнади. Қуёшнинг кўзга кўринмас инфрақизил (иссиқ) (710—1400нм) ва ультрабинафафа (300—380 нм) нурлардир. Ер юзасигача 44 фоиз кўзга кўринувчи, 54 фоиз иссиқлик берувчи ва 2 фоиз ультрабинафафа нурлар стиб келади. Кўзга кўринувчи нурлар узунлиги 380—790 нм бўлган, қизил, оташ сариқ, кўк ва бинафафа ранглардан иборат. Ўлар фотосинтез учун энергия манбаи ҳисобланади, шунга кўра қуёш нурининг бу спектр қисми фотосинтетик актив радиация (ФАР) деб аталади. Карбонат ангидрид газининг сингишида қизғиш-олов ранг (600—700 ммк), кўкиш-бинафафа (400—500) нм нурлар энг актив ҳисобланади. Сариқ-қизил (550—720 нм) нурлар ўсимликлар ривожланишини тезлаштиради.

Шунингдек ўз ичига узун ультрабинафафа (300—380 нм) ва инфрақизил нурларни (716—800 нм) қамраб олган. Физиологик актив моддалар ҳам аҳамиятлидир. Узун тўлқинсимон ультрабинафафа нурлар (300—380 нм) модда алмашинувини тезлаштиради, жумладан, аскорбин кислотасининг синтезланишини, шунингдек, пояларнинг шохланишини, экиннинг совукқа чидамлилигини, турли касалликларга қарши курашиш қобилиятини таъминлайди.

Ёруғликнинг спектрал таркиби қуёшнинг баландлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Қуёш зенитга қанчалик яқин турса, кўк, бинафафа ва ультрабинафафа нурлар шунчалик кўпаядп. Қуёш энергияси срга тўғри ва тарқоқ ҳолда стиб келади. Тўғри тушувчи нурлар параллель нурлар бўлиб, уларнинг ўсимлик учун аҳамияти унчалик катта эмас, чунки кун тиккага келганда тўғри нурлар ўсимликнинг фақат баргларигагина тушади ҳолос. Тарқоқ, яъни ёйилиб тушувчи нурларнинг аҳамияти катта бўлиб, у атмосферада синиши орқали буғ ва чанглар билан қўшилиб ўсимликнинг ҳамма жойига ўтади. Бундай нурлар тўғри тушувчи нурлардан ўз таркибida ФАР — фотосинтетик актив радиациянинг кўплиги билан фарқ қилади. Тўғри тушувчи радиациянинг миқдори йил фасллари ва булутли кунларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Кун тиккага келганда тўғри тушувчи радиациянинг улуши кўпаяди, яъни 60—85 фоизга стади, эрталаб ва кечқурун эса унчалик кўп бўлмайди. Қуюқ булутли кунларда радиация бўлмайди, тўғрироғи у сргача стиб келмайди. Сабзавот экинларининг ўсиш ва ривожланишига ёруғликнинг кўплиги ҳамда кечча ва кундузининг давомийлиги катта таъсир кўрсатади.

Турли хил сабзавот экинларининг ёруғлик кучига талаби турличадир. Масалан, ўсимликларнинг гуллаши учун: кўк-нўхотга — 1100, бодрингга — 2400, помидорга — 400 люксдан кам бўлмаган ёруғлик керак. Гул карам қоронгуликда тўла стилади. Шампиньон ва бошқа қўзиқорин учун ёруғлик кераксизdir.

Сабзавот экинларининг ёруғликка талабчанлигига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади: ўта ёргусвар-қовун, ошқовоқ, қалампир, бақлажон, помидор, бодринг, маккажӯхори, ловия,

нұхат; ўртача ёруғсевар—саримсоқ, пиёз, илдизмевалилар, карам; кам талабчанлари-баргли сабзавот экинлари (салат, исмалоқ, петрушка, күп йиллик сабзавотлар); сояпарварлари-күк пиёз, петрушка, сельдерей, шовул, ровоч — бу экинлар ер ости илдизларининг түплаган заҳира озиқ моддалари ҳисобига озгина ёруғлика ҳам барг чиқараверади.

Ёруғсевар сабзавот экинлари учун мақбул ёруғлик 30—40 минг лк, ўртача ва кам талабчан экинлар учун эса ёруғлик 5 минг лк дан ошмайди, иссиқхоналар ичида ёруғлик ташқарига нисбатан икки марта кам бўлади.

Сабзавот ўсимликлари ҳаётининг турли даврида ёруғликка талаби бир хил бўлмайди. Урганинг уйғопиш даврида ёруғлик зарур эмас. Урганинг уйғопиш даврида ёруғликка миқдорда керак бўлади. Агар бу даврда ёруғлик старли бўлмаса, ўсимлик бўйига ортиқча чўзилиб «нобуд бўлади. Ўсимлик бир неча барг чиқаргандан сўнг сустроқ ўсиши ҳисобига камроқ ёруғлик қабул қилиши мумкин. Генератив органларнинг пайдо бўлиши билан ўсимликтин ёруғлик етишмаслигига сезгирилиги ортади.

Бу даврда ёруғликнинг камайиши ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади, гунча ва тугунчалар тўкилади. Экиннинг ёруғликка бўлган талабчанлиги ҳам камаяди, мева тугиш секинлашади, органларнинг ўсиши мавжуд барглар ва заҳира озиқ моддалар ҳисобига ўтиб, бу ҳам тез орада тугайди. Гул карам бош ўраётганда аксинча ёруғлик керак эмас, акс ҳолда истеъмол учун яроқсиз маҳсулот шаклланади.

Ўсимликларда эволюция жараённанда қоронғуликка ҳам талабчанлик пайдо бўлди. Бу хусусиятини ёруғлик даврийлиги (фотопериодизм) деб аталади. Гуллаш ва мева тугиш зарур шароит сифатида ўртача минтақа ўсимликларида узун кунликка, тропик ўсимликларда эса қисқа кунли ёруғликка кўникма ҳосил бўлди. Сабзавот экинлари куннинг узун ёки қисқалигига талаби бўйича уч гуруҳга бўлинади: узун кун ўсимликлари-карам, брюква, шолғом, редиска, турп, сабзи, лавлагининг шимолий навлари, петрушка, пиёз, салат, исмалоқ укроп, нўхат ва бошқалар; қисқа кун ўсимликлари — ловиянинг кўплаб жанубий навлари, нўхат, лавлаги бодринг, помидор, тарвуз, қовун, ошқовоқ, бақлажон, маккажўхори; куннинг узунлигига лоқайд ёки (бетараф) ўсимликлар — мамлакатимизнинг мўътадил иқлими минтақаларида бодринг, помидор, нўхат, ловия ва полиз экинларининг баъзи навлари.

Узун кун ўсимликларининг гуллаш ва мева тугиши учун 14—17 соат давом этувчи ёруғ кун, қисқа кун ўсимликлари учун эса 10—12 соатли кун етарлидир.

Сабзавот экинларини очиқ далада етиштираётганда ёруғликни бошқариш имконияти жуда чекланган. Шунинг учун экиш муддатларини аниқ белгилаш, ёруғсевар ўсимликлар учун ён-бағирлари жанубуга қараган ерларни танлаш, бегона ўтларга

қарши курашиш, янги униб чиққан ниҳолларни ўз вақтида парвариш қилиш юқори ҳосил гаровидир.

Маълумки ёруғлик ҳаддан ташқари кўпайиб кетса ҳам ўсимликларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин буни олдини олса бўлади, масалан, ҳимоя учун қалин шохлайдиган экинлар экиш, ўсимликларни оҳак билан оқлаш, дока ёки бошқа материяллар билан сунъий соя яратиш орқали кучли ёруғликдан экинларни сақлаб қолиш мумкин.

Ҳимоя қилинган жойларда энг мақбул ёруғлик шароит яратиш учун тиниқ, шаффоф материаллардан фойдаланиш, уларни доимо тоза тутиш, экинларни ёруғликдан мукаммал фойдаланишга мослаб экиш лозим. Ўсимликларга табиий ёруғлик етишмаганда бошқа ёритиш манбаларидан фойдаланиш мумкин. Баъзан ўсимликлар бутунлай сунъий ёруғлик ёрдамида парвариш қилинади.

Ҳаво-газ режими. Атмосферани ташкил қилган газларнинг асоси кислород (21%), карбонат ангидрид (0,03%) ва азот (78%) дан иборат. Сабзавот экинлари нафас олиш учун кислороддан, органик моддаларни синтези учун эса карбонат ангидриддан фойдаланади. Азот ўсимликлар учун бетараф газ ҳисобланади. Ўсимликларнинг ер устки қисми кислород етишмаслигини сезмайди. Карбонат ангидрид миқдорининг 0,1—0,3 фоизга кўпайиши экинлар ҳосилдорлигини оширишга олиб келади. Ҳаво таркибида карбонат миқдорининг 1 фоиз дан ортиши ўсимликларга салбий таъсир этади.

1 гектардаги ўсимликлар кунига 500—550 м³ карбонат ангидрид сарф қиласди, бу эса 1 млн м³ ҳавога тўғри келади. Экин экилган майдонларда карбонат ангидрид шамолнинг ҳаракати ҳамда тупроқдан ажралаётган газ натижасида пайдо бўлади. Серчиринди ва микрофлорага бой бўлганд 1 гектар майдондаги тўпроқ бир кечакундуз давомида 50 кг карбонат ангидрид ажратиб чиқаради. Бу эса майдондаги ўсимликлар учун етарлидир.

Ўғитланмаган ва кам унумли ерлардан карбонат ангидрид 7—12 марта оз ажралиб чиқади. Бундай майдонлардаги ўсимликлар, худди минерал озиқларга ҳам, карбонат ангидридга ҳам танқислик сезади. Ўсимликларнинг карбонат ангидрид билан сурункали таъминланиши учун тупроқча гўнг ва бошқа органик моддалар солиш, тез-тез сугориб туриш, микроорганизмларга кислород киришини, шунингдек, органик моддаларнинг жадал парчаланишини таъминлаш лозим.

Карбонат ангидриднинг юқори аралашмаси ва тупроқда кислороднинг етишмаслиги атмосфера ва тупроқда ҳавонинг алмашини ёмонлаштириб қўйиши, бу эса ўсимликларнинг илдиз учун зарар келтириши мумкин. Шунингдек, тупроқнинг зичлашиб қолиши ёки қатқалоқнинг пайдо бўлиши ҳам ўсимликлар ва уларнинг илдиз системаси учун зарарлидир. Шунинг учун қатқалоқ бўлган жойларда ўз вақтида культивация ўтказиш лозим, бу тупроқда ҳаво алмашинувини яхшилаб, участкада карбонат ангидриднинг кўпайиб кетишига йўл қўймайди.

Замонавий иссиқхоналарда карбонат ангидриднинг ўсимликлар учун энг кичик чегарасигача пасайишига йўл қўймаслик керак. Бу иншоотларнинг 1 гектар сридан суткасига 250—300 кг карбонат ангидрид ажралиб чиқади холос. Ваҳоланки, серқүёш кунларда ўсимлик гектарга 700 кг CO₂ ўзлаштиради.

Иссиқхоналарда карбонат ангидриднинг стишмаслигини гўнг солиш йўли билан қоплаш мумкин. Шунинг учун бу ерда карбонат ангидриднинг ҳаво билан бойитилган аралашмалари қўлланилади. Бироқ сабзавотчиликда шуни унутмаслик керакки, ҳавода бошқа газлар ҳам мавжуддир. Тупроққа органик моддалар солинганда, биологик жараёнлардан сўнг карбонат ангидрид билан бирга аммиак ва метан ҳам ажралиб чиқади. Аммиак аралашмасининг ҳавода 0,1—0,6 фоизга кўпайиши баргларни кўйдириши, 4 фоиз га ортиши эса ўсимликларни бир сутка ичидан нобуд қилиши мумкин. Метаннинг зарари ҳам бундан кам эмас. Шунинг учун ҳавода қандай газлар кўпайиб ёки камайиб бораётганини доимий кузатиб бориш лозим.

Сабзавот ўсимликларини саноат корхоналари атрофига экишдан аввал ҳавонинг таркибини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда ҳавода олtingугурт гази, азоn, ис гази, азот оксиди қанчалик мавжудлигини, ҳавонинг қурум, кул, фтор, бирикмалари, сульфат кислоталари ҳамда бошқа заарли моддалар билан ифлосланганлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Ҳаво таркибида газ миқдорини оширмаслик керак: олtingугурт гази азот оксиди эса 5 мг/м³ дан кўпаймаслиги лозим.

Сабзавотчиликда баъзи бир газлар амалий аҳамиятга эга бўлган мақсадларда қўлланилади. Иссиқхоналарда стиштирилаётган бодрингларни ацетилен билан ишлов бериб, уларда оналик гулларнинг пайдо бўлишини тезлаштириш мумкин. Помидор пишишини тезлатиш учун ҳавога оз миқдорда этилен, пропилен ва ацетилен қўшилади. Помидор мевалари ҳавода 60—70 фоиз кислород бўлганда бундан ҳам тезроқ этилиши мумкин.

Сув режими. Сув ўсимлик тўқималарининг таркибий қисмидир. Сабзавот ўсимликлари таркибининг 75—85 фоизини, маҳсулот қисмининг эса 65—97 фоизини ташкил қиласди.

Сабзавотчиликда экинларнинг қанча миқдорда сув талаб қилиши ва уларнинг тупроқ намлигига талабчанлигини яхши билиш керак. Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ҳосилининг стилиши сув ва унинг миқдори билан характерланади. Уни сувни буғлантириш унумдорлиги (1 литр сув сарфи ҳисобига ўсимликнинг шаклланиши, қуруқ модда миқдорида), сувни буғлантириш коэффициенти (1 кг қуруқ модда этиштириш учун сарф бўлган сув миқдори) ҳамда сувдан фойдаланиш коэффициентида (ўсимлик ва тупроқнинг 1 тонна ҳосил учун буғлантирган сув ҳижми м³ ҳисобида) акс этади.

Кўпчилик ўсимликлар учун сувни буғлантириш миқдори 2—3 г/л, сувни буғлантириш коэффициенти эса 300—800 ни ташкил қиласди. Сабзавот ўсимликлари шаклланишида фақат 0,1—0,2 фоиз сувни сарфлайди холос. Бу кўрсаткич тупроқдан буғ-

ланыётган сув даражасига, ўсимликнинг ташқи мұхит омиллариға биологик хусусиятига боғлиқдир. Сув сарфлаш коэффициенті 25—300 атрофида бўлади, яъни 1 т ҳосил учун 250—300 м³ сув сарфланади.

Йқлим қанчалик нам ва ҳосил кўп бўлса, сув бугланиши шунчалик кам, сувдан фойдаланиш коэффициенти ҳам шунчалик кичик бўлади. Жанубнинг қурғоқчиш шароитида у қуидагича: қарамлар учун — 250—300, пиёз, чучук гармдори — 200—250, бақлажон учун — 150—200, помидор — 120—250, сабзи — 80—120, картошка — 70—150, лавлаги учун — 60—90. Агар помидорнинг сувдан фойдаланиш коэффициентини 140 деб қабул қиласак, унда гектаридан 40 т ҳосил олиш учун 5600 м³ сув талаб қилинади. Бизнинг шароитимизда атмосферадан тушадиган ёгин (200—300 мм) гектарига 2000—3000 м³ ни ташкил қиласди, холос. Ўртадаги фарқни тўлдириш учун сугориш керак.



Сувга бўлган талабчанлик тупроқнинг ўзига хос биологик хусусиятини аниқловчи мақбул намлик даражаси билан белгиланади. Сабзавот экинлари учун тупроқнинг мақбул намлик даражаси 70—85% ТДНС (тўла дала нам сигими) ва ҳавонинг нисбий намлиги 50—90%.

Сув етишмаслиги оқибатида фотосинтез ва ўсиш жараёнлари сескинлашади, нафас олиш кучаяди, ўсимлик қарыйди, ҳосилдорлик кескин камаяди, сифати ҳам ёмонлашади. Илдизмевалар ва бодрингнинг пўсти дағаллашиб, хуштаъмлигини йўқотади. Агар нам ҳаддан ташқари ортиқча бўлса, илдизларнинг нафас олиши ёмонлашади, сабзавот мевалари таркибида қанд ва тузи камаяди, сақлашга ярамайди. Ҳавонинг ўта намлиги ўсимликларнинг нормал гуллашини ва мева тугишини қийинлаширади, айни пайтда эса уларни замбуруғлар ва бошқа бактериал касаллнклар билан зарарланишини кучайтиради.

Сабзавот экинларининг тупроқ намлигига талабчанлиги ўсиш ва ривожланишнинг турли даврларида ҳар хилдир. Барча сабзавот экинлари уруғнинг бўртиш ва кўкариб чиқиш даврида намга жуда талабчан бўлади. Бу даврда нам етишмаса уруғлар тўлиқ униб чиқмайди, натижада сийрак бўлиб қолади ёки униши кечикади.

Янги униб чиққан ўсимликлар сувни кам сарфлайди, аммо айни бир вақтда тупроқнинг сернам бўлишини талаб қиласди. Чунки, бу даврда ўсимликларнинг илдизи кам тараққий этган ва тез қуриб қолувчи ер юзасига яқин жойлашган бўлади. Қарам учун бутун ўсув даврида, айниқса, бош ўраётганида тупроқнинг сернам бўлишини талаб қиласди. Мевали экинлар учун эса мева тугиши даврида намлик кўпроқ керак бўлади.

Сабзавот экинларининг илдиз системаси ўзининг ривожланиши қуввати ва тупроқдан намни сўриб олиш қобилияти бўйича кўпгина дала экинларидан анча орқада туради. Агар ғалла экинларининг сўриш кучи 12 атм гача бўлса, помидорники — 5,6 атм холос. Кузги буғдоининг илдизи срнинг 2 метргача,




Расм. Сабзапот системаларининг илдиз системаси (Л. Г. Г. гров энтина)

маккажүхориники — 4 метргача тушса, қўпчилик сабзавот экинларининг илдизи фақат 0,5—1,5 м гача кириб боради холос.

Сабзавот экинлари илдиз системасининг атрофга ёйнилиши, тармоқланishi ва чуқурликка тушшиб бориши билан бир-бирларидан кескин фарқ қиласди (1-расм). Ушбу белгиларига кўра сабзавот экинлари уч гуруҳга бўлинади: 1) илдиз системаси тармоқланган 2—5 м ёнига ва чуқурликка ёйилган экинлар — ошқовоқ, тарвуз, қовун, ош лавлаги, хрен; 2) илдиз системаси нисбатан кучли тармоқланиб, ҳайдалма қатламниг тубига 1—2 м пастига кириб борувчи экинлар — сабзи, петрушка, помидор, карам (кўчириб ўтқазилмаган); 3) илдиз системаси кучли (бодринг) ва кучсиз (пиёз) тармоқланиб, ҳайдалган ерда ёки ўз ҳолича 0,5 м чуқурликкача борувчи экинлар — карам, қалампир, бақлажон, бодринг, пиёз, редиска, салат, исмалоқ.

Кўпгина сабзавот экинларининг барглари серёт ва йирик бўлиб, уларни буғлантирувчи юзаси илдиз системасининг сўрувчи юзидан анча ортиқдир. Илдиз массаси ва ер устки қисмиининг нисбати: бодрингда — 1:25, помидорда — 1:15, карамда — 1:11, буғдоида — 1:2. Сабзавот экинларининг барг оғизчаларининг диаметри, бошқа экинларникига нисбатан катта, кам ҳаракатчан, кўпинча кечаки-кундуз очиқ туради, баъзан кундузи намлик стишмагандагина ёпилади.

Е. Н. Петров тупроқдан нам сўриб олиш ва сарфлаш қобилиятига қараб сабзавот экинларини 4 гуруҳга бўлади: 1) сувни яхши сўради ва жадал сарфлайди — лавлаги; 2) сувни яхши сўриб, аммо тежамли сарфлайди — тарвуз, қовун, ошқовоқ, маккажӯхори, сабзи, петрушка, помидор, қалампир, ловия; 3) намни қийинчилик билан сўради, бироқ жадал буғлантиради — карам, бақлажон, турп, редиска, салат, исмалоқ; 4) сувни кучсиз сўради ва тежам билан сарфлайди — пиёз, саримсоқ, пиёз (2-расм).



2-расм. Сувни узлаштириш ва сарфлаш хосаси бўйича сабзавот усманиклари гуруҳи (Е. Г. Петров бўйича)

Амалиётда тупроқ намгарчилигига муносабати бўйича сабзавот экинлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: жуда намталаб-карамнинг ҳамма турлари, бодринг, редиска, турп, шолғом, бақлажон; нам талабчан — пиёз, саримсоқ, пиёз; камроқ талабчан ош лавлаги, сабзи, петрушка, помидор, қалампир; намсизликка чидамли — тарвуз, қовун, ошқовоқ, маккажӯхори, ловия.

Сабзавот экинлари ҳавонинг намгарчилигига ҳам бир хилда талабчан эмас. Бодринг, пиёз, карамнинг бир қанча турлари ва баъзи бир баргли сабзавотлар учун ҳавонинг мақбул нисбий намлиги 80—95%, сабзи, лавлаги, помидор, бақлажон, булғор қалампир, ловия учун 60—80, шунингдек, полиз экинлари учун 50—60 фоиз бўлиши лозим.

Ёпиқ ерда сабзавот экинларининг сув режимини яхшилаш учун доимо сугориб турилади. Бу ерда экинлар учун қулай ҳарорат яратишга имкон бор, экиннинг ёши ва ҳолатига мувофиқ тупроқ намини ҳам, ҳавонинг нисбий намлигини ҳам ўзгартириш мумкин. Демак, ҳимоя қилинган жойларда (парник, иссиқхона ва ҳ.к.) юқори ҳосил этиштириш имкони бор.

Сернам ва ботқоқланган очиқ ерлар аввал қуритилади ёки жўяқ тортиб сабзавотлар пушталарга экилади. Очиқ жойлардаги экинларнинг сув режимини яхшилаш учун, экинлар талабига мос

келадиган табиий намлиқ режими созроқ далалар танланади, иҳота даражатлари экилади, сув ва қорни тутиб қолиш учун қалин даражатзорлар барпо қилинади, эрта баҳорда бороналаш ўтказилиб, ерни юмшоқ ҳолатда сақлаш талаб қилинади. Тупроқ ва ҳавонинг сув режимини тартибга солишнинг энг самарали усулларидан бири сугоришdir. Сугоришининг зарурлиги, сугориш сони, миқдори табиий сув билан таъминланганликка боғлиқ. Сабзавотчиликда сугориш муддатлари қатъи фазалар ва бошқа усуллар бўйича аниқланади. Ўсимликнинг сув билан таъминланганлигини сугориш дефрактометри ёрдамида, шунингдек, ўсимлик тўқималаридаи шарбат (сок)нинг аралашмалари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Сугориш муддатини тегишли аппаратлар ёрдамида лаборатория ёки дала шароитида илдиз жойлашган тупроқнинг намлигини текшириб белгилаш ишончлидир.

Озиқ режими. Сабзавот экинларининг ҳозирги навлари йил сайин ўғитланган унумдор томорқа срларида ўсган ва парваришлаб келинган. Натижада илдиз системаси кучсиз тараққий этган ва тупроқ юзасидаги моддалардан фойдаланишга мослашиб қолган, унумдор тупроққа талабчан бўйлиб қолган шакллари яратилган.

Сабзавот экинларининг минерал озиқларга бўлган муносабати иккита асосий кўрсаткич орқали белгиланади: 1 гектар майдондан бутун ўсув даври мобайнида ўсимликларнинг озиқ элементларини умумий олиб чиқиб кетиши ва уларнинг тупроқдаги мавжуд озиқ моддаларга бўлган талабчанлигидир.. Сабзавот экинларининг 1 га майдондан азот, фосфор ва калий олиб чиқиб кетиши 120—170 дан (редиска, бодринг) 500—600 кг гача (кечки карам, лавлаги). Барча сабзавот экинлари калий ва азотга қараганда фосфорни камроқ ўзлаштиради. Тупроқдан ўзлаштириладиган минерал озиқ моддалардан пиёз ва исмалоқда азот, қолган сабзавот экинларида эса калий борлиги кузатилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Сабзавот экинлари ҳосили билан минерал озиқ элементларининг ўзлаштирилиши (В. П. Матвеев ва М. И. Рубцов бўйича, 1985)

Экинлар	1 га срдан ҳосил	1 га срданги ҳосил таркибида	1 ц ҳосил билан кечакундузда ўртача	Тахминий нисбати
		N P ₂ O ₅ K ₂ O	N P ₂ O ₅ K ₂ O	N P ₂ O ₅ K ₂ O
Оқ бошли карам	50	205 70 245	2,7 0,9 3,3	4:1:5
Помидор	40	132 46 181	2,2 0,8 3,0	4:1:5
От лавлаги	40	108 61 171	2,3 1,3 3,6	3:2:5
Сабз	30	69 31 114	1,9 0,9 3,2	3:2:5
Исмалоқ	200	100 34 80	8,3 2,8 6,7	5:2:4
Бош пиёз	250	111 29 53	4,4 1,2 2,	6:1:3
Бодринг	30	51 41 78	11,7 1,4 2,6	3:2:5
Салат	25	55 25 110	3,7 1,7 7,3	3:1:6
Редиска	10	50 14 54	16,7 4,7 18,7	4:1:5

Азот, фосфор ва калий жамланиб, ҳосили билан олиб чиқиши бўйича сабзавот экинлари уч гуруҳга бўлинади: 1) кўп (1 га дан 600 кг гача) карамнинг ўртача кечки ва кечки навлари, сабзи, лавлаги, ўртача кечки ва кечки картошка; ўртача миқдорда олиб чиқувчилар (1 га дан 400 кг гача)— эртаги ва гул карам, помидор, пиёз; кам миқдорда оловчи (1 га дан 200 кг гача) салат, бодринг, редиска, исмалоқ.

Ўсимликларнинг минерал озиқларга талабчанлиги бу элементларнинг товар маҳсулот бирлигига сарфи билан белгиланади. У одатда элементларнинг умумий чиқиши билан эмас, балки асосан ўсимликларнинг биологик хусусияти, тезпишарлиги, ер устки ва остки қисмининг жадал ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сабзавотчилик фанини ўрганаётганда экинларнинг биологик хусусиятига кўпроқ аҳамият бериш, уни синчиклаб ўрганиш талаб қилинади. Масалан, шундай ўсимликлар борки, улар ўзи билан кўп миқдорда озиқ элементларини ўзлаштириб унумсиз ерларда ҳам талаб даражасида ўсоверадилар (илдиз мевалилар, полиз экинлари). Ва аксинча, шундай ўсимликлар борки, улар жуда кам миқдорда озиқ элементлари ўзлаштириб, айни пайтда унумдор ерларга талабчандир (кўкат сабзавотлар, гул карам, бодринг). Экинларнинг кечпишар навлари қараганда ўсув даври анча қисқа бўлган тезпишар навлари бир кеча-кундузда ўртача кўп миқдорда озиқ элементлар ўзлаштиради ва унумдор ерларга анча талабчан ҳисобланади.

Сабзавот экинларининг тупроқдаги озиқларга умуман ва айrim озиқ элементларига бўлган талабчанлиги ҳамда уларни ўзи билан олиб чиҳиб кетиши бутун ўсув даври давомида ўзгариб туради. Ўйонаётган муртак тупроқдаги минерал озиқ элементларига муҳтож эмас, у уругдаги заҳира моддаларни сарф қиласди. Илдизлари ўсиб чиққандан кейингина тупроқдан минсрал озиқлар талаб қиласди. Бу вақтда уруг ҳам униб чиққан бўлади. Улар тупроқдаги эритмалар аралашмасига сезгир бўлади. Тупроқда бирон бир озиқ элементининг стишмаслиги ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Ниҳолчалар кўчат қилиб ўтқазилганда минерал озиқ элементларига жуда талабчан бўлади, чунки илдизларининг озигина сўрувчи юзаси ёш ўсимликларнинг тез ўсишини таъминламайди.

Маълумки, ёш ўсимликларнинг илдиз системаси кам тараққий этган, шунинг учун ҳам катта ёшдаги экинларга нисбатан тупроқдаги озиқ элементларини қийин ўзлаштиради. Шунга кўра бу даврда ниҳолчаларнинг илдизи ва поясининг ўсишини таъминлайдиган фосфорли-калийли ўғитлар кўпроқ солиниши керак.

Ўсимликларнинг ер устки қисми ва илдиз системасининг ўсиши ҳамда ривожланиши билан унинг янги минерал озиқ элементларга бўлган талаби ҳам ортиб боради. Илдизлар тупроқдаги эритмалар аралашмаларига мослашиб ўса бошлайди. Ўсимликтини зиглабки босқичида фосфорли ўғитлар муҳим ролни

ўйнаса, ўсув органларининг шаклланиши, гуллаши ва мева тугиши даврида азотли ва калийли ўғитлар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Экинларнинг гуллаш ва мевалаш даврида азотга бўлган талаблари ортади. Бу даврда азот стишмаслиги сезилса, экинларнинг ўсиши ва гуллаши кечикади, натижада ҳосилдорлик камаяди. Мевали, сабзавот ва икки йиллик экинларнинг гуллаш ҳамда мевага кириш даврида кўп миқдорда фосфор ва калий ўғитлари солиниши керак. Фосфор ва калийнинг тез сўрилувчи усуллар асосида солиниши ҳосилдорликни кескин оширади, сабзавот ва меваларнинг кимёвий таркибини яхшилайди.

Барча сабзавот экинлари ва икки йиллик ўсимликларнинг органлари заҳира озиқ элементларни қабул қилиши камаяди.

Ўсимликлар яшаш фазаларида тупроқдан минерал озиқ элементларини жадаллик билан ўзлаштириб бориши, илдизларнинг ўсиши ва нафас олиши билан боғлиқдир. Кислород билан сурункали таъминланиши ва карбонат ангидриднинг доимий ажралиб чиқиши илдизлар фаолиятига зарурат ҳисобланади. Сўришнинг тезлиги ҳароратга ва тупроқнинг намлигига ҳам маълум даражада боғлиқдир. Совуқ ҳаво ва намнинг стишмаслиги ёки аксинча, юқори ҳарорат ҳамда намнинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши сўрилиш тезлигини кескин камайтиради.

Сабзавот экинларини парвариш қилаётганда уларнинг тупроқ эритмалари аралашмасига муносабатини ва реакциясини ҳисобга олиш лозим. Сабзавот экинлари шўр (туз)га чидамлилиги бўйича уч гуруҳга бўлинади: 1) шўрга жуда чидамли экинлар — ошқовок, лавлаги, бақлажон, сельдерей, карам (1% гача шўрланганликка бардош берга олади) 2) шўрга ўртacha чидамли экинлар — тарвуз, қовун, пиёз, помидор, шолғом, брюкva (0,4—0,6% гача); шўрга чидамли экинлар-бодринг, сабзи, редиска, саримсоқ пиёз, маккажӯхори ва кўчат қилиб ўтқазилган барча ўсимликлар (0,1—0,4% гача).

Ўзбекистон шароитида сульфат-хлоридли ва хлорид-сульфатли шўрланган срлар мавжуд. Шунинг учун шўрга чидамлилик бу регионда хлорнинг миқдорига қараб белгиланади. Экинлардан кўнгилдагидек ҳосил олиш учун илдизлар жойлашадиган қатламларнинг шўрга чидамлилигининг агрономик нормасини билиш керак. Масалан баъзи экинлар учун қўйидагicha (хлор бўйича. %): ош лавлаги учун — 0,030—0,035; карам учун — 0,020—0,033; редиска учун — 0,17—0,20; картошка, пиёз, салат, исмалоқ ва укроп учун — 0,015—0,020; сабзи учун — 0,010—0,15. Бундан мана шу миқдорда шўрланган қатламларда юқорида санаб ўтилган экинларнинг илдизи яшаши мумкинлиги кузатилади. Илдизлар бу миқдордаги шўрга чидайди.

Ўсимликларнинг авлод қолдириши учун шўрга чидамлиликнинг биологик нормаси, агрономик нормадан 0,03 фоиз юқоридир. Кўпчилик сабзавот экинлари шўртоб ва нейтрал тупроқларда яхши стилади. Ўрта Осиё тупроқлари карбонатга бой бўлиб,

нейтрал ишқорий реакцияга эга (рН 7,5—8,4) бўлиб, барча сабзавот экинлари учун мутлақ яроқлидир. Бунда карам, бақлажон ва бодринг учун мақбул реакция 6,5—6,0 ўртасида, сабзи, ошқовоқ ва помидори учун 6,0—5,5. Пиёз, саримсоқ пиёз, салат, исмалоқ, пастернак, сельдерей, ош лавлаги, қалампир ва ловия муҳити ишқорий тупроққа унчалик сезгир эмас.

Ўсимликларнинг минерал озиқ элементлари билан таъминланганлиги дала ва вегетацион тажрибалар ҳамда бошқа усувлар ёрдамида аниқланади. Масалан, ўсимликларни кечикиб ўсаётганини уларнинг ташки кўринишидан ҳам билиш мумкин. Азотнинг етишмаслиги 100 г тупроқда 5—7 кг (карам) ва 3 кг (сабзи) миқдорда нитратларнинг бўлиши билан аниқланади. Бунда ўсимликлар оч яшил, баъзан сариқ рангга киради, ўсиши секинлашади, барглари, новдалари ва ҳосили майдалашиб кетади. Экинларга азот ҳаддан зид солингандага улар гуркираб ўсади, ранги тўқ яшил бўлиб, пояси қалинлашади, бироқ шоналаши ва гуллаши кечикади.

100 г тупроқда P_2O_5 4—6 мг дан кам бўлганда, унда фосфор етишмаслигининг белгилари намоён бўлади. Бунда карам баргларида томирлар кўкариб кўриниб қолади, помидорнинг пастки баргларида эса қизғиш—банафша ранглар пайдо бўлади. Ўсимлик ўсишдан қолади (тўхтайди). Ривожланиш органларининг пайдо бўлиши кечикади.

100 г тупроқда 7—9 калийнинг бўлиши ерда бу ўғитга катта эҳтиёж сезилганидан дарак беради. Бунда ўсимликнинг пасти барглари сарғаяди, чекка барглари эса қорамтири туслага киради. Масалан, помидорни олиб кўрайлик. Унинг пастки баргларининг томирчалари ораси саргайиб, меваларида яшил-сарғиш доғлар бўлади.

Сабзавот экинлари парвариши учун органик моддалар билан бойитилган унумдор ерлар керак. Шўрланган тупроқлар уларнинг парвариши учун унчалик яроқли ҳисобланмайди. Шунинг учун жумҳуриятимизда унумдор ерларни кўпайтириб бориш мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг асосий омилидир.

З Б об САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ

Сабзавот экинларини кўпайтириш усувлари. Турли хил сабзавот экинларини кўпайтиришда ҳар хил усувлар қўлланилади. Улар жинсий йўл билан ва вегетатив ўсув органларидан кўпайтирилади. Мана шу белгилари бўйича сабзавот экинлари қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Жинсий йўл билан кўпайтириладиганлар — карамдошлар, итузумдошлар, қовоқдошлар, сельдерейдошлар, дуккакдошлар ва бошқалар.

2. Асосан вегетатив органларидан күпайтириладиганлар — саримсоқ, картошка, хрен, қат-қатли пиёс.

3. Жинсий йўл билан ҳамда вегетатив органлардан күпайтириладиганлар — қўп йиллик ўсимликларнинг кўпчилиги, пиёслар, айрим хушбўй ўсимликлар.

Экинлар вегетатив йўл билан кўпайтирилганда экиладиган "Ургуллар" майда пиёз бошчалари ва саримсоқ бўлакчалари (тишчалари), картошка ва батат туганаклари, илдиз бўлаклари ва илдиз-томирлар (хрен, эстрагон, ялпиз, шнит-пиёз, спаржа, катран), пиёслар (бош пиёз, шалот), новда пархишларидан (спаржа, эстрагон), илдиз бачкилари (артишок, ялпиз), новдалари (шовул, батун-пиёз, шнит-пиёз,) қаламча (эстрагон, ялпиз, помидор), мицелия бўлакчалари (замбуруғлар), каби ўсимлик аъзоларидан иборат бўлади.

Сабзавот ўсимликларининг уруғлардан кўпайиш даражаси (коэффициенти) вегетатив усуслга нисбатан жуда юқори ва самарали ҳисобланади.

Вегетатив усула кўпайишда ўсимликларнинг экинлар вегетатив навдорлик белгилари яхши сақланади, бироқ бу усул кўп харажат талаб қиласди. Шунинг учун сабзавотчиликда бу усул қўйидаги ҳолларда қўлланади:

1) уруғдан кўпайишга ўсимликнинг қобилияти тўла ёки қисман йўқолган (саримсоқ пиёз, қат-қат пиёз);

2) уруғдан кўпайтиришда нав белгилари деярли сақланмайди (ровоч);

3) эртаги ва юқори ҳосил олиш имкониятини бергандан (батун-пиёз, шнит-пиёз, хрен);

4) бирон ўсимликнинг илдизини бошқа бирор ўсимликнинг зараркунанда ва касалликларга чидамли илдизи билан алмаштириш зарурати туғилганда;

5) икки ва кўп йиллик ўсимликларнинг уруғлари ўсимликларни вегетатив органларидан кўпайтириш коэффициентини ошириш ва турли касалликлардан ҳимоя қилиш учун янги усул-ўсимлик тўқималаридан фойдаланила бошланди. Бу мураккаб усул лаборатория шароитида ўсимликларнинг жуда кичик мерсистемаларини, ҳатто битта тўқимадан (масалан, чангловчидан) иборат бўлакларини парвариш қилиш имконини бермоқда.

Уруғларнинг биологик хусусияти ва сифати. Уруғланиш жараённида жинсий тўқималарнинг қўшилиши натижасида уруғ шаклланади. Агар гул тугунчасида битта уруғкуртак бўлса, бир уруғли мева ҳосил бўлади. Сельдерейлар оиласига кирувчи сабзавотлар тугунчасида иккита уруғкуртак бўлади ва улар икки уруғли мевалар ҳосил қиласди. Агарда уруғдонда бир нечта уруғкуртак бўлса, унда кўп уруғли мевалар ҳосил бўлади (кўпчилик сабзавот экинларида).

Етилган серуруг мевалар қуруқ (қалампир, пиёз, карамдошлар ва дуккакдошлар оиласига кирувчи экинлар) ёки серсув (помидор, бақлажон, бодринг, қовун, тарвуз, ва бошқалар) бўлади. Лавлаги

мевалари бир уруғли, аммо улар қўшилиб ўснб тугунақ мевалар ҳосил қиласди.

Лолагулдошлар, итузумдошлар, сельдерейдошлар, бошоқдошлар, гречихадошлар ва шўро дошлар оиласига киравчи ўсимликларда озиқ моддаларида сақланади, эндоспер. Қовоқдошлар, карамдошлар, дуккаклилар ва астрадошлар оиласига мансуб ўсимликларда захира озиқ моддалар йирик уруғпаллада тўпландади. Дуккакли ўсимликларда, маккажўхорида уруғпалла тупроқда қолади ёки уруғдан униб чиқаётганда уруғпалла осон очилгани учун кўчкат қилинганда яхши тутмаслиги мумкин.

Кўпчилик сабзавот экинларининг эндигина стилган уруғлари жуда сескин унади ёки умуман униб чиқмайди, чунки, уруғ бу пайтда тиним ҳолатида бўлади ва бу давр 2—3 ой давом этади. Бироқ помидор ва ошқовоқ уруглари стилгач, тезда униб чиқади.

Уруғлар унувчалигининг сақланиши экиннинг турига, парваришилаш шароитига, йигим-теримга, ундан кейинги ҳолати ва сақланиш шароитига боғдиқдир. Оддий шароитда қуйидаги экинларининг уруғлари унувчалигини йўқотмайди: пастернак — 2 йилдан зиёд, укроп, петрушка, сельдерей, пиёз ва шовул — 3 йилгача, сабзи, салат, исмалоқ ва қалампир уруғи — 4 йил, редиска, карам, лавлаги, шолғом, ровоч — 5 йил, нўхат ва маккажўхори — 7 йил, бақлажон, бодринг, қовун ҳамда ловия уруғи эса 9 йил. Уруғларининг униб-ўсиши учун намлик, иссиқлик ва кислород старли миқдорда бўлиши лозим.

Маккажўхори ва қовун уруғларининг тўла бўртиши учун улар қуруқ уруғ оғирлигига нисбатан 40%, тарвуз, ошқовоқ ва бодринг — 52%, карам — 60%, пиёз ва сабзи — 100%, таркибида кўп миқдорда оқсил сақловчи нўхат уруғи эса — 150—160% сувни сингдиради. Бўртиш тезлиги уруғ қобигининг тузилиши ва кимёвий таркибига боғлиқ. Масалан, қовоқдошлар, дуккаклилар ва карамдошлар оиласига мансуб бўлган экинларининг уруғи 1—2 кунда бўртади, 4—6 кунда эса униб чиқади. Пиёз уруғ 5—7 кунда бўртади, 7—14 кунда майсалайди. Сельдерейдошлар уруғининг униб майсалаши кўпинча бир ойга боради.

Сабзавот экинларининг уруғи ҳажми, шакли, ранги ва ҳиди бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Ургулар 1 г, вазнидаги сонига боғлиқ ҳолда, 5та гуруҳга бўлинади:

1) 10 тадан кўп бўлмаган, жуда йирик уруғлар-ловия, нўхат, тарвуз, ширин маккажўхори:

2) йириклар (11—100)— қовун, бодринг, лавлаги, ровоч, тарвузнинг майда уруғли нави, исмалоқ, редиска, турп:

3) ўртачалар (150—350 дона)— помидор, карам, брюква, пиёз, қалампир, бақлажон, пастернак, укроп:

4) майдалар (600—1000 дона)— сабзи, петрушка, шолғом, салат:

5) жуда майдалар (1000 донадан зиёд)— шовул, сельдерей, эстрагон, картошка.

Сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш аввало олий навларининг уруғи юқори сифатли яъни уруғ маълум навга тегишли,

тоза, экишга яроқлилиги юқори қўллашга боғлиқдир. Бу сифатлар ОСТ-4690-80, ОСТ 46-105-80 каби тармоқ стандартлари билан белгиланади.

Сабзавот ва полиз экинлари уруғлари навнинг сифати бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи категорияларга бўлинади. Бошқа навларнинг биринчи ва иккинчи категориялар уруғларини ҳамда турли дурагайларни аралаштирмаслик лозим. Аралашмалар фақат асосий навлардан четлаштирилган ҳолдагина бўлиши иумкин. Учинчи категория уруғларга ўсимликларнинг 1 дан 3 фоизгача бўлишига боғлиқ ҳолда камёб дурагай ва навлар аралашмасининг миқдори 1 фоизгача, учинчи категорияда эса — 3—5 фоизгача бўлиши мумкин.

Бодринг ва помидор дурагайлар ва навларнинг иссиқ хонада етиштирилган уруғи ўзининг нав сифати бўйича ОСТ-4692-80 стандартининг талабларига мос келади ҳамда биринчи ва иккинчи категорияга бўлинади.

Тупроқ сифати деганда биз, унинг ундурувчанлик, кўкартириш энергияси, ҳаётчанлигини, ўстириш қувватини, зааркунанда ва турли касалликлар билан заарланганлигини, намлигини, тозалигини ва экишга яроқлилигини тушунамиз. Унувчанлик-уруғларнинг бу қобилияти маълум муддат ва шароитда нормал ўсиб чиқишини ифодалайди ҳамда фоизларда ифодаланади. Тозалик-анализ учун олингандан ва фоизларда ифодаланадиган асосий экинлар урганинг массаси билан белгиланади. Сельдерейлар оиласига мансуб ўсимликлар учун у 90, қовоқдошлар учун — 97—99, бошқа экинлар учун эса — 96—97 фоизга тўғри келади.

Экишга яроқлилик уруғнинг тозалигини ва айни вақтда унинг унувчанлигини, яъни мазкур партияда қанча фоиз унувчан ва тоза уруғлар борлигини кўрсатади. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$x = \frac{TV}{100}$$

бу ерда: T — уруғнинг тозалиги, %; V — унувчанлик, %.

Сабзавот ва полиз экинларининг уруғи экиш сифати бўйича биринчи ва иккинчи синф (туркум)га бўлинади (3 жадвал).

3-жадвал

Асосий сабзавот ва полиз экинлари урганинг экиш сифати

Экинлар	Синф	Унувчанлик, каміда, %	Тозалик, каміда, %	Бошқа ўсимликлар уруғи, вазнига нисбатан кўпли билан, %		Намлик, % дан кўп эмас
				жами	шу жумладан бегона ўтлар уруғи	
1	2	3	4	5	6	7
Тарвуз	1 2	92 80	99 96	0,1 0,4	0 0,20	10

1	2	3	4	5	6	7
Баклажон	1 2	75 60	98 95	0,2 0,5	0 0,20	11
Қовун	1 2	90 75	99 97	0,1 0,2	0 0,10	
Қовоқча	1 2	95 80	99 96	0,1 0,2	0 0,10	9
Оқ бош ка- рам	1 2	85 60	98 95	0,5 1,0	0,20 0,50	
Шолгомсимон ниәз	1 2	80 50	99 95	0,2 0,5	0,10 0,30	11
Сабзи ва пет- рушка	1 2	70 45	95 90	0,5 1,0	0,20 0,40	10
Бодринг	1 2	90 70	99 96	0,1 0,2	0 0,10	
Қалампир	1 2	80 60	95 95	0,2 0,5	0 0,20	11
Турп, редис- ка	1 2	85 65	96 92	0,2 1,0	0,10 0,50	9
Лавлаги	1 2	80 60	97 94	0,5 1,0	0,20 0,50	14
Сельдерей	1 2	75 50	98 93	0,5 1,0	0,20 0,40	10
Помидор	1	85	98	0,2	0,10	11

Уругчиллик ва бошқа хўжаликларда кўпайтириш учун экиладиган элита ва суперэлита уруғлар нав сифати бўйича биринчи навли категориядан, экиш сифати бўйича эса биринчи класс нормасидан паст бўлмаслиги лозим. Уругчиллик ёки бошқа хўжаликларда кўпайтириш учун экиладиган биринчи ва иккинчи репродукция уруғлар нав сифати бўйича иккинчи категориядан, экиш сифати бўйича эса биринчи классдан паст бўлмаслиги керак.

Жамоа давлат ва бошқа хўжаликларнинг майдонларига экиладиган тегишли репродукция уруғлари нав сифати бўйича учинчи навли категориядан, экиш сифати бўйича эса иккинчи класс нормасидан паст бўлмаслиги даркор. Навсиз ва маҳсус қайта ишловдан ўтмаган уруғлар экишга қўйилмайди.

Уруғларни экиш олдидан тайёрлаш. Сабзавот экинларини саноат асосида етиштиришда сифатли уруғлардан фойдаланишинг моҳияти тобора ортиб бормоқда. Экинларни парваришлашда ва ҳосилни йигиб-териб олишида машиналарнинг юқори унум ва сифатли ишлаши учун ўсимликлар ўртасидаги оралиқни, ёши ва тузилишини аниқлаш лозим. Ўсимликларнинг ўртасида бундай оралиққа (уларнинг бир хил ўлчамлари бўйича) уруғларнинг юқори бўртиш ҳамда унувчанлик кафолати бўлган экиш материалларидангина фойдаланганда эришиш мумкин. Бунда уруғлар

экиш олди тайёргарлигидан албатта ўтган бўлиши керак. Бу уруғларнинг дала шароитида яхши бўртиши ва униб чиқиши, турли хил заарланиш ва касалликларнинг олдини олиш, ёш ниҳолларнинг озиқланишини яхшилаш, ташқи омилларнинг турли ноxуш шароитларига чидамлилигини ошириш, пишишини тезлаштириш ҳамда ҳосилдорликни ошириш учун жуда зарур. Бир гектарга экиладиган ва унча кўп бўлмаган уруғлар экишдан олдин махсус тайёргарлик учун кўп маблағ талаб қилмайди.

Уруғларни экишдан олдин тайёргарликдан ўтказиш ишлари қўйидагилардан иборат.

Калибрлаш (сараплаш). Йирик уруғлар тез бўртади, улардан яшовчан ва серҳосил ўсимликлар етишади. Шунинг учун экиладиган уруғлар йирик ва оғир бўлгани маъқул. Экиш аппаратлари аниқ ишлаши учун ҳам уруғларни ажратиш талаб қилинади. Уруғларнинг майдалари элакдан ўтказилади, йириклари эса махсус машиналар ёрдамида ажратиб олинади. Уруғлар 3—5% ли туз ёки аммиакли селитра эритмасида 5—7 дақиқа ушлаб турилади. Бунда уруғлар идишнинг тагига тушади, пучлари эса эритманинг базасида қолади. Чўккан уруғлар ажратиб олинниб яхшилаш ювилади, сўнг қуритилади ва экиш учун фойдаланилади.

Бўртувчи ва бўртмайдиган уруғлар ҳар хил электр усувлар орқали ажратилади. Бунинг учун махсус аппарат-электросепараторлар яратилган. Улар экиш учун яроқли уруғларни аниқлашда ишлатилади.

Заарсизлантириш (юқумли микроблардан тозалаш). Уруғ орқали заарлантирувчи ва касаллантирувчи микроблар ўтиши мумкин. Шунинг учун уларни экишдан аввал заарсизлантириш керак. Заарсизлантириш кимёвий дорилаш, қизитиш, кварц лампа билан нурлантириш ва бошқа усувлар ёрдамида ўтказилади. Бу усувлар орасида ТМДТ (1 кг уруғга 3—8 г) препарати ва фентиурам ёки фентиурам-молибден билан дорилаш (1 кг уруғга 3—6 г) кенг қўлланилади.

Уруғларни дорилаш ёпиқ тара (яшик) ларда олиб борилади ва 5 минут давомида силкитилади. Бу ишлар учун ПУ-16, ПУ-3,0, ПС-10 каби махсус машиналардан фойдаланиш мумкин. Помидорнинг уругини вирусли касалликлардан тозалашда 1% ли калий перманганатда (20 дақиқа чидайди), ёки 20% ли тузли кислотада (30 дақиқа) сақлаб туриш лозим. Шунда уруғларнинг турли касалликларга чидамлилиги ортади.

Касаллик қўзғатувчисига ва ўсимликлар турига қараб уруғларни 50—55° да 3 соатдан 3 кечакундузгача қиздириш усули ҳам кенг қўлланимоқда.

Намлаш ва ундириш. Уруғларни намлаш уларни 1—5% бўртишига ёрдам беради. Ниш урган бўлса ҳам экилаверади. Ундириб олинаётган уруғларнинг кўпчилиги бироз бўй кўрсатиши билан ҳам экилиши мумкин. Намланган уруғлар механизмлар ёрдамида экилишидан олдин бироз қуритилади. Ундирилган уруғлар фақат қўлда экилади.

Намланган уруғлар 15 см қалинликда ёйилади ва улардан 5—8 см юқори қилиб суви қуритилади. Уруғлар мунтазам аралаштирилиб турлади. Үзоқ намланиб турадиган уруғларнинг суви бир кеча-кундузга 2—3 марта алмаштирилади. Ўнган уруғлар 6—10 см қалинликда ёйилиб, устидан нам газмол ёпилади.

Совуққа чидамли экинлар уруғи 15—20°C ҳароратда, иссиққа талабчанлари эса 25°C ҳароратда намланади ва ундирилади. Карамдошлар, қовоқдошлар ва дуккакдошлар оиласига киравчи экинлар ургани намлаш 12—20 соат, итузумдошлар, шўрадошлар ва салатдошлар оиласига мансуб экинлар ургани эса 24—40 соат мобайнида, торондошлар, лолагулдошлар ва сельдерейдошлар оиласига мансуб экинлар ургани намлаш 50—70 соат давом этади.

Уруғларни ундириб олиш учун намлашга кетган вақтдан иккисида кўпроқ вақт зарур. Намлаш ва ундириш уруғлар етарлича намлика эга бўлган тупроққа экилгандагина самаралидир. Қуруқ ёки ҳаддан ташқари нам ерларда бундай уруғлар нобуд бўлиши мумкин.



Намлашнинг бир қанча самарали усуллари таклиф қилинган. К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик академияси "барботажлаш" усулини ишлаб чиқди. Уруғ ва сув солинган барботер (1:4, 1:5 нисбатда) пастдан 0,5—0,8 атм босимда сувдаги уруғларни мунтазам аралаштириб турувчи кислород ёки ҳаво узатиб беради. Барботажлаш 5—10 фойз уруғлари нишлагунча давом этади.

Турп ва салат уруғи 20°C да кислород билан 12 соат, лавлаги ва помидор уруғи — 12—18 соат, бодринг, қовун, петрушка, сельдерей, укроп ва исмалоқ уруғлар — 18 соат, сабзи, пиёз, қалампир ва тарвуз уруғлари — 25 соат барботажланади. Ҳаво билан барботажлаща уруғга ишлов бериш давомийлиги ошади.

И. В. Мичурин номли Тожикистон боғдорчилик, узумчилик ва сабзвотчилик илмий текшириш институти уруғларни намлашгандан сўнг 1—1,5 кеча-кундуз давомида 20—25°C да қуритишини, шундан сўнг 15—17°C да сочилиувчан бўлгунча қуритишини таклиф қилди. Бу ферментлар фаолиятини активлаштиради. Уруғлар ферменти активлашганда тез бўртади ва ҳосилдорлиги ортади.

Уруғларни бойитиш таркибида макро ва микроэлементлар, ўсишга ундовчи модда ва витаминалар эритмаларида, худди сувдагидек хўлланади. Уруғларни бойитиш учун витаминалар ва ўсишга ундовчи моддалардан гетераауксин (25 мг/л) қаҳрабо кислотаси (17 мг/л), метилбинафшаси (0,3 г/л), никотин кислота (0,1 г/л), индолсирка кислота (0,1—0,2 г/л) ли эритмалари билан ивтилади.

Уруғларни микроэлементлар билан бойитиш учун калий перманганат, калий хлорид 0,001—0,005% ли мис сульфат, 0,03—0,5% ли қўрғошин сульфат, 0,03—0,05% ли аммоний молибдат сульфати, 0,002% ли аччиқтош, 0,005—0,05% ли бор кислота, 0,01—0,02% ли кобальт нитрат, 0,01% ли калий броми эритмаларидан фойдаланилади.



3-расм. Сабзавот ўсимликларининг дражирлаиган (юқорида) ва дражирланмаган уруги. Чапдан ўнга: пиёз, сабзи, карам, ошлавлаги, турп, петрушка ва салат уруги

Дрожжилаш-уруғ атрофида органик ва минерал ўғитли моддалардан иборат қўшимча қобиқ ҳосил қилиш ва донадор юмaloқ шакл бериш (3-расм). Дрожжилаш уругнинг униб чиқишини, ниҳолларнинг озиқланишини яхшилади, турли заарларнанда ва касалликлар билан заарланишининг олдини олади, экишда уларни аниқ ва бир хилда тушишини таъминлайди. Бу экиш нормасини 1,5—2 марта камайтиради, майсаларни яганалашга сарфланадиган харажатларни қисқартириб, ҳосилдорликни 10—25 фоизга оширади.

Уруғларни дрожжилашда қўшимча қобиқ учун қуруқ тўлдиргич, ёпишқоқ эритма ва озиқ моддалардан ташкил топган аралашма қўлланилади. Ўрта Осиёда тўлдиргич фақат чиринди ёки икки қисм чиринди ва бир қисм эски тупроқдан иборат бўлиб, 1 м³ қуруқ тўлдирувчига 6,5 кг суперфосфат кукуни ҳамда 1,3 кг калийли селитра қўшилади. Тўлдирувчи яхшилаб қуритилгач, майдаланади, сўнг майдалари 0,15 мм ли, ўт-чалари — 0,25 мм ли, йириклари — 0,5 мм ли элакдан ўтказилади.

Ёпишқоқ модда янги қорамол гүнгини 7—10 қисми сув билан суюлтирилиб, уч кун ачитилгач, уч қават докадан ўтказилади. Шунингдек ёпишқоқ эритмани крахмалдан (2%), полиакриламид (0,04%) дан ҳам тайёрлаш мумкин. Эритмага микроўгитлар, ўстирувчи стимуляторлар қўшилади.

Максус дрожирлатгичларга аввало уруғ олинади, сўнг ёпишқоқ эритма қўйилиб, кейин оз-оздан қукунланган тўлдирувчи аралашма қўшилади. Айланётганда уруғлар озиқ аралашмасига ўралади ва майда уруғлар 3—5 мм, йирик уруғлар эса 10 мм ҳамда ундан каттароқ юмaloқ доначалар ҳосил бўлади.

1 кг уругни дрожирлатгич 5—10 кг озиқ аралашмаси ва 5—6 л ёпишқоқ эритма сарф бўлади. Дрожирлашдан кейин уруғлар куритиш хоналарида қуритилади, шундан сўнг уларни бир неча ой сақлаш мумкин. Экиш олдидан уруғлар намланади (1 кг уруғга 0,25—0,5 литр сув қўшилади) ва 12 соатдан 3 кечакундугача иссиқ хоналарда қолдирилади.

Термик ишлов бериш. Уруғларга термик ишлов беришнинг икки усули қўлланиллади: қуруқ уруғларни ўсимликлар учун жуда юқори ҳароратгача қиздириш ва чиниқтириш бўртган ёки ўса бошлаган уруғларни 0°C га яқинлаштириб совутиш.

Қиздириш кўпроқ бодринг ва қовоқдошлар оиласига мансуб бўлган экинлар уруғи учун қўлланади. Буни термостат ёки максус иситиш қуритиш-қиздириш шкаф ва мосламаларда уруғларни 5—10 см қалинликда ёйиб бажарилади. Қиздириш аввало 15—20°C дан бошлаб аста-секин 1—2 соат ичидаги ҳароратни 55—60°C гача кўтариб 3—4 соат мобайнода амалга оширилади. Қиздирилаётган уруғлар ҳар 5—10 дақиқада аралаштирилиб, шамоллатиб турилади. Шунингдек, уруғларни қиздириш уларга 60—65°C даги иссиқ сувни қўйиш, унда 3—4 соат ушлаб туриш, сўнгра 2—3 кун давомида қуёш тигида сақлаш йўли билан ҳам бажаралиши мумкин.

Иссиққа талабчан ўсимликлар, уруғини чиниқтиришда аввало уруғларнинг 1—5% гача қисми нишлагунча ивтилади, сўнгра доимий паст ҳарорат (0+2 даражада совутилади ёки 1—3 кун давомида — 2—5 даражада музлатилади) ёки алмаштирилувчи (8—12 кун мобайнода 12—18 соатдан — 1—5 даражада ва 6—12 соатдан 18+20 даражада) ҳароратлар таъсир этилади.

Совуққа чидамли экинлар уруғини чиниқтириш экишга 2—3 ҳафта қолганда бошланади. Дастрлаб уруғлар 8—10 см қалинликда ёйилади ва 2—3 марта аралаштирилади, сўнгра сув билан намланади (1 кг уруғга 0,5—1,0 л сув), кейин эса 18—20°C ҳароратда: карам уруғи 1—2, пиёз уруғи 2—3, сабзи уруғи 4—5, петрушка 5—6 кечакундуз (уругларнинг 1—2 фоизи кўкартунча) ушлаб турилади. Шундан кейин уруғлар ҳарорати+2дан—2°C гача бўлган холодильникка ёки музхонага—лавлаги уруғлари 7—8 кун, карам, пиёз, сабзи, петрушка уруғлари 15—20 кун қўйилади.

Физик таъсирлардан ультратровуш, концентрациялашган импульсли қуёш нурлари, юқори частотали электр майдони, гамма

нурланиш, рентген нурлари, нейтрон, лазер иссиқлеклари ва шу каби ишлов беришлар учун қўлланилади. Бундай физик таъсирлар илмий муассасаларнинг ходимлари раҳбарлигига олиб борилади.

Комплекс ишлов бериш. Уругларга комплекс ишлов бериш анча самарали бўлиб, юқорида унинг бир неча усули ҳақида гапириб ўтилди. Экиш олдидан ўтказиладиган ишлов зарарсизлантириш ва калибрлаш билан бир вақтда олиб борилиши лозим.

Уруғ сарфлаш миқдори ва унувчанликни аниқловчи омиллар. Ўсимликларнинг зарур қалинлигини таъминлаш учун бир гектар майдонга экилиши лозим уруглар вазинига сарфлаш миқдори дейилади. Қаторлар қалинлиги, бинобарин экиладиган уруғлар миқдори экинларнинг биологик хусусиятига, мақсадига, экиш муддати ва усулига боғлиқ, лекин шу майдоннинг ўзи турининг уруғидан кўра икки марта кўп уруғ талаб қиласди.

Экиладиган уруғларнинг миқдори ва қалинлиги экишнинг мақсадига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Укроп, кориндр каби ўсимликларни кўкат учун етиштиришга уларни уруғ учун парвариш қилишдагига қараганда кўпроқ уруғ талаб қилинади. Экинлар ҳандай мақсадда экилишига қараб уларнинг қалинлиги ҳар хил бўлади, яъни бу ҳам экиладиган уруғлар миқдорининг ўзгариши билан ифодаланади. Кенг қаторлаб экиладиган пиёз ҳамда сабзи уруғларнинг миқдори қаторлаб ва оддий экиладиган уруғлар миқдорига нисбатан 20—30 фоиз кўп бўлади. Агар аниқ қилиб экилса, аксинча, 2—3 марта камаяди.

Экиладиган уруғларнинг миқдори 1 гектар майдонда униб чиққан ниҳолларни ҳисобга олган кун ва турли зааркунанда ва касалликлардан нобуд бўлиши мумкин бўлганда ўсимликларнинг қўшимча миқдори билан аниқланади. Амалий мақсадлар учун биринчи класс кондициясига эга бўлган уруғларнинг тахминий экиш нормаси ҳисоблаб чиқилган (4—жадвал).

4-жадвал

1 синф уруғлар учун очиқ сарда экишнинг тахминий нормаси (миқдори)

Экинлар	Экиш миқдори	Экинлар	Экиш миқдори
Тарвуз	2 — 4	Патиссон	2 — 4
Қовун	2 — 4	Петрушка	4 — 6
Қовоқча	3 — 5	Помидор	2 — 3
Карам	2 — 2,5	Редиска	12 — 20
Маккажўхори	25 — 30	Турп	5 — 9
Пиёз	6 — 20	Шолгом	1 — 2
Батун-пиёз	12 — 25	Салат	1 — 6
Сабзи	4 — 6	Лавлаги	8 — 16
Пастернак	5 — 6	Ошқовоқ	3 — 5
Бодринг	5 — 8	Укроп (кўкат учун)	25 — 40

Хўжаликка келтирилаётган уруғлар 1 класс уғурларига қаранданда экиш учун яроқлилиги бошқачароқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда экиш миқдори ҳақиқий экишга яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бунинг учун 1 класс уруғларининг экиш миқдори шу класс уруғларининг экишга яроқлилигига кўпайтирилади ва олинган сон ҳақиқий экишга яроқлиликка бўлинади.

Сабзавот экинларини парвариш қилаётганда уруғларнинг унувчанлигини аниқловчи ва шунга мувофиқ экиш миқдорини белгиловчи омилларни ҳисобга олиш зарур. Булардан энг муҳимлари ўсимликларнинг иссиққа, тупроқнинг ҳолатига ва экиш технологиясига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда экиш муддатини тўғри танлашдир.

Иссиқсевар экинларни жуда эрта ёки совуққа чидамли экинларни куз ва қиши олдидан экканда, нохуш шароитлар ҳисобга олиниб, экиш миқдори 1,5—2 марта оширилади. Секин унадиган ўсимликлар уруги тез ўсуви экинлардан олдин экиласди. Тез қуриб қоладиган ерларда экин экиш яхши намданган майдонларга қараганда бироз эртароқ ўтказилади.

Барча сабзавот экинларининг уруги енгил тупроққа экилса, яхши бўртади ва тез униб чиқади. Механик таркиби оғир, шўр майдонларда уруғларнинг бир қисми униб чиқмаслиги ёки чиққани ҳам бегона ўтларнинг "дастидан" нобуд бўлиши мумкин. Бу эса экиш миқдорини ошириб юборишга сабаб бўлади. Қатқалоқ бўлмаган, бегона ўтлардан тозаланган, етарлича намланган ерларда экиш нормаси 10—30 фоиз камаяди. Уруғларни ёппасига ундириб олиш учун тупроқнинг юза қатламини дастлабки биринки ҳафта юмшоқ ва нам ҳолатда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тупроққа ишлов бериш унинг физик хусусиятини, экилган уруғлар учун яхши шароит яратишни ҳамда ёш ниҳолчаларнинг ўсишини таъминлашга қаратилмоги керак. Уруғларнинг унувчанлигига экиш усули маълум даражада таъсир кўрсатади. Уялаб экиш уруғларнинг униши, кўкариб чиқиши учун кўнгилдагидек шароит яратиб беради. Бир-бирига яқин жойлашган ниҳоллар тупроқнинг қаршилигига яхши чидаш бера олади. Бу эса экиласдиган уруғлар миқдорини камайтириш имконини беради.

Уруғ тупроқнинг юза қатламига ҳанча яқин жойлашган бўлса, улар иссиқ ва кислород билан шунча яхши таъминланади ва тезда униб чиқади. Бироқ секин унувчи уруғнинг илдизчалари пайдо бўлиб, нам билан таъминланган қатламга етгунча тупроқнинг юзаси қуриб қолиши мумкин. Шунинг учун уруғларни нам тезда қуриб қолмайдиган, илдизчалар пайдо қилгунча ўзида намликни сақлай оладиган чуқурликка экиш мақсадга мувофиқдир.

Уруғнинг устига тортилган тупроқ қалинлиги уруғнинг каталигига ва тупроқнинг намлигига боқлиқдир. Механик таркиби ўртача, нам билан етарлича таъминланган тупроқларга қўйида-гича экиш чуқурлиги таклиф қилинади: уруги жуда майда

Экинлар учун — 10 мм, майдалари учун — 15 мм, ўртачалари учун — 25 мм, йириклари учун — 35 мм ва жуда йириклари учун — 50 мм. Енгил (юмшоқ) тупроқларда уруг тушадиган чуқурлик 20—30% кенгаяди, оғир тупроқларда эса шунча миқдор кичраяди.

Ургуларни парваришлаш ва сақлаш шароитлари ҳамда экиш олдидан кўрилган тайёргарлик ургунинг унувчанлик ва экиш миқдорини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади. Ургуларни хиллашда майдаларини ажратиб ташлаш, уларнинг унувчанлигини оширади ва бўйининг бир хилда бўлишини таъминлайди. Юқори унувчанлик ва ўсиш қувватига эга 1 класс ургудан юқориларини экиш нисбатан экинлар миқдорини камайтириш имконини беради, хўжаликнинг меҳнат ва харажатларини тежайди.

Лабораторияда ургулар унувчанигининг паст бўлишига сабаб ҳосил йигиб-териб олингандан сўнгти ургуларга ишлов беришда қобиқнинг шикастланишидир. Бундай шикастлар эндосперманинг бузилишига ва микроорганизмларнинг касалланишига олиб келади. Бу эса оқибатда экинни нобуд қилади.

Амалий машғулот

2 - мавзу . Асосий сабзавот экинлари урганиши

Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларни ургуларнинг морфологик хусусиятлари билан таништириш, уларга сабзавот экинларининг асосий турларини ургига қараб айтиб беришни ўргатиш.

Топшириқлар. Ҳар бир ўқувчи пробиркаларга солинган ва ботаник турининг номи ёзилган асосий сабзавот экинларининг ургулар тўпламини олади. Ургуларни ўрганиш ва уларни тарьифлаш қўйида келтирилган ҳисобот шаклига мувофиқ олиб борилади (5-жадвал).

5-жадвал

Сабзавот ўсимликлари ургуларининг тавсифига оид ҳисобот

Ўсимликлар ва уларнинг ботаник оиласлари	Захира озиқ моддалар жамғарма қисми нинг номлари	Ургунинг ургунинг йириклиги	1000 та вазни	Ургунинг ташки кўриниши						
				Ўлчами, мм	Шакли	Ташки ифодаси	Юзатавсифи	Рангги	Ҳиди	Айрим белгилари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Ушбу жавдалнинг 2—3 — устунлари мазкур дарсликнинг 3-бобида баён қилинган асосий маълумотлардан келиб чиқиб тўйлизилади.: 2-устунга уругплла ёки эндосперма, 3-устунга эса энг йирик, ўртача, майда ва жуда майда деб кўрсатилади.

1000 та уруғнинг оғирлигини ўлчаш учун 100 дона уруғ тортилади ва олинган сон 10 га кўпайтирилади. Натижада 1000 та уруғнинг вазни аниқланади.

5-устунни тўлдириш учун 5—10 та уруғ олинниб, ҳаммаси узунасига қўйилади, шундан сўнг мм ли қоғоз ёки линейкада ҳамма уруғнинг умумий узунлиги ва эни ўлчанади. Кейин битта уруғнинг ўртача ўлчами ҳисоблаб чиқилиб, ҳисобот жадвалига ёзилади. Бунда аввало уруғнинг узунлиги, сўнгра диаметри кўрсатилади.

Уруғларнинг маълум шаклини, ҳажм ифодасини, юза тавсифи ва айрим белгиларини ўқувчилар лула орқали 4-расмга таққослаб ўрганадилар.


Шакли — уруғларда ҳар хил бўлади. Масалан, учбуручак-куртаксимон (помидор), юмaloқ-бурчакли (қалампир), юмaloқ чуқурлашган куртаксимон (бақлажон), юмaloқ (нўхат), юмaloқ-чўзиқроқ (петрушка, пастернак, укроп, карам, турп, редиска), чўзиқроқ-юмaloқ (ловия, ошқовоқ), чўзиқроқ-тухумсимон (сабзи, сельдерей) узунчоқ-эллиптик (бодринг), юмaloқ-эллиптик (тарвуз), эллиптик-қиррали (қовун), чўзилган (салат), бурчакли (пиёз, лавлаги, нўхат, шовул, ровоч, исмалоқ) ва ҳ.к. .

Ташқи кўриниши йўл-йўл (итузумдошлар ва қовоқдошлар), ярим думалоқ (пиёз, спаржа), эгри-буғри (лавлаги), шарсимон (карам, брюква, шолғом), шарсимон-бурчакли (исмалоқ, редиска, турп, нўхат), йўл-йўл — қавариқ (сабзи, петрушка, сельдерей), йўл-йўл — яssi (пастернак, укроп), (дуккаклилар) учқиррали (шовул), қанотчаси бор учқиррали (ровоч), йул-йул учқиррали (салат).

Юзаси-сертуқ ёки барг билан қопланган (помидор) ғовакли (қалампир, бақлажон, карам, турп, редиска, шолғом), (тарвуз, нўхат, ровоч), ботиқ (лавлаги, пиёз, спаржа), қовурғали (қиррали)-(салат, сабзи, петрушка, пастернак, укроп, сельдерей), қийшиқроқ (исмалоқ, дуккаклилар), силлиқ (бодринг, қовун, тарвуз, дуккаклилар, нўхат), силлиқ ялтироқ (ловия, шовул) ва ҳ.к.

Ранги-кулранг (помидор, лавлаги, исмалоқ, сабзи, петрушка, укроп, салат) қизил (карам, шолғом), жигарранг (салат, ровоч, шовул, пастернак, укроп, сельдерей, бақлажон), кўмирранг-қора (пиёз, спаржа), оқ (бодринг, ошқовоқ, қовун), нишолда рангли (қовун), кулранг-сариқ (турп, редиска), турлича жилвадаги ва шунингдек, оқдан қорагача фарқ қиласиганлари (тарвуз, ловия, нўхат, дуккаклилар).

Алоҳида белгилари-уруғлар бурун кўринишида (қалампир, петрушка, тарвуз, қовун, ошқовоқ), куртаксимон (бақлажон),



4-расм. Сабзавот ўсимликлари уруги: 1 — сельдерей; 2 — петрушка; 3 — сабзи;
4 — пастирнак; 5 — укроп; 6 — пиёс; 7 — спаржа; 8 — сафрятки; 9 — артишок;
10 — салат; 11 — помидор; 12 — қалампир; 13 — бақлажон; 14 — лавлати; 15 —
исмалоқ; 16 — нұхат; 17 — ловия; 18 — дуккаклар; 19 — ровоч; 20 — откулоқ;
21 — бодринг; 22 — қовун; 23 — тарвуз; 24 — қовоқ; 25 — маккаждүхори;
26 — карам; 27 — редиска; 28 — шолгом

ҳошияли (тарвуз, ошқовоқ, қовун), тукли (сабзи), ёриқ (тарвуз), чибиқли, йўл-йўл (дуккаклилар), (укроп, пастернак), қанотчали (ровоч), тепасида илмоқли (петрушка, сельдерей) ва тукли (помидор) ҳамда бошқачароқ бўлиши мумкин.

Ургуларнинг ҳиди ҳам оддий йўл билан аниқланади (10-устун). Бироқ қалампир, укроп, петрушка, сельдерей ва сабзи уруғларининг ҳиди ўзига хослиги билан бошқалардан тез фарқланади. Ўсимликларни уруги бўйича аниқлашда кўнікма ҳосил қилиш учун уларнинг умумий кўринишини чиза билиш фойдали ва уларни албатта А расмдагиларга таққослаш мақсадга мувоғиқдир.

Уруғларнинг ташки кўринишини тасвирилаб бўлгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ичига 6—8 соатдан сабзавот уруғлари солингган-лекин уларнинг номлари кўрсатилмаган — рақамланган пакетларни оладилар. Бу уруғларнинг ҳар бирини ажратиш столига алоҳида алоҳида қўйиб, уларнинг ботаник номланишини мустақил айтиб берадилар. Машғулотларни бажараётган ўқувчилар сабзавот экинлари уругини алоҳида ва аралашган ҳолларда ҳам яхши ажрата олишлари, уларнинг асосий белгиларини ёддан билмоқлари лозим. Топшириқларнинг бажарилиши ҳисобот жадвалига ёзилган жавоблар, номлари ёзилмаган текшириш учун берилган уруғларга тузилган рўйхатларга қараб баҳоланади. Ўқувчилар билан оғзаки савол-жавоб ҳам ўтказиш мумкин. Бунда ўқувчиларнинг тез ва аниқ берган жавобларига эътибор бериш керак.

Фойдаланадиган асбоблар. Этикетка ёпиширилган пробиркаларга солингган уруғлар (25—30 хил) тўплами. Ичига 5—10 тадан уруғ солиниб, рақамланган пакетлар. Номлари кўрсатилмаган 8—10 та ботаник турдаги уруғлар. 1000 та уругнинг вазнини аниқлаш учун ичига 100 тадан уруғ солингган бир қанча пакетлар тўплами. Турли хил лаборатория тошлари. Қофозлар ва ми га бўлинган линейка, ажратиш столи, лупа ва пинцетлар.

Амалий машғулот

З - м ав з у . Униб чиқсан ниҳолларга қараб сабзавот экинларини аниқлаш.

Машғулотнинг мақсади: уруғпалланинг морфологик белгиларини ўрганиш, сабзавот экинларининг биринчи чин барги ва шу белгиларга қараб экинларнинг номларини топиш.

Топшириқлар. Битта ботаник оиласа тегишли, бир-бирига жуда ўхшаш униб чиқсан ўсимликлар (сабзавот экинлари). Бу экинларнинг маълум мавжуд фарқларини топиш уларни диққат билан ўрганиш ҳисобланади.

Уруғпалла остидаги бўгим, уруғпалла ва сабзавот экинларининг биринчи чин баргининг айрим кўринишларини уларнинг ранги, ўлчами, юзасининг ташки кўриниши ва маълум эгилганлигига қараб фарқ қилиш мумкин. Ўқувчи униб чиқсан сабзавот экинларининг уруғпалла шакли ва катталагини, биринчи чин

баргнинг чети ва шапалогининг шаклини фарқлаб бериши етарли бўлиб, бу унинг яхши билим олаётганлигидан дарактир. Айрим сабзавот экинларининг диққатга сазовор белгилари биринчи чин барг ва уруғпалла бандининг узунлигидир.

Карамдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг биринчи чин барги, уруғпалласининг ости ва юзаси ҳамда уруғпалла остки тирсаги: қизил бошли карамларда-қизил-кўк, турп ва редискани-ки-кўк, шолғомники-сарғиш-кўк: шўрадошлар оиласига мансуб ўсимликларда: ош лавлагиники — тўқтусли антоциан изли, исмалоқники-бутунлай кўк ранг билан қопланган.

Биринчи чинбаргнинг чети-силлиқ, тўлқинсимон, арасимон, тиҳсимон, ўйиқ қошиқсимон кўринишларда бўлади. Баъзи экинларда (турп) биринчи чин барг асосида тилинган, кам тилинган (редиска), парракли ва бўлакларга бўлинган (гулкарам, сельдерей, помидор) ҳолда ҳам учрайди. Колъраби ва сельдерейдошлар оиласига киравчи экинларнинг биринчи чин барг банди узун бўлади.

Уруғпалла ва биринчи чинбаргнинг туклари қалин ва сийрак, қисқа ҳамда узун бўлади. Карам, қалампир, хўраки лавлаги ва айрим экинларда тук бўлмайди. Амалий машғулот вақтида ўқувчилар бу нарсага алоҳида аҳамият беришлари лозим. Карам, исмалоқ, артшок ва хўраки лавлагининг уруғпалласи ҳамда барглари мум билан қопланган.

Ҳар бир экинни морфологик белгиларини тасвирлаш учун 3—4 та ўқувчи сабзавот экини ўсиб чиққан яшчик ёки идишни олади, бунда экинни ташқи кўриниши ифодаланган бўлиши керак (амалий машғулот ўтказиш учун экинларни эртароқ, яъни машғулотдан 10 кун аввал экиб қўйиш лозим. Шундагина машғулотларни ўз вақтида ва қизиқарли ўтказиш мумкин бўлади). Униб чиққан ниҳолларни тасвирлаш ва ўрганиш қўйидаги ҳисобот шакли бўйича олиб борилади (б-жадвал).

б-жадвал

Униб чиққан сабзавот экинларининг морфологик белгилари ҳақида ҳисобот

Ўсимликлар ва оиласалар	Уруғпалла				Биринчи чинбарг				Майсанинг уму-мий кўриниши (расми)
	Ҳаж-ми, см	Шак-ли	Ранги	Тукла-ниши	Ҳаж-ми, см	Шапо-логи шакли	Қирра-си шакли	Ран-ги	

Биринчи чинбарг уруғпалласининг узунлиги ва кенглиги (бўйи ва эни) мм ли қоғоз ёки линейка билан аниқланади. Уруғпалланинг ўлчами биринчи чинбарг пайдо бўлиши билан, биринчи чин баргнинг ўлчами эса-иккинчи чин баргнинг пайдо бўлиши

билинг, уруғпалланинг шакли, шапалогининг шакли ва биринчи чин баргнинг четки шакллари, униб чиққан ниҳол юқорида баён қилинган методик кўрсатмалар асосида дикқат билан кўриш, текшириш орқали аниқланади. Тукланиши лупа орқали кузатилади.

Майса умумий кўринишининг расми ҳақиқий ниҳолга қараб чизилади.

Янги униб чиққан ва биринчи чинбарг чиқарган сабзавот ўсимликларини таниш учун ҳар бир ўқувчи номи кўрсатилмаган 8—10 та стаканчаларда униб чиққан тури турли хил майсаларни оладилар. Ўқувчилар ниҳолчаларни аввало гуруҳларга бўладилар, сўнгра қайси ботаник оиласига мансуб эканлигини аниқлайдилар. Морфологик белгилар тасвирланган маълумотлар асосида эса янги униб чиққан ниҳолнинг номи аниқланади.

Ўқувчилар амалий машғулот пайтида янги униб чиққан сабзавот экинларининг морфологик белгиларини билишлари ва худди мана шу босқичда уларни ўсимликлар бўйича ажратади олишлари керак. Бажарилган вазифалар ҳисобот жадвалидаги жавобларни текшириш, уларга берилган кўчватлар, стаканчалардаги ниҳоллар ва уларга тузилган рўйхатларга қараб боҳоланади.

Фойдаланиладиган асбоб. Асосий сабзавот экинларининг уругпалла ва биринчи чинбарг чиқариш фазаларида ниҳолчалари (номлари ифодаланган ҳолда). Ойна остига қўйилган сабзавот экинларининг этикеткаланган гербариylари. Стаканчаларда ўстирилган, 5—6 та асосий сабзавот экинларининг биринчи чинбарг чиқариш давридаги номлари кўрсатилмаган янги униб чиққан ниҳолчалари миллиметрларга бўлинган қоғоз ва линейка, рангли қалам, лупа, қисқичлар.

Амалий машғулот

4 - мавзу. Уруғлар экиш миқдорини ва сифатини аниқлаш.

Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларни уруғнинг экиш сифатини аниқлаш усуслари билан таништириш ҳамда экишининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш.

Топшириқлар. Ушбу ишларни ўқувчилар 4 тадан звенога бўлиниб бажарадилар. Ҳар бир звено 4 тадан пакет ва 2 тадан сабзавот экини униб чиққан 8 тадан экиш яшиги оладилар (ҳар бир экинга 4 тадан яшик ва 2 тадан пакет). Уруғлар йириклигига қараб 10 дан 1000 г гача бўлади. Улар тозалигини аниқлаш учун, униб чиққан ниҳоллар эса-унувчанлик ва униш қувватини аниқлаш учун фойдаланилади.

Экиш яшиклари ўқувчилар ёрдамида олдиндан тайёрланиб қўйилади. Уруғларни парвариш қилгунча яшиклар 10 см қалинликда кварт қумлар билан тўлдирилади. Қумнинг заарасиз бўлиши учун яхшилаб ювилади ва қиздирилади. Ҳар бир экин 4 тадан яшикка экилади. Экиш муддати машғулот ўтказиладиган куни ҳисобга олиб мўлжалланади. Иккита яшикка униш қувва-

тини аниқлаш учун, бошқа иккита яшикка эса унүччанликни аниқлаш учун уруғ экилади. Ҳар бир яшикдаги құм олдиндан намланади, яғни унга 60 фоиз сув құшилади.

Экиш олдиdan ташланган уруғларни беркитиш учун эгат олинади. Экиш ишлари тугагандан кейин яшикнинг усти пласт-массали ойна билан ёпилиб, термостатта жойлаштирилади. Ҳар бир яшикка ўсимликнинг номи, экилган куни, униш қуввати ва унүччанлиги ёзіб қўйилади. Экиш муддати, уруғ ташланган чуқурлик ва парвариш қилишнинг бошқа шароитлари 12036—66 ГОСТ ва 12047—47 ГОСТ талабларига мувофиқ белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари. Сифатни баҳолаш усууллари. Йиҳни бажариш чоғида ўқувчилар уруғнинг тозалигини, униш қувватини ва унүччанлигини иккита ўсимлик бўйича аниқлайдилар. Барча аниқлаш ишлари ўртача маълумотлар чиқариш учун икки мартадан ўтказилади. Аниқланган барча натижалар қуйидаги ҳисобот жадвалига ёзилади (7-жадвал).

7-жадвал

Уруғларни экиш миқдорини белгилаш ва экиш сифатини аниқлаш тўғрисида ҳисобот

Кўрсаткичлар	Экинлар					
	1		2			
	1-на- муна	2-на- муна	ўртача	1-на- муна	2-на- муна	ўртача
1	2	3	4	5	6	7
1. Намуна уруғлар вазни, г						
2. Намуна таркибидаги олтингутурт, г						
3. Асосий экин уруғнинг вазни, г						
4. Уруғнинг тозалиги, %						
5. Ўсув қуввати, %						
6. Унүччанлик, %						
7. Уруғларнинг экишга яроқли- лиги, %						
8. Экиш учун таклиф қилинган меъери (1-класс уруғлар учун) кг/га						
9. Ҳақиқатда экилган уруғ миқдори, кг/га						

Звенонинг ҳар бир аъзосидан, икки ўқувчи биринчи иккита ўсимликнинг уруги, иккинчи жуфт ўқувчи эса бошқа бир жуфт ўсимликнинг уруги солинган пакетларни оладилар. Ҳар бир ўқувчи уруғларни ажратади ва факат бир мартагина намунани тортиб ўлчайди, иккинчи намуна бўйича ёзувларни ҳамда ик-кинчи ўсимликнинг иккала намунасини звенонинг бошқа аъзо-сининг сўзи бўйича ўтказади. Ўртача кўрсаткич иккала намунани таққослаш йўли билан аниқланади ва олинган натижа (миқдор) 2 га бўлинади.

Уруғли пакетни олган ҳар бир ўқувчи ундағи уруғ намунасыні аниқлик даражасы — 0,1 г гача ўлчайди ва олинган натижаны биринчи күрсаткичининг қаршиисидаги биринчи устунга ёзади. Кейин шу қаторнинг ўзига иккинчи ўсимлик бўйича ўлчангандай натижалар ёзилади. Шундан сўнг иккала ўсимлик намуналари бўйича ўртача маълумот чиқарилади.

Уруғлар ўлчангач, вазни бўйича тегишли ёзувлар бажарилгач, ажратиш столига ёки қозогизга тўкилади. Шпатель ёки қисқич билан асосий экинлар уруғи ажратиб олинади. Қолдиқ уруғлари ёки чиқитга чиққан нарсаларга қум, ўсимта қолдиқлари, бошқа экинларнинг, бегона ўтларининг, асосий экинларнинг нуқсони бор уруғлари киради. Нуқсони бор уруғлар дейилганда: ириган, синган, заракунандалар томонидан заарланган, яъни 1/3 қисмидан кўпроғи заҳарланган уруғлар тушунилади. Асосий экинлар уруғларига уларнинг ўлчамидан қатъий назар маъёрида ривожланган: нимжон, бироз заарланган, яъни 1/3 қисмидан камроғи заҳарланган уруғлар киради.

Уруғлар ва чиқиндилар ажратиб бўлингандан сўнг алоҳида алоҳида қилиб 0,1 г гача аниқликда ўлчанади. Ҳар бир пакет бўйича чиққан натижалар ҳисобот жадвалининг 2-устунидаги тегишли қаторга ёзилади. Ургунинг тозалиги фоизларда ҳисобланади, яъни асосий экинлар ургунинг вазни 100 га кўпайтирилиб, олинган сонни тортилган вазнга бўлиш билан ҳисобланади. Ургунинг тозалиги анализи ишончли бўлиб, икки намуна орасидаги фарқ 2% дан ошмайди.

Ургунинг тозалиги аниқлангач, уларнинг ўсиш қуввати ва унувчанлигини аниқлашга киришилади. Ўсиш (униш) қуввати яшикдаги уруғларни қисқа муддатда унаётганларни санаш орқали, унувчанлик эса узоқроқ давр давомида унаётганлар сонини ҳисоблаш билан аниқланади.

Икки ўқувчи қисқа даврда ундириб олинган биринчи ўсимликларнинг яшигини биттадан оладилар, яна икки ўқувчи эса бошқа ўсимликларнинг яшигини оладилар. Юқори қатлам эҳтиёткорлик билан олиниб униб чиққан уруғлар, яъни илдизчаси ургунинг узунлигидан кам бўлмаган, бўйи эса уруғ узунлигининг ярмидан кам уруғлар ҳисоблаб чиқилади. Олинган натижага ҳисобот жадвалининг фоизларда ифодаланадиган 5-пунктига ёзилади.

Экиш яшиклиаридаги узоқроқ муддатда ундириб олинган уруғлар унувчан уруғлар сонини билдиради ва фоизларда ифодаланиб 6-пунктга ёзилади.

Уруғларнинг тозалиги ва унувчанлигини аниқлаб бўлгандан сўнг ўқувчилар экишга яроқлиларини ҳамда экишнинг ҳақиқий миқдорини белгилашга киришадилар. Уруғларнинг экишга яроқлилиги

$$x = \frac{Ч:В}{100};$$

формуласи билан ҳисобланади. Бу ерда: X — экишга яроқлилик, %; Ч — ургунинг тозалиги, %; В — ургунинг унувчанлиги, %,

урұғларнинг унұвчанлиги ва тозалиги бўйича ўртача маълумотлар ҳар бир ўсимликка тегишилдири.

Ҳар бир ўқувчи уруғ экиш миқдорини белгилашда малака ҳосил қилиши учун ҳақиқатда әкилган уруғ миқдорларини аниқлаша бўйича ҳисоботларини бажарадилар. Бунинг учун 8-пунктнинг "ўртача" устунига мазкур дарсликнинг жадвалидан олинган ҳар бир ўсимлик учун 1-класс уруғлар бўйича таклиф қилинган экиш миқдорлари ёзилади.

Ҳақиқий экиш миқдори қўйидаги формула бўйича аниқланади;

$$H = \frac{H_1 X_1}{X}$$

Бу с尔да: H — экиш учун талаб қилинган миқдор, кг/га; H_1 — 1-класс уруғлари учун экиш миқдори, кг/га; X_1 — 1-класс уруғларининг хўжалик яроқлилиги, %; X — мавжуд уруғларнинг хўжалик яроқлилиги, %.

Амалий ишларнинг тўғри бажарилганлигини ўқитувчи ҳисобот жадвалининг тўлдирилганлигига қараб ҳамда оғзаки савол-жавоб орқали текшириб туради.

Фойдаланиладиган асбоблар. Сабзавот экинларининг пакетга солиниб ўлчанган (10 дан 100 гача) уруғлари. Яшикларга әкилган ва 3—8 ҳамда (ўсиш қувватини аниқлаш учун) 8—15 кунлик (унұвчанлигини аниқлаш учун) уруғлар. Тарози тошлари, ажратиш столи, шпатель, қисқичлар ва стаканчалар.

4 Боб

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ СХЕМАСИ ВА ОЗИҚЛANIШ МАЙДОНИ

Сабзавот экинларининг қалинлиги ва озиқланиш майдони. Асосий сабзавот экинларининг қалинлиги ва озиқланиш майдон юзаси ҳосилнинг миқдори ҳамда сифатига қараб аниқланади. Озиқланиш майдони дейилганда битта ўсимлик томонидан әгалланган ер ва ҳаво ҳажми нисбати тушунилади. Озиқланиш майдони қаторлар орасидаги ўртача кенгликни (энини) қаторлардаги экинлар орасидаги масофага кўпайтириш билан аниқланади. Ўсимликларнинг қалинлиги — бу 1 гектар майдондаги ўсимликларнинг сонидир. Озиқланиш майдони экинларга боғлиқ ҳолда бир неча см^2 дан $6—9 \text{ м}^2$ гача, қалинлиги эса — бир гектарда 1 мингдан $1,5—2$ млн гача бўлади.

Мақбул озиқланиш майдони экинга ва унинг навига, шунингдек, ташқи муҳит шароитларига ва қўлланиладиган агротехникага боғлиқдир. Битта ўсимликини ўсиб стилишини, кам меҳнат ва моддий воситалар билан кўп ҳосил олинишини таъминлай оладиган майдон ўсимликнинг мақбул озиқланиш майдони ҳисобланади.

Экинлар қалин әкилганда улар эзилиб қолиши, пастки барглари эса тушиб, экинлар нимjon бўлиб ривожланади. Экинлар ҳаддан ташқари сийрак әкилса, майдон (ср) дан унумли фойда-

ланилмайды. Бу иккала ҳолда ҳам гектаридан олинадиган ҳосил камайиб кетади.

В. И. Энельштейн аниқладики, унумдор ерларда, яньи ўсимликлар карбонат ангидрид, ҳаво, намлик ва бошқа омиллар билан етарлича таъминланган майдонларда ўсимликлар камроқ элементлар талаб қиласы, шунингдек, юқори ҳосил олиш учун экинларни (маълум чегарагача) қалинроқ қилиб жойлаштириш ҳам мүмкін. Бироқ экинларнинг қалинлиги ҳар бир экиннинг хусусиятига қараб аниқланади.

Масалан, карамнинг кечки навлари ҳаддан зиёд қалин экилганда бош ҳосил қилмайды, илдизмевалиларда мевалар майдалашиб, ҳосил кам ва сифатсиз бўлади. Шунинг учун унумдор ерларда экинлар сонини шундай ошириш керакки, токи сабзавотларнинг ҳосил сифатига ҳамда товар-маҳсулот чиқишига зиён стмасин.

Озиқланиш майдонини белгилашда ўсимликнинг ўсув даври (у қанчалик қисқа бўлса, экинлар шунча қалин қилиб жойлаштирилади), нав хусусиятлари ҳисобга олинади. Ҳимоя қилинган ерларда экиннинг озиқланиш майдони, уларнинг шаклланишига боғлиқ.

Озиқланиш майдони экинлар кўчат қилинаётганда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. У ўсимликларнинг ёшига ва қўшни баргларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши эҳтимолига bogлиқ. Ҳаддан ташқари қалин кўчатлар парвариш қилинаётган экинлар ҳосилдорлигини пасайтириб юборади. Шунингдек, кўчатларнинг сифат даражаси ҳам жуда паст бўлади.

Кўпчилик сабзавот экинлари иккинчи ўсув даврида тегишли озиқланиш майдонидан тўлиқ фойдалана бошлайдилар. Бундай ҳолларда ёш ниҳолларнинг орасидаги бўш жойдан бошқа экинлар стишириш учун фойдаланиш мүмкін. Худди шундай майдонларда икки ёки ундан кўп сабзавот экинлари стишириш зичловчи экинлардан фойдаланиш деб аталади. Бу усул, ёпиқ жойлардан унумли фойдаланиш имконини беради. Зичловчилар тўғри танланганда асосий экиннинг ҳосилдорлиги камаймаслиги, аксинча ялпи маҳсулот миқдори ва уларни сотишдан келадиган иқтисодий самара юқори бўлади.


Битта жойда ўсадиган, бир-бирига кўпам ҳалақит бермайдиган ўсимликларни танлаш мұхым аҳамиятга эга. Бунда ўсимликларнинг сувга, ёруғликка талабчанлиги деярли ўхшаш бўлиши мақсадга лойиқdir. Пастки ярудада жойлашган ўсимликлар, айниқса, ёпиқ жойларда ўстирилаётганлар ёrukqa камроқ талабчан бўлиши керак.

Зичловчи сабзавотлар ҳосилини йигишида асосий экинларнинг илдизига зарар етказмаслик керак. Масалан сабзи, карам экинига зичловчи бўла олмайди, чунки илдизмевалар йигиширилишида карамнинг илдизига зиён етказилиши мүмкін. Зичловчи экинлар тез етилиши, механизация ишларига, ҳосилни йиғиб-териб олишига тўсқинлик қилмаслиги учун тупроқ унумдор, сугориш сувлари етарли бўлиши керак.

Ўрта Осиё шароитида картошка, карам ва помидор экинлари редиска, салат ҳамда укроп каби экинлар билан зичлаштирилиши мумкин. Кенг жўяқ олиб экиладиган полиз экинлари, бодринг, помидор орасига тезпишар экинлар экилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иссикхоналарда помидорни зичловчи экин сифатида, унинг ургидан кўкартирилган кўччатлари бошқа шунга ўхаш биноларда экиш учун парвариш қилинади, бодринг эса карам ёки помидор кўччатлари билан зичлаштирилади. Бодринг ва помидорни плёнка остида вақтинча парвариш қилинаётганда редиска билан зичлаш мумкин.

Ҳаваскор сабзавотчиларнинг томорқаларида очиқ срларда экинларни зичлашириб ерлардан унумли фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Кўпгина экинлар парвариши меҳнат ҳажмини ошириб ва механизация харажатларини кўпайтириб юбориши учун йирик механизациялашган ишлаб чиқаришда зичловчи экинлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти чекланган.

Экиш усуллари ва уларни жойлаштириш схемалари. Экин майдонлардаги бир хил сонли ўсимликлар турлича жойлаштирилиши мумкин, яъни бир хил юзали озиқланиши майдони турлича шаклда бўлиши мумкин. Бунинг таъсирида ўсимликларнинг жойлаштириш қалинлиги кучаяди ёки камаяди. Ташқи мухит омиларидан ўринли фойдаланиш учун ўсимликларни озиқланиш



5-расм. Сабзавот уругларини экиш усули: а — одий кенг қаторлаб экиш; б — пунктир чизик шаклда қаторлаб экиш (квадрат усули); в — квадрат-уялаб экиш; г — қаторлаб лента шаклида уч қатор экиш; д — икки қатор лента шаклда экиш; е — икки қатор лента шаклда уялаб экиш

майдончалари квадрат ёки тенг томонли учбурчак шаклида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Экинларни якаллаб жойлаштириш уялаб (2—3 та) ўстирилган дагига қараганда яхши натижа беради.

Экинларга камроқ ҳаражат қилиб улардан юқори ҳосил олишнинг йўли механизациялаш даражасини оширишдир. Бунинг учун экинларни жойлаштиришда уларни керакли қалинлигини сақлаб қолган ҳолда, машина ва тракторларнинг бемалол кирибчиқиши учун қатор ораларини етарлича қолдиришга аҳамият бериш лозим.

Сабзавотчиликда уруғларни экишнинг учта асосий усуллари (баъзи бир модификациялари билан бирга) қўлланилади: сочма, қаторлаб ва уялаб экиш.

Сочма усулда экишда уруғлар текис дала юзасига қаторларсиз жойлашади. Бироқ бунда экинларни механизация ёрдамида парвариш қилиш жуда қийин. Шу боисдан бу усул очиқ майдонларда эмас фақатгина ёпиқ жойларда (иссиқхона, парник ва плёнка остида) кўчат ҳамда кўкат сабзавотлар маҳсулотини етиширишда қўллланади.

Қаторлаб экишда уруғлар ораси бир хил масофада бўлади. Уруғларни қаторларга оддий, пунктирили ҳамда кенг йўлли усулда экилади. Оддий экишда уруғлар қаторлар узунлиги бўйича бир текисда жойлашмайди, пунктирилида доимий аниқликдаги масофада, кенг йўлли экишда эса — бир чизиққа эмас, балки, кенг чизиққа экилади.

Оддий қаторлаб экишда ёш ниҳоллар тезда бир-бирларини қисиб қўяди, бу эса уларни ягана қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Пунктирилаб экишда экиш ишлари механизация ёрдамида аниқ бажарилгани учун яганалашга ҳожат қолмайди. Агар уруғ экилган жой қўшни қатордаги уялар билан тўғри келса ва кўндаланг қаторлар пайдо бўлса, бундай пунктирилаб экиш *квадрат* (қаторлар ва экинлар орасидаги масофа бир хил) ёки *тўғри бурчакли* (экинлар орасидаги масофа жўяклар орасидаги масофага қараганда қисқароқ) экиш деб аталади.

Кенг қаторлаб экишда худди оддий қаторлаб экишдагидек уруғ миқдори қўлланса, униб чиққан ниҳоллар орасидаги масофа кенг бўлиб, яганалашга ўрин қолмайди. Шўрланган ерларга кенг қаторлаб экиш қаторларда ўтоқ қилишини қийинлаштиради. Шунинг учун қаторлаб экиш шўрланмаган ерларда самаралидир. Экинларни парвариш қилишда гербицидлар қўлланишини албатта ҳисоблаш лозим.

Қаторлаб экиш жойланниши бўйича тор, кенг қаторли ва лентали бўлиши мумкин. Тор қаторлаб экишда қаторлар орасидаги масофа 5 дан 20 см гача, кенг қаторлаб экишда эса 45—180 см гачани ташкил қиласди. Лентали экишда тракторлар ва машиналарнинг бемалол алмасини туриши учун кенг қаторли бир-бираига яқин бир неча қаторларга экилади. Лентада қаторлар сони қанча кўп бўлса, 1 га майдонга шунча кўп экин жойлашади, лекин бунда даланинг умумий юзаси ошиб кетади. Оддий лентали

экиш усули турлича бўлиши мумкин: кам озиқ майдонини талаб қилувчи экинлар учун экинлар ораси (пиёз, сабзи, редиска ва кўкат экинлари) — 20+50 см, 15+15+40 см, 15+15+60 см, 15+15+15+45 см, ва ҳ.қ.; ўртача озиқланиш майдонини талаб қилувчи экинлари учун экинлар ораси (помидор ва бодринг) — 50+90 см, 60+120 см, 40+100 см, 70+110 см; кўпроқ озиқланиш майдонини талаб қилувчи экинлар (қовун, тарвуз) учун экинлар ораси — 90+190 см, 90+270 см ва ҳ.қ.

Ўрта Осиёда картошка, карам, бақлажон, қалампир, помидор-нинг эртаги навлари, маккажӯхори ҳамда дуккакли экинлар кенг қаторлаб оддий ва пунктирили усулларда етиштирилади. Лентали, икки уч қаторли усулда экинлар билан ленталар ораси 20—10 ҳамда 40—60 см масофада пиёз, илдизмевали сабзавотлар, кўкат экинлар экилади.

Помидор, бодринг ва полиз экинлари икки қаторли лентали усулда кенг жўяқ тортиб парвариш қилинади: бодринг ва помидор учун қаторлар ораси 50—70 см, ленталар ораси эса 70—120 см, полиз экинлари учун суғориш эгатларидағи кенг қаторлар ораси 70—90 см, ленталар ораси эса 190—300 см.

У ялаб экишда бир неча экин уруғи битта уяга жойлаштирилади. Бу қаторлаб, лентали ёки икки қаторли усулда экилиши мумкин. Кўндаланг қаторларга риоя қилмасдан уялаб экиш уяли қаторлаб экиш дейилади. Уяларни тўғри бурчакли ва квадратлаб жойлаштириш квадрат-уялаб экиш дейилади. Уяларни лента қаторларига жойлаштириш эса (кенг жўякларда етиштирища) лентали-уялаб экиш дейилади.

Экиш ишларида турли хил схемалардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик машиналари ёрдамида экинларни парвариш қилиш етилган ҳосилни йиғишириб олишини қийинлаштириб юборади. Маълумки, мавсум давомида экин ораларига бир неча марта тракторлар киради. Шунинг учун ҳар бир хўжалик мақбул схемани таъланаб олиши ва экиш ишларида худди шу схемадан фойдаланиши керак.

Мавжуд тракторлар гидравлеклари оралиғи 140 см ва ишловдаги кентлиги 280 ёки 420 см бўлиши кўпчилик сабзавотларнинг 70 см қаторларда етиштиришга талабларини қондиради.

Кейинги пайтларда сабзавотчилик учун тракторларни 180 см ли оралиқ ва 540 см кенгликни қамровчи, қаторлар ораси 60 ва 90 см, полиз экинларига 90 ва 180 см қилиб жойлаштиришни таъминлайдиган мукаммал машиналар устида ишланмоқда.

Амалий машғулот

5 - мавзу. Ўсимликлар қалинлиги, озиқланиш майдони ва 1 га ер учун уруғ сарфлаш миқдорини, аниқлаш.

Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларга уруғ экиш миқдорини ҳисоблашни, экинларнинг қалинлигини ва озиқланиш майдонларини аниқлашни ўргатиш.

Топшириқлар: Битта экиннинг озиқланиш майдони уларни жойлаштириш схемасига боелиқ ҳолда турли усуллар билан аниқланади. Уруғларни оддий ва пункттир экиш усуллари қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Pi = L \times P$$

Бу ерда: Π — битта экиннинг озиқланиш майдони, m^2 ; L — қаторлар орасидаги масофа, m ; P — қатордаги экинлар орасидаги қўшни масофа m .

Уруғларни оддий лентали усулда экишда озиқланиш майдони қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\Pi = P \frac{L+C(8-1)}{8} m^2$$

Бу ерда: P — қаторлардаги экинлар орасидаги ўртача масофа, см. L — ленталар орасидаги масофа, m ; C — қаторлар орасидаги масофа, m ; 8 — лентадаги қаторлар сони; $(8 - 1)$ — лентадаги қаторлар орасидаги сони.

Оддий уялаб экишда озиқланиш майдони квадрат томонлари сифатида, квадрат-уялаб экишда эса қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Pi = \frac{L+P}{r} m^2,$$

Бу ерда: L — қаторлар орасидаги масофа, m ; P — қаторлардаги уялар орасидаги ўртача масофа, m ; r — уядаги экинлар сони.

Уруғларни лентали-уялаб экишда битта экиннинг озиқланиш майдони қўйидаги формула билан аниқланади

$$\Pi = P \frac{C+L}{2+r}$$

Бу ерда: P — қатордаги уялар орасидаги масофа, m ; L — ленталар орасидаги масофа, см; C — қаторлар орасидаги масофа, см; r — уядаги экинлар сони.

Битта экиннинг озиқланиш майдонини билгандан сўнг экинларнинг қалинлигини яъни, 1 га майдонга қанча экин жойлашишини осонгина аниқлаш мумкин. Бунинг учун m^2 ларда ифодаланган 1 га майдонни битта экиннинг озиқланиш майдони (Π)га бўлиш ёки $M=10000:\Pi$.

Биринчи класс уруглари учун экиш миқдори 1 га майдондаги экинларнинг униб чиққан куни ва қалин жойларини яганалаш, турли касалликлар, заараркунадалардан касалланиб нобуд бўлган ҳолларда экинларнинг қўшимчага миқдорини ҳисобга олиб аниқланади. Кўчат қилиб ўтқазиша ва яганаламасдан парваришлашда бу резерв (K) нинг катталиги ушбу қалинликнинг 0,1 қисмини ташкил этади. Уруғлари майда экинларни қаторлаб экишида

Экинлар қалинлигини ва уруғларнинг сарфланиш миқдорини аниқлашга оид ҳисобот

Экиш усуллари	Экинлар	Масофаси, см			Уядаги экинлар сони (г)	Лента-даги қаторлар сони (с)	1 га экиннинг озиқ майд. (О)	1 га майдондағи экинлар сони М	Унупчанлик, (у)	Тозалык, (ч)	Экишга яроқлиги, (Х)	Күшими-ча резервнинг көттеги (К)	1 кг даги уруғтар сони (А)	Биринчи класс уруғлари учун экиш нормаси, кг (Н)
		Қаторлар ва ленталар орасидаги (Л)	Лента-даги қаторлар орасидаги	Қатордаги ўсимлик-лар орасидаги 1										
Қаторлаб ва квадратлаб	Әртаги карам	70		30	1									
	Кечки карам	70		50	1									
	Бақлажон	70		40	1									
	Қалампир	60		30	1									
	Картошка	70		25	1									
Квадрат уялаб ва тұғри бурчаклы уялаб Лентали	Картошка	70		70	2									
	Қалампир	60		60	2									
	Бақлажон	90		90	2									
	Пиёз	40		10	1									
		50	15	9	1	3								
	Сабзи	40	10	7	1	3								
		40	20	8	1	2								
	Бодринг	120	60	35	1	2								
	Помидор	140	70	40	1	2								
	Тарвуз	270	90	70	1	2								
Иккى қаторли лентали уялаб	Қовун Қовоқча	210 180	70 90	70 90	2 2	2 2								

буни — 2, уялаб экишда — 1, полиз экинлари учун — 0,5 деб қабул қилиш мүмкін.

Биринчи класс уруғлари учун экиш миқдори құйидаги формула билан аниқланади:

$$H = \frac{M+K}{x+A} \times 100,$$

Бу ерда: M — 1 гектар майдондаги әкінларнинг қалинлиги; K — резерв қалинликнинг катталиғи (миқдори); x — уруғларни экишга яроқлилігі, %; A — 1 кг уругнинг сони.

1 га майдондаги әкінларнинг қалинлигини ва уларнинг озиқланиш майдонини аниқлашда күнікма (малака) ҳосил қилиш учун ҳар бир ўқувчи экиш усуулларнинг ҳар қайсиси бүйіча 1—2 тадан масала счадилар. Масала шартлари ва уларни ечишдан олинган натижалар құйидаги ҳисобот жадвалига ёзилади (8-жадвал).

Авшало ўқувчилар қаторлар орасидаги, лентадаги қаторларни, сүнгра қаторлардаги әкінларни аниқладылар, олинган натижалар вергулдан сүнг иккита белги билан ёзилади. Юқоридаги формулалар бүйіча ҳисобланған әкінларнинг озиқланиш майдони 8-устунга, уларнинг қалинлиги эса 9-устунга ёзилади.

Биринчи класс уруғлари учун экиш миқдорларини аниқлашни ўқувчилар уларнинг хұжалик яроқлилігини аниқлашдан бошлайдылар. Бунинг учун улар мазкур дарслікнинг З-жадвалига мұвоғиқ уруғларнинг унувчанлығы ва тозалигini ёзадилар. Бу маълумотлар бир-бирига күпайтирилади ва 100 га бўлинади.

Олинган натижалар биринчи класс уруғларнинг хұжалик яроқлиліги сифатида жадвалнинг 12-устунига ёзилади. Шундан кейин әкінларнинг қалинлигига құшымча резервларнинг катталиги ҳисобланади ва жадвалнинг 13-устунига ёзіб құйилади. Энди 1 г уругнинг сонини топиш учун ўқувчилар маълумотномаларга мурожаат қилишлари мүмкін. Топилган маълумот 1000 га күпайтирилади, натижада 1 кг уругнинг сони келиб чиқади. Бу маълумот ҳисобот жадвалининг 14-устунига ёзилади. Юқорида көлтирилған формулалардан фойдаланиб, барча күрсаткичларга эга бўлинади, шундан сүнг биринчи класс уруғлари учун экиш миқдори аниқланади ва жадвалимизнинг 15-устуни янги олинган маълумот билан тўлғазилади.

Мисол учун уч қаторда лентали экиш усулини қўллаб, пиёзниңг экиш миқдорини аниқлаймиз. Ленталар орасидаги ма-софа 40 см, қаторлар ораси 15 см, қаторлардаги әкінлар ораси 10 см, уруғларнинг унувчанлығы 80 фоиз, тозалиги 99 фоиз, 1 г уругнинг сони 270 дона. Бундай ҳолда битта пиёзниңг озиқланиш майдони (Π) — 0,023, 1 га даги әкінлар сони $10000:0,023=420,7$ минг.

Бу ерда резерв (K) 2 ёки 841,4 мингта teng. Хўжалик яроқлиліги $X = \frac{80 \times 99}{100} = 79,2\%$. Биринчи класс уруғлари учун экиш нормаси:

$$\frac{420\ 700 + 841\ 400 \times 100}{79,2 \times 270\ 000} = 5 \text{ кг ни ташкил қиласи.}$$

Фойдаланиладиган асбоблар. Сабзавот ва полиз экинлари уруғларининг экиш сифатига ГОСТ лар. Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги бўйича маълумотлар жамланган адабиётлар. Калькуляторлар ва чизгичлар.

ОЧИҚ ЕРДА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШНИНГ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

5 Боб

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Алмашлаб экишни аҳамияти, зарурлиги ва навбатлашнинг қоидалари. Алмашлаб экишни тўғри ташкил қилиш деҳқончиликнинг асосий таркибий қисмидир. Алмашлаб экиш деганда экинларни вақт (йиллар бўйича) ва бўшлиқда (далаларда) маълум муддатда амалга ошириладиган илмий асослаған навбатлаб туриш тушунилади. Алмашлаб экишнинг асосий вазифаси ерларнинг унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ерларни турли заараркундалар, касаллик қўзғатувчилардан тозалаш, ёввойи ўтлардан қоли қилиш, маҳсулот таннархини камайтирган ҳолда экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлашдир.

Турли сабзавот экинлари экологик хусусиятига кўра ўтмишдошларига нисбатан турлича муносабатда бўладилар. Сабзавот экинларига ўтмишдошлар танлашда, уларни касалликларга, заараркунларга, ёввойи ўтларга ва агротехника тартиботига муносабатлари бўйича аниқланади. Натижада алмашлаб экишда ҳар бир сабзавот экинлари ўзининг энг яхши ўтмишдошига эга бўлиши керак.

Экинларни тўғри навбатлаш далаларда сабзавотларга хос касаллик ва заараркундаларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Шу боисдан уларни олдини олиш ва курашиш чоралари учун ортиқча сарф харажат лозим бўлмайди.

Сабзавот экинлари тупроқдаги озиқ элементларини ўз қобиляйтларига қараб турлича ўзлаштиради. Бирор экинни битта жойда сурункасига экавериш ернинг ориқлашига олиб келади. Бундан ташқари, мазкур экиннинг илдизлари озиқланадиган жойда илдизлар ва микрофлоранинг яшаши учун заарарли моддалар йигила боради. Бундай ҳодиса тупроқнинг побуд бўлиши деб юритилади.

Сабзавот экинларининг илдизлари тупроқда турлича жойлашиши билан фарқ қиласди. Экинларни алмашлаб парвариш қилиш билан юза ва чуқур жойлашган илдиз системасининг ҳайдадидиган тупроқ қатламини ориқланишини камайтириш ҳамда захира озиқ моддаларни қайтадан тиклашга эришиш мумкин.

Сабзавот экинлари солинган органик ўғитлардан бир хилда фойдаланмайди. Карам, бодринг ва полиз экинлари гўнг солин-

ганды юқори ҳосил беради. Сабзи ўғитлар таъсирига унчалик берилмайды. Пиёзга күп ўғит солинса, у узоқ вақтгача пишиб етилмайды ва ёмон сақланади.

Эртаги тезпишар сабзавотларга ёз бошларида солингган гүнгүнинг таъсири унчалик бўлмайди. Шунинг учун алмашлаб экишни тўғри ташкил қилиш ердан унумли ва тўғри фойдаланиш имконини беради.

Шўрланган ерлар сабзавот экинларига бир хилда таъсири кўрсатмайди. Барг юзаси яхши ривожланган экинлар (карам, картошка, бодринг ва бошқалар) кенг қатор ораларида ўғсан ёввойи ўтларга чидамли. Бироқ сескин ўсуви ва илдизмевали экинлар (сабзи, пиёз ва бошқалар) ёввойи ўтларга чидамсиз. Далаларни ёввойи ўтлардан тозаловчи алмашинувчи экинлар ёввойи ўтларнинг қаршилигига дош бера олмайдиган экинлар билан бирга ер шўрини камайтиради.

Эрта экилувчи ва кўчат қилинувчи экинларни далалардан эрта йиғиштириб олинадиган экинлар ўрнига, кечки ва кўчат қилинувчи экинларни эса кечроқ йигиб-териб олинадиган экинлар ўрнига экиш мақсадга мувофиқдир. Бунда экинларнинг навбатини ва алмашлаб экишнинг лойиҳасини ҳисобга олиш керак, албатта.

Ўрта Осиё шароитида картошка учун карам, дуккакли сабзавотлар, бодринг, икки йиллик сабзавот экинларининг уруғлари: пиёз, илдизмевалар ва шунингдек, полиз экинлари энг яхши ўтмишдош бўлиб ҳисобланади. Кечки картошка учун энг яхши ўтмишдошлардан бири-янги бузилган (ҳайдалган) бедапоядир. Итузумдошлар учун энг яхши ўтмишдош бузилган бедапоядан биринчи ва иккинчи йиллар фойдаланиш, ҳамда дуккаклилар, полиз экинлари, карам ва пиёздир. Карам картошка, полиз экинлари, бодринг ва илдизмевалиларга яхши ўтмишдош.

Бегона ўтлардан катта зиён кўрувчи пиёз ва илдизмевали сабзавотларни ўзидан кейин кам шўр қолдирувчи карам, бодринг, картошка экинларидан сўнг стиштирган маъқул. Полиз экинлари ва бодринг кўп йиллик ўтлардан, сабзавот экинларидан, карам, илдизмевалилар, пиёз ва дон экинларидан кейин стиштирилганда мўл-кўл ҳосил беради. Бирор экинни аввалги жойига экиш, қоида бўйича уч йилдан сўнг амалга оширилиши керак. Ўрта Осиёда сабзавот экинларини алмашлаб экишда йўнгичқа доимий компонент ҳисобланади. Унинг сугориладиган экин сифатидаги аҳамияти катта бўлиб (ер ости сувларини туширади) ва ернинг шўрланган юза қатламини нормаллаштиради, органик моддалар ва азот билан бойитади. Йўнгичқа экилган майдонлар шудгор қилингандан сўнг, кеч баҳорда иссиқсевар экинлар экиш маъқул. Шунгача тупроқдаги органик ўғитларнинг қолдиқлари бутунлай ерга шимилиб кетади. Сабзавот-йўнгичқа (беда) алмашлаб экишда йўнгичқа йиғиштирилиб ҳайдалган ерга учинчи йили органик ўғит солиш мақсадга мувофиқ. Кейин эса ўғитни 2—3 йилда бир марта солиш керак. Минерал ўғитлар алмашлаб экиладиган ҳамма майдонга солинади.

Ўрта Осиёнинг иссиқ кунлари узоқ давом этадиган даврида битта участкадан (майдондан) 2—3 марта ҳосил олиш мумкин. Қўйида эртаги ва қайта экилувчи экинлар рўйхатини келтирамиз:

Эртаги карам — кечки картошка ёки кечки илдизмевалилар; эртаги сабзи — кечки карам, картошка, шолғом, турп; эртаги бодринг ёки икки йиллик карам ва илдиз мевалиларнинг уруғлари — кечки шолғом, турп, баҳорда экиладиган пиёс:

эртаги карам — кечки карам, сабзи, шолғом, турп ва бодринг; барча кўкат экинлари (салат, исмалоқ, укроп ва бошқалар) — кечки картошка, сабзавот ва полиз экинлари;

эртаги сабзавотлар ва картошка — эртапишар помидор, кечки тарвуз ва қовун.

Кеччишар сабзавот экинларини арпа ва буғдой сингари дон экинларидан сўнг экиш мумкин. Сабзавот экинлари учун алмашлаб экишда маккажўхорини силос учун ва дон учун биринчи ҳамда қайта (такрор) экилувчи экин сифатида қўллаш мумкин. Экин майдонидан иккинчи марта фойдаланишида, аввало биринчи экиннинг эртапишар навларини танлаш (чунки экин қанча эрта йиғиб-тери олинса, иккинчи марта экиладиган экинни шунча эртароқ жойлаштириш мумкин), қайта экиладиган экиннинг ҳам тез пишиб етилувчи навларига алоҳида эътибор бериш лозим. Уруғлар тез униб, пишиб, етилиши учун ерлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш керак. Иккинчи марта экилиши мўлжалланаётган экин учун тсэроқ жой бўшатиб берилиш даркор.

Сабзавот алмашлаб экишда экинларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим резервларидан бири куз-қиши даврларида оралиқ экинларни парвариш қилишдир. Оралиқ экинлар сифатида баҳорги жавдар, тритикале, баҳорги арпа, рейгарс, баҳорги хашаки нўхат, шабдар, берсим, перко, рапс, хантал каби экинлардан фойдаланиш мумкин. Бу экинларни алоҳида, шунингдек, уларни бошоқли дуккакли ёки карам билан дуккакли экинлар ораларига экиб етиштириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Оралиқ экинларидан қишки-баҳорги даврларда фойдаланиш озиқ ресурсларини кўпайтиришга имкон беради. Дуккакли экинлардан сидератлар сифатида апрель-май ойларида кечки картошка ва сабзавотларни экишдан аввал фойдаланиш мумкин.

Сабзавот экинларини жойлаштириш ва уларнинг экиладиган майдонлар структурасидаги ўрни. Алмашлаб экишнинг муҳим қисми бўлиб, экинларни иқтисодий ва агрономик асослаиган ҳолда алмаштириб туриш ҳисобланади. Экиладиган майдонларнинг тузилиши (хўжаликдаги экиладиган майдонларнинг умумий баланси парвариш қилинадиган экинларнинг ҳиссаси кўрсатилган рўйхат) далаларни алмаштириб туриш учун дастлабки шарт-шароитлардан биридир. У етиштирилаётган ҳар бир экиннинг режалаштирилган ҳосилдорлигининг иқтисодий самараси, хўжаликни ихтинослаштириш, тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиб сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дав-

латта сотиши бүйича режали топшириқлар асосида ишлаб чиқылади. Ихтисослаштирилган хұжаликлярнинг экиладиган майдонлари таркибида сабзавот экинларининг солиштирма оғирлиги 50 ва ундан күпроқ фоизни, ихтисослашмаган хұжаликларда эса анчагина кам фоизни ташкил қиласы. Барча хұжаликларнинг алмашлаб экиш режасида сабзавот экинлари қаерда күпроқ самара берадиган бўлса, ўша ерга эккан маъқул. Ҳар хил сабзавот экинлари турларини жойлаштириш ва экиладиган майдонларнинг таркибини (структурасини) белгилашда таъминланганлиги ҳисобга олинади.

Шунинг учун мамлакатимизнинг жанубий районларини иссиқсевар (иссиққа талабчан), шимолий районлардаги экиладиган майдонларини эса совуққа чидамли экинлар эгаллаган. Ўрта Осиё шароитида намликтини ёқтирамайдиган полиз экинлари лалмикор, бошқа сабзавот экинлари эса сугориладиган ерларда яхши битади. Кartoшка учун тоғлик районлар маъқул бўлиб, бу экин мазкур зоналарда юқори ҳароратдан зарарланмайди.

Битта районда етиштирилаётган сабзавот экинларининг тупроқ ва рельефга боғлиқлик нисбати ҳар хил. Сабзавот экинлари намлик етарли, органик моддаларга тўйинган ерларда яхши ўсади ва юқори ҳосил беради. Ўрта Осиё шароитида карам, бодринг, итузумдошлар ва кўкат ўсимликлар ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ бўлган ерларда яхши ўсади, чунки бу ерларда гумус миқдори кўп бўлиб, тупроқ кам қизийди. Пиёз ва илдиз мевали экинлар қумоқ тупроқли ерларда яхши ўсади. Шунингдек, терасса юзасида полиз экинлари кўнгилдагидек ҳосил беради. Улар бу ерларда фузаризоз сўлиш касаллигидан камроқ зарарланади.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоқ муҳтор жумҳуриятидаги ер ости сувлари яқин бўлган ерларда қовун яхши ҳосил берган (қовун бу ерларда суформасдан етиштирилган). Эндиликда полиз экинлари ўзлаштирилган кўриқ ерлар ҳам юқори ҳосил бермоқда. Тоғолди районларининг жанубий ёнбагирлари қуёш нуридан шимолий районлардаги ёнбагирларга нисбатан яхши қизийди. Шунинг учун жанубий ёнбагирларга экиладиган ва дастлабки вақтда иссиқлик етарли бўлмайдиган ерларда ўсадиган эртаги сабзавотларнинг нисбий оғирлиги юқоридир. Шимолий ва гарбий томонларга экилган экинлар ёз пайтида нисбатан юқори ҳароратдан зарар кўради.

Сабзавот экинларининг айрим турларига бўлган талаб ва етиштирилган маҳсулотдан фойдаланиш экиладиган ерларнинг тузилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Йирик шаҳар ва саноат марказларига яқин жойлашган экин майдонларида янги истеъмол қилинадиган эртаги кўкат сабзавотлар асосий ўрин эгаллади. Шаҳар аҳолисининг талабларини қондириш учун 15—20 турга яқин хилма хил сабзавот маҳсулотлари керак.

Бироқ битта хұжаликда хилма хил сабзавот экинлари етиштириш уларни саноат асосида ишлаб чиқаришни қийинлаштиради. Шунинг учун хұжаликни ихтисослаштириш фойдалидир.

Шаҳардан узоқроқ хўжаликлар одатда куз ҳамда қишида истеъмол қилинадиган ва сақлашга мўлжалланган сабзавот навларини етишириди. Хўжалик истеъмолчилардан қанчалик узоқда жойлашса, шунчалик камроқ экин турларини етишириди.

Консерва заводларига ҳом ашё етказиб берувчи хўжаликларда консерва қилишга ва маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган экинлар асосий ўринин эгаллади. Сабзавот-сут етиширишга мўлжалланган хўжаликларда сабзавотдан ташқари экин майдонлардан озиқ экинлари кўпроқ ўрин эгаллади. Ўрта Осиё шароитида бундай экин турига силос ва дон учун экиладиган маккажӯхори киради.

Алмашлаб экиш турлари ва уларни жойлаштириш асослари. Ҳар бир алмашлаб экиш маълум звено ва далалар сонидан иборат. Звено — бу икки-уч экинни бирга қўшиб олиб бориш, дала эса ҳайдаладиган ер участкасининг маълум ҳажми. Ҳар бир экин бир неча ёки битта далани, шунингдек, унинг бир қисмини эгаллаши мумкин. Бир неча экин етишириш учун бўлинган алмашлаб экиш даласи *терма дала* деб аталади.

Битта далада экинларни навбати билан экиш рўйхати акс этган схема алмашлаб экишнинг асосий белгисидир. Ҳар бир дала кетма-кет ўтувчи экинларнинг даври белгиланган алмашлаб экиш схемаси бўйича *ротация* деб аталади. Алмашлаб экиш ротацияси даврида бутун далалар бўйича экинларни жойлаштириш режаси (бир йилга) ротация жадвали деб аталади. Хўжаликларнинг ихтисослаштирилганлик даражаси ва экин майдонларида сабзавот экинларининг тутган ўрнига қараб сабзавот ва полиз экинларининг яроқли майдонларига маҳсус сабзавот, хашаки сабзавот, озиқ экинлари экилади.

Ўзбекистоннинг сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлида уч йиллик бедапояси билан саккиз далали алмашлаб экиш жадвали қабул қилинган. Сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчиликка оид хўжаликлар, бўлим ёки бригадаларга мўлжалланган алмашлаб экишнинг бундай уч хил схемасини ўзлаштириш лозим. Бундай турли йўналишда бўлган сабзавотчилик хўжаликлари учун алмашлаб экишнинг тахминий схемаси экинларни қўйидагича навбатлашга эга (9-жадвал).

Сабзавот етиширишга мўлжалланган хўжалик учун қўйидагича схема тавсия қилинади: 3:4:1 (учта дала беда, тўртта дала сабзавотлар, битта дала картошка), картошкачилик хўжаликлари учун — 3:3:1:1 (учта дала беда, учта дала картошка, битта дала сабзавот ва битта дала полиз экинлари), полизчилик учун — 3:3:1:1 (учта дала беда, учта дала полиз экинлари, битта дала сабзавот ва битта дала картошка). Учала схемада ҳам биринчи учта дала беда учун ажратилади. Беда ҳайдалгандан сўнг алмашлаб экишнинг тўртинчи даласига ўртacha сабзавот экинлари — итузумдошлар, бодринг, эртаги ва кечки картошка экилади. Кейинги далаларда полиз экинларидан олдин оралиқ экинлари, кечки сабзавот ва картошка экинларидан олдин — эртаги кар-

тошкада сабзавот, ундан сўнг кечкиларини стиштириш мўлжалланган. Асосий экинлар ўтмишдош сифатида ёки асосий экин сифатида кетиши мумкин. Шундай қилиб, алмашлаб экишнинг учала скемасида экиладиган майдонлар тузилишида беда 27, сабзавот, полиз экинлари картошка билан биргаликда 73 фоизни ташкил қилиши керак.

Ҳар бир хўжаликда турли йўналишдаги алмашлаб экишнинг бир неча скемаси жорий қилинган бўлиши, ҳатто бригадалар учун алоҳида алмашлаб экиш скемалари бўлиши мумкин. Хўжаликда жорий этилган у ёки бу алмашлаб экишнинг саломги унинг йўналиши ва режа топшириклари билан аниқланади. Далаларда алмашлаб экиладиган экинларининг тури эртаги сабзавотлар стиштириш ёки узоқ муддатга сақлаш ва саноатда қайта ишлаб чиқариш учун мўлжалланганлигига қараб аниқланади.

Янги алмашлаб экишни жорий қилиш икки босқич: алмашлаб экишни жорий қилиш ва уни ўрганиб олиш (алмашлаб экиш сирларини билиб олиш) билан фарқ қиласди. Алмашлаб экишни жорий қилиш бу алмашлаб экиш скемасини, режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлатиш ва лойиҳани хўжалик территориясида амалга оширишдир.

Амалий машғулот

6-мавзу. Сабзавотчилик хўжаликлари учун алмашлаб экиш режасини тузиш

Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларни минтақадаги сабзавотчилик хўжаликлари учун қабул қилинган алмашлаб экиш скемалари билан таништириш ва алмашлаб экишнинг ротацион жадвалларини тузишни ўргатишдир.

Топшириклар, кўрсатмалар. Топширикларни бажариш вақтида ўқувчилар 2—3 кишидан бўлиб звеноларга бирлашадилар. Ҳар бир звено йиллик экинларни жойлаштириш режасини олади ва алмашлаб экишнинг асосий йўналиши (картошка, полиз экинлари ёки сабзавот экинлари бўйича) ҳамда аввалги алмашлаб экиш ишлари билан танишади. Бажариладиган вазифа эртаги ва такрор экинлар номи кўрсатилган алмашлаб экишнинг типовой скемасини аниқлашдан бошланади. Масалан, картошка алмашлаб экишнинг типовой скемаси асосида унинг аниқ скемаси тузилади:

1—3 — беда, 4 — эртаги ва кечки картошка, 5 — эртаги карам, кечки карам, 6 — полиз экинлари, оралиқ экинлар, 7 — кечки картошка, 8—50 фоиз эртаги сабзи, 50 фоиз эртаги карам, кечки картошка.

Ўқитувчи ўргатган алмашлаб экиш борасидаги билимлардан сўнг ўқувчилар 2—3 йилга мўлжалланган алмашлаб экиш режасини тузадилар, бу режа эса қуйидаги 10-жадвалга ўхшаш бўлиши мумкин.

Алмашлаб экиш режасини тўлғизиб бўлгандан сўнг ўқувчилар ўт босган, картошка, полиз ва сабзавот экинлари экиласидиган майдонларнинг қандай тарзда ўзгариб боришини ҳисоблашлари керак. Белгиланган гуруҳдаги ўсимликларнинг солиштирма оғирлигига катта ўзгаришлар бўлишига йўл қўймаслик керак.

Алмашлаб экиш режасини тузиб бўлгандан сўнг ўқувчилар ротацион жадвал тузишга киришадилар. Шунга мувофиқ экинлар уруғи алмашлаб экиш схемасига амал қилинган ҳолда ҳар бир далага экиласди. Ваҳоланки, алмашлаб экишни йил давомида ўзлаштиришни алмашлаб экишнинг биринчи ротациясининг биринчи йили деб санаш керак. Режани етти йил давом эттириб ўқувчилар саккиз далали алмашлаб экишнинг ротацион жадвалини-экинларни галма-гал экишни бўш ётган (далалар бўйича) ва қайси вақтлар (ротация йиллари бўйича) экиш муддатлари кўрсатилган-тузишга киришадилар (11-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистоннинг сабзавочиликка ихтисослашган хўжаликлари учун тўлиқ саккиз далали алмашлаб экиш.

Тар-тиб-сон	Сабзавотчилик хўжаликлари учун		Картошка етиштирувчи хўжаликлар учун		Полиз экинлари билан шугулланувчи хўжаликлар учун	
	Асосий экин-ларни навбатлаш	Ўтмишдош экин	Асосий экин-ларни навбатлаш	Такрор экинлар	Асосий экин-ларни навбатлаш	Ўтмишдош экинлар
1.	1 йиллик беда	—	1 йиллик беда	—	1 йиллик беда	—
2.	2 йиллик беда	—	2 йиллик беда	—	2 йиллик беда	—
3.	3 йиллик беда	—	3 йиллик беда	—	3 йиллик беда	—
4.	Ўртаги муддатли сабза-вот (помидор)	—	Эртаги картошка	Кечки картошка	Полиз экинла-ри (қовун)	—
5.	Кечки сабза-вотлар	Илдиз-мева-лилар	Эртаги сабза-вотлар	Картош-ка	Полиз экинла-ри	Ора-лиқ экинла-ри
6.	Кечки картош-ка	Эртаги сабза-вот (ка-рам)	Полиз экинла-ри	Ора-лиқ экинла-ри	Кечки картош-ка	Эртаги сабза-вотлар
7.	Сабзавотлар (пиёз)	—	Кечки картош-ка	—	Сабзавотлар (пиёз)	
8.	Кечки сабза-вотлар	Эртаги катош-ка	Эртаги сабза-вотлар	Қишки картош-ка	Полиз экинла-ри	Оралиқ экинла-ри

Алмашлаб экишни ўзлаштириб олиш режаси

Далалар тартиб сочи ва уларнинг майдони	Ўзлаштириш бошлидан аввалиги йили экинларни жойлашгани	Даврда экинларни жойлаштириш режаси		
		1-йил	2-йил	3-йил
1—27 га	27 га полиз экинлари	27 га кечки картошка	27 га эртаги карам, 27 га кечки картошка	27 га 1 йиллик беда
2—30 га	30 га эртаги илдизмевалилар +30 га картошка	30 га картошка +30 га кечки картошка	30 гектарда 1 йиллик беда	30 га 2 йиллик беда
3—32 га	32 га эртаги картошка +32 га кечки картошка	32 га 1 йиллик беда	32 га 2 йиллик беда	32 га 3 йиллик беда
4—28 га	28 га 1 йиллик беда	28 га 2 йиллик беда	28 га 3 йиллик беда	28 га эртаги картошка +28 га кечки картошка
5—26 га	26 га кечки картошка	26 га эртаги карам +26 га кечки карам	26 га эртаги илдизмева +26 га кечки картошка	26 га эртаги карам +26 га кечки картошка
6—29 га	29 га 2 йиллик беда	29 гектар 3 йиллик беда	29 га эртаги картошка +29 га кечки картошка	29 га полиз экинлари
7—30 га	30 га эртаги карам +30 га кечки картошка	30 га эртаги илдизмевалилар +30 га кечки картошка	30 га полиз экинлари	30 га кечки картошка
8—31 га	31 га 3 йиллик беда	31 га полиз экинлари	31 га кечки картошка	16 га эртаги сабзи +15 га эртаги карам +31 га кечки картошка
жами: тақпор экинлар билан берига, га	315	319	315	318
шу жумладан: картошка сабзавотлар полиз экинлари беда	150 60 27 88	143 56 31 89	142 53 30 90	143 57 29 89

Берилган топшириқларни бажарып бўлган ўқувчилар алмашлаб скиш нималигини, унинг аҳамиятини, элементларини, асосий экинларнинг ўтмишдошларини яхши билишлари, алмашлаб экишнинг аниқ схемасини, режа ва ротацион жадвал тузишни ҳам амалга оширадиган бўлишлари керак. Бажарилган вазифаларнинг тўғрилиги ўқувчилар томонидан тузилган режалар ва алмашлаб экишнинг ротацион жадваллари оғзаки савол-жавоб йўли билан текширилади.

11-жадвал

Картошкачилик йўналишидаги хўжалик учун алмашлаб экишнинг ротацион жадвали

Тар- тиб сони	Ротация йиллари								Сакки- зини
	Бирин- чи	Иккичи	Учишиби	Тўртии- чи	Бешинчи	Олтинчи	Еттинчи		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
1.	1 йил- лик бе- да	2 йил- лик бе- да	3 йил- лик бе- да	Эртаги картош- ка+ кечки картош- ка	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Полиз экинлари	Кечки картошка	Сабзи ва эр- таги ка- рам+ кечки кар- тошка	
2.	2 йил- лик бе- да	3 йил- лик бе- да	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Полиз экинлари	Кечки картошка	Сабзи ва эртаги ка- рам+ кечки картошка	1 йил- лик беда	
3.	3 йил- лик бе- да	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Полиз экинла- ри	Кечки картошка	Сабзи ва эртаги ка- рам+ кечки картошка	1 йил- лик беда	2 йил- лик беда	
4.	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Полиз экинла- ри	Кечки картош- ка	Сабзи ва эртаги ка- рам+ кечки картошка	1 йил- лик беда	2 йил- лик беда	3 йил- лик беда	
5.	Эртаги картош- ка+кечки картош- ка	Полиз экинла- ри	Кечки картош- ка	Сабзи ва эртаги ка- рам+ кечки картош- ка	1 йил- лик беда	2 йил- лик беда	3 йил- лик беда	Эртаги картош- ка+ кечки картош- ка	

1	2	3	4	5	6	7	8	9
6.	Полиз экспира- ри	Кечки картош- ка	Сабзи ва эрта- ги ка- рам+ кечки картош- ка	1 йил- лик бе- да	2 йил- лик беда	3 йил- лик беда	Эртаги картош- ка+кеч- ки кар- тошка	Эрта- ги ка- рам+ кечки кар- тошка
7.	Кечки картош- ка	Сабзи ва эрта- ги ка- рам+ кечки картош- ка	1 йил- лик бе- да	2 йил- лик беда	3 йил- лик беда	Эртаги картош- ка+ кеч- ки кар- тошка	Эртаги карам+ кечки картошка	Полиз экспира- ри
8.	Сабзи ва эрта- ги ка- рам+ кечки картош- ка	1 йил- лик бе- да	1 йил- лик бе- да	1 йил- лик бе- да	Эртаги картош- ка+ кеч- ки кар- тошка	Эртаги карам+ кечки картошка	Полиз экспира- ри	Кечки кар- тошка

Фойдаланиладиган асбоблар. Алмашлаб экишнинг махсус қўрсатма схемалари. Ўтмишдош ва тақрор экспирлари қўрсатилган плакатлар. Алмашлаб экиш жадвалини ўзлаштира бошлашдан аввалги йил давомида экспирларни жойлаштириш режаси. Алмашлаб экишни ишлаб чиқиш учун бригаданинг фойдаланилган ерлар экспликацияси, калькуляторлар ва чизгичлар.

6 Боб

САБЗАВОТЛАРНИ САНОАТ АСОСИДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. ЎҒИТЛАШ, ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ, ПАРВАРИШЛАШ ВА ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИШ

Тупроқни тайёрлаш. Тупроқни қайта ишлашнинг асосий вазифаси тупроқнинг физик хусусиятини яхшилаш, уруғларнинг униб чиқишга, парвариш қилинаётган экспирларга шароит яратиш учун унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ёввойи ўтларни ўқотиш, касаллик қўзғатувчилар ва заараркунаидаларга қарши курашиш, солинган ўғитларнинг устига тупроқ тортиш, намлиқ этишмайдиган тупроқларни нам билан таъминлаш, уни сақлаш чораларини кўриш, намлиқ ҳаддан ташқари зиёд срларда эса уни камайтиришdir.

Тупроқни қайта ишлаш режалаштирилди ва парвариш қилинаётган экспирнинг биологик ва иқлим шароити, тупроқнинг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда қўлланади. Бу эса ўз ичига асосий, экспир олди ва қатор оралари ишловларни қамраб олади.

Маълумки, кузда, яъни экинлар йигиб-териб олингандан сўнг тупроққа асосий ишлов бериш бошланади. Ишлов беришдан аввал сугориш тармоқлари вақтингачалик беркитилади, майдонлар экинларнинг қолдиқларидан тозаланади. Сугориш ариқчаларини текислаш МК—12 ва КЗУ—0,3 механизмлари билан амалга оширилади.

Ўсимликлар сўлиш, вирус касалликлари (итузумдошлар) ёки бактериал рак (помидорлар) билан заарланганда далалардаги қолдиқлари яхшилаб илдизи билан йигиб-териб олинадида бир четга чиқариб ёки ташланади. Эрта йигиб-териб олинган бодринг, итузумдошлар, полиз ва дуккакли сабзавот экинларидан сўнг ер юза қилиб ҳайдалади, икки-уч ҳафтадан кейин эса куэзи шудгорлаш ўтказилади.

Юза ҳайдаш диск гидрофлицировкали лушчиликлар, плуг-лушчиликлар ёки отвали олиб қўйилган оддий плуглар билан ҳайдалади. Қаттиқ ерлар (оғир тупроқларда) оғир боронали дисклар билан юза ҳайдалади. Бир йиллик экинлар экилган шўр ерлар — 6—7 см, кўп йиллик экинлар ўсан майдонлар эса 10—14 см чуқурликда юза ҳайдалади.

Қуруқ келган кузда ерлар юза ҳайдалгандан кейин бегона ўтларнинг унишини сунъий равишда тезлаштириш учун сугорилади. Кеч етиладиган ҳосил йигиб-териб олингандан кейин бегона ўтлардан тоза далаларда юза юмшатишсиз куэзи шудгор ўтказилади. Кўп йиллик ўтлари бўлган далалар куэзи шудгорлашга 7—10 кун қолганда сугорилади.

Куэзи шудгорлаш одатда 25—35 см чуқурликда ўтказилади. Бунда икки ярусли плуглардан фойдаланилади. Шудгорлаш қанча эрта ўтказилса, ер шунча "дам" олади ва келгуси йилга шунча кўп куч тўплайди. Агар куэзи шудгорлашда ер қуриб қаттиқ ҳолга келиб қолса, унда майдонларни сугориш керак. Ер юмшаб бироз оби-тобига келгандан сўнг шудгорлаланади. Куэзи шудгорлаш билан айни бир вақтда ерларга органик ўгитлар, фосфор-калийли ўгитларнинг асосий қисми солинади.

Ер қаттиқ бўлиб, маълум чуқурликда шудгорлашнинг имкони бўлмаса, ҳар йили 3—4 см қўшиб борилади, ёки ерни чуқур ҳайдовчи плуглардан фойдаланилади. Ер ҳайдалгандан бўлак-бўлак қолмаслиги учун қандай йўналишда фойдаланишга қараб чуқур ва майда ишлов берилади. Эскидан шудгорланиб келинадиган оғир ерлар 40—50 см чуқурликда шудгор қилинади. Бедадан бўшаган далалар чап томондан қирқувчи лемехлари бўлган плуглар билан ҳайдаб чиқилади. Ерлар шўрлангани учун сугориш ўтказиладиган далаларда тупроқлар зичлашиб қолади. Шу сабабли куэзи шудгорлаш сугоришдан сўнг ўтказилади. Чунки бундай далаларга кечки экинлар жойлаштирилади. Эртаги экинлар далаларга сугориш ўтказилгунча экилади.

Куэзи шудгорлаш ПЛН—4—35 осма плуглари ёрдамида амалга оширилади. Ёввойи ўтларнинг илдизлари анча чуқур жойлашади, уларни йўқ қилишда ПЯ—3—35 ва ПД—4—35 каби икки ярусли

сүқалар құлланади. Бу плугларнинг самараси катта. Тошлоқ тупроқларда хавотирсизловчи автомат қисмлари билан жиҳозланған ПКУ—3—35 ва ПКУ—4—35 каби плугларда шудгор қилинади.

Кучли шүрланған далалар кузги шудгорлашдан сүнг ВКС—0,8 мосламаси билан ёввойи ўтларнинг илдизларидан тозаланади. Сабзавотчиликда сугориладиган ерларга асосий ишлов бериш системасига далаларни планировка (режалаشتариш) қилиш киради. Бу ПВ—8, П—4, П—0,8, ПА—3 сингари режалаشتывчилар ёрдамида амалға оширилади.

Сабзавотчиликда ерларга экиш олдидан ишлов бериш ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга кўра сабзавот экинларининг майда ва жуда секин унувчи уруғлари, тупроқда узоқ вақт намлик ва кислород сақланиб туриши учун (чунки улар ургунинг униб чиқиши учун жуда зарур омиллар) ернинг юза қатламларига диққат билан ишлов беришни талаб қиласи.

Кўпгина сабзавот экинлари ҳосил органларини ерда шакллантиради, уларнинг сифати ва шакли ерларнинг юмшоқлигига ва ишлов бериш чуқурлигига боғлиқ. Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш техникаси ва усуслари, муддати тупроқнинг физик хусусиятлари, уларнинг ҳолати, экинларни экиш ёки кўчат қилиш вақти билан аниқланади. Эртаги-баҳорги муддатларда (февралнинг охири, мартаңнинг бошлари) ўтказиладиган бороналаш БЗГС—1,0 маркали икки изли боронада олиб борилади. Ерларни эрта баҳорги экишга тайёрлашнинг янг яхши усусларидан бири кузги бороналаш ҳамда хаскаш (тароқсимон мослама) билан ишлов бериш ҳисобланади. Бу экишни эрта муддатларда ўтказиш имконини беради.

Унча қаттиқ бўлмаган ерларга кеч баҳорда (апрель-май) экиш олдидан ишлов берилади, эрта баҳорда экиш олдидан икки изли бороналаш ўтказилади. Қотмаган ерларда намлиknи сақлаб қолиш учун эрта баҳорда КФГ—3,6 культиватори билан 16—24 си чуқурликда фрезерланади ёки ЧЕУ 3,6 чизель-культиватори билан юмшатилади. Анча қотиб кетган ерлар май ойларида экишдан аввал ПЯ—3—35 плуги билан 22—25 см чуқурликда ағдариб чиқилади, сўнгра орқасидан бороналанади ва режалаشتирилади.

Қўл билан кўчат экишда жўяклар культиваторларда олдиндан юмшатиб чиқилади. Асосий экинлар ёзда (июнь, июль) экиладиган бўлса, шунгача далаларга дам бериб қўйилади. Бунда майдонларни ёввойи ўт босмаслигига алоҳида аҳамият берилади. Бунинг учун эса ерларга ишлов бериш эрта баҳордан бошланиб. яхшилаб бороналанади, сўнгра эса ёввойи ўтларни йўқотиш учун 1—2 марта (апрель ва май ойларида) ялпи культивация қилинади. Экин экиш олдидан ёки экилаётган вақтда бороналаш билан бирга унча чуқур (20—22) қилмасдан шудгорланади. Агар ер жуда қотиб кетган бўлса щудгорлашдан олдин сув қўйилади. Ёз вақтида қайта экишга киришилса, экиш олдидан ерларга ишлов

берилса, эртаги экинларнинг қолдиқларинп йигиштириб, ташиб олинса ҳамда далаларнинг намлиги етарли бўлса, бунда ерлар экиш олдидан чуқур (28—30 см) қилиб, ҳайдалади, бороналанади ва режалаштирилади. Эртаги экинлардан сўнг майдонлар қуриб, ҳайдалаётганда бўлак-бўлак бўлиб қолса, дарҳол ҳайдаш тўхатилиб сув қўйиш керак, ерлар етилиши билан эса яна шудгорлашга киришилади.

Ёзда илдизмевали сабзавот экинлари ва пиёз экишда уругларнинг бўртиши ва тезроқ униб чиқишига имкон берувчи сунъий сугориш ишларини ўtkазиш экиш олдидан ерларни тайёрлашнинг мажбурий усули (зарур шарти) ҳисобланади. Бунда албатта бегона ўтлар ҳам униб чиқади. Бегона ўтлар ўсиб чиқиши билан ялпи культивация қилинади.

Анча саёз экиладиган майда уругли (сабзи, пиёз, кўкатлар ва бошқалар) экинларни парвариш қилишда, уларни ҳар қандай муддатларда экишда ерларни бороналашдан ташқари МВ—6 текисловчи мола билан ишлов бериш ҳам мумкин.

Ерларга экиш олдидан ишлов бериш системасига (комплекссига) уруғларни яхши ва тез ўсиб чиқиши имконини берувчи ерларни қиялаб текислаш ҳам киради. Бунда ердан бироз баландроқ бўлган юзалар вужудга келади. Қуёш нури яхши тушадиган бу юзаларда уруғлар ҳақиқатан ҳам яхши униб чиқади ва ўсади. Намлик етарли бўлган ерларда сабзавот экинлари тескис майдонларда етиштирилади ёки механизмлар аниқ йўналиши учун унча чуқур бўлмаган ариқчалар тортилган майдонлар танланади.

Намгарчилик ҳаддан зиёд бўлган ва иссиқлик етишмайдиган районларда сабзавот экинлари қирра тортиб (кенглиги 60—90 см, баландлиги 10—20 см) ва жўякларга (кенглиги 120—180 см, баландлиги 15—30 см) экилиб парвариш қилинади. Бунинг учун, яъни қирра тортиш учун маҳсус культиваторлар, жўяк олиш учун эса — УПН-4К жўяк очгич ҳамда ГС—1,4 сеялка жўяк очгичдан фойдаланилади.

Ўзбекистон шароитида экинлар ўсув давомида тортилган эгат ва жўяклар орқали сугорилиши мумкин. Эгатларда сув маълум тезликда ҳаракат қила оладиган бўлиши ҳам керак. Бунда эгатларнинг паст-баландлигига аҳамият бериш талаб қилинади.

Ўғит ишлатиш хусусиятлари. Сабзавот экинлари тупроқдаги озиқ моддаларга жуда талабчан бўлгани ҳолда илдизларнинг ўзлаштириш қобилияти кучсиз. Шу боисдан сабзавотчиликда экинларга ўғитлар бериш юқори ҳосил олишининг муҳим шартларидан биридир.

Ўғитлаш системаси — бу хўжаликда ўғитларнинг барча турларидан узоқ муддат давомида самарали фойдаланиш бўйича мужассам тадбирлар режасидир. Унинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат.

Ўғитларнинг турлари, уларнинг миқдори ва қўлланиш муддатлари экинлар ҳосилдорлигини ошириши, тупроқда озиқ мод-

даларнинг балансини яхшилаши ҳамда кам меҳнат ва воситаларни сарф қилиб, юқори иқтисодий натижаларга эришишни таъминлаши керак. Тупроқнинг таркибига ва экинларнинг биологик хусусиятига кўра органик, минерал ҳамда микро ва макро ўғитлардан фойдаланилади. Ҳар бир экинга ва алмашлаб экиш далаасига мақбул месъёрда ва муддатларда ўғит солиша уларнинг таъсир кучи ҳисобга олинади.

Сабзавот экинларининг органик ва минерал ўғитларга бўлган муносабати ерларнинг маданийлаштирилганлик даражаси ҳамда экинларнинг биологик хусусиятига кўра аниқланади. Тупроқлар қанчалик маданийлашган (экишга яроқли) ва унда органик моддалар кўп бўлса, ўша майдонда минерал ўғитлар таъсирида самараси паст бўлади. Кам маданийлаштирилган ерларда органик моддаларнинг таъсири яққол сезилади ва ҳосилдорлиги ортади. Сабзавотчиликда органик ўғитлар сифатида ўсимликлар қолдигидан бўлган компостлар, гўнглар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Ерларга органик ўғитлар солиш миқдори унинг маданийлаштирилганлик даражаси бўйича аниқланади. Тупроқда гўнгнинг миқдори кам бўлса, бодринг ва қарам экилган 1 га майдонга 40—60 тонна, картошка ёки лавлаги экилган далаларга эса 30—40 тонна органик ўғит солинади. Майдонларга чиринди солиниб унинг миқдорини гўнг билан таққослаганда 15 марта камаяди. Органик моддалар сабзавот экинларининг озиқча бўлган талабини бутунлай қондира олмайдилар. Органик моддалар минерал молдалар билан бирга қўлланганда энг яхши самара беради. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, минерал моддалар солиниши биланоқ экинлар томонидан тез ўзлаштирилади, органик моддаларни ўзлаштириш учун маълум вақт керак бўлади. Улар экинларга бир вақтда солингандагина кутилган самарани беради. Бундан ташқари, органик моддалар минерал моддалар билан бирга солингандан 15—20 т гача камаяди. Оралиқ экинлар сифатида экиладиган сидератлар ҳайдалганда энг яхши самара берувчи органик моддалар ҳисобланади.

Сабзавот экинлари экиладиган ҳамма майдонларга минерал ўғитлар солинади. У ёки бу минерал ўғитнинг самараси тупроқда шу озиқ элементининг таркибиغا, озиқ моддаларнинг ўзлаштирилишига, парвариш қилинаётган экинларнинг биологик хусусиятларига ҳамда тупроқни гўнг билан таъминловчи минерал моддалар кўрининишидаги озиқ моддаларга боғлиқdir.

Сабзавот экиладиган майдонларга микроўғитлар ҳам солинади. Улар айниқса, микроэлементлар кам тарқалган тупроқларга зарурдир. Асосий ўғитлашда микроэлементларнинг тахминий миқдори: гектарига 1—25 кг — бор, 3,0 кг — марганец, 3,8 кг — мис. Микроэлементлар стишмаганда уларнинг ўрнини айрим озиқлар билан тўлдириш мумкин. 1 га майдондаги экин учун 500 литр сувга: 0,1 — борат ўғити, 0,3 — калий перманганат, 0,12 — мис.

0,2 — молибден, 0,12 — рух аралашмаси солинади. Уруғларга микроэлементлар билан ишлов бериш самаралидири.

Үгитлар ҳаддан ташқари күп солинганда ҳам ёки улар етишмай қолганда ҳам ҳосилнинг миқдори ва сифати камаяди, иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашади. Үгитларнинг миқдорини ҳисоблаш усуллари хилма хил ва ҳамон такомиллашган эмас. Ҳозирги вақтда үгитлар миқдори тупроқдаги озиқ моддалар миқдорини ҳисоблаб, режалаштирилган ҳосилга белгиланувчи балансли-ҳисоблаш усулдан фойдаланилади.

— Үгитлар миқдорини ҳисоблаш учун (Д) режалаштирилган ҳосил (А) билан чиқиб кетадиган минерал озиқ элементларни билиш, тупроқда (в) уларнинг миқдорини, тупроқдаги озиқ моддаларни экинлар томонидан фойдаланиш коэффициентини (K_p) ва солинадиган үгитлардан (K_u)ни билиш лозим. Белгиланган миқдор: $D = (A - B K_p) \times K_d$ формула бўйича бажарилади.

Тупроқдан озиқ моддаларнинг кўплаб сарфланиши, үгитлардан ва тупроқдан фойдаланиш коэффициенти үгитларнинг миқдорини пасайтириб юборади. Шунинг учун үгитлардан фойдаланаётганда уларнинг барча кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур. Үгитлар миқдорини ҳисоблаш усули илғор хўжаликларда кенг қўлланмоқда.

Сабзавотчиликда асосан экиш олдидан ҳамда кўчат қилиш олдидан ўғит солиб озиқлантириш шарт.

Кўп ҳолларда кузда, чуқур шудгорланган ерларга органик ва калийли, фосфорли минерал үгитлар солинади. Экиш ёки кўчат қилиш олдидан озиқлантиришда үгитлар экилган уругнинг ёки кўчат қилинган экиннинг илдизи яқинига солинади. Бунда уруғ ва илдизлар биринчи кунданоқ озиқлар билан таъминланган бўлади.

Ўсимликнинг ўсув даври давомида озиқлантирилади ва енгил ўзлаштириувчи үгитлар солинади. Бундай ўғит турларига ўзининг иккинчи ўсув даврида катта эҳтиёж сезадиган ўсимликларни (экин) киритиш мумкин. Бодринг, помидор, полиз экинлари, карам, яшил сабзавотлар шулар жумласидандир.

Озиқлантириш учун солинаётган үгитлар таркиби экинларнинг биологик хусусиятларига кўра аниқланади. Очиқ жойларда 1—3 марта озиқлантирилади. Биринчи ўсимликлар 2—3 та барг чиқаргандан кейин ёки кўчат қилинганда, иккинчи марта — ҳосил органлари шаклланиши билан, учинчи гал — экинлар ялпи меваляшга кирган даврда озиқлантирилади.

Минерал үгитларни имкониятга қараб суюлтирилган үгитлар билан алмаштириб туриш яхши натижা беради, бунда: шалтоқ (сувда 1:4 нисбатда ийлангани), қуш ахлати (1:15—20) ёки мол гўнги (1:6—8) органик үгитлар сифатида ишлатиладиган энг самара берувчи үгитлардир. Баъзиде экинларни озиқлантиришда "шарбат" бериш усули ҳам қўлланади. Бунда суғориш сувлари органик үгитлар тўлдирилган чуқурлар орқали эгатларга таралади.

Сабзавотчиликда ўсимликларни барглари орқали озиқлантириш усули ҳам қўлланади. Бу баргларнинг сувни ва кучсиз эритмаларни сингдира олиш қобилияtlарига асослаиган бўлиб, илдиз орқали асосий озиқлантиришдаги қўшимча услубdir. Одатда экинлар ўсув даврининг иккинчи ярмида, тупроқ орқали ўгитлаш қийинлашган даврда қўлланади.

Экинларга ўғитлар солинар экан, аввало уларнинг ҳосилга ва уни сақлашга қандай таъсир қилишини уйлаш керак. Маълумки, азотли ўғитларни бир томонлама ёки ҳаддан зиёд кеч солиш углеводлар миқдорини камайтириб юборади, сабзавот экинлари ҳосилини сақлашни ёмонлаштиради, хуштаъмлигини камайтиради. Сабзавотларнинг сершира бўлишига органик ўғитлар (гўнг, компостлар) ҳамда минерал ва органик ўғитларнинг аралашмаси ижобий таъсир қиласди. Шундай қилиб, органик (гўнг) ёки минерал ўғитларни ўртача миқдорларда қўллаш ҳамда азот, фосфор, калий ўғитларни тўғри қўшиш, уларни аниқ муддатларда солиш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган срларида сабзавот экинларига ўғит солишдан аввал мазкур майдонларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, жумҳуриятимиздаги сугориладиган унумдор срларга кўп йиллар мобайнида тўхтосиз бир хил экин-пакта экилиб келиниши биохимик жараёнларнинг жадаллиги натижасида ерларда чириндилар камайиб, ерлар унумдорлиги пасайланлигидадир.

Тупроқда карбонатларнинг кўплиги туфайли фосфорнинг тезда бирикиб қолишига, жадал биогенлик эса аммоний ва бошқа формадаги азотлар тезда сувда осон эрийдиган нитратли бирикмаларга ўтиши, натижада азотнинг тупроқ қатламида ссрҳаракатлигига олиб келади.

Ўзбекистон тупроқлари таркибида азот ва ўзлаштирувчи фосфор кам, бироқ у калий билан старлича таъминланган. Шунинг учун сабзавот экинлари кўпроқ азотли ўғитларни талаб қиласди. Азотли ўғитлар фосфорли ўғитларга кўра анча самаралидир. Калийли ўғитлар кўп ҳолларда унчалик самара беравермайди, лекин юқори ҳосил олинувчи унумдор срларга, шунингдек захи қочган қуруқ тупроқларга калийли ўғитлар солиш жуда зарурдир.

Фосфорли ўғитлар чиринди билан бойиган, ботқоқ ва майсазор срларда бўз тупроқларга қараганда самарали ҳисобланади. Катта-катта майдонларга беда экиш бу ердаги азот ва чиринди миқдорини кўпайтиради, бироқ ҳаракатчан фосфор ва калий заҳирасини сезиларли камайтириб юборади. Шунинг учун беда экилган биринчи йили фосфорли ва калийли ўғитларни кўпроқ, азотли ўғитларни эса камроқ миқдорда (1 гектарга 30—40 кг) солиш керак. Бу ўғитлар ер шудгорлангандан кейин солинади.

Кейинги йили азотнинг миқдори кўпайтириб борилади. Учинчи йили ерлар шудгорлангандан сўнг минерал ва органик ўғитлар қўшиб солинади. Азотнинг кучли ҳаракатчанлигини ҳисобга олиб

уни баҳорги экиш олдидан қилинадиган ҳайдов ёки эртаги экиш олдидан солиш лозим бўлади. Ёз пайтларида сугориш қаторлари орасида тупроқ намининг капилляр кўтарилиши юз бераб, тупроқнинг юза қатламида йигила боради, илдизлар жойлашган қатламлар азотлар билан бирлашади. Шунинг учун экинларнинг ўсув даврида азотли ўғитлар билан озиқлантириб туриш керак бўлади.

Осон эрувчи фосфор минерал ўғитлар билан бирга тупроққа солинса кучсиз эрийди, солинган жойида ҳаракатсиз анча туради. Шуларни ҳисобга олиб, фосфорли ўғитни тупроқнинг чуқур қатламига — илдиз жойлашган срга яқин солиш керак. Қийин эрийдиган фосфорни кузги шудгорлаш пайтида ва бир қисмини экиннинг ўсув даврида солиш мақсадга мувофиқдир.

Экин майдонларига калийли ўғитлар солингандага калийнинг кўп қисми (80 фоизга яқини) тезда тупроққа ўтади, шундан сўнг аста-секин ўсимликлар томондан ўзлаштирилади. Шунинг учун калийли ўғитларнинг асосий қисми кузги шудгорлаш вақтида ёки шудгорлаш олдидан, озроқ қисми эса биринчи озиқлантириш вақтида солинади.

Ўзбекистон шароитида сабзавот экилган майдонларга гектарига 100 дан 200 кг гача гача азот, 100 дан 150 кг гача фосфор ва 40 дан 100 кг калий, ўтлоқ-ботқоқ тупроқларга азот анчагина кам солиниши тавсия қилинади (12-жадвал).

12-жадвал

**Сабзавот-полиз ва картошка экинларига минерал ўғитлар солиши миқдори
(тасирчан моддалар ҳисобида, кг/га)**

Тар- тиб номе- ри	Экин- лар	Ҳосил- дорлик, га	Бўз тупроқлар			Ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ		
			N	P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
1.	Кар- тошка	100—150	120—150	80—100	60	100—120	120—150	60—80
2.	Карам	200—300	150—200	100—150	50—100	120—150	120—150	60— 100
3.	Сабзи	150—200	120—150	80—100	40—50	80—100	100—120	50—60
4.	Поми- дорлар	280—300	180—200	140—150	90—100	140—150	140—150	90— 100
5.	Пиёз	220	200	150	75	160	160	80
6.	Лаплаги	200	120	90	60	100	120	90
7.	Бодринг	150—200	150—200	100—150	50—75	120—150	120—150	60—75
8.	Ҳар хил сабза- ботлар	150	150	100	50	100	120	50
9.	Полиз экинла- ри	250—300	100—150	100—150	50	80—100	100—120	50—60

Жадвалда кўрсатилган фосфорли ва калийли ўғитларнинг миқдорлари фосфор ва калий элементлари жуда кам бўлган тупроқлар учун мўлжалланган. Шунинг учун бу ўғитларни барча экин майдонларига солиш тупроқдаги ўзлаштириувчи фосфор ва калийнинг миқдорига боғлиқ.

Эрта ва ўрта муддатларда экилган ҳамда кўчат қилинган экин майдонларига калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорли ўғитлар йиллик миқдорининг 75 фоизи кузги шудгорлаш вақтида солинади. Кечки муддатларда ва қайта экилган майдонларга бу ўғитлар ерларга экиш олдидан ишлов бериш вақтида солинади. Оқ бошли карам ва помидор экилган далаларга калий икки марта—ҳайдаш вақтида ҳамда азотли ўғитлар билан иккинчи озиқлантиришда бирга қўшиб берилади. Фосфорнинг йиллик миқдоридан 25 фоизи экиш ёки кўчат қилиши пайтида солинади.

Итузумдошлар экилган майдонларга фосфорли ўғитларнинг унча кўп бўлмаган қисмини ўсув даврида солиш мақсадга мувофиқ. Азотли ўғитлар экиш вақтида ҳамда озиқлантириш муддатларida солинади. Асосий органик ва минерал ўғитларни экин майдонларига солишдан аввал уларни тайёрлаш, юклаш ва транспортларда ташиш ишларини яхшилаб йўлга қўйиш керак. Бунинг учун эса қандай транспорт ва механизмлардан фойдаланиш лозимлигини билиб қўйиш талабалар учун фойдалидир. Ўғитларни юклаш (гўнг ва компостларни) транспортларда ташиш учун ПБ—35 юклагич-бульдозер, ПФП—2 юклагич, ПЗ—0,86, ПГХ—0,5 юклагичлар, 2ПТС—4—793, 1ПТС—68562, 1ПТС—2 прицепли транспорт воситалари, К2Щ—9, РТО—4, ППУ—4, РПН—4, РОУ—10, ПРТ—16, РУН—15А, РУН—15Б каби органик ўғитларни сочувчи транспортлар ишлатилади. Минерал ўғитларни майдалаш учун ПСУ—4, УСУ—20, АИР—30 каби машиналар, аралашмаларни юкловчи, минерал ўғитларни ортувчи — СЗУ—20, ПГХ—0,5 механизmlари, шунингдек, ташувчи транспорт воситалари қўлланади. Органик ўғитлар учун — қуруқ минерал ўғитларни сочувчи КСА—3, 1—РГМ—У, РТТ—4,2А, РУМ—8, АРУП—8, РУП—8, 1—РМТ—4 мосламалар ишлатилади. Бу механизmlар иш унумини ошириб хўжаликларга катта фойда келтириши учун улардан самарали фойдаланиш ва омилкорона иш тутиш лозим.

Сабзавотчиликда экиш билан бир вақтда минерал ўғитлар солишида СКОСШ—2,8, СКОН—4,2 ва бошқа сеялкалардан фойдаланилади. Кўчат экиш машиналарида экин ўтказиш билан бир пайтида ўғитлаб кетиш ҳам мумкин. Лекин баъзида ўғитлар экин олдидан ерларга сочилиб, сўнг устидан борона қилинади. Экинлар бутун ўсув даврида озиқлантирувчи-культиваторлар ёрдамида озиқлантирилади. Экинларнинг ўсув даври бошларида илдизларга яқинроқ бўлиши учун қаторларнинг ён бошидан 8 см дан кам бўлмаган чуқурликда солинади, кейинроқ, яъни илдизлар тармоқ отгандан сўнг қатор ораларининг ўртасига — 4—5 см чуқурликда

кўмиб кестилади. Одатда суғориш олдидан, яъни суғориш учун эгатлар олинастган вақтида озиқлантирилади.

Суғориш техникаси ва муддатлари. Ўзбекистонда иссиқ кунларнинг узоқ давом этиши натижасида экиш ишларини анча барвақт бошлаш, ҳатто бальзи районларда битта майдондан икки марта ҳосил олиш ҳам мумкин. Тащқи муҳит билан боғлиқ бўлган бу ишда қулай имкониятларни қўлдан чиқармаслик ҳар бир деҳқоннинг муҳим вазифасидир. Жумҳурият сабзавотчилигига экиш ва кўчат қилишнинг қўйидаги асосий муддатлари мавжуд.

Эрта баҳорги (февралнинг охири—март) экинларга соvuққа чидамли пиёс, сабзи, лавлаги, кўкатлар, картошка, карам, икки йиллик экинларнинг уруғлари кириб, улар эрта баҳорда — ҳали далаларни совуқ тарқ этмаган бир пайтда экилади. Бу муддатда экилган экинлар ривожланишиннинг биринчи фазаси жуда паст ҳароратда (баъзан музлаш даражасигача тушади) ўтади, тупроқнинг намлиги ортиқ бўлади. Экинларнинг кейинги ривожланиш босқичлари юқори ҳароратда кечади. Баъзан ҳарорат $40-42^{\circ}$ даражага ҳам етади ва бу экинларнинг ривожланишига ва мева тувишига салбий таъсир қиласди.

Қиши олдидан-экишга одатда совуқ тушиши билан — ноябрь ва декабрнинг бошларида киришилади. Ушбу муддатлардан анча эрта ёки кеч экишга киришилса уруғлар бўртаетганда заарланиши мумкин. Бу заарланиш қаттиқ совуқдан бўлади албатта. Экин униб чиққан тақдирда ҳам совуқдан нобуд бўлади. Қиши олдидан экилган экинлар эрта баҳорда экилган уруғларга қараганда бирмунча олдин униб чиқади. Экинларнинг кейинги ўсиши ва мева тувиши баҳорда сепилган уруғлар ривожланишидаги бир хил шароитда ўтади.

Кеч баҳорда (апрель — майнинг бошлари) — итузумдошлар, полиз экинлари, бодринг ва бошқа иссиқсевар экинлар уруғи экилади ёки кўчат қилинади. Экиннинг бутун ўсиш ва ривожланиш босқичлари юқори ҳарорат остида ўтади, лекин кузга келиб ҳаво бироз совийди. Бу пайтда, яъни октябрь ойларида биринчи кузги совуқ тушиши билан экинларнинг ўсиши тўхтайди.

Ёзги муддат (июнь-июль) — қисқа ўсув даврга эга бўлган экинлар — картошка, карам, илдизмевалилар, бодринг ва бошқа экинлар учун хос бўлиб, худди шу навдаги экинлар экилади ёки кўчат қилинади. Ушбу муддатда экилган экинлар юқори ҳароратли ва ҳавонинг пасайиши даврларида ўсиб-ривожланади. Экинларнинг иккинчи вегетация даврида ҳарорат пасаяди, октябрь-ноябрь ойларида ҳосил йигим-терими бошланганда ёғингарчилик бўлиб, бу йигиштириш ишларига ҳалақит беради.

Кузги муддат (август-сентябрь) — совуққа чидамли экинларни парвариши қилишга мос пайт. Бу ойлarda пиёс, сабзи ва жанубда карамнинг қишига чидамли навлари экилади. Кузда экилган экинлар шу куз ойларида униб чиқади. Кузги экинлар қишига чидамли бўлиши учун уларнинг илдизлари анчагина тараққий этган бўлиши керак. Шундагина бу экинлар эрта

баҳорда ўсишни давом эттиради ва эрта баҳорда экилган экинларга қараганда 1—1,5 ой аввал ҳосилга киради.

Эрта баҳорги ва қиш олди экинлари одатда текис майдонларга экилади. Экинлар униб чиқиб, биринчи сугориш ўтказилганидан кейин ариқчалар юмшатилади. Уруғларнинг тезроқ униб чиқиши ва эртароқ ҳосил олиш учун қуёш нури узоқ тушадиган эгатлар бўйича сугориш керак. Кечки баҳорги, ёзги ва кузги экинлар жўякка экилади ёки қатор оралари олинини вақтида экилиши ҳам мумкин. Сабзавот экинлари уруғлари кичик майдонларга қўлда, сугориладиган кенг майдонларга эса механизациялар ёрдамида экилади. Очиқ жойларга уруғ экиш учун сабзавотчиликда ишлатиладиган СОН—2,8А, СКОСШ—2,8, СКОН—4,2, СО—4,2 каби йўл-йўл, кенг йўл-йўл ва икки қатор сошники сеялкалар ишлатилади. СО—4,2, СКОН—4,2 ва СКОСШ—2,8 комбинацияланган сеялкалар уруғ экиш билан бирга ўғит солиб кетади. Дала юзаси текислангандан сўнг ана шу сеялкалар билан экишга киришиш мумкин. Очиқ жойларда алоҳида экинлар экиш учун маккажўхори сеялкалари (полиз экинлари), дон ва полиз экинлари ҳамда зифир экувчи тор қаторли СБУ—3, СБУ—2—4М, уяларга аниқ уруғ ташлайдиган ОСТ—12А лавлаги экувчи сеялкалардан фойдаланилади. Шунингдек СПЧ—6М румин сеялкаси (бодринг, қовоқча, полиз экинлари, маккажўхори экишга мослашган) СЛН—8А пиёз экувчи (саримсоқ пиёзниң доначаларини ва пиёз экувчи) сеялкалар ишлатилади. Пуштга экиш учун бир ўтишда жўякларни текисловчи, юмшатувчи ва янгидан очиб кетувчи (полотно эни 96—100 см, баландлиги 25 см гача) ҳамда унга минерал ўғит солувчи, уруғ ташлаб ва айни пайтда сув бериб кетувчи ГС—1,4 комбинацияланган сеялка ишлатилади.

Ҳозирги вақтда сабзавот етиширишнинг индустрисиал технологияси учун мўлжалланган, аниқ уялаб экувчи сабзавот сеялкалари унча кўп бўлмаган миқдорда ишлаб чиқарилмоқда.

Экиш машиналари ҳар бир экувчи аппаратларда бир хил харажатлар ($\pm 5\%$ гача йўл қўйилади) сарфлаб амалдаги экиш нормаларига риоя қилишлари керак. Қаторларга уруғлар тенг тақсимланиши, аппаратлар эса уяларга аниқ уруғ экиши-уяларга талаб қилинган уруғ тушиши, экиш чуқурлиги $\pm 15\%$ дан ошиб кетмаслиги, қаторлар ораси ± 2 см дан ортмаслиги, туташиб ± 5 см дан ошмаслиги, экиш аппаратлари билан заҳаланиширик уруғлар 1,5% дан, кичик (майда) уруғлар 0,5% дан ортмаслиги керак.

Ўзбекистон жумҳуриятида айрим сабзавот экинларини очиқ жойларда экиш учун қатор оралари 60, 70 см бўлган экиш йўлларига уялаб ва қаторлаб чигит экувчи оддий СТХ—4А сеялкасидан фойдаланилади. Шунингдек ариқ ораларининг эни 90 см ларга қаторлаб, пунктирлаб ва уялаб экувчи универсал чигит экиш сеялкаси — СХУ—4 ишлатилади. Сабзавот ва бошқа экинларнинг уруғларини экувчи сеялкалар МТЗ—80 ҳамда МТЗ—

12 тракторларидан ташқари Т—28Х4 тракторига ҳам осиб ишлатилиши мүмкін.

Экиш ишларига киришишдан аввал уруғ ва ўғитларни солиб туриш учун қулагай жой танланади. Сеялкалар уругини нормал екиши ва маълум чуқурлик бўйича созланади. Экиш аппаратлари ва сошниклар белгиланган қатор оралари энига қўйилади. Уруғларни бир текисда ундириб олиш ва тупроқдаги намнинг йўқолишини камайтириш учун экиш ишлари экиш олдидан тупроқа ишлов берилгандан сўнг бирдан бошланади. Сеялкалар ҳаракатланаётган пайтда тўғри чизиқ (йўл) ҳосил бўлаётганига, қатор ораларининг энига, уруғлар бир текисда аниқ уяларга ташланасётганига эътибор қилиш керак. Бунда эгатнинг чуқурлиги ҳам назардан четда қолмаслиги лозим.

Экиш ишлари қанчалик диққат билан механизациялаштирилиб тўғри ташкил қилинса, кейинги экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби комплекс ишлар натижаси яхши бўлади. Шунинг учун экишга танланган сеялка маркаларини экинлар парвариши ва ҳосилни йиғиштириб олиш учун ажратилган машиналарнинг қамров кенглиги бўйича мувофиқлаштириб (мослаб, боғлаб) олиб бормоқ керак.

Қатор ораларига ишлов бериш ёки ҳосилни йиғиб-териб олиш учун қўлланаётган машиналарнинг қамров кенглиги тенг ёки машиналарнинг қамров кенглигидан кичикроқ бўлиши керак. Шунда тракторларнинг фидираклари экиш вақтида юрган қатор ораларидан юради.

Амалий машғулот

7 - мавзу. Белгиланган ҳосилни етиштириш учун озиқ моддаларга талабни ва ўғитлаш миқдорини ҳисоблаш

Машғулотнинг мақсади: Ўқувчиларни экинларнинг ўғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлашга ўргатиш ва режалаштирилаётган ҳосилни олиш учун озиқ моддалари солиш нормасини ҳисоблашнинг асосий принциплари билан таништириш.

Топшириқлар. Ўқувчилар машғулот ўтказиш учун 3—4 тадан бўлиб звеноларга бўлинадилар. Режалаштирилган ҳосилга солинадиган ўғитлар миқдорини аниқлашда озиқ моддаларнинг килограммлардаги миқдорини, тупроқдаги захира озиқ моддаларни, ўсимликларнинг тупроқдаги ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини ва режалаштирилган ҳосилдорликни билиш керак.

Ҳисоблашларда ҳосил билан бирга хўжалик ва қолдиқ қисмлардан иборат биологик озиқ моддаларнинг тупроқдан чиқиб кетишидан фойдаланиш қабул қилинган. Хўжалик-екиннинг ҳосил органлари ўзлаштирадиган тупроқнинг озиқ моддалари, қолдиқ-тупроқда илдиз ва бошқа қолдиқлар кўринишида қолувчи ўсимликларнинг айрим органларининг озиқ элементларидир.

Берилган топшириқларни бажаришда 1 тонна ҳосил стиштиришга озиқларнинг қуидаги биологик сўриш миқдори, қўлланади (кг): азот — 4,5, ҳаракатчан фосфор — 1,4, калий — 5,0, шунга мувофиқ сабзига — 3,5; 1,2; 4,0; лавлагига — 3,1; 1,3; 8,0; помидорга — 3,9; 1,0; 6,5; бодрингга — 3,0; 1,2; 4,7; пиёзга — 2,0; 0,9; 2,5.

Тупроқнинг илдизлар фойдаланадиган қатламидаги озиқ моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун бир гектардаги 30 см ли тупроқ қатлами вазни (кг) — $3900000 \text{ (0,3x10000 m}^2\text{)=3000 m}^3$, ҳажм оғирлиги 1,3 бўлганда 39000 г) 1 кг тупроқдаги минерал озиқ элементлари миқдорига (агрохимия лабораторияси маълумотларидан) кўпайтирилади.

Экинлар тупроқдаги ва солинган ўғитларниг фақат бир қисми билангина озиқланадилар. Тупроқ шароити ҳамда экинларнинг биологик хусусиятларига кўра озиқ элементларидан фойдаланиш коэффициенти кескин ўзгаради. Топшириқларни бажариш вақтида барча экинлар учун тупроқдаги озиқ моддалардан фойдаланиш коэффициентини шартли равишда азот учун — 3%, ҳаракатчан фосфор — 15%, умумий калий — 50%, шунга мувофиқ ўғитлардан 70, 30 ва 60% қилиб олиш мумкин.

Барча маълумотларга эга бўлганимиздан сўнг режалаштирилган ҳосилни олиш учун қуидаги:

$$\Delta = \frac{A - B \cdot K_y}{K_n}$$

формула бўйича экинларнинг азот, фосфор ва калийга бўлган талабларини ҳисоблаймиз.

Бу ерда: Δ — озиқ элементларининг ҳисоб-китоб миқдори, кг/га;

A — режалаштирилган ҳосил учун солинган озиқ моддалар кг/га;

K_y — экиннинг тупроқдаги озиқ моддалардан фойдаланиш коэффициенти;

K_n — экиннинг ўғитлардаги озиқ моддалардан фойдаланиш коэффициенти;

B — тупроқдаги озиқ моддаларнинг ҳаракатчан шаклдаги миқдори, кг/га.

Мисол. Гектаридан 500 ц дан қарам ҳосили олиш учун фосфор ўғитнинг миқдорини ҳисобланг. Бир кг ўтлоқ тупроқда 50 мг ҳаракатчан фосфор мавжуд. 1 тонна маҳсулот билан 1,4 кг фосфор кислотаси чиқиб кетади. Тупроқдаги мавжуд озиқ элементларидан фойдаланиш коэффициенти 15% ўғитлардан — 30%, 25%. Аввало ўқувчилар режалаштирилган ҳосил билан чиқиб кетувчи озиқ моддаларнинг ($H=50 \times 1,4=70 \text{ кг/га}$), кейин тупроқда қолган озиқ моддаларнинг миқдорини аниқлайдилар ($B=3900000 \text{ кгx50 мг}=195 \text{ кг}$). Шундан сўнг юқорида келтирилган формула бўйича фосфор кислотаси солиш миқдори ҳисобланади:

$$D = \frac{70 - 195 \cdot 0,15}{0,3} = 134 \text{ кг/га.}$$

Ҳар бир звенога қуйида келтирилган ҳисобот шаклида (13-жадвал) күрсатилган иккита у ёки бу сабзавот экинига азот, фосфор ва калий ўғити солиш миқдорини ҳисоблаш вазифаси берилади.

13-жадвал

	Режалаштирилган ҳосил, т/га	Тупроқдаги миқдори, мг			Йиллик норма кг/га			Ўғитларга талаби, кг/га		
		азот	P ₂ O ₅	K ₂ O	азот	P ₂ O ₅	K ₂ O			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Эртаги карам	35	20	47	180						
Кечки карам	45	25	55	150						
Кечки сабзи	32	22	40	160						
Лашлаги	30	27	45	190						
Редиска	21	20	42	140						
Помидор	45	23	60	170						
Бодрипг	21	25	50	180						

Ҳисоботдаги режалаштирилган ҳосил, тупроқдаги озиқ элементлари миқдоридан келиб чиқиб ва биологик ўғитларнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари ҳамда экиннинг тупроқдаги ва ўғитлардаги озиқ элементларнинг фойдаланиш коэффициентидан келиб чиқиб, ўқувчилар ҳаракатнинг бошида ўғитлар солиш миқдорини ҳисоблайдилар. Олинган натижалар жадвалнинг 6, 7, 8-графаларига ёзилади.

Бунинг учун улар минтақада қўлланаётган азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни танлаб олишлари ҳамда уларнинг номларини юқоридаги ҳисобот жадвалининг 9, 10 ва 11-графларига ёзишлари керак. Танланган ўғит турлари ва ундаги озиқ элементларнинг миқдорига боғлиқ ҳолда қуйидаги формула бўйича:

$T = \frac{A \times 100}{C}$ ўғитларга бўлган талаб аниқланади. Бу ерда: T — ўғитларга бўлган талаб-эҳтиёж, кг, A — озиқ элементларига бўлган эҳтиёж, кг; C — ўғитлардаги озиқ элементлари миқдори, фоиз.

Масалан, 134 кг P₂O₅ ўғити солиш талаб этиляпти дейлик.

Бунинг учун 19% суперфосфат зарур: $T = \frac{134 \times 100}{19} = 705$ кг.

Минерал ўғитларда асосий озиқ элементлари қуйидагича: азот-аммиак селитрасида 34%, аммоний сульфат — 20,5%, карбамид — 45%, аммофосда — 11%, фосфор-суперфосфатда — 19%, аммонийлашган суперфосфатда — 14%, қуш суперфосфатда —

46%, аммофосда—44%, хлорли калийда — 60%, калий тузида — 30—40%.

Берилган вазифаларнинг тўғрилиги ўқитувчи томонидан текширилади. Бунда жадвалларнинг аниқ ва хатосиз тўлғазилганингига ўқувчилар озиқ элементлари солиш миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар қилишни билишлари ҳамда уларни минерал ўғитларга айлантира олишларига аҳамият берилади.

Фойдаланиладиган асбоблар. Ўғитлаш бўйича маълумотномалар. Озиқ элементлари солишининг берилган миқдори. Уларнинг ўғитлар миқдорига боғлиқ ҳолда солинишини аниқлаш бўйича жадваллар. Калькуляторлар, чизғичлар, қаламлар.

7 Боб

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ УСУЛЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ САНОАТ АСОСИДА ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Экинларни парвариш қилиш. Ҳар бир сабзавот экини парвариш қилишнинг ўзига хос усуулларини талаб қиласди. Лекин кўпгина усууллар барча экинлар учун умумий ҳисобланади. Экинларни парвариш қилиш ишлари ўз вақтида ва энг мақбул агротехник муддатларда ўтказилиши керак. Акс ҳолда қилинаётган харажатлар кўпайиб, ҳосил сифати ва миқдори камайиб кетади. Қўй мөхнатини қисқартиришга олиб келувчи механизациялаш жараёнларини кўпроқ ташкил қилиш лозим. Шундагина ишнинг тез, ҳам кам харажат билан бажарилишига эришилади.

Экинлари комплекс парвариш қилишга: ерни юмшатиш, чопик қилиш, яганалаш, тагини юмшатиш, биологик актив моддалар ва механик таъсиirlар билан экинларнинг ўсиши ва ривожланишини тартибга солиш, бегона ўтларга қарши кураш, қасаллик ва зараркунандаларни йўқотиш, турли ўғитлар қўллаш ва сугоришни киритиш мумкин.

Ерни юмшатиш тупроқдаги ҳаво-газ режимни яхшилаш, унинг намини сақлаш, шунингдек, ёввойи ўтларни йўқотиш мақсадида қилинади. Қатор оралари механизация ёрдамида, қатор ва уялар эса тез-тез қўй билан юмшатилади.

Экинлар униб чиққунча ерларни юмшатиш зарурати бўлиб қолса, сеткали (БС—2, БСО—4А, БСН—4) ҳамда ротацион (МВН—2М, БРУ—0,7) бороналардан фойдаланилади.

Экинлар униб чиққанда ерларни қатқалоқ босса, юмшатиш ишларини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан амалга ошириш керак, чунки қатқалоқнинг катта-катта кўчиши ёки юмшамасдан қолиб кетиши экинларни нобуд қилиши мумкин.

Дастлабки қатор ораларини юмшатиш ишлари далаларда ёввойи ўтлар ёки қатқалоқ пайдо бўлганда бошланади, бунда сабзавот экинларининг майсалашини кутиб турилмайди. Суст ва

кеч майсаловчи экинларнинг қаторларини аввалроқ белгилаш учун "нишон" ўсимликларнинг озроқ уруглари ҳам қўшиб экиласди (салат, редиска). Булар асосий экиннинг биринчи яганаланишида йўқотилади ёки уларни товар маҳсулотлари шаклланишигача қолдирилади. Ҳар сугоришдан сўнг ишлов берилади ва қаторлардаги экинлар тутиши билан тўхтатилади. Қатор ораларига ишлов сони экинлар вегетациясининг давомийлигига ва сугоришлар сонига ҳамда бошқаларга боғлиқ. Экинлар қатор ораларига ишлов бериш учун КОР—4,2 КРОШ—2,8А, КРН—2,8МО осма культиваторлар ҳамда ФПУ—4,2, КГУ—2,8 фрезер культиваторлардан фойдаланилади. Қатор ораларини юмшатади-ганларидан бошқалари чопиқ қилиш, озиқлантириш ва сугориш ариқлари очиш учун ишлатилиши мумкин.

Янги униб чиққан майсаларни (пиёс, илдизмевалилар, кўчат қилинмаган помидор ва карам, турли кўқатлар) зааралаб қўймаслик ҳамда кўмиб кетмаслиги учун биринчи культивация анча саёс (5—6 см) ўтказилади. Бунда культиваторларга бир томонлама тиш ўрнатилган бўлади. Кейинги культивация 8—10 см, ундан кейингиси 12—14 см чуқурликда ўтказилади. Илдизи юза жойлашадиган экинларни экишда дастлабки ишлов бериш анча чуқур ўтказилади, кейинги ишлов беришда бу максимал чуқурлик камайиб боради. Қатор ораларини культивация қилиш ер оби-тобига келганда, ўтказилиши керак.

Культивация ўтказишда қаторлар ва ундаги ўсимлик атрофидаги мумкин қадар ҳимоя зоналари минимал бўлишига эътибор бериш лозим. Биринчи культивацияда ҳимоя зоналари қўйидагича бўлиши керак: баландлиги 7—10 см, пушталарда — 4—5 см, кейинги культивацияда 10 дан 15 см гача. Тупроқ қатқалогини юмшатишда қаторларнинг ҳимоя зонаси учун айрим культиваторларга ротацион юлдузчалар ўрнатилади.

Қатор ораларига ишлов беришнинг усуllibаридан яна бири—чопиқ қилишdir. Чопиқ қилишдан мақсад экин атрофидаги тупроқни юмшатишгина эмас, балки, экиннинг поясини тупроқ тортиб мустаҳкамлаш, ёввойи ўтларни йўқотиш ва илдизларни бемалол ривожланиши учун шароит яратишидир.

Ўсув даврида 1—2 марта, баъзан 3 марта ҳам чопиқ ўтказилиши мумкин. Чопиқ ўсимлик ерга 8—12 см чуқурликда ўрнашганда ва тупроқ намлигига ўтказилади. Ёввойи ўтлардан тоза далаларда чопиқ механизация ёрдамида ўтказилади. Бунда ағдаргичлар шундай ўрнатилади, пуштадаги тупроқ яхши аралашиб ўсимлик поясини мақкам тутиб туриши керак. Механизация ёрдамида ўтказилган чопиқдан сўнг экинлар қўлда тўғриланниб чиқши, мақсадга мувофиқdir. Чунки тракторнинг ишчи органлари баъзи экинларни ётқизиб, баъзиларини кўмиб кетади.

Сабзавотчиликда пояларнинг тагига тупроқ сепиш усули ҳам қўлланади. Бундан мақсад, экинлар қаттиқ шамолда юлиниб кетмайди ҳамда қўшимча илдизлар чиқариши учун шароит яратилади.

Экинларни ягана қилиш-үядаги ортиқча маданий экинларни юлиб ташлаш ва қолғанларига оптималь озиқланиш майдони яратылышыр. Бегона ўтлардан тоза далаларда бир марта, ўт босган майдонларда эса иккى марта ягана ўтказилади. Биринчи яганалаш ўтказаётганды (серіт ерларда) нормадагидан иккى ҳисса күп экин қолдирилади.

Лавлаги ва бодринг биринчи марта уруғпалла барг пайдо бўлганда, бошқа экинлар эса 1—2 чин барг чиқарганда яганаланади. Иккинчи яганалаш одатда 12—15 кундан кейин ўтказилади. Бу пайтда суғориб олинган ўсимликлар boglamli товар маҳсулотга мўлжалланса, бу ишни сабзи 1,5 см, лавлаги 3—4 см диаметрли, пиёз 4—5 баргли бўлганда ўтказилади.

Қўлда яганалаш суғорищдан кейин ўтказилиб, нимжон ўсимликлар илдизи билан суғорилади ёки чимчиб ташланади (қовоқдошларда) помидор ва карам янги жойга кўчат қилиш вақтида яганаланади. Қўлда яганалаш билан бирга ёввойи ўтлардан ҳам тозалаб кетилади. Яганалашда ўсимликлар оралиқлари 16 см дан ортиқ қолдириладиган экинларда бу тадбир "букетировка" ("дасталаш") йўли билан қисман механизмларга юкланади. Озиқланиш майдони кам бўлган пиёз, сабзи ва бошқа шунга ўхшаш экинларни дасталаш имкони йўқ. Бир текисда қалин (1 метрда 65—70 дан зиёд) экинларни баъзида енгил тўрли борона билан ягана қилинади.

Мулчалаш-тупроқнинг юзасини гўнг, торф, чиринди, похол, қоғоз, синтетик плёнка ва бошқа материаллар билан ёпишdir. Бу тупроққа ва ўсимликка комплекс таъсир кўрсатади. Мулчалаш-тупроқ намининг буғланишини камайтиради, тупроқ структурасининг яхши сақланишига имкон беради, қатқалоқ бўлишининг олдини олади, тупроқдаги микрофлоралар ҳаракатини активлаштиради ҳамда тупроқ ҳароратини сутка давомида ўзгаришини камайтиради. Қора мулча тупроқнинг энг яхши қизишига имкон беради, қуёш нурини тўсиб экинларни қовжираб қолишдан сақлайди.

Органик мулчалар ер усти қатламига карбонат ангириди-чиқаради, шудгрлаш вақтида эса ўрит ҳисобланаб, тупроқнинг физик ҳолатини яхшилайди. Мулчалашнинг қўлланиши ёввойи ўтларни юлишга ва экин атрофидаги тупроқни юмшатишга кетадиган харажатларни камайтиради, ўсув даврида суғоришлар сонини ҳамда қатор ораларига ишлов беришини камайтиради, энг муҳими парвариш қилинаётган экинларнинг ҳосилдорлигини оширади. Мулчалаш материалыни тежаш учун уларни фақат ўсимликлар қаторига, уяларига сочилади. Махсус мулчаловчи қоғозлар, полимер синтетик плёнкалардан фойдаланиш, уларни механизмлар ёрдамида қўллаш мумкин.

Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтида ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, эртаги картопка учун самарали усул бу ёруғлик ўтказувчи плёнка билан мулчалашдир. Шунингдек, тупроқнинг юқори қатламини қиздирувчи ва бунинг натижасида

уругларнинг тез униб чиқишига имкон берувчи тошкўмир чанги билан ерларни қорайтириш ҳам яхши самара бериши аниқланди. Ёзда эса аксинча, тупроқ ҳароратини 4—5 даража камайтирувчи бўрнинг кукунидан фойдаланиш яхши натижা беради.

Ёввойи ўтларга қарши кураш. Ёввойи ўтларни бутунлай заарарсизлантириш фақат уни олдини олиш ва қирувчи чоралар кўрилгандагина амалга оширилади. Олдини олиш тадбирларига: алмашлаб экиш, экиладиган ургуларни ёввойи ўтларнинг ва бошқа ўсимликларнинг ургуларидан тозалаш, гўнгни компостлаш, сугориш шохобчаларига тўсиқ ва тўрлар ўрнатиш, йўлларни, йўл четларини, далаларни, сугориш каналларини бегона нарсалардан тозалаш каби жараёнларни қамраб олади.

Қирувчи тадбирлар агротехник ва кимёвий чораларга бўлинади. Агротехник тадбирларга ерларни экиш олдидан, асосий ва қатор ораларига ишлов беришлар, шунингдек, ёввойи ўтларни йўқотиш киради. Кимёвий тадбирлар эса турли хил гербицидларнинг қўлланилишидир. Бу тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилса, барча турдаги сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш мумкин.

Сабзавот экинларини парвариш қилишда қатор ораларидаги ёввойи ўтларни культивацияяда, ҳимоя зонасида қолиб кетаётгандарини эса қўл билан йўқотилади. Экинларнинг тагини юмшатиш, яъни, чопик қилишда ҳам ёввойи ўтлар юлиб кетилади. Бегона ўтлар одатда сугоришдан кейин юлинади ва икки-уч ҳафтадан сўнг яна такрорланади, бу ишлар экинларни чопик қилиш билан бирга олиб борилиши ҳам мумкин. Ёввойи ўтларни илдизи билан юлиб ташлашдан 6—7 кун илгари экинлар сугорилади. Шунда бажарилиши керак бўлган ишларга камроқ харажат кетади.

Илдизевали ва пиёз экинларини қўлда ўтлоқ қилишга катта харажат (1 га га 30—40 киши-куннагача) талаб этилади. Сабзавот экинларини саноат технологияси асосида парвариш қилишда қўлда ўтоқ қилишдан воз кечишга ёки бу ишга кетадиган харажатларни энг кам миқдорга туширишга ҳаракат қилинапти.

Бироқ ҳамма вақт ҳам ижобий натижаларга эришилаётгани йўқ, негаки ҳимоя зоналарида анча-мунча бегона ўтлар қолиб кетмоқда. Бу эса қўлда ёки механизация ёрдамида ўтоқ қилишга олиб келмоқда, яъни харажат кўпаймоқда. Агарда қаторлардаги экинларнинг жойлашиш масофаси 30 см дан зиёдроқ бўлса, ўтоқ қилишни ПАУ—4, ПАУ—6 агрегатлари билан бажариш мумкин.

Бегона ўтларга қарши механик усуулларда курашиш серхаражат бўлиб, айниқса зич жойлашган экинларда ишлар жуда қийинлашиб кетади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларидаги сингари, сабзавотчиликда ҳам бегона ўтларга қарши курашда гербицидлар ёки кимёвий препаратлар қўлланмоқда. Маданий экинларга таъсир этмайдиган бу кимёвий воситаларнинг самараси уларнинг миқдорига, маданий ўсимликлар ва ёввойи ўтларнинг ўсиш ҳамда ривожланиш босқичларига, ҳароратга, ҳаво

ва тупроқнинг намлигига, тупроқ турига, механик таркибига, ундаги органик моддаларнинг миқдорига ҳамда бошқа кўплаб омилларга боғлиқдир.

Гербицидларнинг таъсир қилиш муддатлари ҳар хил бўлиб, улар турли хил ёввойи ўтларни нобуд қиласди. Дарҳақиқат, гербицидларни ишлататеётганда жуда эҳтиёт бўлиш керак, энг асосийси мавжуд қоида ва тартибларга қаттиқ риоя қилиш лозим. Гербицидлар лозим бўлганидан бироз ортиқча ишлатилса у нафақат ҳосилга, балки одамлар соғлигига истесъмол қилинадиган мева ва сабзавотларга катта зиён келтиради. Шунинг учун заҳарли моддалар билан ишлататеётганда хавфсизлик техникасига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Гербицидлар қўйидаги муддатларда қўлланади: кузда ёввойи ўтларни йўқотиш-мақсадида олдиндан ва зарурат бўлгандан ўз вақтида; экиш вақтида ёки экишдан кейин, лескин уруғлар униб чиқаётганда ёки кўчкат қилингандан кейин эмас; экинларга зиён етказмайдиган препаратлар уруғлар униб чиққандан кейин. Кузда гербицидлар ёппасига униб чиқиши олдидан ва униб чиққандан кейин ёки қаторларга ё ҳимоя зоналарига сепилади.

Ҳар хил экинларга турлича гербицидлар сепиш тавсия қилинади. Қовоқдошлар оиласидаги экинларга ҳамда тез пишиб етилувчи кўкат ўсимликларига кўкариб чиққанидан сўнг қўлланиладиган самарали гербицидлар йўқ бўлгани учун уларни танлаш йўли билан ишлатиш тақиқланади.

Кўплаб гербицидлар суюқ ҳолида пуркаш йўли билан гектарига 300—600 литр миқдорида ишлатилади. Илдизларга таъсир қилувчи гербицидлар дала юзасига ишлов берилганда борона ёки культивация билан ишлатилади. Гербицидларни пуркаш учун подборшчик-пурковчи ПОУ, шунингдек, пурковчи ОН—400, ОП—1600 ҳамда пурковчи-культиваторлар қўлланади. Кукун туридаги гербицидларни ишлатиш учун ОШУ—50А чанглатгич ишлатилади.

Экинларни турли касаллик ва зааркундалардан ҳимоя қилиш ўз ичига ташкилий (карантин ва прогноз хизмати), агротехник, профилактик (олдини олиш) ҳамда йўқотиш (қириш) га оид бир қатор қийин комплекс чора-тадбирларини олади.

Зааркунанда ва касалликларга қарши курашишда самарали ҳисобланган қириш, йўқотиш, қирон келтириш тадбирлари механик, кимёвий ва биологик усуllibарда бажарилади. Механик усуlda ишлаганда зааркундаларнинг тухумлари ва капалак қуртлари ёруғтугич билан йигиб олинади.

Химиявий усуlda уруғлар турли хил кимёвий препаратлар билан зарарсизлантирилади, ўсимликлар эса заҳарли химикатлар билан чангланади ёки уларга сепилади, тупроқга ундаги турли касаллик қўзғатувчилар ҳамда зааркундаларни йўқотиш учун препаратлар колинади.

Зараркунандаларни биологик усулда йўқотиш учун заҳарли ҳашаротлар, зараркунандаларнинг бактерия ва замбуруғлари билан овқатланадиган йиртқич-ҳашаротлардан фойдаланилади.

Ўсимликларга турли заҳарли химикатлар пуркаш ва дуст (зараркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган куқун) билан чанглатиш учун ОН—400 универсал пуркагич, ПОУ шамоллатгичли пуркагич, пахтачиликда ишлатиладиган ОВХ—14 шамоллатгичли пуркагич, ҳамда ОШУ—50А чанглатгичлар ёрдамида амалга оширилади. Катта майдонлардаги экинларни зарарсизлантириш учун самолётлардан фойдаланилади. Эритмалар тайёрлаш учун кўчма АПЖ—12 агрегати қўлланади.

Экинларни об-ҳавонинг номувофиқ шароитидан ҳимоя қилиш. Ўзбекистон шароитида сабзавот экинлари кечки баҳорги ва эртаги кузги совуқдан кўплаб зарарланади. Кузги совуққа қарши курашнинг энг самарали ўйларидан бири, бу совуқ тушиши олдидан экинларни мўл-кўл сугоришидир. Бунда, экинларнинг атрофини ўраб турган ҳаво буғ билан тўйинади ва ҳарорат 2—3 даражада кўтарилади. Ҳароратнинг пасайиши билан сув буғлари конденсацияга киришиб шудринг тушади. Совуққа қарши сугориш ўтказиш фақатгина қуруқ ҳаво ва қуруқ тупроқда яхши натижалар беради.

Баҳорда совуққа қарши курашда ёмғирнинг ёғиши, похол, қуриган ёввойи ўтлар, шоҳ-шабба ва ахлатларни тутатиш кутилган натижалар бериши мумкин. Экин ва ўсимликларни чопиқ қилиш, ҳар бирини алоҳида похол билан ёпиш, устига ҳар хил ўтларни ташлаш, гўнг солиш, шунингдек, қогоз қалпоқчалар кийдириш ўйли билан ҳам совуқдан ҳимоя қилса бўлади.

Баҳорда ҳамда ёзниңг бошларида сабзавот экинлари баъзан дўлдан қаттиқ зарар кўради. Дўл оқибатларини тугатиш учун экинлар атрофидаги тупроқни юмшатиш, сугориш ҳамда азотли ўғитлар билан озиқлантириш лозим.

Ўзбекистон шароитида сабзавот экинлари учун номувофиқ об-ҳаво бу юқори ҳароратдир. Экинларни иссиқдан ҳимоя қилишда унга чидамли навларни ташлаш, қалин экиш, тез-тез сугориш ҳамда уруғларга экиш олдидан ишлов беришdir.

Жарроҳлик усуллари зарарланган қисмларни кесиб ташлаш билан бирга ҳосил органларнинг бақувват ўсиши, илдиз системасининг яхшиланиши ва экинларнинг ўсиши ҳамда ривожланиши учун мақбул шароит яратиш мақсадида ўтказилади. Сабзавотчиликда ортиқча тугунларни, ёндан чиққан ўсимталарни ёки бошпоядаги ўсиш нуқтасини олиб ташлаш ҳам шу усулга киради.

Масалан, помидор ва бодринг етиштиришда ҳам бу усулдан фойдаланиб ортиқча ўсиш куртаклари (ёндан чиққан) ва ўсиш нуқтаси ҳамда ёш новдалар олиб ташланади. Барглар қўлтиғидаги ўсаётган новдачаларни олиш—"бачкилардан" тозалаш дейилади. Асосий шоҳлар, пояларнинг ўсишини чеклаш-новдалар ва шоҳларни "чилпиш" дейилади.

Экинлардан күпроқ ҳосил олиш мақсадида ўтказиладиган исканапайванд, бачкилаш ва айрим заарланган шохларни, түғри ўсишдан четланган новдаларни олиб (кесиб) ташлаш жарроҳлик усуллари системасига киради.

Ўстирувчи регуляторлар. Органик ва минерал ўғитлардан тайёрланган, озгина қўллаганда ҳам экиннинг ўсишига ёки ўсишининг тўхташига қаттиқ таъсир қиладиган препаратлар киради. Ўстирувчи регуляторларнинг қўлланиладиган миқдори ва муддати экинларнинг ўзига хос биологик хусусияти, препаратларнинг табиити ва парваришлаш шароитига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган шароитидаги сабзавотчиликда гидрес, гнур препарати, қаҳрабо кислотаси, гиббереллин, 2,4,5 ТУ, гибберсиб ивин, индолил сирка кислотаси (гетерауксин) ва бошқалар кенг қўлланади.

Гидрел помидорининг яшил меваси қизаришини тезлаштиради, бодрингда оналик гулларининг шаклланишини кучайтиради. Гиббереллин бодринг навларида оталик гулларининг шаклланишини кучайтиради, гетерауксин унувчанликни оширади, помидор ва бодрингнинг униб чиқишини тезлаштиради, ТУР препарати помидор кўчатининг гуллашини тезлаштиради, картошканинг ҳосилдорлигини оширади.

Сугориш. Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ шароитида сабзавотлар ҳамда картошка албатта сугориш орқали етиштирилади. Ўзбекистонда сугориш усулларидан эгатга сув оқизиш усули кенг қўлланади. Бошқалари, масалан, бостириб сугориш уччалик кенг тарқалмаган, ёмғирлатиб ёки тупроқ остидан сугориш эса деярли қўлланмайди.

Баъзи кам сугориладиган районларда экинларни ёмғирлатиб сугориш асосий усул ҳисобланади. Бу усулнинг юқори самардорлиги сувни тежаши (20—40 фоизга) маҳсус сугориш тармоқлари қурилишини талаб қилмаслиги, далаларда ҳар йили текислаш тадбирлари ўтказишнинг шарт эмаслиги, сугориш вақтида тупроқда намнинг ортиши ҳамда шу сугорилаётган майдоннинг юзасида ҳаво ҳароратини пасайтириши билан ажralиб туради.

Бироқ тажрибалардан эгатларга сув тараф сугоришни ёмғирлатиб сугориш усулига бутунлай алмаштириб бўлмаслиги кўринди. Шунинг учун ёзинг иссиқ кунларида, карам бош ураётганида ёки картошка ҳосилга кирганда экинлар қўшимча равишида ёмғирлатиб сугорилади. Ёмғирлатиб сугоришнинг кенг миқёсда қўллаш кўплаб асбоб-ускуналар сотиб олишни тақозо қилади. Шунингдек, ёмғирлатиб сугорганда ўсаётган экинларнинг майин тупроғи қатқалоқ бўлади ёки баъзи сабзавот экинлари ёш ниҳолчалигига механик таъсирга сезувчан бўлганлиги учун тез зарарланиши ҳам мумкин.

Тупроқ остидан сугориш усулида сув экин илдизи жойлашган қатламга берилади. Бунда маҳсус трубалардан фойдаланилади. Бу усулда сугориладиган бўлса, экинлар эгатлардан

сугорилмайды, демак, харажатлар ўз-ўзидан қисқаради. Экинлар тупроқ юзасидан намлангани учун қатқалоқ бўлмайди. Бироқ бу усулнинг салбий томонлари ҳам бор, улардан кўз юмиб бўлмайди, яъни катта майдонларда экинларни тупроқ остидан сугориш учун мосламалар тайёрлаш кўплаб маблағ талаб қиласди. Ўзбекистон сабзавотчилигига экинларни тупроқ остидан сугориш усули ҳозирча қўлланган эмас.

Ўзбекистонда сабзавот экинларини парваришилашда асосий ёки вегетацион ва маҳсус белгиланган сугоришлардан фойдаланилади. Вегетацион сугоришлар экинларнинг илдиз қатламлари атрофидаги тупроқда нам тўплаш мақсадида ўсув даврида ўтказилади. Сабзавотчиликда сугориш усуllibарни турлича бўлиб, кўз билан чамалаб ўтказиш анча кенг тарқалгандир. Тупроқда нам етишмаганда экинларнинг барглари сўлиб қолади (қовоқдан ташқари), бунда уларнинг ранги ўзгариб бошқа белгилар пайдо бўлади.

Экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлашнинг яна бир йўли, бу дала дефрактомеридан фойдаланиб, уларнинг ҳужайра ширасининг концентрациясига қараб хулоса чиқаришдир. Лабораторияларда маҳсус аппаратлар ёрдамида ёки дала шароитида илдиз озиқланадиган қатламнинг ҳолатига (нам ёки нам эмаслигига) қараб сугориш муддатларини аниқ белгилаш имкониятлари ҳам мавжуд.

Маҳсус белгиланган сугоришлар: экиш, ёки кўчат қилиш, униб чиқиши олдидан, пайванд олдиришда ёки кўчат қилингандан кейин, сохта, яшинатиш учун, совуқча қарши, ҳайдов олдидан, нам тўплаш каби сугоришларга бўлинади.

Сувни сарфлаш миқдори ҳам турличадир. 1 га майдонга бир марта сарфланган сув (m^3) "сугориш миқдори (нормаси)", ва шу майдондаги экиннинг ўсув мавсуми давомида сугоришларга сарфланган жами миқдор "сугорувлар ҳажми" дейилади.

Сугориш муддатлари (кунлари) ва сарфланадиган сув миқдори тупроқнинг физик хусусиятига, об-ҳаво шароитига, ер ости сувларининг қайси қатламда жойлашишига, экинларнинг биологик хусусиятларига ва ўсишининг давомийлигига, сугориш муддатларига ва усуllibарига боғлиқдир. Сугориш тегишли майдонлар зарур ҳажмдаги сувга тўйингандан тўхтатилади.

Ёш экинларни ва эртапишар экинларни парвариш қилаётганда уларни сугориш учун тупроқ қатламининг 20—30 см даги чуқурлигини намлаш кифоя, негаки бу экинларнинг илдизи унча чуқурлашиб кетмайди. Катта экинларнинг илдизи анча чуқурга кириб бориши назарда тутилса, сугорилаётганда тупроқнинг 50—60 см даги қатлами намланиши зарур бўлади. Захира нам бўлишини таъминлаш учун сугориш миқдори гектарига 1500—2500 m^3 , ҳайдов олдидан — 800—1500 m^3 , вегетацион сугоришда — 400—800 ва сугоришнинг бошқа кўринишларида 200—400 m^3 ни ташкил этади.

Эгатлаб сугориша экинларнинг озиқланадиган майдонларини қисқартириб қўймайдиган даражада эгатлар очилади. Бу иш

механизация ёрдамида бажарилганида эгатларнинг тупроғи май-инлашиб экинларнинг таги ана шу тупроқ билан кўмиб кетилади. Унча текис бўлмаган ҳамда сув яхши оқадиган эгатларда эгатлаб сугорилади. Нотекис эгатлар бўйича сугориш рельефи кам нишаб (0,002 дан 0,015 гача) бўлган нишаб ерларга хосдир. Бу сугорищда сув эгатларга кам қўйилади, ҳаракатдаги сув тупроққа мунтазам шимилиб бориши керак.

Эгатлар бўйича сугориладиган бўлса, катта майдонлар 8—10 гектар ҳажмда участкаларга бўлиб чиқилади. Бу участкаларнинг ҳар бирига етарлича миқдорда сув келиши учун сугориш ариқчалари-ўқ ариқлар олинади. Бу ариқчалар квадрат усулида ишлов бериладиган майдонларда сугорищдан кейин кўмиб чиқилади. Эгатларга сув тўғридан тўғри вақтингчалик олинган ўқ ариқдан ёки ёрдамчи эгатлардан олиниши мумкин.

Тажрибали сувчилар сугориш қаторларининг йўналишини яхши биладилар. Дарҳақиқат, қаторларнинг қандай ҳолатдалиги, культивациядан сўнг неча см чуқурликда юмшатилганлиги, уларнинг узунлиги, тўғрилиги, паст-баландлиги сугориш ишларida катта аҳамиятга эга. Чунки экинларни сугоришга сарф бўладиган сув миқдори кўп жиҳатдан ана шу нарсаларга боғлиқдир.

Асосий сугориш усулларидан бири — бу оқар эгатлар бўйича сугорищdir. Бундай эгатларнинг чуқурлиги сугориладиган участканинг нишаблиги ҳамда тупроқнинг ўтказувчанлигига боғлиқдир. Катта ва ўртacha нишабликдаги (0,003—0,010) участкаларда ҳамда суст ўтказувчи тупроқларда эгатлар чуқурлиги 10—15 см ни, кам нишаб ҳамда яхши ўтказувчи тупроқларда эса 14—18 см ни ташкил қиласди.

Сув яхши оқадиган эгатларнинг узунлиги участкаларнинг нишаблиги ҳамда тупроқнинг механик таркиби ва микрорельфнинг ҳолати бўйича аниқланади. Микрорельефи яхши бўлган оғир тупроқларнинг нишаблиги 0,002—0,02 бўлса, оқар эгатларнинг узунлиги 200—300 м ни, ўртacha бўлса 100—200 м ни, ёмон бўлса — 60—80 м ни; механик таркиби ўртacha бўлган тупроқларда юқоридагиларга мувофиқ — 100—200, 60 м ни; механик таркиби енгил бўлган тупроқларда эса — 80—120, 60—100, 60 м ни ташкил этади.

Микрорельефи яхши ерларда оқар эгатлар бўйича экинлар сугорилгандан оқим катталиги (миқдори) — 0,3, ўртacha майдонларда — 0,2, ёмон бўлса — 0,1 л/сек ни; механик таркиби ўртacha ерларда шунга мувофиқ — 0,5—0,7, 0,3 — ва 0,2 л/сек ни; енгил тупроқларда эса — 0,7—1,0, 0,5 ва 0,3 л/сек ни ташкил қиласди. Сув тупроқни ювиб кетиши мумкин бўлган катта нишабликларда сугориш учун ўқ ариқдан очилган оқим анча паст, кам нишаб ерларда эса бирмунча тез бўлиши керак.

Сувлардан оқилона фойдаланиш учун ташлама, яъни беҳуда оқиб кетаётган сувларни тўхтатиш чорасини кўриш лозим бўлади. Бунинг учун эгатлардан оқаётган сув унинг охирига боргандা албатта камайтирилиши керак.

Вегетация давридаги биринчи сугорищда ерлар ҳали унчалик қотмагани учун сувнинг оқим ҳажми вегетация охирига бориб бирмунча катта бўлиши керак. Тупроқ қотиб қолишининг олдини олиш мақсадида баъзан қатор оралари ташлаб ҳам сугорилади. бунда сув беришнинг зарур миқдорига сугоришнинг давомийлигини ошириш йўли билан эришиш мумкин. Сугориш ишларида эгатларга сув тара什 техникасини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Сувчининг иши эгатларга бир текис таралган сувларга, ўқ ариқларнинг ҳолати (ювиб кетишларнинг бор-йўқлиги) га қараб баҳоланади. Айниқса эгат боши кўнгилдагидай бўлишига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки, эгат ўртасида сувнинг ҳаракати ўқ ариқ билан туташган эгатнинг бошланиш қисмига боғлиқдир. Шунинг учун эгат бошига ўғитлардан бўшаган қофозлар ва бошқа материаллар қўйилади. Бу сугорищда ўзига хос бир усулдир.

Сабзавотчилик билан шуғулланувчи илғор хўжаликларда сугориш техникасини такомиллаштириш учун сувни автоматик равишда тарқатадиган турли хил мосламалардан фойдаланилади. Сув сатҳининг кўтарилиши учун сугориладиган ариқларда металдан қилинган тўсувчи (қалин, ўтказувчи) ва брезентли тўсиқлар (ғовлар), эгатлардаги сувларни тартибга солиш учун эса-сугориш трубалари ва сифонлар қўлланади (8-расм).

Эгатларга тешиклари орқали сув тушувчи эгилувчи ва қаттиқ кўчма трубалар ҳам сугориш ишларида самарали қўлланилмоқда. Бундай трубалардан фойдаланилганда вақтингчалик ўқ ариқ ва ёрдамчи эгатлар олинмайди, демак, ортиқча харажат қилинмайди. бундан ташқари иссиқдан сув буғланиб кетмайди, сугориш учун яхши шароит яратилади. Бу эса сувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, долзарб пайтларда сугоришни таъминлаш, майдонларда намнинг бир хилда бўлишига эришиш имконини беради.

Истиқболли янги усуллардан бири бу — томчилаб сугорищdir. Бунда кам миқдордаги сув анча аниқ ва бир текис тарқатилади. Сув тўғридан тўғри ҳар бир экиннинг илдиз системаси жойлашган зонага боради. Бу эса сувни анчагина миқдорда тежашга имкон беради. Шунингдек, тупроқнинг шўрланиши ва эрозиянинг олди олинади, меҳнат харажатлари кескин қисқаради. Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институтининг тажрибаларига қарангандай Ўзбекистон шароитида томчилайдиган трубалардан фойдаланган ҳолда сабзавот етишириш самаралидир.

Йигим-терим ва йигим-теримдан сўнг ҳосилга ишлов бериш. Пишган сабзавотлар техник (экиладиган, йиғиштириладиган, хўжалик) ва физиологик (ботаник, биологик) хусусиятлари бўйича фарқланади. Техник сўзининг маъноси шундаки, бунда истеъмол қилишга яроқли ҳолга келган маҳсулот (шунингдек, ташишга ва техник жиҳатдан қайта ишлов беришга) лар тушунилади. Ургунинг уйғониши ва ўсув органлари кўпайиб ривожланишининг тугаши ҳамда янги авлод сифатида мустақил яшаш

қобилиятига эга бўлиши сабзавотларнинг физиологик етилганлиги ҳисобланади.

Икки йиллик экинларнинг биринчи йилида қишлоғчи органларнинг тиним ҳолатига ўтиши сақланиб, кейинги йили яшовчанлигини давом эттириши бу физиологик етилганлигидир.

Баъзи сабзавот экинларининг техник ва физиологик етилиши мос тушади (масалан полиз экинлари-кечки қовунлардан ташқари) помидор мевалари, тарвуз ва қовуннинг баъзи навлари физиологик жиҳатдан техник пишганликка қараганда анча барвақт етилади. Кўпчилик сабзавот экинларида физиологик етилишидан кўра техник етилиш эртароқ бошланади. Чучук қалампир, бақлажон, қовоқча, кулча қовоқча экинларининг мевалари уруғчилик участкаларидағина физиологик етилади, кенг истеъмол учун эса уларнинг мева уруги қотмасдан териб олинади. Гул карам, редиска, укроп, кўкат, исмалоқ ва бошқа яшил баргли экинлар, шунингдек, икки ва кўп йиллик экинларнинг мевалари техник жиҳатдан етилганда йигиб-териб олинади.

Техник етилишнинг бошланиш муддати маҳсулотнинг йўналишига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Масалан, кўкат учун парвариш қилинаётган укропни оладиган бўлсак, унинг бўйи 8—15 см га етганида техник етилган ҳисобланади, тузлаш учун фойдаланишда эса уруғларнинг етила бошлаши, яъни физиологик етилишнинг бошланишига тўғри келади.

Баъзи сабзавот экинларида техник етилиш давомий эмас. Ёзинг иссиқ кунларида йигим-теримнинг кечикиши сабабли яшил бодринглар сарғайиб кетади, салат ва исмалоқнинг яшил барглари қовжираиди, эртаги ва ўрта муддатларда етиладиган карамнинг оқ бошлари ёрилиб кетади, гулкарамнинг боши эса сўлиб қолади. Картошка тугунаклари ва илдиз мевали экинлар тупроқ зараркунандалари ҳамда касалликлари билан зарарланади. Эртаги ҳосил олиш учун етиштирилаётган экинларнинг мевалари кўплаб тўпланишини кутиб турмасдан йигишириб олинади. Сабзавотларнинг тўлиқ етилмасдан йигиб-териб олиниши натижасида эртаги маҳсулот юқори баҳоларда сотилиб, қолган харатлар қоплаб юборилади.

Даладаги экинларнинг ҳосилини йигиб-териб олиш бўйича сабзавот экинлари уч гуруҳга бўлинади. Ҳосилни бир вақтда ва бутунлай йигишириб олинадиган бир марталик экинлар (кечки кардам, илдиз мевалилар, пиёз, саримсоқ пиёз, қовоқ ва картошка); ҳосил ялпи йигиб олингунча бир ва бир неча марта саралаб йигиширилиб олинадиган экинлар (эртаги карам ва гулкарам, қовун ва тарвузнинг эртаги навлари); ҳосилини техник етилиши билан кўп марта йигиб олинадиган навлари; ҳосилини техник етилиши билан кўп марта йигиб олинадиган экинлар (помидор, қалампир, бодринг, қовоқча, кулча қовоқ, редиска, ловия, маккажӯхори).

Экинларнинг ҳосилини йигиб-териб олишда иккинчи ва учинчи гуруҳ экинлар ҳосилини йигишириб олиш кўп меҳнат

саарфини талаб қиласи. Ҳосили күп марта (бодринг, помидор) олинадиган экинларниң меваси ҳатто 10—15 марта гача йигилади. Шундай қилиб, ҳосил тез-тез йигиб олинса ва сараланса унинг товар сифати шунча юқори бўлади. Бироқ терим сонини ҳаддан зиёд ошириб юбориш йигиштиришга кетадиган харажатларни кўпайтириб юборади, бу ҳосил таннархининг камайишига таъсир қиласи.

Бир марта териб олинадиган экинлар ҳосилини механизация ёрдамида йигиб олиш осон ва анча арzonга тушади. Илдизмевали экинлар ва пиёзни йигиштириб олишда СНУ—ЗС, СНС—2М каби илдиз кўтаргич ҳамда ОПКШ—1,4 асбоблардан фойдаланилади. Каротошка ва илдизмевали экинлар ҳосилини йигиштириб олишда КСТ—1,4 ва КТН—2Б каби илдиз ковловчи техника қўйл келади. Бу механизмлар илдизмева ва тугунакларни ковлаб олиб ернинг тепасига ташлайди. Поялар поя йигувчи УБД—ЗА машинаси ёки КИР—1,5 майдалагич ўргич билан ўриб олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, сабзавотчиликда ҳосилни бир марта йигиб оладиган ва йигиб-териб олингандан сўнг уни ҳайта ишлайдиган комплекс машиналар ҳам мавжуд. Бундай комплекс машиналар меҳнат унумдорлигини 4—12 марта гача оширади. Бундай машиналар жумласига: картошка йигиб оловчи ККУ—2Б комбайнни ва йигиштириб олингандан сўнг ишлов берувчи КСП—15Б, КСП—25, ПМСК—50 каби картошка сараловчи механизмлар, пиёз қазувчи ЛКГ—1,4 ЛКЛ—1,8 ҳамда пиёзни қайта ишловчи ПМЛ—6 ва ЛДЛ—10 механизациялашган линиялар, илдизмеваларни йигиштирувчи ММТ—1, ЕМ—11 ва Е—825 ҳамда ПСК—6 ва ЛСК—30 сараловчи пунктлар, карамлар учун — МСК—1 бир қаторли комбайн, МКП—2, УКМ—2 иккى қаторли карам йигиштирувчи машиналар, йигиштирилгандан сўнг бир хил шаклга солувчи УДК—30 ва УДК—15 машиналари, МУЧ—1,4 ва ЛДЧ—3 саримсоқ пиёз йигиштирувчи механизмлар киради.

Кўп марта йигиштириб олинадиган экинлар ҳосилини йигиб-териб олишда қисман механизациядан фойдаланилмоқда. Терилган ҳосилни ташувчи маҳсус транспортлар: ПОУ—2 кенг присепли, ПНСШ—12 ўзиюрар шасси учун осма платформа ва ТШП—25, ТН—12 кенг қамровли лентали транспортерлар самарали ишлатилаётir.

Платформаларнинг ҳажми ҳар хил. Масалан, помидор мева-ларини теришда қамров кенглиги 5,6, метр яшикларга теришда эса 9,8 метрни ташкил қиласи. Бодринг, қовоқча, итузумдошларга мансуб экинлар ҳосилини ва гулкарамни йигиштириб олишда платформа қатор ораларидан аста юради, унинг орқасидан эса терувчилар ўз қаторидаги ҳосилни йигиб платформадаги яшикларга солиб борадилар. Дала бошига етилганда тўлдирилган яшиклар олиб қўйилади ва ўрнига бўшлари жойлаштирилади.

Карам ва полиз экинлари маҳсулотларини йигиштириб олишда яшиклар ишлатилмайди, балки терилган ҳосил ленталарга

қўйилади, ленталардаги маҳсулот эса унинг ёнида ҳаракатланиб кетаётган бошқа транспортга узатилади ёки валокка жойлаштирилади. Бир вақтда етилмайдиган экинлар ҳосилини йигиб-териб олиш учун йигиштирувчи-сараповчи АУС—1 ва АУС—15 агрегатлари конструкция қилинади.

Ҳосилини кўп марта йигиштириб оладиган экинларни териб олишни тўлиқ механизациялаш учун комплекс машиналар яратилган. Улар асосан ўсимликларни қирқиш ва меваларини териб олишда фойдаланилади. Бунинг учун мевалари механик таъсирига чидамли бир вақтда пишиб етиладиган экинларни экиш керак. Шунингдек, экинларнинг қалинлигини ҳам таъминлаш лозим.

Помидорнинг мевалари СКТ—2 помидор йигувчи комбайн ёрдамида териб олинади ва пишганлик даражасига қараб сараланади. Мевалар комбайндан 450 кг ли контейнерларга солинган ҳолда ПТ—35 платформаларида консерва заводларига ёки СПТ—15, ПФГ—20Е помидор саралаш пунктларига ва ЭСТ—0,6 фотоэлектрон сараловчига етказиб берилади. Бодринг ҳосилини бир марта териб олиш учун ВУ, КОП—1,5 бодринг йигувчи комбайнлар, шунингдек, йигилган ҳосилга У—24И, ЛДО—3 сараловчи линияларда ишлов берувчи КОП—1,5 механизмлари қўлланади.

Йигим-теримнинг муҳим талаби етилган ҳосилни нобуд қилмай сифатли йигиштириб олишdir. Кўп марта йигиб олинадиган экинлар ҳосилини ўз вақтида йигиб-териб олаётганди, экинлар поясининг синмаганлигига аҳамият бериш керак.

Йигиб олинган мевалар истеъмол қилиш учун яроқли ёки яроқсизга сараланади. Маҳсулотлар стандарт (ГОСТ, РСТ, ТУ талабларига мос келувчи) ва ностандартга, истеъмол учун яроқли ёки қайта ишлов гурӯҳларига ажратилади. Ҳосилнинг шакли ва ранги, пишганлик даражаси ички тузилиши ботаник навларга мос келиши керак. Улар чорва молларига берилади, яроқсизлари эса кўмиб ёки ёқиб юборилади. Бундан ташқари уларни компост қилиш мумкин.

Сабзавотлар механизациялашган линияларда ва пунктларда, баъзида даланинг ўзида қўлда ёки механизмлардан фойдаланган ҳолда сараланади. Бунда, бир вақтнинг ўзида илдиизмева, писэ баргларини, карам бошини баргдан тозалаб беради.

Карам, полиз экинлари ва картошкаларни тарааларсиз ташишга йўл қўйилади, бироқ бу иш катта харажатлар талаб қиласи ва маҳсулот сифатини пасайтиради. Бошқа сабзавотлар ўзининг хусусиятларидан қатъи назар ёғоч яшикларда, контейнер, қоп ёки сеткаларда ташилади. Стандарт сабзавот яшиклари (уларни тайёрлаш учун кўплаб ёғоч талаб қилинади) транспортлар учун ноқулай бўлганидан улар қўлда ташилади.

Эндилиқда яшиклар ўрнини омборларда кўплаб юк кетадиган 0,3—0,6 тонна ҳажмли контейнерлар эгалламоқда, чунки бундай контейнерларни механизмлар ёрдамида юклаш осон, даладан омборларга олиб бориш ва узоқ муддат сақлаш ҳам мумкин. Шунинг учун сабзавотчилик яшиклар, гофрланган картонли

яшиклар, нам тортмайдиган картонлар ҳамда полиэтилен ва пластмассадан тайёрланган турли хил майда тараалар кенг қўлланилади.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида йигиб олинган ҳосил ҳаво айланадиган айвонларда сақланади. Яшик ва бошқа идишларга жойлаштиришдан олдин шамоллатилади, сўнг ердан 20 см кўтариб қўйилади.

Саноат асосида сабзавот етиштириш. Мамлакатимизнинг кўплаб минтақаларида асосий сабзавот экинлари индустрисал ёки саноат (механизациялашган) технологияси асосида парвариш қилинмоқда ва йиғиширилиб олинмоқда. Бунга мамлакатимизда машиналар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилганлиги ёрдам бермоқда. Сабзавот экинларини механизация ёрдамида парвариш қилиш ҳосилдорликни 1,5—2 марта оширади, меҳнат ҳажмини 1,4—3,5 марта қисқартиради. Маҳсулот таннархини эса 1,5—3 марта камайтиради. Шунга қарамай парваришлаш технологияси умумий хусусиятларга ҳам эгадир:

1. Навларга оширилган, бутунлай замонавий янги талаблар: юқори ҳосилдорлик, ҳар хил навларнинг етилиши, механизация ёрдамида ўтказиладиган йигим-теримга яроқлилиги, экинларнинг ўлчами, қаторларда жойлашиши ва ҳосил органлари бўйича тенглиги, шунингдек, техник жиҳатдан бир вақтда етилиши, механик юклашда ҳамда транспортларда ташишга юқори чидамлилиги кабилар.

2. Дехқончилик маданиятининг юқорилиги ҳайдаладиган далалярдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш машиналари учун керакли майдон, культивациядан фойдаланиш, зарур суғориш тармоқлари ва йўллари билан таъминлаш, жуда керак бўлганда коллектор-дренаж тармоқлари қуриш, текислаш.

3. Суғоришнинг илмий асосларига таяниб тупроқдаги озиқ элементлари миқдори ва экинларнинг талабини ҳисобга олган ҳолда юқори самара берадиган суғориш усувлари ва минерал ўғитлардан фойдаланиш.

4. Тупроқда сув ва озиқ элементларининг мавжудлиги билан ифодаланувчи экинларнинг оширилган қалинлигини қўллаш. Ҳосили кўп марта териладиган экинлардан кўзда тутилган маҳсулот олинмаса, уларнинг камлигини қоплаш, тўлдириш учун бир гектар майдондаги экин қалинлиги 2 ёки кўпроқча оширилади.

5. Экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йигиб-териб олишда машиналарнинг унуми юқори бўлиши учун уларнинг бир хил ўлчамлигини, тузилиши ва ёшини таъминлаш, экин олдидан ерларга диққат билан ишлов бериш лозим (ҳайдаш, ғалтаклаш, эгат олиш); экиладиган ва кўчат қилинадиган экинларга (юқори унувчанлигини ва ўсиш энергиясини, бир хилда ўсишини, кўчатларнинг стандартга мос келишини кафолатлаш) оширилган талаб. Усимликлар орасидаги масофани аниқ экувчи сеялкалар ва уларнинг қалинлигини механизациялашган усувлар таъминлаши мумкин.

6. Тайёрлаш, хизмат қилувчи ва қўшимча ишларни ўтказишни тўғри ташкил қилиш, рационализациялаш ва механизациялаш, бунда энг аввало юклаш-тушириш ва транспорт операциялари, машиналарга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, эскирган тараларни замонавийлари билан алмаштириш.

7. Механизациялашган йигишириш ишлари икки босқичга бўлинган: 1) ҳосилни йигишириш ва транспорт воситаларига юcalaш; 2) ҳосилни саралаш пунктларига олиб келиш ва шу ерда йигим-теримдан кейинги ишлов бериш (тозалаш, навлар, жойлаш фойдали ишларга сарфлаш).

8. Умум ўсимликшунослиқдаги комплекс машиналарни (тракторлар, юcalaш-тушириш ва транспорт воситалари, тупроққа ишлов берувчи ҳамда ўғит солувчи машиналар) махсус конструкциялаб ер ҳайдаш ва сабзавотларни йигишириш учун ажратиш. Барча агрегатлар комплексига тўлиқ вазифа юcalaш ва барча механизмларни узлуксиз иш билан мақбул муддатларда таъминлаш. Бир ўтища бир неча хил ишни бажарадиган машина ва механизмлардан кенг фойдаланиш.

9. Технологик интизомга қаттий риоя қилиш. Технологик картада кўриб чиқилган барча ишлар қисқа муддатларда, ўсимликнинг ҳолати ва фенологик босқичи билан, тупроқ ҳамда об-ҳаво шароити билан боғлиқ ҳолда аниқ қилиб бажарагалиши керак.

10. Илгор технологик усулларни, илмий-техника жараёнида эришилган ютуқларни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий шакли ва охирги иш натижасига боғлиқ ҳолда ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш.

Шундай қилиб, индустрιал технология бўйича картошка ва сабзавотлар етишириши фақат алоҳида ишлаб чиқилган ва айрим хўжаликларгагина жорий қилиш мумкин. Фан, техника ва илгор тажриба ютуқларини эса маҳсулот етиширишнинг барча босқичларида қўллаш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, турли тупроқ-иқлим шароитида ҳар хил экинлар учун бир хил парваришлаш технологиясини ҳамда йигим-терим усулларини қўллаш мумкин эмас. Лекин кўпгина илгор технологик усуллар шуни кўрсатмоқдаки, бир минтақадаги қандайдир экин учун ишлаб чиқилган усулларни, агар етишириш ва маҳсулотнинг йўналиши (қандай мақсад учун белгиланиши) мувофиқ тушса, бошқа минтақадаги бошқа экинга қўллаш мумкин.

НИИОХОМ томонидан ишлаб чиқилган индустрιал технология карам, пиёз, сабзи ва лавлаги етиширишда қўллаш учун тавсия этилади. Юқорида баён қилинган бир қатор характеристи умумий бўлган барча индустрιал технологиялар учун у қуйидаги хусусиятларни кўзда тутади: ағдаргичиз плугда баҳорги ҳайдов ёки бороналаш билан бир вақтда ясси юмшатиш; экишдан олдин охирги марта тупроққа ишлов бериш (ерни ҳайдаш-юмшатиш, культивация ёки фрезерлаш); бегона ўтлар ўсишини тўхтатиб туриши учун омил бўладиган, кўчат куни; кичик ҳимоя минтақалари билан қатор ораларида сифатли ишлов ўтказиш имко-

нини берувчи экиш ва кўчат қилишда қаторларни тўғри олинишига эришиш; дала юзасини 3—4 йилда бир марта режалаштириш ва ҳар йили оғир шлейфлар билан текислаш; кўчат қилинганидан кейин икки ҳафта ўтгач (ёввойи ўтларнинг бўйи 2—3 см га етганда) ёввойи ўтларни йўқотиш учун тишли-ағдаргичда чопиқ қилиш.

БССПИТИ да ишлаб чиқилган индустрисал технология институтининг жойлашиш ерига қараб астроҳан номини олди. У помидор ва бошқа бир қанча сабзавот экинлари етишириш учун тавсия этилади. Унинг қўлланиши ҳосилдорликни 15—25 фоиз оширади, гербицидлар харажатларини 80 фоизга камайтиради, уруғларнинг сарфланишини қисқартиради, ўтоқ қилишга кетадиган меҳнат харажатларини 3—4 марта камайтиради, қатор ораларига ишлов беришда меҳнат унумдорлигини 30—40 фоизга оширади.

Астрахан технологияси: бир қаторлаб оддий (уялаб) схемада экиш ёки қатор оралари 140, 90 ва 70 см кенгликада ўтқазиш; этат очиш билан бир вақтда лентали гербицид солиш, сугориш эгатлари олиш билан бирга гуруҳлаб кўчат қилиш, культиваторнинг комплекс ишчи органлари билан экиннинг бутун вегетацияси даврида ёввойи ўтларга қарши курашиш, кўчат қилинмаган экинлар ҳимоя шиткалари билан униб чиққунгача культивация қилиш, помидор кўчат қилинмаганда СО—4,2 сеялкасидан фойдаланиш ва УСМП—5,4 яганаловчи машинадан фойдаланиш ягана қилиш, экин поялари қатор ораларини қоплаб олганда вертикал кесиш, ҳосилни йиғиб-териб олишда ва ташишда кўп юк кўтарувчи кузовлар ҳамда контейнерлардан фойдаланиш каби хусусиятларга эга.

Технология баёни механик таркиби бўйича енгил ва унумдор еларда эгатлар орқали эмас, балки ёмғирлатиб сугориш амалга ошириладиган зоналар учун ишлаб чиқилган. Шунинг учун улар бизнинг шароитимизда тўла қайтарилиши мумкин эмас. Бу ерда маҳаллий шароитнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда шахсий индустрисал технология ишлаб чиқилиши керак.

Амалий машғулот

8 - м а з у . Турли сабзавот экинларини сугориш ва сугориш нормаларини ҳисоблаш.

Машғулотнинг мақсади; ўқувчиларни сабзавот экинларини сугориш ҳамда сугориш нормасини аниқлашга ўргатиш.

Топшириқлар. Сугориш тартиби — сугориш муддати ва нормасини, сонини белгилаш ҳамда бўлишдир. 1 га майдонга бир сугориш давомида m^3 миқдорида бўрилган сув сугориш нормаси дейилади. Сугориш нормаси тупроқнинг сув физик хусусияти ва қатламнинг нам чуқурлиги ҳамда қуриб қолиш даражасига қараб аниқланади. Сугориш олдидан тупроқ қанчалик қуриган ва нам қатлам чуқур жойлашган бўлса, сугориш нормаси шунчалик кўп бўлади. Тупроқнинг қуришга рухсат этилган чегараси 60 дан 85

фоизгача бўлади. Нам қатламнинг чуқурлиги асосий илдиз системаси массасининг жойлашиш чуқурлигига мувофиқ белгиланади, бу пиёз, редиска, бодринг, кўкат экинларида 30—40 см, итузумдошлар, картошқа ва илдизмевали сабзавотларда эса 60—70 см гача боради. Ёш ўсимликларда илдиз система унчалик ривожланмаган бўлади.

Тупроқнинг сув-физик хусусиятларидан сугориш нормасига ҳаммадан кўпроқ даланинг нам ҳажми таъсир қиласди. Ўзбекистоннинг сугориладиган ерлари учун ўртacha рухсат этилган дала нам ҳажмининг чегараси абсолют қуруқ оғирлиги фоизларда қуйидагича: лойли тупроқлар учун — 26,0%, ўртacha қумоқ тупроқлар учун — 23%, қумлоқ тупроқлар учун — 17%, шунга мувофиқ ҳажмий оғирлиги 1,5, 1,3 ва 1,1 ни ташкил қиласди. Улар ҳар бир ҳол учун тегишли усуулларни аниқлаш йўли билан алоҳида белгиланади.

Барча зарур катталикларни билган ҳолда сугориш нормаси (1 га мойданга m^3 да) қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M = 100 \times H \times A \times (B - B_1) + K$$

Бу ерда: M — сугориш нормаси, $m^3/\text{га}$;

H — сугориш нормасининг чуқурлиги,

A — барча тупроқнинг ҳажми;

B — абсолют қуруқ тупроқларда дала намлигининг фоизлардаги чегараси;

B_1 — сугориш ўтказилаётган пайтда абсолют қуруқ тупроқларнинг намлиги %,

K — сугориш нормасининг 10% ташкил қилувчи сугориш пайтида буғланиш ва фильтрланишга кетадиган сув миқдори.

Мисол учун. Даланинг нам миқдори чегарасидан 80% гача қуриган тупроқда карам учун сугориш ҳажмини аниқлаш талаб ҳилингяпти. Ҳисобли қатламнинг чуқурлиги 70 см. Дастреб тупроқ намлигини 80% да ҳисоблаймиз — $B_1 = \frac{25 \times 80}{100} = 20,0\%$. Барча кўрсатилган миқдорларни формулага қўйиб, қўйидаги сугориш нормасини оламиз:

$$M = 100 \times 0,7 \times 1,3 \times (25 - 20) = 455 m^3/\text{га}$$

Ҳисобланган сугориш нормасига сув берилган вақтда фильтрланиб ва буғланиб кетувчи сувнинг ўрнини қоплаш учун яна 10% миқдорда сув қўшамиз ва $455+45,5 = 455,5 m^3/\text{га}$ ни оламиз.

Ўқувчилар сугориш нормаларини ҳисоблашларига кўникма ҳосил қилишлари учун уларнинг ҳар бирига шарти 14-жадвалда келтирилган 2—3 та вазифа берилади.

Юқорида келтирилган мисолларга ўхшаб тупроқнинг қуруқ ҳолдаги оғирлиги намлигини, сугориш ҳажми, сарф бўлиш миқдорини ва сугориш нормаси ҳисобланади (14-жадвал).

Сугориладиган норма сугориш нормаси миқдорига ва сугоришлар сонига боғлиқ, шунинг учун уни сугориш нормаси

миқдорини сугоришилар сонига кўпайтириш йўли билан аниқлашмумкин. Бироқ сувдан фойдаланиш режасига кўра уни режалаштирилган ҳосил ҳамда тупроқнинг намлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бундай ҳолларда сугориладиган норма миқдори қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$O = E - 10a \times P - (Z_p - Z_k)$$

Бу ерда: O — сугориладиган норманинг соф оғирлиги, m^3/ga ; E — экиннинг сувга бўлган умумий талаби, m^3/ga ;

P — ўсув даврида тушган қолдиқлар миқдори, mm , A — $0,2-0,5$ га тенг бўлган фойдаланилган қолдиқлар коэффициенти;

Z_p — ўсув даврининг бошларида тупроқдаги нам запаси, m^3/ga ;

Z_k — ўсув даврининг охирларида тупроқдаги нам запаси, m^3/ga .

1 т ҳосилнинг шаклланиши учун, сувга бўлган умумий миқдорни аниқлаш учун m^3 га сарф бўладиган сув миқдорини — сувга бўлган талаб коэффициентини ва режалаштирилган ҳосилни билиш зарур. Ўзбекистон шароитида у оқ бошли карамлар учун $250-300$, пиёз ва чучук қалампир — $200-250$, бақлажон — $150-200$, помидор — $120-250$, сабзи — $80-120$, картошка — $100-150$, лавлаги — $60-90$ ни ташкил қиласди.

Бизнинг шароитимизда экинларнинг бутун вегетация даврида тушадиган ёғин миқдори анча паст, ҳатто баъзи йиллари ўрта муддатда парвариш қилинадиган ўсимлик учун $100 m^3/ga$ ерга 10 mm дан ошмайди. Бу чўкиндиларнинг фойдаланиш коэффициенти $0,3$ фоизлигига ҳаммаси бўлиб $30 m^3/ga$ ни ташкил қиласди холос. Ўсув даврининг боши ва охирда тупроқдаги нам захираси экиш муддати ва йигим-теримга боғлиқ. Эрта экиласидиган ва кеч йиғиштирилиб олинадиган муддатларда у кўп, кечки муддатларда эса у анча паст бўлади.

Сугориладиган нормани юқорида айтилган усуллар ёрдамида ҳисоблашни ўрганишлари учун ўқувчиларга $2-3$ та масалани ечиш таклиф қилинади, масала шартлари 15 -жадвалда баён этилган.

Ўқувчилар дастлаб сувга бўлган умумий талабни аниқлайдилар. Бунинг учун режалаштирилган ҳосил сувга бўлган умумий талаб коэффициентига кўпайтирилади. Олинган натижа жадвалнинг 4 -графасига ёзилади. Эртаги картошка учун у $300 m^3/ga$ тенг бўлади. Кейин формула бўйича сугориладиган норманинг соф миқдори ҳисоблаб борилади. Шундай қилиб, эртаги картошка учун у қўйидаги кўринишида бўлади: $O=300 - 10 \cdot 0,5 \cdot 80 - (1900 - 1400) \cdot 0,7 = 300 - 400 - 500 = 2100 m^3/ga$.

Сугориш системасининг ҳаракатдаги фойдали коэффициенти $0,7$ ни ташкил қилганини сугориш миқдорини ҳисоблашда, оғирлигини соф оғирлигига, яъни эртаги картошка $0,7$ га бўлинади, бу $2100 : 0,7 = 3000 m^3/ga$ тенг.

Бажарилган вазифаларнинг тўғрилиги ўқитувчи томонидан ечилган масалаларнинг натижасига қараб текширилади.

Фойдаланиладиган асбоблар: сабзавот экинларини сугориш бўйича маълумотномалар, калькуляторлар, линейка, қаламлар.

Сабзавот экинлари майдонларида сугориш нормасини ҳисоблаш

Тар-тиб со-ни	Экинлар	Қатламнинг нам чуғурлиги, см	Тупроқнинг ҳажм оғирлiği	Даланинг нам ҳажми чегара-си, (ҳисобида құруқ оғир)	Сугориш олдидан тупроқнинг намлығи, (құруқ оғирлiği)	Сугориш нормаси м ³ /га	Сувнинг исроф бўлиши (10/) К	Сугориш нормаси (брутто) м ³ /га
1.	Редиска	25	1,28	24,0	75			
2.	-	25	1,32	24,5	80			
3.	-	25	1,30	25,0	78			
4.	Картошка	60	1,22	22,0	70			
5.	-	60	1,20	24,0	72			
6.	Бодринг	60	1,24	23,0	74			
7.	-	40	1,35	25,2	80			
8.	-	25	1,40	25,8	82			
9.	-	40	1,37	25,4	78			
10.	Помидор	60	1,32	24,5	70			
11.	-	60	1,34	24,0	74			
12.	-	60	1,28	25,0	71			
13.	Карам	70	1,45	26,0	81			
14.	-	70	1,40	25,0	80			
15.	-	70	1,38	25,3	78			
16.	Сабзи	70	1,18	19,0	77			
17.	-	70	1,2	19,2	79			
18.	-	70	1,22	19,4	81			
19.	Пиёз	35	1,35	23,0	75			
20.	-	35	1,30	22,5	77			
21.	-	35	1,27	22,0	79			

Сабзавот экинлари майдонларида сугориладиган нормани ҳисоблаш

Экинлар	Режалаштирилган ҳосил, т/га	Сувга бўлган талаб коэффициенти, м ³ /т	Сувга бўлган умумий талаб, м ³ /т Е	Фойдаланилган ёгин коэффициенти, а	Ўсув даврида тушган ёгин миқдори, Р мм	Ўсув даври бошида тупроқдаги намнинг аҳамияти, м ³ /га Зп	Ўсув даври охирида тупроқдаги намнинг аҳамияти, м ³ /га Зк	Сугориладиган норма (нетто) м ³ /га 0	Сугориладиган соғ м ³ /га 0:0,7
Эртаги картошка	25	120		50	80	1900	1400		
Кечки картошка	28	150		20	10	1100	1800		
Эртаги карам	35	250		40	70	2000	1300		
Кечки карам	50	300		20	30	1200	1800		
Помидорлар	40	200		30	20	1400	1300		
Баҳорги пиёз	28	250		35	90	2100	1000		
Кечки сабзи	30	120		20	30	1000	1500		

8 Боб

КАРТОШКА

Халқ ҳўжалигидаги аҳамияти ва тарқалиши.

Тахминий маълумотларга қараганда ялпи йиғиштирилиб олинидиган картошканинг 45—55% озиқ-овқат мақсадлари учун, молларга емиш сифатида 25 фоизи, қолгани эса саноат асосида қайта ишлаш ҳамда уруғчилик учун сарфланар экан. Бизнинг мамлакатимизда картошка озиқ-овқат балансида ғалладан кейин иккинчи ўринда туради. Картошка катта иқтисодий аҳамиятга эга. У кўпгина ҳўжалик экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ўзбекистонда картошка озиқ-овқат экини сафатида етиштирилади.

Юқори унумдорлиги ва экологик мутаносиблиги картошкани кенг тарқалишига олиб келган. Марказий ва Жанубий Америка картошканинг ватани ҳисобланади. У Европага XVI асрнинг иккинчи ярмида келтирилган. Картошка XVII асрнинг охириларида Россияга келтирилган деб тахмин қилинади, лекин унинг кенг тарқалиши XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Ана шундан кейин саноатда қайта ишланадиган картошка етиштириш кенг авж олиб кетди. 1913 йилда картошка етиштирилган майдонлар 4209 минг гани такшил қилган.

Ўрта Осиёда картошка етиштириш Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинишидан кейин бошланган. 1913 йилда Туркистонда (Ўзбекистонда) 6,5 минг га да картошка етиштирилган ва унинг ялпи ҳосили 46,2 минг тоннани ташкил этган.

Ўзбекистонда 20—30 минг га да картошка етиштирилади. Картошка етиштириладиган майдонлар йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофларида, шунингдек, тоғоди ва тоғли районларда, умуман бу экин учун қулай шароит бор ерларда жойлашган. Ўн биринчи беш йилликда ўртача йиллик картошка етиштириш 303 минг т ни ташкил этди. 1986 йили 308,6 минг т картошка етиштирилди. Жумҳуриятимиз аҳоли жон бошига тавсия қилинган 55 кг картошканинг фақат 15—16 кг ни етиштиради холос, қолганлари бошқа жумҳуриятлардан олиб келинади. Демак, ўзимизда картошка етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Бу эса ташишга кетадиган кўплаб харажатларни тежаш, жумҳурият аҳолисини эса сифатли картошка билан таъминлаш имконини беради.

Ботаник характеристикаси ва биологик хусусиятлари. Картошка итузумдошлар оиласига мансуб экинлардан биридир. Мамлакатимизда етиштириладиган нави солянум Туберозум териидир. Табиатда селекциядан фойдаланадиган бошқа турлар ҳам мавжуд. Картошка экинлари ўз табиатига кўра — кўп йиллик туганакли ўсимликларга мансубдир. Мўтадил иқлимли мамлакатлarda картошка туганаклари қишда тупроқда сақланмайди, шунинг учун картошка бир йиллик экин сифатида етиштирилади. У одатда

вегетатив йўл билан: туганаклари, бўгинлари ва қаламчалари орқали кўпайтирилади. Кучли ёрилиши ва кўпайтириш кўп харажат талаб қилганлиги учун ишлаб чиқаришда урувлар қўлланмайди. Улардан факат селекцияда фойдаланилади холос.

Картошка тўғри ёки ёйилиб ўсади. Барг ва поялари калта тук билан қопланади. Гуллари гажак тўпгулларида тўплантган. Картошканинг гуллаши ўсиш шароитга боғлиқдир. Жанубий районларда ҳарорат иссиқ бўлгани учун картошка анча кучиз гуллайди ва туғишга киришади. Картошка мевалари — икки уяли, кўп уруғли мевалари сарғиш-яшил рангда. Уруғлари ясси, сарғиш, қизғиш ва жуда майда (бир грамда уруғ 2000 тача бўлади). Картошканинг илдизи патак илдиз, улар ернинг 60 см гача бўлган қатламида жойлашади, лекин айрим илдизлари ҳатто 1,5—2 м гача чуқурликка тушиши мумкин.

Картошка тугунак мевали бўлиб, ер остидаги тугунакларида мева тугади.

Шоналаш даврида ер ости поясидаги барг қўлтигида оқ поялар — столонлар пайдо бўлади. Кейинчалик улар йўғонлашади ва тугунакларга айланади. Туганаклар захира озиқ моддалар сақловчи органлар ҳисобланади. Тугунакларнинг столонга бириккан жойи-“киндик”, қарама-қарши қисми эса “учи” деб аталади. Туганакларнинг нафас олиши худди мана шу қисмидан бошлиниди, шунинг учун бу срда кўзчалар жуда зич жойлашган тугунаклар устидан эпидермис билан қопланади, сиртқи қатлами пўйраклаб пўстлоқ тусига киради. Туганакларнинг нафас олиши учун кичкина тешикчалар мавжуд. Туганакларнинг ички қисми оқсил моддалар ва крахмаллар билан тўлган юмшоқ ҳужай-ралардан тузилган.

Туганакларнинг шакли ҳар хил бўлади. Пўст қисмининг рангига кўра улар оқ, пушти, қизил-бинафша ва оқ-сариқ, этининг ранги эса оқ, сариқ ва оқ-сариқ бўлади. Туганакларда ҳажм тиним даври бўлиб, шунинг учун йиғиб олингандан сўнг бирдан кўкармайди. Тиним даврининг давомийлиги турли навларда ҳар хил лекин, кўпчилик навларда икки ойдан кўпроқни ташкил этади.

Картошка салқин ёз ўсимлиги деб аталади. Куртакчалари ҳарорат 50 дан ошганда кўкара бошлийди. Ўсиш учун мақбул ҳарорат 19—23 даражада. Ҳарорат 5 даражадан паст ёки 31 даражадан юқори бўлганда куртакларнинг ўсиши тўхтайди. Бир неча кун давомида ҳарорат—1 ёки +35 даражада бўлганда тугунаклар зарарланади. Картошканинг илдизчалари ҳарорат +7 дан паст бўлмаганда шакллана бошлийди. Ҳарорат 17—22 даражадан ошганда барглар жадал ўсади, 5—6° дан пасайганда ёки 40° дан юқори бўлганда улар ўсишдан тўхтайди. Ҳароратнинг—1 даражага тушиши баргларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Туганакларнинг шаклланиши учун энг қулай ҳарорат 16—19 даражада ҳисобланади. Ҳарорат +6 дан пасайганда ёки +23 дан ошганда туганакларнинг ўсиши кескин секинлашади, тупроқ

28—29 даражада қызиганда эса туганакларнинг шаклланиши бутунлай түтхайди.

Туганаклар юқори ҳароратда ўсиш қобилиятини йўқотади, ҳарорат совуб кетиши билан майда қиз туганаклар пайдо қилиб, столонларда оналик экин сифатида ўсади. Бу ҳол говлаб кетиш деб аталади.

Картошка — ёруғсевар ўсимлик. Ёруғлик етишмаса туганакларнинг униб чиқишини секинлаштиради. Туганакларга айланиш даврида ёруғлик етишмаса осон синадиган оқ ўсимталар пайдо бўлади. Столонлар одатда ёруғда шаклланмайди. Ёруғ кун узунлигига нисбатан картошка муқобил экинлардан ҳисобланади.

Картошка тупоқ намига талабчан бўлиб, унинг сувга бўлган эҳтиёжи гуллаш ва тугунак шаклланаётган даврда сезиларли даражада кўтарилади. Тупроқ намига 75—85% бўлганда барг ва ва туганакларнинг ўсиши жадаллашади. Тупроқда нам стишмаганда поянинг ўсиши секинлашади ҳосил миқдори камайиб кетади. Намнинг ошиб кетиши илдизларнинг чиришига олиб келади чунки тупроқда ҳаво етишмайди.

Кўплаб миқдорда қуруқ модда тўплаши ва унча ривожланмаган илдиз системасига эга бўлган картошка экини ўзининг ўсиши ва ривожланиши учун анчагина озиқ моддалар талаб қилади.

Гектаридан 200—250 ц дан картошка ҳосили етиштириш учун экин майдонига 100—125 кг азот, 40—45 кг фосфор ва 140—200 кг калий солинади. Демак картошка тупроқдаги минерал элементларга юқори талабчанлиги билан фарқ қиласи ва баҳорги ўғитларга сезигирдир. Шунингдек, картошка тупроқнинг физик хусусиятига ва унинг механик таркиби талабчан экиндир. Картошка ўртача шўрга чидамли. Шўрга чидамлилик месъёри 0,015—0,020%.

Ўрта Осиё шароитида картошка тез айнайди. Айнаш дегандан, ноқулай иқлим шароити ва юқумли вирус таъсирида уруғлик сифатининг ёмонлашишини тушуниш лозим. Бунда унинг ҳосилдорлиги камаяди, туганакларнинг озиқ ва товар сифати ёмонлашади, экиннинг замбуруг касалликларига чидамлилиги камаяди ва картошка кейинги репродукцияга яроқсиз бўлиб қолади. Касалланган экинлардаги вируслар соғломларига ҳашаротлар ёки жинсий йўл билан ўтади. Кейинги авлодга вируслар кўчат қилинадиган экинлар орқали ўтиб боради.

Вирус касалликлари ўсимликнинг ташқи кўришинининг ўзгариши ва уларнинг биологияси билан характерланади. Ўрта Осиёда улардан энг кенг тарқалгани крепчатост ёки оддий мозайкадир. У баргда сезиларли бўлмаган оқ доғ қолдиради. Буришади, чети эса пастга эгилади. Йўл - йўл мозайка — баргда жигарранг кўринишда бўлиб, унинг чети пастга қараб бурилиб қолади.

Барглар буралиб қолиши-баргларнинг юқори қисмини буришиб қолиши билан белгиланади. Готика касаллигига баргнинг маълум қисми буралиб қолади, барги ва ён пояси ўткир бурчак шаклида бўлади. Касалланган (бузилган) экинлар тугунаклари майда бўлиб, шакллари ҳам ўзгаради. Тугунаклар чўзинчоқ бўлиб қолади. Чўзилган томирларда баъзан кўпгина кўзчалар ҳосил бўлади. Оч пушти ва қизил тугунаклар ҳосил бўлиши, уларнинг ёрилиш ва ёриқлар атрофида юлдузчалар ҳосил қилиши ҳам бузилганлик белгилариридир.

Кўчат қилинадиган материални сақлаш ва парвариш қилиш даврида ҳароратнинг юқори бўлиши, тугунак шаклланаётган вақтда тупроқда озиқ ва намнинг етишмаслиги, вирусли касалликларининг тўпланишига ва кучайишига имкон яратади. Қулай шароитда ва юқори агротехник фонда картошка парвариш қилиш вирусли касалликлар таъсирини камайтиради.

Етиштириш технологяси ва навлари. Навлар. Маданий навларнинг умумий сони 2 мингта етади. Ҳар бир жумҳуриятда 10—15 хил нав етиштирилади.

Тезпишарлиги бўйича картошка навлари эртаги (униб чиқишидан етилишигача 60—65 кун), ўртacha эртаги (78—80 кун), ўртacha (90—100 кун) ўртacha кечки (110—120 кун) ва кечки (130—150 кун) турларга бўлинади.

Жумҳуриятимизда қўйидаги навлар районлаштирилган, эртаги-Седов, Приакульский ранний, Белорусский ранний, Зарафшон, ўртacha эртаги — Берли хинген, Фаленский, Детскосельский: ўртacha — Лорх, кечки — Обидов 2, Улучшенний. 1983 йилдан бери жумҳурият бўйича қўйидаги навларга рухсат эйтлган: эртаги — Пирмунес, ўртacha эртаги — Новинка, Лаймдата, ўртacha — Татчинский, Огонек, ўртacha — Темп.

Баҳорда ёзнинг юқори ҳароратигача ҳосил тўплаб улгурадиган эртаги ва ўртacha эртаги навлар экилади. Ёзда эса кўпроқ ўртacha кечки ва кечки навлар экилади.

Алмашлаб экиш жойи ва ер танлаш. Ўзбекистон шароитида картошка етиштириш учун тоғ ва тоғ олди районлари, дарёслар пастки терассалари тупроқлари энг мақбул ҳисобланади. Бундай тупроқлар органик ўғитларга бой ҳамда камроқ қизийди. Шунингдек бўз ерлар ва бошқа тур тупроқлар ҳам картошка етиштириш учун яроқлидир. Механик таркиби бўйича қумоқ ва қумлоқ тупроқи ерлар картошка етиштириш учун мос келади. Картошка сабзавот алмашлаб экишда етиштирилади. Булардан карам, бодринг, полиз, илдизмевали ва дуккакли экинлар картошкани учун ўтмишдош ҳисобланади. Себарга — кечки картошка учун яхши ўтмишдошdir. Эртаги картошка себарга бўйича экилганда, ерларнинг эрта ҳайдашига эътибор берилади. Чунки ҳайдалганда ағдарилган чимларнинг чириб улгуриши катта аҳамиятга эга.

Кечки картошкани сабзавот, бошоқли дон ва силос учун экилган маккажӯхоридан бўшаган ерларга экиш мумкин.

Үғитлаш. Картошка баҳорги үғитларга сезгирдир. Азот поянинг ўсишини кучайтиради ва ҳосилдорликни оширади. Ҳаддан ташқари кўп солинганда тугунақларда крахмал миқдорини камайтириб, уни сақлаш қийинлашади, бузилган ва ёрилганларнинг сони ошади. Фосфор поя, баргларнинг ўсишини тўхтатади, тугунақларда крахмал тўпланишига ёрдам беради. Калий ўсимликларнинг азот ва фосфорни ўзлаштиришини, замбуруғ касалликларига, қурғоқчиликка ва паст ҳарортга чидамлилнгини оширишга яхши таъсир кўрсатади.

Маҳаллий шароитда картошка кўпроқ азотли ва фосфорли үғитларни талаб қиласди. Ҳаммадан ҳам бу экин минерал үғитларга сезгирдир. Органик моддалари кам бўлган тупроқларда картошкага гўнг ва компостларга талабчан бўлади. Лекин органик ва минерал үғитлар бирга солинганда яхши самара беради.

Эскитдан ҳайдалиб келинаётган ерларда етиштириладиган картошкага учун йиллик меъёр қуйидагича-гектарига кг ҳисобида; бўз тупроқлар ва эрта пишар навлар учун 100—120 азот, 80—100 — фосфор, 60 — калий; кечпишар навлар учун шунга мувофиқ: 200—225, 150—160 ва 90—100; ўтлоқ ерларда эртапишар навлар учун азот ва фосфор бўйича — 100—120, калий — 50—60; кечпишар навлар учун шунга мувофиқ — азот ва фосфор — 150—180, калий 70—80.

Органик үғитларни хўжаликларда қабул қилинган алмашлаб экиш схемасига мувофиқ гектарига 20—40 т дан солиши тавсия этилади. Органик үғитлар солинаётганда азотли ва фосфорли үғитлар солиши миқдори 20—30% га калийли үғитлар солиши эса 50—70% га камаяди.

Органик, фосфорли ва бутун калийли үғитлар йиллик меъёрининг 70—80% и кузги шудгор пайтида ёки ёзда экин экиш олдидан ҳайдалганда солинади. Фосфорли үғитларнинг қолган қисми картошкани экиш вақтида солинади.

Эртаги ва кечки картошка етиштиришда азотли үғитлар солиши муддати ҳар хил. Қисқа ўсув даврига эга бўлган эртаки картошкага азотли үғитлар экиш вақтида ва тўла униб чиққандан сўнг берилади. Кечки картошка экилган майдонларга азотли үғитлар қуйидаги муддатларда: экишда 20%, униб чиққанда — 30%, шоналашда — 50%, ёки экишда 50% ва шоналашда 50% и солинади. Микроиқлими яхши бўлмаган районларда экин майдонларига микроўғитлар солиши тавсия этилади.

Тупроқни тайёрлаш. Картошка тупроқнинг юмшоқ бўлишига талабчан. Тупроқни тайёрлаш одатда уни юмшатишдан ва кузги чуқур шудгордан бошланади. Кузги шудгорлаш 2 ярусли плугда 35—40 см чуқурликда амалга оширилса сифатли ҳисобланади. Ҳайдов олдидан ерларга органик минерал үғитлар солинади. Ҳайдовдан сўнг ариқ ва эгатларни текислаш учун енгил планировка қилинади.

Тупроқни баҳорги экишга тайёрлаш мақсадида кузда культиватор ёрдамида олдиндан пушта олиш мақсадга мувофиқдир.

Ёзда экин экиш учун ажратилган майдонлар ҳам кузда шудгорланади ва эрта баҳорда бороналаш ўтказилади. Бегона ўтлардан тозалаш мақсадида 1—2 марта ялпи культивация қилинади. Ёзда экин қайта экиладиган бўлса, ҳайдовдан олдин ерлар сугорилади. Ҳайдов тўла чуқурликда ўтказилиб, айни вақтда ўгит ҳам солинади, сўнгра бороналанади. Барча ҳолларда ҳам далалар планировка қилинади.


Уруғликни тайёрлаш. Уруғни экишга тайёрлаш жуда қийин. Картошка етиширишга кетадиган харажатнинг 30% уруғлик материални тайёрлашга сарфланади.

Картошкадан юқори ҳосил олишни таъминлашнинг муҳим йўли экиладиган тугунакларни катта-кичиклиги, шакли ва бошқа белгиларига кўра саралашдир.

Ўзбекистонда экилган йирик тугунаклар бир хилда униб чиқади. Улар кучли кўп поялар ҳосил қилиб, соглом ва юқори ҳосил олиш имконини беради. Лекин йирик тугунакларни (80—126 г) экиш катта харажатлар талаб ҳилади. Шунинг учун уни юқори агротехник шароитда ўтказиш керак. Ўртacha агротехник фонди ва унча кўп бўлмаган миқдорда ўгит солишга тўғри келганда ҳамда зич экишда ўртacha ўлчамдаги (50—60 г) тугунаклар экиласди.

Экиш учун шакли ва ранги бир хил бўлган типик тугунаклар танланади, қинғир-қийшиқ ва ингичка бўлиб ўсадиганлари яроқсизга чиқарилади. Тугунакларни саралаш учун кўчма саралаш столидан ёки картошка сараловчи КСП—15П пунктидан фойдаланилади. У 80, 50 ва 30 г ли тугунакларни фракциялар бўйича ажратади (6,7 расмлар).

Турли касалликларга ва заруркундаларга қарши кураш ҳамда сийракланишининг олдини олиш мақсадида баҳорги,



6-расм. Айнигани тугунаклар шаклининг ўзғарип кетиши: пастда — соглом тугунак, юқорида айниб кетган тугунаклар.

7-расм. Картошка ўсимталарининг ингичкалашиб кетиши.

айниңса, ёзги әкиладиган картошка тугунаклари әкиш олдидан зарарсизлантирилади. Бунинг учун 1 т уруғлик материал 3—3,5 кг сувли суспензияда құлланади ёки ТМДТ препарати пуркалади.

Агар тупроқда тугунакларнинг чириши рүй бермаса, әкиладиган материални тежаш мақсадида йирикларини бўлиб әкиш мумкин. Чунки йирик тугунакларниң ярми ўртача ва майда тугунакларга қараганда анча соғлом ва кучли ўсади. Ёзда ҳарорат юқори бўлиб ёки намнинг ортиб кетишидан тугунаклар чириши қузатилса ёки улар сийраклашиб қолса, әкиладиган материални бўлиш ярамайди. Йирик тугунакларни бўлиш фақат экин олдидан амалга оширилади ва ТМДТ препаратида дезинфекция қилинади. Тугунаклар узунасига қирқилади. Уларни кузда ҳам кесиш мумкин. Фақат бунинг учун қирқилган тугунакларда пўкак қатлам ҳосил бўлиши учун нам ҳавода ва қоронғи ерда юқори ҳароратда (15 — 20°) 12—14 кун сақлаб турилади.

Бу усулларда парвариш қилиш сермеҳнат бўлиб, ёруғ биноларда катта майдонни талаб қиласди. Тошкент Давлат аграр университети томонидан оддий ва анча арzon усул, яъни қўёш нури яхши тушувчи очиқ майдонларда ёруғлик ўтказувчи плёнкалар остида ургуни экишга тайёрлаш усули таклиф қилинган. Тугунаклар экишгача 2—3 ҳафта аввал тўшамага ёки яшикларга 10—15 см қалинликда жойлаштирилади ва устидан плёнка билан беркитилади.

Уруғлик тугунакларнинг экиш олдидан тайёрлашнинг самарали усули ёруғликда тоблаш ва чиниқтириш ҳисобланади. Буининг учун тугунак ҳосил йиғиштириб олинганда даланинг ўзига 1—2 см қалинликда ёйилади ва 10—12 кун давомида қўёш тигифда туриши таъминланади. Тобланаштганда тугунаклар яшил ранга киради. Шундай қилинганда тугунаклар яхши сақланади, турли касаллнклар ва зараркунаидаларга анча чидамли бўлади, тез ўсади ҳамда әкилганда ҳосил тугиши тез киришади.

Баҳорги экиш даврида әкиладиган материални 8—10 кун давомида яхши ёруғлик тушадиган жойда ёки бинода ҳавонинг иссиғида ёки 5—7 кун мобойнида 18—25 даражада сақлаш ва ҳар куни 35—40 даражада ҳароратда қиздириш энг яхши самара беради.

Баҳорги ва ёзги муддатларда әкиладиган тугунакларни микрорэлементлар эритмаларида ҳамда физиологик актив моддалар бўлган гиббереллин ($0,5$ кг/л), қаҳрабо кислотаси (10 мл/л) ва тур препарати (500 мл/л) да экиш олдидан ишлов бериш лозим.

Тугунакларнинг ёзги муддатда экишда экиш олдидан зарурый ишлов бериш усулига ўсимталарни синдириб ташлаш киради. Бу иш иккى марта ўсимталар 8—12 см га етганда қилинади. Охирги синдириш экишга 1,5—2 ҳафта қолганда амалга оширилади, чунки әкилаётган вақтда тугунакларда янги ўсимталар пайдо бўлиши керак.

Экиш. Иссиқ кунларнинг узоқ вақт давом этиши Ўзбекистонда картошкадан 2 марта ҳосил олиш имконини беради. Эртаги

картошка далага чиқиш имкони туғилиши биланоқ яъни февралнинг охири ва мартнинг бошларида экилиши керак. Чунки ёзинг иссиқ кунлари бошлангунча туганаклар шаклланиб олиши лозим. Жанубий вилоятларда қишилиқ келганда жумҳуриятнинг марказий қисмларида эртаги картошка баъзан қишида қам экилади. Бунда тугунакларни совуқ уришдан сақлаш учун уларни текис майдонларга 15 см дан кам бўлмаган чуқурликка кетма-кет мульчалаш билан экилади.

Истеъмол мақсадларида экиладиган яхши навларнинг кечпишарлари майнинг охири июннинг бошларида, ўрта пишарлари июннинг ўрталарида, эртагилари-июль ойининг биринчи ярмида экилади.

Майда тугунаклар йирик ва ўрта тугунакларга қараганда ёмон сақланади. Шунинг учун уларни эрта экиш керак. Мамлакатимизнинг Европа қисмидан келтириб экиладиган материални эрта экиш мақсадга мувофиқdir.

Одатдаги тугунакларни экиш учун СН—46—1 СКС—4 маркали картошка экадиган машиналар, МТЗ—50 ва МТЗ—80/83 тракторларига агрегатланадиган САЯ—4 мосламасидан фойдаланилади. 90 см ли қатор ораларига экишни максус картошка экадиган КСН—90 машинаси амалга оширади. Ёзги экишда йирик тугунаклар 15—16 см, майда ва ўрталари 10—12 см чуқурликда экилади. Баҳорги экиш сугориш ариқчалари олиш билан бир вақтда амалга оширилади. Уруғлар ҳам тупроқнинг табиий намига ундириб олинади. Ёзги экиш юқори ҳароратда ўтказилади, шунинг учун тугунакларнинг тўла униб чиқишига эришиш учун тупроқ яхшилаб намланиши керак.

Агар ёзги экиш текис майдонларда амалга оширилса, экишдан сўнг сугориш ўтказиш лозим. Бу сугоришнинг бир кунга кечкитириш униб чиқаётган ниҳолларнинг сийракланишига олиб келади.

Картошка экини учун қатор оралари кенглиги 70 см қилиб қабул қилинган. Қатор ораларини 90 см қилиб картошка етиштиришга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу картошкага оширилган тезликда ишлов бериш имконини беради. Қаторларга картошка экиш қалинлиги экиладиган материалнинг ҳажмига, навига ва тупроқнинг унумдорлигига боғлиқ. Йирик тугунаклilarни экишда қатордаги уялар оралиги 20—35 см ни (1 га ерга 41—47 минг туп ўсимлик жойлашиши керак), ўртача тугунаклар оралиги эса 20—25 см ни (1 га ерга 57—71 минг туп) ташкил этади. Туплари бақувватлиги билан фарқ қилувчи тезлишшар навлар ўртапишшар ва кечкипишшар навларга нисбатан бирмунча зич экилади.

Экинларни парвариш қилиш. Экин экилган майдонларнинг гектарига 2,5—3 тонна ҳисобида тошкўмир чанги сепиб қорайтириш, плёнка билан ёпиб мульчалаш экинларнинг униб чиқишини ва тугунаклар қосил бўлишини тезлаштиради, ҳамда ҳосилдорликни оширади. Тошкент Давлат аграр университети тўплланган тажриба шуни кўрсатдикни, тупроқ устини плёнка

билин ёпиш каркассиз ёпишга қараганда самарали бўлиб, у ниҳолларнинг униб чиқишини 12—18 кунга, ҳосилнинг етилишини эса 10—20 кунга тезлаштиради, бунда юқори ҳарорат бошлиғунча тугунаклар яхшигина шаклланиб олган бўлади. Шунинг ҳисобига ҳосилдорлик 10—20% га ошади. Ниҳоллар униб чиқиши билан плёнка олиб ташланади. Плёнка олиб ташлашда кеч қолинса қўёшли кунлар ўсимликнинг сўлиб ёки куйиб кетишига олиб келади.

Эртаги картошканинг ниҳоллари одатда 25—30 кундан сўнг пайдо бўлади. Бу вақт ичиде баҳорги ёғинлар туфайли тупроқ анча зичлашади ва ёввойи ўтлар йўқотиш учун ниҳол униб чиқсанда тўрли (тишли) борона билан бир вақтда культивация ўтказилади. Ёзги картошканинг ниҳоллари 10—12 кундан сўнг пайдо бўлади. Бу қисқа даврда қатқалоқ ҳосил бўлмайди, шунинг учун бороналаш ўтказилмайди. Ниҳоллар ялпи униб чиқсандан сўнг учинчи культивация ўтказилади. Ўсув даврида ҳар бир ёмғирдан сўнг культивация ўтказилади. Бу иш 4—5 марта амалга оширилади.

Оддий культивация билан бир қаторда кейинги йилларда илдиз остидан ишлов берилмоқда. Бу иш плёнкалар олиб ташлангач, 5—6 кундан кейин КРН—2,8А культиватори билан чуқур ишлов берилади. У "Беларусь" тракторига осиладиган КРХ (КРТ—4) культиватор озиқлантиргичнинг кескичлари билан тўлдирилади. Ишлов тупроқнинг 25 см чуқурлигига — оналик тугунаклари ва ёш илдизчаларга (улар 10—12 см чуқурликда жойлашаётган бўлади) зиён етказмаган ҳолда ўтказилади. Бунда экин атрофидаги тупроқ чуқур қилиб юмшатилади, бу эса ёввойи ўтларни йўқотиш, илдизга сув ва ҳаво киришини яхшилаш имконини беради. Шундай қилиб ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Суғориладиган шароитда экилган картошкани парвариш қилишнинг зарурий усулларидан бири чопиқдир. Эртаги картошка 1—2 марта, ёзгиси эса 2 марта чопиқ қилинади. Бу жараён экинда қўшимча столонларнинг шаклланишига ҳамда тугунаклар учун энг яхши шароит яратишга имкон беради. Етилган ва ёввойи ўтлардан холи майдонларда чопиқ механизация ёрдамида бажарилади.

Ёввойи ўтлар билан курашишда картошка униб чиқишидан, 4—5 кун аввал гектарига 20 кг миқдорда далапон, 1,5—2 кг прометрин ва 1,5 га/ц толуин қўлланилади. Эритма 400—600 л сув ҳисобидан тайёрланади.

Ҳосилдорликни ошириш учун ўсимлик гуллашдан олдин ўстирувчи эритма билан чангланади. Суюқликнинг сарфи гектарига 600—800 л ни ташкил этади, ишчи эритманинг концентрацияси эса 0,0002% (2 мг/л) гиббереллин, 0,001% (10 мг/л) қаҳрабо кислота (органик кислота), 0,1% (1 г/л) ТУР препаратидан иборат.

Картошка ҳосилини оширишнинг муҳим шартларидан бири — сугоришдир. Тупроқнинг мақбул намлиги 75—80%. Ўсув даврида сувни тақсимлаш ва сугориш сони картошканинг экиш муддатларига ҳамда тупроқ шароитларига кўра аниқланади. Ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларидаги картошка 5—7 марта, бўз тупоқлардагиси 8—9 марта гача сугорилади. Сугориш апрелдан бошлаб тугунаклар шакллангунча 7—8 кун оралатиб, ҳосил шакланаётган босқичда 4—6 кун оралатиб ўтказилади. Кечки картошкани экилгандан сўнг дарҳол сугориш лозим. Ер ости сувлари яқин жойлашган тупроқларда сугориш сони 7—10, чуқур жойлашган ерларда 12—15 марта гача етади. Ўсув давомида сугоришлар 8—10 кундан сўнг ўтказилади. Кечки картошканинг ҳосилини йигишириб олишга икки қафта қолганда сугориш тўхтатилади.

Барвақт пишадиган ҳосил етиштириш. Бу агроусулда ёзги навларнинг тугунаклари ўрнига ўзидан аввалги йили эрта олинган (баҳорги — ёзги) баҳорги тугунаклар ҳосилидан экиш материал сифатида қўлланилади.

Бунинг учун фақат эртаги навлардан фойдаланилади. Июнь ойнинг бошларида йигиб олинган уруғлик тугунаклари одий картошка сақловчи биноларда ёки сунъий совуткичхоналарда баҳоргача яхши сақланади. Бироқ сентябрь ойида улардан ипсизмон кўринишдаги ўсимталар ўсиб чиқади. Бундай тугунаклар экиш учун ярамайди. Улар озиқ-овқат мақсадларида ишлатилилди.

Эрта баҳорда (февралнинг ўрталарида) ўсимталар синдириб ташланади, сўнгра ёруғ бинода 12—15 дараражада 10—15 кун давомида ундириб олинади. Кичик яшил ўсимталар чиқарган тугунаклардан ўсимталарини синдирмасдан ҳамда қўшимча ундириб олишлариз фойдаланилади.

Баҳорда тугунакларни экишда мульчалашни ёруғлик ўтказдиган плёнкалардан фойдаланиш билан бирга олиб борилади. Эртаги ҳосилнинг тугунакларидан етиштирилган ўсимликлар оддийларига қараганда жуда тез ўсади ва минерал озиқларни кўп талаб қиласди.

Турли зааркунанда ва касалликларга қарши кураш. Картошка энг аввало кузги тунламдан заарланади. Шунингдек, бу экин тилла қўнғиз, шира ва чирилдоқ (ҳашарот)дан ҳам бирмунча зиён кўради. Кузги тунламга қарши курашиш учун экин экиш вақтида гектарига 50 кг 7% гранула, хлорофос, вегетация даврида эса 600 л сувда гектарига 3—5 кг дан тайёрланган 65% ли хлорофос эритмаси сепилади (чангланади).

Сим қурт ва тилла қўнғизга қарши заҳарловчи кўрак қўлланади. Шира ва чирилдоқ (цикада)га қарши курашишнинг йўли 500—600 л/га сувга 1,5 кг ҳисобида 25% ли антио ва 40% ли фосфимид (рогаром) чангланадир. Нематодларга қарши кузда ёки экишдан 30 кун олдин гектарига 800—1000 кг дан 20% ли немагон солинади.

Ўзбекистон шароитида картошканинг кенг тарқалган касалликлари фузариоз сўлиш, макроспериоз ва ҳалқали чириш

кабилар ҳисобланади. Бу касалликлар билан курашишнинг олдини олиш тадбирларига: алмашлаб экиш, юқори агротехника, калийли ўғитлар билан озиқлантириш, кўкараётган қолдиқларни йўқотиш, касалланган экинларни даладан чиқариб ташлаш, уруғли тугунакларни саралаш ва бошқалар киради. Бундан ташқари макропориозга қарши 1% ли бордосс суюқлиги 0,3—0,5% мис хлориди эритмаси ва 0,5% ли цинеб суспензияси пуркалади.

Йиғишириб олиш. Тугунак пўстининг шилинмайдиган, яъни мустаҳкам бўлиб етилиши билан поя ва барглар қуриб ҳосилининг шаклланганлигидан далолат беради. Йиғиширишга эрта ёки кеч муддатларда киришиш ҳосилдорликни пасайтириб юборади. Биринчи ҳолда ҳали тўла етилмаган бўлади, иккинчи ҳолда эса тугунаклар оғирлигини йўқотади, улар чирийди ҳамда касалликка ва зааркунандаларга ем бўлади.

Ўзбекистон шароитида қишида сақлашга мўлжалланган картошка тўла етилганидан сўнг ёки пояларини совуқ ургандан кейин йиғиширилиб олинади. Ёз вақтида истеъмолга кетадиган эртаги картошка ҳатто тўла етилмаса ҳам териб олинади. Лекин бу, тайёрлов баҳоси бошқа муддатлардаги картошканларга нисбатан юқори бўлганлиги учун ўзини оқлайди.

Йиғиб-териб оладиган машиналарнинг унумли ишлаши учун аввало майдонлардаги бегона ўтлар юлиб ташланади, ернинг зарур юмшоқлиги ва тупроқнинг мақбул намлиги (14—15% қуруқ оғирликда) таъминланган бўлиши керак. Йиғим-терим олдидан поялар КИР—1,5 косилка-майдалагич билан ўриб олинади.

Йиғишириш ишлари икки қаторни қамраб олувчи КТН—2Б ва КСТ—1,4 картошка ковловчи, шунингдек, ККУ—А ҳамда КСК—4 картошка йиғиширувчи комбайн ёрдамида ўтказилади. Йигилган картошка даладан 2ПТС—4—792А транспорт воситасида йиғим-теримдан сўнг ишлов берувчи КСН—15Б картошка сараловчи пунктга ташиб келтирилади.

Уруғчилик. Ўзбекистон шароитида картошка айниқса унинг эртаги навлари тез айниди. Шунинг учун уруғлик материаллар мамлакатимизнинг шимолий районларидан олиб келинади. Узоқ масофалардан ташиб келтириш ишлари айни вақтда катта харажатлар талаб қиласи. Шунингдек, олиб келинадиган, картошканлар ёмон сақланади ва сийрак униб чиқади. Шунинг учун шахсий уруғчилик ташкилотларининг базаси маҳаллий шароит учун фойдалидир.

Ҳар бир картошка етиштирувчи хўжалик ўзида уруғлик етиширишни ташкил этиши керак. Бунда 3—4 йилда бир марта дастлабки манба-уругларни шароитга мос ҳолда янгилаб туришлари керак. Бунда истеъмол учун етиширилладиган картошка сув билан яхши таъминланадиган серунум майдонларга экиласи. Уруғчилик учун шакли ва туси нав учун типик ҳисобланган тугунаклар танлаб олинади. Саралаш ишлари, кузда, яъни картошканни сақлашга қўйишдан олдин ўтказилади.

Экиладиган уруғликлар фақат ёзнинг кечки муддатларида етишириллади. Уруғлик учун етиширилладиган картошка экиш-

нинг мақбул муддатлари: кеч етиладиган навлар учун-июннинг ўрталари; ўрта пишар навлар учун-июль ойнинг иккинчи ярми ҳисобланади. Уруғлик картошкани ёзги экишгача сунъий совитиладиган биноларда сақлаган маъқул. Кеч ёзда экиш тупроқ ва экинлар ўртасидаги ҳаво ҳароратининг совутиши ва агроусуллар билан мувофиқ ҳолда олиб борилади. Бунга қалин экиш (қаторига 15—20 см оралиқда экиш), экишда тугунакларни чуқур (12—15 см) кўмиш учун олдиндан тайёрлаш (тугунак шаклланаётган даврда жадал суғориш, экинларни ва тупроқларни 0,02% ли мис сульфат кислотаси қўшилган суюқлик бўри билан оқлаш) киради. Азот фосфор-калийли тупроқда картошкага етишириш, уруғлик картошканинг сифатини ва унинг ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширади.

Азот юқори миқдорда солинган йили картошкага ҳосилдорлиги ошса-да, аммо уруғлик картошканинг сифати пасийиб боради. Яъни уруғликни вирус билан касалланиши ошиб, ҳосилдорлиги камайиб кетади. Уруғлик картошкага қалин қилиб экилган бир гектар майдонга эртаги навлар учун — 210—240 кг азот, 140—160 кг фосфор, 80—90 кг калий, кечки навлар учун шунга мувофиқ — 280—300 кг азот, 210—240 кг фосфор, 120—140 кг калий солиш тавсия этилади.

Уруғлик тугунаклар сифатини оширишда уларни 0,20% ли борат кислота ва калий перманганат эритмаси, 0,001—0,002% ли каҳрабо кислотаси ҳамда 0,06—0,1% ли ТУР препарати эритмаси билан намлаш ёки чанглаш яхши самара бермоқда.

Уруғлик картошкага етиширишдаги зарурий агроусуллардан бири 3 марта тозалаш ўтказишdir. Биринчи тозалаш ўтказиш — экиннинг бўйи 15—20 см га етганда, иккинчиси-гуллаш ва учинчиси-гуллашдан сўнг ўтказилади. Бунда барча аралаш, зарарланган ва бошқа салбий кўринишдаги ўсимликлар юлиб ташланади.

Янги пишар навлар уруғчилигидаги илғор усууллардан бири янги териб олинган тугунакларни ёзги экишdir. Бунинг учун Пирискульский ранний, Белорусский ранний ва Зарафшон навларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тугунаклар кавлаб олингандан сўнг оғирлиги 60 дан 120 граммгача келадиганлари яхши пишмаган ва унчалик етилмаганларга сараланади ҳамда ажратилади. Тугунаклар экилишидан олдин ўстирувчи стимуляторлар билан ишловдан ўтказилади. Эртитмалар тўқималарга тез сингиши учун тугунаклар олдиндан 2—3 бўлакка бўлинади. Бўлишда кўзчалар-ўсимта ўсиб чиқувчи нуқталар тенг бўлакларга тақсимланишига аҳамият бериш керак.

Янги териб олинган тугунакларга ишлов беришда тиним даврини олиб ташлаш учун МТЗ—80 тракторига осиладиган ПХГ—2,4 агрегатидан фойдаланилади. Бу агрегатнинг резервуарига 100 литр сувга 1кг роданли калий мочевина, 0,5 г гиббералин, 2 г каҳрабо кислота ва 3 кг ТМТД моддалар ҳисобидаги ишчи эртитмалар қуйилади. Тиомочевина совуқ сувда

ёмон эрийди, шунинг учун уни олдиндан иссиқ сувда тайёрлаб олиш керак. Гиббераллин ҳам олдиндан 20 г спиртга 1 г гиббераллин ҳисобида тайёрлаб олинади. Бўлинганд тугунаклар бундай эритмада 30—60 дақиқа ушлаб турилади.

Майнинг охири июннинг бошларида янги териб олинган картошканинг тугунаклари экилади. Қаторларга экиш оралиғи 15—20 см, чуқурлиғи 8—10 см бўлиши керак. Уяларга иккитадан уруг жойлаштириллади. Бир ойдан кейин майсалар бўй кўрсатади. Бу даврда тупроқ доимий нам ҳолда сақланиши талаб қилинади, бунга эса ҳар 4—5 кунда сугориш ўтказиш билан эришилади. Бироқ бундай сугоришлар ёввойи ўтларнинг ўсишига сабаб бўлади. Шунинг учун чопиқ ўтказиш ёки ғербицидлар қўллаш керак, қолган парваришлар одатдагидай.

Амалий машғулот

9 - мавзу . Картошканинг районлаштирилган навларини ўрганиш

Машғулотнинг мақсади: картошка тугунаклари ва ўсимлик-ларнинг морфологик белгиларини ўрганиш, бу экинларнинг зоналардаги асосий районлаштирилган навларини таниш.

Топшириқлар тартиби. Берилган вазифани бажариш учун ўқувчилар 3—4 кишидан бўлиб звеноларга бўлинадилар. Ўқувчилар коллекцион участкаларда парвариш қилинган ёки лаборатория машғулотларига олиб келинган ўсимликлардан, табиий тугунаклар ёки уларнинг мум нусхаларидан фойдаланган ҳолда районлаштирилган навларнинг морфологик ва биологик-хўжалик белгилари билан танишадилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайсиdir белги ёки органга (майсалан, тугунакка) қараб бирор навни таниш қийин, буни фақат белгиларни қўшгандан сўнгина билиш мумкин. Шунинг учун навларни билишга энг қулай вақт бу экинларнинг гуллаш давридир. Чунки бу даврда у навга хос тиниқ ташқи кўринишларини намоён қиласди. Бу ранг тусини эндигина гуллашга киришган вақтда белгилаш керак, негаки, ксайнроқ у ўзгариб кетади. Барглар таърифлаш учун ўрта поялардан олинади.

Картошканинг навга хос асосий морфологик белгилари 16-жадвалда келтирилган.

Ушбу вазифаларни бажаришда ҳар бир ўқувчи дафтарига юқоридаги шаклни чизади. Бундан ташқари, 6—7 та устундан иборат жадвал чизилади. Биринчи устунга "навли белгилари" дейилиб, унга барча навлилик белгилари ёзилади. 16-жадвалнинг қолган устун (графа)ларига районлаштирилган навлар ёзилади.

Навларнинг баёни тупларнинг умумий ташқи кўринишидан бошланади. Аввало тупнинг шакли (йигилган ёки тарвақайлаганиги), унинг бўйи, барглилик даражаси, сўнг тупнинг шохлари саналади. Шундан сўнг сершохлилиги ва қирралилиги белгиланади. Шохларнинг йўғонлиги штангенциркул ёки чизғич билан

ўлчанади, бунда "1 мм йўғон" ёки" 8 мм ингичка" деб ёзиб борилади. Кейин худди шу тарзда барг, гул ва тугунакларнинг морфологик белгилари баён қилинади. Шунга қўшимча қилиб маълумотномалар асосида навнинг эрта пишарлиги, касалликларга чидамлилиги ва товарлилиги ёзилади.

Фойдаланиладиган асбоблар. Районлаштирилган 5-б навнинг тугунаклари ва экинлари. Картошка навини аниқловчи. Картошканинг районлаштирилган навлари каталоги. Штангенциркуль ва ўлчовчи чизгичлар.

16-жадвал

Картошканинг навга хос асосий морфологик белгилари

Белгилари	Белгиларининг характеристикаси
Туп: шакли баландлиги	компактли, тарвақайлагап, ярим тарвақайлагаи баланд (160 см дан юқори), ўртача (45–60 см) ва паст (45 см дан паст)
Барг билан қопланиши Поя сони Поялар: шохлангаилиги шохланиш тури	кўп (поялари барг остига яширган), кам (пояларга қараб билиш мумкин). кам ёки кўп пояли кучли, ўртача ва кам шохланган паст (кеч пишарларда); юқори (ўрта ва эрта пишарларда)
қовурғалилиги йўғонлиги Барг: туси ва ялтироқлиги поянинг охирги шакли	уч, тўрт, думалоқ, семиз, ориқ, семиз, ориқ
ён қисмининг шакли ва катталиги барг пластинкасининг тузилиши	тўқ-яшил ва оч-яшил кескин бурчакли, кенг тўғри бурчакли (эни бўйига тенг), тор (эни узунилигидан 2 марта кичик), оралиқ тухумсимон, чўзиқ, тескари тухумсимон ирик паллали ва майда паллали думалоқ, тор, оралиқ, ясси, текис, ўртасида мураккаб томирчали, винтсимон эгилган. чети пастга ёки юқорига қайрилган кескин, сийрак
томирланиши Тўп гули: шакли узунлиги гул косасининг туси	юмилган, очилган узун, калта
Тугунаклари: туси шакли	кўк, кўк-бинафша, очсариқ ёки кўкиш тусли, оқ оқ, очпушти, пушти, қизил, қизгиш-бинафша думалоқ, чўзиқ, юмалоқ-чўзиқ, узун-чўзиқ, шолгомсимон, тухумсимон, боч-касимон чукур
кўзчаси тукласининг шакли	кескин қайрилган, тўғри, унчалик биллинмайди
Пўстлотининг юзаси Гўштининг туси	текис, тўрли оқ оқ-сагиши

Амалий машғулот

10 - мавзу. Эртаги ва кечки картошка етиштиришнинг технологик картасининг агротехник қисмини тузиш

Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларнинг картошка етиштириш ва технологияси бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш, шунингдек, ҳосилни йигиштириш ва етиштиришнинг технологик картасининг агротехник қисмини мустақил ишлаб чиқишига ўргатиш.

Топшириқлар. Картошка етиштириш ва технологик картасининг агротехник қисми бошқа экинлар сингари кам меҳнат ва харажат сарф қилган ҳолда юқори ҳосил олишни таъминловчи барча ишларни ўз ичига олади. Унда ҳар бир агротадбирларни бажаришда фойдаланиладиган қуроллар ва материаллар, машиналарнинг бажарадиган иши тахминий календар муддати кўрсатилади. Шунингдек, унда иш сифати кўрсаткичлари ҳам акс этади. Шунинг учун унда уруғ экиш нормаси, ўғит сепиш ҳамда заҳарли химикатлар қўллаш миқдори ва бошқа нормативлар ҳам ёритилиши зарур.

Агротехник тадбирлар тартиби тупроқнинг тури, иқлим шароити ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Ҳар қандай экин етиштиришнинг агротехник режасини тузиш учун қуйидаги фактларни жамлаш керак:

Режа қандай иқлим шароити учун тузилияпти, тупроқ тури, ер ости сувларининг чуқурлиги, етиштирилаётган ҳосилнинг йўналиши, истиқболли навлар, агротехник тадбирларнинг бу минтақалар учун тахминий бажарилиш муддати, экиш ва кўчат қилишнинг усуслари, экинларни жойлаштириш схемаси, уруг, ўғит, заҳарли химикатлар, гербицидлар сарфлаш меъёри, сув ва суғориш меъёри, трактор ва транспорт воситалари, машина ва қуроллар маркалари.

Ўзбекистонда картошка ва сабзавот-полиз экинлари етиштириш ҳамда йигиб-териб олиш бўйича тузилган истиқболли технологик карталар, ўқувчилар махсус дарслкларидан фойдаланиб, мустақил 17-жадвални тўлғазиб, эртаги ва кечки картошка етиштириш ва йигиштириб олиш технологик картасининг агротехник қисмини тузадилар.

17-жадвал

Картошка етиштириш ва йигиштириб олиш эргаги, кечки технологик картасининг агротехник қисми. Ўзбекистон республикасининг иқлим шароитида.

Шароит: тупроқ тури чуқурлиги, ср ости сувининг жойлашиши, м

Тартиб номери	Ишлар номи	Бажариш муддати	Сифат кўрсаткичлари (чуқурлиги, сарф нормаси, ташиб масофаси ва (х.к.)	Агрегат состави		Илова
				трактор ва автомашиналар тури	машина ва иш қуроллар маркаси	

Экиннинг ва навнинг номини, шунингдек, қандай иқлим шароитида етиштириш ҳақидағи маълумотни ўқувчилар машгулот раҳбаридан оладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзининг дафтарида парвариш ва йигим-терим технологик картасининг агротехник қисми жадвалини тузади. 2-устунга давомий тартибда тупроқни тайёрлаш, экиш, ўсув даврида парвариш қилиш, йигим-терим бўйича ўтказилган барча ишлар кўрсатилади. Бир неча марта таъкидланувчи (суғориш, қатор ораларига ишлов бериш) ишлар бирлаштирилмайди.

3-устунда ҳар бир иш турини бажаришнинг календар муддати кўрсатилади. "Истиқболли технологик хариталар" да кўрсатилган ишни бажаришнинг календар муддатлари жумҳуриятимизнинг марказий минтақалари учун кўзда тутилган. Шимолий минтақа учун календар муддатлар 15 кун кейинга, жанубий минтақалар учун 6 кун олдинга кўчирилиши лозим.

4-устунда асосий деҳқончилик нормативлари ҳамда бажариладиган ишнинг сифати кўрсатилади. Экиш, ўғит бериш, заҳарли кимёвий моддалар ҳамда гербицидларнинг сарфланиш миқдори, тупроқни ҳайдаш чуқурлиги, суғориш учур сарфланадиган сув, ташиладиган юкнинг узоқ-яқинлиги, уруғнинг қалаш чуқурлиги нормалари ва ҳоказолар шу устунга тегишилдири.

5,6-устунларда ҳар бир тур ишни бажариш учун тавсия этиладиган трактор, автомашина, қишлоқ ҳўжалик машина ва қуролларининг тури ҳамда маркаси кўрсатилади.

Эслатмада (7-устун) баъзи бир ишларни бажаришдаги ўзига хос хусусиятлар кўрсатиб ўтилади. Масалан, гербицидлар ҳамда заҳарли кимёвий моддалар суюқлиги қандай тайёрланиши, ўсимликларни қандай тартибда жойлаштириш ва ҳоказолар.

Ўқитувчи топшириқнинг тўғри бажарилётганлигини тузилган жадвалларни кўриб чиқиб ҳамда ўқувчилардан алоҳида қоидаларни сўраш орқали текшириб боради.

Кейинчалик бошқа экинларни етиштириш технологиясини ўрганиш пайтида худди шу тариқа уларнинг технологик хариталари деҳқончилик қоидалари қисмини тузиш бўйича амалий машгулотлар бажарилади.

Фойдаланиладиган асбоблар: Ўзбекистонда сабзавот-полиз экинлари ҳамда картошка етиштириш ва йиғишириб олиш бўйича истиқболли технологик хариталар. Ўзбекистон бўйича деҳқончилик экинларини навга кўра районлаштириши. "Сабзавотчилик, полизчилик ҳамда картошка етиштириш бўйича маълумотнома" (Т. Мечнат, 1986 й.)

9 Боб ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ

Халқ ҳўжалигидаги аҳамияти ҳамда тарқалиши. Полиз экинларига қовун, тарвуз ва ошқовоқ киради. Тарвуз ва қовунни янги узилган ҳолда ҳам, қайта ишловдан ўтказиб ҳам истеъмол

қилиш мумкин. Қайта ишланган маҳсулотларига шинни, қовун-қоқи, тузланган тарвузларни мисол келтириш мумкин. Тарвузнинг таркибида ўртача 10—12% қуруқ модда, шу жумладан 6—11% шакар, 0,5% оқсил ҳамда бириктирувчи тўқима, 0,1% ёғ, 0,3% кул мавжуд. Улар С (5—10 мг %), А, В1, В2, РР ва бошқа дармондорига бой, унинг таркибида темир ҳамда кальций тузи, калий, магний ҳамда олтингугурт етарли даражада мавжуд. Тарвуздан қандли диабет ва юрак касаллиги, артеросклероз, камқонликни даволашда, сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.

Қовуннинг таркибида ўртача 11—20% қуруқ модда, шу жумладан 5—18% шакар, 0,6% оқсил, 0,8% бириктирувчи тўқима, 0,2% ёғ, 0,6% кул мавжуд. Қовун С (30—40 мг %), каротин (1,5—2 мг %), РР (1—2 %), дармондорилар, калий, кальций, фосфор, олтингугурт, темир, магний, кобалт тузлари ҳамда бошқаларга бой. Қовун фолиев кислотасига бой. Ундан бронхит, сил, ревматизм, куйик, юрак ҳамда жигар касалликларини даволашда фойдаланилади.

Ошқовоқ қайнатиб пиширилган, димланган ҳамда қовурилган ҳолда истеъмол қилинади. Ундан шарбат ҳам тайёрланади. Ошқовоқнинг таркибида 10—15% қуруқ модда, шу жумладан 4—11% шакар, 0,7% бириктирувчи тўқима, 0,5% оқсил, 0,2% ёғ, 0,6% кул, кўплаб дармондори ҳамда минерал тузлар мавжуд. Ошқовоқдан жигар, буйрак, ошқозон, юрак, артеросклерозларни даволашда, сийдик ҳайдовчи ҳамда гижжаларни тушурувчи восита сифатида фойдаланилади.

Тарвузнинг ватани тропик Африка, Хиндиштон ҳамда Миср ҳисобланади. Бу ерларда у милоддан икки минг йил олдин ҳам маълум эди. Қовуннинг ватани эса Ҳиндиштон, Афғонистон, Эрон, Кичик Осиё ҳамда Ўрта Осиё. Ошқовоқ эса Шимолий ва Марказий Америкадан, йирик мевалиси эса Жанубий Америкадан келтирилган.

Тарвуз ўлкамизда VIII—Х асрларда, ошқовоқ XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Қовун Ўрта Осиёда милодгача ҳам етиширилган, МДХнинг Европа қисмида эса XII—XIII асрларда пайдо бўла бошлаган. Дунёда 2,7—2,9 млн гектар майдонда полиз экинлари етишириллади. АҚШ, Руминия, Испания, Туркия, Хитойда полизчилик яхши ривожланган. Мамлакатимизда озиқ-овқат мақсадида 400 минг гектар ҳамда чорвага озуқа мақсадида 250 минг гектар майдонда полиз экинлари етишитириллади. Уларнинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 75—85 ц га тенг. Қуи Поволжье, Шимолий Кавказ, Украина нинг жануби, Молдова, Кавказорти, Ўрта Осиё ҳамда Қозогистон полиз маҳсулоти етишириладиган асосий районлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда 52—55 минг гектар майдонда полиз маҳсулотлари етишириллади. Ўн биринчи беш йилликда уларнинг ўртача йиллик етиширилиши 933 минг тоннани, ўртача ҳосилдорлиги гектарига 123 центнерни ташкил қилган. 1986 йилда

626 минг тонна полиз маҳсулоти етишитирилди. 1990 йилда жумҳуриятимизда етишитирилган полиз маҳсулоти бир миллион тонна атрофида бўлди.

Илғор технологияни қўллаётган пешқадам хўжаликлар катта экин майдонларида жумҳуриятдаги ўртacha кўрсаткичга нисбатан анча юқори ҳосилдорликка эришмоқдалар. Масалан, 1986 йили Сирдарё вилоят Боёвут районида ўртacha гектарига 197 центнер ҳамда Сурхондарё вилоят Қумкўргон районида 188 центнердан ҳосил етишитирилди. Оҳангороң районидаги "Бирлик" номли давлат хўжалигида эса гектарига 380 ц, Олтиариқ районидаги "Ўзбекистон" давлат хўжалигида 375 ц, Қумкўргон районидаги С. Бойматов давлат хўжалигида 219 ц ҳосил олинди.

Ботаник характеристикаси ҳамда биологик хусусияти. Тарвуз, қовун ҳамда ошқовоқ ошқовоқдошлар оиласига кирувчи бир йиллик ўсимлик. Тарвузнинг етишитириладиган навлари истеъмолбоп ҳамда озуқабоп хилларга бўлинади.

Истеъмолбоп тарвуз кенг тармоқлаган, палаги 4—5 та гача бўлади. Барги оддий, пистасимон кесилган-кесилган бўлиб, 8—23 см узунында, кулранг-яшил тусли. Бир тупидаги барглари сони 2 минг ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Баргнинг қўлтигида мўйлаби ўсиб туради. Ўқилдизли, у тупроққа бир-икки м ва ундан ҳам чуқур тушади. Ён илдизларнинг асосий қисми тупроққа 30 см ва ундан чуқуроққа кириб боради.

Тарвузнинг томирлари тупроқда бир-бирига тўрдек чатишиб кетади, баъзида уларнинг диаметри 8—10 м гача етиб, 7—10 м³ тупроқни эгаллайди.

Тарвуз ўсимлигига 3 хил типли гул: эркак, урғочи ва гермофрадит (хунаса) мавжуд. Оналик гули беш гулбаргли карнайсимон кўринишли, кулранг-сариқ тусли. Эркак гули йирик, беш оталикли бўлади. Урғочи гуллари қуий уч-тўрт уяли уруғдонга эга. Эркак гуллар 5—10 баробар кўпроқ бўлиб, улар урғочи ва гермофрадит гуллардан олдинроқ очилади. Гуллар эрталаб соат 5—6 ларда очилиб, куннинг ўртасида ёпилади, куннинг охирига келиб эркак гуллар қуриб қолади.

Меваси этининг қалинлиги, қобигининг рангига кўра бир-бираидан кескин фарқ қиласидиган, ўлчами ҳамда шакли турлича соҳта реза мева. Мағизида қобиги билан туташиб кетган йўлдоши жойлашган. Йўлдошининг ёнбаш тармоғида меванинг мағизи бўйлаб тарқалган уруғлар жойлашган. Уруғлар йирик, шакли, тузи, юзада жойланиш характеристига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласиди, ингичка кўринишдаги учида тугунаги бор.

Ўрта Осиёда энг кўп тарқалган қовун навларига Ўрта Осиё ва Кичик Осиё кичик турларини мисол келтириш мумкин. Мамлакатимиз Европа қисмидаги Европа турига кирувчи қовун навлари кўпроқ етишитирилади. Ўрта Осиё қовунлари 5 турга бўлинади. Ҳандалаклар, эртаги ёки юмшоқ мағизли қовунлар, ёзги қаттиқ этли қовунлар ҳамда кузги ва қишиқи қовунлар.

Кичик Осиё қовун турлари 3 хилга: ёзги, қассоби ҳамда ғурбек навига бўлинади. Қовуннинг палаги думалоқ чўзинчоқ тармоқланган бўлиб, барглари аксарият ерни қалин қоплаб туради. Ўрта Осиё навлари палагининг узунлиги 2,5—3 метрга етади. Барглари япалоқ-япалоқ, ён баргиз, тукли, буйраксимон ёки думалоқ, яхлит бир бурчакли, ботиқ ёки парракнамо кўринишда бўлади. Баргининг ранги яшилдан тўқ яшил кўринишгача. Илдиз системаси тарвузникига нисбатан кучсизроқ ривожланган. Ўқилдизининг узунлиги 60—100 см ён томириники 2—3 м.

Аксарият қовун навларининг урғочи гули икки жинсли бўлади. Бироқ баъзи навлариники алоҳида-алоҳида жинсли ҳам бўлади. Гуллари уруғи билан йўлдоши жойлашган. Йўлдоши одатда 3, баъзида 4—5 паллали бўлади. Баъзиларининг йўлдоши қуруқ, баъзилариники нам бўлиб, бутун бўшлиқ бўйлаб магзига ёпишиб туради.

Бизнинг мамлакатимизда ўстириладиган ошқовоқ навлари учтурга бўлинади: қаттиқ пўчоқли ёки оддий ошқовоқ (палаги ҳамда мева банди кескин чегараланган, буришган, барги ва таноблари қаттиқ, ўткир игна тиканлар билан қопланган; меваси тухумсимон шаклда бўлиб, пишган пайтида пўчоги ҳамда магизи жуда қаттиқ бўлади), йирик мевали ошқовоқ (палаги ҳамда мева банди цилиндрисимон, меваси йирик шарсимон), мускатсимон ошқовоқ (палаги думалоқ қиррали, мева банди мевасига туташган жойда юлдузчасимон кўринишда кенгайган ҳолатда, меваси чўзинчоқ бўлиб ўртасидан сиқилган, уруғдони мевасининг бош қисмida жойлашган, мевасининг мағзи тўқ сариқ рангда бўлиб, мускат ҳидли, қаттиқ).

Ошқовоқнинг палаги ҳамда илдиз системаси тарвуз ва қовуниги нисбатан анча бақувват. Палаги ёйилиб ўсади, сертаноб бўлиб, узунлиги 10 м дан ошади. Айни пайтда палаги калта хиллари ҳам мавжуд. Барги йирик ва узун бандли, палагининг турига қараб турлича шаклда, тусда ҳамда турлича тукли бўлади. Бир туп палаги баргларнинг умумий юзаси баъзида 30—32 м² етади. Ўқ томирининг узунлиги 2 м ва ундан узунроқ, ён томирларининг узунлиги 2—5 м, иккинчи даражали томирларининг узунлиги 2,5 м, учинчи даражали томирлариники 1,5 м гача етади. Вояга етган ўсимликнинг асосий томирларининг умумий узунлиги 170 м дан ортиқ бўлади.

Ошқовоқ турлар гули, шакли, туси ҳамда бошқа белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилиб туради. Энг йирик ҳамда рангдор гултоҷ йирик мевали ошқовоқда бўлади. Мускатсимон ошқовоқнинг гули энг кичик ўлчамлидир. Йирик мевали ошқовоқнинг гулбарги сиртга қараб эгилган, қаттиқ пўчоқ ҳамда мускатсимон ошқовоқни эса тик туради. Барча тур ошқовоқларнинг гули алоҳида-алоҳида жинсли, бир уяли, ёлғиз гул косаси беш аъзоли, гулкосаси билан қўшилиб ўстан бўлиб қўнғироқсимон, ўртасигача бешга бўлинган сариқ гулбаргли тугунчаси пастида. Эркак

гуллари урғочи гулларига нисбатан беш-олти баробар күп. Ошқовоқ мевасининг ичи қовунники сингари бўшлиқли бўлиб, унда йўлдоши билан уруги жойлашган, пўчоги эса худди тарвузники сингари қаттиқ қопламали.

Полиз экинлари учун уруғининг тез униб чиқиши ҳамда жараёнларининг тез кечуви характеристидир. Ҳарорат қулай ҳамда тупроқ намлиги етарли бўлган шароитда уларнинг уруги 3—4 кун ичida уна бошлайди ва уруг экилгандан кейин 8—10 кун ўтиб майсаси униб чиқади. Кўчат униб чиққандан кейин 5—6 кун ўтиб биринчи чинбарг, кейин эса ҳар уч-тўрт кунда навбатдаги чинбарглар чиқа бошлайди. Шундан сўнг ўсиш секинлашади. Кўчат унгандан сўнг 20—40 кун ўтиб асосий поя, кейин ён поялар ўса бошлайди. Тарвуз уруги униб чиққач, 40—50 кундан кейин гуллайди, қовун эса 30—60, ошқовоқ 35—60 кундан кейин гуллайди. Тарвуз мева тугиб ҳосили пишгунча 35—50 кун, қовунга эса 20—70 кун, ошқовоқга 45—70 кун керак. Тарвузнинг кўчати унгандан то ҳосили етилгунча 60—120, қовунга — 55—120 ҳамда ошқовоқга 75—135 кун муддат керак. Полиз экинлари ёргуликни кўп талаб қилиши билан фарқланади. Улар қоронгулик билан чиқиша олмайди. Куннинг узунлигига аксарият навлар нейтралдир. Фақат қовуннинг баъзи кечки навларигина 10—12 соатлик қисқа кунга ижобий рағбат уйғотади.

Полиз экинлари иссиқа талабчан. Ошқовоқ иссиққа камроқ чидамли бўлиб, тарвуз ҳамда қовунга нисбатан иссиқни озроқ талаб қиласди. Қовун ҳамда тарвузнинг уруги 15—16°, ошқовоқни-ки эса 10—13° ҳароратда униб чиқади. Қовун ҳамда тарвузнинг ўсиши ҳамда ривожланиши учун мақбул ҳарорат 25—30°, ошқовоқ палаги учун эса 20°. Ҳарорат 15° гача пасайганида эса улар палагининг ўсиши тўхтайди. Гулининг гулчанги ҳамда тугунаги етилмайди, ҳосилдорлик пасаяди. Ҳароратнинг узоқ вақт 5—10° да туриши ўсимликка ҳалокатли таъсир этади. -1° ҳароратда палак ўлади.

Қовун ҳамда тарвуз қурғоқчиликка чидамли экин. Уларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги, тупроқдан намни яхши ўзлаштириши ҳамда тупроқда намлик кам бўлган пайтда танасидаги сувни буғлантиришни камайтира олиши билан изоҳланади. Ошқовоқ, қовун ҳамда тарвузга нисбатан қурғоқчиликка камроқ чидамли. У бутун вегетация даври давомида жадал ўсади ҳамда унинг япроқ буғлантирувчи аппарати катта ўлчамга эга бўлади. Ошқовоқ 1 г қуруқ модда ҳосил қилишга тарвуз ҳамда қовунга (600—621 г) нисбатан кўпроқ (834 г) сув сарфлайди. Полиз экинларининг нормал ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосил тувиши учун энг қулай тупроқ намлиги 80—85% ҳамда ҳаво 50—60%.

Полиз экинларидан ошқовоқ ҳамда тарвуз тупроқ унумдорлигига энг талабчан. Уларга қумоқ тупроқли пайкал энг маъқул ҳисобланади. Улар тупроқнинг нордонлиги билан чиқиша олмай-

ди, бироқ сал шўрланган жойларда ўсаверди. Полиз экинларининг шўрга энг чидамлиси ошқовоқ, энг чидамсизи қовундир.

Навлар. Мамлакатимизда тарвузнинг 40, қовуннинг 80 дан ортиқ, ошқовоқнинг 20 дан ортиқ нави районлаштирилган.

Тарвуз етилиш муддатига қараб эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларга бўлинади. Уларнинг кўчати униб чиққандан то биринчи ҳосил йигиб олингунча тегишли равишда 85, 85—110, 110 кундан ортиқ муддат талаб қиласди. Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида тезпишар "Ўзбеки-452", ўртапишар "Мармари", "Куба қироли-92", "Қўзибой-29" навлари районлаштирилган. Бундан ташқари Самарқанд, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларида тезпишар "Самарқанд оқи", Хоразм вилояти ҳамда ҚҚМЖ да эса ўртапишар "Гулистон" навлари районлаштирилган. Лалми шароитда етиштириш учун "Спутник", "Мозаичний" ҳамда "Қўзибой-30" навлари районлаштирилган.

Ошқовоқ навлари етилиш муддатига кўра эртапишар (кўчати униб чиқишидан ҳосили йигишириб олингунча 100 кун), ўртапишар (100—120 кун) ҳамда кечпишар (120 кундан ортиқ) навларга бўлинади. Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида ўртапишар навлардан "1644-Қашқар лустони", "268-половкади" ҳамда йирик мевали" "Испанская-73" нави районлаштирилган.

Қовун навлари вегетация даврининг узунилигига ва кўчатининг униб чиқишидан ҳосилининг йигишириб олинишигача бўлган муддатга қараб эртапишар (55—80 кун), ўртапишар (81—110 кун) ҳамда кечпишар (110 кундан ортиқ) навларга бўлинади. Қовун навларини истеъмол қилиниш вақти бўйича ёзда ейишга мўлжалланган — ёзги, ёз кузда истеъмол қилинадиган — кузги ва асраладиган қишки навларга бўлинади. Жумҳуриятимизда қовунларнинг навлари ҳилма-хил бўлиб, районлаштирилган навларининг умумий сони 29 тага стади. Уларнинг қарийб ҳаммаси Ўтра Осиё турига мансубдир.

Ҳандалаклар гуруҳидан. "Кўкча ҳандалак 14", "Сариқ ҳандалак", "Маҳаллий ҳандалак", "Бўрикалла" ҳамда "Кўк каллапош ҳандалак" навлари районлаштирилган. Булар вегетация муддати 55—70 кун бўлган навлардир. Меваси майда (0,5—2 кг), думалоқ ёки бироз япалоқ, мевасининг сирти сал тўрлаган. Пўчоғи юмшоқ бўлиб, енгилгина тўрлаган. Магизи серсув, ўртача шакарли (6—8%), хушбўй ҳидли. Уругдони катта, йўлдоши сувли. Узоқ муддатга сақланмаслиги ҳамда транспортда ташиш учун ноқулайлиги сабабли фақат маҳаллий шароитдагина истеъмол қилинади. Эртапишар ёки эти юмшоқ навлардан "Ассате—3806", "Тошлоқи—862", "Бухори 944", "Дагбеди", "Маҳаллий Самарқанд обиновати", "Оқноват" навлари районлаштирилган. Мазкур навлар 75—90 кунлик вегетация муддатига эга. Меваси думалоқ ёки тухумсимон, ўртача ва йирик, пўчоғи юмшоқ бўлиб сал тўрлаган. Меваси ҳил-хил хушбўй бўлиб, анча юқори

миқдордаги шакарга эга (8—12%). Эти сувли. Меваси транспортда ташишга унчалик ярамайды.

Эти қаттиқ-ёзги навлардан "Күкча 588", "Шакарпалак 554", "Шакарпалак 2580", "Күктинни 1087", "Байиткүрғон 424", йирик мевали "ичқизил", "Оқуруғ 1157", "Сайли", "Оққовун", "Аравакаши" (лалми) навлари районлаштирилган. Уларнинг вегетация муддати 90—100 кун. Меваси чўзинчоқ бўлиб, турли катталиқда. Пўчоги қаттиқ, қалин тўрлаган. Эти карсиллаган, ҳидсиз, юқори миқдорда шакарли (8—18%). Меваси палагида тўла пишади, сақланиши ҳамда транспортда ташиш учун эртапишларига нисбатан анча яхши. Асосан маҳаллий истеъмолда фойдаланилади ҳамда қисман четга ҳам олиб борилади. Кузги қовунлардан жумҳуриятимизда "Қўйбош 456", "Умирвоқи 3748", "Қорапўчоқ 3744", "Сарғимтир кичик гулоби" навлари районлаштирилган. Кузги навлар 110—120 кун вегетация муддатига эга. Уларнинг ҳосили одатда тўла пишмасдан йигиштириб олинади. Меваси ўртача ва йирик, тухумсимон шаклда, ярми тўр билан қопланган, пўчоги қаттиқ, эти йигиштириб олинган пайтда тифиз бўлиб карсиллаб турди, сақланиш жараённида анча юмшайди, шакарлилиги 9—11%. Сақлаш ва транспортда ташиш учун қулай. Қишки қовунлардан "Яшил гулоби", "Маҳаллий қорақанд", "Маҳаллий бешак", "Маҳаллий Оллоҳишима" навлари районлаштирилган. Мазкур навлар қишда сақланётган пайтда тўлиқ етилади. Меваси йирик цилиндрсимон, пўчоги қаттиқ, сийрак тўрлаган. Баъзан усти буришган кўринишида бўлади. Эти йигиштириб олинган пайтида тигиз, ўртача ширин, тўла пишган пайтида эса юмшайди, шакари бу пайтда 6—9% бўлади. Уруғдони нисбатан кичик, сақлаш ва ташиш учун қулай. Қорақалпогистон ҳамда Хоразмда Кичик Осиё турига оид маҳаллий "Фурбек" нави районлаштирилган.

Етиштириш технологияси. Алмашлаб экишдаги ўрни. Полиз экинлари фузариоз қуриш, галлавой нематода ҳамда шумғуя билан кучли касалланади. Буни алмашлаб экишда ҳисобга олиш керак. Полиз экинларини бир пайкалда узлуксиз ёки тез-тез экиш касалликларни кучайтиради ҳамда ҳосилдорликни кескин камайтиради. Полиз экинлари учун чимзор ер энг яхши экин майдони ҳисобланади. Алмашлаб экишда эса уни карам ҳамда сабзининг ўрнига экиш маъқул ҳисобланади. Полиз экинлари маккажӯхори ҳамда шолининг ўрнига ҳам яхши унади. Зоро мазкур экинлар фузариоз қуриш касаллигига чалиниши камайтиради. Бир пайкалда полиз экинларини бир-икки йилдан ортиқ етиштириш ярамайди. Ўша далага полиз экинларини 5—6 йилдан кейингина экиш мумкин. Қовунни тарвуз ҳамда картошка экилган пайкал ўрнига экиш унчалик маъқул эмас. Зоро бу қуриш касаллигига олиб келади. Полиз экинларини энг яхшиси енгил қумоқли адир ерларга эккан маъқул. Бу ерда улар қуриш касаллигига энг кам даражада чалинади. Полиз экинлари

шүрләнгән ерларда ҳам яхши ўсади. Бироқ тупроқдаги хлор миқдори 0,015% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўғит бериш. Азот ўғитларининг ўзинигина бериш ҳосилнинг маза хусусиятларини камайтиради. Мағизининг консистенцияси дағаллашади, шакарлилиги камаяди, ҳамда сақланиши ёмонлашади. Фосфор ўғитининг якка ўзи берилганда ўғитсиз етиштирилган ёки азот ўғитигина берилган пайтдагига нисбатан ҳосилда шакарнинг миқдори анча ошади. Азот ҳамда фосфор ўғитларини биргаликда мөъерида шунингдек тўла минерал ўғитлар, минерал ҳамда органик ўғитларни биргаликда берганда меванинг шакарлилиги ошишига ижобий таъсир этади. Полиз экинларининг шакарлилиги ошишига ўғитларни, айниқса азот ўғитларини бериш муддати сезиларли таъсир этади. Азот ўғитларини ўсимлик ривожланётган илк босқичда, жумладан йиллик азот миқдорининг 50% ни экиш пайтида, ҳамда 50% ни ўсимлик 3—4 чинбарг чиқарган пайтда бериш лозим. Бу полиз экинлари мевасининг таркибида шакар миқдорини оширади ҳамда мазасини яхшилайди. Азот ўғитининг бутун миқдори экишдан олдин берилганда мева янада шакарлироқ бўлади. Ўзбекистонда полиз экинлари эскитдан экиб келинаётган пайкалларга экилганда минералларни қуидаги миқдорда бериш лозим (гектарига килограмм): бўз тупроқда-азот 100—150, фосфор 100—160; калий 50; ўтлоқ ҳамда калий 50—60. Фосфор ҳамда калийнинг миқдори мазкур унсурлар билан кам таъминланган тупроқлар учун тавсия этилади, шу боисдан улар агрокимёвий картограмма маълумотлари бўйича аниқланиши зарур. Полиз экинларига иложи бўлса гектарига 20—40 тонна миқдорда органик ўғит бериш лозим.

Янги ўзлаштирилаётган серҳосил ерлар ҳамда беда ўрнига экилган полиз экинларига азот ўғити берилмайди ёки жуда кам миқдорда берилади. Фосфор эса 100—150, калий 50—60 кг миқдорда берилади.

Органик ўғитларни, калийнинг бутун миқдорини ҳамда фосфорнинг йиллик нормасининг 70% ни кузги шудгор пайтида, фосфор ўғитларининг қолган қисмини экишдан олдин берилади. Азот ўғитлари икки марта тенг миқдорда берилади: экишдан олдин ҳамда 3—4 чинбарг ҳосил бўлган пайтда.

Ерни экишга тайёрлаш. Полиз экинлари экиш учун ажратилган ер текис бўлиши лозим. Иложи бўлса у тўғри бурчакли бўлгани маъқул. Пайкал майдони 8—10 гектардан кам бўлмаслиги керак. Бу агрегатларнинг қатор оралиғига ишлов беришнинг кунлик нормасига мос келади.

Полиз экинлари беда, ангиз ёки қўриқ ерда экиладиган бўлса, ерга ишлов беришни кузги шудгордан бошлаш керак. Агар полиз экинлари сабзавот ёки пахта ўрнига экиладиган бўлса, олдин ўсимлик қолдиқлари йигиштириб олинади, чуқур сув ариқлари

текисланади ҳамда күзги шудгор ўтказилади. Ишловдан олдин органик ҳамда минерал ўғитлар берилади.

Тупроқнинг намлигини сақлаш учун эрта баҳорда ерни ўз вақтида молалаш муҳим аҳамиятга эга. Тупроққа экишдан олдин ишлов бериш ЧКУ-4, чизел-культиватори билан ерни юмшатишида ўз аксини топади, шўри ювиладиган тупроқларда эса ерни юмшатиш ўғит бериш билан биргаликда олиб борилади. ГН-2,8 грейдер текислагич, ВП-8 борона текислагичи билан ер текисланади ҳамда МВ-6 молатекислагич билан молаланади. Ерни экишга тайёрлаш табиий намликни сақлаш мақсадида экишга 1—2 кун қолганда ўтказилади. Жуда эртаги экиш муддатларида эса 3—4 кун олдин ўтказилади. Молалаш экиш йўналиши мўлжалланган томонга нисбатан кўндаланг тартибда амалга оширилади.

Уруғларни экишга тайёрлаш ҳамда экиш. Полиз экинларини 8—10 см чуқурликдаги тупроқ +12 даражагача исиган пайтда экишга киришиш мумкин. Жанубда бундай шароит апрелнинг бошларида, шимолда эса апрелнинг охириларида юзага келади. Тупроқ шароитидан ташқари ҳосил олиниши мўлжалланган муддат ҳам ҳисобга олинади. Қишига сақланадиган қовун ҳамда тарвузнинг кечки навлари кеч — майнинг охири июннинг бошларида экилади. Зеро уларнинг асосий ҳосилини сентябрнинг охириларида ҳамда октябрь ойларида йиғишириб олиш зарур.

Полиз экинлари учун қўйидаги пайт энг яхши экиш муддати ҳисобланади. Мирзачўлда ўртапишар қовун навларини апрелнинг ўрталарида, кечки навларини эса майнинг охири — июннинг бошларида экиш зарур. Ўртапишар тарвуз навларини апрелнинг учинчи ўн кунлигида, кечпишар навларини эса майнинг иккинчи ярмида экиш зарур. Қашқадарё вилоятида қовуннинг эртапишар навларини апрелнинг ўрталарида, ўртапишар навларини апрелнинг охирида ҳамда кечпишар навларини майнинг ўрталари ва охирида. Бухоро вилоятида қовуннинг ўртапишар навларини апрелнинг бошида, кечпишар навларини майнинг охири-июннинг бошларида эккан маъқул.

Экиш учун йирик тўқ уруғлардан фойдаланилади. Уларни танлаш уруғни 3—5% ли туз эритмасига чўқтириш, кейин уни тоза сувда тезда ювиб олиш билан амалга оширилади. Эртаги экинда уруғ қуруқ, ер яхши қизиган пайтида эса намланган ҳолда экилади. Уруғларни намлаш бир кеча-кундуз мобайнида тез-тез алмаштириб туриладиган сувга солиш йўли билан амалга оширилади. Намланган уруг яхши сочилиши учун экишдан олдин уни қуритиб олиш тавсия этилади. Уруғни экишга тайёрлашнинг бошқа усусларини ҳам қўллаш мумкин. Зааркунандаларга қарши заарсизлантириш тадбирини албатта амалга ошириш зарур. Бу ТМД препарати ёрдамида пуркаш (бир килограмм уругга 4—8 г, 12% ли ГХЦГ дусти (килограммига 50 г) ёки 50% ли ГХЦГ гаммаизомери килограммига 7 г) билан амалга оширилади. Қовуннинг қуриш касалига чалинмаслиги учун экишдан олдин

унинг уруги мис, рух ёки маргенец микроэлементларидан бирининг суюқлигига (0,5% ёки 0,5 г/л) намлаб олинади. Экишдан олдин ургуни ички ўстирув биоген таъсир этувчи модда: 0,03% ёки 0,05% анабазин сульфат суюқлигига намлаб олиш ижобий таъсир этади.

Экиш пайтида ургуни чуқурликка ташлаш миқдори унинг йириклиги, экиш муддати, тупроқнинг намлиги ҳамда физик хусусиятларига боғлиқ. Уруғ йириклашган ва тупроқ зичлиги камайган, намлик миқдори озайган сари уруғ чуқурроқ ташланади. Кўпинча тарвуз ҳамда ошқовоқ уруғи 5—7 см, қовуннинг уруғи эса 4—6 см чуқурликка экиласди.

Ургуни экиш нормаси экиш тартиби, бир уяга экиладиган ургунинг миқдори ҳамда унинг катталигига боғлиқ. Тарвуз ҳамда қовунни экиш пайтида бир уяга 4—5 уруғ, ошқовоқ экилаётганда эса 3—4 уруғ ташланади. Бир гектар ерга 3—4 кг қовун уруғи, 4—5 кг тарвуз уруғи ҳамда 3—5 кг ошқовоқ уруғи сарфланади.

Ўсимликларни жойлаштириш тартиби. Полиз экинларини механизация асосида етиштириш ҳамда йигиштириб олиш сезилярли даражада қўлланадиган экиш тартиби билан белгиланади. Шу боисдан экиш пайтида ургуни жойлаштириш тартибини тўғри танлаш жуда муҳимдир. Анъянавий-агротехника қўлланган пайтда Ўзбекистонда полиз экинлари оралиги кенг қилиб олинган эгатларда икки томонлама ўстирилади. Сугориш жўяги эни 70—90 см тор қатор оралиғида олинади. Сугориш жўяклари ўртасидаги масофа 140 см, изли трактордан фойдаланган пайтда 280 ҳамда 350 см, 180 см изли трактордан фойдаланганда эса 360—400 см бўлади. Худди шу тартибдаги лентасимон экиш усулида қовунни бир гектар ерга 8—11 минг ўсимлик қалинлиги ҳолатида

$\frac{210 + 70}{2} \times 70\text{ см}$, $\frac{270 + 90}{2} \times 55 - 70\text{ см}$ схемаси бўйича жойлаштиради, тарвузни бир гектар ерга 6—8 минг ўсимлик қалинлиги ҳисобида

$\frac{280 + 70}{2} \times 70\text{ см}$ $\frac{270 + 90}{2} \times 70 - 90\text{ см}$ ошқовоқни эса гектарига 4—6 минг ўсимлик қалинлиги ҳолатида $\frac{250 + 140}{2} \times 100\text{ см}$, $\frac{360 + 90}{2}\text{ см}$ схемаси бўйича экиласди. Уруғ СБУ-2—4 полиз сеялкаси билан амалга оширилади, баъзан экиш пайтида СХТ-4А пахта сеялкаси ҳам қўлланилади. Мазкур икки томонлама экиш усулида экинни механизация асосида ишлаш анча қийинлашади. Экиннинг бошланғич ўсиш даврида пайкалдан 2—3 культивация ўтказиши мумкин. Бунда уч гилдиракли тракторнинг олдинги гилдираги сугориш эгати бўйича, кейинги гилдираклари эса пушта бўйлаб, тўрт гилдиракли тракторнинг эса олдинги ва кейинги бир гилдираги эгат бўйлаб ҳамда иккинчи гилдираклари пушта бўйлаб ўтади. Палак анча ёйилиб ўсгандан кейин эса улар ораларига ишлов бериш мумкин бўлмай қолади.

Экиш схемасини соддалаштириш, ўсимликнинг бутун вегетация даврида ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш ишини механизациялаштириш ҳамда электрофикациялаш илмий тадқиқот институти янги уч қаторли экиш схемасини таклиф этди: кучли нишаб бўлган далалар ҳамда сув ўтказиши яхши бўлмаганда

$$\frac{190 + 180 + 270}{3} \times 90 \text{ см, текис пайкалларда}$$

$$\frac{120 + 180 + 240}{3} \times 90 \text{ см.}$$

Экиш тўрт гилдиракли Т-28 X 4МС, олдинги ва орқа гилдиракларнинг изи 180 см бўлган Т-28ХМС трактори, СБУ-2—4 полиз сеялка агрегати ёрдамида амалга оширилади. Экиш агрегати бир ўтганда уч қатор кўчат экилиб, икки сугориш жўяги олинади. Сугориш жўяклари орасидаги масофа бир хил: асосийлари орасидаги масофа 180 см, туташганлари орасидаги масофа 360 см. Мазкур экиш технологиясида трактор гилдираги ҳамда машиналарнинг таянч гилдираклари фақат сугориш жўяклари бўйлаб ҳаракатланади. Бу эса қатор ораларига вегетация даврининг охиригача механизация асосида ишлов беришга имкон беради.

Туркманистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг уруғли эгатнинг тубига 5—20 см чуқурликда, 180 x 97 см тартибда қаторлаб экиш схемаси бўйича таклифи ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бунда уруғ T28X4M-C ёки МТЗ-80 трактори, экиш учун эгат оладиган универсал НБЧ-5,4 мосламаси ҳамда СБУ-3,4 замонавийлаштирилган уч қаторли полиз сеялкасидан иборат агрегат орқали амалга оширилади. Трактор тўрт гилдиракли, гилдирагининг изи 1,8 м. Универсал мослама экиш олдидан 5 та эгат олади: учтаси экиш учун, иккитаси тракторнинг гилдираги ўтиши учун. Туташувчи эгатлар оралиғидаги масофа 1,8 м. Бир пайтда олинган эгатлар оралиғи 0,9 м. Экиш эгати трапеция шаклига эга бўлиб, қўйи асоси 15—20 см, юқори асоси 20—40 см. Уруғ плуг тишининг таянч юзасидан 2—5 см чуқурликка ташланади. Натижада у тупроқ юзасидан 7—25 см чуқурликка тушади. Иш жараёни пайтида экиш агрегати эгат олади, қатордаги тупроқни қисман текислайди, уч қатор қилиб уруғ экади ҳамда агрегатнинг кейинги ўтиш йўлига из солиб кетади. Мазкур технология пайкалга сув бермасдан ургунинг бир текисда униб чиқишига имкон беради. Уч қаторлаб экиш усулида ерга ишлов берадиган тракторнинг ва машинанинг гилдираги экиш пайтида ҳам, кейин ҳам то ҳосил йиғиштириб олингунча фақат ўтиш эгати орқали ҳаракатланади ҳамда қатор оралиғини зичламайди. Ўтиш ҳамда экиш эгатларининг бир пайтда олиниши экинни парваришилаш учун қулай шароит яратади. Зеро тракторнинг тўртала гилдираги эгат ичидан юрганлиги туфайли тажри-

басиз ҳайдовчига ҳам техникани қатор оралығыда қаттый масаға бүйлаб ҳайдашга имкон беради.

Экинни парвариша шаш. Тупроғи зичлашиб қолған ерларда етарлы қалинликта күчат ҳосили олиш учун экиш билан бир пайтда пайдо бўлган тупроқ қатқалогини юмшатиб кетиш зарур. Бунинг учун 5—7 км/соат ишчи тезлигига ишлайдиган Т-28Х4МС тўрт фидиракли трактори билан МВН-2,8 ҳамда МПХ-5,4 ротацион мотигосидан фойдаланилади. Күчат униб чиққач, тупроқ қатқалогини йўқотиш учун КРХ-3,8 культиватор ўсимлик озиқлантиригичидан фойдаланилади. Унда олтита қўшалоқ ратацион юлдузча ўрнатилган бўлиб, улар күчат қаторининг икки томонида марказдан 5—6 см узоқликда жойлашади. Ишлов бериш чуқурлиги 4—5 см.

Күчат униб чиққач, биринчи чинбарг пайдо бўлиши билан яганаланиши зарур. Кўчат яганаланаётганда юлиб олинмаслиги, балки чимдига ташланиши керак. Биринчи яганада уяда иккита кўчат қолдирилиши керак. Кўчат унмай қолған жойларга эса уруғ қадаб кетилади. 3—4 чинбарг пайдо бўлган пайтда иккинчи ягана ўтказилади. Энди уяда битта кўчат қолдириб кетилади. Иложи бўлса ягана билан бир пайтда ҳимоя зонасини ўтоқ қилиб кетиш керак. Айни пайтда илдиз атрофини юмшатиш зарур. Бегона ўтларни юлиб ташлаш керак. Ҳимоя зонасини иккинчи марта юмшатиш чопиқ билан бир пайтда ўтказилиб, эркак гуллар очилиши олдидан амалга оширилади. Бир қаторли экиш схемасида экиш жўяги бузуб текисланади.

Икки қаторли ҳамда уч қаторли экишда культивация КРГ-4 ҳамда КРХ-3,6 культиваторлари воситасида амалга оширилади. Культивацияни эрта муддатда, кўчталар униб чиқиши биланоқ бошлаш лозим. Сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда биринчи сув бергандан кейин, яқин жойлашган ерларда эса иккинчи сув бергандан кейин ўтказилади. Кейнинг қатор ораларига ишлов бериш тадбирлари ўсиш суви бериш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни ер етилгандан кейин кечиктиримасдан ўтказиш лозим. Бутун ўсув даврида қаммаси бўлиб 4—5 культивация ўтказилади. Ҳимоя зонасида тупроқни юмшатиш учун биринчи культивацияда, зарур бўлган тақдирда, ротацион юлдузчалардан фойдаланилади. Иккинчи культивация ўсимликда 3—5 чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Бу пайтда ҳимоя зонаси 35x40 см бўлиши лозим. Қатор ёнида жойлашган агрегатнинг чуқурлиги 8—10 см, қолған ишчи органларнинг чуқурлиги 12—16 см қилиб ўрнатилади.

Икки ҳамда уч қаторли экиш усулида 2- ва 3-культивация вақтида пуштани зарурият бўлса чизел ёрдамида 18—22 см чуқурликда ишлаш лозим. Ишлов бериладиган кенглик 150—180 см бўлади. Ўсимлик бутун майдонни қоплагандан кейин фақат суғориш жўякларигина культивация қилинади. Бунинг учун мазкур тадбирдан олдин ўсимликнинг таноблари жўяк ичидан олиб қўйилади.

Бизнинг шароитимиизда полиз экинларини жўяқ орқали сугориш учун сугориш жўякларини энг юқори чуқурликда (22—24 см) олиш лозим.

Полиз экинларини уч қаторли экиш усули билан етиштириша КРХ-3,6 культиваторининг ишчи органлари культивация ўтказиш пайтида тартиб бўйича ўрнатилади.

Полиз экинларини бир қаторли экиш усулида етиштирганда қатор ораларига ишлов бериш учун КНБ-5,4 полиз культиватори ҳамда КРН-3,6 культиватор-ўсимликни озиқлантиргичдан фойдаланилади. КРН-3,6 культиваторининг ҳар бир секцияси-ўсимлик томонидагиси битта ясси кесгич тиш билан ҳамда иккита стрелкасимон тиш билан комплексланади. Ясси кесгич тишларининг ишлов бериш чуқурлиги 12 см, стрелкасимонлариники эса 15 см. Ҳимоя зонасининг кенглиги биринчи культивация пайтида 10—15 см, иккинчисида 20—30 см, учинчисида 50 см. Трактор тўрталағи билан ўтиш эгати бўйича ҳаракатланади ҳамда икки қаторни тўла, туташган қаторларни эса ярмидан ишлаб кетади. Агрегатнинг ишлов бериш кенглиги 5,4 м. Мазкур экиш усулида сугориш жўягини олиш тартиби 1,8—2,6 м ёки ҳар 1,8 м дан кейин. Одатда ҳар икки сугоришдан кейин жўяклар ҳайдалиб қайта олинади. Ана шу мақсадда ОКН-3,6 окучник-культиватордан фойдаланилади. У икки корпусли бўлиб, унинг орқа тарафида юмшатувчи ҳамда ҳайдовчи ишчи органлари ўрнатилган. Эгатни тиклаш пайтида ОКН-3,6 окучнингининг эгатнинг деворини ишловчи ишчи органлари транспорт ҳолатига келтириб қўйилади. Агрегатнинг ишлов бериш кенглиги сугориш жўягини олиш тартибига қараб 3,6—5,4 м. Жўякнинг чуқурлиги ҳар бир тиклашдан сўнг кўпайтириб борилади. Ҳосилни йиғиштириб олиш пайтига келиб унинг чуқурлиги 40 см ни ташкил қиласди. Ўсимлик танобининг узунлигига қараб сугориш жўягини олиш ҳамда тиклаш мустақил ёки чилпиш билан бир пайтда ўтказилади. Бунда жўяк олиш ҳамда чилпишни бир пайтда ўтказишга мосланган НБЧ-2,4 универсал агрегатидан фойдаланилади.

САИМЭ да ясси кесгич, жўяқ ҳайдагич, юмшатгич ҳамда танобларни чилпийдиган қисмлардан иборат полиз экинларини парваришлайдиган универсал машина ишлаб чиқилган. Улар қатор ораларига энг кам ҳимоя зонаси қолдирган ҳолда ишлов беришга мўлжалланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида танобларни чиллиб кетиши, вегетация даврида озуқа солиш, сугориш жўяклари ичини юмшатгич билан 35—40 см чуқурлиқда юмшатиш ва бир вақтда 20 см чуқурликда жўяқ олиш кетиш имкониятига эга. Бу юқори қатламни захлатиб юбормасдан сугоришга имкон беради.

Полиз экинлари сугоришга муҳтождир. Уларнинг илдиз қисми учун естарлича намлиқ зарур, айни пайтда тупроқ юзаси қуруқ бўлиши лозим. Полиз экинлари тупроқнинг ортиқча намланишини салбий қабул қиласди. Шунинг учун қуйидаги сугориш тартибига амал қилиш тавсия этилади. Ичқизил туридаги ўтапишар қовун навлари учун энг қулай сугориш намлиги НВ га нисбатан 60—65—60 ҳамда Кўкча навлар учун 65—70—65

фоизни ташкил қиласи. Бундай намлик гектарига 600—700 м³ миқдордан 3—4 сүғориш орқали сақланади. Ҳайдаш олдидан сүғориш миқдори нам йигиш ва сүғоришисиз гектарига 2200—2400 м³ дир. Сүғориш тартиби тегишли равишда гуллашгача, гуллаш ва ҳосилнинг ўсиши пайтида 0—2—1 ёки 1—2—1. Сүғоришини текис пайкалларда икки кун ичида, бироз нишаб жойларда эса уч кун ичида ўтказиш лозим. Бунда тупроқнинг 60 см қатлами намланиши керак.

Тарвуз учун мақбул сүғориш олди намлиги В га нисбатан 70—80—70 ёки 70—70—70 фоиз. Бунинг учун сүғориш миқдори 2—2—2 сүғориш тартиби бўйича гектарига 3600 м³ бўлганда, гектарига 600 м³ нормада сүғориш ўтказиш лозим. Ошқовоқ учун бутун вегетация муддатида сүғоришидан олдинги намлик НВ га нисбатан 80 фоиз ҳисобланади. Бунинг учун гектарига умумий сүғориш миқдори 3850 м³ ҳамда бир галлик сүғориш миқдори 550 м³ бўлгани ҳолда 2—3—2 тартиби бўйича етти марта сүғориш лозим. Сув камчил бўлган ҳамда қурғоқчил йиллари сүғоришини сүғориш олди намлиги НВ га нисбатан 70% бўлганда ҳам ўтказиш мумкин. Бунда гектарига 600 м³ миқдорда 2—2—2 тартиби бўйича олти марта сув берилади.

Шўрланган тупроқларда, Тошкент аграр университети тажрибалари кўрсатганидек, қовун ҳамда тарвуз учун сүғоришидан олдинги намлик мева туккунича НВ га нисбатан 70 ҳамда мева туғиш пайтида 80% ни ташкил қилиши керак.

Заараркунандаларга қарши кураш. Ўзбекистон шароитида полиз экинларига касалликлардан қовжираш ҳамда оққиров касали, заараркунандалардан эса ўргимчакканга, шира, кузги тунлам энг кўп зарар етказади. Қовжираш касалига қарши кураш профилактик тадбирлардан иборат: алмашлаб экишга амал қилиш, ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, соғлом ўсимликлардан уруглик тайёrlаш, экишгача гектарига 100 кг дан ТМТД препаратидан солиши йўли билан тупроқни заарарсизлантириш, уругликни ана шу препарат билан кг га 4—5 г дан пуркаб олиш, тупроққа кузда ёки экишга бир ой қолганда сүғориш билан биргаликда гектарига 120 кг ҳисобидан антогонист триходерм замбуруғи ўғитини бериш, ургуни экишдан олдин суюқ микро элементларда намлаб олиш (темир — 0,025%, бор — 0,025%, рух 0,05%, мис 0,05%, марганец 0,05%) ҳамда ўсимликка эркак гули гуллаган босқичда мазкур микроэлементларнинг икки ҳисса канцентрациядаги суюқлигидан пуркаш шулар жумласидандир. Ўсимликни июнь ойнинг охирда оққиров касалига қарши гектарига 15—30 кг ҳисобида олtingугурт билан пуркаш лозим. Мазкур касалликка қарши курашда ўсимликни вегетация даврида 80% суспензия билан пуркаш яхши натижга беради.

Кузги тунламга қарши курашда ургуни ГХЦГ гамма изомернинг 90% билан (5 кг/га) пуркаш ҳамда экишдан олдин тупроққа доналаштирилган 7% хлорофос ва 10% баздин (50 кг/га) бериш орқали ўтказилади. Бошқа заараркунандалар пайдо бўлганда қўйидаги суюқликлардан бири қўлланилади: 40% фос-

фамид (рогар, БН-58) — 1—1,5 кг/га 30% карбофос — 1—1,5 кг/га. Полиз ширасига қарши 70% сойфос кукуни 0,8 1,2 кг/га пуркаш тавсия қилинади.

Полиз экинлари гулли шумгия зааркунандаси билан касалланади. Бу касалликнинг олдини олиш учун ерга чуқур ишлов бериш, алмашлаб экиш қўлланади. Пайкалда шумгия пайдо бўлганда уни ўтоқ қилиб йўқотилади ёки унга биологик усул билан қарши курашилади. Бунда фитомаза энтомофагидан фойдаланилади. Яъни ҳар бир гектарга полиэтилен қопчалардан 500—1000 ғумбак ташланади.

Ҳосилни йиғиштириб олиш. Маҳаллий истеъмолга мўлжалланган қовун, тарвуз ҳамда ошқовоқ маҳсулоти тўла пишган пайтда йиғиштириб олинади. Бошқа жойларга жўнатишга мўлжалланган қовун ва тарвуз тўла пишишга бир неча кун қолганда, сақданишга мўлжалланганлари эса техник жиҳатдан етилганда узилади. Ошқовоқ, кечки нав қовун ва тарвузлар бир икки марта узиш билан йиғиштириб олинади. Эртаги ҳамда ўртаги нав қовун ва тарвузлар беш-олти марта узиб олинади. Одатда даладаги умумий ҳосилнинг 15—20% пишганда танлаб узиб олишга киришилади. Тезпишар қовун навлари ҳар 7—8 кунда узилади. Кузги-қишки нав қовунлар ва тарвузнинг кечки навлари 2—3 узишда тўла йиғиштириб олинади. Ҳосилни узишга киришишдан 10—12 кун олдин сугориш жўяклари культивация қилиниб текисланади ҳамда ҳосилни йиғиштиришга киришилади.

Ҳозирча полиз экинлари ҳосилни йиғиштириб олиш жараёни тўла механизациялаштирилмаган. Оддий ҳамда уч қаторлаб экиши суслида ҳосилни йиғиштириб, қайта жиҳозланган 2ПТС-4-792 трактор прицепидан фойдаланиб ўтказилади. 2 ишчи учун тележканинг орқасида вертикал ҳолатда 58x58 см ўлчамли иккита майдонча ердан 65 см баландликда ўрнатилади. Унда ҳар бир ишчи учун ҳимоя тасмаси маҳкамланади. Иш пайтида олти кишидан иборат бригада ҳосилни узиб даладан олиб чиқади ҳамда транспорт воситаларига юклайди. Агрегат ҳаракатга тушишидан олдин икки ишчи жўяқ ичидан юриб пишган ҳосилни узиб, ҳар бирини ўзининг уватига қўйиб кетади. Ҳаракатланаётган тележканинг гилдираклари сугориш жўяги орқали ўтади. Икки ишчи ўзининг эгатидаги узилган ҳосилни ўзи тарафида кетаётган майдончадаги ишчиларга узатади. Ишчилар эса ҳосилни тележкага жойлаб кетишади. Тележка тўлгач, трактор уватга чиқади ҳамда бўш тележкани тиркаб, яна ҳосилни йиғиштиришга киришади.

Қатор ҳўжаликларда ҳосилни йиғиштириб олишда турли транспортёrlар, платформалар, тележкалар (ТН-12, ПОУ-2 ва ҳоказолар) қўлланмоқда. ТШП-25 кенг қамровли транспортёр яратилган. Кечки тарвуз ҳамда ошқовоқлар, уруг учун экилган барча полиз экинлари ҳосили, тарвузнинг охирги йиғиштириб олинадиган ҳосили УНВ-8 комплекс жиҳози ёрдамида тўла механизациялаштириши мумкин.

Уруғчилик. Суперэлита ҳамда элита уруғи элита хўжаликларида селекционер-orenжатор раҳбарлиги остида тайёrlа-

нади. Биринчи ва иккинчи уруғ репродукцияси остида тайёрлана-
нади. Биринчи ва иккинчи уруғ репродукцияси "Сортсемовош"
хўжаликларида етиштирилади. Иккинчи репродукция уруғи кол-
хоз ҳамда совхозларга товар мақсадида экиш учун берилади.
Уруғ етиштирилаётган пайтда навнинг механик ҳамда биологик
ифлосланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилади. Навларнинг
механик ифлосланишининг олдини олиш учун фойдаланиладиган
машина, жиҳозлар ва тараларнинг озода бўлишига аҳамият
берилади. Биологик ифлосланишининг олдини олиш учун уруғ-
чилик пайкалларида бир хил экинни очиқ майдонларда экилганда
навлар орасидаги ҳимоя зонаси 1000 м ва камида 500 м бўлиши
керак.

Ургучилик пайкалларидағи деҳқончилик тадбирлари товар
экиннидан кам фарқ қиласди. Бироқ барча тадбирлар анча
юқори даражада ҳамда пухта ўтказилиши шарт.

Ургучиликда навни яхшилаш учун саралаш ишлари олиб
борилади ва 3—4 тозалаш ўтказилади. Бу ишлар кўчатларни
биринчи ўташ пайтида, гуллаш, ҳосил туғиш ҳамда ҳосилни
йигиштиришдан олдин бажарилади. Мазкур жараёнда барча ара-
лашмалар ҳамда касалга чалинган ўсимликлар юлиб ташланади.
Ургуни ажратиш пайтида қўшимча текшириш ўтказилади. Нав
тозаликлари белгиланган шаклдаги ҳужжатлар билан расмийлаш-
тирилади. Тозалашдан сўнг дала синови ўтказилади. Бу тадбир
навни баҳолаш, ҳосилнинг ургулника яроқлилигини баҳолашдаги
асосий усул ҳисобланади. Синовдан ўтказиши "Сортсемовош"
вакиллари иштирокида ургушунос агрономлар ўтказишида. Ургу-
лик ҳосил товар ҳосилига нисбатан кечроқ йигиштириб олинади.
Тарвуз ҳамда ошқовоқ ҳосили бутун пайкалда бир йўла, қовун
ҳосили эса етилишига қараб бир неча марта узилади. Бир йўла
йигиштириш пайтида ҳосил пишиш даражасига қараб навланади.
Пишиб етилмаган тарвуз ҳамда қовун 10—30, ошқовоқ эса 10—70
кунда тўла пишади.

Тарвуз ҳамда ошқовоқнинг ургуни ажратиш учун ИБК-5
майдалагич-ажратгичдан фойдаланилади. Қовуннинг уруғи қўлда
ажратиб олинади. Ошқовоқнинг уруғи ажратиб олинган заҳоти
қуритилади, қовун ҳамда тарвузнинг уруғи эса 2—4 кун ўзининг
шарбатида сақланади ва сўнг ювиб олинниб, қуритилади. Ургуни
ювиш учун МОС-300 ювиш машинасидан фойдаланилади. Уруғ
майда тўрли халта газламада ёки брезентда қуритилади. Қури-
тилган ургуларнинг намлиги: тарвузники — 14, қовун ҳамда
ошқовоқни эса 13% дан ошмаслиги керак. Қуритилган уруғ
ОВ-10, ОВП-20А, ОСМ-ЗУ, "Пектус-Супер", К-212, "Пектус-Ги-
гант" К-531/1 уруғ тозалагич машиналарида тозаланади. Ургу-
чилик хўжаликларида бодринг ҳамда полиз экинлари ургуни
ажратадиган, ювадиган ва қуритадиган ЛСБ-20 линиясини жорий
тиш катта истиқболга эга.

Ошқовоқдан ўртача — 0,3—0,8, тарвуздан — 0,5—1,2, қовун-
нинг ёзги навидан — 0,8—2,1, қовуннинг кузги қишиги навидан
0,5—1,1% уруғ чиқади. Бир гектар ердаги ҳосилдан олинадиган


ўртача уруғ миқдори истеъмол қилинадиган тарвузники 70—120 кг, емга бериладиган тарвузники 150—200 кг, қовунники 60—100 кг, емга ошқовоқники 80—120 кг. Самарқанд вилоятининг Бофизоғон давлат хўжалигида 400—500 гектар майдондаги полиз экинидан гектарига 140—170 кг уруғ ҳосили олинади.

Амалий машғулот

11 - мавзу. Тарвуз ҳамда қовуннинг районлаштирилган навларини ўрганиш.

Машғулотнинг мақсади: ўлжалмида кенг тарқалган районлаштирилган қовун ва тарвуз навлари ўсимлиги ва мевасининг морфологик белгиларини ўрганиш.

Топшириқлар. Мазкур ишни бажариш учун ўқувчилар 3—4 кишидан звеноларга бўлинади. Навларни тавсифлашда ҳар бир



8-расм. Гарнуз барғи шапалоқларининг қирқилганилиги: 1 — барғ бўлмалари жуда ингичка (колоцинг); 2 — ингичка; 3 — ўртача эили; 4 — энли; 5 — жуда эили, бир бирига кириб туради (хашаки тарвузда); 6 — қирқилмаган барғ шапалоги

зенога ўсимлик тури ва мева берилади. Тарвуз ҳамда қовун навларини тасифлаш 18-жадвалда кўрсатилган нав белгилари бўйича олиб борилади.

Бунда қуидаги белгилар гуруҳи бўйича иш кўрилади.

Палакнинг узунлиги бош танобнинг узунлиги бўйича аниқланади. Тарвузнинг палаги узун — 2 метрдан ортиқ, ўртача,— 1,2—2,0 м ҳамда калта — 1,2 м дан қисқа; қовунники: узун — 1,5 м дан ортиқ, ўртача — 1,0—1,5 м, қисқа — 0,4—1,0 м ҳамда бутоқли — 0,4 м дан қисқа бўлиши мумкин.

Барг шапалогининг ўлчами бандининг бўғизидан учигача ўлчанади. Тарвуз ва қовуннинг барги йирик (18 см дан катта), ўртача (13—18 см) ҳамда майда (13 см дан кичик) бўлади.

Баргининг шакли: Тарвузники: жуда энсиз қиррабаргли (қиррабарг оралиғида худди ана шундай икки қаррабарг бўллаги жойлашиши мумкин); ўртача энли қиррабаргли қиррабарг бўлаклари бир-бирига тегай-тегай деб туради; энли қиррабаргли (қиррабарг бўлаклари бир-бирининг устига чиқай деб туради) барг шапалоги тароқланмаган (8-расм). Қовуннинг барги буйраксимон (бўйи энига тенг, ёки сал қисқароқ, уни тифиз думалоқ), юраксимон (бўйи энига тенг, уни чўзинчоқ ўткир), учбурчак, бешбурчак.

18-жадвал

Тарвуз ҳамда қовун навларини тасифлаш ҳақида ҳисобот

Белгилар	Навлар			
<p>Тури Палакнинг узунлиги барг пластинкасининг ўлчами барг пластинкасининг шакли Меваси ўлчами шакли сирт кўриниши тўлалиги ҳамда тўрининг тури юзасининг туси сирт тасвирининг тури сирт тасвирининг туси пўчогининг қаттиқлиги бўйига қалинлиги магази магазининг қалинлиги туси консистенция ширинлиги йўлдошининг характери ва жойлашиши Ургу</p>				

ўлчами ва шакли
сиртипинг тасвири ва ранги
Хўжалик баҳоси
тезпишарлiği ҳосил туғиши даври
ёйилиб ўсиши

Меванинг ўлчами диаметрининг энг узун жойини ўлчаш орқали аниқланади. Тарвуз ташқи кўринишдан шарсимон ёки нисбатан думалоқ бўлиб, йирик (22 см дан энли), ўртacha (18—22 см), кичик (18 см дан қисқа);

цилиндрсимон тарвуз-йирик (35 см дан узун), ўртacha (30—35 см), майда (30 см қисқа); қовун эса нисбатан думалоқ ёки тухумсимон шаклда бўлиб, йирик (22 см дан ортиқ), ўртacha (15—22 см), майда (15 см); чўзинчоқ шаклли-йирик (30 см дан ортиқ), ўртacha (25—30 см) ҳамда майда (25 см гача бўлади).

Мева сининг шакли. Тарвуз яssi (индекси 1 дан кичик), шарсимон (индекси 1), тўмтоқ думалоқ (индекси 11—1,5, тумшуғи чўзинчоқроқ), тухумсимон (тумшуғи сал чўзинчоқ, банд томони эса тўмтоқ), ноксимон (мева учи тўмтоқ, мева бандига салгина бўртиб чиқсан), цилиндрсимон (индекси 1,3 дан зиёд бўлиб, чўзинчоқ шаклда). Яssi, тухумсимон ҳамда ноксимон шаклдаги тарвузлар кам учрайди. Қовуннинг шакли: яssi (индекси 1 дан кичик), шарсимон (индекси 1), тўмтоқ думалоқ (деярли яssi тумшуқли), тўмтоқ тухумсимон (индекси 1—2,25 бироқ тумшуғи яssi эмас), чўзинчоқ тухумсимон (индекси 1,2—1,5), тухумсимон (тумшуғига томон қисқарган), урчуқсимон (ўтқир учли), ноксимон, цилиндрсимон (индекси 1,5 дан катта).


Меванинг сиртқи кўриниши. Тарвузнинг сирти силлиқ, каржли (ингичка бироз ботиқ бўйлама тасмали), нотекис, салгина буқрисимон, томирсимон бўртиқли бўлади; қовун эса силлиқ, нотекис (бироз нотекислиги чамалаб аниқланади), каржли (ингичка ботиқ бўйлама тасмали ёки ёриқли) буқри, буришиқ, тўрсимон (майда бўртиқ тўр билан қопланган) шаклларда бўлади.

Тўрининг сертўрлиги тифизлиги ва тўрланиш тури фақат қовун навларидағина тавсифланади. Сертўрлиги бўйича: тўла (бутун сиртни қоплаган), ярмигача тўрлаган (бандидан бошлаб), ярим парча тўрли (бир бутун тўрга бирикмаган) турларга бўлинади. Қовуннинг тўри қўйидаги турларга бўлинади: ёриқ тўрли (майда, йирик, юлдузсимон), сезилар-сезилмас тўрли, туташиқ тўрли (сийрак, дағал, қалин, дағал бўртиқли).

Пўстининг ранги. Тарвузнинг қобиги оқ, оч яшил, тўқ яшил, лимонсимон яшил, апелсинсимон яшил, қовунники оқ, лимонсимон, апельсинсимон, жигарранг сариқ-яшил, кўк яшил, яшил, тўқ яшил бўлади.





Мева пўстидаги нақш-чизиқлар (тасмалари, доғлар, қобиқ юзасидаги тўқроқ рангта бўйлган нуқтачалар). Тарвуз қобиги юзасидаги тасвир тасмасимон-тўрсимон тасмали, қирра тасмали, кенг тўмтоқ гардишли, тўлқинсимон тасмали, қирралари

қоришиб кетган ноаниқ тасмали (тасмалари узунлиги бүйича жуда қисқа-оралиқдан 2—4 баробар кенг, ўртача тасма оралығига тенг, кенг-тасма оралығидан кенг), қурама-тасмалари бир-бираға тулашиб кетади (йирик тухумсимон, қурама-тухумсимон шаклі).




9-расм. Тарвуз сиртидаги шакллар: 1 — расмсиз; 2 — яхлит түр; 3 — гүрли йүл-йүл; 4-5 — чети пистонлы меридиал йүллар; 6 — мозаика расмли; 7 — дөгли

ларининг ўлчами диаметри 1,5 см ортиқ, майда тухумсимон шаклли тасвирли — 1—1,5 см); тұрсымон-бутун қобиқ түр билан қолланған (ўзаро тулашмаган, парча-парча ҳамда бутқул тулашиб кетган); холсимон-мұйқалам билан чапланғанга ўшшаб туради (сийрак-тарвуз қобигининг ярмидан камини қоплаб туради, ўртача-яримни қоплаб туради, қалин-ярмидан ортигини қоплаб туради).



10-расм. Қовун сиртидаги шакллар:

1 — шаклсиз; 2 — ингичка үзүп якка-якка йұллар; 3 — узуқ-узуқ ингичка якка-якка йұллар; 4 — ингичка құш йұллар; 5 — узуқ-узуқ ингичка құш йұллар; 6 — лентали эили құш йұллар; 7 — күчсиз узуқ-узуқ эили құш йұллар; 8 — сиірек майда дөглар;



9 — зич майда дөглар; 10 — сийрак йирик дөглар; 11 — зич йирик дөглар; 12 — сийрак йирик арадашмалар; 13 — зич йирик арадашмалар; 14 — уч хил фоң; 15 — зич йирик пүкталар; 16 — ийдесиң лептігачалар

Қовун қобигидаги тасвири тасмасимон, хол-холли, йўл-йўлли кўринишида бўлади (10-расм). Тасмачалар (каржлар оралиғидаги оқиш ботиқ йўл): кенг — 0,8 см дан кенг, тор — 0,8 см дан қисқа. Тарами (фонига нисбатан рангдорроҳ): тор, ўртача, кенг яхлит, кенг ўртасидан бўйига иккига бўлинган, энсиз майда-майда бўлакчаларга бўлинган, хол-холи (оқ): йирик — 1,5 мм дан кенг, қалин, йирик, сийрак, майда — 1,5 мм дан тор, қалин, майда сийрак; бирикиб кетган бўлади.

Пўстининг ранги. Тарвуз оч яшил, кўк яшил, тўқ яшил ҳамда қорамтириш яшил; қовунникида лимонсимон, апельсинсимон, яшил, кўкиш яшил, тўқ яшил, кўк яшил, жигарранг яшил, жигарранг кўринишида бўлади.

Пўчоғининг қаттиқлиги қовундагина аниқланади. Қовуннинг пўчоғи: юмшоқ (бармоқ билан салгина босилганда бармоқ ўрнида из қолади), ўртача (бармоқ билан босилса қўйиб юборгандан кейин асл ҳолатига келади), қаттиқ (бармоқ билан босилмайди) бўлади.

Пўчоғининг қалинлиги магизи рангга киргунга қадар фақат тарвуздагина аниқланади. Тарвуз пўчоги 15 см дан қалин, ўртача — 1—1,5 см, юпқа — фақат 1 см бўлади.

Магизининг қалинлиги фақат қовундагина аниқланади. Қовуннинг магизи: қалин (қовун палласидаги магиз қалинлиги уруғ уясининг радиусидан катта бўлади), ўртача қалинликда (уруғдон радиусига тенг), юпқа (уруғдон радиусидан энсиз бўлади).

Магизининг ранги: тарвузники-пушти қизил, сарғиш қизил, қизғиши, оқиши, лимонсимон сариқ, апельсинсимон сариқ, икки рангли (магизининг турли жойларида турли ранглар бўлади); қовунники-сарғимтириш, сарғимтириш оқ, кўкиш оқ, кўкиши бўлади.

Магизининг зичлиги тарвузда дағал толали (магизи ейилгандан кейин оғизда қолдиги қолади), донадор (пишиб ўтиб кетган пайтда шилимшиқ илашади), майнин; қовунники картошки-касимон қасирлаган, тигиз қийишақоқ, юмшоқ ҳар-хил бўлади (айни пайтда магиз салгина, ўртача ҳамда дағал толали бўлиши мумкин).

Магизининг ширинлиги: жуда ширин, ширин, сал ширин.

Йўлдошнинг характеристери ҳамда жойлашиш тартиби. Қовуннинг йўлдоши қуруқ, уруғи ички томондан очилган; йўлдоши қуруқ, уруғи парда билан қопланган; йўлдоши нимжон кўринишили, сувли уруғи очиқ; йўлдошлари ўзаро бир бўлакка бирлашиб кетган.

Навни тавсифлаш япроқ ҳамда палакдан бошланади. Танобнинг узунилигини тавсифлаш энг яхши ривожлангани бўйича ўтказилади. Ҳисоботда танобнинг узунилиги метр ҳисобида ёзилади ҳамда нав мазкур белгиларга кўра қайси навлар гуруҳига кириши айтилади. Барг шапалогининг ўлчами ҳамда тузилишини тавсифлаш учун бош танобнинг тубидан бошлаб 10—15 япроқ олинади.

Барг шапалоғининг узунлиги бандини қўшмасдан тубидан бошлаб учигача ўлчанади. Ўлчашиб натижалари см да ва гуруҳи (йирик, ўртача ва майда) кўрсатилган ҳолда ҳисоботга ёзилади. Барг шапалоғининг шакли чамалаб аниқланаб, сўнгра ҳисоботда ифода этилади.

Шундан сўнг меваларнинг морфологик белгиларини тавсифлашга киришилади. Меванинг бўйи ва эни ўлчанади. Ҳисоботда унинг ўлчами см да ифодаланиб, мазкур нав мевасининг катталиги бўйича қайси гуруҳга тегишлиги айтиб ўтилади. Сўнгра мевасининг шакли, юзаси, тўрининг зичлиги ҳамда тури, қобигининг ранги, қобиқ тасвири ва тури, салгина босиб кўриш йўли билан пўчогининг қаттиклиги аниқланади. Бармоқ билан салгина босгандаги қобиқ ичкарига ботиб, қўл олинганда ўз ҳолига келмаса қобиқ юмшоқ, агар бармоқ билан босилгандан кейин қобиқ ўз ҳолига келса ўртача, умуман босилмаса қаттиқ ҳисобланади. Мазкур белгилар ҳисоботнинг тегишли бандига ёзиб қўйилади.

Магиз, йўлдош ҳамда уруғни тавсифлаш учун мева ўртасидан бўйига қараб иккига бўлиниши зарур. Агар уруғдан мева диаметрининг ярмидан кам қисмини эгалласа магиз қалин, агар уруғдан мева диаметрининг ярмига тенг бўлса, магиз қалинлиги ўртача ҳисобланади. Уруғдан мева диаметрининг ярмидан катта бўлса, магиз юпқа ҳисобланади. Мағизнинг ранги, йўлдошнинг характеристери ва ҳолати чамалаб аниқланади. Зичлиги ҳамда ширинлиги эса татиб кўриш йўли билан белгиланади. Мазкур белгилар ҳисоботнинг тегишли бандига ёзиб қўйилади.

Уруғларнинг характеристикиси жуда қисқа ифодаланади. Бунда методик кўрсатмага мувофиқ 2-ишга уруғнинг ўлчами, шакли, туси ҳамда ташқи кўриниши тавсифланади.

Ўқувчилар навнинг хўжалик белгилари ҳақидаги маълумотни маълумотнома адабиётдан топадилар ёки ўқитувчидан олишади. Тарвуз ва қовун навлари мева туғиши даври муддатига кўра (биринчи ва охирги теримгача бўлган вақтга кўра) фарқланади. Бу даврнинг қисқа муддати 20 кун, ўртачаси — 20—40 кун ва узоги — 40 кундан ортиқ бўлиши мумкин. Тарвуз навлари сақланиш муддатига кўра 3 гуруҳга: мақбул шароитда 2 ойдан ортиқ сақланадиган; сақланиш муддати ўртача — 1 ойдан 2 ойгача; кам сақланиш хусусиятли — 1 ойдан ортиқ, қисқа — 5—20 кун, жуда қисқа бўлиши мумкин. Жуда қисқа сақланиш муддатига эга қовунлар маза хусусиятини узоги билан 5 кунгача сақлайди ёки палагининг ўзидаёқ ачиб қолади.

Фойдаланиладиган асблор. Тирик ёки гербарийлаштирилган ўсимлик тури ҳамда районлаштирилган навларнинг пишган меваси. Плакатлар, расмлар, районлаштирилган навларнинг каталоглари. Қобигининг туси, қобиқдаги тасвир туси ва турларининг рангли шкаласи. Ошхона пичоқлари, патнислар, ўлчаш чизгичлари, штангенциркуллар.

ИТУЗУМДОШ САБЗАВОТЛАР

Халқ хўжалигидаги аҳамияти ва тарқалиши. Итузумдош сабзавот гуруҳига помидор, бақлажон ва қалампир киради. Улардан энг кенг тарқалгани помидор. Унинг меваси янги узилган ҳолида аччиқ-чучук кўринишида, тузланган, маринадланган, турли қўшимча ҳолида истеъмол қилинади. Помидор ҳосилининг ярми шарбат, пюре, паста, соус сифатида қайта ишланади. Помидорнинг меваси тўйимли мазали ва шифобахш хусусиятларга эга. Унинг таркибида ўртача 6—5% қуруқ модда, шу жумладан 3% шакар, 1% оқсил, 0,5 органик кислота, 0,8% бириктирувчи тўқима, 0,1% пектин ошёлари, 0,2% қуруқ ёғ, 0,6% минерал тузлар, мавжуд. Уларнинг таркибида калий, натрий, кальций, магний, фосфор, темир, олтингугурт, кремний, хлор бор. Улар С дармондорига бой (15—30 мг/%, баъзан 55 мг/%). Бундан ташқари РР, К, каротин, В гуруҳ дармондориларга ҳам эга.

Чучук қалампирнинг меваси янги узилган ҳолида салат тайёрлашда, ошпазликда, консервалашда ишлатилади. Аччиқ қалампирнинг меваси овқат ва консерва тайёрлашда зиравор сифатида ишлатилади. Таркибига қалампир қўшилган дорилардан ревматизм, радикулит, беззак ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Чучук қалампир таркибида 10% қуруқ, шу жумладан 4,93% шакар, 1,30% бириктирувчи тўқима, 1,51% оқсил, 0,5% кул мавжуд. Кул таркибида калий (50%), натрий, кальций, магний, алюминий, темир, фосфор, олтингугурт, хлор, кремний бор. Аччиқ қалампирнинг асосий қиммати унинг таркибидаги капсаицин (8—25%), чучугида эса катта миқдордаги С дармондори (яшилида 10—272 мм %, пишганида 132—482 мг%) мавжудлигидадир. Аччиқ қалампир меваси 33—45 мг% С дармондорига эга. Чучук қалампир мевасида шунингдек каротин (0,3—0,5 мг %), рутин (300—450 мг %), В гуруҳига кирувчи дармондори алоҳида ҳид таратувчи учувчан эфир ёғлари ҳам бор.

Бақлажон меваси консерва саноати ва ошпазликда қўлланади. Овқат учун уруғи ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ҳамда қотмаган 25—40 кунлик меваси ишлатилади. Бундай бақлажон 8—9% қуруқ моддага эга, шу жумладан 0,7—1,7% бириктирувчи тўқима, 0,5—0,7% пектин, 0,3—1,5% оқсил, 0,1—0,4% ёғ, 0,4—0,7 кул, 200 мг % дагал моддага эга. Унинг таркибида фосфор, кальций, магний, марганец, темир, аллюминий, олтингугурт, кремний, хлор С (1—10 мг%), РР ҳамда В гуруҳига кирувчи дармондорилар, каротин бор. Бақлажоннинг тузи унинг таркибидаги дельфиддин, аччиқ тами соланин гликоалколоид мавжудлиги билан изоҳланади.

Помидор ер юзининг ҳамма жойида етиштирилади. Бироқ у етиштириладиган асосий саҳн 65° шимолий ва 40° жанубий

кенглиқ билан чегараланған. Дунё бүйіча 50 млн тонна атрофида помидор етиштириләди. АҚШ — 6,1—6,3 млн т, МДХ — 4,7—4,8 млн т, Хитой — 4,1—4,2 млн т, Италия — 4,0—4,1 млн т, Турция — 3,5—3,7 млн т, Миср — 2,6—2,8 млн т, Испания — 2,1—2,3 млн т, етиштиради ҳамда әнг күп томат етиштирувчи мамлакатлар ҳисобланади. Помидор Европага XVI асрнинг ўрталарида, Россияяга эса XVIII асрда келтирилган.

Собиқ иттифоқ даврида унинг экин майдони 250 минг гектарни, умумий майдони эса сабзавот экинлари майдонининг 24% ини, ҳосили ялпи сабзавот ҳосилининг 27,4% ини ташкил этган. Әнг катта помидор майдонлари Украина ҳамда Россиянинг жанубига (35—36% дан), Молдовага (8,4%), Ўзбекистонга (6,5%) ҳамда Озарбайжонга (5%) түгри келган.

Қалампир ва бақлажон ҳам помидор етиштириладиган ерларда көнг тарқалған. Жаҳон бүйіча 5,5—5,7 млн т қалампир ва 4,3—4,5 млн т бақлажон етиштирилади. Турция, Хитой, Испания, Италия, Югославия, Греция, Руминия ва Болгария әнг күп миқдорда қалампир ва бақлажон етиштиради. Бу экинлар Европага XV асрда, Россияяга эса XVI асрда келтирилган.

Ўзбекистонда итузумдош экинлар Туркистон Россия томонидан босиб олингандан кейин XIX асрнинг охирларыда етишитирила бошланди. Ҳозирги пайтда помидор жумҳуриятимизда сабзавот экинлари майдонининг 36—37% ини эгаллайди, унинг солиштирма ҳиссаси эса ялпи сабзавот ҳосилининг 43—45% ини ташкил қиласы. Помидорнинг ўртача ҳосилдорлiği гектарига 23—24 т ни ташкил қиласы. Илгор хўжаликлар интенсив навлардан фойдаланиш ҳамда илғор экин етиштириш усувларини қўллаш әвазига бундан ҳам юқорироқ ҳосилдорликка эришмоқда. Масалан, Самарқанд районидаги "Москва" ҳамда Ф. Қосимова номли жамоа хўжаликлиари, Бўstonliқ районидаги Абай номли жамоа хўжалиги хўжалик бүйіча гектаридан 420—440 ц, Тошкент районидаги F. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги эса 386 ц помидор ҳосили олиши. Ўзбекистон районидаги Муқимий номли давлат хўжалигига А. Мелибоев бригадаси гектаридан 650 ц, Самарқанд районидаги Ф. Қосимова номли давлат хўжалигига М. Умаров бригадаси 515 ц, Бўstonliқ районидаги Абай номли жамоа хўжалигига С. Мирзаев бригадаси 298 ц, Тошкент районидаги F. Абдуллаев номли жамоа хўжалигига Т. Жасимов бригадаси 499 ц, шу райондаги Навоий номли жамоа хўжалигига С. Абдуллаев бригадаси 457 ц помидор ҳосили етиштириди.

Ботаник характеристикаси ҳамда биологик ҳусусияти. Помидор, қалампир ҳамда бақлажон итузумдошлар оиласига киради. Бақлажон Ҳиндистондан, помидор ҳамда қалампир Жанубий Америкадан келтирилган. Бу экинларнинг ҳаммаси бир йиллик экин сифатида ўстирилади, бироқ тропик мамлакатларда кўп йиллик экин сифатида етиштирилиши мумкин.

Деҳқончиликда стиштириладиган помидор навларига учта: қуий ёввойи, ярим маданий, ҳамда маданий тур киради. Ёввойи помидор тури деҳқончилика етиширилмайди.

Помидор ниҳолининг пояси майсасимон бўлиб, эгилувчан. У ўсгани сари дағаллашиб, мустаҳкамланади. Игнасимон туклар билан қопланади. Пояси ётувчан ҳамда бутоқланмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Помидор кўчатининг асосий пояси барг ҳосил бўлгандан кейин тўпгул-биринчи шингил билан якунланади. Шундан сўнг охирги баргнинг қўлтиғида куртак ҳосил бўлади. У бош поя вазифасини ўтайди ҳамда тўпгул-иккинчи шингил билан якунланади. Биринчи бутоқнинг охирги бандининг қўлтиғида, иккинчи подиум ҳосил бўлади. У учинчи шингил билан тугайди ва ҳоказо. Подиумининг ўсишига қараб индетерминант ҳамда детерминант туб турлари фарқланади. Индетерминант типли туп ўсимликларда қамма подиумлар бир хил тузилишга эга — 3 (баъзан 4) барг ҳамда шингилга эга бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши узлуксиз давом этади ва поя анча узунликка эга бўлиши мумкин. Детерминант тип турли ўсимликларда подиумлар сони кам, фақат биринчи, баъзан эса иккинчи подиумлар уч баргга эга. Кейинги подиумларда барглар сони камаяди, сўнгисида у бўлмайди. 1—2 баргсиз подиум ҳосил бўлиши билан асосий поянинг ўсиши тўхтайди.

Помидор ўсимлигининг барги уч хил: оддий, қат-қат бурама, картошка баргли бўлади. Оддий барг йирик япроқчаларининг ўртасида кичикроқлари, уларнинг оралиғида эса янаем кичикроқлари жойлашган, тоқ парсимон, тароқ-тароқ кўринишда. Баргларининг тузилиши ва ўлчами ривожланиш давомида ўзгариб боради. Қат-қат бурама турли барглар қисқа бандли бўлиб, жуфт-жуфт бўлиб жойлашади. Япроқларининг юзлари кучли қат-қат бурамали. Картошка баргли турлари йирик, оддий яхлит қиррали япроқчаларга эга. Катта-кичик япроқчалар унда кам учрайди.

Помидорнинг тўп гули жингалаксимон бўлиб, амалиётда уни шингил деб аташади. Олдин шингилнинг асосига яқин жойлашган гуллар, кейин эса тепадагилари очилади. Помидорнинг гули икки жинсли. Улар оддий ва мураккаб бўлади. Оддийларида гултож гилдираксимон, беш аъзоли, сариқ рангли, мураккабларида гултожибарглар сони кўпаяди, оналиги катта бўлади. Помидор меваси, сершарбатли бўлиб, ярим маданий помидор турига тегишли навлар икки уяли, маданий турига тегишли навлар эса кўп уяли. Помидор мевалари шакли, ўлчами, ранги, юза кўриниши ва бошқа белгилари билан ўзгарувчандир.

Бақлажоннинг пояси ясси, сербутоқ бўлиб, асос қисми ёғочга айланади. Бўйи 1 м ва ундан баланд. Бутоқланиши 5—12 барглар ҳосил бўлгандан кейин бошланади. Қанча илгари бутоқланса, мева тугиши шунча олдин бошланади. Барглари навбатма-навбат жойлашган бўлиб яхлит, бандли, яссидан тортиб тухумсимон, чўзинчоқ шаклли, тузи яшилдан тортиб, тўқ бинафша ранг. Гули

икки жинсли, 5—7 туташ гултожибаргли, ёлғиз ёки 2—5 түпгүл жингалаги жамланган, бинафша тусли ҳар хил түқликда. Ҳосили мева кўринишда бўлиб шакли, ўлчами, туси бўйича ўзгарувчандир.

Қалампир ўсимлигининг пояси ўтсимон, бироқ асос қисми ёғочсимон, баландлиги 20—80 см тик кўндаланг кесими дума-лоқдан беш қирралигача. Барги бандли, силлиқ тухумсимон ёки ништарсимон яшил тусли. Гули икки жинсли, 5—9 гултожибаргли, туси оқсариқдан кулрангбинафшагача. Ҳосили икки уч уяли, кўп уруғли этли мева, бироқ эти сувсиз, шакли, ўлчами сирт ва тус характеристи бўйича кучли ўзгарувчан. Қалампирнинг нави аччиқ ва чучук навларга бўлинади. Улар бир қатор морфологик белгиларига кўра фарқланади. Чучук навлари анча бутоқлаган йўғон пояли тупга эга. Тупидаги мевалари кўпроқ тепага қараб туради. Барги тухумсимон, йирик, гулкосаси мевасининг асосини қопламайди. Мевасининг шакли қиррали, кубсимон, цилиндр ёки конуссимон бўлиб тепа қисми тўмтоқ, мевабанди мевасига ботиб туради. Мевасининг диаметри 3 см дан ортиқ бўлиб, девори қалин, (2—6 мм). Аччиқ навли қалампирлар меваси паста осилиб турган қалин тукли, пояси ҳамда ингичка майдага барглари билан ажралиб туради. Гулкосаси мевасини ўраб туради. Мева банди ботмаган, мевасининг шакли хартумсимон ҳамда конуссимон, баъзан шарсимон, мевасининг диаметри 3 см дан кичик, этининг қалинлиги 1 мм.

Мақбул ҳароратда ҳамда намлик етарлича бўлганда помидор уруги 3—4, қалампирники 9—10 ва бақлажонники 7—8 кунда униб чиқади. Униб чиққандан 30—40 кун ўтгач, кўчати шоналай бошлайди, 40—90 кундан кейин гуллайди, гуллаганидан то ҳосили пишиб етилгунча 45—65 кун ўтади. Қалампир уруги сепилгандан кейин 10—12 кун ўтиб униб чиқади. Ниҳоли униб чиққач, гуллагуничча 60—100 кун ўтади. Техник етилиши 80—160 кун, физиологик етилиши 170—180 кун. Бақлажон ниқоли уруғ сепилгач 8—10 кунда униб чиқади. Техник етилиши кўчати униб чиққач 85—100, физиологик етилиши 130—180 кундан кейин бошланади.

Итузумдош экинлар, айниқса бақлажон иссиққа ўта талабчан. Помидор ҳамда қалампир уругининг униб чиқиши учун мақбул ҳарорат 20—25°, энг паст ҳарорат эса 10—12°, ўсимлигининг ўсиши учун эса мақбул ҳарорат кундузи 20—24°, кечаси 16—18°. Ҳарорат 15° дан паст бўлганда ўсимлик гулламайди. 10—13° бўлганда ўсишдан тўхтайди гулчанги етилмайди, тугунаклари тўқилиб кетади. Помидор ниҳоли ва ёш ўсимлик анча паст (ҳатто 0—0,5°) ҳароратга ҳам чидаши мумкин. Бироқ 1—2° совуқ помидор учун хавфлидир. -0,5° да гули ва мевасини совуқ уради. Қалампир ўсимлиги 0,3—0,5° совуқда ҳалок бўлади. Ҳарорат 15° дан юқори бўлганда помидор ҳамда қалампир ўсимлигининг ўсиши оғирлашади, гунча ҳамда тугунаклари тўқила бошлайди. Бақлажон уругининг ўсиши учун энг паст ҳарорат 13—14°, энг

қулай ҳарорат 20—30°. Тупининг ўсиши учун энг қулай ҳарорат 20—30°. 15—20° да бақлажон ўсимлигининг ўсиши сустлашади. 10—13° да эса ўсишдан тўхтайди. Бақлажон совуқقا ўта чидамсиз. 5—8 кун давомида ҳарорат 8—10° бўлиб турса ниҳоли ўлади. Помидор, қалампир ҳамда бақлажон ёргувевар ўсимликлар. Уларнинг кўпчилик навлари қисқа кунли. Шимолий навлари нейтрал.

Помидор ҳамда қалампир намликка ўртacha талабчан. Қурғоқчиликка эса нисбатан чидамли. Бироқ улар учун юқори даражада тупроқ намлиги (тахминан 70—80% НВ) ва ҳавонинг намлиги нисбатан пастроқ (тахминан 60%) бўлиши лозим. Бақлажон тупроқ намлигига талабчан. Унинг учун энг қулай тупроқ намлиги 80% НВ.

Помидор бошқа сабзавот экинларига нисбатан унча ер танламайди. Қалампир ҳамда бақлажон тупроқ унумдорлигига юқори даражада талабчан. Уларнинг ҳаммаси органик ҳамда минерал ўғитларга мойил. Улар учун механик таркиби бўйича органик моддаларга бой тупроқ энг яхши экин майдони ҳисобланади. Муҳит реакцияси нейтрал ёки нейтралга яқин, ($\text{pH} = 6,0\text{--}6,5$) бўлгани маъқул. Улар шўрга ўртacha чидамли. Итузумдош экинлар минерал элементлардан кўпроқ калий ҳамда азотни истеъмол қилиш билан бирга фосфор ўғитларини ҳам жуда яхши сингдирди. Фосфорсиз сифатли ва юқори ҳосил олиш жуда қишин.

Навлари. Дала шароитида экиш учун мамлакатимизнинг турли минтақаларида 90 нав атрофида помидор, 20 нав чучук ҳамда 14 нав аччиқ қалампир, 10 нав бақлажон районлаштирилган.

Помидор навлари тезпишар (кўчати униб чиққанидан ҳосили пишгунча вегетация мuddати 100—110 кун, кўчат қилиб ўтказганда эса 48—53 кун), ўртапишар (ниҳолидан 110—120 ва кўчатидан 60—65 кун), кечпишар (ниҳолидан 120—150 кун ва кўчатидан 68—72 кун) навларга бўлинади. Биринчи тўпгули эртапишарларида 7—8, ўртапишарларида 9—11, кечпишарларида 12 баргдан юқорида ҳосил бўлади. Ўзбекистонда эртапишардан "Тёмнакрасный-2077", "Талалихин-186", "Майкопский-урожайный-2090" навлари, ўртапишардан "Восток-36", "Перемога-165" навлари, ўртапишарлардан "Прогрессивный" "Подарок", бутунича консервалаш учун "Новинка Приднестровья", ўртакечпишар "Волгоградский-5/95" "Ўзбекистон-176", кечпишар "Октябрь" ҳамда "Юсупов" навлари районлаштирилган. Консервалаш ва комбайн билан бир марта йиғиштириб олиш учун эртаги "Колокольчик" ўрта эртаги "Узмаш", "Ракета", ўртапишар "Факел", "Равшан-50", "Радуга", "Полёт" навлари истиқболли деб тан олинган ҳамда экишга тавсия этилади.

Қалампир навлари ўсув даврининг муддатига қараб, эртапишар (ниҳоли униб чиққандан уруғи пишгунча 110—120 кун), ўртапишар (120—140 кун) ҳамда кечпишар (140 кундан ортиқ) турларга бўлинади. Жумҳуриятимизда ўртапишар навлардан аччиқ қалампирнинг "Маргилон-330" ҳамда ўртапишар чучук қалампир "Булғор-79", ўрта эртапишар "Ласточка" ҳамда "Дар

"Ташкента" навлари районлаштирилган. Бақлажон навлари ҳам эртапишар (кўчати униб чиққандан ҳосили техник етилгунча 110—120 кун), ўртапишар (120—140 кун) ҳамда кечпишар (140 кундан ортиқ) навларга бўлинади. Ўзбекистонда ўрта эртапишар "Аврора" нави ҳамда ўрта кечпишар "Ереванская-3" нави районлаштирилган.

Кўчат қилинадиган экинларни етишириш технологияси. Пайкалини танлаш ҳамда ўғит бериш. Итузумдош экинлар учун энг яхши ўтмишдошлар беда, эртаги кўкат ҳамда ловия экинлари, саримсоқниёз, пиёз, полиз экинлари, бодринг, карам қиссобланади. Уларни бир майдонда кетма-кет икки йил етишириш ҳамда ўз ўрнига уч йилдан олдин қайта экиш, шунингдек картошканинг ўрнида ўстириш тавсия этилмайди.

Ўзбекистон шароитида итузумдош экинларга қуйидаги минерал элемент озиқ миқдори тавсия этилади. Бўз тупроқли ерларда гектарига 120—200 кг N, 140—150 кг P₂O₅, 90—100 кг K₂O, ўтлоқ ҳамда ўтлоқ ботқоқ тупроқлар учун 140—150 кг N, 140—150 P₂O₅, 100 кг K₂O. Экин беда ўрнига экилганда азот ўғитларининг миқдори 20—25% камайтирилади. Фосфор ҳамда калий ўғитлари бериш миқдорини ернинг таркибиغا қараб аниқланади.

Органик ўғитлар, йиллик фосфорнинг 70% и ҳамда калий ўғитининг 50% и асосий ҳайдов олдидан берилиши тавсия қилинади. Қолган фосфор ва йиллик азот миқдорининг 25% и биринчи озиқлантириш пайтида, 50% калий эса қосил туга бошлаган даврда, иккинчи озиқлантириш пайтида берилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Итузумдош экинлар ишлов берилган ерга, майдон рельефига юқори даражада талабчан. Бу экинлар учун мўлжалланган ер илож борича тўғри бурчакли бўлиб, ҳайдов узунлиги 200—300 м, қиялиги 5—7° дан ортмаслиги керак.

Итузумдош экинлар учун мўлжалланган ер юмшатилади. кузги шудгор қилинади ҳамда жорий режалаштирилади. Дала бегона ўтлардан тоза бўлса, кузги шудгор ерни юмшатмасдан туриб ўтказилади. Кўп йиллик бегона ўтлар билан ифлосланган ерларни эса далани юмшатишдан олдин ВКС-1,8 машина ёрдамида уларнинг илдизидан тозаланади. Кузги шудгордан олдин далага гектарига 20—30 т гўнг, 90—120 кг фосфорли, 70—100 кг атрофида калийли ўғитлар солинади. Итузумдош экинлар учун ажратилган далаларни режалаштириш лозим. Бу иш кузда ер юмшатилгач ёки кузги шудгордан кейин бажарилади. Айни пайтда сидирилган тупроқ қатламишининг чуқурлиги 6—7 см дан ошмаслиги керак.

Ерга экиш олдидан ишлов бериш экиш муддати ҳамда тупроқнинг механик таркибига боғлиқ. Помидор уруғи эртаги муддатда экилганда енгил тупроқларда ерни эрта баҳорда бароналаш билан чекланади. Анча зич тупроқли ерларда помидор уруғи кечроқ муддатларда экилса, барча итузумдош экинлар кўчатидан экилгандаги сингари, эрта баҳорги бароналаш ҳамда

чизеллаш ўтказилади, оғир тупроқли ерларда эса эрта баҳорги бароналаш ҳамда чизеллаш ёки кузги шудгор йўналишига кўндаланг йўналишда ағдармасдан ҳайдов ўтказилади. Эрта баҳорги бароналаш тупроқ тури ҳамда унинг ҳолатига боғлиқ равишда оғир ёки ўртача оғирликдаги бароналар ёрдамида амалга оширилади. Экиш олдидан ўтказиладиган чизеллаш 8—12 см чуқурликда бажарилади. Айни пайтда ер бароналаб ҳам кетилади. Ерга ишлов бериш ПЛН-5-35 ағдармасдан ҳайдайдиган плуг ва унга туташтирилган прицепли барона билан 25—30 см чуқурликда амалга оширилади. Сўнгра ер КЗУ-0,3 режалаштиргич билан текисланади.

Гербицид солиш. Ифлосланган ерларда помидор индустрисал технология асосида стиштирилганда гербицид қўлланади. Тошкент Давлат аграр университети тадқиқотлари жумҳуриятимизда суғориладиган тупроқ шароитида экинзорларга уруғ униб чиқмасдан трефлан, нитрофор, дифенамид, рамрод ҳамда зенкор, шунингдек униб чиққандан кейин зенкор солиш яхши натижа беришини кўрсатади. Уруғ экилиши ёки кўчат ўтқазилишидан 4—5 кун олдин ерга 7—8 см чуқурликда ишлов берилади ва гектарига 0,75—1,0 таъсирчан модда ёки 3—4 кг препарат миқдорида трефлан солинади. Уруғ экишдан ёки кўчат ўтқазишдан олдин ерга 6—8 см чуқурликда ишлов бериш билан биргаликда гектарига 4 кг препарат миқдорида нитрофор солинади. Рамфорд кўчат ўтқазилишидан олдин ёки уруғ сепилгандан кейин гектарига 5—6 кг препарат миқдорида берилади. Дифенамид гектарига 5 кг препарат ёки 4 кг таъсир этувчи модда миқдорида қўлланади. У экишдан олдин ёки экиш пайтида солинади. Зенкорни кўчат ўтқазиш олдидан ёки уруғ экилгандан кейин гектарига 0,5—0,7 кг ё бўлмаса 3—4 чинбарг чиқарганда 0,25 кг миқдорда қўллаш мумкин. Кўчат униб чиқишидан олдин қўллашда дифенамид (2 кг/га) ҳамда зенкор (0,25 кг/га) гербицидларидан бири қўлланади. Ишлатиладиган суюқлик сарфи гектарига 500—600 л. Гербицидлар бериш учун горизонтал ўрнатилган ОТН-8, ПОУ штангасидан фойдаланилади. Агрегатнинг ҳаракат тезлиги доимий бўлиб, соатига 6—7 км бўлиши лозим.

Ўсимликларни экиш муддати ва тартиби. Кўчат ўтқазиш 8—10 см чуқурликдаги тупроқнинг қизиши 12—13° дан ошганда бошланади. Жумҳуриятимизнинг марказий қисмида эртаги помидор кўчати одатта 10—20 апрелларда, кечкиси эса 20 апрелдан 10 майгacha экилади. Жанубий вилоятларда эса икки ҳафта кейин амалга оширилади. Эртапишар навлардан кечки муддатларда маҳсулот олиш учун уларнинг кўчатини июннинг иккинчи ярмидан тақрорий экиш мумкин. Бақлажон ҳамда қалампир яна ҳам иссиқсевар ўсимлик ҳисобланади, шу боисдан улар помидордан кечроҳ: жумҳуриятимизнинг жанубида 15—20 апрелларда, марказий қисмида 20—30 апрелларда ҳамда шимомлида 1—10 майларда экилади.

Кўп марта қўлда териб олиш ҳамда ярим мханизациялаштирилган теримга мўлжалланган помидорнинг "Юсупов" нави 90x40 см тартибда ҳамда бошқа баланд бўйли навлар 90x25—30 см тартибда гектарига 37—44 минг кўчат қалинлигига, паст бўйли навлар 90x15—20 см ёки 70x25 см тартибда гектарига 55—74 минг кўчат қалинлигига етиштирилади. Кўчат ўтқазиш қўлда бажарилади, ўсув даврининг бошида ерга ишлов бори:ш ҳамда сугориш барча қатор ораларида, кейин эса ҳар иккинчи қатор оралигига амалга оширилади. Комбайнда йиғишириш учун мўлжаллаб экилган помидор навлари икки қаторли лентали усулда етиштирилади. Ракета туридаги фуж ўсуви помидор навлари 90+50 ҳамда 100+40 см тартибида, кўчат оралиги 10—15 см бўлгани ҳолда гектарига 90—140 минг кўчат қалинлигига етиштирилади. "Новинка Приднестровья" туридаги ўртапишар навлар мазкур тартиблардан ташқари, шунингдек 120—160 см тартиб бўйича ҳам етиштирилади. Барча ҳолларда кўчат оралифи 20—25 см бўлади. Ўрта бўйли навлар учун кўчат қалинлиги гектарига 55—71 минг дона.

Бақлажон ҳамда қалампир оддий усулда етиштирилади. Бақлажон кўчати 70x40 см, қалампир кўчати эса 70x25—20 см тартибида ўтқазилади.

Кўчат МТЗ-80 тракторига тиркалган СКН-6 ҳамда СКН-6А (21-расм) кўчат ўтқазиш машиналари ёрдамида экилади. Нотўғри ўтқазилганлари изма-из қўлда тўғрилаб кетилади. Кўчат экиш билан бир пайтда сугориш жўяклари олиниб, изма-из кўчат суви берилади. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ҳамда картошка-чилик илмий тадқиқот институти тажрибалари кўрсатганидек, бундай сув беришини 0,05% ли хлорофос суюқлиги билан бирга амалга ошириш лозим. Бу фақатгина кўчнатнинг яхши тутишига, балки итузумдош экинларнинг кузги тунлам билан заарланишининг олдини олишга ҳам яхши ёрдам беради. Кўчат ўтқазилгандан сўнгра кўчат суви берилади. Икки қаторли лентасимон усулда ўтқазиша жўяк тор қатор оралигига олинади. Пайкалнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, кўчат ўтқазилгандан 4—5 кун кейин, сўлиб қолган кўчатлар ўрнига янгилари ўтқазилади.

Усимликини парваришлаш. Итузумдош экинлар қатор оралигига кўчатлар тутгандан кейин, яъни улар экилганидан 8—10 кун кейин биринчи ишлов берилади. Ишлов бериш қатор ораларига айни бир пайтда минерал ўғит солиш ҳамда сугориш жўякларини олиб кетиши билан биргаликда механизация асосида юмшатишдан иборат. Қатор ораларига ишлов бериш ҳар сугориш ёки икки сугоришдан кейин тупроқ ҳайдовга келган пайтда ўтқазилади. Ўсув давомида, камидаги 6—7 чопиқ амалга оширилади. Дастрлабки чопиқлар ҳимоя зонаси 15—20 см бўлгани ҳолда 10—12 см чуқурликда ўтқазилади. Кейинги ишлаб бериш чуқурлиги оширилади ҳамда ҳимоя зонаси кенглини кўпайтирилади. Ҳосилни комбайн асосида йиғишириб олишга мўлжалланган

пайкалларда сўнгти қатор оралиғига ишлов бериш сугориш жўякларини олмасдан ўтказилади.

Помидор икки қаторли лентасимон усулда етиширилганда биринчи 2—3 сугориш топ қатор оралиғида ўтказилади, кейин эгат олинниб, сув кенг қатор оралиғига қўйилади. Топ қатор оралиқларига сув қўйилмайди, улар ФПУ-4,2 ҳайдаш механизми ёки иккита кесак майдалагич ўрнатилган стрелкасимон тиш билан ишланади. Топ қатор оралиғида эгат бўлиши ҳосилнинг йўқотилишига олиб келади, зеро ҳосилни йигиштириб олиш пайтида унга тушган мевалар тупроққа кўмилиб қолади.

Ўзбекистон тупроғи сугорилганда анча зичлашади, шу боисдан ўсув мобайнида қатор оралари ҳайдалиши билан бир пайтида ўсимликлар атрофи 1—2 марта қўлда чопиқ қилинади. Қўл чопиғини ПАУ-б чопиқ агрегати ёрдамида қисман механизациялаштириш мумкин.

Помидор ўсимлигини парваришлашнинг муҳим бўғинларидан бири унинг бутоқларини тўғрилаб қўйиш ёки пуштага ётқазиши дир. Бу помидор мевасини кун уришидан, шунингдек ҳосилни йигиштириб олиш пайтида механик жароҳатланишдан сақлайди.

Итузумдош экинлар намлиқка юқори даражада талабчан. Бу уларнинг намлиқни юқори даражада парлантариши ҳамда илдиз тузилмаси нисбатан кучсиз ривожланганни ҳолда катта миқдорда серсув мева ҳосил бўлиши билан боғлиқ.

Итузумдош экинлар учун энг қулай тупроқ намлиги илдиз озиқланадиган қатламидаги намлик бўлиб, ялпи гуллашгача НВ га нисбатан 75%, сўнгти босқичда эса 80% ҳисобланади. Итузумдош экинлар учун сизот сувларининг жуда яқин жойлашиши мақбул эмас.

Ҳосили механизация асосида йигиштиришга яроқли помидор навлари сизот сувлари чуқур жойлашган кулранг тупроқли ерларда етиширилганда гектарига 500—700 м³ миқдорда 14—16 марта сув берилади. Ҳосили кўп марта йигиштириб олинадиган помидор навлари, қалампир ва бақлажон бундай тупроқли ерларда етиширилганда 18—20 марта сув берилади. Ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқ ҳамда ўтлоқ ботқоқли ерларда итузумдош экинлар анча кам — 12—14 марта сугорилади, бироқ мазкур ерларда сугориш миқдори анча кўпайтирилади (гектарига 600—800 м³ гача).

Ўсимликларнинг тупроқ намига талаби ўсув даврининг иккичи ярмига келиб ошади. Ёзги ҳароратнинг кўтарилиши итузумдош экинларни ҳар 10—12 кунда, кейин ҳафтасига бир марта, мева туға бошлаган ва ҳосили пиша бошлаган пайтида эса ҳар 4—5 кунда сугоришни талаб қиласди.

Ҳосили комбайнлар билан йигиштиришга мўлжалланган помидор пайкалларида сугориш йигиштиришга киришишдан 20—29 кун аввал тўхтатилиади. Бунда тупроқ намлиги НВ га нисбатан 60—65% га пасаяди. Сугориш муддатини ўсимликни ташқи

кўринишига қараб ҳам белгилаш мумкин. нам стишмаган тақдирда ўсимликнинг барглари тўй яшил тусга киради ҳамда кун қизиган пайтлари шалпайиб сўлиб қолади. Нам ортиқча бўлганда эса барглар оч яшил тусни олади.

Касалликлар ҳамда зааркундаларга қарши кураш. Ўзбекистонда итузумдош экинлар касаллигидан столбур, мозаика, шох чириши, бактериал рак, зааркундалардан эса кузги ҳамда пахта тунлами энг кўп тарқалган. Вирусли касалликларни олдини олиш тадбирлари ҳамда экишдан олдин уруғга ишлов бериш (икки сутка давомида 50—52° ҳамда бир сутка давомида 80° иситган ҳолда кейин 0,3% ли метил суюқлиги билан намлаш, ҳар килограммини 6—8 г ТМДТ препарати билан пуркаш), кўчатни экишдан олдин комбинацияланган метил суюқлиги (10 л га 3 г ҳисобида) ва 1% ли бардосс суюқлиги аралашмасини пуркаш, кўчатни далага ўтказгандан 20—25 кун кейин вирус ташувчи қашоратларга қарши гектарига 1—1,5 кг БН-58 (рогода) суюқлигини пуркаш, ўсимлик чириши касаллигига қарши экишдан олдин уруғни 0,2% мис кукуни суюқлигига ёки 0,01% калий перманганат суюқлигига ишлашдан иборат комплекс тадбирлар қўлланади.

Кузги тунламга қарши курашишда картошкачиликдаги тадбирлар қўлланади. Пахта тунламига қарши комплекс биологик ҳамда кимёвий кураш усулларидан фойдаланилади. Ҳашорат уруғига қарши 3 муддатда биологик тадбирлардан трихограмма қўлланади. Бунда ҳар бир гектарга уруғ қўйишнинг бошида, оммавий уруғ қўйишда ва уруғ қўйишнинг охирида 40—80 минг донадан трихограмма тарқатилади. Капалак қуртига қарши эса хабробракан энтомофагидан ҳамда гектарига 3 кг дендробациллин биопрепаратидан фойдаланилади. Кичик ёшдаги капалак қуртига қарши кимёвий тадбирлардан гектарига 2 килограмм хлорофос ёки 1,5 кг БН-58 пуркалади. Катта ёшдаги капалак қуртлари учун эса заҳарланган хўраклар қўлланади.

Уруғдан экин стиштириш усулиниңг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон шароитида барча итузумдош экинларни очиқ далада бевосита уруғидан стиштириш мумкин. Бироқ қалампир ҳамда бақлажоннинг уруги жуда секин униб чиқади ҳамда тўлиқ кўчат бермайди, шу боисдан улар асосан кўчат усулида стиштирилади.

Помидорни уруғидан стиштириш сабзавотчиликда кенг тарқалган. Уруғидан экилган помидор ҳосили кўчат қилиб ўтказилганидан кам бўлмайди. Бироқ уруғидан стиштирилганда ҳосил 2—3 ҳафта кечроқ етилади. Кўчат қилмасдан экишда помидор агротехникиси баъзи бир хос хусусиятларга эга. Помидор уруғини экишдан олдин тайёрлашнинг энг илгор усули хамиртурушлашдир. Хамиртурушлаш калибровкалаш, макро ҳамда микро усуллар билан бойитишни ўзида жамловчи комплекс усуllibардан иборат бўлиб, уруғ ўлчамини катталаштиради ҳамда унинг шаклини шарсимон ҳолга келтиради. Тўлдирувчи восита сифатида чириган гўнг, шарбати сиқиб олинган узум қолдигидан иборат

ўғит аралашмаси, ПМУ-2, ПМУ-7 ярим микро ўғитидан қўлланади. Хамиртурушланган уруғнинг диаметри 3—3,5 мм гача етиб, массаси 3х4 баравар ошади.

Жумҳуриятимизнинг марказий миңтақасида уруғни бевосита далага экиш учун энг қулай муддат 20 мартадан 10 апрелгачадир. Комбайнда йиғишириш учун мўлжалланган эртапишар навларни босқичли график асосида май ойининг ўрталаригача экиш мумкин. Бунда тупроқнинг етилиш муддати (НВ нинг 55—60% атрофида) ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Намлик юқори бўлса, ер зичлашиб тупроқ ғоваклиги йўқолади ҳамда экиш сифатсиз бўлади. Намлиги қочиб қолган ерга уруғ экса бўлади. Бунда уруғ экилган заҳоти экиш пайтида олинган жўяклардан жилдиратиб уруғ суви бериш керак. Бевосита далага экиш СКОН-1,2, СО-4,2, СОН-2,8 сабзавот сеялкалари ёки уруғни уяларга аниқ қадайдиган СКУП-4,2 ва СПЧ-6 сеялкалари билан ўтказилади.

Экиш олдиндан ёки экиш пайтида унча чуқур бўлмаган жўяк олиш билан биргаликда ўтказилади. Жилдиратиб сув берилганда унаётган уруғ етарли намлик билан таъминланади. Бунда уруғ бехато униб чиқади. Уруғ экиш нормаси кейинчалик механизациялашган яганалашни ҳисобга олган ҳолда хамиртурушланмаган уруғ учун гектарига 2,5—3,0 кг, хамиртурушланганига эса 8—10 кг бўлиши лозим. Агар помидор кўчнатини экишда яганаламаслик мўлжалланса экиш миқдори икки бараварга камайтирилади. Уруғни бевосита далага экишда сеялкаларга плуг тиши 4 см гача чуқурликда чегаралаб қўядиган мослама ўрнатилиши билан ўтказилади. Уруғни 4 см дан чуқур ёки юзага 1—2 см дан яқинроқ ташлаш кўчат униб чиқишини камайтиради ҳамда ҳосилдорликка жиддий таъсир кўрсатади.

Уруғ кўчатларни парваришлаш кўчат ўтқазишдан фарқли равишда ниҳолларни яганалаш тадбирини ҳам ўзида мужассам этади. Аниқ экадиган сеялка билан ҳар бир уяга 3 донадан уруғ ташлаб, ғуж бўлиб ўсадиган навлар уруғи уяларининг оралиги 15 см ва ўртапишар навлар уруғи уяларининг оралиги 20—25 см бўлса қўлда яганалаш ишларини ўтказмаслик мумкин. Яганалаш ишни сеялкаларида бажариладиган пайкалларда, КРН-4,2 культиватори ёрдамида амалга оширилади. Бунда ҳайдов кенглиги 15—25 см ва кўчат кенглиги 10 см бўлгани ҳолда, культиватор жўякларга нисбатан кўндаланг ўтиши лозим. Ёки лавлаги яганалагич УСПМ-4 механизмидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ҳайдов кенглиги 20—25 см ҳамда кўчат майсаси 5—10 см қилиб олинади. Механизация асосида яганалаш 1—2 чинбарг чиққандা ўтказилиб, азот ҳамда фосфор ўғитларини бериш билан бирга олиб борилади. Яганалаш ҳамда озиқлантиришдан кейин кўчатни сугориш зарур. Етарли кўчат қалинлигига эришиш учун кўчат майсалари қўлда бир сидра яганалаб чиқилади. Бу тадбир 3—4 чинбарг чиққандা ўтказилади. Механизм юлиб кетган ниҳоллар ўрни яганалаш пайтида олиб ташланиб, соглом кўчатлар билан тўлдирилади.

Помидор уругидан чиққан күчатлар ўсув даврида анча бошқача тартибда ерга ишлов бериши талаб қиласы. Қатор ораларига биринчи ишлов бериши ниҳол униб чиққунча ўтка-зилади. Иккінчиси эса 1—2 чинбарг пайдо бўлганда жўякка кўндаланг равишда яганалаш учун ишчи органларини ўрнатган ҳолда ўтказилади. Айни пайтда ниҳол озиқлантириб ҳам кетилади. Навбатдаги ишлов ўсув даврида ўтказилади. Ундан кейингиси ҳосил тугабошлаган пайтда ҳамда мева пишиш арафасида озиқлантириш билан бир пайтда олиб борилади. Биринчи культивацияларнинг чуқурлиги барча ишчи органлари учун 8—10 см бўлиши лозим. Оғиш 2 см дан ортиқ бўлмаслиги керак. Биринчи культивация пайтида ҳимоя зонасининг кенглиги 8—10 см, иккинчисида 12—15 см ҳамда кейингиларида камидан 20 см бўлади. Қолган парвариш ишлари худди кўчатидан ўтқазилган экинларники сингари.

Ҳосилни йиғишитириб олиш. Помидор меваси қуйидаги етилиш даражисига эга: яшил (меваси тифиз, нормал ўлчамга эга, оқиш кўк тусли), қаймоқранг (меваси ялтироқ, зич туси оқиш қорамтириб бўлиб оч пушти доғли), пушти ёки сарғиш (мевасининг зичлиги анча камайган, мевасининг катта қисми пушти қорамтириб) қизил (меваси навига хос тусга ва мағизга эга). Меваси мўлжаллига қараб ҳар қандай етилиш даражасида терилиши мумкин. Узоқ жойларга жўнатишга мўлжалланганлари қаймоқсимон ёки қўнғир тусга кирганда, узоқ бўлмаган жойларга жўнатиш учун мўлжалланганлари эса пушти, маҳаллий истеъмол учун мўлжалланганлари эса тўла етилганда узилади.

Помидор ҳосили кўп марта ҳамда бир марта териб олинини мумкин. Ҳосилни кўп марта йиғиб олиш меваси навбатма-навбат пишадиган навларга тааллуқли. Бундай навларнинг меваси узоқ муддат тупида турishi мумкин эмас, чунки навбатдаги мевалар пишгунча улар ўзининг товарлик хусусиятини йўқотади. Мазкур навларнинг меваси мавсумда 15—20 марта йиғиб олинади. Қурама (ялпи) йиғишитириб олиш усули қийғос пишадиган йирик мевали навлар ёки кичик мевали, унча қийғос пишмайдиган ҳамда тез пишиб ўтиб кетадиган мевали навларда қўлланилади. Ҳосили 20—40% пишганда 1—2 қўл терими ўтказилади, қолган 70—80% ни эса ялпи комбайн териб олади. Бир марталик териб олиш ҳосили қийғос пишадиган, физик-механик хусусияти юқори ҳамда пишган меваси тупида узоқ муддат сақланадиган навларда амалга оширилади. Бир марта йиғишитириб олиш биринчи мевалар пишгандан 25—30 кун кейин, ўсимликдаги 70—80% ҳосил пишганда комбайн воситасида амалга оширилади.

Чучук қаламтириб мевасини териш асосан оч яшил тусга кириб, техник, баъзан эса тўла етилганда амалга оширилади. Аччиқлари биологик жиҳатдан тўлиқ етишиб, тез қизил тусга кирганда териб олинади. Чучук қаламтирилар ҳар 4—5 кунда, аччиқлари эса бирваракай териб олинади. Бақлажон ҳосилини йиғишитириш июль ойининг бошида бошланади. Бақлажон техник жиҳатдан етилган-

да, яъни навига хос катталик, шакл ҳамда тусга кирганда терилади. Терим кузгача давом этади.

Помидор, қалампир ҳамда бақлажонни қўлда териш жуда сермеҳнат жараён. Қўл терими ҳосилнинг етилишига қараб ҳар 3—5 кунда ўтказилади. Помидор ҳосили бандисиз, қалампир ҳамда бақлажон эса банди билан узилади. Ҳосил челяк, саватга йиғилиб, сўнг яшикларга жойланади ҳамда пайкал четига чиқарилади ёки вақтинчалик жўяклар ичига қўйилади. Қўл терими ПОУ-2 универсал сабзавот терувчи ўзиюрар шасси ёки ППСШ-12А ўзиюрар шассига осиб қўйилувчи механизм асосида қисман механизациялаштирилиши мумкин.

Помидорни комбайн воситасида бир йўла йиғишириб олиш учун ўсимлик ва далани тегишли равишда тайёрлаш талаб қилинади. Ҳамма помидор навларининг ҳосили бир йўла йиғишириб олишга тайёр бўлавермайди. Ҳосил теримини кечиктириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки жуда иссиқ бўлганда туп пасидаги мевалар ўзининг товарлик сифатини жуда тез йўқотади. Шу сабабли ҳосил етилишини тезлаштирувчи омиллардан фойдаланилади. Бунинг учун ўсимлик мевалари 10—15% пишганда гидрел ёки композан суюқлиги билан пуркалади. Ўшиш регуляторининг миқдори гектарига 2—8 кг. Ишчи эритма сарфи гектарига 800—1000 л. Регулятор дориларни қўллаш натижасида 12—16 кундан кейин 80—90% пишган ҳосил олиш мумкин.

Пайкални комбайн теримига мослаш вақтинчалик сугориш эгатларини текислаш, биринчи ўтиш (8 м кенгликда) ва бурилиш майдончаларини (15 м) тайёрлашдан иборат. Чет ва бурилиш жойларидағи ҳосил қўлда терилади. Ҳосил теримидан 3—4 кун олдин пайкални енгил даражада сугориб олиш керак. Бу кесакларни юмшатиб, комбайн ишлаётган чанг кўтаришининг олдини олади.

Помидор йиғишириш учун ишлатиладиган машина комплекси СКТ-2 ўзиюрар комбайн ҳамда МТЗ-80 ёки Т-28х4М тракторига тиркалган ПТ-3,5 платформасидан иборат. Платформа 7 та контейнер, КОН-0,5 контейнер ортгич билан жиҳозланган.

СКТ-2 комбайнни бир ўтишда икки қатордаги ҳосилни териб кетади. Комбайннинг япалоқ пичноқлари ўсимликни 2—3 см чуқурликда кесиб кетади. Кесилган ўсимлик тупроқ қатлами билан бирга транспортёрга келиб тушади. Майда тупроқлар тўқилиб қолади, кесаклар ҳамда тўқилган мевалар кўчма транспортёрга, ўсимлик эса мева ажратигча тушади ва сўнгра пайкалга ташланади.

Саралаш столи майдончасида ишчилар меваларни ажратиб навларга саралаш столи транспортёрига ташлашади. Бу ерда сараловчилар мева ичидан пишмаган помидорларни териб олиб, элеваторга қўядилар. Элеватор бу меваларни бункерга жўнатади. Кесаклар ҳамда ностандарт мевалар транспортёр ёрдамида далага ташлаб юборилади. Пишган стандарт мевалар транспортёр орқали прицеп контейнерларига тушади. Комбайн тўғри созланганда теримининг тўлиқлиги 85—90% бўлиши, ҳосилни йўқотиш эса

10—15%, кесакларнинг миқдори 9—10% дан ошмаслиги керак. СКТ-2 комбайнининг унумдорлиги гектарига 400—500 ц/га ҳосил йиғиштирилганда соатига 0,2 гектар. Ҳосилни комбайнда йиғиб олинса қўйл мөҳнатининг харажати 2,5—3 баробар камаяди. Даладан контейнерда мевалар СПТ-15 саралаш пунктига жўнатилади. У мевани қабул қилиш бункери, учта узун ва битта саралаш столидан, бункер ҳамда тушириш транспортёридан иборат. Мева саралаш пунктига туширилади ва қайта ишлашга жўнатилади.

Уруғчилик. Уруғлик итузумдош экинлар чистдан чангланмаслиги учун пайкали очиқ жойда 300 м, ҳимояланган ерда 100 м бўлиши керак. Уруғчилик пайкаллари агротехникиаси одатдагидек бўлиб, барча деҳқончилик тадбирлари юксак даражада бажарилиши лозим.

Биринчи нав тозалаш кўчат танлаш олдидан, иккинчи тозалаш эса мева етилиши арафасида ўтказилиб, касал ҳамда тегишли нав учун хос бўлмаган меваларни олиб ташлаш орқали амалга оширилади.

Ҳосил тўла биологик етуклик — пишган пайтида териб олиниади. Ҳосилни йиғишдан олдин қўшимча нав тозалаш ўтказилади. Ҳосилни танлаб теришда кенг қамровли платформалар ҳамда транспортёрлардан фойдаланилади. Териб олишга яроқли мевалар ЦКТ-2 помидор териш комбайнлари ёрдамида бир йўла йиғиштирилади.

Помидор уруғини ажратиш ва юваб олишда ВСТ-1,5 ҳамда МПП-1,5 машиналаридан фойдаланилади. Уругни юваб олиш помидор шарбати ишлаб чиқариш билан бирга олиб борилади. Ажратилган уруғ идишга жойланади ва у помидор шарбатига тўлдирилиб уруғ сиртидаги ёпишқоқ парда емирилгунча ачитилади. Шундан сўнг қуёш нурида 11% нами қолгунча қуритилади. Қурнган помидор уруғини тозалаш ҳамда саралаш ишлари К-218 ва К-531/1 машиналари, ПСС-2,5 пневмосаралаш машиналарида бажарилади. 1т мевадан кўп бўлмали навлардан 2—4 кг, кам бўлмали навлардан эса 5—6 кг уруғ чиқади. Уруғнинг ҳосилдорлиги гектаридан 60—80 кг га тўғри келади. Қалампир уруғини ажратиб олишда қайта жиҳозланган СОМ-2 артиш машинасидан фойдаланилади. Бандидан ажратилган аччиқ қалампир навларининг меваси икки марта машинадан, кейин ғалвирдан ўтказилади. Аччиқ қалампир навлари очиқ ҳавода ажратиб олинади, ишчилар қўлқоп, ҳимоя ойнаги ва юзларига дока тақиб олган бўлиши керак. Уруғ мева қолдиқларидан ювилиб, 11% нами қолгунча қуритилади. 1т чучук қалампир нави мевасидан 6—8 кг, аччиғиникидан эса 10—18 кг уруғ олинади. Уруғнинг ҳосилдорлиги гектаридан 2 ц.

Бақлажоннинг териб олинган меваси олдин юмшashi ва тўла пишиб етилиши учун бир жойга уйиб қўйилади, шу ҳолда 9—12 кун сақланади. Уруғи СОМ-2 артиш машинасида ажратилади. Кейин уруғ юваб қуритилади. 1т мевадан 4—6кг уруғ олинади. Бақлажон уруғининг ҳосилдорлиги гектарига 1—1,5 ц.

Амалий машгулот

12-мавзу. Помидорнинг районлаштирилган навларини ўрганиш

Машгулотнинг мақсади: Помидор ўсимлиги ҳамда мевасининг морфологик белгиларини ўрганиш ва мазкур экиннинг минтақада энг кўп тарқалган навларини тавсифлаш.

Топшириқлар. Тирик ёки құритилган ўсимлик, табиий ёки консерваланган мевадан фойдаланиб, ўқувчилар навнинг морфологик белгилари билан танишишади, номи тилга олинган экинларнинг мантақада районлаштирилган навларини тавсифлашади. Ўқувчилар вазифани бажариш учун 3—4 кишидан звеноларга бўлинади. Навларни тавсифлаш 19-жадвалда кўзда тутилган изчилликда олиб борилади. Схеманинг бўш бандлари тагидан тавсифланётган навларнинг номи кўрсатилади. Ҳар бир навнинг тагидан унинг нав белгилари характеристикаси ёзиб қўйилади. Тўлдирилган тавсифлар схемаси, вазифани бажарганлик ҳақида ҳисобот бўлиб хизмат қиласи.

19-жадвал

Помидор навларини тавсифлаш

Нав белгилари	Навлар				
1					
1. Тупи: хили катталиги барглилиги 2. Барги хили барг бўленишининг характеристи барг бўлагининг сони барг бўлагининг туси барг бўлагининг юзаси 3. Шингили: хили узунлиги тутиш баландлиги 4. Меваси: шакли туси катталиги, г юзаси бўлмалилиги уругнинг сони 5. Парвариш даври, кун					

Навларни тавсифлаш пайтида қўйидаги морфологик белгилар гуруҳига амал қилинади.

Ўсимлик туп хили. Пояснинг мустаҳкамлиги бўйича оддий (ётувчан, сершоҳ пояли) ҳамда тик ўсадиган (кам шохлайдиган, тик ўсувчи пояли) бўлади. Бош поянинг ўсиш узунлиги ҳамда кўчатининг шохланиш характеристига кўра ўсимлик индетерминант ҳамда индетерминант бўлади. Ҳаммаси бўлиб тўрт хил ўсимлиги ажратиб кўрсатилади: одатдаги индетерминант, одатдаги детерминант, тик ўсувчи индетерминант, тик ўсувчи детерминант.

Үсімлік ту пининг катталағы: кучкындастырылған, таңдастырылған.

Түпининг барглилиги. Үсимлик кам баргли ёки кўп баргли бўлади.

Баргиннинг тури: оддий тароқланган бўлаклардан ва бўлакчасидан иборат, бўлак четлари яхлит бўлакли барг бўлакчаларига эга бўлмаган картошка баргли.

Барг бўлаги тароқланишининг характери. Барг бўлаги яхлит, кучли ёки кучсиз тароқланган.

Барг бўлаги ва бўлакчалари сони. Кам (1—3),
кўп (5 дан ортиқ).

Барг бүлэгийн туси-кулранг яшил, оч яшил, яшил, түк яшил хамда саргиш яшил.

Барг бўлагининг юзаси - силлик, кучсиз буришган ва кучли буришган.

Шингилининг тури оддий (меваси бир ўқ бўйлаб жойлашган), ярим мураккаб ёки оралиқли (бир марта бутоқлаган меваси икки шоҳда жойлашган), мураккаб (меваси 3,4 ва кўп марта бутоқлаган шоҳларда жойлашган).

Шингилининг узунлиги-калта — 12—15 см, ўртача — 16—30 см ҳамда узун — 30 см дан ортиқ.


Мевасининг шакли-ясси (шакл индекси 0,5—0,65), ясси думалоқ (0,65—0,80), думалоқ (0,8—1,0), тухумсион ёки эллипссимон (1,05—1,25), чўзинчоқ тухумсимон ёки қалампирсимон (1,25—2,2), олхўрисимон (1,35—1,5) ноксимон (1,25—1,35) (11-расм).

Пишган мевасининг туси-қизил, пушти, сарғиши қизил, тилларанг, сариқ ҳамда оқ.

Мевасининг катталиги. Кичиги 60 г гача, ўртacha — 60—100 г ҳамда йирик — 100 г дан ортиқ.

Мевасининг юзаси-силлиқ, сал қовурғасимон ва кучли қовурғасимон.

Б ў л м а л и г и -к а м б ў л м а-
ли — 2—3, ўртача б ў л м а с ли
ҳамда к ў п б ў л м а ли 7 ва ундан
к ў п б ў л м а ли.



11-расм. Помидорнинг шакли; 1 — ясси; 2 — ясси-юмалок; 3 — юмалок; 4 — овал (эллипсисимон); 5 — чўзиқ овал (гармдорисимон); 6 — олхўрисимон; 7 — ноксимон.

Мевасидаги уруғлар сони — оз — 50 тагача, ўртача — 50—125, кўп — 125 дан ортиқ. Уруғ меванинг бўлмалар сони билан белгиланади: мевада қанча кўп бўлма бўлса, уруғ шунча кўп бўлади.

Ўқувчилар навни ўсимлик тури ва барг шаполоғини тавсифлашдан бошлашади. Ўсимлик турини таърифлаш пайтида тилга олинган тўрт турдан бирни кўрсатилади. Ўсимлик тупининг катталиги бош поянинг узунлигини ўлчаш орқали аниқланади. Тахминан қўйидаги ёзув бажарилади. "50—60 см — паст бўйли", "100—110 см — ўрта" ва ҳоказо. Тупнинг барглилиги чамалаб аниқланади ва кам баргли, ўртача баргли деб ёзиб қўйилади.

Баргнинг тури, бўлагининг бўлакланиши, туси ва юзаси чамалаб аниқланади. Тавсифлаш учун бош поядаги ўрта бўғиндан барг танлаб олинади. Барг бўлаги ҳамда бўлакчалари уларни санаш йўли билан аниқланади. Ҳисоботда барг бўлагининг сони рақам билан ҳамда уларнинг кам ёки кўплиги сўз билан ёзиб кўрсатилади.

Шингилини тавсифлаш пайтида шингилнинг тури ҳамда унда меваларнинг жойлашиши чамалаб аниқланади. Шингил асосидан учигача ўлчанади. Ҳисоботда тахминан қўйидагича ёзув амалга оширилади: "12 см — калта", "22—25 см — ўртача" ва ҳоказо. Тавсифлаш учун икки, тўрт шингил олинади. Шингил чиқсан баландлик биринчи шингил шаклланган илдиз бўғинидан бошлаб баргларни санаш йўли билан аниқланади.

Мевани тавсифлаш унинг баландлигини ҳамда диаметрини ўлчашдан бошланади. Ҳар бир меванинг диаметри бир-бирига перпендикуляр равища икки марта ўлчанади. Ўлчов штангенциркул билан бажарилади. Мева баландлиги унинг диаметрига нисбатини ҳисоблаш орқали (шакл индекси) аниқланади. Шу асосда ўсимлик шакли аниқланади, 7 турдан бирининг номи ёзиб қўйилади.

Меванинг катталиги 10—15 мевани тарозида тортиш ва ўртача арифметик катталикни ҳисоблаб чиқиши йўли билан аниқланади. Ҳисоботда мева массасининг ўртача катталиги граммларда кўрсатилади ҳамда "кичик, ўртача ёки йирик" деб номланади. Меванинг туси ҳамда юзаси чамалаб аниқланади. Уларнинг характеристикини ҳисоботда методик кўрсатмага мос равища ёзиб қўйилади.

Меванинг бўлмалилиги уларни энига икки бўлиб, бўлмалар сонини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ҳисоботда: мевадаги бўлмаларнинг рақамда ифодаланган сони ҳамда уларнинг ўзгарувчанлиги кўрсатилади ва "кам бўлмали, ўртача бўлмали ёки кўп бўлмали" деб сўз билан ёзиб қўйилади. Бўлмадан уруғлар чиқариб олинади ва уларнинг миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Навларнинг ўсув муддати биринчи шингил ҳосил бўлган баландликни ҳисобга олган ҳолда ҳамда маҳсус адабиётлардан тегишли маълумотларни олиш йўли билан аниқланади.

Фойдаланиладиган асбоблар. Тирик ёки құритилған ўсимлик, помидор 5—6 навининг табиий ёки консерваланған меваси. Мева бүлмаси, шакли, шингили ва япроқ тури шкаласи. Сабзавот әкинлари районлаштирилған навларнинг каталоги. Техник тарозилар, штангенциркуллар, чизгичлар, ошпичноқлар.

11 Боб

БОДРИНГ ҲАМДА ОШҚОВОҚЛАР

Халқ хұжалигидаги аҳамияти ва тарқалиши. Бодринг, қовоқча ва кулча қовоқ овқатта түгунаклари ҳамда хом меваси ишлатиладиган озиқ-овқат сабзавотларига киради.

Бодринг меваси асосан 7—10 күнлигіда янги узилған қолида иsteймөл қилинади. Маринадлаб ва консервалаб ишлатилади. 5 см гача бүлған 2—3 күнлик ҳамда 5—9 см узунлікдаги 4—5 күнлик барра бодринглар ҳам маринадланади. Бодринг калория-лилиги жаһатидан күпчилик сабзавотлардан кейин туради. Бироқ у юқори мазалилиги ҳамда пархез хусусияти билан ер юзида кенг тарқалған. Бодринг меваси 4—5% қуруқ моддага, шу жумладан 2% атрофида шакар, 1% оқсил, 0,1% ёғ, 0,7% бириктирувчи тұқима, 0,4% кулга әга. Уннинг таркибидаги кул асосан калий ва фосфордан иборат. Шунингдек, унда кальций, олтингугурт, магний, натрий, темир, кремний, хлор, алюминий, марганец ҳамда бошқа күплаб элементлар мавжуд. Бодринг меваси таркибіда 10—20 мг% С, 0,1—0,2 мг%, А, 0,04—0,1 мг%. В гурух дармондорилари мавжуд. Бодрингдаги ўзига хос хид ундаги эфир ёғлари (1 кг мевада 10 мг), ёқимли тетиклаштирувчи маза эса органик кислоталар (16—68 мг% қуруқ моддалар) мавжудлiği билан боғлиқ. Баъзан бодрингнинг мазаси аччиқ бўлиб, бу уннинг таркибидаги кукурбататцин глюкозид билан боғлиқ.

Бодринг меваси иштағаны очади ҳамда бошқа овқатларни ҳазм қилишга ёрдам беради. У буйруқдаги тошларни, сидик кислотаси кристалларини әритади, турли чақаларни йўқ қиласи, атеросклероз ҳамда семириришнинг олдини олишга кўмаклашади.

Қовоқчаларнинг 7—10 күнлик ҳосили йиғиб олинниб қовуриш ва икра тайёрлашда фойдаланилади. Диаметри 3—5 см бүлған 2—4 күнлик кулча қовоқчалар маринадлаш учун, диаметри 6—10 см бүлған 5—10 күнликлари эса, тузлаш учун ишлатилади. Қовоқча ва кулча қовоқчаларнинг пишган ҳамда пишиб ўтиб кетган мевалари чорвага ем сифатида ишлатилади.

Қовоқча ҳамда кулча қовоқ 5—6% қуруқ моддага, 2—3,5% шакарга, 20—40 мг% С дормандорисига әга. Шунингдек пектин моддаларига бой. Улар пархез маҳсулотлар сифатида катта аҳамиятта әга. Улардан юрак томир касалликларини, шунингдек

камқонлик, подагра, юрак касалларини даволашда фойдаланылади. Қовоқча ёки күлча қовоқ ўт ажратишининг яхшиланишига ҳамда жигарда глюкоген ишланишига ёрдамлашади.

Бодринг ер юзида кенг тарқалган сабзавот экинларидан бири. Жаҳонда бодринг экин майдонининг 800 гектарини ташкил этади.

Ўзбекистонда бодринг умумий сабзавот экинлари майдонининг 4,3—4,8% ини эгаллади. Жумҳуриятимизда ўртача бодринг ҳосилдорлиги унча юқори бўлмай гектарига 10,5—11 тоннани ташкил қиласди. Бироқ илғор хўжаликлар анча юқори ҳосилдорликка эришмоқда. Масалан, Самарқанд районидаги "Дўстлик" ҳамда Ф.Қосимов номли жамоа хўжаликлари, Қиброй районидаги Қиброй давлат хўжалиги, Тошкент районидаги F.Абдуллаев номли жамоа хўжалиги мўл ҳосил олишга эришдилар.

Қовоқча, айниқса күлча қовоқлар асосан мамлакатимизнинг жанубий районларида унча катта бўлмаган майдонларда етиширилади. Улар эрта ёзда ҳосилга кириб, тезпишар серҳосил экин сифатида қимматлидир.

Ботаник характеристикаси ҳамда биологик хос хусусияти. Бодринг, қовоқча ҳамда күлча қовоқ ошқовоқлар оиласига ки-рувчи бир йиллик ўсимлик. Бодрингнинг ватани Ҳиндистон ҳамда Хитой ҳисобланади. Қовоқча ҳамда күлча қовоқ оддий қаттиқ пўчоқли қовоқнинг турларидан ҳисобланаб, ватани Жанубий ҳамда Марказий Америкадир.

Бодринг палагининг асосий поялари тўрт қиррали, ер бағирлаган, палак отувчи, таянч қўйилса тик ҳам ўсаверади. Бош пояси навига ҳамда етишириш шароитига қараб 0,5—3 м ҳамда ундан ҳам узунроқ бўлади. Бош таноб баргининг қўлтиғидан биринчи тартиб новда, биринчи тартиб новдалари барглари қўлтиғидан иккинчи тартиб новдалари ривожланади ва ҳоказо. Шулар билан бир қаторда калта палакли ҳамда бутасимон шаклдаги палаги 20 см дан ошмайдиганлари, шунингдек ўсиши палагининг узунлиги 40—60 см бўлиб, 10—12 бўғинлик пайтида тўхтайдиган дeterminант шакллари ҳам мавжуд. Бодринг барглари навбатма-навбат жойлашади. Барг шапалоги яхлит, четлари аррали, салгина парракли, бешбурчакли. Барг шаполоғининг шакли, ўлчами ҳамда тароқланиши нави ҳамда тупида жойлашишига қараб кучли ўзгарувчан.


Бодрингнинг илдиз системаси 1 метр чуқурликка етиб борадиган ўқ томир ҳамда жуда кўп ён томирлардан иборат, ён томирлар ишланган тупроқ бўйлаб ўсади.

Бодринг бир жинсли ва бир куйли ўсимликдир. Урғочи гуллари кўпроқ 2-, 3-тартиб новдаларда шаклланади. Эркак гуллар шингилга ўхшашиб 5—7 тадан тўплуг ёки гул шаклида тўпланган. Урғочи гуллари барг қўлтиғида 2—3 тадан ёлғиз ҳолда жойлашган. Гули 5 бўлакли қалин тукли косачага эга. Гулкосаси 5 та бўлакка чуқур бўлинган, паст қисми косачасига қўшилиб

кетган, сап-сариқ. Эркак гули 5 та оталиққа эга бўлиб, улардан 4 си қўшилиб кетган. Урғочи гули 3 тумшукли, битта устунчага эга тугуни пастда бўлиб, 3 бўлмали. Бодрингда қисман икки уяли шакллари ҳам — эркак ёки урғочи гуллари миқдори устунлик қиласидиган шакллари ҳам учрайди. Бу ҳодиса гетерозис уруғшунослигига кенг қўлланади.

Бодринг меваси 3, камдан кам ҳолларда эса 4 уруғ бўлмали турлича шакл, ўлчам, тус, тасвир, туклиликка эга ёлғон мева. Мевасида 100—400 уруғ мавжуд, уруғсиз партенокарпик мевалилари ҳам учрайди. Уруғи-бир уруғли, ясси, чўзинчоқ, оқ ёки қаймоқранг. Урганинг узунлиги 7—16 мм, 1000 урганинг массаси 16—35 грамм. Қовоқча ҳамда кулча қовоқнинг ўсимлиги тупли, баъзида узун палакли кўринишда ҳам учрайди. Пояси тик ўсуви, (ётувчанларн ҳам учрайди) тукли, йўғон кўринишда илдиз системаси ўқ илдизли, яхши ривожланган, диаметри 4 метргача етади. Барги бандли, оч ёки тўқ яшил, ийрик, кесилган, қаттиқ, беш панжарали бўлиб, игнасимон қаттиқ тукли. Гули айри жинсли, кесишиб чатишган.

Қовоқчанинг меваси чўзинчоқ, цилиндрическин, баъзан эгилган шаклда. Техник етилганда қобиги юмшоқ, оқ ёки яшил тусли, биологик етилганда ёғочсимон, оч, сариқ, сариқ ёки жигарранг, уруғи оқ ёки қаймоқранг, минг донасининг массаси 130—150. Қулча қовоқнинг меваси ясси думалоқ тахсимча кўринишда (12-расм), оқ ёки сариқ, тасвирсиз ёки яшил йўлли ва доғ тасвирли, уруғи сарғиш тусли бўлиб қовоқчаникidan кичик. Минг донасининг массаси 65—85 г.



12-расм. Қовоқча (1) ва патиссон (2)

Бодринг, қовоқча ҳамда кулча қовоқ қулай шароитда етиштирилганда жадал ўсади 4—8 барг чиқарганда ён новдалари пайдо бўлади. Гуллаши (навига қараб) кўчати униб чиққач 30—60 кундан кейин бошланади. Кўчати унгандан биринчи ҳосил йигилгунча бодрингда 37—60 кун, қовоқчада 40—60 ҳамда кулча қовоқда 45—85 кун ўтади. Физиологик етилиши учун бодрингга 70—100, қовоқча ҳамда кулча қовоққа 100—120 кун керак. Мева тугиши даври навига қараб 20—90 кун давом этади.

Бодринг, қовоқча ҳамда кулча қовоқча иссиқсевар экинлар. Бодрингнинг уруғи 12—13°, кулча қовоқники 13—14° ҳамда қовоқчаники 8—10° да униб чиқа бошлайди, бироқ бундай шароитда кўчатнинг униши жуда секин кечади. Мазкур экинларнинг уруғи униб чиқиши учун энг қулай ҳарорат 25—30°. Бундай ҳароратда ниҳол 4—6 кундан кейин униб чиқади. Ўсимликнинг нормал ўсиши учун зарур ҳарорат 25—27° бўлиши керак. Ҳарорат 15° дан паст бўлганда, ўсимликнинг ривожланиши секинлашади. 8—10° да касалланади, 3—4° да эса 3—4 кундан кейин ҳалок бўлади. Қовоқча ҳароратнинг +6—10° га пасайишига узоқ вақт чидайди. Бу экинлар ҳатто салгина совуқни ҳам кўтара олмайди.

Бодринг тупроқ ҳамда ҳаво намлигига жуда талабчан. Тупроқнинг энг қулай намлиги ривожланиш намлигига қараб 70—80%, НВ ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги 70—85% бўлиши лозим. Тупроқ намлигининг 100% кўтирилиши ҳам, 60% пасайиши ҳам ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Қовоқча нисбатан қуруққа чидамли экин, бироқ сугоришни яхши қабул қиласди. Кулча қовоқ қовоқчага нисбатан сувга талабчанроқ.

Бодринг, қовоқча ҳамда кулча қовоқ ёргесевар ўсимликлар. Улар қисқа ёки узун кунга нейтрал. Салқин даврда 15—20 кун давомида кун узунлигининг 10—12 соатгача қисқариши урғочи гулларининг очилишини тезлаштиради, эртаги ҳамда умумий ҳосилни оширади. Бодринг ҳамда кулча қовоқ тупроқ унумдорлигига жуда талабчан. Улар тупроқ эритмасидаги кислоталик муҳитнинг ортиқчалигига жуда сезгир. Қовоқча тупроқ озиқасига талабчанлиги бўйича ошқовоққа яқин туради.

Навлар. Бодринг навини етилиш муддатига қараб қўйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: эртапишар, ўртапишар, ўрта кечпишар ҳамда кеччишишар. Кўчатининг униб чиққанидан биринчи ҳосил йигиб олингунча тезпишар навларда — 40—50, ўртапишарларида — 50—60, ўрта кеччишишарларида — 60—70 ҳамда кеччишишарларида — 70 кун ва ундан ортиқ вақт ўтади.

Жумҳуриятимизда бодрингнинг тезпишар навларидан "Эртаги-645" "Ўзбекистон"-740 ва "Ҳосилдор гибриди", кеччишишарларидан "Марғилони-822", тузланадиганларидан "Ўзбекистон тўнғичи-265", "Қўйлиқи-267", "Парад" ҳамда "Конкурент" лар экиласди.

Жумҳуриятимизда қовоқчанинг битта "Гречиский-10" ва кулча қовоқнинг "Оқ" нави районлаштирилган.

Етиштириш технологияси. Ўтмишдош экинлари ватупроққа ишлов бериш. Бодринг ҳамда ошқовоқлар учун шўр босмаган серҳосил ерлар зарур. Мазкур экинлар чим ерларни ҳайдаб, қўриқ ҳамда ангизларга экилганда яхши ҳосил беради. Картошка, карам, сабзи ҳамда лавлаги етиштирилган пайкалларга экиш яхши натижалар беради. Уларни полиз ва итузумдош экинлар ўрнига экиш мақсадга мувофиқ эмас. Бодринг ҳамда ошқовоқларни бир ерда икки йилдан ортиқ экиш ярамайди.

Буларни олдин экилган жойга уч йилдан кейин экиш керак. Ёзги бодринг такорий экин сифатида экилади.

Бодринг ҳамда сабзавот ошқовоқлар учун мўлжалланган ерни кузда юмшатиш, кузги шудгор қилиш, жорий режалаштириш зарур.

Ерга экишдан олдин ишлов бериш экиш муддатига қараб белгиланади. Баҳорги экиш пайтида у эрта баҳорги бароналаш, чизеллаш ёки бароналаш билан бир пайтда ағдармасдан ҳайдалиди. Ёзги муддатда асосий экин сифатида бодринг етиштирилдиган далаларни экишдан олдин ишлаш; эрта баҳорги бароналаш, апрель-майда бир-икки ялпі культивация қилиш ҳамда экишдан олдин унча чуқур қилмасдан (20—22 см) бароналашдан иборат. Утмишдош экин йигиштириб олингандан кейин такорий экин сифатида экилганда ер ишлов беришдан олдин сугорилади, сўнгра бароналааб ҳайдалади. Асосий ўғит экишдан аввал ҳайдов олдидан берилади. Барча экиш муддатларида молалаш экишдан олдин тупроқни тайёрлашдаги мажбурий усулдир. Молалаш МВ-6 кичик текислагич ёки ВП-8а текислагич, режалагич ёрдамида бажарилади.

Ўғит бериш. Гектарига 180—200 центнер таъмли бодринг ҳосили олиш учун: бўз тупроқли ерларга — 150—200, Р₁₀₀—150, К₅₀—75, ўтлоқли ҳамда ўтлоқли ботқоқ тупроқли ерларга N₁₂₀—150, Р₁₅₀—190, К₆₀—75 миқдорида ўғит берилади. Органик ўғитларни солиши миқдори гектарига 20—40 т. Органик ўғитлар қўлланганда азот ҳамда фосфор ўғитлари миқдори 20—40% камайтирилади, калий ўғити берилмайди. Фосфор ва калийнинг тавсия этилаётган миқдори таркибида ана шу ўғитлар кам бўлган тупроқ учун мўлжалланган. Мазкур ўғитларни солиши уларнинг тупроқдаги миқдорига қараб белгиланади.

Бодринг ва қовоқлар экиладиган ерга ўғитлар қўйидаги муддатларда берилади. Асосий ҳайдов пайтида органик, 75% фосфор ҳамда калий ўғити тўла миқдорда солинади. Экишдан олдин фосфорнинг қолган миқдори (25%) ва гектарига 25—30 кг азот солинади. Азотнинг қолган миқдори уч марта тенг қисмдан берилади: 2—3 чинбарги пайдо бўлганда, ялпи гулланда ва 2—3 марта тақлаб ҳосил йигилгандан кейин. Помидор ҳосили комбайнда йигиштириб олишга мўлжаллаб етиштирилганда азот ўғити экишдан олдин ҳамда икки марта озиқлантириш учун (2—3 чинбарги ҳосил бўлганда ва гуллаш даврида) тенг миқдорда берилади.

Далаларнинг бегона ўт билан ифлосланишини камайтириш ҳамда уларга қарши курашни енгиллаштириш мақсадида бодринг экиладиган пайкал Ўзбекистоннинг сугориладиган дехқончилигида, Тошкент Давлат аграр университети тажрибалари кўрсатганидек, қўйидаги гербицидларни қўллашни тақозо қиласди: (д.в. бўйича): гектарига 0,75 кг трефлан, экишдан 3—4 кун олдин гектарига 2 кг миқдорда дафенамид солинади.

Экиш. Бодринг ҳамда кулча қовоқни 5 см чуқурликдаги тупроқ 13—15° исиганда эка бошласа бўлади. Бу муддат жанубий районларда апрелнинг бошига, шимолий районларда эса апрелнинг охирига тўғри келади. Қовоқча экишни бир ҳафта олдин — тупроқ 10—11° исиган пайтда бошлаш мумкин. Аҳолини янги узилган бодринг билан узлуксиз таъминлаб туриш маҳсадида у апрелдан то июлнинг бошларигача бир неча муддатда экилади. Тузлаш учун экиладиган бодринг уруғи ерга 15 июндан 10 июлгача сепилади. Қайта ишловчи саноатни маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш маҳсадида консерваланадиган бодринг навлари бир неча муддатда экилади. Навбатдаги экиш вақти олдинги муддатда экилган ўсимликда биринчи чинбарг ҳосил бўлган пайтда ёки 10—15 кундан кейин белгиланади.

Эртаги экин қуруқ ёки қуруқ ва намланган уруғларни аралаштириб экилади. Уруг экишдан олдин бир кун давомида ивтиб қўйилади ва тупроғи яхши қизиган ерга экилади. Уларни экишдан олдин сочишувчанлиги яхшиланиши учун бироз қуришиб олинади. Уругини экишга тайёрлашдаги мажбурий усуллардан бири уларни ТМДТ препарати билан (1кг уруғга 4—6 г ҳисобидан) пуркаш орқали зарарсизлантириш ҳисобланади.

Ҳосили кўп марта йигиб олишга мўлжалланган, ҳосил бериши чўзиладиган бодринг навлари кенг қаторга лентали икки йўлли ҳилиб, сугориш жўяги кенг қатор оралиғидан олинниб, 110+70 x 40 см тартиб бўйича ҳар бир уяга икки ниҳолни жойлаштириб экилади.

Уруг $\frac{70 + 70}{4} \times 40$ см тартибда икки қаторлаб экилганда ҳам яхши натижа беради. Мазкур тартиблар бўйича экилганда гектарига 27 минг уя ёки 54 минг ўсимлик жойланади. Шу тартибда ҳар бир уяга 56 тадан уруг жамланса, экиладиган уруг миқдори гектарига 5 кг ни ташкил қиласди.

Кулча қовоқ ва қовоқча худди шу тарзда, кенг қаторлаб экилади. Бироқ ўсимлик оралиғи анча очиқ (60—70 см) олинади ҳамда ҳар бир уяга бир ўсимлик қолдирилади. Кулча қовоқ уругининг экиш миқдори гектарига 3—4 кг, қовоқчаники гектарига 4—5 кг.

Консервалаш учун ишлатиладиган бодринг навлари комбайнда йиғишириб олишга мўлжаллаб етиширилганда кўчат қалинлиги анча юқори бўлиши керак.

Бодринг ҳамда сабзавот қовоқларини экиш учун БУ-2—4 полиз сеялкаси, шунингдек СКОН-4,2; СО-4,2; СОН-2,8 сабзавот сеялкалари ҳамда аниқ қадаб экадиган СПЧ-6, СНУП-4,2 сеялкаларидан фойдаланади. Экиш пайтида бодринг уруғи 3—4 см, кулча қовоқ уруғи 5—4 см ҳамда қовоқча уруғи 4—6 см чуқурликка ташланади.

Ўсимликларни парваришишлаш. Тўлақонли кўчат олиш учун кеч баҳор ва ёзги экишдан сўнг кўчат суви берилади. Эртаги экиш пайтида парвариш қатқалоқни йўқотишдан бошланади.

Күчат униб чиққандан кейин ўша заҳоти ҳар бир уяда 3—4 ўсимлик қолдирилиб, яганалаш ўтказилади. Униб чиқмаган уяларга эса ниҳоллар күчат қилиб экилади.

2—3 чинбарг пайдо бўлганда культиватор билан қатор оралиғи 6—8 см чуқурликда ишланади, унинг ортидан қўлда чопиқ ўтказилади, ҳамда уяда 1—2 бодринг, қовоқча ҳамда биттадан кулча қовоқ ниҳоли қолдирилиб иккинчи-охирги яганалаш ўтказилади. Яганалаш пайтида ўсимлик юлиб олинмасдан чимдаб ташланади.

3—4 барг пайдо бўлганда 8—10 см чуқурликда иккинчи культивация ва иккинчи чопиқ ўтказилади. Чопиқда илдиз системасига зарар етказмаслик мақсадида тупроқ енгил юмшатилади. Кейинги парвариш сугориши ўтказилишига қараб культивация қилиш ва сугориш жўягини олишдан иборат. Ўсиш довомида палакни 3—4 марта тўғрилаб қўйиш зарур.

Қатор оралиғига ишлов бериш КОР-4,2; КРН-4,2 КРН-2,8; МО, КРОШ-2,8А ўсимликни озиқлантирувчи культиваторлар ёрдамида амалга оширилади. Қатор ораларига 1-ишлов беришда культиваторга бир томонли ясси кесгич ҳамда икки томонли ёйсимон тиш ўрнатилади. Сугоришидан кейинги ишлов беришда ёйсимон тиш ўрнига юмшатгич-майдалагич ўрнатилиб, қатор ёнида поки қолдирилади. 1- ва 2- қатор ораларига ишлов беришда ҳимоя зонаси 10—15 см, учинчисида эса 20—25 см бўлади.

Бодринг ҳамда сабзавот ошқовоқлари тез-тез сугориб туришини талаб қиласди. Ўсимликнинг яхши ўсиши ҳамда юқори ҳосил этишириш учун у мева туга бошлангунча ҳар 7—8 кунда, мева тугиши даврида эса 4—5 кунда, ҳаво жуда қизиб кетган кунларда эса ҳатто 2—3 кунда сугориб турилиши лозим. Сугориш миқдори мева туккунча гектарига 500—600 м³, ҳосилни йиғишириб олиш пайтида эса 400—500 м³. Ҳосил тугиши даври давомий бўлган баҳорги экин сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларга экилган бўлса 9—11 марта, сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда эса 13—16 марта сув берилади. Нисбатан камроқ муддатда ҳосил берадиган ёзги экин эса сизот сувларининг жойлашиш даражасига қараб 8—11 марта сугорилади.

Тошкент аграр университети тажрибалари кўрсатганидек, бодрингнинг ургочи гулини кўпайтириш, қийғос ҳосил тугиши ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида, ўсиб турган ўсимликни пуркаш ёки уругни экишдан олдин гидрил суюқлигига ивитиб олиш лозим. Пуркаш 2—3 чин барг чиққанда ўтказилиши ҳамда бир ҳафтадан кейин такрорланиши керак. Ишчи суюқлиги сарфи гектарига 750 мм/л препаратга 500 л ёки гектарига 600 г. Экишдан олдин гидрилнинг 800 мг/л концентрацияли суюқлигига уруғ намлаб олинади.

Зааркунандалар ҳамда касалликларга қарши кураш. Бодринг ҳамда сабзавот ошқовоқлари кўпинча оққиров касаллиги билан касалланади, зааркунандалардан эса полиз шираси ҳамда ўргамчакканга уларга энг кўп зарар етказди. Оққиров касалининг

олдини олиш учун ҳосил йигиштириб олингандан кейинги қолдиклари йўқ қилинади. Ўсимлик олтингугурт кукунини намловчи 80% ли суспензияси (гектарига 800—1000 л сувга 7 кг ҳисобида) ёки олтингугурт коллоидининг 0,5—0,6% суюқлиги билан пуркалиши керак. Бу касалликнинг олдини олиш тадбири ҳисобланади. Оққиров касаллиги пайдо бўлганда ўсимликка ишлов бериш 10—15 кундан кейин такрорланади. Ширага қарши БИ-58 ёки антионинг 0,15—0,20% ли суюқлиги билан пуркалади, ўргамчакканага қарши қуийдаги препаратлардан бири қўлланади: 0,15—0,20% кельтан, 0,3% хлорофос 0,15% акрекс, 0,15% БИ-58.

Ҳосилни йигиштириб олиш. Бодрингнинг дастлабки ҳосилини у гуллай бошлагандан кейин 8—11 кун ўтиб териб олса бўлади. Бодринг кўчати униб чиққандан 40—60 кун кейин ҳосилни йигиштириш мумкин. Мева тувишининг бошланиш пайтида ҳосил 3—5 кунда, кейин бундан қисқароқ муддатда, кунаро ёки ҳар куни териб олинади. Умумий терим сони 15—20 га этади. Ҳосилни териб олишнинг кечикиши бодрингнинг сарғайиб қолишига сабаб бўлади ва янги мевалар туғилишига тўсқинлик қиласди. Бу умумий ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Ҳосил ўз вақтида йигиштириб олиниб турилганда бир туп бодринг палаги 20—30 ва ундан ҳам кўпроқ бодринг беради.

Қовоқчалар 7—10 кунлигига узилади. Кулча қовоқ эса маринадлаш учун 2—3 кунлигига, тузлаш ҳамда қовуриш учун эса 5—7 кунлигига узилади. Териб олишга тайёр мевалар бандини бармоқ билан сиқишиб ёки қайчи билан кесиш орқали узиб олинади. Ҳосилни йигиб олиш пайтида палакни ағдариш ёки босиши мумкин эмас, зеро бу унинг ўсишига салбий таъсир этади, ҳосилдорликни камайтиради. Узилган мевалар сават ёки яшикка терилади ва ўша заҳоти тегишил жойларга жўнатилади.

Бодринг, қовоқча ҳамда кулча қовоқни қўлда териш жуда сермеҳнат жараён. У мазкур экинларни етиширишга сарфланадиган харажатнинг 60—70% ини ўзида жамлайди. Меҳнат сарфини 1,2—1,5 баробар камайтириш учун қўл теримидан ПОУ-2 терим платформаси, сабзвотни терувчи АТС-1 ва кенг қамровли ТШП-25 транспортёрини қўллаш орқали эришиш мумкин. Платформалар ҳамда транспортёrlар ёрдамида ҳосилни йигиштириб олиш учун олдин сугориш жўяклари қатор ораларини ўсимлик палагидан ҳоли этилади. Бу иш тракторга ўрнатилган мослама ёрдамида бажарилади. Ўтиш йўли платформа ёки транспортёрнинг эгаллайдиган кенглигини ҳисобга олган ҳолда олинади. Теримчиларнинг олдида терим платформаси соатига 0,1—0,2 километр тезликда ҳаракатланади. Ишчилар ҳосилни қўлда териб платформада турган яшик ёки челакка жойлаб кетишади. Платформа вақти-вақти билан пайкал четига чиққанда бўшатиб турилади.

Тошкент Давлат аграр университети томонидан таклиф этилган лентасимон икки қаторли қалин экин қўлланган

$$\left(\frac{70 + 70 \times 10}{2} \text{ ва } \frac{90 + 50 \times 10}{2} \right) \text{ ва "Парад" ҳамда "Конкурент"}$$

навларидан фойдаланилганда бодрингнинг консерваланадиган навларини етишириш интенсив технологияси 4—5 кун оралиқда транспортёр платформаси ёрдамида қўйл теримини ўтказиш, иккинчи қўйл теримидан кейин 7—9 кун ўтказиб, 5—10% мева саргайганда бир марта ялпи комбайн теримини ўтказишни кўзда тутади. Ҳозирги вақтда ялпи теримида ОП-1,5 бодринг териш машинаси тавсия этилади. Бу комбайн 1,4 классли тракторларга тиркалади. Меҳнат унумдорлиги 5 баробар ошади. Бир соатлик соғи иш вақтида 0,3 гектар ердаги ҳосилни йигиштиради. Қамров кенглиги 1,5 м. Ҳаракат пайтида ерни пичоғи билан 23 см чуқурликда тилиб кетади. Иш қамрови бурчагида тик ўрнатилган дискасимон пичоқ билан таноблар кесиб кетилади. Ўсимликнинг кесилган палаги ва меваси терим агрегатининг панжаси билан йиғиб олинади ҳамда энгашган транспортёр билан панжани мева айиргичга узатилади. У мевави ажратиб олиб ўсимлик қолдиқларини далага ташлаб кетади. Мева, ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ кўндаланг транспортёр орқали жўватозалагичга узатилади. Бу ерда мева марказдан қочма шамоллатгич пуркаётган ҳаво оқимида қўшимчалардан тўла тозаланади ва юкловчи транспортёрга тушади, ундан эса тезликни сусайтиргич орқали автомашина кузовига ўтади.

Уруғшунослик. Бодринг, қовоқча ҳамда кулча қовоқни уруғ учун етишириганда қўлланадиган деҳқончилик тадбирлари уларни озиқ-овқат мақсадида етиширигандагидан фарқ қилмайди. Уруғлик ҳосилни етишириш учун 3—4 ой зарур. Шу боисдан уларни ёзда етишириб бўлмайди. Уруғлик экин майнинг бошлирида экиласди.

Уруғлик чангланишдан қочиш мақсадида ҳаво изоляцияси очиқ жойда камида 1000 м ҳамда ҳимояланган ерда 500 м бўлиши керак. Уруғчилик майдонларида нав саралashi гуллаш бошланганда, кейин эса икки, уч марта яшил мевави йигиштириб олингандан кейин ўтқазилади. Бегона навлар дурагайлар нимжон ҳамда тусининг ўзгарганлигидан, қовоқча билан кулчақовоқда қобигининг қаттиқлашганидан аниқланади. Уруғлик бодринглар 3040 кунлигига териб олинади ва 10—20 кун давомида уйиб қўйиб пиширилади. Навга хос бўлмаган, касаллаинган, мевалар алоҳида ажратилади.

Уруғлик танлаб терилади ёки МОП-1,4 терим машинаси, ПТ-3,5 платформаси ёрдамида бир йўла ялпи йигиштириб олинади. Бодринг уруғи тўла пишиб етиширилгандан кейин СОМ-2, ИБК-5А машинаси ёки ЛСБ-20 т линиясида ажратиб олинади. Ажратиб олинган ҳамда ювилган уруғ 9% намлиқда қуритилади, қовоқча ҳамда кулча қовоқ уруғи қўйда олинади. Бодринг ва сабзвот қовоқчалари уруғи қўйда ажратилганда уруғлик мева узунасига кесилиб, пичоқ билан чиқариб олинади. Кейин улар

анча кўп бўлмаган миқдордаги сувда 1—2 кун давомида ачитилиди.

Уруғ ўзи тозаловчи К-21/1, К-531/1, К-541 машиналарида ОНС-2 пневмоколонкада, МСС-2,5 пневмостолда тозаланади ва навларга сараланади.

Бир тонна мевадан қуруқ уруғ чиқиши бодрингда 15—25 кг, қовоқча ҳамда кулча қовоқда, 10—15 кг. Бодринг уругининг ҳосилдорлиги гектарига 100—200 кг сабзавот қовоқлариники эса гектарига 60—120 кг.

Амалий машғулот

13 - мавзу. Бодрингнинг районлаштирилган навларини ўрганиш

Машғулотнинг мақсади: Бодринг ўсимлиги ҳамда мевасининг морфологик белгиларини ўрганиш. Мазкур экиннинг районлаштирилган навларини тавсифлаш.

Топшириқлар. Вазифани бажариш учун ўқувчилар 3—4 кишидан звеноларга бўлинади. Ўқувчилар тирик ўсимлик, тугунак, кўк бодринг ва уруғлик бодрингдан фойдаланиб, бодрингнинг морфологик белгиларини ўрганишади ҳамда районлаштирилган навлари асосий нав белгилари бўйича тавсифланади. Нав белгилари характеристикасини ҳисоботга киритишади (20-жадвал).

Ҳисоботнинг бўш бандларида ўқитувчидан олинган тавсифла наётган навнинг номи кўрсатилади, пастдаги бандда эса нав белгилари характеристикаси ёзиб қўйилади. У қўйидаги белги гурӯҳларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Палагининг узунлиги — 80 см гача калта, ўртача — 80—150 см, узун — 150—200 см ҳамда жуда узун — 225 см дан ортиқ.

20-жадвал

Бодринг навларини тавсифлаш ҳақида ҳисобот

Нав белгилари	Навлар					
1. Палагининг узунлиги						
2. Барг шапалогининг шакли ва ўлчами						
3. Тугунчаси — тукланиш характеристи — тукининг тузи						
4. Кўк меваси: — узунлиги, см шакл индекси — шакли — юзасининг характеристи — юзасининг тузи — юзасидаги тасвир — кўндаланг кесими						
5. Уруғлик меваси: — тузи — тўрланиши						
6. Ўсиш даври кун ҳисобида						
7. Фойдаланиш усули						

Барг шаполоғининг шакли — юраксимон, бурчакли юраксимон, юраксимон япалоқ шаклларга бўлиниди (13-расм).

Тугунийнинг тукланиши — оддий, мураккаб ҳамда аралаш. Оддий тукланишда туклар бевосита тугунакнинг устида жойлашади, мураккабида эса тугунакдаги пуфаксимон бўртиқларда, аралашида юзада ва бўртиқларда жойлашади.

Тукланишининг туси — оқ, қора ҳамда жигарранг.

Кўк мевасининг шакли — шарсимон, тусимон; тукланишида туклар бевосита тугунакнинг устида жойлашади, мураккабида эса тугунакдаги пуфаксимон бўртиқларда, аралашида юзада ва бўртиқларда жойлашади.

Кўк мевасининг ўлчами — 8 см гача майда, ўртacha — 8—12 см, йирик — 12—18 см ҳамда жуда йирик — 18 см дан катта.

Янги туккан меваларининг ташқи кўриниши. Кўк меваси юзасининг характеристи — силлиқ, ялтироқ, майда бўртиқли, йирик бўртиқли.


Кўк мевасининг тузи — оқ сутранг, кўк сарғиш, оч яшил ҳамда тўқ яшил. Кўк мевасининг яшил тузи сариқ ёки ҳаворанг товланиши мумкин.

Яшил меваси устидаги тасвир — 1. Кўк меваси асосий тусидан кескин чегараланган аниқ оқиш йўлли; 2. Асосий фонга қўшилиб кетган тасма йўлли; 3. Кўк мевасининг тепасида оқ доғли; 4. Эпидермисда майда оқ доғлар (нуқтали); 5. Меванинг узунлиги бўйича жойлашган тўғри бурчакли, гардишли (читсимон); 6. Тасвирсиз. Туки узунлиги бўйича фақат учида бўлиши, ўртасигача ҳамда қарийб кўк меванинг асосигача етиши мумкин (14-расм).


Кўк мевасининг кўндаланг кесими — думалоқ, учқиррали ҳамда кескин уч қиррали.

Уруғлик мевасининг тузи — сутсимон оқ, оқ яшил, тўқ сариқ, жигарранг, бўғиқ қизғиши.

Уруғлик мевасининг тўрланиши — тўрсиз, майда тўрли йирик тўрли, катта тухумсимон тўрли, кичик тухумсимон тўрли, тошбақа тўрли, йиртиқ тўрли, узун йирик тухумсимон тўрли, икки қават тўрли.



13-расм. Бодринг барг шапалоқларининг шакли: 1 — юрақсимон; 2 — бурчакли-юраксимон; 3 — юраксимон-бўлмали; 4 — беш бўлмали; 5 — беш карра қирқилган



14-расм. Бодриенггининг сиртидаги шаклар: А — асосий рангидан ажралып туридаги аниқ йўллар: 1 — меванинг учиди; 2 — меванинг деярли асосигача тушган; Б — асосий рангида кўшилиб кетадиган йўллар; 1 — меванинг учиди; 2 — меванинг ярмигача етади; 3 — леярли асосигача етади; В — оқ дод шаклидаги туташ йўллар: 1 — меванинг учиди; 2 — бу дод ўртасигача етади; 3 — меванинг деярли асосигача боради; Г — бир хил ранг; Д — эпидермисида майда оқ додлар; Е — меванинг бутун бўйи баравар тўғри бурчакли додлар

Узунлигини диаметрига бўлиб, шакл индекси аниқланади, кўк мевасининг шакли аниқланаб унинг юқорида тилга олинган ўн турдан қайси бирига тегишли эканлиги кўрсатилади. Кейин 28-расмга таянган ҳолда кўк меванинг кўндаланг кесими, тузи, юзаси ҳамда юзасидаги тасвири характерланади.

Кўк мевасининг белгилари билан танишиб бўлгандан кейин уруғлик меваси тавсифланади. Аввал туси кўрсатилади, кейин мос равишда тўрининг тури кўрсатилади.

Навни тавсифлаш палак ва баргни тавсифлашдан бошланади. Аввало палакнинг узунлиги см да ўлчаниб, олинган натижа ҳисоботнинг биринчи қаторига ёзиб қўйилади, унинг ёнида тавсифланастган нав шу белгисига кўра қайси гуруҳга тегишли эканлиги кўрсатилади: "қисқа, ўртача, узун ёки жуда узун".

Барг шапалогининг шаклини тавсифлаш учун ўрта қаватдан 5—6 барг олинади (13-расмга қаранг).

Шундан кейин ўқувчилар тугунак тукининг тузи ҳамда характеристикини тавсифлашга киришишади. Бунинг учун 2—4 кунлик тугунаклар олинади. Ҳисоботдаги ёзув тахминан қўйидагича бўлиши лозим: "мураккаб, сийрак ёки аралаш ўртача қалинликда" ва ҳоказо. Тукининг тусини фатагина тугунакларда эмас балки гулининг гулкосасида ҳам аниқлаш мумкин.

Сўнгра яшил мевасининг морфологик белгиларини тавсифлашга ўтилади. Аввал 5—6 меванинг узунлиги ҳамда диаметри аниқланади. Ўртача узунликни ҳисоблаб чиқиб, улар кўк мевасининг ўлчами ҳамда гуруҳи бўйича қайси навга тегишлилиги аниқланади (майда, ўртача, йирик ҳамда жуда йирик). Ҳисоботда тахминан қўйидаги ёзув амалга оширилади: "14 см — йирик" ёки "7 см — майда".

Ўсиш даврининг узунлиги ҳамда навлардан фойдаланиш усули ҳақидағи маълумотларни ўқитувчилардан олишади ёки маълумотномалардан қидириб топишади.

Фойдаланиладиган асбоблар 5—6 районлаштирилган бодринг навининг янги узилгани, кўй ва уруғлик меваси юзаси, юзасидаги тасвир, унинг шакли, тугунагининг тукланиш шкаласи, уруғлик мевасининг тўрланиши, районлаштирилган навларнинг каталоги. Ҷизғичлар, штангенциркуллар, ошпичноқлар.

12 Боб

КАРАМ ЎСИМЛИКЛАРИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳамда тарқалиши. Карам ўсимликларига бу оиласа кирувчи карамнинг турли ботаник турлари киради. Энг кўп халқ хўжалик аҳамиятига эга ҳамда кенг равища тарқалган карам тури оқ бошли карам ҳисобланади. У икки йиллик, бош кўринишидаги мева органига эга ўсимликдир. Қизил бошли карам ҳам ана шу турга тегишилдири. У қизил сиёҳранг тусли карам боши ҳосил қиласи. Бундай тус унинг таркибидаги Р — витамини фаоллигига эга цианидин моддаси мавжудлиги билан изоҳланади.

Бошқа турлар бошли карамга нисбатан анча кам тарқалган. Уларнинг ичидаги гул карам кўпроқ экиласи. Гул карамнинг озуқа



15-расм. Карамнинг ҳар хил турлари: 1 — оддий карам; 2 — гулкарам; 3 — Савой карами; 4 — Брюссел карами; 5 — Колраби.

органи күчли даражада бутоқлаган, тифиз жамланган гулкосали бутоқлардан иборат бўлади. Мазкур карамнинг боши яшидан тортиб қордек оппоқ тусгача бўлади. Ў бир йиллик ўсимлик "Броккол" карам ҳам шу турга киради. Ў одатдаги гулли карамдан карам бошининг тузилишига қараб фарқ қиласди. Унинг карам боши яшил ёки сиёхранг тусли ғунчадан иборат. "Броккл" карамининг тарқалиши жуда чсгараланганди.

Ўзбекистонда чекланган майдонлардагина баъзи хаваскор деҳ-қонлар томонидан "Савой", "Брюссел", "Колраби", "Баргли", "Хитойи", ҳамда "Пекин" карамлари етиштирилади (15-расм). "Савой" карами боши тугувчи ҳамда оқбош карамга нисбатан бужмайган ғижимли барги билан фарқ қилувчи икки йиллик ўсимлик. Брюссел икки йиллик ўсимлик бўлиб баландлиги 70—80 см, барглари орасида 20—30 майда бошчалар тугади. "Колраби" карами биринчи йили поясимон ёки ясси шаклли мева тугади. Ў икки йиллик ўсимлик. Унинг меваси биринчи йили истеъмол қилинади. "Баргли" карам биринчи йили овқатга ишлатилади. Ў бутоқлайдиган ёки бутоқламайдиган баргли поя ҳосил қилувчи икки йиллик ўсимлик. "Хитойи" карам-биринчи йили аччиқ тузламаларни тайёрлашда ишлатиладиган пўнак баш тугадиган икки йиллик ўсимлик. "Пекин" карами — баш тугмайдиган бир йиллик ўсимлик бўлиб, ҳимоя қилинган ерда қишида кўкат олиш учун етиштирилади.

Бошли карам йил давомида янги узилган ҳолида ёки қайнатиб пиширилган, қовурилган, салат қилиб тайёрланган, маринадланган, консерваланган, қуритилган кўринишда қайта ишланган тарзда истеъмол қилинади. Унинг таркибида ўртacha 8,5% қуруқ модда, шу жумладан 4,2% шакар, 1,44% оқсил, 1,6% бириктирувчи тўқима, 0,2% ёғ, 0,64% кул мавжуд. Бошли карам инсон учун зарур витаминаларга бой. Унинг таркибида С дармондориси ўртacha 31,9% мг, каротин 2% мг ни, К-4, мг ни, РР-2,7% мг ни, В₃-1% мг ни, В₂-0,6% мг ни, ташкил этади. Фолев кислотаси, В₁, Р, Е, Д, И, ҳамда бошқа дармондорилар ҳам етарли миқдорда мавжуд. Унда кальций, калий, фосфор, магний, темир, олтингугурт, йод ҳамда бошқа тузлар жуда кўп. Бошли карам парҳез ҳамда даволаш хусусиятига эга. Уни юраги касаллар, семиз одамлар, касалга дучор бўлганлар истеъмол этадилар. Шарбати ошқозон яллигланишини даволашда қўлланади.

Гулли карамни қайнатиб ва қовуриб истеъмол қилинади шунингдек ундан консервалар тайёрланади. Унда ўртacha 9,6% қуруқ модда, шу жумладан 3,1% шакар, 1,43% кул бор. Бошли карамга нисбатан С дармондориси (60 мг%) ва минерал тузларга анча бой.

Карамни инсоният жуда қадим замонлардан бери истеъмол қилиб келади. Уни етиштириш Ўтра денгиз, кейинроқ эса Фарбий Европада бошланган. МДҲ худудида карам етиштириш X асрда, олдин Кавказ ортида кейин эса Киев русида бошланган.

Ўзбекистонга у Туркистонни чор Россияси босиб олгандан сўнг келтирилган.

Дунё бўйича карам етиштириш 34—36 млн т ни, гулли карам етиштириш эса 4,3—4,5 млн т ни ташкил қиласди. Бошли карамни энг кўп Хитой — 5,6—5,8 млн, Япония — 3,7—3,9 млн т, Польша — 1,9—2,0 млн т. АҚШ — 1,4—1,6 млн т, Буюк Британия ҳамда Жанубий Корея 1 млн етиштиришади.

МДҲ да карам етиштирнладиган майдон 400 минг гектар бўлиб, ундан 98% оқбошли карам билан банд. Карамнинг сабзавот экинлари ўртасидаги солиштирма ҳиссаси экин майдони бўйича 24—26%, ялпи ҳосил бўйича 36—39% ҳисобланади. Карам экиладиган майдоннинг 50% дан кўпроқ қисми Россияда, 25—30% Украинада жамланган. У Белоруссия ҳамда Қозогистонда ҳам кўп етиштирилади. Ўзбекистонда карамнинг сабзавот экинлари ўртасидаги солиштирма ҳиссаси экин майдони бўйича 12% ҳамда ялпи маҳсулот бўйича 14% атрофида.

Оқбошли карам энг серҳосил экинлардан бири ҳисобланади. Унинг ўртача ҳосилдорлиги мамлакатимизда гектарига 22—25 тонна. Москва атрофида жойлашган кўплаб ихтисослаштирилган хўжаликлар 50—60 т ҳосил етиширади. Ўзбекистонда карамнинг ўртача ҳосилдорлиги йилнинг келишига қараб гектарига 22—27 т атрофида ўзгариб туради.

Оқбошли карамнинг ботаник характеристикаси ҳамда биологик хусусияти. Оқбошли карамнинг ватани Ўрта Ер денгизи атрофлари ҳисобланади. У биринчи йили вегетатив орган — бош, иккинчи йили эса репродуктив органлар ва уруғ ҳосил қиласди. У икки йиллик ўсимлик.

Пояси биринчи йили калта, йўғон (20—50 см), барг билан қалин қопланган кўринишида бўлади. Одатда уни ўзак деб аташади. Иккинчи йили у 1—1,5 м баландликда вегетатив поя ҳосил қиласди. Барги йирик, тепа қисмида гиллари тўпланган, пасткилари эса бандли, тарвақайлаган бўлади. Бандининг узунлиги 5—15 см ва ундан ҳам ортиқ. Барг шапалоги этли, йирик томирли. Унинг шакли юзаси, ўлчами, тузи ва бошқа белгилари нави ва етиштириш шароитига қараб ўзгариб туради. Карам боши жуда катта кўринишдаги буйракка ўхшайди. Бошининг шакли конуссимондан ясси кўринишгача ўзгариб туради. Унинг диаметри эртапишар навларида 10—20 см, кечпишарларида эса 25—40 см ва ундан каттароқ бўлади. Тўпгули чўзинчоқ шингилли, эгилган ёки эгилмаган бўлади, унинг узунлиги 60—80 см га етади. Гуллари ўртача ўлчамли, икки жинсли. Косабарги ҳамда гулбарги тўртадан, тугуни юқори икки уяли. Меваси 5—13 см узуныликдаги цилиндриксимон ёки ясси цилиндриксимон қўзоқ. Уруғи қўзоқнинг деворига ёпишган бўлиб, думалоқ, тухумсимон, тузи жигаррангдан қора рангтacha, ўлчами ўртача.

Шароит қулай бўлганда экилгандан 3—4 кун кейин карам ниҳоли униб чиқади. Бу вақтга келиб илдизи 12—15 см га етади,

унда ён илдизлар пайдо бўла бошлайди. Ниҳол униб чиққандан 8—12 кун ўтгач биринчи чинбарг, кейин 1—2 кун ўтиб навбатдаги барглар чиқади.

Барги ўсиши ва ривожланиши билан бир пайтда карам бошининг шаклланиши ҳам бошланади. У учки куртаклари ўсиши ва аста-секин янгидан пайдо бўлган баргларнинг унда тўплана бошлаши эвазига катталашади. Бошга тўпланаётган баргларнинг кўпайиши ва ўсишига қараб карам ўлчами ҳам катталашади. Карам бошининг тўлиқ шаклланиши навининг тезпишарлигига қараб, ниҳоли униб чиққандан кейин 65—180 кун ўтиб тугалланади. Оқ бошли карам узоқ муддат (40—70 кун) мусбат ҳарорат ($2-5^{\circ}$) да сақлангандагина гуллаш босқичига тайёр бўлиши мумкин. Тегишли муддат сақланган уруғлик карам экилгандан кейин гул бўтоғининг бош пояси, ён бутоқлари ўса бошлайди, гунчаси шаклланади, гуллаш уруғланиш, ўсиш ҳамда қўзоги ҳосил бўла бошлайди. Уруғининг пишиб етилиши уруғлик карам экилгач, $3,5-4$ ойдан кейин бошланади.

Оқ бошли карам иссиққа унча талабчан эмас, совуққа чидамли. Уруғи $2-3^{\circ}$ да ўса бошлайди, бироқ у $5-6^{\circ}$ да оммавий униб чиқади. Ҳарорат 11° бўлганда ниҳоли $10-12^{\circ}$, $18-20^{\circ}$ бўлганда эса $3-4$ кунда униб чиқади. Ниҳоллар $2-3^{\circ}$ ли қисқа муддатли, биринчи чинбарги чиққандада эса ҳатто $5-6^{\circ}$ ли совуққа ҳам чидаши мумкин. Карам ўсимлиги $5-8^{\circ}$ дан юқори ҳароратда ўстирилади. Кўчат қилиб ўтказилганда эса энг қулай ҳарорат $15-18^{\circ}$. Ҳарорат 25° дан ошиб кетиши карам боши шаклланишига салбий таъсир этади. Ўсишни секинлаштиради, ўсиш даврини узайтиради, бош тугмайдиган ўсимликлар сонининг ўсишига олиб келади. Карам ўсиш даврининг биринчи босқичида юқори ҳароратга айниқса таъсирчандир. Оқбошли карам тупроқ намлигини юқори даражада талаб қиласди. Тупроқнинг мақбул намлиги НВ га нисбатан 80%, ҳавонинг мақбул намлиги 60—80%.

Карам доимий (очиқ кунда ҳам, булутли кунда ҳам) ўсади. Бироқ кейинги ҳолда баргининг ўсиши ҳамда бошининг шаклланиши кечикади. Узун кун (17—18 соат) ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини, ассимиляция аппаратининг шаклланишини, гуллининг ҳосил бўлишини тезлаштиради. Қисқа кун ўсиш жараёнларининг секинлашишига, ўсимлик ҳамда карам боши ўлчамининг қисқаришига олиб келади.

Оқ бошли карам тупроқдан жуда юқори миқдорда минерал моддаларни олади. Гектаридан 80 т ҳосил етиштирганда 214 кг азот, 79 кг фосфор ҳамда 200 кг калий олинади. Барг аппарати шаклланишида у кўпроқ азотни, боши шаклланишида эса фосфор ҳамда калийни истеъмол қиласди. Карам тупроқдан жуда кўп миқдорда минерал моддалар ўзлаштириши ҳамда илдиз системаси нисбатан кучсиз ривожланганлиги туфайли тупроқ унумдорлигига жуда талабчан бўлади. Карамга тегишли миқдорда ўғит берилганда енгил қумоқ тупроқли ерлардан бошқа ерларда ҳам юқори

ҳосил беради. Оқ бошли карам шўрхокка ўртача чидамли, нейтрал ҳамда кучсиз шўрланган тупроқларда яхши ўсади.

Оқ бошли карамни етиштириш технологияси. Навлари. Карам навлари биринчи йилда етилиш муддатига қараб тезпишар, ўртапишар, кечпишарга бўлинади ва одатда уларни эртаги, ўртаги ҳамда кечки деб аташади. Эртаги карам уруғидан экилганда техник етилишигача 100—120, кўчатидан экилганда эса 55—65 кун ўсиш даврини талаб қиласди. Уларнинг илдизи ёнидаги баргининг тўпбарги 10—15, тўпбаргининг диаметри 40—50 см, карам бошининг ўртача оғирлиги 0,8—2 кг. Ўртапишар карам уруғидан экилганда 130—150, кўчатидан экилганда 75—80 кунлик ўсиш даврига эга. Илдиз ёнидаги тўпбарги 20—22, тўпбаргининг диаметри 60—75, карам бошининг ўртача оғирлиги 2—4 кг. Кечки карам уруғидан экилганда 170—180, кўчатидан экилганда эса 110—120 кунлик ўсиш даврига эга. Илдиз ёнидаги тўпбарги 25—30, тўпбаргининг диаметри 10—12 см, карам бошининг ўртача оғирлиги 3—8 кг. Тезпишарлиги бўйича оралиқдаги навлар ўрта, эртаги ҳамда ўрта кечпишар деб номланади.

Ўзбекистонда эрта муддатда экиш учун эртапишар навлардан биринчи номерли "Грибовский-147" ҳамда "Июнский", ўрта муддатда экиш учун ўртапишар "Тошкент-10", кечки муддатда экиш учун "Ўзбекистон-133" ҳамда "Ўзбек ҳаками", қишидан олдин экиш муддати учун — эртапишар яхшиланган "Маҳаллий дербенд" ҳамда ўрта-эртаги "Апшерон кузгиси" навлари экилади.

Ўтмишдош экинлар ҳамда ерни экишга тайёрлаш. Карам яхши ўғитланган ҳамда яхши ишланган ерларда юқори ҳосил беради. Карам учун сабзавот алмашлаб экишда энг яхши ўтмишдош экинлар, картошка, бодринг, полиз экинлари ҳамда ловиядош экинлар ҳисобланади. Кечки карам чим ўтлар ўрнига экилганда ҳам яхши ўсади. Карамни ўзининг ўрнига қайта экиш мақул эмас. Уни ўз ўрнига камида 2—3 йилдан кейин экиш мумкин. Эртаги карам беданинг ўрнида яхши ўсмайди. Чунки у ёкиладиган пайтда беданинг илдизлари яхши чириб улгурмайди. Ёзи карам одатда картошка ҳамда илдиз мевали экинлар ҳосили йигиштириб олингандан кейин такрорий экин сифатида экилади.

Карам экиладиган ерга ишлов бериш бошқа сабзавот экинларини етиштиришдаги сингаридир (ҳайдаш, кузги шудгор, жорий режалаштириш).

Экишдан олдин ерга ишлов бериш экиш муддатига боғлиқ. Эрта баҳорги экиш пайтида дала эрта баҳорда бароналанади ҳамда экишдан олдин эгатлар олинади. Эртаги карамни эгатсиз далага ҳам экиш мумкин. Эртаги ҳосил етиштириш мақсадида бу ишлар кузда бажарилади, баҳорда далагада чиқиш учун имконият пайдо бўлиши билан кўчатлар ўтқазилади. Кечки карамни экиш пайтида ҳам экиш олдидан худди шундай ишлов берилади.

Карам уругидан экилганда кузги шудгор, эрта баҳорда намни сақлаш учун бароналаш ўтказилади. Экишга озроқ қолганда ер чизел ёрдамида юмшатилади ёки ағдарилмасдан ҳайдалади. Агар ёзги карам асосий экин сифатида етиширилладиган бўлса, кузда шудгорланган дала эрта баҳорда бороналанади, 2—3 марта ялпи культивация ўтказилади ва бевосита экиш олдидан ер ҳайдалади. Биринчи экин ҳосили йигиштириб олингандан кейин такрорий экин экиш олдидан ер ағдариб ҳайдалади, кейин эса боронала-нади.

Ўғит бериш. Ўзбекистоннинг бўз тупроқли ерларида оқбошли карамдан гектарига 529 ц ҳосил етиширилганда 227 кг азот, 68 кг фосфор ҳамда 252 кг калий солинади. Гектаридан 25—30 т ҳосил олиш учун қуидаги миқдорда минерал ўғитлар солиш тавсия этилади: бўз тупроқли срларнинг гектарига — 150—200 кг азот, 100—150 кг фосфор ҳамда 75—100 кг калий, ўтлоқ ҳамда ўтлоқ-ботқоқли ерларга 120—150 кг азот, 120—150 кг фосфор ҳамда 60—100 кг калий. Имкониятга қараб оқ бошли карам етиширилладиган далага гектарига 20 т гўнг солиб, азот, фосфор ҳамда калийнинг тегишли миқдоридан воз кечиш мумкин. Карам кўп йил давомида чим босган ерда етиширилганда азотнинг миқдорини 20—25% га пасайтириш мумкин.

Ўғит беришнинг қуидаги муддатлари тавсия этилади: асосий ҳайдаш пайтида — органик ўғитларнинг, ҳаммаси фосфорли ўғитларнинг 70—75% и ва калийли ўғитларнинг ярми; экишдан олдин фосфорли ўғитнинг қолган қисми (25—30%) ва азот йиллик нормасининг 20—25%; кўчатлар тутгандан кейин биринчи озиқлантириш пайтида азот миқдорининг 25—40%, бош тугиш арафасида (иккинчи озиқлантиришда) азотнинг 35—40% ҳамда калийли ўғитнинг ярми берилади.

Экиш усуллари ва муддати. Ўзбекистонда карам қуидаги тўрт муддатда етиширилади.

1. Эртаги — фақат эртаги навлар етиширилади. Биринчи но-мерли "Грибовский-147" ҳамда "Июнская". Экиш албатта яхши томир отган 6—7 баргли кўчатни иложи борича эрта муддатда февралнинг охири-мартиңнинг бошларида ўтқазиш йўли билан амалга оширилади. Ҳосил майнинг охирларида стилла бошлайди ва июнь ойи ичида тўла йигиштириб олинади.

2. Ўртаги карам — кўчатидан ўтқазилади ёки бевосита далага уругидан экилади. Кўчати апрелнинг ўрталаридан 10-майгача босқичма-босқич ўтқазилади, ургини далага экиш эса мартнинг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида амалга оширилади. Ўртапишар, иссиққа чидамли "Тошкент-10" нави ўстирилади. Ҳосил бозорга июннинг охирларида чиқарила бошлайди ҳамда август ва сентябрнинг бошларида тўла йигиштириб олинади.

3. Кечки карам 15 июндан 15 июлгача кўчатидан ўтқазилади. Кўчат 5—6 чинбаргта эга бўлиши керак. Уни очиқ даладаги кўчат пайкалларида уругидан етишириш лозим. Бироқ эртаги

экиндан бўшаган майдонга экиш мумкин эмас. Чунки карам уруғи май ойининг биринчи ярмида экилиши лозим. Кечки муддатли экинда ҳосил октябрь ойининг иккинчи ярми-ноябрь ойининг бошларида йиғиштириб олинади. Кечки экин сифатида ўртапишар "Тошкент-10" нави, ўртакеччишар "Ўзбекистон-133" ва "Ўзбек ҳаками" навлари етиштирилади.

4. Қиши олдидан экиладиган карам кўчати 4—5 барг чиқарган бўлиши керак. У ноябрнинг бошларида ўтқазилади. Сентябрнинг охирлари октябрнинг бошларида далага уруғидан ҳам экиш мумкин. Жумҳуриятимизнинг марказий минтақасида қишки карам ёруғликни яхши ўтказадиган целофан плёнка билан бекитилиши лозим. Бундай қилиш жанубда ҳам фойдалидир. Қиши арафасида экилган карам эрта баҳорда экилган карамга нисбатан жанубда бир ой олдин, жумҳуриятимизнинг марказий қисмida эса икки ҳафта олдин стилади. Қиши олдидан карамнинг "Дербенд маҳаллийси" ва кузги "Апшерон" навларини экиш лозим. Улар ўзаклаб кетишга ва паст ҳароратга чидамлидир.

Ўзбекистонда барча карам навлари қатор оралигининг кенглиги 70 см бўлган ҳолда етиштирилади. Бу уларни экиш ҳамда қатор орасига ишлов беришда 1,4 м изли трактордан фойдаланишга имкон беради. Бироқ ўсимликлар оралигидаги масофа навнинг тезпишарлигига қараб турлича бўлади, яъни: эртапишлари учун 25—30, ўртапишлари учун 40 ва кечпишлари учун 50 см. Кўчат қалинлиги тезпишар навларда гектарига 47—57 минг дона, ўртапишларида 36—37 минг дона ва кечпишларида 28—30 минг дона.

Карам СКН-6 ва СКН-6А кўчат ўтқазувчи машиналар ёрдамида экилади. Баҳорда ердаги нам етарли даражада бўлганда эртаги карам кўчати суғормасдан туриб ўтқазилади. Ҳаво қуруқ келганда эса ерни суғориб кўчат ўтқазилади. Ўртаги ва эртаги карам кўчатлари ўтқазиладиган пайтда ернинг намлиги етарли бўлмайди. Шу боисдан кўчат ўтқазишдан олдин пайкални албатта суғориш, кўчат эса куннинг салқин пайтида ўтқазилиши лозим. Кузги тунламнинг олдини олиш мақсадида экиш пайтида-0,5% ли хлорофос суюқлигини ҳар бир уяга 0,5 л ҳисобида солиши тавсия этилади. Кўчат ўтқазиб бўлингач, ўша заҳоти сув берилиши керак. Кечки экишда кўчат тутиши учун 2—3 марта сув берилади. 3—4 кундан кейин ўтқазилган кўчатлар текшириб кўрилади ва қуриб қолганлари ўрнига янгилари ўтқазилади. Карам экиладиган майдонларда бегона ўтларга қарши курашиб мақсадида трефлан гербицидини сепиш тавсия этилади. У экиш олдидан, ерга дискали ҳайдагич ёки фрезерли культиватор ёрдамида 8—10 см чуқурликда, ишлов бериш билан бир пайтда сепиб кетилади. Трафлан бир гектар ерга 1—1,25 кг миқдорида солинади.

Ўсимликни парваришлаш. Кўчат тутиши билан дастлабки комплекс ишлов ўтқазилади. У қатор ораларини чопиқ қилиш,

күчатлар атрофидаги тупроқни қўлда юмшатиш ҳамда минерал ўғитлар беришдан иборат. Кейин 1—2 марта сугорилади. Тупроқ етилиши билан яна шундай комплекс ишлов ўтказилади, фақат бу гал ерга чуқурроқ ишлов берилади. Навбатдаги сугорища қаноти кенгайтирилган чопиқ тракторлари билан эгат олинади. Бу тадбир иккинчи озиқлантириш (аммиакли селитра ҳамда калий олтингугурт кислотаси бериш) билан биргаликда олиб борилади. Одатда иккинчи озиқлантириш карам бош туга бошлигаган пайтда ўтказилади.

Эртапишар навларда иккинчи озиқлантиришдан кейин ўсимлик катталашади ҳамда қаторлар ўзаро туташиб кетади. Шу боисдан бу вақтга келиб қатор ораларига ишлов бериш тўхтатилади. Кечпишар навлар экилганда эса, улар анча узоқ муддат ўсиши туфайли яна бир-икки қўшимча чопиқ ва баъзан учинчи озиқлантириш ўтказилади.

Сугориш. Юқори ҳосил етишириш учун тупроқ намлиги эртаги карамда НВ га нисбатан 80—90%, кечки карамда 80% дан пастга тушмаслиги керак. Сугоришни тақсимлаш пайтида ўсимликнинг намлика талабини ҳисобга олишдан ташқари обҳаво щароитига ҳам эътибор қилиш керак. Эртаги карам экилган дастлабки пайтда ҳаво ҳарорати паст, ёғин-сочин бўлиб туради. Шу боисдан бу даврда ўсимликни сугориш учун ҳожат йўқ. Эртаги карам бош туга бошлагунча 1—2 марта сугорилса етарли. Карам бош тугиши даврида сугориш ҳар 6—8 кунда такрорланиб туради. Сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда 8—9, яқин жойлашган ерларда эса 5—6 марта сув берилади.

Ўртаги карам экилишидан то ҳосили йигиштириб олингунча ҳарорат юқори бўлади ҳамда ёғин-сочинсиз ўсади. Шу боисдан у тез-тез сугоришига муҳтож бўлади. Бу унинг намлика талабини қондириш учунгина эмас, балки тупроқ ҳароратини ҳамда ҳавонинг ерга яқин қатлами ҳароратини пасайтириш учун ҳам зарур. Сугориш айниқса карам бош туга бошлаган пайтда тез-тез амалга оширилиб, ҳар 5—6 кунда такрорланиб туради. Ўртаги карам сизот сувлари яқин жойлашган ерларда эса 11—12 марта сугорилади. Ёзги жазирاما пайтида сугориш орасида 3—4 марта ёмғирлатиб сугориш машинасидан фойдаланилади. Бунда сугориш миқдори гектарига 300—350 м³ бўлади.

Кечки карамнинг бош туккунча ривожланиши ва ўсиши ёзги юқори ҳарорат остида ўтади. Бош туга бошлаши эса кузга тўғри келади. Шу боисдан кечки карамни ўсиш даврининг биринчи босқичида тез-тез сугорилади. Кузда эса карам боши етила бошлаганда сугориши камайтириш мумкин. Ҳосилни йигиштириб олишга икки ҳафта қолганда сугориш тўхтатилади. Кечки карамни сугориш сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда олдинига ҳар 7—8 кунда, кузги салқин пайтига келиб эса ҳар 10—12 кунда ўтказилади. Ўсиш давомида умумий сугориш миқдори 12—13 марта тага етади. Сизот сувлари яқин жойлашган ерларда кечки карам ўсув давомида 7—9 марта сугорилади.

Зааркунандалар ҳамда касалликларга қарши кураш. Карам ўзбекистонда сўлаксимон бактериоз, сохта оққиров касали билан касалланади ва карам шираси, куяси, белянкаси ҳамда хочгули бургача зааркунандалари билан заарланади. Сўлаксимон бактериознинг олдини олиш учун уруғга ТМДТ препарати пуркалади. Бунинг учун уруғ $48-50^{\circ}$ гача иситилган сувда 20 дақиқа сақланади. Сохта оққировнинг олдини олиш мақсадида уруғни $48-50^{\circ}$ ҳароратда намлаб иситилади. Кўчати 50% ли ТМДТ ёки олтингугурт ва сўндирилган оҳак аралашмаси билан пуркалади. Ширанинг олдини олиш учун кўчат ўтқазилишидан олдин унга БИ-58 суюқлиги пуркалади (ҳар бир қолип ёки 1 m^2 га, 1 л сувга ҳисобидан). Далада зааркунанда пайдо бўлганда эса БИ-58 препаратининг 0,15—0,20% ли суюқлиги ёки 70% антио, гектарига 0,6—1,0 кг ҳисобида сайфос, 50% трихлор метафос — гектарига 1,5—3 кг дан солинади. Барча зааркунандаларга қарши бир йўла курашиш учун эса гектарига 3—5 кг дан хлорофос пуркалади. Ишлов беришни ҳосилни йиғишириб олишга 20 кун қолганда мутлақо тўхтатиш керак. Карам куяси ҳамда белянкага қарши дендробациллик ёки энтобактерин-3 биопрепаратлари билан гектарига 0,5 кг хлорофос қўшган ҳолда 4—5 кг ҳисобидан гектарига 800 л ишчи суюқлиги сарфлаб 2 марта пуркаш самарали натижга беради.

Уруғдан экишнинг ўзига хос хусусияти. Ўзбекистонда уруғидан экилган карам бақувват чуқур томир отадиган илдиз системасига эга бўлади. Бу ўсимликнинг яхши озиқланиш ва сув билан таъминланишига имкон беради. Барг тўпбаргининг тигиз, дагал тузилиши унинг зааркунанда, касалликлар ҳамда ноқулай шароитга анча чидамли бўлишини таъминлайди. Уруғидан экилганда карамнинг ҳосилдорлиги одатда уни кўчатидан етиштиргандагига қараганда юқори бўлади. Уруғидан экиш усулининг камчилиги ўсимликнинг далада узоқ муддат ўсиши билан боғлиқ. Бу эртаги ҳосил етиштириш ҳамда карамни такорий экин сифатида экишга имкон бермайди. Шу боисдан ўртаги карамни уруғидан экиш ва етиштириш тавсия этилади. Зеро у кўчатидан етиштирилганда ширадан ҳамда юқори ҳароратдан азият чекади, унча кўп ҳосил бермайди.

Бевосита далага уруғидан экиш мартнинг иккинчи ярмидан бошланади. Экиш учун бегона ўтлардан тозаланган, яхши режалаштирилган дала танланади. Уруғ сабзавот сеялкалари билан экилади. Суғориш жўяги ҳам экиш билан бир вақтда олинади. Кетма-кет сув берилади. Ниҳоллар тез ва қийғос униши ва яхши озиқланиши учун хамиртурушланган ёки чириндига аралаштирилган уруғ экиш тавсия этилади. Экишдан кейин уяларнинг юзасига чиринди сепиши ҳам яхши натижা беради. Уруғлар сеялка билан гектарига 1,8—2 кг, қўлда 1,2—1,5 кг миқдорда экилади. Уруғ 2,0—2,5 см чуқурликка ташланади. Уруғи пайкалга экилган карам кўчатининг қалинлиги кўчатидан экилгандаги сингари бўлиши зарур.

Уруг экилгандан кейин у тўла униб чиққунча 1—2 сув берилади. Биринчи чинбарги ҳосил бўлганда яганалаш ўтказилади. Бунда уяда 3—4 ўсимлик қолдирилади. Қатор қилиб экилгандан яганалаш кўндаланг культивация йўли билан гулдаста қилиш тарзида ўтказилади. Гулдастадаги ниҳоллар қўлда яганалади. Биринчи ягана 3—4 барг ҳосил бўлганда, уяда биттадан ўсимлик қолдириш билан тугайди. Заараланган кўчатлар ўрнига яганалаш пайтида олинган ниҳоллар экилади. Экиннинг кейинги парвариши одатдагидан фарқ қилмайди.

Ҳосилни йигиштириб олиш. Карам бошининг зачлашиб қаттиқ ҳолга келиши унинг пишганлигидан дарак беради. Бу пайтга келиб у навига хос катталикка эга бўлади. Пишиб ўтиб кетган карам бошлари ёрилиб кетади ҳамда товарлик хусусиятини йўқотади. Айниқса пишиш муддати чўзилиб кетадиган, бир текис пишмайдиган эртапишар навлар ёрилиб кетишга кўпроқ мойил бўлади. Қиши олдидан ўтказилган эртаги ва ўртаги тезпишар ҳамда ўртапишар карам навлари бошининг етилишига қараб уч-тўрт марта йигиштириб олинади. Бунга апрелнинг охирида киришилиб майнинг охирида тугалланади. Баҳорда экилган карам ҳосили эса майнинг охиридан июннинг охиригача йигиштириб олинади. Кечпишар навлар камроқ ёрилади. Шунинг учун улар бир-икки теришдаёқ йигиштириб олинади.

Карам ҳосили қўлда йигиштирилганда пичноқ ёки кетмон ёрдамида тагидан чопиб кетилади. Сўнgra баргидан тозаланади. Тозалашда, ташилаётганда уни заарсизлантирмаслик учун 2—3 яшил барг қолдирилади. Тозаланган карам бошлари транспортларга юкланиб, сотувга жўнатилади. Карам жўнатилмасдан анча вақт туриб қоладиган бўлса, уни бир жойга тўплаб, қуриб қолмаслиги учун усти хас-хашаклар билан ёпиб қўйилади. Карамни йигиштириб олишда ПОУ-2,0 универсал прицепли сабзавот платформаси ёки кенг қамровли ТШП-25 транспортери қўлланиши қўл меҳнатини анча снгиллаштиради.

Кечки карам ҳосили 3—5° совуқ тушиши арафасида октябрнинг охирлари ва ноябрь ойининг бошларида бир йўла йигиштириб олинади. Унча катта бўлмаган майдонлардаги карам қўлда, платформа ёки транспортёрлар воситасида йигиштириб олинади. Кенг майдонлардаги кечки карам ҳосилини йигиштиришда "Беларусь" трактори ёрдамида ишлатиладиган бир қаторли МСК-1 карам йигиштирувчи комбайнидан фойдаланилади. Поток усулда йигиштиришда икки қаторли МКП-2, УКМ-2, УКМ-4,2 карам йигиштирувчи машиналар ҳамда ЛДК-306, АСК-20 навларга ажратиш линиялари қўлланади.

Уруғчилик. Ўзбекистонда ўртапишар ҳамда кечпишар навларнинг уруги етиштирилади. Эртаги навларнинг уруги эса мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан келтирилади. Карамнинг уруги икки йил ичida етиштирилади. Биринчи йили оналиқ ўсимлиги ўстирилади. Кейинги йили эса у гуллаб уруғ тугади. Уруғлик карамни парваришлаш қоидаси ҳам озиқ-овқат етиштириладиган карамники сингари. Бироқ уруғлик карам ёзги муд-

датда етиширилиши шарт. Ҳосилни йигиштиришга киришишдан олдин синов ўтказилади. Уруғлик учун боши зич тугилган соғлом, типик нав белгиларини ўзида яхши ифода этган карамлар танланади. Сара карамлар илдизи билан ковлаб олиниб, уларнинг яшил барглари 3—4 см банд қолдириб кессиб ташланади. Ҳосилни йигиштириш кучли совуқ бошлангунча тугалланади.

Оналик карам қишилдириши олдидан ноябрда ёки февралнинг охирида экиласиди. Баҳорда экиласидиган оналик карамлар сабзавот омборларида панжара сўриларда +1° ҳароратда сақланади. Унча чуқур бўлмаган ҳандақларда илдизини пастга қаратиб бир қатор қилиб териб устини тупроқ билан ёпиб ҳам сақлаш мумкин. Экишдан олдин оналик карамлар чириган баргларидан тозаланади. Оналик карамлар бутун боши ёки кўпинча боши кессиб олиниб ўзак илдизи билан экиласиди. Ўзак илдизни кессиб олиш қўлда ёки цилиндрическимон пичноқли становка бажарилади.

Уруғлик карамни кенглиги камидаги 2000 м очиқ ва 600 м ҳимояланган пайкалга ўтқазилади. Уруғлик карамга гектарига 40—50 т чириган гўнг ёки тегишли миқдорда минерал ўғит берилади. Яхиси уларни биргаликда берган маъқул. Илдиз ўзаги қатор оралари 70 ва 90 см бўлган пайкалларга кўчат оралигини 60—70 см қилиб экиласиди. Илдиз ўзаги бутун бошли кафам кўчатига нисбатан тигизроқ ўтқазилади. Кўчат учун чуқурулиги 30 см гача эгат олинади. Уруғлик кўчат илдиз ўзагининг ён қисми тупроққа тўла ботиб турадиган ҳолатда экиласиди. Кўчат қишилдириши олдидан экилганда унинг усти 8—10 см қалинликда тупроқ билан кўмиб қўйилади, эрта баҳорда у сидириб ташланади.

Уруғлик карам 5—7 марта сугорилади, қовжираган барглари олиб ташланади, қатор оралари 3—4 культивация қилинади, 1—2 марта кўчат бўғизи юмшатилади, чопиқ қилинади, кўчат ўсиш пайтида ва гуллаганда 1—2 озиқлантирилади (гектарига 20—30 кг азот ва фосфор ҳисобидан).

Уруғ июнь-июль ойларидаги пиша бошлайди. Ўсимликтаги уруғ бир текис пишмайди, пишган қўзоқлар ёрлиб, уруғ тўклиб кетади. Шу боисдан ҳосил қўзоқ сарғайиб, уруғ думбул бўлиб пишганда бир-икки сидра йигиштириб олинади. Ўсимлик тупидан кесиб олинади, даста қилиб boglаниб, 8—10 кун қуриб пишиши учун қўйилади. Янчиши одатдаги янчгичлар ёки қайта жиҳозланган СК-5А, СКД-5, СКД-6А комбайнлари ёрдамида амалга оширилади. Уруғ ЗПА-1. 30000 машинасида дастлабки тарзда тозаланиб, "Петкус-Гигант", К-531/1, "Петкус-селектра" уруғ тозалагич пневматик колонкасида экиш учун тайёр ҳолатгача ишловдан ўтказилади. Уруғ 94 фоиздан юқори бўлмаган намлиkkacha қуритилади. Карам уруғининг ҳосилдорлиги гектарига 5—7, илгор хўжаликларда эса 10—12 ц.

Гул карам етиширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Биологик хусусиятлари. Гул карам бир йиллик ўсимлик. Қисқа тик пояли, барглари узайиб боради. Ассимиляция аппарати шаклланиб, кўчат униб чиққач, 65—80 кун ўтгандан кейин энг устки муртакда бошча ҳосил бўла бошлайди. Гул карам бошининг

ўсиши нави ва етиштириш шароитига қараб 15—50 кун давом этади. Шундан сўнг у тарқоқ бўлиб қолади, бошининг бутоқларида гул пайдо бўла бошлайди ва ўзу йилнинг ўзида уруғ беради.

Гул карамнинг уруғи 5—6° ҳароратда униб чиқа бошлайди, бироқ униб чиқиши учун энг мақбул ҳарорат 18—20° ҳисобланади. 8—12° да боши жадал бутоқланади, аммо бундай ҳароратда у секин ўсади, боши зич бўлсада, кичик тугади. 15—18° да боши анча йирик ва юмшоқ тугади. Бундай юқори ҳароратда тез тугса-да, кичик бўлиб ёйилиб кетади, 35—40° да умуман бош тугмайди, пояси 45—50 см га чўзилиб кетади. 15° гулкосаси ҳосил бўлмайди. Гул карам — 2—5° совуққа бардош бера олади.

Гул карам унумдор тупроққа ва ўғитларга талабчан. Ўсиш пайтида унга албатта азот, фосфор ва калий бериш зарур. У намлика ҳам анча талабчан. Нам етишмаслиги муддатидан олдин чала ривожланган бошчаларнинг тугилишига сабабчи бўлади. Гул карам ўзак бошли карамга нисбатан қуёш нурига кам талабчан. Ниҳоллик пайтида нурга кўпроқ интилади. Қуёш нури остида ривожланган карам боши оқимтири эмас, балки яшил ҳамда қорамтири тусга ўтиб, истеъмол учун яроқсиз бўлади.

Етиштириш технологияси. Ўзбекистонда гул карамнинг эрта экиладиган навларидан ўрта эртаги "Отечественная" нави районлаштирилган. Унинг кўчати униб чиқишидан техник етилишига қадар 97—113 кун ўтади. Бундан ташқари Ўзбекистонда "Снежинка" нави ҳам етиштирилади.

Гул карам ҳам оқ бошли карамлар сингари ўтмишдош экинлар ўрнига экилади. Ерга ишлов бериш усули ҳам ўхшаш. Гул карам эрта баҳорда ва ёзда етиштирилади. Эртаги экин ҳосили майионда, кечкиси октябрь ва ноябрь ойларида йиғишириб олинади.

Баҳорда экиладиган гул карамнинг бош тугиши қаттиқ иссиқ бошланадиган пайтга тўғри келиб қолмаслиги учун у иложи борича эрта — февралнинг охири, мартнинг бошларида экилади. Кечки карам июлнинг охирлари августнинг бошларида экилади. Гул карам кўчати қўлда экилиб, қатор оралиги 70 см, кўчат оралиги эса 30 см бўлиши лозим. Кўчат қалинлиги гектарига 47 минг донани ташкил қиласди.

Гул карам ўғитларга, айниқса органик ўғитларга мойлидир. Шу боисдан уни етиштиришда гектарига 20—30 т гўнг, 4—5 ц аммиакли селитра, 5—6 ц суперфосфат ҳамда 1—2 ц калий сульфат солинади. Гўнг, калий ўғитлари ҳамда фосфор ўғитларининг ярми экишдан олдин, қолганлари эса кейин берилади. Гул карам ривожланишининг дастлабки босқичларида азот озиқаси, бош туға бошлангандан кейин эса азот-фосфорли ўғитлар солинади. Озиқлантириш кўчат экилгандан кейин 1—2 ҳафта ўтиб бошланаб, ҳар 2—3 ҳафта икки-уч марта тақорланиб туради.

Ўсимликни парваришлаш, сугориш, қатор ораларини культивация қилиш ҳамда чопиқдан иборат. Баҳорги гул карам сизот сувлар, чуқур жойлашган ерларда 7—8 мартача сугорилади. Бунда кўпроқ сув карам бош туға бошлаган пайтда берилиб, ҳосил

йигишириб олинишидан олдинроқ якунланади. Кечки экинда эса сугориш 8—10 мартаға етказилади. Сугориш ўсув даврида ҳар 8—10 кунда ўтказилади.

Гул карам етиширишда бажарилиши шарт бўлган тадбирлардан бири унинг бошини қўёш нуридан пана қилишдир. Акс ҳамда у қўёш нурида куйиб қолади. Тўсилмаган карам бошлари рангини, истеъмол сифатини ҳамда мазасини йўқотади, муддатидан олдин тўкилиб кетади. Карам боши устини қўёш нуридан ҳимоя қилиш учун ўсимликнинг бир неча баргини ўзаро боғлаб қўйиш керак.

Гул карам ҳосили танлаб узилади, зеро унинг бош тугиши бир текис кечмайди. Ҳосил куннинг охира, иссиқ қайтгач йигишириллади. Карам боши гули билан бирга кесиб олинади. Улар яшикларга истеъмол қилинадиган қисми иложи борича бир-бирига тегмайдиган ҳолда жойланади.

Гул карам ёзда экилганда унинг бир қисми бош тугишига улгурмай қолади. Диаметри 4—5 см карамлар боши кузда, совуқ тушиши арафасида барги ва илдизи билан бирга қазиб олинади ҳамда гўнгдан тозаланган парник ёки плёнка билан ёпилган иссиқхоналарга ўтказилади. Кўчат тик ҳолатда экилиб, биринчи баргигача тупроқ билан кўмилади. 1 м² ерга бошининг йириклигига қараб сараланган 30—40 ўсимлик (бир парник қолипига 45—70 ўсимлик) ўтказилади. Парниклар дераза ёки ёғоч шитлар билан ёпилади, қаттиқ совуқ тушганда эса сомон билан тўсилади. Иссиқхоналар иситилади. Қўшимча ўстириш пайтидаги мақбул ҳарорат +2+4°. Бундай ҳароратда карам меърида, тифиз бош тугади. Қўшимча ўстириш пайтидаги парвариш жаёни ортиқча намликни чиқариб юбориш учун вақтида шамоллатиб туриш ҳамда ҳароратни кўрсатилган даражада сақлашдан иборат. Қўшимча ўстириш муддати карам бошининг ўлчами, ҳарорат шароитига қараб 1,5—3 ой. Ана шу муддат ичидаги карам боши ўлчами 3—4 баробар катталашиб, январда 250—300 г ни ташкил қиласи.

Амалий машғулот

14 - мавзу. Оқбошли карамнинг районлаштирилган навларини ўрганиш.

Машғулотнинг мақсади: Оқ бошли карамнинг биринчи йил ҳаётини морфологик белгиларини ўрганиш ҳамда районлаштирилган навларини тавсифлаша.

Топшириқлар. Коллекция тажриба участкасида ўсадиган оқ бошли карам ўсимлиги ёки сабзавот омборида сақланаётган карамдан фойдаланиб ўқувчилар барг, карам ўзаги ва бошининг морфологик белгилари билан танишишади ҳамда минтақада районлаштирилган навларни тавсифлашади. Ўқувчилар топшириқни бажариш учун 3—4 кишидан звеноларга бўлиниади. Навларни тавсифлаш 21-жадвалда кўзда тутилган изчилликда олиб борилади.

Бошли карам навлари ҳақида ҳисобот

Нав белгилари	Навлар							
	1	2	3	4	5	6	7	8
1. Ташқи ўзаги баландлиги 2. Барглар — тўпбаргул катталиги — тўпбаргулда жойлашиши — бандининг узунлиги — шакли — катталиги — қиррасининг хусусияти — туси — мум гумбор қопламали 3. Карам боши — баландлиги. диаметри, шакл индекси, см — шакли — ўртача массаси, кг — зичлиги — ички ўзак узунлиги — туси 4. Ўсиш даври, кун								

Нав белгиларини тавсифлашда қуийдаги келтирилган гурӯҳлашга амал қилинади.

Ташқи ўзакнинг узунлиги. Поянинг тубидан бош туга бошлаган жойигача бўлган қисми — қисқа — 16 см гача, ўртача — 16—20 см, узун — 20 см дан ортиқ.

Тўпбаргларнинг катталиги-майда диаметри 60 см гача, ўртача — 60—80 см, йирик — 80 см дан ортиқ. Тезшишар навларнинг тўпбарги майда, кечшишарлариники йирик бўлади.


Тўпбаргнинг жойлашиши (тупроқ юзасига нисбатан) — горизонтал, яримкўтарилилган, кучли кўтарилилган ҳамда тепага тик ўстган.

Бандининг узунлиги. Бандига қараб барглар бандсиз, қисқа бандли (4—10 см), ўртача бандли (10—15 см), узун бандли (15 см дан ортиқ) турларга бўлинади.

Барг шапалогининг шакли. 1) узунчоқ, кенг ништарли, чўзинчоқ юқорига оқиб тургандек ва пастга оқиб тургандек, тескари тухумсимон, кенг тескари тухумсимон; 2) думалоқ, думалоқ кесик, 3) кенг чўзинчоқ ҳамда буйраксимон (16-расм).

Барг шапалогининг катталиги. Майда барглар — 25—40 см, ўртача — 40—50 см, йирик барглар — 50 см дан катта.

Барг қиррасининг характеристи. Барг қирралари — силлиқ, салгина тўлқинсимон, тўлқинсимон, кучли тўлқинсимон, попуксимон кўринишга эга бўлади.




16-расм. Карам барг шапалогининг шакли: А — узунчоқ; Б — юмалоқ; В — эили; 1 — кенг ланцетсимон; 2 — овал юқорига ва пастга томон сбжистая; 3 — овал; 4 — тескари тухумсимон; 5 — кенг тескари тухумсимон; 6 — юмалоқ; 7 — кескин-овал; 8 — кўндаланг-овал; 9 — буйраксимон

Барг ранги — оч яшил, яшил, тўқ яшил, кулранг яшил, кўкиш яшил, яшил бинафша, ола-була, кўкимтири бинафша, қизил бинафша.

Мум губор қоплами — кучсиз, ўртача ва кучли.

Бошининг шакли — думалоқ, япалоқ, думалоқ-япалоқ, конуссимон ясси (17-расм). Япалоқ карам бошлирининг шакли индекси 0,4—0,7, думалоқ япалоқлариники — 0,7—0,8, думалоқлариники — 0,8—1,1, конуссимонлариники — 0,8—1,4, яссилариники — 1,1—2,1 га тенг.

Карам бошининг катталиги ва ўртача массаси. Майдаги (диаметрининг энг кенг жойи 10—18 см ни ташкил қиласади), ўртача (20—25 см), йирик (25 см дан ортиқ). Карам бошининг ўртача массаси унинг катталиги ва зичлигига боғлиқ бўлиб, майдалариники — 0,5—1,5 кг, ўртачалариники — 1,5—2,5 кг, йириклариники 2,5 кг дан оғир бўлади.



17-расм. Карамбоининг асосий хиллари: 1 — юмалоқ; 2 — ясси; 3 — юмалоқ-ясси; 4 — конуссимон; 5 — овал.


Карам бошининг зичлиги — жуда юмшоқ, юмшоқ, ўртача зич, зич, жуда зич. Жуда юмшоқ ва юмшоқ бошларда ўртасидан икки паллага кессанда қаторлар оралигининг кўп жойи бўш бўлади. Ўртача зичларида ёриқ бўшлиқлар чекка-чеккада зич бўлади, жуда зичларида эса бўшлиқ бўлмайди.

И чи үзак узунлиги — қисқа (карам бошининг учдан бир узунликда) ўртача (иккидан бир узунлиги), узун (иккидан бир қисмидан зиёд).

К а р а м б о ш и н и н г т у с и — турли даражада оқ, яшилсиз мон оқиши.

Жадвалдаги бўш бандларда нав номлари кўрсатилади. Улар нинг тавсифи ташқи үзак бўйини ўлчашдан бошланади. Ўлчов карам боши тугилган жойдан илдиз бўгимигача ўтказилади. Ҳисоботга қуидаги тартибда ёзилади, "9 см — қисқа" ёки "16—18 см — ўртача". Тўпбарг катталиги чамалаб ёки энг катта иккитасининг диаметрини ўлчаш йўли билан аниқланади. Ҳисоботга қуидагича ёзилади "43—45 см — майда" ёки "66—68 см — ўртача". Тўпбаргдаги баргларининг жойлашиши: горизонтал, ярим ёки кучли кўтарилган, тик ўсган кўринишда акс эттирилади.

Барг шапологининг морфологик белгиларини аниқлаш учун ўсимликнинг техник етилиш пайтида сақланиб қолган пастки 4—5 барги олинади. Баргшапологининг шакли, барг қиррасининг ва барг томирчаларининг характеристири аниқланади. Банд узунлиги үзакдан барг шапологи бошланган жойгача ўлчанади. Тахминан қуидагича ёзув амалга оширилади. "Бандсиз", "7—8 см — қисқа бандли" ва ҳоказо.



18-расм. Карамбошни ва ўзагини ўлчаш схемаси: Н — карам бошининг бўйи; Д — диаметри; Н — ўзагининг бўйи; Н — ташки ўзагининг бўйи

Барг шапологининг катталиги унинг асосидан (бандидан ташқари) учигача ўлчанади. Ҳисоботга қуидаги тартибда ёзилади. "33—34 см — майда", "42—44 см — ўртача" ва ҳоказо. Баргининг тузи ва мумғубор қоплами чамалаб аниқланади. Карам бошини тавсифлаш учун ташқи үзакдан унга жойлашган тўпбарги билан бирга кесиб олинади. Сўнгра чизгич ёки штангенциркул ёрдамида карам бошининг узунлиги ва диаметри ўлчанади, бу кўрсаткичлар ҳисоботда см да ифодаланади. Шакл индексини узунылигининг диаметрига нисбатини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Шакл индексини ҳисобга олиб ҳамда шкалага

(18-расм) таяниб, карам бошининг шакли аниқланади ҳамда 5 турдан бирининг номи берилади.

Карам бошининг ўртача массаси 3—4 карам бошини тортиш ҳамда ўртача оғирлигини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ҳисоботда: "1,9 кг — ўртача" ёки "2,8 кг — иирик" деган ёзув қайд этилади.

Карам бошининг зичлигини аниқлаш учун у бўйига кесилади. Кесимдаги мавжуд бўшлиқлар ҳамда уларнинг даражасига қараб карам бошининг зичлигини юқорида тавсифланган 5 баллик система бўйича аниқланади. Ички ўзак узуналиги ҳам уни бўйига кесиш йўли билан аниқланади (18-расм). Ёзувда карам бошининг баландлиги фоиз билан ва номи — калта, ўртача, узун даб кўрсатилади.

Навнинг ўсиш даври ҳақидаги маълумотни талабалар ўқитув-чидан олишади ёки "Районлаштирилган навлар каталоги" дан топишади.

Фойдаланиладиган асбоблар. 5—6 районлаштирилган навнинг тўпбарги ва ташқи ўзаги. Тирик ўсимликда ўлчов чизгичлари, плёнкасимон ленталар, штангенциркуллар. Косали ёки платформали тарозилар. Ош қошиқ. Районлаштирилган навлар каталоги.

13 Боб ПИЁЗ ЭКИНЛАРИ

Пиёз экинларининг тарқалиши ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Пиёз экинларига бошпиёз, порей пиёзи, шалот пиёзи, ҳамда кўп ийллик батун ёки тишли пиёз, хушбўй кўпқаватли пиёз, шунингдек саримсоқпиёз киради. Уларнинг ҳаммаси пиёз гулдошлар оиласига мансуб. Улардан бошпиёз ҳамда саримсоқпиёз энг кенг тарқалган. Бошпиёз пиёз экинларининг 95% майдонини эгаллади. Порей, батун, шалот турлари кам экилади. Бошқа турлари ҳам жуда кам тарқалган.

Шалот пиёзи икки ийллик ўсимлик бўлиб, ватани Шимолий Африка. Битта уяда унча иирик бўлмаган 5—20 бош пиёз тугади.

Порей пиёзи икки ийллик ривожланиш циклига эга бўлиб, ўтра Ер денгизи бўйидан келган. Бир-бирига қарама-қарши жойлашган 6—15 лентасимон барги бўлади.

Кўп ийллик пиёзлар Сибирнинг Жанубий районлари, Мўғилистон ҳамда Хитойдан келиб чиқсан. Уларнинг ҳаммаси совуққа чидамли бўлиб, намга талабчан.

Слизун пиёзи йўғон узунчоқ баргли бўлиб, уругидан кўпаяди. Кўп ийллик пиёзларнинг бошқа турлари қувурсимон баргли бўлиб уруғи ҳамда кичик мева тугунидан кўпаяди. Кўпкатли пиёз гулкосасида бош тугади. Улар ҳам кўпайиш учун яроқлидир. Кўпқатли пиёз яшил баргини олиш учун эрта баҳорда ва кузда этиширилади.

Пиёз ўсимлигининг барча турлари энг аввало иштаҳани очувчи ҳамда овқат ҳазм қилувчи суюқлик ажралиб чиқиши ва қон айланишини яхшиловчи, маза берувчи сабзавот ҳисобланади. Бундан ташқари улар шакар оқсил, биритириувчи тўқима, минерал моддалар, эфир ёғлари ҳамда анча миқдордаги (С, В₁, В₂, РР) дармондориларга эга. Айниқса батун пиёзи бу моддаларга бой.

Порей пиёзи овқат ҳазм қилиш органларига ижобий таъсир этади, жигар ҳамда ўт пуфаги фаолиятини яхшилади. Ревматизм, подагра, семириш, буйракда тош тўпланиш касалликларида уни истеъмол қилиш фойдалидир. Уни сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳам қўллашади. Слизун пиёзи темирга бой бўлиб, уни қони кам кишилар истеъмол қилиши лозим. Бошпиёз яхши сақланади. Шу боисдан уни йил бўйи янгилигича, қовурилган ҳолда, маринадлаб истеъмол қилишади. Ўсишини тезлаштириш йўли билан йил бўйи бошпиёзга нисбатан витаминга бой кўкпиёз етиштириш мумкин. Сабзавотлар ва қўзиқоринни консервалашда, колбаса тайёрлашда саримсоқпиёз ўринини босадиган зиравор йўқ.

Пиёз ҳамда саримсоқпиёзнинг озиқ қіммати уларнинг таркибидаги углеводлар ва азотли моддалар билан изоҳланади. Бошпиёзнинг турли навлари 7—21% қуруқ моддага, шу жумладан 4—16% углеводга эга. Бу кўрсаткич саримсоқпиёзда 30—35 ва 20—25% га тенг. Бошпиёз углеводи таркибида шакар (2,5—14%), биритириувчи тўқима (0,5—0,8), пектин (0,5—0,6%), гемицеллюлоза (0,1—0,6%) мавжуд. Азотли моддалар бошпиёзда 1—4%, саримсоқпиёзда 6,7% ни ташкил қиласди.

Бошпиёз таркибида калий, кальций, фосфор, натрий ҳамда бошқа элементлар мавжуд. 1% кул бор. Пиёзлар таркибидаги эфир мойи уларга ўзига хос маза ва ҳид беради. Эфир мойи миқдори ўзгарувчан бўлиб, экинни етиштириш шароитига, пиёз бошининг стилиши даражасига боғлиқ. У 5—6 мг% атрофида ўзгариб туради. Пиёз ҳамда саримсоқпиёз бактерицид, замбуруққа қарши ҳамда даволаш хусусиятларига эга фитонцидга бой. Унинг бу хусусиятидан сабзавот ва картошкани қайта ишлаш ҳамда асрasha, шунингдек тиббиётда фойдаланилади. Пиёз авитаминоз, турли шамоллаш жараёнларини, юқумли касалликларни даволаш воситаси ҳисобланади, селекция фаолиятига ижобий таъсир этади. Саримсоқпиёз қадимдан атеросклероз, томоқ шамоллаши, бўғма, сил, овқат ҳазм қилиш фаолиятининг бузилиши ҳамда гижжа касалликларини олдини олиши воситаси сифатида қўлланиб келинади.

Бошпиёз қадимий сабзавот экини. Осиё мамлакатларида ми-лоддан 4 минг йил аввал ҳам маълум эди. У Эрон ва Афғонистон орқали аввал Миср, сўнгра Греция ва Римга ўтган. Пиёз Утра Европага V—VI асрларда, Россияга XII—XIII асрларда олиб келинган. Бошпиёз эгаллаб турган Ер юзасидаги майдон 1,6 млн га бўлиб, ундан дунё бўйича 19—20 млн т ҳосил олинади. Дунё бўйича йилига 2,3—2,4 млн т саримсоқпиёз етиштирилади.


Бошпиёсни энг кўп етиширадиган мамлакатлар: Хитой — 2,5—2,7 млн т, Ҳиндистон — 1,7—1,8 млн т, АҚШ — 1,5—1,7 млн т, Япония — 1,1—1,3 млн т, Туркия ва Испания — 0,9—1,0 млн т.

Ўзбекистонда бошпиёс сугориладиган майдони ҳамда олинадиган ҳосилининг миқдори жиҳатидан сабзавот экинлари ичидагомидордан кейинги ўринда туради. Жумҳуриятимизда унинг сабзавот экинлари орасидаги солиштирма ҳиссаси экин майдони бўйича 23—24% ва ялпи маҳсулот бўйича 18—19%. Пиёснинг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 16—18 т, саримсоқпиеённики 5,3—6,1 т. Илғор хўжаликларда ҳосилдорлик анча юкори.

Бошпиёснинг ботаник характеристикаси ва ўзига хос биологик хусусияти.

Бошпиёс икки йиллик ўсимлик бўлиб, уруғидан экилганда биринчи йили бош тугади, иккинчи йили эса уруғ беради.

Пиёснинг илдиз системаси бош илдизга эга. Унинг кучсиз ривожланган илдизлари ҳайдалган тупроқда жамланган. Баъзи илдизлари 40—60 см чуқурликка ва 40—50 см ён тарафга томир отади. Ўта калта пояси "туб" деб аталади. Унга қувурсимон



19-расм. Пиёснинг тузилиши (кўндалашг кесими)

барглари туташган бўлиб, қўлтиғида муртак тугилади. Ҳар бир навбатдаги барг олдингисининг ичидан чиқиб мураккаб поя ҳосил қиласди. Барг қини асосида эҳтиёт моддалар тўпланади. Кейинчалик улар юпқалашиб пиёз бошини ҳосил қилишади. Қувурсимон барглар кўпинча мумғубор қатлам билан қопланган, уларнинг тузи турли товланишида яшил (19-расм).

Пиёз ўсимлиги маданийлашиш даражасига қараб иккинчи ёки учинчи йили 1,0—1,8 м узунликда гул ўзаги — тўпгул чиқаради. Тўпгулда 200—800 гул мавжуд бўлади. Гули олти гултожибаргли, оқ ёки кўкиш оқ, икки жинсли. Меваси учқиррали кўсакча, тўлиқ уруғлантирганда 6 уруғи бўлади. Уруғи учқиррали бўлиб, буришиқ юзали, қора тусда. Уруғ массаси 2,5—5 г.

Пиёз уруғи униб чиқиши пайтида уруғпалла тирсакка ўхшаб сиртмоқсимон букилади, тирсак учи уруғ ичидан қолади. Уруғпалланинг асоси уруғидан чиқиб ўса бошлайди, сиртмоқ ўсиб уруғ қобигини тупроқ ташқарисига олиб чиқади. Зич тупроқли срларга уруғ чуқур ташланганда уруғ қобиги эмас, балки илдиз юзага чиқиши ва ўсимлик нобуд бўлиши мумкин. Пиёзниң сиртмоқсимон ниҳоллари уруғ экилгач, 8—18 кундан кейин пайдо бўлади.

Пиёзниң ўсиши ва ривожланиши биринчи даврда жуда секин кечади. Бир ой давомида бор-йўғи 4—5 жуда майда чинбарг ҳосил бўлади. Кейин унинг ўсиши тезлашиб 25 ва ундан ҳам кўпроқ барг ҳосил қиласди. Ҳаддан зиёд қалин бўлганда, ноқулай шароитда пиёз баргининг ўсиши ва шаклланиши тўхтайди, ҳамда пиёз боши ва поя ҳосил бўла бошлайди (ҳатто 2—3 барглигидеёқ). Пиёз бошининг пишиши барг ётгандан кейин бошланади. Барг бўғизи қуриб, қуриқ пўстлоқ ҳосил бўлади, улар пиёз бошини тўла қоплаб, унга навига хос ранг беради. Айни пайтда пиёз бошлари ўсиш хусусиятини йўқотиб, узок муддат сақланиш хусусиятини касб этади. Турли навларнинг уйқудаги ҳолати 1—5 ойга чўзилади. Куз-қиши даврида уйқулиқ ҳолатида бўлишига қарамай пиёз боши ниш ура бошлайди ҳамда унинг урчиш органлари табақаланади. Шу боисдан ҳаётининг иккинчи йили барг ўсиб чиқиши билан бир пайтда гул ўзаги ва гул ҳосил бўлади. Уругнинг чангланишидан пишиб етилишигача 35—55 кун ўтади.

Оддий пиёз совуққа чидамли ўсимлик. Унинг уруғи 2—3° да униб чиқа бошлайди. Лекин унинг яхши униши учун энг қулай ҳарорат 18—20°. Ниҳоли — 3—5° га таъсирчан. Етук ўсимлиги эса — 1—3° совуққа ҳам чидайди. Барги 18—25° да яхши ўсади илдизи учун ҳарорат тупроқ юзасидаги ҳароратга нисбатан пастроқ бўлиши мумкин. Илдизи 2—3° да ривожлана бошлайди. 20° ёки ундан юқори ҳароратда эса унинг ўсиши секинлашади. Урчиш органларининг шаклланиши учун энг қулай ҳарорат 5—12°. Паст (-1, +1°) ҳамда анча юқори (12° дан) ҳарорат бу жараённи секинлаштиради. Ана шу биологик асосда бошпиёз ва уруглик пиёзни сақлашнинг турли усуслари ишлаб чиқилган.

Гул ўзагининг ўсиши ва бош тугиши учун энг маъқул ҳарорат 15—18°, уругининг гуллаши, шаклланиши ва пишиши учун 20—25°.

Оддий пиёз тупроқ намлигига талабчан. Айниқса ўсув даври нинг биринчи ярмида баргининг катталашиши ва бошининг шаклланиши ана шу жараёнда пиёзниг намга талабчанлигини янада оширади. Пиёз бошининг пишиши пайтида намликнинг ошиб кетиши баргнинг ётиши ҳамда унинг стилишини секинлаштиради.

Оддий пиёз узун кун ўсимлиқдир. Шимолдан келиб чиққан навлари кун узунлиги 15—18 соат бўлғанда, жанубий навлари эса кун узунлиги 13—15 соат бўлғанда яхши ўсади. Бундай узун кунда пиёз бошининг ўсиши секинлашади, у яхши етилмайди, ва ёмон сақланади. Қисқа кун ўсишига, барг сонининг кўпайиши ва катталишишига ёрдамлашади, ўзак чиқаришини секинлаштиради.

Оддий пиёзниг илдиз системаси нимжон бўлганлиги туфайли, у тупроқ унумдорлигига талабчан. Щўрга ўртacha чидамли, нейтрал ёки кучсиз шўрланган ерларда яхши ўсади. (РН — 7,0—6,5).

Оддий пиёзни етиштириш технологияси. Навлар. Оддий бошпиёзниг 70 тача нави районлаштирилган. Пиёз навлари пишиш муддатига қараб эртапишар (кўчати униб чиқишидан товар пиёз олингунча 150 кун атрофида), ўртапишар (150—180 кун) ҳамда кечпишар (180 кун атрофида) га бўлинади. Аччиқ-чучуклигига қараб аччиқ, ярим аччиқ, кучсиз аччиқ ва чучук навларга бўлинади. Аччиқ нав пиёз бошларида 19—21% қуруқ модда, 6—10% шакар, 2,5—2,8% азотли моддалар, 0,5—0,8% кул мавжуд. Ярим аччиқ навли пиёз бошларида 11—18% қуруқ модда ва 4—5% шакар, кучсиз аччиқ ҳамда чучук навларда 9—10% қуруқ модда ва 3—4% шакар мавжуд бўлади. Пиёзниг аччиқлиги ундаги эфир ёғлари таркиби билан боғлиқ. Қуруқ моддалар қанчалик кўп тўпланса, эфир ёғлари ҳам шунчалик кўпроқ тўпланади ва пиёз шунчалик аччиқ бўлади.

Ўзбекистонда ўртапишар ярим аччиқ, "Каратальский", кечпишар ярим аччиқ, "Каба-132", "Самарқанд қизили-172", кечпишар чучук "Испанский-313" ҳамда Марғилон узунчоқ маҳаллий навлари районлаштирилган.

Ўтмишдош экинлар ҳамда ерни экишга тайёрлаш. Бошиёз учун механик таркибига кўра соз тупроқли ҳамда қумоқтупроқли ерлар энг маъқул ҳисобланади. Айниқса у қўриқ ерларда етиштирилганда яхши натижаларга эришилади. Пиёз шўрланган ҳамда ботқоқ ерларда ёмон ўсади.

Пиёз учун энг яхши ўтмишдош экинлар далани бегона ўтлардан тозаловчи қарам, картошка, помидор, бодринг ҳисобланади. Алмашлаб экишда пиёз ҳайдалган беда ўрнига иккинчи ёки учинчи йили, ёки далага гўнг солингандан кейин экиласди. Беда ўрнига биринчи йили пиёз экилганда бегона ўтлар

ва зааркунандалардан зарар кўради, бош тугиши чўзилиб кетади. Пиёзни ўзининг ўрнига ва илдиз мевали экинлар ўрнига экиш тавсия қилинмайди.

Оддий пиёзни кузда ва эрта баҳорда экканда унга бошқа сабзавот экинларида сингари ишлов берилади: ерни юмшатиш, куэги шудгор, жорий режалаштириш. Кузги ва баҳорги экиш муддатларида экишдан олдин ерга ишлов бериш, бароналаш, кичикроқ пайкалларга қўлда экилганда эгат олишдан иборатдир. Баҳорда экиладиган пиёз учун эгатни кузда олган маъқул.

Кузги пиёз эртаги сабзавот ҳамда картошкадан бўшаган далага экилади. Шунинг учун ерни экишга тайёрлашда ҳайдашдан олдин ерни сугориш, сўнгра ҳайдаш ҳамда мола босиш, бароналаш лозим. Кузги экиш муддатида пайкалнинг бенгона ўтлар билан ифлосланишининг олдини олиш мақсадида ўтмишдош экин йиғишириб олингач, пайкал ҳайдалиб, сугориш жўяги олинади ва сугорилади. 8—10 кун ўтгач, ер чизел билан юмшатилиб, униб чиқсан берегонада ўт ниҳоллари йўқ қилинади.

Ўғит бериш. Ҳар бир гектар сурʼан 200—230 ц ҳосил олиш учун қуйидаги миқдорда минерал озуқлар бериш лозим: бўз тупроқли ерларнинг гектарига 200 кг азот, 150 кг — фосфор, 75 кг — калий, ўтлоқ ва ўтлоқ ботқоқ ерларга 160 кг — азот, 160 кг — фосфор, 80 кг — калий. Фосфорли ҳамда калийли ўғитларнинг миқдори минерал моддалар билан кам таъминланган ерлар учун мўлжалланган, шу боисдан уларни ернинг ҳолатига қараб мослаб бориш керак.

Ўсимликни ўғит билан бир текис таъминлаш учун у қуйидаги муддатларда берилади: ҳайдашдан олдин фосфорнинг йиллик миқдорининг 75% ҳамда калийнинг ҳаммаси; экиш олдидан бароналаш пайтида фосфорли ўғитнинг қолган қисми (25%). Азот икки марта тенг бўлиб берилади: биринчи яганалашдан кейин 1—2 чинбарг чиқсанда ва бош туга бошлаганда.

Экиш усуслари ва муддати. Ўзбекистонда оддий ошпиёз уч муддатда: эрта баҳорда, қишида ва ёзги-куэги қилиб экилади. Эрта баҳорда экиш кенг тарқалган бўлиб, у далага чиқиш имконияти пайдо бўлган заҳоти — февралнинг охирлари ва мартнинг бошларида бошланади. Экиш кечикиб кетганда ниҳол сийрак униб чиқиб, ҳосилдорлик камаяди. Баҳорги пиёз одатда сентябрларда пишиб етилади ва қиши давомида яхши сақланади.

Кечки экиш доимий совуқ кунлар бошланишидан олдин ноябрнинг охирлари ҳамда дескабрнинг бошларида амалга оширилади. Уруғ қишида унмайди, эрта баҳорда кунлар исий бошлагандагина кўкариб чиқади. Агар жуда ҳам эрта экиб юборилса қишининг илиқ кунларида ҳам униб чиқиб, совуқ уриб кетиши мумкин. Шу боисдан қиши олдидан экишга унчалик ишониб бўлмайди. Қиши олдидан экилган пиёз августда пишиб, баҳорги муддатда экилганига нисбатан 10—15% кўп ҳосил беради.

Ёзги-куэги экин август-сентябрда экилади. Августда экилган пиёз октябрь-ноябрда ёк яганаланади ва кўк барра пиёз ҳосили

олинади. Март ойида эса такрорий сийраклаштириш ўтказилиб, иккинчи қўкини ёсили олинади, июнда эса пишиб етилмаган боши йигиштирилади. Пиёз сентябрнинг биринчи ярмида экилганда кузда 8—10 см га етади. У чинбаргта ҳамда яхши ривожланган илдиз системасига эга бўлади, қишини яхши ўтказади. Экиш бундан анча кечикканда ҳам пиёз кузда униб чиқишига чиқади-ю, бироқ ниҳоли ёмон тутиб, кўпинча совуқда ҳалок бўлади. Кузги пиёз кучли даражада ўзаклайди, боши сақлаш пайтида чириб чиқитга чиқиб кетади, шу боисдан қишига сақлашга ярамайди.

Пиёз СКОС-4,2 сеялкасида экилади. Экиш пайтида бошқа сабзавот ёки дон экувчи сеялкаларни ҳам ишлатиш мумкин.

Уруғни экиш миқдори баҳорги экинда гектарига 10—12 кг, қиши олдидан ва кузги экинда гектарига 14—16 кг. Экиш пайтида уруғ 2—3 см чуқурликка ташланади. Яхши текисланган, бегона ўтлардан яхшилаб тозаланган далаларда қатор оралиги 20—30 см қилиб тор қаторлаб экиш ҳам мумкин. Суғориш майда олинган эгатлар ёки бостириб суғориш орқали амалга оширилади. Майдон бирлигига кўп миқдорда ўсимлик тўғри келиши, тез-тез суғориш ҳамда юқори миқдорда ўғит берилиши туфайли мазкур экиш усулида юқори пиёз ёсили етиштирилади.

Одатда пиёзнинг уруғи қуруқ ҳолида экилади. Бироқ уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида, айниқса экиш кечикканда, уруғ 1—2 кун давомида сувда ивитиб қўйилади. Уруғни экишга тайёрлашда уни ҳамиртурушлаш ҳам самарали усул ҳисобланади. Бундан ташқари уруғ ТМДТ суспензиясининг 2% ли суюқлигига дориланади ҳам.

Ўсимликни парваришлаш. Қиши олдидан ва эрта баҳорда экилган экин қишки-баҳорги ёғин-сочин нами эвазига униб чиқади. Кузда экилган ниҳолни унидириб олиш учун пайкалга уруғ суви бериб турилади. Уруғ суви ҳар 3—4 кунда берилади ва ниҳол униб чиққунча давом этдирилади.

Дастлабки яганалаш пиёз экинини парваришлашдаги мажбурий усуллардан ҳисобланади. Пиёз бегона ўтларни ўтоқ қилиш билан бирга икки-уч марта сийраклаштирилади. Баҳорда ва қиши олдидан экилган пиёз пайкалларини яганалаш биринчи марта 1—3 барг чиқариб, бўйи 5—6 см бўлганда, иккинчи марта бўйи 15—20 см га етганда, яъни ўсимлиги барра пиёз ёшига етганда ўтказилади. Биринчи яганалашда ниҳоллар оралиги 3—5 см, иккинчисида эса 7—8 см қилиб қолдирилади. Кузда экилган пиёз баъзан кузда яганаланмайди, балки бу иш эрта баҳорда ўтказилади. Ўтоқ қилиш эса кузда бошланади.

Пиёз пайкалларида бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида гербицидлар қўлланади. Кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашиш учун шудгордан олдин гектарига 40 кг дан далапон препаратининг 80% ли эритмаси сепилади. Бир йиллик бегона ўтларни йўқотища қуйидаги гербицидлардан бирини қўллаш

тавсия қилинади: диктал (татрал) гектарига д.в. 12 кг, мезоранил дориси гектарига 3 кг.

Қатор оралиғидаги бегона ўтлар ўсуы даврида 4—5 культивация ўтказиш йўли билан йўқ қилинади. Суғоришдан оддин суғориши жўяклари тикланади. Пиёзниң илдиз системасига зиён етказмаслик учун майда чопиқ қилинади. Ўсимликни тупроқ босиб қолишига йўл қўймаслик керак, зеро бу пиёз бошининг етилишини секинлаштиради. Қатор оралиғидаги тупроқ ўсуви давомида 1—2 марта қўлда юмшатилади. Кузги экинда ўзак пайдо бўлганда, уларни қайириб қўйиш керак.

Оддий пиёз суғоришини яхши қабул қиласди. Пиёз энг маъқул тупроқ намлиги НВ га нисбатан 74—80%. Айниқса тупроқда уруғ униб чиқадиган ҳамда пиёз боши шаклланаётган пайтда намлик етарли бўлиши керак. Баҳорда экилган пиёз экини ёмғирлар тўхтагандан кейин апрель ойидан бошлаб суғорилиши мумкин. Май-июнь ойида суғориш ҳар 7—8 кунда, кейин 5—6 кунда ўтказилади ва ҳосилни йигиштириб олишга 3—4 ҳафта қолганда тўхтатилади. Баҳорда экилган пиёзниң умумий суғориш миқдори сизот сувлар чуқур жойлашган ерларда эса 12—14 марта ташкил этади. Кузда экилган пиёзга ундириб олиш сувидан ташқари 1—2 марта ўстириш суви ҳам берилади.

Зааркунандалар ҳамда касалликларга қарши кураш. Пиёзга ўсуви даврида зааркунандалардан пиёз пашибаси ҳамда тамаки шираси энг кўп зиён етказади. Уларга қарши кураш ўсимликка БИ-58 суюқлигининг 0,15—20% эритмаси, антио (гектарига 2 кг) ҳамда хлорофос (гектарига 5 кг) пуркаш билан олиб борилади. Пиёзга касалликлардан соҳта оққиров касали кўп зарар етказади. Бу касалликка қарши кураш бошқа сабзавот экинлари оққиров билан касаллангандагидек олиб борилади.

Ҳосилни йигиштириб олиш. Пиёз баргининг аввал юмшаб, сўнгра ётиб қолиши ҳамда поясининг қуриши пиёз бошининг етилганидан дарак беради. Пояси ётиб қолганда йигиштириб олинган пиёз ҳосили, пояси тўла ётиб қуриб қолганда йигиштириб олинган ҳосилга қараганда яхшироқ сақланади. Шунинг учун пиёз ҳосилини йигиштириб олишини кечиктирмаслик керак. Ҳосил КТН-2Б, КСТ-1,4 элеватор қазигичлар ёрдамида ва қўлда йигиштириб олинади. Элеватор қазигичлар бўлмаса пиёз лавлаги юлгич, картошка кавлагич, гўзани кесиб кетгич ва бошқа машиналар ёрдамида қазиб олинади. Йигиб олинган пиёз 10—12 кун ғарам қилиб қуритилади, шундан сўнг пояси кесилиб сараланди.

Пиёзни тўла механизация асосида йигиштириб олиш ва унга ишлов беришда ЛКГ-1,4 пиёз кавлагич ва пиёз бошини механизация асосида ишловдан ўтказувчи ПМЛ-6 линиясидан иборат машиналар комплексидан фойдаланилади. ЛКГ-1,4 пиёз ковлагич пиёзни ердан кавлаб олиб, уни ўша ернинг ўзига ётқизиб кетади. Бир неча кундан кейин шу изидан иккинчи марта ўтиб пиёзни пояси билан йигиштириб транспортга юклайди.

Уруғчилик. Бошпиёз уруғчилигидә биринчи йили оналик пиёз етиширилиб, иккинчи йили ундан уруғ олинади. Оналик пиёзни етиширишдагы деңқончилик табдирлари озиқ-овқат учун пиёз етиширишдагы сингаридир.

Күпайтириш мақсадида нав учун типик бўлган яхши пишган қуриқ тигиз пўстлоқли йирик ва ўртacha ўлчамли пиёз танлаб олинади. Улар кузда экилади ёки баҳоргача қуриқ омборларда сўриларда, 15—20 см қалинликда 2—3° остида ҳамда 70—80% ҳаво намлигига сақланади.

Уруғлик пиёз экиладиган пайкалга кузги шудгор олдидан чириган гўнг ёки гектарига 3—5 ц суперфосфат ва 2—3 ц калий тузи берилади. Баҳорги бороналаш пайтида гектарига 1—1,5 ц аммиакли селитра солинади.

Баҳорда экиладиган бошпиёзнинг бўғизи этлик қавати учигача кесиб ташланади. Кузда экиладиганини кесилмасдан экилади ва кузги совуқ бошлангунча томир отиб улгуради, эрта баҳорда ўса бошлайди. Кузда экилган пиёз уруғи баҳорда экиладиганига нисбатан 15—20 кун олдин етилади. Бошпиёз кузда экилса ҳосилдорлик юқори бўлади, бироқ уни сакланишига қараб саралаб бўлмайди. Шунинг учун уруғлик пиёз асосан баҳорда — феврал-нинг охирилари мартнинг бошларида экилади.

Уруғлик пиёзни экишда ҳимояланган кенглик очиқ жойда 2 км, ҳимоя қилинган ерда эса 600 м бўлиши керак. Пиёз қатор оралари 70 см, экин оралари эса 15—20 см қилиб экилади. Бошпиёз унча чуқур бўлмаган эгатларга томири пастга қаратилиб 4—5 см қалинликда тупроқ билан кўмилади. Бошпиёзни экиш миқдори гектарига 4—8 ц. Бошпиёзни кўчат экувчи машиналар ёрдамида экиш мумкин.

Уруғдан етишириладиган пиёз 5—7 марта сугорилади, 3—4 марта культивация қилинади. Механизмлар ёрдамида 2 марта чопиқ ўтказилади. 2 марта озиқлантириб, гул ўзаги ҳосил бўлиши охирида гектарига 1 ц аммиакли селитра, 1,2—1,5 ц суперфосфат берилади.

Уруғ июннинг охири-июлнинг бошларида нотекис ҳолда пишиб етилади. Шу боисдан у 2—3 марта йигиб олинади. Пишган уруғ бошлари гул ўзагининг юқори қисмидан 20—30 см узунликда ёки бутун ўзаги билан кесиб олинади, сўнгра уларни хирмон қилиб қуритилади ва етилтирилади.

Уруғ одатдаги янчичларда ёки комбайнларда икки марта ўтказилиб янчилади Уруғ "ОВА-1", "Петкус-Гигант" К-531/1, "Петкус-Селектра" К-218/1, пневматикстолларда ва колонкаларда тозаланади ҳамда сараланади. Ўртacha уруғ ҳосилдорлиги гектарига 3—4 ц.

Саримсоқпиёз етиширишнинг ўзига хос хусусияти.

Биологик хусусиятлари. Саримсоқпиёз вегетатив кўпаядиган бир йиллик ўсимлик сифатида экилади. Барча оналик органлари биринчи йилги ривожланиш давридаёт сўнади. Саримсоқпиёз палласидан кўпаяди. У жуда кам уруғ беради. Поя қисми қисқа

кенг пиёстули кўринишда бўлиб, тепа қисмida устма-уст жойлашган барг ҳосил бўлади, пастки қисмida эса томир ўсиб чиқади. Барги ясси, чизиқли, силлиқ, тўқ яшил ёки мумгубори туфайли кўкимтири тусли. Баргининг туб қисми қувурсимон, юқори қисми новсимон. Навбатдаги ҳар бир барг олдингисининг ичидан сохта поя ҳосил қилиб ўсиб чиқади. Баргининг асосида куртак-палла ривожланади. Янги баргларнинг ўсиши тўхташи билан сохта поя пўкак бўлиб қолади, барг ва поя эгилиб ётиб қолади.

Дастлабки палла 7—9 баргнинг орасида пайдо бўлади. Паллалар озиқ моддага тўйинган бўлиб, пўстлоқ билан қопланади. Палланинг сувли мағиз қисми рангсиз, қуруғи эса оқ ёки бинафша тусли бўлиши мумкин. Саримсоқни ёзиб боши мураккаб тузилиши бўлиб, турли миқдордаги паллалардан иборат. Устки қисмидан у биринчи баргларидан ҳосил бўладиган қуруқ қобик билан қопланган.

Саримсоқни ёзиб, айникса унинг кузги навлари совуққа чидамли. Илдизи 0° ўса бошлайди, 3—5° яхши ўсади, 6—8° эса кўчати унуб чиқади. Палласининг шаклланиши 15—20°, пишиб стилиши эса 20—25° да кечади.

Саримсоқни ёзиб турли иқлим широитига тез мослашади. У қуруқ иссиқ иқлимли миintaқада ҳам, шунингдек намчил субтропик ва мўътадил миintaқада ҳам яхши ўсади. Саримсоқни ёзибнинг аксарият навлари ёзги-кузги ва кузги (қиши олдидан экиладиган) ҳисобланади, бироқ баҳорда экиладиган яхши ривожланадиган навлари ҳам мавжуд. Кузги навлар кўпроқ серҳосил, бироқ яхши сақланмайди. Уларнинг илдиз системаси кучсиз ривожланади ва баҳорги навларга нисбатан сувни кўпроқ талаб қиласди.

Етиштириш технологияси. Ўзбекистонда саримсоқнинг икки нави-Жанубий "маҳаллий пушти" ва "Майский ВИР" районлаштирилган. Ҳар иккала нав ҳам кузги, ўзакловчи. "Майский ВИР" нави эртапишар, "Жанубий пушти" кечпишар.

Саримсоқни ёзиб бодринг, полиз экинлари, қовоқча, кулча қовоқ, эртаги карам ҳамда картошкадан кейин экилса мақсадга мувофиқдир. Чунки бу экинлардан кейин дала бегона ўтлардан ҳоли бўлади. Саримсоқни ёзибдан олдин ерга ишлов бериш кузги пиёз навларини тайёрлаш сингаридир. Бериладиган гербицидлар ҳам бир хил. Саримсоқни ёзибга органик ва минерал ўғитлар қўйидаги миқдорда тавсия этилади: қуриган гўнг гектарига 20—30 т, азот гектарига 200 кг, фосфор — 140—160 кг, калий — 60—75 кг. Ерга чиримаган гўнг солиш тавсия этилмайди, у ҳосилнинг етилиши ва сақланишига салбий таъсир этади. Органик, 75% фосфорли ҳамда калийли ўғитларнинг йиллик миқдори ҳайдашдан олдин солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган қисми ва гектарига 30—40 кг азот экиш пайтида берилади. Азотли ўғитларнинг қолган қисмини икки бўлиб: эрта баҳорда, биринчи ўтқдан кейин ва шундан сўнг 2—3 хафта ўтиб берилади.

Саримсоқни ёзибдан 1 сентябрдан 15 сентябргача эккан мавқул. Бундан кечроқ муддатда экилганда саримсоқни ёзиб чиқади.

отиб улгурмайди. Шу боисдан паст ҳарорат ҳамда турли касалликларга чалинувчан бўлади. Бу ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Саримсоқпиёз асосан палласидан экилади. Экишдан уч-тўрт кун олдин саримсоқпиёз паллаларга ажратилиди, сараланади; касалланган, эзилган ва майдалари ажратиб ташланади. Саримсоқпиёзни паллаларга ажратилиши Қозогистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий тадқиқот институти ишлаб чиқсан максус машинада амалга оширилади. Бу машина САИМЭ ҳамда Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ҳамда картошкачилик илмий тадқиқот институти томонидан замонавийлаштирилган. Мазкур машинанинг 7 соатлик иш кунидаги иш унумдорлиги 3—5 т.

Экаётганда паллаларнинг оғирлиги 1—2 г дан кам бўлмаслиги керак. Паллаларни экиш миқдори гектарига 8—14 ц. Айни пайтда саримсоқпиёзнинг уруғ-донасини ҳам экса бўлади. Бунда экиш миқдори гектарига 50—100 кг. Уруғ донасини экилганда биринчи йили бир паллали саримсоқпиёз олинади. Иккинчи йили эса кўппаллали саримсоқпиёз олинади.

Саримсоқпиёз лентасимон икки ва уч қаторлаб экилади. Лентанинг ва қатор ораларининг кенглиги (сугориладиган эгат марказидан) 70 см бўлиши керак, бу қатор ораларини асосий изи 1,4 кг бўлган механизмлар ёрдамида ишлов беришга имкон яратади. Уч қаторлаб экилганда улар оралиги 15 см, икки қаторларда эса 20 см бўлади. Қатордаги ўсимликлар оралиги ҳар қандай ҳолатда ҳам 6—8 см қолдирилади. Шундай қилиб; экиш қўйидаги схемалар бўйича амалга оширилади: икки қаторлаб $50+20\times5=6$ см, $40+15+15\times7=8$ см. 1 га ерда ўсимликнинг сони 450—600 минг донани ташкил этади.

Кичик участкаларга саримсоқ қўлда экилади, бунда йирик паллалар 6—9 см, кичик паллалар эса 3—4 см чуқурликка киритилади. Саримсоқни механизация ёрдамида экиш учун экспериментал экувчи аппарат билан қайта жиҳозланган СЛН-8 маркали пиёз экиладиган сеялкадан фойдаланилади. Мазкур аппарат Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган. Аппарат бункердан уруғни доналаб чуқурга ташлайди.

Бегона ўтларга қарши ва тупроқ юзасини юмшатиш учун саримсоқ экилган ер кўчат эккунга ва чиққандан сўнг ЗБП—0,5 енгил борона билан борона қилинади ёки БСО-4 борона билан экин атрофи юмшатилади. Униб чиққунча ўтказиладиган борона ўтлар кўриниши, ёмғирдан сўнг ва тупроқ юзида қатталоқ пайдо бўлиши, иккинчи бороналаш — саримсоқнинг биринчи-иккинчи барги кўриниши билан амалга оширилади. Ўсув даврида 4—6 марта культивация ўтказилади (ҳар бир сугоришдан сўнг). Биринчи культивацияни 4—6 см чуқурликда ўтказилади, кейин гиларида чуқурликни аста-секин 8—10 см га етказилади. Ўсимликни тупроқ билан кўмид қўймаслик учун ўсимликдан 7—10 см ҳимоя зonasини қолдиришига қатъий риоя этилади.

Баҳорда саримсоқ барги чиқиши билан қўлда бегона ўтлардан тозаланади ва ўсимликни енгил чопиқ қилинади, минерал ўғитлар билан озиқлантирилади.

Қишига кириш олдидан кузда саримсоқ кўчатлари 2—3 марта сугорилади. Бу ўсимликнинг тупроқ ости ва усти қисмини жадал ўсишига ёрдам беради ва ўз навбатида саримсоқнинг совуққа чидамлилнгини оширади. Баҳорда ўсув даврининг биринчи ярмида тупроқ намлигини дала нам сигимиға нисбатан 75—80%, саримсоқ паллалари шакланаётганда эса 70—75% миқдорида сақлаш зарур. Ҳосилни териб олишга 2—3 ҳафта қолганда сугоришни тўхтатиш керак, бу саримсоқни сақлашга чидамлилнгини оширади. Баҳорда ҳаммаси бўлиб, 4—5 марта сугорилади.

Ўзбекистон шароитида саримсоқ заракунандалардан пиёз пашшаси, касалликлардан сохта уншудринг касаллаги билан зарапланади. Бунинг олдини олиш учун ўсимлик ёппасига чиқа бошлагагида 0,2% ли техник хлорофос ёки 0,2% ли БИ-58 эритмаси пуркалади, 2,5 мл метафосни гектарига 15—20 кг дан сарфлаб чанглатилади. Сохта уншудринг касаллигини олдини олиш мақсадида 1% ли бордо суюқлиги пуркалади. Пуркаш саримсоқ барглари ёппасига чиққанида ўтказилади ва ҳар 70 кунда саримсоқ ҳосили чанглангунча тақрорлаб турилади. Ҳосилни йиғиширишга 20—30 кун қолганда дори пуркаш тўхтатилади.

Саримсоқ пишиб етилганлигини гулпоясининг сарғайиши, пўстлоғининг юпқалашиши ва қуришидан билиш мумкин. Саримсоқ баргларининг ярми қуриб қолганда ва меваси пўсти нав учун хос бўлган ранг олгандан сўнг йиғишириш керак. Пишиб ўтиб кетганда саримсоқ алоҳида паллаларга ажralиб кетади. Бу саримсоқнинг товарлик сифатини пасайтиради ва қишига сақлаш имкониятини чеклайди. Ҳосилни йиғиш муддати — июнь-июль ойлари.

Саримсоқни лавлаги, картошка ва пиёзни кавлайдиган ЛГК-1,4 ва бошқа машиналар билан кавлаб олинади. Қуёш нуридан сақлаш учун улар уйиб қўйилади, пиёзниң барглари билан беркитилади. Саримсоқ уюмда 10—15 кунда етилади. Қуритилган саримсоқнинг навдаси 3 см қолдирилиб кесилади саримсоқ ҳосилини йиғишида, сортларга ажратишида механик шикаст етказишига йўл қўйиб бўлмайди, чунки уларнинг товарик сифати пасаяди ва ёмон сақланади.

Амалий машғулот

15 - мавзу. Бош пиёзниң районлаштирилган навларини ўрганиш.

Машғулотнинг мақсади. Бош пиёзниң морфологик белгиларини ўрганиш ва районлаштирилган навларни таърифлаш.

Топшириқлар тартиби. Вазифани бажариш учун ўқувчилар 4—3 кишидан иборат звеноларга бўлинадилар. Жонли ўсимлик ва пиёздан фойдаланиб, улар бош пиёзниң морфологик белгиларни

билин танишадилар ва районлаштирилган навларини таърифлаб ёзадилар. Навларни таърифлаб ёзиши 22-жадвалда кўрсатилган тартиб билан амалга оширадилар

22-жадвал

Бош пиёз навининг таърифиға онд ҳисобот

Навлик белгилари	Навлар
1. Катталиги ранги мумгуборлиги сони кўндаланг кесилгандаги шакли 2. Пиёзи узунлиги, см диаметри, см индекс шакли шакли қуруқ пўстлоқлар сони қуруқ пўстлоқ ранги тиниқ пўстлоқ сони тиниқ пўстлоқ ранги таъми	

Навларнинг морфологик белгиларини таърифлаб ёзаётганда қўйидаги группировкаларга асосланилади.

Баргнинг катталиги — йирик, ўртача ва майда.

Баргнинг ранги — оч-яшил, яшил, тўқ-яшил.

Мумгубор — кучли, ўртача, кучсиз, кўринмайди.

Барглар сони — катта, ўртача ва кичик.

Барг шакли (кўндаланг кесмада) — думалоқ, ялпоқ.

Пиёзниң шакли,— япалоқ (индекс шакли 0,6 гача), думалоқ-япалоқ (0,65—0,8), думалоқ (0,85—1,0), овалсимон (1,05—1,2), чўзинчоқ овалсимон (1,25—2,0), узунчоқ ёки сигарасимон (2 дан ортиқ). Бу шакллар юқорига ёки пастга экилган бўлиши мумкин. Пиёзниң ҳажми — майда — 50 г гача, ўртача — 20—120 ва йирик — 120 г дан ортиқ.

Устки пўстлоғининг ранги — оч сариқ, жигарранг, тўқ-жигарранг, гунафша, оқ, оқиши-яшил.

Тиниқ пўстлоғининг ранги оқ, оқ-яшил, оқ сариқ тус аралаш, оқ гунафша тус билан.

Пиёзниң таъми — ширин, аччиқроқ, жуда аччиқ.

Жадвалнинг бўш графасига таърифланеётган навларнинг номи ёзилади. Баргнинг барча морфологик нав белгилари кўриш билан белгиланади. Бундан ташқари баргининг катталиги тубидан учигача бўлган қисмини ўлчаш билан белгиланади ва ҳисботта (см) ёзib қўйилади.

Пиёз тузилиши унинг баландлиги ва диаметрини ўлчашдан бошланади. Баландлиги учки қисмидан тубигача бўлган узунлигини, диаметри энг кенг қисмини ўлчаш орқали аниқланади. Индекс шакли баландлигининг диаметрига бўлган нисбатини

ҳисоблаш билан белгиланади. Индекс шаклини ҳисобга олиб пиёз шакли аниқланади.

Саримсоқ шакли кўндаланг кесимининг изи химиёвий қалам ёрдамида туширилиб қайд этилади.

Бармоқсимон пиёзнинг ўртача оғирлигини 10—12 та пиёзни тортиш ва ўртача катталигини ҳисоблаш билан аниқланади. Булар схемада граммлар билан белгиланади. Қуруқ ва янги пўстлоқларининг ранги қараб аниқланади. Қуруқ пўстлоқлар сони бутун саримсоқдан ажратиб саналади. Янги пўстлоқлар сони саримсоқ пиёзни кўндаланг кесилганидан саналади. Саримсоқнинг таъми хомлигига аниқланади.

Фойдаланилайдиган асблолар. Жонли ўсимлик ва 5—6 та районлаштирилган навларининг бош пиёзи. Пиёз шакли ва рангидаги шкаалалар. Районлаштирилган навларнинг каталоги, штангенциркуль, ошхона пичоғи, химиёвий қалам, тарози.

14 Б об

ИЛДИЗМЕВАЛИ САБЗАВОТЛАР

Халқ хўжалик аҳамияти ва тарқалиши

Илдиз мевали сабзвотларга илдизида фойдали моддалар бўлган экинлар киради. Ўзбекистонда илдизмевали сабзвотлардан сабзи, қанд лавлаги, турп ва редиска етиштирилади, мамлакатнинг бошқа минтақаларида булардан ташқари пастернак, петрушка, сельдерей, брюква, цикорий, скроцинер ҳам ўстирилади.

Сабзини янгилигига ва пишириб истеъмол қилинади, консерваланади ва қуритилади. Сабзи шарбати болаларга озиқ сифатида берилади. Камқонликда, қонбосими касалликларида доривор сифатида фойдаланилади. Сабзи ургудан эфир мойи, ликер тайёрлашда ва атир-упа — косметика саноатида ишлатилади.

Ностандарт ва эзилган сабзилар чорва молларга ем сифатида берилади. Сабзи илдизмеваси қандга бой, айрим навларда у 12% га етади. Унда крахмал, клетчатка, пектин ва азотли моддалар бор. Илдизмеваси кулида калий, натрий, кальций ва барча микроэлементлар мавжуд. Сабзида фермент ва дармондорилар, айниқса, каратин (5—10мг%) кўп.

Лавлаги озиқ-овқат сифатида йил давомида ишлатилади, баҳорда овқатга ёш барглари ва илдизлари, ёзда ва кузда-меваси солинади. Винегретлар, салатлар, гарнирлар, боршч, маринадлар тайёрлашда лавлагидан фойдаланилади. Лавлаги илдизмеваси сиркаланади, консерваланади ва қуритилади. Лавлаги истеъмол этилса қон босимини пасайтиради, ёғ алмашиниши яхшиланади, атеросклерознинг олдини олади, хавфли шишларнинг ўсишини тўхтатади, ошқозон фаолиятини яхшилади.

Тўйимлилиги жиҳатдан лавлаги бир қатор сабзвотлардан устун туради. Унинг илдизмеваларида 18—20% қуруқ моддалар,

шу жумладан 8—12% қанд, 1,3—1,4% оқсил, 0,1% липид, 0,7—0,9% клетчатка бор. Шунингдек, 30 мг гача С, РР гуруҳидаги В₁ ва Р₁ дармондориларга эга. Органик кислотага бой сабзавотлар орасида лавлаги фосфор ва калий сақлаш бўйича биринчи ўринларда туради. У шунингдек, жуда кўп бошқа минералларни ўзида сақлайди.

Турп ва редиска фақат янгилигида салатларга қўшиб истеъмол этилади. Турп шарбатидан шамоллашни даволашда фойдаланилади. Улар ўзларида 5—13% қуруқ моддалар, шу жумладан 0,8—1,0% қанд, 0,8—2,0% оқсил, 0,7—1,7% клетчатка, 0,7—0,1% кул сақлайди. Уларда катта миқдорда эфир мойи (1 кг қуруқ моддага 1—5 г), дармондорилар (С — 30—40 мг%) мавжуд. Турп ва редискада ишқорий туз бўлганлиги туфайли организмни заҳарли моддалардан тозаланишига ёрдам беради. Фрементлар туфайли эса организмдаги модда алмашинуви ва овқат ҳазм бўлиши яхшиланади.

Шолғом илдизмеваси хомлигича, қовурилган, димланган ва қиймаланган ҳолда истеъмол этилади, шунингдек чорвага берилади. У углеводлар, оқсиллар, витаминалар ва минерал тузларга ниҳоятда бой.

Сабзини қадимги греклар ва римликлар эрамиздан 2 минг йил олдин истеъмол этганлар. Россияда у XIV—XV асрларда кенг тарқалди. Лавлаги 3 минг йилдан ортиқ вақтдан бери маълум.

Илдизмевали сабзавотлар ер шарининг ҳамма ерида етиштирилади. Улардан энг кўп тарқалгани сабзи. Дунё бўйича унинг экин майдони 450—490 минг га ни ва ялпи ҳосил 10—11 млн т ни ташкил этади.

МДҲ да илдизмевали сабзавотлар барча тупроқ иқлим зоналарида етиштирилади. Лskin унинг энг кўп майдони иқлими ўртаҳол бўлган районларда жойлашган. Бизнинг мамлакатимизда сабзи 80—90 минг га ерда етиштирилади. Унинг ўртacha ҳосилдорлиги 13—15 т.

Хўраки лавлаги 60—70 минг га ерни эгаллайди ва ўртacha ҳосилдорлиги 20 га/т ни ташкил этади. Илғор хўжаликларда сабзи ва хўраки лавлагидан 60—80 га/т ҳосил оладилар.


Ўзбекистонда сабзавот экинлари орасида сабзи умумий экиладиган ер майдонининг 6,7—7,5% ни, хўраки лавлаги 7—7,5% ни, ялпи ҳосил бўйича тегишлича 4,0—4,5 ва 7,5—8,5% ни ташкил этади.

Ботаник характеристикаси ва биологик хусусияти. Илдизмевали сабзавотлар турли хил ботаник оиласаларга: сабзи соябонгуллилар, хўраки лавлаги-шўрагуллилар, турп шолғом ва редиска-бутсимонгуллилар оиласига мансуб. Буларнинг кўпчилиги Ўрта денгиз атрофларидан келиб чиқкан. Шу билан бирга сабзи, турп ва шолғомнинг маҳаллий Ўрта Осиё турлари ҳам бор. Олд Осиё сабзи ва лавлагининг, Япония ва Хитой турп, редиска ва шолғомнинг айрим шаклларини берган. Редискадан бошқа барча илдизмевали сабзавотлар икки йиллик бўлиб, 1-йили барги ва

илдизмеваси, 2-йили уруги таркиб топади. Ёш даврида улар ингичка илдизга эга бўлади. Фақат катта ёшидагина ўсимлик илдизмеваси шакланади. Илдизмева ўзида тинч ҳолатда турган бутун ўсимликни намоён этади. Илдизмевалар асосан уч қисмга бўлинади: боши, ўрта қисми ва илдиз асоси. Боши-бу илдизмеванинг юқори қисми бўлиб, у баргларнинг ўсув нуқталарини ва қуриган баргларнинг ўрнини ўзида сақлайди. Ўрта қисми бу илдизмеванинг ўрта қисми бўлиб, у ости поядан ҳосил бўлади. У уруғ паллалар бириккан жойда бошча билан, якка илдизчалар ҳосил бўлган жойдан бирмунча пастда илдиз билан чегарадош. Илдиз асоси — бу илдизмеванинг пастки қисми бўлиб, у илдиз тутамлари билан қопланган (20-расм).

Илдизмева шаклини ташкил топишида унинг алоҳида ўсув қисмларининг қай даражада қатнашиши билан белгиланади.

Сабзи. Барглари уч-беш карра патсимон қирилган. Ранги оч яшилдан тўқ яшилгача, баъзида кулранг ёки гунафша тусгача бўлади. Баргининг шакли ва катталиги нави ҳамда етишириш



20-расм. Илдизмеванинг тузилиши ва ривожланиши; майсаси; а — уругбарги; б — ости пояси; в — бошлангич илдизи; илдизмеваси; 1 — бошчаси; 2 — бўйни; 3 — ҳақиқий илдизи

шароитига қараб кучли ўзгариб туради. Илдизмевасининг шакли — думалоқдан узунчоққача. Илдизмеваси қажми ва етишириш шароитига қараб 30 дан 200 г гача ва ундан юқори ўзгариб туради. Илдизмеваси шакли, юзаси, ранги, нави, етишириш шароитига кўра турлича бўлади.

Оғир тупроқли ерда етиширилса шакли бузуқ, сирти текис бўлмаган ҳосил беради.

Гулпояси 1 м ва ундан юқори бўлади. Тупи кам ва ён томонга тарвақайлаган кўп пояли. Ҳар бир пояси зонтиксимон мураккаб гултўпи билан тугалланади. Меваси икки уругли. Пишганда икки бўлакка ажralади. 100 дона ургининг оғирлиги 1,0—2,8 г. Сабзи уруғи секин чиқиши ва ўсиши билан ажralиб туради. Шароит мақбул бўлганда экилганидан 10—15 кун ўтгандан сўнг, паст ҳароратда эса 25—30 кундан сўнг ўсиб чиқади. Қўчати ҳам секин ривожланади. Униб чиққанидан 10—15 кундан сўнг биринчи ҳақиқий барг пайдо бўлади. Бир-бир ярим ой ичиди атиги 4—5 барг шаклланади. Илдизмеваси уруг униб чиққандан сўнг 50—70 кунда пайдо бўлади, тўлиқ ривожга эса 80—140 кундан сўнг эришилади.

Сабзи гуллаши ва ҳосил бериши учун 60—100 кун давомида $0+2^{\circ}$ ҳарорат зарур. Уруғлик экилгандан сўнг гулпояси 30—35 кундан сўнг пайдо бўлади, гуллаши 50—80 кундан ва уруғлик пишиши 100—120 кундан сўнг бўлади.

Барглари бандли, юраксимон, учбурчак ва четлари узунасига тўлқинсимон. Барглари юзаси силлиқдан кучли бурмагача. Барги оч яшилдан тўқ қизилгача. Илдизмевасининг шакли ва ҳажми нави ва етишириш шароитига кўра турли хил бўлади. Ўсимлик қанча ёш бўлса, этининг ранг олиш интенсивлиги шунча камроқ. Уруғлик пояси 1 м ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Улар тўпгулни ташкил этади. Бошқаларида қуббага ўхшаш 2—4 та гуллари бўлади. Лавлагининг гули майда, кўкиш, баъзан қизил ёки сариқ, оталиқлари 5 дона. Оталиқлари оналиқдан икки-уч кун олдин очилади. Лавлагининг 2—3 дона гуллари қўшилиб ўсиб, қўшалоқ мева ҳосил қиласди. Ҳар бир қўшалоқ мевада 2—3 дона уруғ бўлади. 1000 дона уруғ оғирлиги 10—22.

Лавлаги уруғи шароит етарли бўлганда экиладиганидан сўнг 8-, 10- куни кўкариб чиқа бошлайди. Орадан 6—10 кун ўтгач эса биринчи ҳақиқий барг чиқаради. Ўсиб чиққанидан сўнг илдизмеваси боғлаб етилиши 20—25 кундан сўнг, тўлиқ ривожланиши — 80—100 кундан кейин рўй беради.

Илдизмевани қишида сақлаганда гулпоясининг ўсиб чиқиши нуқтаси чекланиб боради. Уруғлик экилгач тўпгулли пояси 20—30, гуллаши 30—50 ва уруғликнинг пишиши 115—125 кундан сўнг бошланади.

Турп ва редиска. Барглари ҳар хил ҳажмда, оч рангдан тўқ яшилгача, баъзан кулранг губорли, барглари кесик, ён бўлаклари 3—8 та, япон навларида 19 тагача. Илдизмевасининг шакли ва

ҳажми, нави ва етиштириш шароитига қараб ўзгариб туради (илдизмевасининг ҳажми 30 г дан бир неча килограммгача). Илдизмеванинг эти оқ, пўстлоқ, кулранг, қизил, қора. Тўғгул поясининг баландлиги 1 м ва ундан юқори. Гуллари тўрт япроқли. Уруғи жигарранг, 1000 донасининг оғирлиги 7—14 г.

Турп ва редиска уруғи экилгач 4—6 кундан кейин чиқади. 1—2 барг чиқаргандан кейин илдизмеваси катталаша бошлайди. Илдизмевасининг жадал ривожланиши ўсиб чиққанидан кейин турпда 55—120 ва редискада 30—60 кундан сўнг бошланади. Уруғлик турп экилгач 35—40 кундан сўнг гуллайди. Уруғи 100—110 кундан кейин етилади. Редискада гуллаш уруғлик экилгач 70—100 ва уругининг етилиши 140—170 кун ўтиб бўлади.

Шолғом. Яшил барги бутун ёки патсимон қирқилган, турли хил катталиқда, учки ва ён бўлмалари турлича бўлади. Илдизмеваси япалоқдан узунчоқ шаклларда, пўсти ва эти оқ, оч сариқ ва сариқ рангларда. Поясининг тузилиши, гуллари, меваси бутгулларга ўхаш, лекин гули ва уруғи нисбатан майда. 1000 дона уругининг оғирлиги 3—4,5 г.

Шолғом мақбул шароитда сепилганидан сўнг 4—5 кун ўтгач чиқади. Илдизмевасининг шаклланиши уруғи униб чиққанидан 60—80 кун ўтгач тугайди. Уруғлик ўсимликнинг гуллаши экилганидан 15—20 кун ўтгач бошланади ва 25—30 кун давом этилади.

Илдизмевали сабзавотлар совуқقا чидамли ўсимликлардир. Сабзи уруғи 3—5° да, лавлаги 5—6°, турп ва редиска 1—2° уна бошлайди. Турп, лавлаги ва редиска уруғи униши учун мақбул ҳарорат 20—25°, сабзи учун 25—27°.

Сабзининг илдизмеваси шаклланиши ва ўсиши учун 20—22°, турп, редиска ва шолғом учун 18—20°, лавлаги учун 15—25° ҳарорат зарур. Униб чиққан кўчатлар — 2—3°, катта ёшдаги ўсимликлар — 5—6° га чидайди.

Илдизмевали сабзавотлар — узун кун ўсимликлари. Узун кунда илдизмеваларининг шаклланиши ва гуллаш жараёни жадаллашади. Сабзининг жанубий навларида қисқа кунда ҳам илдиз меваси шаклланиши, гуллаши ва уруғ бериши мумкин.

Турп, шолғом ва айниқса редискада илдиз системаси кучсиз ривожланган бўлади. Бу уларнинг тупроқ намлигига талабчанлигини оширади. Намлик етарли бўлмагандан улар шакли бузуқ ва истеъмолга унчалик ярамайдиган илдизмева берадилар. Сабзи ва лавлаги нисбатан қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар. Бироқ улар юқори ҳосилни бутун ўсув даврида намлик билан етарли таъминланниб турганларида гина берадилар. Улар учун тупроқ нам сифими 70% бўлиши зарур. Тупроқ намлигига талабчанликни уруғ униб чиқаётганда ва илдизмева шаклланаётганда оширадилар.

Турп, редиска ва шолғом тупроқнинг унумдорлиги ва унинг механик таркибига талабчан. Бу уларнинг илдиз системалари

кучсиз ривожланганлиги ва қисқа ўсув даврига эга эканликлари билан изоҳланади. Сабзи ва лавлаги илдиз системалари яхши ривожланганлиги ва ўсув даври нисбатан узоқ давр давом этиши билан ажралиб туради. Шу туфайли тупроққа нисбатан кам талабчандирлар. Бироқ улар минерал ўғитларни яхши қабул қиласидилар, механик таркиби енгил тупроқларда кўп ҳосил берадилар. Янги органик ўғитлар илдизмеваларининг шохланишига сабаб бўладилар. Шу сабабли сақланиш муддати қисқаради.

Навлар. МДҲ да 20 га яқин сабзи, 20 га яқин лавлаги, 10 га яқин турп, 30 га яқин редиска ва 5 та шолғом навлари районлаштирилган.

Сабзи пишиб етилиши бўйича эртапишар (илдизмеваси экилишидан техник пишишигача 70—100 кун), ўртапишар (110—130 кун) ва кечпишар (130-кундан ортиқ) навларга бўлинади. Лавлагининг ўртапишар навларида илдизмевасининг экилишидан техник етилишигача 80—100 кун, ўртапишарида 100—130 кун, кечпишарида 130 кун талаб этилади. Турпда ўсув даври навлари бўйича эртапишарида 45—60, ўртапишарида 100—110, кечпишарида 110—120 кун, редискада: эртапишарида — 22—25, эргати ўртапишарида 25—30, ўртапишарида 30—35, ўрта-кечпишарида 35—40, кечкисида 45—60 кун; шолғомда: эртапишарида 60—70, ўртапишарида 70—90 ва кечкисида 90 кундан ортиқ давом этади.

Ўзбекистонда сабзининг уч хил маҳаллий навлари районлаштирилган — эртапишар "Мушак"— 195, ўрта эртапишар, "Сариқ Мирзойи"— 304, ўртапишар "Қизил Мирзойи"— 228 ва иккита европача ўртапишар навлари — "Шантане"— 2461, ва "Нантская"— 4. Жумҳуриятнинг барча вилоятларида лавлагининг битта "Бордо"— 237 (100—110 кун) ва турпнинг эртапишар "Марғилон" (80—70 кун) нави районлаштирилган.

Шолғомнинг эртапишар "Наманган маҳаллийси" ва "Самарқанд маҳаллийси" навлари районлаштирилган. Редисканинг ўртаги эртапишар "Сакса" ва "Эртапишар", ўртапишар "Қизил-оқ учли", "Красный великан", "Маҳаллий майский", "Ташкентский белый" маҳаллий навлари районлаштирилган.

Етиштириш технологияси. Ўтмисдошлиари ва тупроқни тайёрлаш. Илдизмевали сабзавотлар органик моддаларга бой ўтлоқ, ўғитланган қумоқ ёки соз тупроқларда яхши ўсади. Лавлаги бошқа илдизмеваларга қараганда оғир созтупроқларга чидамли ва камшўрланган ерларда ҳам муваффақиятли етиштирилиши мумкин. Илдизмевали сабзавотлар ўсув даврида жуда секин ўсиши билан фарқланади, шу сабабли бегона ўт босган далаларда осонликча ёввойи ўтлар орасида қолиб кетиши мумкин. Шу туфайли уларни бегона ўтлардан тозаланган майдонларга ўтмишдошларига қараб жойлаштириш зарур. Илдизмевалиларни картошка, карам, помидор ва бодринг экилган ерларга экиш мақсадга мувофиқдир. Уларни илдизмевали сабзавотлар, пиёз, полиз экинлари ва кўп йиллик ўтлар экилган майдонларга

экиш ярамайди. Илдизмевалиларни ёзда иккинчи экин сифатида эртаги картошка ва сабзавотлар йиғиштириб олингач экилади.

Тупроқни асосий ишлап бошқа сабзавот экинларида қандай бўлса шундай ўтказилади. Кўпгина илдизмевалиларнинг уруғи жуда майда, улар экиш пайтида тупроққа чуқур кирмаслиги керак. Шу сабабли экиш олдидан ерга ишлов берганда тупроқ юзаси текис, майда, донадор қилиб юмшатилган бўлиши зарур. Бунга тупроқни бевосита экиш олдидан бороналаш ва юмшатиш билан эришилади.

Ёзги экишдан олдин тупроқ ҳайдалиб борона қилингач, эзатлар олинади ва атайлаб сугориш ўтказилади.

Сугорилгандан сўнг ўсиб чиққан бегона ўтларни унча чуқур ҳайдамай ёки чизеллаб ўйқотилади.

Ўгитлаш. Бошқа сабзавотларга солиширганда илдизмевалилар тупроқла нисбатан талабчан эмас. Бироқ ўсув даври давомида ва айниқса ёш пайтида улар минерал озиққа нисбатан талабчан бўладилар.

Ўзбекистон шароитида гектаридан 100 центнердан ҳосил берадиган сабзи тупроқдан 25—29 кг азот ва 11—14 кг фосфор олади. Бизнинг шароитда илдизмевалиларга азотли ва фосфорли ўғитларни биргалиқда солиш талаб этилади.

Гектаридан 150—200 центнер ҳосил олиш учун ўғитларни қўйидаги миқдорда солиш тавсия этилади: (га кг): бўзтупроқли ерга 120—150 азот, 80—100 фосфорли, 40—50 калийли. Фосфорли ўғитлар (йиллик миқдорининг 70—75% и) ва калийнинг ҳаммаси асосий қайдашдан сўнг, фосфорли ўғитларнинг қолган қисми — экиш олдидан солинади. Азотли ўғитлар ўсув даврида икки бўлиб берилади: яганадан сўнг, 2—3 та қақиқий барги чиққанида ва илдизмевалари шакллана бошлаганда.

Экиш усууллари ва муддати. Ўзбекистонда илдизмевали сабзавотларни қўйидаги асосий муддатларда етиштирилади:

1. Эрта-баҳорги — жумҳуриятнинг жанубий ва марказий минтақаларида далага чиқиши мумкин бўлган биринчи дамларда — февраль охири март бошида, шимолий минтақада мартнинг иккинчи ярмида. Бунда сабзи ва лавлаги етиштирилади. "Бордо" — 237 ва сабзининг "Мушак" — 195 навлари экилади. Бу муддатда кеччишар навларни экиш керак эмас, чунки улар юқори ҳарорат бошлангунча тўлиқ ҳосилни тўплаб улгурмайдилар.

2. Кузги-қишики — 15 ноябрдан 10 декабргача, яъни мунтазам совуқлар бошланиши олдидан ўтказилади. Бунда фақат чидамли европа навлари: сабзининг "Нантская" — 4, "Шантане" — 2461 ва лавлагининг "Бордо" — 237 навлари экилади. Ҳосили май охири ва июнда йиғиштириб олинади.

3. Ёзги — бунда сабзи, лавлаги, турп ва шолғом етиштирилади. Лавлаги ва сабзи 15 июндан 10 июлгача, турп ва шолғом эса июлнинг иккинчи ярмидан августнинг биринчи ўн кунлиги орасида экилади. Ҳосил октябрнинг охири ноябрнинг бошида, совуқ кунлар тушиши олдидан йиғиштириб олинади. Бу даврда

сабзининг "Сариқ Мирзойи"— 204, "Қизил Мирзойи"— 228 навлари экилса яхши натижага эришилади. Шунингдек, бошқа районалаштирилган навларини ҳам экиш мумкин.

Сабзи экишнинг бу асосий муддатларидан ташқари ўртача экиш муддатида (Баҳорги экиш) ҳам фойдаланилади, бу 20 апрелдан 5 майга тўғри келади. Бунда иссиққа чидамли "Сариқ Мирзойи"— 204 нави яхши ҳосил беради. Ҳосилни август ойида йигиштириб олинади. Бу муддатда экилганда илдизмевани етилиши ёзниг ҳароратига тўғри келади, бу совуққа чидамли сабзи экишга салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли ҳосилдорлик, товарлик сифати паст бўлади.

Ёзги даврда баҳорда етиштирилган сабзини сақлашни оқилона ташкил экиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон сабзвот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти тажрибалари шуни кўрсатадики, сабзвот-полиз экинлари, картошка ва сабзини ёзги-кузги қисқа муддатларда экиб мувафақиятли етиштириш мумкин экан. Ўсимликлар куз ва қишида ҳам ўстирилади, ҳосили март охири-апрелда йигиштириб олинади. Бу муддатга экишга нисбатан мақбул нав "Нанская"— 4 ва "Қизил Мирзойи"— 228 ҳисобланади.

Редискани одатда баҳорда бир неча кун оралатиб, шунингдек кузда-сентябрь ойида экилади. Ёзда экилмайди.

Илдизмевалилар уруғи одатда ивитмасдан экилади. Айrim ҳолларда, экиш кеч қолганда, сабзи уруғи икки сутка мобайнида, бошқа илдизмевалилар уруғи 18—24 соат намлаб қўйилади. Намланган уруғ сепилиши осон бўлиши учун қуритилади. Эрта баҳорда сепилган сабзи уруғи тез униб чиқиши учун уни сепмасдан олдин 1—2 кечакундуз давомида хўллаш ва нам ҳолида экилганда уй ҳароратида (2—3 кун) 0—3° да сақлаш тавсия этилади.

Илдизмевали сабзвотлар қаторлаб, лентасимон, кенгқаторлаб экилади. Экилаётганда уруғ тўлиқ қаторлаб жойлаштирилади. Лавлаги ва турп илдизмеваси катта бўлгани учун 60 см қатор оралаб, қаторлаб ва икки қатор лентасимон қилиб 50+20 см схемси бўйича экилиши мумкин. Ўсимликлар оралиғидаги керакли масофа униб чиққандан сўнг белгиланади. Кўрсатилган схемаларда ўсимлик қалинлиги гектарига сабзи 420—550 минг, шолғомда 300—400 минг, турп ва лавлагида 150—200 минг донага тўғри келади.

Илдизмевали сабзвотлар осма СКОБ-4,2 сабзвот сеялкасида ёки суфориш ариғи очадиган, кенг қаторли сошник ва бошқа мосламалар уланганлари билан экилади. Эрта баҳорда экин кузда очилган эгатларга ёки текис майдонга экилади. Бунда ўсимликлар тўлиқ униб чиққандан сўнг биринчи суфориш олдидан эгатлар очилади. Ёзда ва кузда экин экилаётган вақтда суфориш эгатлари очиб кетилади ва экиб бўлингач, озиқлантириш учун суфорилади.

Уруғ экиш миқдори унинг катталиги, униб чиқиш қобилияти, жойлаштирилиш схемасига боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда бир

гектар ерга 15—16 кг лавлаги, 5—6 кг турп ва сабзи, 15—20 кг, шолғом ва редиска экилади. Экилаёттанды уруғни бир хил чүкүрликка ва бир текис тушиши катта ажамиятга эга. Агар уруғ юза тушиб қолса, турпроқ юқори қатламида намнинг етишмаслиги оқибатида күпинча униб чиқмайди, жуда чүкүр экиб юборилганда эса қалин қатламни ёриб чиқолмай қолади. Лавлагини 2—4, сабзи ва қолган илдизмевалилар 1—2 см, енгил қумоқ турпроқларда эса 3 см чүкүрликка экилади.

Экинлар парвариши. Эрта баҳорги ва күзги-қиши экишида қатқалоққа қарши экиб бўлиш билан 1,5—2 см чириган гўнг солиб майдон мульчаланади, шунингдек механик усулда ёки енгил тўрсимон борона билан қатқалоқ юмшатилади, шунингдек турпроқни юмшатиш учун узоқ муддатли суғориш амалга оширилади. Бороналаш ўсиб чиқаётган ўсимликка жиддий зарар етказилиши мумкин, шу сабабли у экинлар қалин бўлган ерларда ўтказилади.

Қатор орасидаги бегона ўтларга қарши кураш культивация ўтказиш орқали амалга оширилади. Уни ўсимлик тўлиқ униб чиққандан ва ҳар бир суғоришдан сўнг 4—5 маротаба ёки кун оралатиб ўтказилади. Бегона ўтлар қўл кучи ёрдамида ҳам йўқотилади. Уларни юлиш ўсимлик униб чиққандан сўнг амалга оширилади ва 2—3 марта такрорланади.

Сабзи экилган майдонидаги бегона ўтларни йўқотишда қўл меҳнатига барҳам бериш учун барча имкониятлар бор. Бунинг учун/униб чиқишидан олдин ва униб чиққандан сўнг/гербицидлар билан ишлов берилади. Ўзбекистон шароитида сабзи униб чиқишига қадар трефланни гектарига 0,5—0,75 кг миқдорида сепиш тавсия этилади (8—10 см қилиб турпроқ остига солинади). Прометринни гектарига 3 кг миқдорида эритма ҳолда (екилгандан сўнг, сабзи униб чиққунча) солинади.

Уруғлик экилгандан сўнг униб чиққунча гектарига 2,5—3 кг линурон ва пропазин препаратларини ҳам қўллаш мумкин. Сабзига 1—2 барги чиққанидан кейин гектарига 3 кг прометрин билан ишлов берилади. Лавлагига экилгандан униб чиққунча ацетлуром (9,3—13,9 кг/га) ва 1—2 ҳақиқий барг чиқаргач бетонолом (6—8 кг/га) билан ишлов берилади. Махсулотларни реализация қилиш дозанек, линурон билан ишлов берилгандан сўнг орадан 4 ой ўтгач рухсат этилади.

Тажрибалар кўрсатадики, жумхуриятда сабзини маҳсус-қоғоз остида этиштирилса катта самара беради, у бир йиллик ўтларни бутунлай бартараф этади, турпроқнинг сув ва озиқланиш режимини яхшилайди, ҳосилдорликни оширади. Бу усулни қўллаш маҳсус техникани талаб этади. У бир вақтда экишни амалга оширади ва шу билан бирга қоғозни ёяди ҳамда уни устига турпроқ тўқади.

Илдизмевалиларни парваришида яғаналаш мажбурий усул ҳисобланади, уни одатда бегона ўтларни тозалаш билан биргаликда ўтказадилар.

Үсимлик жуда зич бўлмаса, 3—4 чин барг чиқаргандан кейин бир марта ягана қилиш билан чекланилади. Лавлагининг биринчи яганаси униб чиққанидан сўнг 8—10 кун ўтгач амалга оширилади. Бошқа илдизмевалиларни яганалаш эса униб чиқандан сўнг 12—15 кун ўтгач амалга оширилади. Ҳамма илдизмевалиларда иккинчи ягана биринчисидан 2—4 ҳафта ўтгач ўтказилади. Биринчи яганада ўсимликлар орасида масофа 2—3 см, иккинчи якунловчи яганада — сабзида 5—7 см, лавлаги ва шолғомда 8—12 см ва турпда 10—15 см қолдирилади. Лавлаги ва сабзини иккинчи марта ягана қилганда ундан кўкат сабзавот сифатида фойдаланиш мумкин. Редиска бир марта ягана қилинади, бунда ўсимликлар оралиги 3—5 см дан қолдирилади. Лавлаги, турп, шолғомнинг биринчи яганасини қисман механизациялаштириш мумкин. Бунда культиватор фозланжасидан ёки лавлагини ягана қилувчи мосламадан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон шароитида илдизмевалиларни сугориш мажбурий ҳасобланилади. Қониқтириб сугорилмаганда ҳосилдорлик пасаяди ва озиқлик қиммати ёмонлашади. Илдизмевалиларни етиштиришда тупроқнинг самарали намлиги дала нам сигимиға нисбатан 70—80% бўлиши керак. Сабзи ва лавлагини эрта баҳорда экилганда сугоришини одатда апрелдан, барча ўсимликлар ўсиб чиқандан сўнг бошланади. Аввалига 10—12 кун ўтказиб сугориб турилади. Май ойи бошидан ўсимлик илдизмеваси жадал шакллана бошланганда сугориш оралигини 7—10 кунга қисқартирилади, май ойининг охири ва июнда ҳар 5—6 кунда сугорилади. Сугоришининг умумий сони 8—9 тага етади. Сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларда сугориш бир мунча камайтирилади ва унинг умумий сони 5—6 тани ташкил этади. Худди шундай режим кузги-кечки мавсумда экилган ўсимликларга нисбатан қўлланади. Эрта баҳорда етиштириладиган редиска сугорилмайди ёки 1—2 сугориш амалга оширилади.

Ёзда экилган илдизмевали экинлар униб чиққунча тупроқ намлигини сақлаб туриш учун ҳар 3—4 кунда сугориш ўтказилади. Униб чиққанидан сўнг ҳам 8—10 кунда, пишиб етилаётганда эса ҳар 12—15 кунда сугорилади. Кечки илдизмевалиларни йигиб олишдан 2—3 ҳафта олдин сугориш тўхтатилади. Сизот сувлари яқин жойлашган ерларда сугориш оралиги узаяди ва сугоришининг умумий сони 6—8 тани ташкил қиласи.

Сабзи кеч баҳорда экилганда, бир текис униб чиқиши учун сув секин шилдиратиб оқизиб сугорилади. Кейинчалик ҳар 5—6 кунда сугориш амалга оширилади Ҳаммаси бўлиб 8—10 марта сугорилади. Август ойининг иккинчи ярмида экилган сабзи униб чиққунча озиқлантирувчи сугориш ўтказилади. Сўнгра сентябрь-октябрь ойи бошларида уларга 4—5 та ўсув даври суви берилади. Баҳор даврида сугориш ўтказилмайди ёки баҳор қуруқ келганда 1—2 марта сугорилади.

Заарарқунаңдалар ва касаллікларга қарши кураш. Илдизмевалилар сабзавоттар уншудринг, ўсимлик бити билан күчли заарарланади. Уларга қарши кураш бошқа сабзавот экинлариникига ўхшашидир. Лавлаги узун оёғи, лавлаги капалаги, лавлаги бургаси билан заарарланади. Бу заарарқунаңдаларга қарши 0,4—0,5% ли хлорофос эритмаси ёки 0,7% ли кремнефторли натрий эритмаси пуркалганда яхши натижә беради.

Ҳосилни териб олиш. Кузги, кузги-қишиқи, эрта баҳорги қилиб экилган сабзи ва лавлагини иккى марта териб олинади. Аввалига эрта баҳорги ҳосилни күкат ўсимлик сифатида қўлда териб олинади. Бунда яганалаш ёки майда бўлиб қолган майдонлар ёки йирик карталар четларини тозалаб олиш орқали амалга оширилади. Бунда илдизмеваси нисбатан йирик ўсимликлар танланади, уларни тупроқ ва сарғайган барглардан яхшилаб тозаланади. Сабзи кузги-қишиқи қилиб экилганда май ойининг биринчи ярми, эрта баҳорда экилганда — май ойи охири июнь бошида териб экиласиди. Шундан сўнг орадан 2,5—3 кун ўтгач ёппасига йигиштириб олинади.

Ёзги муддатларда экилган илдизмевалиларни бир марта октябрь охири-ноябрь бошида йигиштириб олинади. Терим сурункали ёмғир ва кучли совуқ тушгунча тутатилади. Лавлагини бошқа илдизмевалиларга нисбатан эртароқ йигиштириб олиш керак, чунки иссиққа кўпроқ талабчан, унинг илдизмеваси тупроқ устига кўпроқ чиқиб туради ва совуқдан камроқ ҳимояланган бўлади.

Ялпи теримни қўйидаги уч усулдан бири бўйича амалга оширилади: қазиб кетилади ва илдизмеваси қўл билан териб олинади.

Бир марта комбайнда йигиб ва териб олинади. Илдизмевалиларни кавлаб олиш СНУ-30, СНШ-4, СНС-2М ва ОШКШ-1,4 кавлагичи, шунингдек картошка кавлагич ва картошкани йигиб олувчи комбайн ёрдамида амалга оширилади. Илдизмевалиларни иккى фазада йигиштириб олиш пиёзни механизация усулида йигиштириб олишга ўхшайди. Аввал уларнинг барглари кесилади, сўнгра ЛКГ-1,4 пиёз қазгич мосламасига илдизмевалиларни йигиштириб оладиган мослама ўрнатилиб, кавлаб олинади. Сабзи ва лавлагини биринчи марта ММТ-1 ёки илдизмевалиларни териб оладиган ЕМ-11 комбайни ёрдамида йигиб олинади. Улар илдизмевалиларни ковлади, юқорига олади, баргларидан тозалаб ПСК-6 сортловчи пунктига олиб бориш учун транспорт воситасига юклайди. Илдизмевалиларни эҳтиётлик билан йигиштириб олиш зарур. Уларни уюмга, саватга, транспорт воситаларига пала-партисишиш ташланса сифати ёмонлашади.

Пояси кесилаётганда, баргларининг узунлиги 2 см дан ортиқ қолдирилмаслиги керак. Пояси тагидан тақаб ёки узун қолдириб кесилса сақлаш давомида чириб кетиши мумкин. Поясини қўл билан қайриб ташлашга йўл қўйиб бўлмайди. Бунда бир қисм эти ҳам қўшилиб чиқади, натижада маҳсулотнинг сифати пасаяди ва кейинчалик касалланишига, бузилишига сабаб бўлади. Илдиз-

мевалиларни кесиши қазиб олинган кунда ўтказилиши керак, айниңса, ёзда. Чунки пояси кесилмаган илдизмевалар ўзидан кўп намликни йўқотади, тез сўлиб қолади ва ёмон сақланади. Кесилган илдизмевалиларнинг катталигига ва сифатига қараб сортларга ажратилади.

Уруғлик. Илдизмевалилар уруғи, редискадан ташқари, икки йил давомида етиштирилади. Тугунча илдизмевалиларни етиштириш усули биринчи йили озиқ-овқат учун мўлжаллаб етиштирилаётган бўлак илдизмевалилардан фарқ қилмайди.

Тугунчалар етиштириб олинганидан сўнг поялари қирқилади, барг тубидан 1—2 см қолдирилади, сўнгра уруғлик мақсадлар учун танланади, бунда илдизмевалилар йирик, ўртадан катта бўлиши керак. Ажратилаётганда чириган, заараланганлари чиқарип ташланади. Тугунчалар жанубда қиш арафасида, жумҳуриятнинг бошқа миңтақаларида эса эрта баҳорда — февраль охири март бошида ўтказилади. Тугунаклар баҳорда экиладиган бўлса қиш ойида траншэя ёки буртларда, сабзавот-омборхоналарида устига нам қум сепиб сақланади. Сақлашга қўйишдан один илдизмевалиларга 50% ли ТМДТ (8 кг/т) билан ишлов берилади.

Экиш олдидан чириган илдизмевалар брак қилинади ва лавлагининг эти қизиллари танлаб олинади, сабзи эса ўрта қисмининг ҳажмига қараб танланилади. Одатда бутун илдизмеванинг жуда катталари иккига бўлиб экилади. Сабзи илдизмевасини кавлаб олмасдан тупроқда қишига қолдириб ҳам уруғ етиштириш мумкин. Бунда уруғ ҳосилдорлиги юқори бўлади бироқ илдизмевалиларни танлаш имконияти бўлмайди ва уруғнинг нав сифати паст бўлади. Етиштирилган уруғни фақат озиқ-овқат мақсадлари учун экиб етиштириш мумкин.

Уруғлик тугунакларининг қатор ораларини 70 см ва қатор орасида сабзида 25—30 см ва бўлак илдизмевалиларда 50—60 см қилиб экилади: Тугунаклар экув машиналари ёки эгат олинган пушталарга қўлда экилади. Кузда экилган тугунакларининг усти 12—15 см, баҳорда экилганларининг усти эса 5—6 см тупроқ билан бекитилади. Уруғлик экинлар 4—6 марта сугорилади. 3—4 культивация қилинади, қатор оралари қўлда юмшатилади. Улар тугунак ўсиб чиққанидан сўнг икки марта озиқлантирилади, гуллай бошланганда гектарига 1—1,5 ц аммиакли селитра ва ҳар бир озиқлантиришда суперфосфат берилади.

Уруғ етилишининг белгиси бўлиб, лавлаги уруг мевасининг қўнғир ранг, турп ва шолғомнинг қўзоқлари ва сабзи соябони оч-сариқ ёки оч-жигарранг тусга кириши ҳисобланади. Пишган уруғ тез тўклиб кетади, шу сабабли тўлиқ пишишини кутмасдан териб олинади. Теримга уруғларнинг 25—40% пишганда киришилади. Уруғлик ўсимлик поясининг бир қисми билан бирга кесиб олинади ёки бутунлигича сугорилади. Уларни боғлам қилиб бойланади ва қолган қисми ўюмларда пишиб етилади. Уруғ пишиб етилганда жиқозланган молотилка ёки барабаннинг айланма ҳаракати пасайтирилган комбайн билан янчib олинади. Уруғликни дастлаб тозалашни ЗАВ-10,3000 машинасида бажари-

лади. Буткул тозалашни эса "Пектус" шаклидаги СВ4—5 маркалы нисбатан мураккаб машинада ўтказилади. Уруғлар қуритилганда уларнинг намлиги: сабзи 10% гача, лавлаги 14% га, турп ва шолғом 9% га келтирилади.

Етишириш шароитига қараб сабзи уруфининг ҳосилдорлиги 3—5 га/ц, лавлагиники 8—10 га/ц, турники 5—6 га/ц ва шолғомники 3—4 га/ц ни ташкил этади.

Амалий машғулот

16 - мавзу. Сабзининг районлаштирилган навларини ўрганиш.

Машғулотнинг мақсади: Сабзининг морфологик белгиларини ўрганиш ва мазкур экиннинг районлаштирилган навларини таърифлаш.

Топшириқлар: Ушбу вазифани 2—3 кишидан иборат бўлган ўқувчилар гуруҳи бажаради. Тирик ўсимликлардан ва илдизмевалардан фойдаланиб улар сабзининг асосий морфологик белгилари билан танишадилар ҳамда минтақада районлаштирилган навларининг баёнини ёзадилар.

Навларни тавсифлаш барглардан бошланади. Сўнгра 23-жадвалда кўрсатилганидек илдизмеваси ҳақидаги маълумот берилади.

Бўш графиклар бўйича навнинг номи ёзилади. Белгилари характеристикасини тўлдириш қуидаги асосий нав белгилари группировкаси асосида амалга оширилади.

Тўпбаргининг катталиги — майда, 6—9 баргли, ўртача — 10—15 ва йирик 15—20 баргли.

Баргининг ранги — оч-яшил, яшил ва тўқ-яшил (Европа навлари), яшил, оч яшил ва пушти-яшил (Осиё нави).

Барг шапалогининг қирқилганлиги: Ўрта ер денгизи атрофларида кўп қирқилган, тўғри лентасимон ва лентасимон сегментли, Осиё минтақасида кам қирқилган, сегментлари ўткир қиррали ва бўлма барг шаклда.

23-жадвал

Сабзи навларини тавсифлаш ҳисоботи


Нав белгилари	Навлар			
	1	2	3	4
1. Тўпбарги катталиги — барглари 2. Барг шапалоги — ранги — бўлакланганлиги 3. Илдизмеваси — пўстининг ранги — узунлиги, см — диаметри, см — индекс формуласи				

- шакли
- ўртача оғирлиги, г
- юзаси
- этининг ранги
- ўзагининг ранги
- ўзагининг ҳажми
- ўзагининг шакли
- таъми
- 4. Ўсув даври, кунлар

Илдизмева пўстининг ранги — Ўрта ер денгизидаги-
ларники: оч-сарғиш, сарғиш, жадал-зарғалдоқ, қизил-тўқсариқ,
оч сариқ, сап-сариқ, сариқ-зарғалдоқ, оқ; Осиё хилларида; сариқ,
пушти, тўқ қизил.

Илдизмева шакли — 6 тури мавжуд: 1) юмaloқ, 2) овал
(юраксимон), 3) калта — конуссимон, тўмтоқ конуссимон, 4) ци-
линдрисмон, 5) чўзиқ — конуссимон, учи тўмтоқ — конуссимон,
6) узун конуссимон, учли (21-расм).

Илдизмева ҳажми: (узунаси бўйича): қисқа — 10 см
гача, ўртача — 10—20 см, узун — 20 см дан ортиқ. Диаметрининг



21-расм. Сабзининг шакллари: 1 — юмaloқ; 2 — овал (юраксимон); 3 — калта
конуссимон, тўмтоқ конуссимон; 4 — цилиндрисмон; 5 — чўзиқ-коупуссимон, учи
тўмтоқ конуссимон; 6 — узун конуссимон, учли

энг кичик жойи — 3 см гача, ўртаси — 3—5 ва каттаси 5 см дан ортиқ. Майда илдизмевалар оғирилиги — 100 г гача, ўртачалари — 100—150 г ва йириги — 150 г дан ортиқ бўлади.

Илдизмева юзаси — силлиқ майда, ўртача ва йирик кўзчаларидир. У юпқа ёки қалин пўст, шунингдек ғадир-будир-майда, ўртача, ва йирик ғадир-будирлар, кўпинча ён томонларидан илдизлар билан қопланади.

Илдизмева этининг ранги — сариқсимон-зарғалдоқ, зарғалдоқ, пушти-зарғалдоқ, зарғалдоқ-қизил.

Ўзагининг ранги — сариқсимон-оқ, сариқ, сариқсимон-зарғалдоқ, зарғалдоқ, пушти — зарғалдоқ, зарғалдоқ-қизил ва қизил.

Ўзагининг ҳажми — кичик, илдизмева диаметрининг ярмидан ҳам кичик, ўртача-ярмига яқин, катта — ярмидан кўп.

Илдизмева таъми — беш балли шкала бўйича: жуда мазалиги — 5, мазалиги — 4, ўртачаси — 3, мазасиз — 2, жуда мазасизи — 1 бал билан баҳоланади.

Тўпбаргининг катталиги ўсимликдаги баргларнинг сонини ҳисоблаб аниқланади. Ҳисоботнинг тегиши қаторига қўйидагича ёзилади: "8 баргли, майда", ёки "13 баргли, ўртача" ва ҳоказо.

Барг шапалогининг ва илдизмева пўстининг ранги кузатилиб аниқланади. Пўстининг ранги аниқланашганда илдизмева пўстининг бир қисми қўй билан артилади. Илдизмева узунлиги бошидан асосигача ўлчаб аниқланади, диаметри илдизмева баландлигининг ярмидан ўлчанади. Ўлчаш линейка ёрдамида ба жарилади, унинг ёзуви см билан қайд этилади. Индекс формуласи илдизмева баландлигини диаметрга бўлиш орқали ҳисоблаб топилади. Ҳисобот ёзуви рақамларда ифодаланади. Илдизмева шакли 21-расмда кўрсатилган шкала бўйича аниқланади. Аниқлаш учун шаклланган илдизмева олинади. Унинг ўртача ҳажми 10—12 та илдизмевани тортиб ўлчаш билан аниқланади. Бунда илдизмеванинг ўртача ҳажм катталиги ҳисоблаб чиқарилади.

Этининг ранги юзаси ва ўзагининг кўринишини кўз билан аниқланади. Эти ва ўзагининг рангини аниқлаш учун илдизмевани ярим баландлигидан кесилади. Ўзагининг ҳажми ўзак диаметрини илдизмева диаметрига нисбатини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Олинган фарқ 100 га кўпайтирилади. Ҳисоботда ҳажми фарқ ҳисобида ва бир тури кўрсатилади. "Майда, ўртача, катта". Илдизмева таъми янги мевасини еб аниқланади. Ўсув даврининг узунлигини талабалар маълумотномалардан топадилар ёки ўқитувчилардан аниқлаб оладилар.

Фойдаланиладиган асбоблар. Жонли ўсимлик ва сабзининг районлаштирилган навларининг илдизмевалари. Этининг рангини, илдизмева шаклини, ҳажми ва ўзагининг шаклини кўрсатувчи рангли шкала. Районлаштирилган навлар каталоги. Чизғиҷ, штангенциркуль, ошхона пичоги, техник тарози.

БАРГЛИ КҮКАТЛАР ВА КАМ ТАРҚАЛГАН САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ

Бизнинг мамлакатимиизда экин майдонларининг асосий қисми-ни сабзавот экинларидан бош карам, помидор, бош пиёз, бодринг, илдизмевали сабзавотлар ташкил этади. Уларнинг ҳиссаси жами экин майдонининг 90—91% ва ялпи маҳсулотининг 92—93% га тўғри келади. Қолган қисмини бошқа кам тарқалган экин турлари ташкил этади.

Баргли кўкат сабзавот экинлари. Аҳамияти ва фойдаланилиши. Баргли сабзавот экинларининг кўк барглари истеъмол учун етиширилади. Улар турли хил ботаник оиласаларга тегишли. Улар биологик ҳолатлари, фойдаланиш ва ўстириш бўйича фарқланиб қуийдаги уч гуруҳга ажратилади: 1. Салатлилар учун, улар хом ҳолида ейилади. 2. Исмалоқлар, қайнатилган ҳолда истеъмол этилади. 3. Зираорлар, турли хил овқатларга солинади, шунингдек тузлама ва консервалашда фойдаланилади. Салатли сабзавот экинларидан боғ салати (латук), цикор салати-эндивий ва эскарпол, витлуф цикор салати, баргли ва Пекин карами; исмалоқлардан — исмалоқ, Янги Зеландия исмалоги, мангольд, семиз ўт, боғ олабутаси, рамс, газанда ва бошқалар; зираорлардан — крессалат, баргли хантал, петрушка ва сельдерей, укроп, райхон, бодринг ўти, кашнич, тоғрайхон, сўзанак, анис, дракоцефялюм кенг тарқалган. Кўкат экинлар юқори ҳосилдорлиги, тезпишиши ва иссиққа нисбатан талабчан эмасликлари билан ажralиб турадилар. Бу дармондориларга бой маҳсулотни фақат ёзда эмас, балки йил давомида етишириш имкониятини беради. Кузги-қишки, эрта баҳорги, қайта экинлардан фойдаланиб ҳимояланган тупроқларда уларнинг маҳсулотини деярли йил бўйи мамлакатимизнинг турли районларида олиш мумкин.

Кўкат-сабзавот экинларининг қадрланишига уларда дармондориларнинг, айниқса аскорбин кислотаси, минерал тузлар (калий, натрий, кальций ва бошқалар), хушбўй моддаларнинг мавжудлигидир, улар овқат таъмини яхшилаб, иштаҳани очиб, овқат ҳазм бўлишига ёрдам берадилар. Уларда оқсил, углеводлар ва органик кислоталар мавжуд. Улардан кўплари дориворлик хусусиятига эга.

Ботаник таърифи — Ўзбекистонда кўкат-сабзавот экинларининг турлари кам. Улардан кўплари сельдерейлар (укроп, петрушка, сельдерей, кашнич) оиласига мансуб. Бошқа оиласалардан бу ерда райхон (лабгулдошлар), салат ва экстрагон (Мураккаб гулдошлар), исмалоқ (Шуродошлар), шовул (торонгулдош), крессалат (карамгулдошлар) ва бошқалар етиширилади.

Турли ботаник оиласаларга мансуб бу экинлар морфологик белгилари бўйича бир-биридан сезиларли фарқ қиласиди. Салат-латук — бир йиллик ўсимлик, Ўрта Ер денгизи атрофларидан

келиб чиқкан. Түпбарги унча катта бўлмаган карам ҳосил қиласди, сўнгра кучли шохланган поя чиқаради (60—100 см). Гуллари майда, сариқ, икки уйли, ўз-ўзидан чангланади, гуллари тўпгул. Баргларида лактацин глюкозидинни сақлади, у қон босимини пасайишига ёрдам беради ва уйқуга фойда қиласди. Ёш барглари 7% қуруқ модда, 10 мг% гача С дармондориси, В дармондориси гурӯҳи, шунингдек РР, Е, К ва бошқаларни сақлади.

Салатнинг бир неча хили мавжуд: баргли салат тўпбарг ҳосил қиласди, у тез етилиши билан (экилганидан пишгунча 40 кун) ажралиб туради. Баргли салат барглари ярим кўтарилган тўпбаргни ёки диаметри 10—15 см ли ғовак бошни ҳосил қиласди, у ё думалоқ ёки думалоқ-япалоқ шаклга эга бўлади. Карам бошининг пишиб етилиши навига қараб, экилганидан сўнг 60—80 кунни талаб этади: салат ромен — йирик, юқорига қараган тўпбаргта эга. Тўпбарг ичидаги чўзилган-овалсимон ғовак бошни ҳосил қиласди. Ўсув даври 70—100 кун (22-расм). Ўзбекистонда районлаштирилган навлари йўқ. Лекин бошқа навларига қараганда "Московский парниковый" (баргли), "Майский", "Каменная головка желтая" (бошли), "Парижский зеленый" (ромен) кўп тарқалган.



1



2

22-расм. Салатбош (1) ва роменсалат (2)нинг тур хиллари

Крессалат — бир йиллик ўсимлик, барглари юқорига қараган тўпбарг ҳосил қиласди, сўнгра гулли поя чиқаради. Пояси тўғри. Пояси ва барглари туксиз. Гуллари оқ, оч бинафша ранг ёки пушти, улар тўпгулга йигилган, узун ғовак новда учидаги жойлашган. Меваси тухумсимон қўзоқ. Уруғи оч жигарранг ёки қизилсимон.

Овқатга ёш барглари ишлатилади. Улар 6—10 см баландликдан кесиб олинади. У аччиқ хантал таъмини беради, аскорбин кислота (130 мг%) га, В гурӯҳи дармондорилари, каротин, рутин, йод, темир ва бошқа минерал тузларига бой. Крессалат янгилигига ейилади ва шўрваларга зиравор сифатида солинади. У гўштли, қўзиқоринли овқатларга ҳам қўшиб ейилади. Эрта баҳордан кеч кузгача кўкат олиш учун ҳар 15—20 кунда сепиб туриш

керак. Тарқалган навлари: кенгбаргли, гул поя чиқаришга чидамли ва ингичка баргли — нисбатан чидамсиз.

Исмалоқ — бир йиллик ўсимлик, 7—10 илдиз бўғзи баргларидан тўпбарг ва тик поя ҳосил қиласди. Исмалоқ икки уйли, шамол ёрдамида чангланади. Оталик ўсимлик яхши ўсмайди, кам барг ва тезда гулпоя чиқаради. Оналик гуллари гулшодага йифилган, барг оралиғига жойлашган. Исмалоқнинг озиқлик қисми ёш барглари ҳисобланади, у униб чиққанидан сўнг 20—30 кунда етилади. Оталик ўсимликнинг биологик етилиши 50—60 кундан сўнг рўй беради, уруғи 90—100 кун ўтгандан кейин пишади. Тошкент атрофида етиширилган исмалоқ 110 мг% гача С дармондорисини сақлайди. Исмалоқ барги каротин, Е, Р ва В гуруҳ дармондориларига бой. Улар оқсил, темир, йод, кальций тузларини сақлайди. Пишиб етилиши жиҳатидан исмалоқ эртапишар (14—22 кун), ўртапишар (22—30 кун), кечпишар (30 кундан ортиқ) турларига бўлинади. Ўзбекистонда районлаштирилган навлари йўқ, лекин бу ерда эртапишар "Ростовский", ва кечпишар "Виктория" навлари етишитирилади.

Шовул — кўп йиллик ўсимлик, уч-тўрт йиллик экин сифатида етиширилади. Илдиз бўғзи ёнидаги барглари бутун, узунчоқ, силлиқ ёки ғадир-будур, барг банди турли узунликда. Пояси тик 1 м узунликкача етади, бир йиллик, ҳар йили қайта ўсади.

Гуллари майда, қизил-сариқ, гули даста шаклида. Ўсимлик бир уйли, кам ҳолда икки уйли. Меваси уч қиррали, жигарранг ялтироқ тугунча. Овқатга ёш барглари ишлатилади. Уларда кўплаб дармондорилар олма ва лимон кислотаси мавжуд. Шовул кислотаси кам бўлади. Таъми бўйича кучли нордон ва нордон навларига бўлинади. Тошкент атрофида етиширилган шовул барглари 60 мг% С дармондорига эга, унда каротин, РР ва В гуруҳ дармондорилар, темир, калий, кальций, магний тузлари ва оз миқдорда оқсил мавжуд. Ўзбекистонда маҳаллий навлари ва "Больвильский" (23-расм) ва "Майкопский"-10 навлари тарқалган.

Петрушка — икки йиллик ўсимлик, икки турга бўлинади: илдизли петрушка этдор илдизга эга ва баргли петрушка сершоҳ илдизга эга. Пет-



23-расм. Отқулоқ Бельвильский нави

рушка барги С дармондорига (140 мг%) бой. Барглари патсимон, түк-яшил, узунлиги 30—60 см. Этдор илдизли петрушка 15—40 та ялтироқ яшил барг ҳосил қиласи, баргли петрушка эса кучли қирқилган (10—100) барг ҳосил қиласи. Барг бандининг узунлиги 15—30 см. Илдизли петрушканинг илдизмеваси турли шаклда бўлади, кулранг-оқ, эти оқ ҳидли. Илдизмевасининг ҳажми: узунлиги 15—30 см, юқорисининг диаметри 2—5 см, униб чиққач 120—150 кундан сўнг етилади. Қишики сақлашдан сўнг илдизмеваси гулпоя чиқаради, гули ва уруғи, тузилиши сабзиникига ўхшаш, фақат



24-расм. Маданийлаштирилган сельдерейнинг хиллари: 1 — баргли; 2 — қаламчали; 3 — илдизли

бирмунча кичикроқ, 1000 дона уругининг оғирлиги 1,2—1,8 г. Ўзбекистонда этии петрушканинг "Сахарная" нави районлаштирилган, шунингдек баргли петрушканинг "Обыкновенная листовая" на-ви ҳам етиштирилади.

Сельдерей — икки йиллик ўсимлик. Сельдерей нави уч турга бўлинади: илдизли сельдерей (яхши ривожланган илдизмева ҳосил қилади), баргли сельдерей (ривожланган илдизмева ҳосил қилмайди, барг банди кучли ривожланган) ва баргли сельдерей (илдизмева ҳосил қилмайди, яхши ривожланган тўпбарг ҳосил қилади) (24-расм.)

Барг банди ингичка ёки йўғон, этдор, айниқса, бандли хилида. Уларнинг йўғонлиги 3—4 см гача ва узунлиги 50 см гача етади. Илдизли сельдерейнинг илдизмеваси япалоқ-думалоқ ёки думалоқ шаклда, ён томонлари томир илдизлар билан кучли қопланган. Илдизмевасининг ранги кулранг-оқ ва қўнғирсисмон, эти ғовак, оқ. Иккинчи йили ўсимлик петрушка ва сабзига ўхшайди. Уруғи жуда майда. 1000 дона уругининг оғирлиги 0,4—0,5 г. Баргли сельдерейда ўсув даври 80—90 кун.

Ўзбекистонда илдизмевали сельдерейнинг "Яблочный" на-ви районлаштирилган.

Укроп — бир йиллик ўсимлик, пояси ва барглари яланғоч, яшил, кучли ҳидга эга. Барглари 100 мг% гача С дармондорисини, 4—5 мг% каротин ва ўзиға хос хид берувчи эфир мойини сақлайди. Пояси тик туради, сершоҳ, усти текис, туксиз, баландлиги 0,3—1,2 м. Барги патсимон, шакли тухумсимон, пастки барглари, банди калта. Соя-бончаси 10—60 гулпояядан иборат. Ўсув даври — товар сифатидаги маҳсулотни олгунча 25—30 кунни ташкил этади, уруғи 80—90 кунда пишади.

Ўзбекистонда укропнинг "Ўзбекский" 243 на-ви районлаштирилган. Укроп — бир йиллик ўсимлик, юқори қисми думалоқ, сершоҳ, пояси тўғри, баландлиги 1 м ва ундан ортади.

Кашнич. Барги оч яшил илдиз бўғзидан чиқсан банди узун, юқори қисми кўпдан-кўп майда бўлакчаларга бў-



25-расм. Коррандр (кашнич)

линган. Соябончасида 3—5 та гултожиси бор. Меваси ширин ўзига хос таъмга эга. Унда эфир (0,25—1%), мой (20%) шунингдек, крахмал, қанд ва бошқалар бор. Улардан қандолатчилик, атир-упа ва медицина корхоналарида фойдаланилади. Овқатга ёш ўсимликтинг барглари тўпбарг бўлиш даврида ёки навдалар пайдо бўла бошлаганда ишлатилади. У ўзида 200—210 мг%. С дармондорини сақлайди. Униб чиққанидан сўнг 30—40 кун ўтгач барглари етилади, уруғи 90—100 кун ўтгач олинади (25-расм).

Райҳон — бир йиллик ўсимлик, баландлиги 20—70 см. Пояси тўрт қиррали ёки думалоқ, асоси яланғоч бўлиб, сершоҳ, юқориси садасифат юмшоқ, ранги қизғиши аралаш яшил. Барг банди тухумсимон, майда, катта барглилари узунчоқ ва бир мунча четлари кемтикли, ранги турли хил — яшил, яшил-бинафша, бинафша ранг. Бинафша ранг пояларида, бандида, баргларида тўпгулида ҳам кузатилади. Гуллари оқ, пушти ёки бинафша рангда, поя учиди тўпгул ҳосил қиласди. Оддий райҳон яхши ҳидга ва таъмга эга, шу сабабли қадимдан Ўрта Осиёда зиравор сифатида ишлатилади. Барглари ва юқори ён шохлари янгилигига ёки қуритилган ҳолда турли овқатларга, консерваларга, тузламаларга солинади (26-расм).

Баргларида 0,08% гача эфир мойи, шунингдек, 9мг% каротин, 150 мг% рутин, 10мг% С дармондориси бор. Ўзбекистонда



26-расм. Райҳон (ошрайхон)

райхоннинг маҳаллий навлари — раиҳон, садарайҳон, йирик баргли раиҳон ва майдагарлии садарайҳон етиширилади.

Эстрагон (тархун) — кўп йиллик ўсимлик, бир ерда 8—15 йилгача ўсиши мумкин, лекин уни сабзавот сифатида фақат 5 йил ишлатиш керак, чунки кейинчалик кўк массаси камайиб кетади. Эстрагон 1,5 метрли бута бўлиб, ланцетсимон, чокида уч япроқли баргли кўплаб навдалардан ташкил топган. Гуллари майда, сариқ рангли уруғи жуда майда, тухумсимон шаклда, 1000 донасининг оғирлиги 0,2—0,25 гр. Овқатга ёш новдалари барглари билан ишлатилади. У ўзида ёқимли ҳид ва ўткир маза берувчи (70%) эфир мойи сақлайди, янги барглари ва ёш новдалари салатлар тайёрлашда ҳамда гўшти, сабзавотли ба-лиқли овқатларга зиравор сифатида ишлатилади. Айниқса бодринг ва помидор тузлаётганда ишлатилса, ёқимли таъм беради. Ўсимлик янгилигига ва қурилтилган ҳолда фойдаланилади.

Эстрагон фақат жанубда уруғ беради, у ерда кўпайтириш учун эстрагоннинг 60 кунлик кўчати етиширилади. Бошқа минтақаларда бутани бўлиш орқали, илдизидан олиб, қаламча қилиб кўпайтирилади.

Ташқи муҳит таъсирига муносабат. Кўпчилик баргли сабзавот экинлари иқлими юмшоқ мамлакатлардан чиққан. Фақат раиҳонгина тропик мамлакатлардан чиққан, шу сабабли иссиққа талабчан ўсимлик ҳисобланади.

Шовул ва эстрагон совуққа ёки қишига чидамли ўсимликлардир. Икки йиллик — петрушка ва сельдерей ҳамда бир йиллик кўкатлар ҳам совуққа чидамли ўсимликлар ҳисобланади. Уларнинг уруғи 3—5° да ўсиб чиқа бошлайди. Бундай ҳароратда секин бўлса-да ёш кўкатлар ҳам ўсади. Ургунинг униб чиқиши ва ўсимликнинг ривожланиши учун мақбул ҳарорат 15—20° ҳисобланади. Юқори ҳароратда (25—30° атрофида) ўсишини тўхтатади, гулпояларининг чиқишини тезлаштиради бунда барглари дағаллашади, озиқлиги, таъми ва товарлик хусусияти пасаяди. Ёш ўсимликлар 3—4°, катталари совуққа чидамли. Шовул, эстрагон, каррианд, петрушка ва сельдерей қисқа муддатли — 10° совуқни кўтара олади.

Барча кўкат экинлар ёруғликка талабчан, бироқ уларнинг талаби мевали сабзавотларга қараганда пастроқдир. Ҳаддан ташқари қалин экилганда ёки соя жойда ўсимлик ингичка, нозик бўлиб қолади, ҳосилдорлик пасаяди ва озиқлик қиммати, айниқса витаминаларни сақлаши пасаяди. Баргли кўкат ўсимликлар, раиҳондан ташқари узункун ва қисқакунли ҳисобланади. 9—10 соатлик кун генератив органларининг шаклланишини орқага суради. Узункунда гуллаш эрта бошланади. Бир йиллик баргли кўкат ўсимликлар тупроқ юзасида кучсиз ривожланган илдиз системасига эга бўлади, шу сабабли улар тупроқ ва ҳавонинг намлигига талабчан, айниқса, барглари шаклланаётган пайтда.

Бу ўсимликларни етиштираётганда тупроқ намлигини дала нам сиғимининг 80—85% идан кам бўлмаган миқдорда сақлаш талаб этилади.

Баргли кўкат ўсимликлар тупроқнинг унумдорлигига жуда талабчан. Бу уларнинг илдиз системаси тупроқ юзасида жойлашганилиги ва тупроқдан суткасига ўртacha оладиган озиқ моддалари билан белгиланади.

Қисқа ўсув даврида улар тупроқдан катта миқдорда минерал озиқларни оладилар. Улар учун юқори унумдор, бироқ механик таркибига кўра енгил ва ўртacha тупроқларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Улар органик ва минерал ўғитларга ҳам жуда талабчан.

Ишлов бериш технологияси. Кўпчилик сабзавот экинларига агротехник ишлов бериш усули ўхшаш. Қишида уларни иссиқхона ёки парникда, кўпинча помидор ва бодринг оралиқларини тўлдирувчи экин сифатида, қиши охири ва баҳорда эса парникхона олдидаги очиқ майдонда ёки вақтинчалик плёнка остида етиштирилади. Экишни вақти-вақти билан такрорлаб, бутун баҳор, ёз ва куз ойларидаги маҳсулот олишини таъминлаб туриш мумкин. Бироқ, ёзда барча асосий сабзавот экинлари пишгач, кўкат экинларга талаб камаяди ва шу сабабли уларни экиш ҳам қисқаради. Бундан ташқари, ёзда иссиқ кунлар бошлангач кўпгина кўкат ўсимликлар ўсиши қийинлашади ва уларнинг маҳсулдорлиги камаяди. Кўкат сабзавотлар маҳсулоти тезда ўзининг товар сифатини йўқотиб қўйишини ҳисобга олиб, уларни даладан харидорга етказиб бериш муддатини қисқартириш учун асосан шаҳар атрофидаги хўжаликлар етиширади.

Кўкат экинлар учун ҳосилдор, гўнг билан яхши озиқлантирилган янги, ҳаво ва сув ўтказувчи тупроқли участкалар ажратилади. Албатта азот, фосфор ва калий каби кўкат ўсимликларнинг ривожланишига катта ёрдам берувчи минерал ўғитлар солинади.

Вақтинчалик плёнка остига экиш қишининг илиқ кунларида ўтказилади. Озиқ майдонга барча кўкат экинларни (райхондан ташқари) февралнинг иккинчи ярмидан, далага чиқиш имконияти бўлиши билан экилади. Райхонни апрелнинг иккинчи ярмидан ёки жумҳуриятнинг жанубида — март ойининг охиридан экилади. Одатда кўкат экинлар уругдан айримлари эса (салат, райхон, сельдерей, эстрагон ва бошқалар) гоҳида кўчат қилиб экилади. Кўкат экинлар уругини 2 ва 3 қаторлаб, лентасимон усолда сепилади. Лента ораси 45—50 см, қатор ораси эса 10—15 см бўлади. Уруг сепишнинг миқдори унинг ҳажми ва экиш усулига қараб га/кг: Салат — 3,0, исмалоқ — 40,0, крессалат — 8,0, шовул — 3,0, кашнич — 12—16,0, райхон — 5,0, петрушка — 8,0, укроп — 20—25, сельдерей — (кўчат) — 0,8 ни ташкил қиласи.

Кўпгина кўкат сабзавотлар уруғи секин униб чиқади. Шу сабабли экиш олдидан уларни ҳўллаш ёки ундиromoқ лозим.

Уругларни дрожирлаш (озиқ моддаларни сингдириш) яхши натижа беради, айниңса күзги-қишки экишда кўкат экинларнинг уруғи майда бўлгани учун уларни 1—2 см дан ортиқ бўлмаган чуқурликка кўмилади. Қатқалоқ бўлиб қолишнинг олдини олиш учун пушта усти чириган гўнг билан ишланади. Кўкат экинларини етиштираётганда гербицид ишлатиш тавсия этилмайди.

Кўкат экин зараркунандалари ва касалликларининг олдини олиш мақсадида уруғлар дориланади. Бу уруғларни сепишда ва экишда заҳарли химикатлардан фойдаланишини қатъян таъкиқлайди. Кўкат экинларни ўз вақтида йигиштириб олиш катта аҳамиятга эга. Улар ҳаддан ташқари вақтидан илгари йигиштириб олинса, ҳосилдорлиги пасайиб кетади, кечикирилса маҳсулотнинг товарлик сифати, озиқлик қиммати ва таъми бузилади. Ҳосилни йигиштириб олишда ўсимлик илдизи билан суғурилади ёки тупроқдан юқори қисми ё барглари кесиб олинади. Кўкат экинларнинг ҳосилдорлиги турлича — крессалат — 50—70 ц/га; салат ҳосилдорлиги — 100—120 дан 250 ц/га гача; укроп — 80—100 дан 200 ц/га гача; шовул ва исмалоқ — 100—130 ц/га; петрушка — 150—200 ц/га; район — 100—200 ц/га.

Ўзбекистоннинг ёзги юқори ҳарорати таъсири остида йигиштирилган кўкат тезда сўлиб қолади ва таъмини йўқотади. Бор дармондорилар эса парчаланиб кетади (бир кечакундуз давомида укроп, петрушка, салат С дармондорисининг 60% ни йўқотади). Ўсимлик полизтилен қопчаларда намланган ҳолда сақланса дармондориларнинг йўқотилиши камаяди. Йигиштирилган кўкат ходильникда 3—5° да сақланса яхши натижа беради. Кўкат полизтилен қопчага солиниб ходильникка қуйилса 7—8 кечакундуз яхши сақланиши мумкин.

Дуккакли сабзавот экинлари. Аҳамияти ва фойдаланилиши. Дуккакли сабзавотларга нўхат, ловия, спаржа (сарсабилсимон кўкат), нўхат, ловия (хитой ловияси, сигир бурчоги) ва дуккаклилари ёки кўк нўхат (етилмаган дони) киради. Етилмаган дуккаклилар ва сабзавот дуккаклилар таркибида жуда кўп углеводлар, С, А, Н, РР дармондорилари бор. Дуккаклилар оқсил моддаларининг кўплиги ва калориялилиги жиҳатидан бошқа сабзавот экинларидан фарқ қиласди. Етилмаган нўхат ва ловия уруғи таркибида 47% қуруқ модда, 11—13% углевод, 5—6% оқсил, 1% клетчатка бор. Уларда қанд миқдори 5% ни ташкил этади. Янги териб олинган кўк нўхатнинг таъми жуда яхши бўлиб, улар янгилигида истеъмол этилади. Қуруқ кўк нўхат олиш учун улар музлатилади ёки қуритилади. Дуккакли сабзавот экинларининг пояси моллар учун тўйимли озиқдир. Алмашлаб экишда дуккакли сабзавотлар тупроқни азот билан бойитиши туфайли қимматли ўтмишдош бўлиши мумкин. Кўк нўхат ва ловияда 0,7% кул бўлиб, унинг таркибида калий, кальций, фосфор, мис, темир, олтингугурт, натрий ва бошқа моддалар бор.

Ботаник таърифи ва биологик хусусиятлари. Барча дуккакли сабзавотлар бир йиллик ўсимлик бўлиб, дуккакдошлар оиласига мансуб. Узбекистонда асосан ловия ва сарсабилсимон нўхат етиширилади. Нўхатнинг пояси ўтсимон, тик турувчи (штамбли) ёки ётувчи (оддий) ёлғиз ёки шоҳлаган, баландлиги 25 дан 250 см гача боради. Гуллари оқ, бинафшаранг, барглар қўйнида шаклланади. Кўкнўхат икки турга ажратилиб, бир тури пергамент қавати бўлиб, дуккаги дағал, думбул дони овқатга солинади, иккинчи тури ширин нўхат, бу экиннинг дуккаги томирсиз, эти қалин ва пергамент қавати бўлмайди. Нўхат навлари униб чиқишидан уруғи йиғиштирилгунча эртапишар (65—85 кун) ўртапишар (75—90 кун), кеч ўртапишар (90—105 кун), кечпишар (100 кундан ортиқ) турларга бўлинади.

Ловиянинг пояси ўтсимон, асос қисми кучсиз йўғонлашади, сершоҳ, ранги яшил, кулранг-сариқ, пушти ва бинафша рангли. Барглари уч бўлакли, йирик, кўпинча эгилган, ранги яшилдан



27-расм. Ловия

антоциан ранггача (27-расм). Гулдони барг қўлтиғида жойлашган, ҳар бирида 2—8 та гули бор, ранги оқ, пушти ва бинафшаранг, меваси турли шакл ва рангларда бўлади. Дуккаклилар шакарли, ярим шакарли ва дони учун етиширирадиган гуруҳларга бўлинади. Ургулари турли-туман шаклда, ҳажмда ва рангларда бўлади. Ўсув даврининг узунлиги бўйича ловиялар тезпишар (30—60 кун, техник пишишигача, биологик пишишга 80—100 кун), ўртапишар (90—60 кун ва 95—120 кун), кечпишар (60—75 кун ва 120 кундан ортиқ).

Сарсабилсимон нўхатнинг овқатга етилмаган дуккаклари ишлатилади. Пояси 2 метрғача етади, шоҳланган. Ўтчиш ўсимлик. Барглари уч бўлакли. Гулдони барг қўлтигида жойлашган, узун, 2—8 та гули бор. Гуллари оқ қизил-бинафшаранг. Дуккаклилар узун (30—60 см гача), пишиш даврида (12—14 кунлигига) оғирлиги 20—25 г, пергамент қавати йўқ. Уруғи йирикмас, турли рангларда, усти ялтирамайди. Нўхот совуққа чидамли ўсимлик. Уруғи 1—2° да уна бошлайди. Уругининг униб чиқиши ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши учун мақбул ҳарорат 10—17°, кўпчилик навлари 4—6° совуқни кўтаради. Гуллаш ва мева туғиш даврида ҳароратнинг юқори ва ҳавонинг қуруқ бўлиши чангланшини қийинлаштиради ва ҳосилдорликни кескин туширади. Нўхат қиса вақтли қурғоқчилик ва ортиқча намликни кўтара олади. У тупроқ намлигига талабчан. Ўзбекистон шароитида юқори ҳосилдорлигини таъминлаш учун сугориш зарур.

Ловия ва сарсабилсимон нўхат — иссиқсевар узун кунли ўсимликлардир. Ўсимликнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун суткалик ўртacha ҳарорат 20—25° бўлиши зарур. Бундан паст ҳарорат ўсимлик ўсишини сусайтиради ва замбуруғли касаллик билан зарарланишини кучайтиради. -1—2° да ўсимлик ҳалок бўлади. Ловия ёриқсевар, қисқа кун ўсимлик. Унумдор тупроқни ёқтиради, шўрланган ботқоқ ва нордон тупроқларни хоҳламайди. Сарсабилсимон нўхат ловияга нисбатан тупроқ шароитига кам талабчан ва атмосферанинг қуруқлиги ҳамда юқори ҳароратга бардошлироқ. Уларнинг ҳам иккалasi — намга талабчан ўсимликлар, айниқса гултўп чиқаргандা ва меваси шаклланаётгандан, нам етарли бўлмаса улар тушиб кетади.

Навлари ва етиштириш технологияси. Ўзбекистонда сабзавот ловиянинг фақат "Олтин" нави районлаштирилган, сабзавот нўхати ва спаржа ловияси бу ерда районлаштирилмаган.

Районлаштирилган "Олтин" нави билан бирга ловиянинг "Сакса толасиз"— 6—15, "Санава"— 3 навлари ҳам етиштирилади. Сабзавот нўхати навларидан шакарли "Неистощимый"— 195, "Жегалова"— 112, "Ранный консервный"— 20—21 ва "Победитель"— Г/33 етиштирилади.

Нўхат февралнинг охири — мартнинг бошида экилади. Тик ўсуви навлар қатор ораларини 25—30 см, ётувчи навлар кенг қаторли лентасимон усулда, қатор оралигини 54—60 см қилиб экилади. Майда уруғли навларни экиш миқдори гектарига 80—170 кг, йириклариники эса 17—200 кг, экиш чуқурлиги 7—10 см бўлиши лозим. Ширин нўхат нави нўхатлари диаметри 6—7 мм бўлганда 4—8, пергамент қавати бўлган кўк нўхат 5—6 мм бўлганда, бир неча марта териб олинади.

Сабзавот ловияси ва спаржа ловияси апрелнинг охири, майнинг бошларида қаторлаб экилади. Бунда қатор оралиги 60—70 см ни ташкил этади. Уругни кўмиш чуқурлиги 3—5 см бўлиб, гектарига ловиянинг майда уруғли навидан 70—80 кг, йирик уруғдан 90—120 кг, спаржа ловияси 35—40 кг экилади.

Экин ўсув даврида 5—6 марта сугорилади. Сугориш ораси 10—15 кунни ташкил этади. Шунингдек қатор оралари культивация қилинади. Гуллаш олдидан гектарига 30 кг дан аммиакли селитра билан озиқлантирилади. Ягана қилинганда ҳам 10—15 см да бир дона ўсимлик қолдирилади.

Кўк дуккаги туганак тукканидан кейин 8—10 кун ўтгач олинади. Бунда дони одатдаги ҳажмининг учдан бири даражасида бўлади. Йиғиштириш ишлари ҳар 6—8 кунда такрорланилади. Ловия ҳосилдорлиги гектарига 70—100 ц ни, спаржа ловияси 120—180 ц ни ташкил этади.

Сабзавот маккажўхориси. Маккажўхори сабзавот ўсимлиги сифатида дони мум-пишиқлик даврига келганда фойдаланилади. Ширин маккажўхори донида шоҳсимон эндосперм бўлмайди ва пишиш даврида усти буришиб қолади. Янги териб олинган ёки тезда музлатилган сўтаси қайнатиб истеъмол этилади. Ширин маккажўхори етилмаган пайтда дармондориларга, қанд (5% атрофида) ва яхши мазага эга бўлади.

Маккажўхори бир йиллик узун пояли ўсимлик, йирик баргларга эга, айрим жинсли ўсимлик. Оталик гуллари (рўвагида) поянинг ўзида, оналик гуллари (сўтагида) барг қўлтиғида жойлашади. Гуллаш даврида оналик гуллари сўта учига чиқади. Илдиз системаси попуксимон, 2 м ва ундан ортиқ чуқурликка кириб боради. Илдизнинг асосий қисми юқори қаватда жойлашади. Поянинг пастки қисмida қўшимча илдизлар ташкил топади, бу ўсимликни чопиқ қилиш имконини беради.

Сабзавот маккажўхориси қурғоқчиликка талабчан. Унинг уруғи 10° да униб чиқа бошлайди. Уругининг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши учун мақбул ҳарорат 25—30° ҳисобланади. Бундан паст ҳарорат ӯсимликнинг ўсишини секинлаштириб қўяди, +10° дан паст ҳароратда ўсиши тўхтайди. 2—3° совуқда эса маккажўхори ҳалок бўлади. Тропик ўлқадан чиққан маккажўхори ёруғсевар, қисқа кунда тез ривожланади. Интенсив ёруғликка жуда талабчан.

Маккажўхори қурғоқчиликка чидамли экин, лекин у намга айниқса, сўтаси шаклланаётганда талабгор бўлади. Илдиз системаси яхши ривожлангани учун маккажўхори тупроқ озуқасига бошқа сабзавот экинларига нисбатан кам талаб қўяди. Бироқ ўғитларни ҳам яхши қабул қиласи.

Турли навлардаги ширин маккажўхорининг униб чиқишидан сут пишиқлигигача 60—100 кун, физиологик пишишига 115—190 кун ўтади. Ўзбекистон шароитида ширин маккажўхорининг ўтрапишар "Кубанская консервная"— 148 ва кечипишар "Смена"— 144 навлари ўзининг юқори ҳосилдорлигини кўрсатди. Сабзавот маккажўхорисининг ҳар гектарига 90—120 кг азот ва фосфорли ҳамда 45—60 кг калийли ўғитлар солиш тавсия этилади. Азотли ўғитларни экишгача ва ўсув даврида, фосфор ва калийли ўғитларни эса экишгача солинади.

Ширин маккажүхори апрель-май ойларидә ёки эртаги сабзатарлар йигишириб олингач, июннинг иккинчи ярмида — июль бошида экилади. Маккажүхорининг қуруқ ёки хўлланган уруги экилади, бунда гектарига 15—20 кг уруғ сарфланади. Қатор ораларини 70 см ва ўсимлик оралари 30 см қилиб экилади.

Ўсув даврида сабзавот маккажүхориси яганаланади, суғорилади, қатор ораларига ишлов берилади ва чопиқ қилинади. Яганалаш, маккажүхори 3—4 чинбарг чиқаргач амалга оширилади. Ер ости суви чуқур бўлган бўз ва ўтлоқ тупроқларда сабзавот маккажүхориси 4 тадан 6—7 мартағача суғорилади, айниқса гуллаш даврида суғориш миқдори кўпайтирилади.

Сўталарини донининг сут пишиклигидан мум пишиклигига ўтиш пайтида йигишириб олинади. Териш муддатини кечиктириб бўлмайди, чунки терим муддати 2—3 кунга кечикса, ундаги қанд миқдори кескин камаяди, крахмал миқдори эса ортади ва сўтасининг таъми ёмонлашади, консервалашга ярамай қолади. Шу сабабли уларни тезда музлатилган ҳолда харидорларга етказиб берилади. Ширин маккажүхори сўталарининг ҳосилдорлиги гектарига 50—100 ц ва ундан юқори.

Кам тарқалган сабзавот экинлари. Юқорида номлари қайд этилган кўкат ва дуккакли сабзавот ўсимликларидан ташқари Ўзбекистонда печакгулдошлар ва гулхайридошлар оиласига мансуб бўлган — батат,— бамия, пастернак, хрен ва катран кабилар ҳам кенг тарқалган.

Батат — кўп йиллик тропик ўсимлик, бизнинг шароитда бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади. Бататни истеъмол этиладиган туганаги учун етиширилади, у крахмал (32%) ва қандга (6% гача) бой. Тошкент шароитида етишириладиган батат туганагида ўртacha 31% қуруқ модда, шу жумладан 6,4% азотсиз моддалар, 1,7% азотли моддалар, 1,4% клетчатка, 1,2% кулбор.

Азотсиз экстрактив моддалар — 14,3—26,6% крахмал ва 1,4—1,6% қандан иборат. Ўзида крахмал ва қанд сақлаши туфайли батат ширин картошка номини олган.

Батат тугунаги пиширилган ва қовурилган ҳолда истеъмол этилади, уни шунингдек қуритилади, консерваланади, крахмал саноатида ишлатилади. Батат чорва учун озиқа сифатида ҳам ишлатилади. Унинг палаги силос қилинади, тугунаги янгилигида бууда пишириб силос қилинади ва чорвага берилади.

Батат узун (6 м гача) поя, узун бандли барг ва трубасимон гулларга эга. Илдизи 20—25 см чуқурликда йўғонлашган туганак ҳосил қиласи. Улар ҳар хил шаклда, рангда ва ҳажмда бўлиши мумкин. Ўртacha оғирлиги 0,2—0,5 мг ва катталарида тугунаги 5—6 кг. Кўпгина навларидан тугунаги ширин мазага эга, лекин ширин бўлмаган картошка навлари ҳам учрайди. Эти бўйича навлари — нам этили (қайнатилган ёки пиширилганда юмшоқ ҳолга келади) ва қуруқ этили (қуруқ унсимон бўлиб қолади) турларга бўлинади.

Батат ёруғлилкка талабчан. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожла-ниши учун мақбул ҳарорат $30-35^{\circ}$. У 0° да ҳалок бўлади, $+15^{\circ}$ да ўсишдан тўхтайди. У ёргувар, қисқа кунлик ўсимлик. Тупроқнинг намлигига ва озуқага жуда талабчан. Калийли ўғитларни ҳам куш кўради. Органик ўғитлар униб ўсгандан сўнг солинади. Бататнинг ўсув даври 5—6 ой давом этади.

Бататнинг ширин навлари бошқаларига қараганда кўпроқ тарқалган. "Диссертний" ярим ширин "Первенец" ва "Вировский" навлари шулар жумласидандир.

Батат туганагидан ва қаламчадан кўпаяди. Туганак 1,5—2 ой давомида 50 тагача ва ундан ортиқ новда чиқаради. Новдалар илдиз чиқаради ва тупроққа ўтказилганда тезда кўкариб кетади. Туганакларни кўпайтириш учун (200—250 г оғирликда) февраль-март ойларида улар илиқ хоналарда нам қўмда ўстирилади. Туганаги ниш уриб 15 см га етганда ва 4—5 ҳалқа ҳосил қилганда туганакчалар ажратилиди ва чириндили тупроққа экилади. Туганакдан туганакчаларни ажратиб олиш майнинг ўрталаригача давом этади. Ўстириш учун қўйилган 1 ц тугунакдан 10—15 минф дона кўчат олиш мумкин. Апрель охири-май бошида туганакчалар ва қаламчалар далага экилади.

Бататнинг қатор оралари 70—90 см ва қатор орасидаги масофа 30—40 см бўлиши лозим. Экин парвариши қатор ораларини юмшатиш, 2 марта озиқлантириш ва 12—14 марта сугоришидан иборат. Ҳосили сентябр-октябрда йиғишириб олинади. Йиғишириш олдидан поялари кесилади, туганакчалар териб олинади ва эҳтиётлик билан яшикларда омборхонага ташилади. Ҳосилни иситиладиган илиқ хоналардаги токчаларда ёки хандақларда устига қуруқ тупроқ сепиб сақланади. Батат гектарига 20—30 т ҳосил беради.

Бамия — бир йиллик ўсимлик, ватани Африка. Овқатга фақат 3—4 кунлик туганак мевалари қовурилган, қайнатилган ёки консерваланган ҳолда ишлатилади. Етилган уруғлари сунъий кофе сифатида ишлатилади, поясидан дағал тола олинади.

Тошкент атрофида етиширилган бамиянинг ёш тугунакларида 14% қуруқ модда бўлади. Шу жумладан 3,8% азотли моддалар, 2,15% қанд, %,13% органик тузлар, 22 мг% С дармондориси бор. Бамияда катта миқдорда шиллиқ модда бўлиб, у ошқозон касали билан оғриганларга жуда зарурдир.

Бамия бўйи 30—200 см га етадиган тўғри, сершох пояга эга. Гуллари икки жинсли, ўз-ўзидан чангланмайди, катта сариқ гултожга эга, меваси узун қутича шаклида. Уруғи думалоқ шаклда, тўқ яшил ёки кулранг.

Бамия ёруғсевар ва иссиқсевар ўсимлик, ташқи муҳитга талабчан, бу жиҳати гўзага ўхшайди.

Бамия апрелнинг охири майнинг бошида қитор оралигини 70 см ва ўсимликлар оралигини 20—30 см қилиб экилади. Гектарига 10—15 кг уруғ сарфланиб, 3—4 см чуқурга ташланади. Ҳар 12—15 кунда сугорилади, қатор оралари ва ўсимлик ёnlари

юмшатилиб турилади. Туганакларни йигиштириш июнда, уларни етилишига қараб ҳар 3—5 кунда ўтказилади. Ёш туганакларнинг ҳосилдорлиги гектарига 10—12 т.

Пастернак — икки йиллик ўсимлик, биринчи йили тўпбарги ва илдизмеваси (узун ёки қисқа, йўғон) иккинчи йили эса — баландлиги 1 м гача ва ундан ортиқ гулли поя ҳосил бўлади. Ўқ илдизли ва серэт бўлади. Тўпбарги ёпилган, баргларининг чети чуқур қиррали, алоҳида бўлакли. Илдизмеваси катта ҳажмларда бўлиши мумкин. Пастернак илдизмевасида кўп миқдорда қанд (10% гача) бўлгани учун ширин мазага эга. Унда қуруқ моддалар 17—20% етади. Улар С (30 мг% гача) ва В гурӯҳ дармондориларига органик кислота ва тузларга бой. Пастернак тупроқ намига талабчан. У совуққа чидамли, уруғи 5—6° да ўса бошлайди, уруғининг униб чиқиши ва ўсимликнинг ўсиши учун мақбул ҳарорат 16—20° ҳисобланади, -7—8° совуқни кўтара олади. Юқори ҳарорат (30° дан юқори) салбий таъсир кўрсатади. Пастернак узун кун ўсимлиги, интенсив ёруғликка нисбатан талабчан. У намсевар ўсимлик, енгил тупроқларни талаб этади. Пастернакнинг эртапишар (100—110 кун) калта илдизмевали "Круглыш" ва кечипишар (145—155 кун) узун илдизмевали "студент" навлари энг кўп тарқалган. Пастернак эрта баҳорда февраль охири — мартнинг биринчи ярмида ва қишикиси ноябрь охири-декабрь бошида экиласди. Экин қатор оралари 70 см, ўсимлик оралари 15—20 см қилиб экиласди. Уруғ гектарига 3—4 кг дан тўлиқ қаторлаб экиласди. Уруғ 1,5—2 см чуқурликка ташланади.

Экин парвариши асосан яганалаш ва бир вақтда ўтоқ қилиш, қатор орасини ҳар бир сугоришдан сўнг юмшатиш ва икки марта озуқа беришдан иборат. Биринчи озиқлантириш яганадан сўнг, иккинчисини 2—3 ҳафта ўтгач, сугоришдан сўнг ўтказилади. Ҳар бир озиқлантириша гектарига 1,5 ц аммиакли селитра ва 1 ц суперфосфат солинади. Яганалаш қолдириладиган ўсимликда 3—4 та ҳақиқий барг чиққанидан сўнг ўтказилади. Бунда ўсимликлар оралиғи 8 см дан қолдирилади. Суғориш ҳар 7—8 кундан сўнг ўтказилади.

Пастернакнинг ҳосилини сентябрь охири-октябрь бошида йигиштириб олинади. Йигиштириш ва ундан кейинги ишлов ва сақлаш усуллари худди сабзиникига ўхшаш. Пастернак ҳосилдорлиги гектарига 15—20 т.

Хрен — илдиз системаси қишловчи кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва ҳар йили илдиз ёнидаги барглари ва поялари қайта кўкарувчи бир йиллик ўсимлик.

Илдиз ва баргларида минерал тузлар, дармондорилар (30—50 мг%) С дармондориси ва хренга ўтқир таъм берувчи глюкозид минерали бор. Хрен илдизида 30—35% қуруқ модда, 14—16% крахмал, 10—11% қанд мавжуд. Қиргичдан ўтказилган илдизи овқатга зиравор сифатида солинади, яшил барглари тузлашда ва сабзавотларни консервалашда фойдаланилади. Хрен ошқозон ка-

салликлари ва оғриқ қолдирувчи өсита сифатида ишлатилади. Хреннинг "Вилковский" нави етиширилади.

Хрен — соvuққа чидамли ўсимлик, намга талабчан. У унумдор, органик моддаларга бой, енгил тупроқларда яхши ўсади. Ўгитларга нисбатан талабчан. Хрен экишга мўлжалланган учусткала-рига кузда гектарига 30—40 т гўнг ва 5—6 ц суперфосфат, баҳорда 1,5—2 ц аммиакли селитра чиқарилади. Хрен экишдан оддин ерга жуда чуқур (30—40 см) ишлов берилиши шарт. Хрен экиладиган ер тупроғи чуқур қилиб ҳайдайдиган механизм ёрдамида амалга оширилади.

Хрен илдизининг вегетатив қисмидан кўпаяди. Ён томонларидаги илдизлари кесиб олинади ва узунлиги 25—30 см қилиб қирқилади. Бундай қаламчалар қишида хандақларда ёки подвалдаги қумга кўмб сақланади. Февраль охири-март бошида қаламчаларни эгатларга тик ҳолда экилади. Бунда қатор ораларини 80—90 см, ўсимликлар оралигини эса 25—30 см қилиб экилади. Хрен ўсув даврида 8—10 марта сугорилади, қатор оралари 3—4 культивация ва 1—2 чопиқ қилинади.

Хреннинг йирик қаламчалари экилганда ҳосилини биринчи йилиёқ, кузда, майдаси экилганда эса иккинчи йили олиш мумкин. Йиғишириб олиш ишлари октябрь-ноябрь ойида илдизни плуг ёки лавлаги қазгич ёрдамида кавлаш йўли билан амалга оширилади. Бир йиллик хреннинг ҳосилдорлиги гектаридан 8—10 т, икки йиллигиники эса — 15—20 т. Хрен барглари ва илдизини ташиб учун яшиклар ва полистилен қопчалардан фойдаланилади. Уларга баргларни зич қилмасдан, илдизини эса зич қилиб жойлашади. Хренни сабзавот омборхоналарида устига қум сепиб сақланади.

Кейинги йилларда янги сабзавот ўсимлиги ўстирила бошланади. Бу чўл қатрони бўлиб, у ўзининг морфологик кўри-нишлари, химиявий таркиби, ташқи муҳитга муносабати билан хренга жуда яқин туради. У кўп йиллик ўсимлик, хрен каби карамсимонлар оиласига мансуб. Қатрон хренга ўхшаб етиширилади ва фойдаланилади.

Чўл қатрони илдиз бўлакчаларидангина эмас, балки уруғдан (экиш миқдори гектарига 10—12 кг) ҳам кўпаяди. Қатрон уруғи узоқ вақт тинч ҳолатда бўлади шу сабабли баҳорги экишда 0—9° ҳароратда уч ой давомида стратификация қилинади. Кузда эса уругни стартификация қилмасдан экилади. Уругидан кўпайтирилганда биринчи ва иккинчи йили қатрон фақат илдиз ёнидаги тўпбаргини ҳосил қиласи, учинчи йили эса баландлиги 1—1,5 м бўлган гулпоја чиқаради. Гуллари оқ ва меваси шарсимион очилиб кетмаган бир уруғли қўзоқ.

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙ САБЗАВОТЧИЛИГИ

16 Б о б

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИНШООТНИНГ ЖИҲОЗЛАРИ

Ҳимоя қилингандеги жой сабзавотчилигининг аҳамияти, унинг ҳолати ва ривожланиши. Ҳимоя қилингандеги деб, ер майдони жиҳозланниб сунъий ёки табиий иқлим шароити ҳосил қилиб барча мавсумларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган жойга айтилади. Ҳимоя қилингандеги жой қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида, айниқса, сабзавотчиликда кенг фойдаланилади. Ҳимоя қилингандеги жойда сабзавотларни етиштириш, ҳимоя қилингандеги жой сабзавотчилиги деб аталади.

Ҳимоя қилингандеги жойда сабзавотчиликнинг вазифаси қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишга қаратилган: 1) сабзавотларни очиқ далада етиштириб бўлмаган вақтларда етиштириш; 2) очиқ ерда сабзавотларни ўстириш учун кўчат етиштириш; 3) очиқ майдонда етиштирилган сабзавотларни ўстиришни давом эттириш ва етилтириш; 4) сабзавот экинлари майдонини шимолга суриш ва унинг хилини кўпайтириш.

Ҳимоя қилингандеги жойда сабзавотчилик қилиш учун бу тармоқнинг ўзига хос томонларини билиш зарур. Улар асосан қуйидагилардан иборат; ўсимликни етиштириш учун мақбул шароитини яратиб берадиган махсус хоналар ва ускуналарнинг мавжудлиги; унча катта бўлмаган участкалар ва территорияга ихчам жойлашиш; экиладиган майдондан юқори самара билан фойдаланиш; жуда юқори ҳосилдорлик; қўй меҳнати сарфининг юқори механизация ва автоматлашган ишлаб чиқариш жараёнлари билан уйғунлашуви; етиштиришнинг мураккаб технологияси ва махсус навлардан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишнинг алоҳида шакллари ва ишчиларнинг юқори малакаси; кўп моддий чиқимлар билан изоҳланган маҳсулотнинг юқори таннархи.

Ҳимоя қилингандеги жой сабзавотчилигининг ўзига хос хусусиятлари бўлиши билан бирга, у очиқ ер сабзавотчилиги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан чамбарчас боғланган.

Ҳимоя қилингандеги жой сабзавотчилигини жадал ривожлантириш сўнгги икки ўн йиликка тўғри келади. Бунгача ҳимоя қилингандеги жой майдони жуда секин кенгайган.

Ҳимоя қилингандеги жойда сабзавотчиликнинг жадал ўсиши ва уни индустрiali асосга кўчириш 60-йилларнинг охирига тўғри келади. Муҳандислар фикрининг ютуқлари замонавий иссиқхоналар яратиш ва уларни заводда ишлаб чиқаришни ташкил этиш,

химия саноатида эса ёруглик ўтказувчи полимер материалларни ишлаб чиқариш, ўсимлик ўстириладиган иншоотларни арzon ва енгил янги хилларини яратиш имконини беради.

Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жой майдонини кенгайтириш 60-йиллар охирига тўғри келади. 1965 йили жумҳуриятимизда атиги 3,7 гектар ойнаванд иссиқхона ва 24,4 га парник бор эди. 1970 йили иссиқхона майдони 66,6 га ни, парниклар 56,7 га ни ва вақтингчалик пленка остига олинган ер 351 га ни ташкил этди. Кейинчалик иссиқхоналар майдони ва вақтингчалик пленка остидаги ер майдони тез ўди. 1970 йил бошига келиб жумҳуриятда сабзавот иссиқхоналарининг майдони ўди, жумладан ойнаванд ерлар 230 га ва пленкали майдон 2 минг га ни ташкил қилиб, парниклар 50 гектарга қисқарди.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятда ҳимоя қилинган жойда сабзавот етиштириш 45—50 минг т га етди. Бу жон бошига 3,2—3,5 кг демакдир. Жумҳуриятда иирик иссиқхона комбинатлари мавжуд. Тошкентдаги 1-иссиқхона комбинат — 25 га ни, Нукус ва Сармакандда 18 га ни, Тошкент районидаги "Ўзбекистон 50 йиллиги" колхозида 100 га ни, Г. Абдуллаев номли колхозда 8 га ни ташкил этди. Стандарт бўлмаган теплица комбинатлари жумҳурияттинг деярли ҳар бир вилоятларида бор.

Ҳимоя қилинган жой иншоотлари турлари ва уларнинг тузилиши. Иншоотларнинг тузилиш мураккаблигига қараб ҳимоя қилинган жойни иситилган тупроқ ва ўсимлик ўстириладиган иншоот (парник ва иссиқхоналар)га бўлинади. Бу икки гуруҳни иситишнинг ҳар хил турига эга бўлиши мумкин, жумладан каркасли ёки каркассиз, кўчириб юрадиган ёки рама ёпқичли.

Иситилган тупроқ ўсимлик ўстириладиган иншоотлардан ён томон тўсиғи йўқлиги билан ажralиб туради. Ҳимоя қилинган жой иншооти ҳажми бўйича фарқланади (бино ҳажмининг инвентарь майдонга нисбати), бу иситилган ерда 0,3 дан кўп эмас, парникда 0,2—0,5, иссиқхонада 1 дан б гача. Иситилган ер — бу оддий, кичик ҳажмли, ён тўсиқлари йўқ вақтингчалик иншоотdir. Тупроқ юзасидан ёпиқ устигача бўлган масофа катта эмас, шу сабабли ўсимликни парвариш қилаётганда ёпқич олиб қўйилади. Иситилган ер ҳамма ерда ҳам тарқалган ва у эрта баҳор даврида қўлланилади. Унда эртаги сабзавотларни очиқ майдонга нисбатан 10—25 кун илгари ва арzon кўчат етиштириш мумкин. Уни шунингдек кузги-қишики экинларда ҳам эрта тушган кузги совуқлардан асраш учун қўлланилади. Иситилган ер иккита асосий гуруҳга бўлинади: Иситиладиган ва иситилмайдиган. Иситишни сунъий иссиқлик манбадан фойдаланиб амалга оширилади.


Иситилган ерни иложи борича юқоридан беркитиб фойдаланилади, бунда тупроқ иситилиб ёки иситилмасдан фақат юқоридан беркитилади. Иситилган ер ёпқичи ёруғ ўтказувчи ва ёруғ ўтказмайдиган бўлади, уларнинг ҳар бири хусусий (бир ўсимликни ҳимоя қиласи) ёки ёппасига (бир гуруҳ ўсимликни ҳимоя

нилади) бўлиши мумкин. Ёруғлик ўтказмайдиган ёпқични ҳаво ҳарорати анча тушиб кетганида 2—3 суткадан ортиқ бўлмаган вақтда, кўпинча тунда, қўлланилади. Ёруғлик ўтказувчиси эса узоқ муддат давомида фойдаланилади. Ёруғлик ўтказмайдиган ёпқич ва хусусий (якка) ёруғлик ўтказувчини меҳнати оғирлиги сабабли саноат сабзавотчилигига қўлланилмайди ва фақат томорқа сабзавотчилигига фойдаланилади.

Ҳимояланган иситилмайдиган ердан сабзавотчиликда кўп ҳолатда совуқ кўчкатхоналар ва кичик ҳажмли пленкали ёпқичлардан кенг фойдаланилади.

Совуқ кўчкатхоналар учча чуқур бўлмаган (25—30 см), озиқ билан тўлдирилган ўрадан иборат. Совуқ бўлганда уларни ёруғ бўлмаган ёпқич билан беркитилади. Совуқ кўчкатхонлар баҳорда ва ёзда экиладиган кўчкатларни етиштириш учун фойдаланилади.

Кичик ҳажмли пленкали ёпқич каркасли ва каркасиз турларга бўлинади. Каркасиз ёпқичда тупроқ юзасини маҳсус машина билан баландлиги 25—30 см ли тупроқ тепа ҳосил қилиниб, унинг асосига уруғ қадалади ёки кўчкатни экиш билан бир вақтда устига плёнка ёпиб, унинг четлари тупроқ билан босилади (28-расм). 20—30 кундан сўнг пленка олинади. Каркасиз бекитиш усули керакли механизмлар бўлмаганлиги учун жорий этилмаган.




28-расм. Каркасиз, плёнка ёпилган жойнинг илитилгани ерининг схемаси
(мм ҳисобида)

Каркасли усулда қопламанинг ёйсимон (кўндаланг кесмаси ёйсимон) ва чодирсимон (икки қия сатҳ) усулларидан фойдаланилади. Чодирсимон қопламада иккита нишаби бўлади. Синчлар сарроф ва кўтариб турувчи таянч (стропил устунларидан) иборат бўлиб, улар одатда 3х3—5х5 см кесимли ёғоч-рейкалардан тайёрланади. Таянчлар ерга ўрнатилади ва уларга сарров мустаҳкамланади. Сўнгра синчлар устига пленка ёпилиб, унинг чётларига тупроқ тўкилади ёки ёғоч галтакларга мустаҳкамланади. Заводда тайёрланадиган конструкциялар ҳам бўлиб (810-2

ва УРП—20 типовой СИТИ лойиҳалари), уларда қопламанинг чодирсимон қоплама туридан фойдаланилди. Ўзбекистонда чодирсимон қоплама туридан фойдаланилмайди, бу ерда асосан ёйсимон тур қўлланади.

Ёйсимон тоннелларда синчлар диаметри 4—6 мм ва узунлиги 1,5—2 м симлардан тайёрланади. Таянч ёйлар учларини ерга 15—25 см киритиб, бир-биридан 2—3 м оралиқда ўрнатилади. Ёйлар бутун тоннель узунлигига 3—5 қатор тортилган чизимча билан боғланади. Синчлар устига тоннелнинг бутун узунлигига эни 140—200 см бўлган пленка тортилиб, уни устидан 3—4 оралиқда ўрнатиладиган сиқиб турувчи ёйлар билан мустақкамланади. Пленканинг иккала четига тупроқ бостирилади. Баъзан пленканинг бир томони галтакка бириктирилади. Шамоллатиш мақсадларида пленканинг бир томони кўтарилилади. Унинг икки томонидан пленканинг учлари йиғилиб, қоқилган қозикларга боғланади (29-расм).



29-расм. Ишком кўринишдаги каркасли, кичик ҳажмли плёнка ёпилган жой: а — каркас тайёрлаш, унинг сим ёйи; б — ишкомнинг қисмларини, жойлаштириш схемаси; в — плёнкасининг четлари кўтарилиб қўйилган ишкомнинг умумий кўриниши:

1 — симлар; 2 — каркаснинг ёйи; 3 — таянч ёйлари; 4 — бириктирилайдиган ёйлар; 5 — плёнка; 6 — ишкомнинг бошида ва охирида плёнка мақкамлаб қўйилдиган таёқча (мм ҳисобида).

Асосдаги энг кўп тарқалган кенглик 70—120 см, баландлиги 40—60 см. Тоннеллар орасидаги йўлканинг эни 0,4—0,9 м. Бодринг ва помидор икки қатор экилганда қоплама иккала қатор устидан бўлади, қаторлар ўртасидан сугориш ариғи ўтади. Тоннелнинг энг мақбул узунлиги 50 м. Тоннель қисқа бўлса плёнка исроф бўлади, ҳаддан ташқари узун бўлса, шамоллатиш қийинлашади. 1 га майдон орқали тоннель қопламасига 800—1000 кг плёнка, 1350 кг пўлат сим (6—7 минг ёй), 250—300 дона қозик, 20—25 кг чизимча сарфланади.

Пленка қопламадан йил давомида бир неча экинларни ўстиришда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда қишининг охири баҳорнинг бошларида уни совуқга чидамли ўсимликлар устига, кейинроқ иссиқсевар экинлар устига ёпилади.

Тупроқ биологик (буғли пушта, буғли жўяқ, илиқ кўчатхона) ва техник иситилиши мумкин.

Ўзбекистонда техник иситиладиган тупроқдан фойдаланилмайди. Бу ерда фақат буғ эгатлари ва илиқ кўчатхоналардан фойдаланилади. Буғли эгатлар чуқурлиги 20—25 см, эни 50—90 см ўра шаклида бўлиб, унинг тагига 20 см қалинликда биологик ёнилғи солинади, устидан тупроқ тортилади. Улардан устига нарса қопламай қам фойдаланиш мумкин, аммо уларнинг гуруҳи устига ёруғлик ўтказадиган қоплама қилиш мақсадга мувофиқдир. Буғ эгатларда эртанги кўкат ва кечки кўчатлар етиштирилади. Бу кўчатхона совуқ кўчатхонага ўхшаш, аммо чуқурроқ бўлади (40—50 см). Қазилган зовур тубига қизитилган биологик ёнилғи 30 см қатламда солинади ва унинг устига 15—20 см ҳосилдор тупроқ тортилади. Илиқ кўчатхонадан кечки итузумгулли сабзавотлар ва ўртаги карам кўчатларини етиштиришда фойдаланилади.

Ўсимлик ўстириладиган жойларига парник ва иссиқхоналар қуриб, уларнинг ёни тўсиқлар билан тўсилади. Парник ва иссиқхоналардан 3—5 ой ёки бутун йил давомида фойдаланиш мумкин. Уларда иситишнинг ҳар хил турлари ва ўсимликларнинг ўзиш ҳамда ривожланишлари учун зарур шароитларни сақлашга мўлжалланган турли қурилмалардан фойдаланилади.

Парниклар — стационар (бир жойда доимий турадиган) ёки олиб қўйиладиган ёруғлик ўтказадиган кичик ён тўсиқлари (25 см) ва нур ўтказадиган тиниқ қопламага эга бўлган кичик ҳажмли иншоотdir. Ер ва қоплама оралиғи кичик бўлганлиги учун парникдаги ишлар унинг ташқарисида туриб бажарнлади. Парник сўзи буғланиш деган маънени англатади, гўнг чириб, буғ чиқаради. Ўзбекистонда парниклардан қишида ва баҳорда асосан кўчат етказишида фойдаланилади. Шунингдек, парникларда эртанги сабзавотлар ҳам ўстирилади, кўчат қилинади, қўшимча ўстириш амалга оширилади.

Парниклар қоплама нишабининг сони (бир ва икки нишабли), участканинг даражаси ёки тупроқнинг чуқурлиги (ер усти ва чуқурлашгани), тузилиши (кўчма ва кўчирилмайдиган), ёруғлик ўтказадиган қопламаси (ойнаванд ва плёнкали), қоплаш усули (ялпи ва ромли), иситилиши (қуёш нуридан, биологик, техник), ишга туширилиш муддати (эрта ёки илиқ, ўрта ва мўътадил, кечки ёки совуқ)га кўра фарқланади. Парникларнинг хилма-хил турларидан Ўзбекистонда фақат битта тури, яъни бир нишабли, ердан ўйиб ясалган биологик ёнилғи билан иситиладиган Москва типидаги рус парнигидан фойдаланилади.

Рус парникининг асосий хусусияти: 1) ойнаванд шаффоф қолпама; 2) коробка (кесакили), котлован (чуқурча) ва иситиш курилмасидир.

Парник стандарт ромининг ўлчами 160x106 см, битта ромнинг фойдали майдони 1,5 м². Ром иккитадан узунасига ва кўндалангига қўйилган брус кесакили (кесмаси 55x77 мм), учта ширпрос (47x38 мм) ва ойнадан иборат бўлади.

Ўзбекистонда 213x107 см ўлчамли ромдан фойдаланилади. Катта оғир ромлар ишда ноқулайликлар туғдиради ва экилган нарсаларга қарашни қийинлаштиради. Аммо катта ромлардан фойдаланиш парникнинг ички ҳажмини кенгайтиради, яъни иссиқлик режимини яхшилайди.

Ромлар кесакининг кўндаланг ўқига қўйилади. Парник ромни кўтариб ва уни ёғоч тиргакка қўйиб шамоллатилади. Кесаки тахтадан тўғри бурчак шаклида тайёрланади. Кесакининг узун томони — ён қисми, калта томони бош қисми дайилади. Тахта кесакилар қийшайиб кетмаслиги учун ҳар 4 — 5 см да рейкадан қозиқчалар қўйилади. Кесакининг шимол томон ромлари бир оз (5 — 8°) нишаб бўлиши учун баландроқ ўрнатилади. Кесакининг жануб томон ромлари сирпанмаслиги учун 3 см ариқчасимон ўйиқقا эга бўлиши керак. Парникнинг эни ром узунлигига тенг, узунлиги эса ром энидан 20 марта ортиқ (21,2 м).

Котлован ердан ковланган ҳандаққа ўхшайди. У иситувчи қурилма турадиган жой хизматини ўтайди. Котлованнынг уст томондан узунлиги ва эни кесакининг ички ўлчамидан 10 — 15 см каттароқ. Котлован деворлари тупроқнинг зичлигига кўра вертикал ёки қия бўлиши мумкин. Эртанги парникларнинг чуқурлиги 60 — 70, ўрта даврниги 45 — 55, кечкиси 25 — 30 см. Биологик ёнилғи қатламининг қалинлиги қишида фойдаланиладиган эртанги иссиқ парникларда 50 — 60 см, эрта баҳорда қўлланиладиган ярим илиқларида 30 — 40 см бўлади.

Кейинги вақтларда парниклар устини ёпишда ойнаванд ромлар ўрнида икки нишабли йифиладиган кўчма пленкали қоплама УРП-20 СИТИ дан фойдаланилмоқда. Улар иккита ён тахта стропил устунлари ва сарровдан йифилади. Стропил устунлари нинг паст томонида ён тахталарни бириктиришга мўлжалланган пўлат вилка, юқорисида сарров учун уяча бўлади. Каркаснинг узунлиги 6, эни — 1,6 м, баландлиги 70 см, оғирлирлиги 48 кг. Йкки бўлак пленка сарровга юпқа рейка воситасида мустаҳкамланади. Пленкаларнинг четлари иккита фалтакка бириктирилиб, пленка уларнинг оғирлиги таъсирида пастга тортилади. Каркасларнинг бир нечтаси ён томонлари билан қатор қилиб қўйилади, уларни бир-бирига тўқнашган жойлари пленка билан беркитилиб, устидан тахта ошиқ-мошиқли қисқич билан сиқиб қўйилади. Чекка каркасларнинг ён томонлари пленка тортилган учбурчаклар билан беркитилади.

Иссиқхоналар — бутун йил давомида: баҳорда, ёзда, кузда ишлатиладиган, ён тўсиқлари ҳамда ёруғлик ўтказадиган қопла-

малари бўлган йирик ҳажми ўсимлик ўстириш жойларидир. Иssiқхоналарнинг парникдан асосий фарқловчи томони ер ва қоплама ўртасидаги оралиқнинг катталиги бўлиб, иссиқхоналарда ўстирилаётган экинларга машиналар воситасида ишлов бериш имкони яратилади.

Иssiқхоналар — ўсимлик ўстириладиган, иншоотларнинг энг такомиллашган тури бўлиб, уларда замонавий инженерлик воситалари кўмагида ўсимликларни ўстириш учун энг мақбул шароитни яратиш мумкин. Иssiқхоналарнинг вазифаси мавсумий бўлмаган ўсимликларни, шунингдек ҳимоя қилинган ва очиқ ерлар учун кўчат ўстиришдир. Уларнинг асосий конструктив элементлари фундамент, каркас, олд ва ён томон деворлари, қопламадир. Ички ускуналарга иситиш, шамоллатиш, сув таъминоти, электр таъминоти, карбонат ангидрид билан бойитиш системалари ва токчалар киради.

Иssiқхоналарнинг қурилиш, инвентарь ва фойдаланиш майдонлари бир-биридан фарқланади. Қурилиш майдони — иссиқхона на ташқи асоси билан чекланган участка майдони, инвентарь майдон — иссиқхонани ички узунлиги ва энининг йигиндиси, фойдали майдон — ерли иссиқхоналарда қатор оралари ва ўсимликлар орасидаги ўтиш йўлларини ҳам қамраб олувчи майдон, токчали иссиқхоналарда эса токча ва осма токчалар майдонидир. Йўлка ва стационар ускуналар эгаллаган майдон инвентарь майдондан фойдали майдонга киритилмайди.

Фойдали майдоннинг инвентарь майдонга нисбати майдондан фойдаланиш коэффициентини ташкил қиласди. У икки нишабли токчалаларда — 0,60, блокли ва ангарлиларда — 0,8 дир.

Майдон тўсиқлари коэффициенти катталигининг барча тўсиқлар сатҳлари (қоплама, деворлар) майдонининг инвентарь майдонга нисбати иссиқхоналар конструкцияларини баҳолашнинг муҳим мезони ҳисобланади. Иssiқхона майдонига кўра у бир нишаблиларда — 0,50—1,75; ангар сифатларда — 1,40—1,30; қўшалоқларда 1,20—1,40 дир. Тўсиқ коэффициенти қанча кам бўлса, капитал қўйилмалар ҳажми ва 1 m^2 инвентарь майдонга иссиқликнинг йўқотилиши ҳам шунча кам бўлади.

Иssiқхоналар фойдаланиш муддатлари бўйича қишиқи, иссиқ ёз ойларидан ташқари бутун йил давомида ишлайдиган ва баҳорги, мавсумнинг бир қисмида фойдаланиладиган мўлжалланиши (сабзавот, кўчат-сабзавот ёки кўчатга мўлжалланган) иситиш усули бўйича қуёшдан исидиган одатий ва гелио иссиқхоналар; биологик техник-сувли, газли, ҳаво, электр билан, (шаффоф қоплама тури бўйича ойнаванд, пленкали, шиша пластинка), бўлимлар сони (бир бўлимли ва блокли), ерга жойлашуви (ўйилган ва ер устки), устки қопламасининг конфигурацияси (тўғри, қия, ярим доира), қопламани бириктириш усули (ойнавандларда-стационар ва панелли, пленкаларда — пардали ва панелли), стационарлиги (стационар, йигма, кўчма,

сайёр), майдондан фойдаланиш усули (ер ва токчали), илдизнинг озиқланиш усули (тупроқдан ва гидропон), (тупроқсиз), ўсимликларни жойлаштириш усулига (бир ярусли, кўп ярусли, конвейер) кўра фарқланади.

Бу белгиларни бириткириш орқали иссиқхоналарнинг кўп сонли комбинация қилинган турларига эга бўлиш мумкин. Аммо амалиётда кам микдордаги комбинациялардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда ангарсимон (бир бўлими ички тиргакларсиз, майдони $600-3000\text{ m}^2$) ва икки нишабли ҳамда орқа блокли ойнаванд ёки пленка қопламали қилиб қурилади. Уларнинг ҳаммаси ер устига қуриладиган, тупроқли ёки гидропонли, ерга экиладиган ёки токчалидир.

Ўзбекистоннинг айrim хўжаликларида 60-йилларда 1004 А типовой лойиҳа асосида уч секцияли иссиқхоналар қурилган. Улар ер устига қурилган икки нишабли, шимолий томондан умумий ўйлак билан қўшилган. Ҳар бир иссиқхонанинг майдони $302,4\text{ m}^2$, бутун комбинатники эса 1000 m^2 эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда 810—73, 810—92, 810—85 типовой лойиҳалари бўйича қишки иссиқхона комбинатлари қурилди. Бу звеноларининг оралиғи $6,4\text{ m}$ бўлган 6 га майдонли қишки ойнаванд иссиқхоналар блокидир. 810—73 ва 810—92 типовой лойиҳалари бўйича қурилган блокда майдони 1 га дан бўлган 2 та иссиқхона ажратилиб, улар ойнаванд тўсиқ билан $1,5\text{ га}$ дан қилиб иккига бўлинади.

1 гектарли иссиқхоналарнинг ташқи ўлчами $140,8-75\text{ m}$, 3 гектарлинику 352,87 метрдир. Блок иссиқликни маҳсус қурилган қозонхонадан олади. Уларда ёмғирлатиб суғориш мосламалари ўрнатилган. Тупроқ остида қумли дренаж қатлам ва сопол дренаж қувурлари ўрнатилган.

Ўзбекистонда пленкали иссиқхоналарнинг ҳар хил турлари бор. Бу ерда икки нишабли ва ёй, ангарсимон ва блокли, ёғоч ва металл каркасли иссиқхоналар учрайди. Уларнинг ўлчамлари ҳам хилма-хил. Улар табиий қуёш нури, биологик ёнилги, калорифер ва шу кабиллар билан иситилади. Заводда тайёрланадиган пленкали иссиқхоналардан 810—77 типовой лойиҳа бўйича блоклари қурилган. Бундай иссиқхона эни 4 m ва баландлиги $2,4\text{ m}$ бўлган 17 бўлимдан иборат. Иссиқхонанинг ер майдони $68\times150\text{ m}$, фойдали майдони 9570 m^2 дир. Ёили қоплама конструкцияси иссиқхонани жадал шамоллатиш, қуёш нурининг ўсимликларга бевосита тушиши учун шароит яратиш имконини беради.

Кейинги йилларда пленкали иссиқхоналар 810—93 ва 810—94 типовой лойиҳалари бўйича қурилмоқда. Булар орқа қопламали блокли иссиқхоналардир. Блокнинг майдони 1 га. Улар енгил конструкциялардан тайёрланган, фойдаланиш жараённида пленкали тортиш мосламаси, иситиш, ҳамда микроклимини тартибга солиш ускуналари билан жиҳозланган. 810—94 типовой лойиҳаси

бўйича қурилган блок майдони 1300 m^2 дан бўлган, умумий йўлка билан биритирилган 8 алоҳида иссиқхонадан иборат.

Ҳимоя қилинган тупроқ учун ёруглиқ ўтказувчи шаффофф материаллар. Ҳимоя қилинган тупроқ иншоотларини ёпища ойна, ёруғлик ўтказадиган пленкаларнинг ҳар хил турлари ва рулонли ойна пластикасидан фойдаланилади. Уларнинг оптик ва физик хусусиятлари турли-чадир.

Ойна қўёш спектрининг кўринадиган нурларини яхши (кўк — 60—65%, ярим оқ — 70—80%, оқ — 80—90%) ўтказади, аммо ультра-бинафша нурларини тўсиб қолади (54% гача) ва инфра қизил иссиқ нурларни деярли ўтказмайди. У шаффоффлигини узоқ муддат сақлайди, чизиқли ўлчамларини ўзгартирамайди. Ойна иссиқлик нурларини ушлаб қолиши ва уни кам ўтказиши туфайли ўстириш хоналаридаги иссиқлик яхши тўпланади ва сақланади.

Ойнанинг нуқсони синувчанлиги ва оғирлигидир. 1 m^2 ойнанинг оғирлиги 6—11,7 кг бўлиб, бу пленканинг оғирлигидан 500—100 марта ортиқдир. Бу уни кўчма типдаги конструкцияларда қўллаш имконини бермайди ва пишиқ конструкцияларни талаб қиласди. Ультрабинафша нурларини кам ўтказиши туфайли, ойна остида ўстирилган сабзвотлар очиқ ерда ҳатто пленка остида ўстирилганларга нисбатан С дармондорисини 25—30% кам тўплайди.

Иссиқхоналарга ойна қўйишда қалинлиги 4—5 мм, эни 50—70 см бўлган оқ, парникларда қалинлиги 2—3 мм ва ўлчами 20×12 —30 см бўлган ярим оқ ойнадан фойдаланилади.

Шаффофф полимер пленкалардан энг кўп тарқалгани полизилен пленкадир. Бундан ташқари поливинилхlorид, саполимер, этилсвинилацетат пленкаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (24-жадвал).

Стабиллаштирилмаган сатҳи гидрофоб силлиқ полизилен плёнка эгибувчан, турли атмосфера шароитларида ўлчамини деярли ўзгартирмайди, сув ва бугни ўтказмайди, кислород ҳамда карбонат ангидридини яхши ўтказади. Ишлатилганда кўпга чидамайди, чунки совукқа чидамлилиги ва шаффоффлигини тез йўқотади. Зарядланишга мойил, бу электр потенциалининг тўпланишига олиб келади, натижада пленкада сув томчилари пайдо бўлади ва пленка чанг зарралари билан ифлосланади. Пленкани бир-бирига иссиқлик воситасида биритириш мумкин.

Полизилен пленканинг чидамлилигини ошириш учун уни тайёрлашда оксарбент ва термостабилизаторларни қўллаб стабиллаштирилади. Бу ундан фойдаланиш муддатини 2 марта оширади.

Стабиллаштирилган, арматураланган полизилен пленканинг шамол ва қор босишига чидамлилиги ортади. Фойдаланиш муддати 15 ойга ортади. У полизилен ипдан плёнка уячаларининг ўлчами 12×12 мм тўр шаклида тайёрланади. Бундай арматуралаш натижасида шаффоффлилиги 10—12% камаяди, пишиқлиги ортади.

Полимер пленкалар

Кўрсаткич	Полиэтилен			Гидрофилли антистатик	
	ГОСТ 10354—73				
	стабилизатор-гантан	стабилизатор-гантан	арматураланган антистатик		
Қалинлиги, мм Полотно эни, см Оғирлиги 1 м, 1 кг даги ² пленка микдори, м 1 кг нинг баҳоси, сўм Спектр бўйича шаф- фоғлиги, % ультрабабинафа кўринадиган инфрақизил	0,03—0,3 150—600 27,6—276 36,2—3,6 0,75 72 80—90 80	0,03—0,3 150—600 27,0—276 36,2—3,6 0,97 26 80—87 80	0,3—0,02 200 310—37 3,1 0,9—1,2 10 85 37	0,1—0,15 240 91,8—137,7 10,8—7,3 0,9—1,2 22 90 35	

Турларининг қисқача таърифи

Иссиқликни сақловчи антиста- тик гидрофилли	Поливинилхлорид		
	Силодимер этилен		
1672—70 ГОСТ	арматурланган	винилацетат	
0,15	0,15—0,03	03	0,1
240	120—180	240	600 гача
137,7	190	425	91,8
7,3	6,6	23	10,8
1,25	1,8	3,93	1,0
26	22	9	20
85	88—92	87	90
23	10	5	20

Полиэтилен антистат гидрофил пленка ўзининг яхши физик хусусиятлари балан фарқланиб, сув томчилари пайдо бўлишини истисно қиласди. У иссиқликни яхши ушлайди, ёруғликни кўпроқ ўтказади, ишлатилиш муддати 1 ой.

Иссиқликни ушлаб қолувчи полиэтилен пленка сарғиш тусга эга. У қопланган иссиқхонадаги ҳарорат бошқа полиэтилен пленкалар қопланганидан кўра 3—4° ортиқ бўлади. Антистатик хусусиятга, гидрофил сатҳга эга. Чидамлилиги стабиллаштирилган пленканики билан бир хил. Поливинилхлорид пленка полиэтилен пленкаларнинг бошқа турларига нисбатан қайишиқроқ ва чидамлироқдир. У иссиқликни яхши ушлайди. Шиша тола билан арматурланган поливинилхлорид пленка ўта пишиқлик ва чидамлиликка эга, ундан 2—3 йил давомида фойдаланиш мумкин. Арматурлангаётган асос ячейкаларнинг ўлчами 20x30 мм. Пленка тунда иссиқликни яхши ушлайди, унинг остидаги ҳарорат бошқа

пленкалардагига қараганда 1—3° юқори бўлади. Нуқсонлари сатхининг тез чанганиши, фойдаланилган йилда ёргулик ўтказишни 25% гача камайиши ва нархининг юқорилигидир.

Саполимер этиленвинацетат пленка ўта пишиқлиги, оқ шаффоғлиги, қайишқоқлиги, инфрақизил нурларни яхши ўтказмаслиги билан ажралиб турди. У совуққа, шамол ва тешлишга чидамли, аммо иссиққа унча чидамли эмас. Пленканинг сатҳи гидрофиллиги билан фарқланади; конденсат ялпи сувли қатлам шаклида пайдо бўлади. Бу пленка қопланганда ҳарорат полизтилен пленка қоплангандағига нисбатан яхшироқ бўлади. Аммо кундузлари қуёшли кунларда унинг остидаги ҳаво қизиб кетади, натижада сутка давомидаги ҳарорат кескин ўзгариб турди. Эрталабки соатларда тупроқ ва ҳаво тезроқ қизизди оқибатда ҳавонинг намлиги тез пасаяди. Бу пленка қоплама тарзида ишлатилганда, шамоллатиш ўз вақтида, тез-тез ўтказиб турилиши керак. Ёруғ шаффоғ материаллар сифатида қаттиқ ва ярим қаттиқ пластиклардан фойдаланилади. Ўта пишиқлиги ва иссиққа чидамлилиги билан ажралиб турувчи қаттиқ тахталанган ойна пластика истиқболлидир. Чиқарилаётган ойна пластиканинг эни 3 м гача бўлади. 1 м² нинг оғирлиги 1,3—7 кг. Ундан 15—20 йил давомида фойдаланиш мумкин, ёруғликни ўтказиши 90% атрофида.

Ҳимояланган ер учун жой танлаш ва унинг майдонини ташкил этиш. Ҳимояланган ер иншоотларини тўғри жойлаштириш унинг муваффақиятли ишлаши учун замидир. Жойни танлаш комиссияси таркибига буюртмачилардан ҳам вакиллар киради. Жойни танлаш акт билан расмийлаштирилади.

Парник ва блокли иссиқоналар жойлаштириладиган жой инвентарь майдон йиғиндисидан 2—2,5 марта, ангарсимонларники 3—3,5 марта катта бўлиши керак. Танланган жой яқинида цехни кенгайтириш, иситилган ерни ташкил қилиш, кўп йилликларни ўстириш ва тупроқ тайёрлаш имконини берувчи бўш майдон бўлиши керак.

Танланган жой текис жануб, жанубий-шарқ ёки жанубий-гарб томонга кичик табиий қияликка (5°) эга, ҳаво ўтказиши яхши, шамол кўп эсадиган томондан пухта ҳимояланган бўлиши керак. Сизот сувлар камида 1,5—2 м чуқурликда бўлиши лозим. Танланган жой арzon иссиқлик манбай ва ишчилар истиқомат қиласидиган жойлардан узоқ бўлмаслиги керак. Унга келиш йўллари яхши, сугориш ва санитария-гигиена эҳтиёжлари учун сув ҳамда ишончли электр таъминотига эга бўлиши зарур. Жой санитария талабларига жавоб бериши лозим.

Ҳимояланган ер цехини лойиҳалаш учун буюртмачи хўжалик ўсимлик ўстириш биноларининг майдони ва турлари, уларга қўйиладиган асосий талаблар кўрсатилган лойиҳалаш топширигини беради. Тузилган лойиҳа буюртмачи ва қурилиш ташкилоти билан келишилади.

Иншоотни танлашда фойдаланиш давомийлигига кўра хўжалик олдига қўйилган вазифаларига қанчалик мувофиқлигига эътибор берилади. Улар турли биологик хусусиятларга эга бўлган экинларни ўстириш имкониятларига нисбатан универсал ва шу билан бирга ҳар йили айни бир экинни ўстиришга ихтисослаштириш имконини берадиган бўлиши керак. Ўстириш иншоотлари конструкцияси қўёш радиациясидан иссиқликни максимал даражада ушлаб қолиш ва сақлаши, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни, санитария-гиgiene талабларининг бажаралишини таъминлаши, ҳавфизиэлик техникаси талабларига жавоб бериши, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш имкониятларини қамраб олиши керак.

Ҳимояланган ер цехининг майдони бош режа асосида ташкил этилади. Бундай ҳимояланган жой бинолари хизматига оид майший ва ёрдамчи қурилмалар, йўл, иссиқлик, водопровод, дренаж ва канализация тармоқлари, электр таъминоти, телефон алоқаси, ҳимоя экинлари ва шу кабиларни жойлаштиришни назарда тутувчи умумий режани қамраб олиши керак.

Замонавий иссиқхона комплексларининг ёрдамчи бинолари рўйхатига маъмурий ва жамоа ташкилотлари, лаборатория бинолари, хўжалик-омбор мақсадларидағи бинолар, майший бинолар, инженерлик хизматлари бинолари киради. Уларнинг майдонлари ҳисоб-китоблар воситасида аниқланади ва "Қурилиш норма ва қоидлари" талабларини ҳисобга олиб лойиҳалаштирилади. Бир-бирини чанглатувчи ўсимликлар, айниқса бодринг учун иссиқхонанинг 500 m^2 ига 1 оила ҳисобидан асалари назарда тутилиши керак.

Ҳимояланган ернинг барча иншоотларини схема асосида бир территорияга жойлаштириш маъқул. Шимолий томонга ёрдамчи ва маъмурий бинолар жойлаштирилади. Коммуникацияларни чўзизиб юбормаслик ва қурилиш қамда фойдаланиш сарфларини камайтириш мақсадларида қурилмалар гуж қилиб қурилади. Иссиқхона учун танланган жойнинг шимол ёки шимолий-ғарбий қисмидан (ёрдамчи бинолардан жануброқда) энг ёруғ ва илиқ жойлар ажратилади. Иссиқхонадан жануброқда пленкали эрганги сабзавот етиширадиган йирик ҳажмли иншоотлар, сўнгра ўтра ва кечки парниклар жойлаштирилади. Иситилган ер парниклардан жануброқка жойлаштирилади. Кўп йилликлар ва очиқ ернинг бошқа экинлари экиласдиган ер иситилган ердан кейин келади. Яхшироқ шамоллатиш ҳамда ўзаро соя туширишни камайтириш учун улар орасида маълум оралиқ бўлишига риоя қилиш лозим, масалан, ангарсизонлар орасида камидаги 6 м, блоклилар орасида камидаги 12 м.

Амалий машғулот

17 - мавзу . Иссиқхоналар турлари ва улардан фойдаланиш таърифи.

Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларни кенг тарқалган иссиқхона турларининг асосий конструктив хусусиятлари билан таниш-

тириш ва инвентарь ҳамда фойдали майдонни, тўсиқ коэффициентини аниқлашни ўргатиш.

Топшириқлар: Машғулотларни ўқув хўжалигига ёки техникикумга яқин жойлашган хўжаликдаги иссиқхоналарда ўтказган маъқул. Бундай имкониятлар йўқ бўлса, машғулотлар кабинетда хоналарнинг типовой лойиҳасидан фойдаланиб ўтказилади. Машғулотлар 5—6 киши бўлиб ўтказилади. Звенолар ўзаро жойалмасиб турли конструкциядаги иссиқхоналарда ёки турли типовой лойиҳалар билан ишлайдилар.

Ўқувчилар ҳар бир иссиқхона турининг конструкциясини кўриб чиқадилар. Улар иссиқхона, унинг сектсия ва асосий элементлари ҳажмини ўлчайдилар, иссиқхонанинг юқоридан ва кўндаланг қисми кўринишини чизадилар. Ўлчамлари кўрсатилган чизмадан сўнг иссиқхонанинг ҳар бир тури баён қилиниб, улар ҳисоботга киритилади (25-жадвал).

Фойдаланиш муддати, вазифаси, иситиш усули, конструктив хусусиятлари юқорида саналган материаллар асосида баён қилинади.

Иссиқхона элеменитларининг қандай материаллардан тайёрланганини кўз билан кўриб аниқланади. Иссиқхонанинг қурилиш, инвентарь ва фойдали майдони ўлчашлар натижаси бўйича ҳасоблаб чиқилади. Қурилиш майдони — бу ташки узунликни кенгликка кўпайтмаси, инвентарники ички узунликни кенгликка кўпайтмаси, фойдали майдон — экиш ва кўчат учун фойдаланиладиган майдон (доимий асфальт йўлкаларсиз). Майдондан фойдаланиш коэффициенти фойдали майдонни инвентарь майдонга бўлиш ва олинган сонни 100 га кўпайтириб аниқланади.

Ички ускуналарни баён қилишда иссиқлик манбалари ва уларнинг жойлашиши (иссиқ сувли қувурлар, тупроқости ва тупроқустини иситиш, иссиқлик генераторлари, калориферлар ва шу кабилар (суфориш усули) ёмғирлатиб ёки резина ичак билан ва шу кабилар), карбонат ангидрид билан бойитиш усули, иссиқхонага қоришмаларни зақарли химикатлар, ўғитларни бериш усули (магистрал трубопровод, ёмғирлатиб суфориш орқали, умуман йўқ), микро иқлимни бошқариш (автоматлаштирилган ёки йўқ) кўрсатиб ўтилади.

Иссиқхона солиштирма ҳажми тўсиқ коэффициенти ҳисоблашлар воситасида аниқланади. Солиштирма ҳажми-бу ҳажмнинг инвентарь майдонга нисбати, тўсиқ коэффициенти эса девор ва том сатҳи йигиндинсинг инвентарь майдонга нисбатидир. Икки нишабли бир бўгинли иссиқхоналар деворларининг сатҳи тўрт девор ва икки ён учбурчаклар сатҳи йигиндинсига, том сатҳи эса иккала нишаб сатҳининг йигиндинсига тенгdir. Блокли иссиқхонада деворлар сатҳи тўрт девор ва барча секциялар ён учбурчаклари сатҳининг йигиндинсига, том сатҳи эса бўгинларни барча нишаблари сатҳининг йигиндинсига тенг.

Иссиқхонанинг асосий турлари баёни ҳақидаги ҳисобот

Асосий кўрсаткичлар	Иссиқхона турлари
<p>1. Йил давомида фойдаланиш муддати</p> <p>2. Вазифаси</p> <p>3. Иситиш усули</p> <p>4. Конструктив ҳусусиятлари:</p> <p>қоплама шакли</p> <p>сиртқи қоплама</p> <p>бўғинлар сони</p> <p>ўсимликларни ўстириш усули</p> <p>5. Қўйидаги материаллардан тайёрланган материал:</p> <ul style="list-style-type: none"> — фундамент — ён деворлар — синч — тусин (шпрос) <p>6. Ўлчамлар</p> <ul style="list-style-type: none"> — иссиқхонанинг умумий узуилиги ва эни — қурилиш майдони, м² инвентаръ майдон, м² фойдаланиш майдон, м² майдондан фойдаланиш коэффициенти, % секция оралигигина кенглиги, м карров баландлиги, м тарнов (карниз) остидаги баландлик, м тўсингулар ўртасидаги оралиқ, см <p>7. Ички ускуналар (системалар)</p> <ul style="list-style-type: none"> — иссиқлик маёнбалари шамоллатиш сув таъминоти карбонат ағидрид билан байитиш ўғит ва заҳарли химикатларни бериш микроклиматни бошқариш <p>8. Тўсиқ коэффициенти</p>	

Фойдаланиладиган асбоблар: Иссиқхона хўжалиги. Ҳудуд учун тавсия этилган иссиқхоналарнинг типовий лойиҳалари. Ҳимояланган ер сабзвотчилиги бўйича альбомлар. Рулеткалар ёки тахлама метрлар, чизғичлар.

Амалий машғулот

18 - мавзу. Хўжаликни ҳимояланган ер ва полимер материалига эҳтиёжини аниқлаш.

Машгулотнинг мақсади: Ўқувчиларга хўжаликнинг кўчатлар ва сабзвот маҳсулотларини етиштириш учун ҳимояланган ер майдони ва пленкали иншоотларнинг ҳар хил турлари учун материалларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблашни ўргатиш.

Топшириқлар: Бу топшириқни ҳар бир ўқувчи хўжаликнинг кўчат ўстириш ва сабзвот маҳсулотларини етказиш учун, ҳимоя қилинган жой майдонларига эҳтиёжини аниқлаб олиш учун

мустақил бажаради. Ўқувчи ҳисобот учун зарур ҳисоб-китобларни 26-жадвал бўйича бажаради.

Ҳисоб-китоблар экин очик срда ўстирилганда очик майдонни ва кўчатлар қалинлигини аниқлашдан бошланади. Бунда 5 иш бўйича лаборатория машғулоти учун берилган методик кўрсатмаларга амал қилинади. 1 га майдон учун кўчатга бўлган эҳтиёж кўчат экилгандан сўнг тутмай қолиши натижасида ҳосил бўладиган хатосини бартараф этишини назарда тутиб аниқланади. Бунинг учун 1 га майдондаги кўчатлар қалинлигига 10—15% қўшилади.

26-жадвал

Ҳимояланган ер майдонининг кўчат ўстиришга бўлган эҳтиёжини аниқлаш бўйича ҳисобот

Экинлар	Очиқ ерда кўчат ўстириш						
	майдон, га	ўсиммилк-ларни озиқлантириш майдони, см	1 га ерга кўчатга эҳтиёж, дона	кўчат озиқланадиган майдон, см	1 ромдан яроқли кўчатнинг чиқиши, м ²	кўчатларни ўстириш учун ҳимояланган ерга эҳтиёж	1 га ерга бутун майдонга
Парниклар							
Эртangi карам	15						
Эртangi помидор	20						
Ўртаги помидор	17						
Баклажон	8						
Гармдори	10						
Кўчат стиштирадиган иссиқхона							
Эртangi карам	25						
Эртangi помидор	30						
Ўртаги помидор	35						
Баклажон	23						
Гармдори	12						

Кўчатнинг озиқланиш майдони карам ва бақлажон учун 5x5 ва 6x6 см, помидор учун 6x6, 7x7, 7x8, гармдори учун 4x5 ва 5x5 см. Кўчатнинг экишга яроқли чиқиши, экиш вақтида унинг нобуд бўлишини ҳисобга олиб, бир парник роми остидаги ёки иссиқхонанинг 1 м² даги кўчат қалинлигининг 90% и олинади. Бунда 160x106 см ҳажмли ром остидаги майдон 1,5 м², 213x107 см ҳажмли ром остидагиси 2 м² деб қабул қилинади. Ром остидаги фойдаланилаётган ернинг ром ҳажмидан кичик бўлиши парник кесакиси ички ҳажмининг кичиклиги туфайли бўлади.

1 га очик ерга кўчат экиш учун зарур бўладиган ҳимояланган ер майдонига эҳтиёжни аниқлаш учун 1 га ер учун кўчатга эҳтиёжни 1 м² ёки бир ромдан чиқсан яроқли кўчат сонига бўлиш орқали топилади. Ҳимояланган ер майдонига умумий

эҳтиёж (ром ёки) m^2 ларга бўлган эҳтиёжини режаланган экиш майдонининг 1 гектарига кўпайтириш орқали аниқланади.

Сабзавотларни ўстиришда ҳимояланган ерга эҳтиёжни аниқлаш малакаларига эга бўлиш учун қуидаги характеристдаги қатор масалаларни ечишин тавсия этамиз.

1 - масала. Помидорнинг кузги-қишки оборотдаги ҳосилдорлиги $1 m^2$ да 19 кг дан тўғри келса, 6000 т помидор етиштириш учун қанча иссиқхона керак бўлади?

2-масала. Кузги-қишки оборотда бодрингнинг ҳосилдорлиги $1 m^2$ да 8 кг дан ва қишки-баҳорги оборотда помидорники 9 кг дан тўғри келса, хўжалик 6 га майдонга эга бўлган иссиқхона комбинатидан оладиган сабзавот ҳосилдорлиги қанча бўлади?

Полиэтилен пленкага эҳтиёж тўсиқ коэффициентини назарда тутиб ҳисобланади. Тўсиқ сатҳининг майдони тўкнашиш жойларини қопловчи пленка майдони ҳисобга олиб аниқланади. Сўнгра $1 m^2$ пленкага эҳтиёж аниқланади. Бунинг учун пленкали иншоотларнинг инвентарь майдони тўсиқлар коэффициентига кўпайтирилади. Пленкага бўлган эҳтиёж пленканинг қалинлиги $0,1$ мм бўлганда $1 m^2$ нинг оғирлиги 92 г, қалинлиги $0,15$ мм бўлганда — 138 г лигидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Фойдаланиладиган асбоблар: Ҳимояланган ср сабзавотчилигига оид маълумот берувчи плакатлар ва маълумотномалар, ҳисоблаш техникаси, чизгичлар.

17 Боб

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙ ИНШООТЛАРИДА ИҚЛИМ ШАРОИТИ ВА УНИ СОЗЛАШ УСУЛЛАРИ

Ҳимоя қилинган жой иншоотларида иқлим шароити сабзавот ҳосилини шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Иситиш тармоқлари билан жиҳозланган, шунингдек, вентиляция, газ, электр ёруғликлари билан таъминланган замонавий иссиқхоналарда ўсимликнинг талабига кўра амалда сунъий иқлим яратиш мумкин. Парник ва иситилмайдиган иншоотларда микроиқлим созлаш нисбатан чекланган. Бу иншоотларда иқлим шароити кўпгина ҳолда ташқи муҳитга боғлиқ бўлади.

Ёруғлик режими. Ҳимоя қилинган жой иншоотларини ёритиш йил давомида бир хилда бўлмайди, у ёки бу жойнинг табиий ёритилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ўрта Осиёда қишли об-ҳаво туфайли кун қисқа бўлишига қарамай, ўрта минтақаларга солишибирлганда куннинг чиқиб туриши йил давомида $1,5$ — 2 , қиши ойларида 3 — 4 марта ортиқ, қўёшнинг радиацияси эса 8 — 10 марта ююри. Ёруғлик тушиши бўйича нисбатан танг ойлар декабрь ва январь ҳисобланади. Физиологик актив радиация (ФАР) катталиги горизонтал юзагача бу икки ойда тушиши бўйича мамлакатимиз 7 та ёруғлик минтақасига бўлинган. Ўрта

Осиё ва Кавказ орти 7-ёруғлик минтақасига киради. Қрим ва Шимолий Кавказ, Амур бўйи ҳамда Узоқ Шарқ 6-ёруғлик минтақасига қарайди. 7-ёруғлик минтақасида бодринг ва помидор бутун қиши фаслида ҳосил туғиши мумкин. Бодринг кўчкатини 6-ҳамда 7- ва помидорни 7-минтақада табиий радиацияда, қўшимча электр ёруғликдан фойдаланмай етиштириш мумкин. Мамлакатнинг бошқа минтақаларида октябрь-декабрь ойларида ёруғ севар сабзавотлар кўчкатини иссиқхоналарда ФАР старли бўлмагани учун етиштириш мумкин эмас.

Ҳаво булатли кунларда замонавий иссиқхоналарнинг ёритилиши ташқи ёруғликнинг 40—50% ини ташкил этади. У ёруғлик ўтказувчи томнинг ифлосланиши туфайли қисқаради.

Ҳимоя қилинган жойдаги сабзавотчиликда ФАРни яхшилаш учун турли усуллар қўлланади: участкани танлаш, бекитиладиган юзага ёруғлик ўтказмайдиган материалларни кам қўллаш, нисбатан тиниқ, ёруғликни яхши ўтказувчи қопламалардан фойдаланиш, томни юувучи воситалардан (39% ортофосфор ва 3% шавель кислотаси аралашмаси ёки 4% техник кислота тузи эритмасига 6% фтор натрийни аралаштириб) фойдаланилган ҳолда ҳар кунни ювиб тоза сақлаш. Том қиялигини (парникда 6—10°, иссиқхонада 23—45°), иншоотни ёруғлик томонга қиялигини (шимолий-жануб томонга йўналтириш ёруғликни камайтиради) тўгри белгилаш. Ўсимликларни вертикал шпалерларда, стеллажларда ўстириш ва культивациян майдонни тиниқ ёритқичга яқинлаштириш ёруғликни кўпроқ олишга имкон беради. Ҳимоя қилинган жойда ўсимликтарни ёруғлик кўпроқ олишга имкон беради. Ҳимоя қилинган жойда ўсимликтарни ёруғлик режимини яхшилаш учун энг қулай озиқ майдонини ажратиш, қаторларни шимолдан жанубга қараб жойлаштириш зарурдир.

Қишики иссиқхоналарда ёруғлик старли бўлмаган даврларда электр ёритгичдан фойдаланилади. Жанубий минтақаларда бу усул кам самара беради, шу сабабли теплицалар ёруғлик жиҳозлари билан жиҳозланмайди.

Узоқ шимолда иссиқхоналарда электр ёритгичлар қўллашади, яъни экинни экишдан ҳосилини териб олишгача электр ёруғидан фойдаланилади. Ёритгич жиҳозларни ўрнатиш принципи электр тармоқларини ўрнатиш билан бир хил, фақат катта ўсимликлар нисбатан юқори ёруғликни талаб этади (помидор учун +800—900 ва бодринг учун 600—700 Вт 1 м²). ОТ—1000, ОТ—400 ёритгичлар ДРЛФ—400, ДРФ—100 (ЛОР—1000) туридаги лампалар қўлланади.

Ўзбекистон шароитида қуёш радиацияси ҳаддан ташқари ортиқ бўлгани учун у билан курашишга тўгри келади. Чунки у теплица ҳавосини қизитиб юборади. Том иссиқхона чети бўйлаб жойлашган форсункалар орқали 10% ли бўр эритмаси билан оқланади. Томни сув билан ювиб туриш ҳам самаралидир. Совуқ сув иссиқхона чети бўйлаб жойлашган перфираланган қувур ўтказгич орқали юпқа парда ҳосил қилиб оқиб тушади. Сув пардаси қуёш

радиациясининг иссиқхона ичига киришини 15—20% га камайтиради.

Томга ёмғирлатиб сув сепиш қүёш радиациясининг тушнини камайтиради.

Иссиқлик режими. Ҳимоя қилинган ер иншоотида мақбул ҳарорат етиштирилаётган ўсимликнинг талаби, дәхқончилик маданиятини, ўсиш фазаси, ёритилиш даражасига қараб ушлаб турилади. Яхши ёритилганда ҳарорат блутли кун ва тунга нисбатан юқори бўлиши керак.

Илдиз учун тунги ҳарорат тупроқ юзасига нисбатан 2—3° юқори, кундузи эса аксинча бўлиши керак. Иссиқлик режими иссиқлик бериш, шамоллатиш автоматлашган замонавий иссиқхоналарда муваффақиятли тартибга солиб турилади.

Пленкали иншоотларда мақбул иссиқлик режимини яратиш мураккабdir, чунки уларда кескин ҳарорат ўзгариши юз бериши мумкин: қуёшли об-ҳавода қизиб, тунда (истгичсиз) совиб кетиши мумкин. Парникларда ҳам иссиқлик режимини тартибга солиб туриш қийин. Иссиқлик режими парник ва иссиқхонанинг турли ерларида ҳар хилдир. Биологик йўл билан иситиладиган парникда тупроқ ҳарорати ҳар доим ҳавога нисбатан юқори, паст ҳаво зонаси ҳар доим ён томондан ва ён томон бирлашган еридан ўтади. Иссиқхоналарда ҳаво ҳарорати тупроқ ҳароратидан юқори. Иссиқхоналардаги паст ҳарорат девор бўйлаб жойлашади, юқори ҳарорат эса иситгич қурилмаси ва юқоридаги ёпиқ олдида бўлади. Ичи кенг бўлган иншоотларда иссиқлик режими бирмунча текис. Ёпиқ ерда иссиқлик етарли бўлмаганда қүёш радиациясини қабул қилиб олишни яхшилаш билан иссиқлик режимини бошқариш амалга оширилади.

Сунъий иситилмайдиган ёпиқ ер иншоотларида ягона иссиқлик баланси бўлиб радиацион баланс ҳисобланади; қүёш радиацияспни ўзига қабул қилиб олган юза иншоот ичидағи тупроқни, ҳавони, ўсимликни, асбобларни иситади. Қизиган буюмлар ўзидан иссиқлик чиқаради ва у ойна ҳамда қисман пленкада сақланиб туради. Ҳар қандай иситилган иншоотда иссиқлик йигилади ва ҳарорат ташки ҳаводан кўра юқори бўлади. Бу ҳолатни "парник" ёки "иссиқхона" таъсири деб ҳам аталади.

Сунъий иситилмайдиган иншоотлардан фақат баҳорда ва кузда, яъни қүёш радиацияси кучли бўлган вақтда фойдаланиш мумкин. Қуёшнинг тик чиқиши ва булутинг кам бўлиши бундай иншоотларни мамлакатнинг бошқа минтақаларига қараганда бизда вақтлироқ ишлатиш мумкинлигидан далолат беради. Тошкент кенглигига қишида кўкатлар, февраль охиридан помидор етиштириш мумкин. Мавжуд кўпгина иншоотларда қиши ва эрта баҳорда иссиқликнинг йўқотилиши қүёш радиациясининг кириши ҳисобига тўлдирилмайди ва сабзавот экинлари ҳамда кўчат етиштиришда сунъий иситиш воситаларидан фойдаланилади.

Иситилмайдиган иншоотларнинг камчилигига қўйидагилар киради: фойдаланиш вақтининг чесланганлиги, сутка давомида

ҳароратнинг катта ўзгаришларга учраб туриши, эрта баҳорда совуқ бўлиши туфайли ўсимликнинг заарланиши, иссиқлик режимиини созлаш қийинлиги. Сунъий иситишда иссиқлик балансининг кириш қисмига сунъий иситишдан иссиқликнинг келиши ҳам киритилади. Аммо бу ўринда ҳам иссиқлик балансининг асоси радиация баланси ҳисобланади. Шунинг учун ҳимояланган ернинг ҳамма иншоотларида қуёш радиациясини ушлаб қолиш ва сақлашни яхшиловчи тадбирлар кўрилиши керак. Шуни қайд этиш лозимки, юқорида айтилган табиий ёритишдан фойдаланишини яхшиловчи усуллар қуёш радиацияси иссиқлигини ушлашни ҳам яхшилади.

Ўтувчи қуёш радиациясидан келувчи иссиқликни сақлаш, кўп жиҳатдан тўсиқнинг иссиқлик нурларини ўтказишга боғлиқ. Полимер пленкалар иссиқлик нурларини ойнадан яхшироқ ўтказади, шунинг учун пленкали иншоотларда кундузги вақтларда ҳавонинг ҳарорати ойнали иншоотлардагига нисбатан юқорироқ бўлади. Тунги соатларда эса пленка остидаги ҳарорат ойна остидагига нисбатан анча паст ва очиқ ергагига яқинлашиб қолади. Кундузги ва тунги ҳароратдаги бундай кескин фарқ пленкали иншоотларда ҳароратнинг катта ўзгаришларига олиб келади.

Пленкали иссиқхоналарда иссиқлик режимининг барқарорлигини ошириш учун 2 қатламли қопламадан фойдаланилади, ўсимлик қўшимча тоннель каркасли пленка билан қопланади, тупроқ ости термоизоляция қилинади. Парникларда ойналарнинг бутун бўлишига ҳаракат қилинади, устига нарсалар ёпилади, атрофи биологик ёнилги билан тўсилади.

Парниклар орқали иссиқ ҳавонинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик керак. Гарчи бу йўқотишлар ҳаво иссиқлик сифимининг кичиклиги туфайли ($0,3$ ккал/ m^3) унчалик катта бўлмасада, унга қарши курашиш зарур. Ҳатто энг яхши ёпилган иссиқхонада ҳам ҳаво бир соат давомида 2—3 марта алмашади. Ойна қўйишда тирқишилар қолса ва бошқа нуқсонлар бўлса бу алмашиш кучаяди. Йирик иссиқхоналарда ойна ва тўсиллар туташган жойлар қайишқоқ мастикалар ёрдамида ҳаво ўтмайдиган қилинади, парникларда ромлар зич ёпилади, девор четлари яхшилаб сувалади.

Ҳимоя қилинган жода иссиқлик режимини бошқаришнинг энг самарали усули сунъий иситишдан фойдаланишdir. Сабзавотчиликда биологик ёнилги ва ҳар хил техник иситиш (сув, элекстр, газ ва бошқалар)дан фойдаланилади.

Биологик иситиш органик материалларни микроорганизмлар ёрдамида чириши оқибатида чиқарадиган иссиқлик восита-сида амалга оширилади.

Биологик ёнилги ҳаво яхши келиб турган вақтда чирийди, шунинг учун ундан фойдаланишдан олдин у шиббаланган ҳолатда сақланиши, ишлатишдан олдин ҳавонинг яхши ўтиши учун говаклинтирилиши керак.

Биологик ёнилги ҳаво яхши ўтадиган, таркибида намлик нисбатан кўп (65—70%) ва старли миқдорда азот бўлиши керак.

Бу талабларга таркибида 70—75% сув, 0,5—0,6% азот бўлган, яхши ғовакланган от гўнги кўпроқ жавоб беради. У тез қизийди ва 8—10 кунда 60—70° ҳарорат беради. Сўнгра унинг ҳарорати 30—35° гача пасайиб, шу даражада 60—70 кун сақланади. Қорамол ва чўчиқа гўнгида намлик кўп (80—85%) ва азот нисбатан камдир (0,3—0,4%). Улар секин қизийди ва берадиган ҳарорати ҳам паст. Улардан фақат от гўнги ёки юмшатувчи материаллар аралаштириб фойдаланиш мумкин. Майдо шохли мол гўнги азотнинг кўплиги (0,7%) ва ўта қуруқлиги билан фарқланади. Парникка солишдан олдин у нами кўп биологик ёнилғи билан аралаштирилиши лозим. Парникларни иситишида от гўнги билан хазон, майдаланган кўсак чаноқлари аралашмасидан фойдаланиш мумкин.

Биологик ёнилғига эҳтиёж унинг хусусияти ва иншоотлар турига боғлиқ бўлади. Эртанги парникда бир ром — жой учун 1,5 м³ ёки 6—7 ц, ўрта парниклар учун 15—20% камроқ, иссиқхоналар учун 1 м² га 2—3 ц дан гўнг талаб қилинади. Биоёнилғини тайёрлаш октябрь-ноябрь ойлари охирида бошланиб, бутун қиши мобайнида давом этади. Уни 6—8 м кенгликда, ихтиёрий узунликда қатлам-қатлам қилиб шиббалаб (қиша музлаб қолмаслиги учун), баландлиги 1,5—2 м қилиб сақланади. Биологик ёнилғи фойдаланишдан бир ҳафта олдин қизий бошлиши учун шароит яратиш мақсадида юмшатилади. Агарда биологик ёнилғи қизимаса, унга сўндирилмаган оҳак, янги қайнот гўнг, қиздирилган тош аралаштириб сунъий қиздирилади. Ҳарорат 40—50° бўлганда биологик ёнилғи ўсимлик ўстириш иншоотларига солинади.

Биологик иситиши ўз афзалликлари ва нуқсонларига эга. У қимматбаҳо иситиши системасини талаб қилмайди, биологик ёнилғи чириганда парникларга ва тувакларга солиш учун чиринди ҳосил бўлади. Биологик ёнилғи чириганда ўсимликнинг ривожланишига ижобий таъсир қилувчи карбонат ангиридрид кислота ажralади. Аммо биоёнилғини тайёрлаш ва ташиб, парникларга солиш ва сўнгра тозалаш ҳам маълум харажатларни талаб қилади. У ходимларнинг санитария-гигиена шароитларини ёмонлаштиради. Унда ҳароратни бошқаришнинг имкони бўлмайди. Биологик ёнилғи қизишининг эгри чизигини ташкил қиласи, яъни жараён бошида ҳароратнинг кўтарилиши ва сўнгра кескин тушиши билан характерланади. Бу биологик ёнилғидан кузги-қишки даврларда фойдаланишни қийинлаштиради.

Техник иситиши деганда, ҳар хил ёнилги турларидан (мазут, нефть, газ), иссиқлик энергияси, электр энергияси, геотермал манбалар иссиқлиги ва шу кабилардан фойдаланиш назарда тутилади.

Сувли иситиши — иситишининг юқори фойдаланиш кўрсаткичларига эга бўлган кўп тарқалган туридир. Бир текис ва осон бошқариш режими, зарарсизлиги, меҳнатни кам талаб қилиши, иссиқликдан фойдаланиш коэффициентининг юқорилиги (65—

70%). Иисиқлик ҳарорати 30—90° бўлган сувдан олинади. Сувли иситиш системаси иссиқлик манбаи (ТЭЦ, саноат корхонаси қозонхонаси, геотермал сувлар ва шу кабилар), иссиқ сувлар иссиқхонага келадиган ва қайтиб кетадиган магистрал қувурлар ва иситиш асбоблари (металл, асбасцмент, полиэтилен, қувурлар, радиаторлар) ни қамраб олиб, улар девор бўйлаб ва ерга ўрнатилади, иссиқхонанинг ойнаванд томи остига осиб қўйилади. Сувли иситилишда сувни системада айлинишини таъминловчи воситалардан фойдаланилади.

Ҳаво орқали иситишда қўшимча ёки авария вақтида иситиш сифатида фойдаланилади. Махсус қурилма — калориферларда қизитилган ҳаво вентиляторлар орқали иссиқхонага юборилади. Ерни иситиш учун тупроқ остига қувур ётқизилади ёки ҳаво каналлари ўрнатилади.

Газли иситиш ўстириш иншоотлари ичida газни бевосита ёқиши орқали амалга оширилади. Иситишнинг бу усули қурилманинг соддаликигига, иситиш системасини қуриш сарфларини камайтиришига қарамай ҳозирча фақат айрим хўжаликлардагина ишлатилмоқда. Газли иситиш мақсадларида ўсимликлар учун зарарли бирикмалари йўқ бўлган газдан фойдаланиш мумкин. Газли иситишнинг нуқсонлари: иссиқлик ва ҳаво намлиги режимиning бир текис эмаслигидир.

Электр иситиш электр токи қаршилигининг салмоғи катта ўтказгичлар орқали ўтказишга асосланади, бунинг натижасида электр токининг маълум қисми иссиқлик энергиясига айланади. Унда электродлар, асфальт-бетон иситиш элементлари, ҳамда махсус иситиш симларидан фойдаланилади. Электрли иситишни автоматик бошқариш мумкин, яхши ишлайди ва ўсимлик учун зарарсиз.

Сунъий иситиладиган иншоотларда қуёш энергиясини ушлаб қолишини ва иссиқликнинг йўқолишига қарши курашни яхшилаш ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки бу ёнилги ва меҳнат сарфини камайтиради.

Баҳор ва ёздағи қуёшли об-ҳавода парник ва иссиқхоналар вентиляцияси бу жойдаги ҳавони зарур даражагача пасайтиришини таъминламайди. Бундай ҳолларда вентиляциядан ташқари қизиб кетишга қарши курашнинг бошқа усулларидан фойдаланилади. Бундай усуллар қаторига энг аввало юқорида "Ёруглик режими" бўлимида баён қилинган бинога ортиқча қуёш радиациясининг ўтишини камайтиш усули киритилиши керак. Шу билан бирга қизиб кетишга қарши курашда ортиқча иссиқликни йўқотиш усулидан фойдаланилади. Ана шундай усуллардан бири иссиқхона ичida сув пуркашдир. Пуркалган сувнинг бир қисми дарҳол, қолган қисми эса тупроқ ва ўсимликка синггандан кейин буғланади. Натижада иссиқхонадаги ҳаво ҳарорати 5—6° пасаяди. Плёнкали иссиқхоналарда ўсимликларнинг қизиб кетишини пасайтиришнинг истиқболли усули сугориладиган девор ва туман ҳосил қилувчи совутиш камераси бўлиб, улар орқали ташки ҳаво

бино ичига киритилади. Қизиб кетишга қарши курашда совуқда иситадиган, иссиқда эса совутадиган кондиционерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сув режими. Ҳимояланган ердаги сабзавот экинларида барг аппарати яхши ривожланади ва улар очиқ ердаги экинлардан кўра кўпроқ ҳосил беради. Бу сувнинг кўп сарф бўлишига, намликтинги етишмаслиги ёки ортиқчалигига сезгирилкни оширади. Тупроқ ва ҳаво намлигининг оптимал даражаси ҳар хил ўсимликлар ва улар ривожланишининг турли даражасида бир хил эмас.

Бодринг учун тупроқнинг намлиги кўчат вақтида 80%, ҳосил бериш вақтида 85—90%, помидор, гармдори ва бақлажон учун кўчат вақтида 70—75%, баргларнинг ўсиш вақтида 70—80% ва ҳосил бериш даврида 80—85%, кўкатлар учун 80—90% НВ дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳавонинг намлигига қўйиладиган талаб бўйича ҳимояланган ер экинлари уч гуруҳга бўлинади: паст, ўрта, юқори намлики талаб қилувчилар. Биринчи гуруҳга помидор, гармдори, ловия (кўчатни ўстиришда ҳам, кейинги парвариш қилишда ҳам $60\pm5\%$) киради. Салат, Пекин карами, редиска, укроп, шпинат (ўсув бошида $65\pm5\%$ ва озуқа органлари шаклланиши даврида $80\pm5\%$) ҳам биринчи гуруҳга киритилади. Иккинчи гуруҳ — бодринг, сельдерей, бақлажонни (кўчатни ўстириш вақтида $70\pm5\%$ ва кейинги даврларда $90\pm5\%$) қамраб олади.

Ҳимояланган ер иншоотларида тупроқ ва ҳаво намлигини сақлаш зарурлиги сугоришнинг турли усусларини қўллашни тақозо этади.

Ҳавонинг намлиги вентиляцияни кучайтириш билан камайтирилади, сугориши камайтириш, тупроқ сатхини юмшатиш ва ҳароратни ошириш ҳисобига бошқарилади. Ҳаво намлигини кўпайтиришга вентиляцияни чеклаш, сугориши кўпайтиш, иншоот ичиди ўсимликларни пуркаш орқали эришилади. Ўрта Осиё шароитидаги ҳимоя қилинган ерларда намликтинги ортиқчалигидан кўра етишмаслиги кўпроқ учрайди. Бу айниқса бодрингда кўпроқ сезилади. Вентиляцияни камайтириш қизишга олиб келади. Шунинг учун ҳавони намлаш, қоронғилатиш ва вентиляцияни пухта ўйлаб бириттириш ҳаво намлигининг зарур шароитини яратиш имконини беради.

Тупроқ намлигини оширишга сугоришнинг ҳар хил усусларини қўллаш, сугориш тезлиги ва жадаллигини ошириш, сугориш вақтини алмаштириш орқали эришилади. Сугориш учун фойдаланиладиган сув заиф углекислотали, таркибидаги зич қолдик 1% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Сувнинг ҳарорати 23—25% бўлиши лозим. Сугориш сувининг совуқ бўлиши айниқса бодринг ва помидор учун салбий таъсир қилиб, илдизни ўлдиради. Ўсимликнинг сўлиб қолишига олиб келади. Қишида ва эрта баҳорда ўсимликларни эрталаб, тупроқ яхши қизиган вақтда сугорилади.

Ҳимоя қилингган ерда сугоришнинг қўйидаги асосий турларидан фойдаланилади: ёмғирлатиш, шланг билан; тупроқ тагидан томчилатиб ва импульсли. Ҳозирги кунда энг кўп тарқалган усул ёмғирлатиб сугориш бўлиб, у тупроқ ва ўсимликни бир вақтда намлаш имконини беради. Бу усулда барглардаги намлик ортади ва буғланиш камаяди. Ёмғирлатиш барглар ҳароратини пасайтириб, ўсимликларнинг қизишини камайтиради.

Замонавий иссиқхоналарда стационар ёмғирлатиш қурилмалари ўрнатилган бўлиб, улар автоматик тарзда ва қўлда бошқарилади, уларда сугориш жўмракларидан шланг билан сугориш ҳам кўзда тутилган. Ёмғирлатиш системасидан ҳавони илиқ сув билан намлаш ва ўсимликларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришда ҳам фойдаланилади. Ҳимояланган ер иншоотларида ҳозирча шланг билан сугоришдан кенг фойдаланилади. Замонавий иссиқхоналарда у ёмғирлатиш қурилмаларининг бузилиб қолиш ҳолатларида фойдаланиш учун резерв сифатида сақланади. Бундан ташқари ундан ер устки қисмининг намлиниши ривожланишига салбий таъсир этадиган ўсимликларни сугориша фойдаланилади. Шланг билан сугориша сув эгатларга қўйилади, кўкатлар эса олинадиган сежаклар воситасида сугорилади. Сугоришнинг бу усулидан фойдаланиш чекланиши керак, чунки у кўп меҳнат талаб қиласи, тупроқни ювиб кетади ва зичлайди, ҳавонинг намланишини таъминламайди.

Сугоришнинг бошқа усулларидан ҳали кенг кўламда фойдаланилмайди. Улар тажриба ва ишлаб чиқариш тескиривидан ўтмоқда. Уларнинг муҳим афзаллiği тупроқнинг намлик режимини автоматик бошқариш имконини берниши ва сувнинг аниқ ҳамда ўз жойига сарфланишини таъминлашидир. Тупроқ остидан сугориш усулида сув ва минерал ўғитлар эритмалари тупроқ остида 30 см чуқурликда ётқизилган қувурлар орқали ўсимликлар илдизига берилади. Бу усул ҳаво намлиги паст бўлишини талаб қилувчи итузумдошлар, полиз экинларига нисбатан қўлланади. Томчилатиб сугорища намлatish форсункалари ўрнатилган қувурлар системаси орқали ҳавони ҳам намлаш мумкин. Қўёш радиациясининг интенсивлигини ҳисобга олиб автоматик бошқариладиган импульс сугориш синовдан ўтмоқда.

Сугориш нормаси ўсимлик тури ва ёши, қўёш радиациясининг интенсивлиги, тупроқнинг сув-физик хусусиятлари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда қишида сугориш камроқ (помидор ойда 3—4 марта, бодринг — 6—8 марта) баҳор ва кузда сугориш жадаллашиб, помидор кунора, бодринг зарур бўлганда ҳар куни сугорилади. Сугориш нормалари қишида юқори бўлмайди — 5—7 л/м³, илиқ қўёшли кунлар бошланиши билан норма оширилиб, улар 15 л/м³ ва ортиқроқ бўлади. Ёзда ҳавонинг нисбатан намлигини ошириш учун асосий сугоришдан ташқари, бодринг куннинг иккинчи ярмидаги соатларда 0,5—1,0 л/м³ миқдорда мусаффоловчи сугоришлар ўтказилади.

Ҳаво-газ режими. Ҳимояланган ер ўсимликлари учун ҳаво-газ муҳитининг муҳим элементи кислород ва карбонат ангидрид газидир. Кислороддан ўсимликлар нафас олишда, карбонат ангидридан органик моддалар синтезида фойдаланадилар. Кислороднинг ҳаво таркибида кўплиги (21%) ва тупроқнинг юмшоқлиги туфайли ўсимлик унга муҳтоҷ бўлмайди.

Ҳавода ўртача 0,03% карбонат ангидрид гази бўлиб, бу 1 м³ га 0,3 л ёки 0,57 г ни ташкил қиласди. 1 га иссиқхонада ўсаётган бодринг ҳар куни 700 кг гача карбонат ангидрид газини ютади, бунинг учун иссиқхонага 1 млн/м³ ҳаво кириши керак.

Ҳаво таркибида 0,03% карбонат ангидридинг бўлиши ўсимлик учун оптималь бўлолмайди. Ҳаводаги карбонат ангидрид газининг тўпланганлиги 0,01—0,15%, помидор ва редискада 0,25—0,35% бўлганда бодрингда фотосинтез жадал ўтади. Ҳаводаги газ бундан ортиб боргандага фотосинтез жадаллиги ва нафас олиш пасаяди, 0,9% гача кўпайганда ҳосилдорлик камаяди.

Иссиқхоналардаги карбонат ангидрид газ бериш орқали кўпайтирилади. Газ бир кунда 2 марта 2 соатдан қуёш ёрқин нур сочиб турган вақтда берилади, бунда карбонат ангидридан тўлиқроқ фойдаланилади, иккинчиси куннинг иккинчи ярмида иссиқ тушган вақтда берилади. Сунъий газ беришда карбонат ангидрид газининг сарф нормаси 20 г/м³ дир. Газ беришда метан, пропан ёқилади, қуруқ муз, балонлардаги суюқ карбонат ангидрид гази, ўз қозонхонасидаги тозаланган газлардан фойдаланилади. Газсимон ёнилғида ишловчи УУГ-7,5 генераторидан фойдаланилади, унинг унумдорлиги 4,5 м³/с дир. Биологик иситиладиган парник ва иссиқхоналарда органик моддаларнинг чириши ҳисобига ҳаво таркибидаги CO₂ ўсимликлар эҳтиёжидан ортиқроқ бўлади, шунинг учун бу ерда қўшимча газ бериш талаб қилинмайди.

Биологик ёнилғи чириганда ўсимликлар учун заарли, уларни куйдирадиган ва заҳарлайдиган заарли моддалар ҳам ажralиб чиқади. Бу аммиак, метан, 1% дан ортиқ тўпланган карбонат ангидрид газидир. Ҳимояланган ер иншоотларида ҳаво муҳитининг олтингугурт ва ис гази, шунингдек азот оксиди билан ифлосланишига йўл қўйиб бўлмайди. Улар сабзавот экинлари ва уларни парвариш қилаётган кишиларга салбий таъсир этади. Ҳаво таркибида олтингугурт гази 0,0001%—0,0002%, азот оксиди 0,00003% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Заарли газларни йўқотиш учун шамоллатиш зарур бўлади.

Ҳимояланган ер сабзавотчилигига айрим газлардан маҳсулот олишни тезлаштириш ва ҳосилдорликни оширишда фойдаланилади. 0,5% тўпланган этилен помидорнинг пишишини тезлаштириши ацетилен 0,14% ва ис гази 0,0001% тўпланганда бодринг оналик гуллари ҳосил бўлишига ёрдам бериши аниқланган. Этилен, ацетилен ва пропилендан помидор мевасининг қизаришини тезлатишда фойдаланилади. Бунинг учун помидорнинг кўк

меваси маҳсус камерага жойланиб, унга юқорида айтилган газлар (ҳаво ҳажмига) 1:1000 ёки 1:1500 нисбатда қўшилади.

Амалий машғулот

19-мавзу. Ҳўжаликнинг биологик ёнилғига эҳтиёжини аниқлаш

Машгулотнинг мақсади: Ўқувчиларни хўжаликнинг биологик ёнилғига эҳтиёжини аниқлашда бажариладиган ҳисоб-китобларнинг асосий принциплари билан танишириш.

Топшириқлар: Биологик ёнилғига эҳтиёж парниклар сони, парник ромларининг размери ва фойдаланиш муддатларига кўра аниқланади. Парниклардан декабрь-февралда фойдаланилганда биологик ёнилғи қатламининг қалинлиги 50—60 см, февраль-марта 30—40 см бўлади. Гўнг парник котлованига юмшоқлигича зичламай солинади. 4—5 кундан сўнг у чўкади, шунинг учун тупроқ солишдан олдин дастлабки солинган гўнгнинг 20% и атрофида қайноқ гўнг солинади.

Кўчат етиширишда биологик ёнилғига эҳтиёжни аниқлаш малакасини ўқувчилар 27-жадвалда назарда тутилган ҳисоб-китобларни бажариб эгаллайдилар.

27-жадвал

1 га очиқ ср учун зарур бўладиган кўчатни ўстиришида биологик ёнилғига бўлгаш эҳтиёжини аниқлаш бўйича ҳисобот

Экин	ромларга эҳтиёжи 1 га учун	экиш ёки кўчат қилиш санаси	биологик ёнилғи қалинлиги, см	Биологик эҳтиёж			
				1 ромга	1 гектарига	M ³	T
Эртаги карам							
Эртаги помидор							
Ўртаги помидор							
Бақлажон							
Гармдори							
Эртаги карам							
Эртаги помидор							
Ўртаги помидор							
Бақлажон							
Гармдори							

Кўчат ўстириш учун ромларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни ўқувчилар олдинги лаборатория машғулотдан оладилар (21-жадвал). Экиш ёки кўчат қилиш санаси маълумотномалар ёки ўқитувчидан олинган ахборот асосида тўлдирилади. Эртаги карам ва эртаги помидор учун биологик ёнилғи қатламининг қалинлиги 50—60 см, бошқа экинлар учун 30—40 см бўлиши керак.

1 ромга зарур биологик ёнилғини аниқлашда чиқандан сўнг қўшиладиган гўнг (дастлабки солинганинг 20% ҳажмида) ҳисоб-

га олинади. Ҳисоб-китоб қўйидаги формула бўйича амалга оширилади: $0 = \alpha \cdot B + 20\%$

бунда: 0 — биологик ёнилғи ҳажми, m^3 ; α — ром остидаги котлован майдони, m^2 ; B — гўнг қатлами қалинлиги, см.

Мисол: Ром остидаги котлован майдони $1,5 m^2$, гўнг қатла-мининг қалинлиги 40 см. Биологик ёнилғига эҳтиёж дастлабки солишда $1,5 \times 0,6 = 0,9 m^3$ ни ташкил этади. 20% қўшамиз:

$$\frac{0,9 \times 20}{100} = 0,18 m^3$$

Демак ҳаммаси бўлиб $0,9+0,18 = 1,08 m^3$ гўнг талаб қилинади.

Биологик ёнилғига эҳтиёж фақат куб метрларда эмас, балки тонналарда ҳам ҳисобланади. Бунинг учун биологик ёнилғи ҳажми бир куб метрнинг оғирлигига кўпайтирилади. 1 m^3 похол тутамали қизитиладиган гўнгнинг оғирлиги шиббаланмай солинганда: от гўнги — 0,35—0,45, қўйники — 0,4—0,5, қора молники — 0,4—0,5; чўчқаники — 0,55—0,70 т дир. 1 га ерга биологик ёнилғи учун эҳтиёж бир ром учун эҳтиёжни ромлар сонига кўпайтириб аниқланади.

Фойдаланиладиган асбоблар: Ҳимояланган ср сабзавотчилигига доир маълумотларни қамраб олган плакатлар ва маълумотномалар.

18 Боб

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЕРДАГИ ЎСИМЛИКЛАРНИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ

Илдиз орқали озиқлантириш хусусияти ва шартлари. Ҳимояланган ер сабзавот экинлари юқори ҳосил берар экан, айни бир вақтда очиқ ердаги экинларга нисбатан 2—10 марта кўп минерал озиқ элементларини талаб қиласди. 10 кг бодринг ҳосилини етиштириш учун (вегетация массаси билан бирга) 14,2—28,5 г азот, 9,2—11,5 г фосфор ва 27,7—58 г калий, помидор эса шунга кўра 32,7, 14,6 ва 69,6 г талаб қиласди. Илдиз озиқланадиган муҳит ҳажми бу ерда чекланган ва 30 мг дан ортиқ эмас, бу илдизнинг ривожланишни сусайтиради. Бу ҳол унда минерал озиқ моддаларининг юқори бўлишини тақозо этади. Ҳимояланган ердаги илдиз озиқланадиган муҳит табиий муҳитдан фарқ қиласди. Улар турли органик ва ноорганик компонентлардан таркиб топиб, тупроқ субстрат деб юритилади.

Минерал озиқлантиришни ташкил этишда ҳимояланган ердаги ўзига хос шароит ва хусусиятлар ҳисобга олинини керак. Бу ерда тупроқдан зўр бериб фойдаланилади, чунки фойдаланиш даврида 3—5 экин ўстирилади. Кўп ва мўл сугориш осон эрийдиган озиқ моддаларини ювиб кетади. Тупроқдан узоқ муддат фойдаланилганда у зичлашади, унинг сув — физик хусусиятлари

ёмонлашади, аста-секин ифлосланади. Тупроқни зааркунанда ва касалликларга қарши курашда тозалаш (стерилизация қилиш) натижасида тупроқ микрофлораси ўзгаради, структураси ёмонлашади, унумдорлиги пасаяди, тузи кўпаяди. Ҳимояланган ер шароитларида ўсимликларнинг калий ва кальцийга эҳтиёжи ортади.

Ўсимлик минерал моддаларни жадал олиб туришига ҳарорат ва илдиз яшайдиган зонанинг ҳавога тўйиниш даражаси, тупроқ муҳитининг реакцияси, унда аралашмаларнинг тўпланиши, заҳарли моддаларнинг борлиги, илдиз системасининг ривожланиши ва шу кабилар таъсир этишини унумаслик керак. Илдиз яшайдиган муҳитдаги энг қулай ҳарорат бодринг учун 20—25°, бошқа экинлар учун 17—20° дир. Ҳарорат ҳосил беришдан олдин бирмунча паст ва ҳосил бериш даврида бирмунча юқори бўлиши керак. Ҳарорат пасайганда озиқ моддаларини, айниқса фосфорни сингдириш сусаяди. Сув ва озиқ моддаларини нормал сингдириш учун тупроқ таркибидаги кислород камида 15%, қаттиқ, суюқ, ва газсимон қисмлар нисбати 1:1:1 бўлиши керак.

Ўсимликлар қўйидагиларни ўзлаштиришлари учун тупроқ муҳитининг энг қулай реакцияси (pH) азот 5—8 (нитрат 5 ва аммиак 7), фосфор 6,25—7, калий ва олтингугурт 6—9,5, кальций, магний ва молибден 7—8,5, темир ва марганец 4,5—6, бор, мис ва рух 5—7 дир. Мақбул РН бодрингга 6—7, помидорга 5,5—6,5, пиёзга 6,5—7,5, салатга 6—7, сельдерейга 6,5—7, ровочга 5,5—7, кўк пиёзга 6—7, гулкарамга 6,7, редискага 6—7, шпинатга 6, барг карамга 6—8, кабачкига 6 деб қабул қилинган.

Тупроқда тузларнинг ҳаддан ташқари тўпланиши органика кам бўлганда (10—15%) 0,35—0,45% ва юқори (60—70%) бўлганда 1,35—1,55% дир. Осон эрийдиган хлор тузлари сабзавот экинлари учун энг заҳарли ҳисобланади. Хлорнинг заҳарлик чегараси бодринг учун 0,003—0,007%, карам, қовоқ, помидор 0,007—0,002%, мутлоқ қуруқ тупроқда ёки ўнга кўра тупроқ қоришмасида 0,2—0,3% ва 0,3—1,3% дир. Ҳимояланган ерда кислотали тупроқ, айниқса торфдан фойдаланилганда ($\text{pH} 4,5—5,5$) темир ва марганец ҳамда ҳаракатчан аллюминий оксидларининг ўсимликка заарли таъсири намоён бўлади. Темир ва аллюминий ҳаракатчан формаларининг миқдори 1 кг минералли тупроқларда 4% мг ва торфли тупроқларда 6 мг дан ошмаслиги керак. Миқдори қўйидаги йўл қўйиладиган нормадан ортиқ бўлган айрим бощқа моддалар ҳам ўсимликлар учун заарлидир: 1 кг тупроққа 1 мг бор, 6 мг мис, 6 мг кобальт, 0,5 мг молибден. У эрийдиган фторид ва фторсиликатлари, родонид аммоний, ва натрий хлорид (тўпланиши 1/25000) ўсимлик учун заарлидир.

Илдиз системаси қанчалик ривожланган бўлса, тупроқ шунчалик катта алмашинувни қамраб олади, ўсимлик минерал озиқ элементлари билан яхши таъминланади ва ҳосилдорлик юқори бўлади. Ҳаво ҳамда сув режими яхши ва чиринди қатлами кучли тупроқларда ўсимлик бир текисда ривожланади, илдизлари тармоқланади. Бунинг учун иссиқхона тупроқларида чиринди миқдори 10—12% ни ташкил этиши керак.

Ҳимояланган ердаги ўсимликларни озиқлантириш муаммосини ҳал қилишнинг асосий йўллари қўйидагилардир:

1. Юқори ҳосилдор ва яхши ўғитланган ернинг ўзидан фойдаланиш;

2. Органик ва минерал ўғитлар қўшилган турли компонентлардан озиқали тупроқ қоришмаларини ҳосил қилиш;

3. Келиб чиқиши органик бўлиб (қипиқ, сомон, торф ва бошқалар), тупроқнинг ўрнини босувчиларни озиқ эритмалари билан хўллаб қўллаш;

4. Ўсимликни тупроқсиз шароитда ўстириш, бунда ўсимлик резервуарлардаги озиқ эритмалари ёки вақти-вақтида илдиз системасига бериладиган моддалардан озиқлантирилади.

Озиқли тупроқ қоришмалари тупроқ, келиб чиқиши органик бўлган ва қумоқ инерт материаллар субстрактлар деб юритилади.

Келиб чиқиши органик бўлган, озиқ элементлари билан номланган тупроқнинг ўрнини босувчиларда ўсимликларни ўстириш ҳем окультура дейилади. Сабзавотларни тупроқсиз ва келиб чиқиши органик бўлган, уни ўрнини босувчиларсиз ўстириш гидропоника деб аталади. Бунда ўсимлик озиқ эритмаларини сингдириш ҳисобига озиқланади. Бу усулнинг сув экини, аэропоника, ионитопоника, агрегатопоника каби турлари бор.

Тупроқ аралашмалари ва уларнинг таърифи. Ҳимояланган ер сабзавотчилигига тупроқ аралашмаларидан фойдаланиш минерал озиқлантиришни ташкил этишининг энг тарқалган усулидир. Тупроқ аралашмалари ҳосилдор, таркибий, механик таркиби енгил, ҳаво ва сувни яхши ўтказадиган, нейтрал реакция ҳамда қоришманинг мақбул концентрациясига эга, ёввойи ўт уруглари, касаллик ва зааркунандалардан холи бўлиши керак. Уларни тузища ўсимликларнинг озиқка талаби ва илдиз системасининг ривожланиш характеристи ҳисобга олинади.

Тупроқ аралашмаси ҳосилдорлигининг муҳим кўрсаткичи таркибида органик модда ва чириндининг бўлишидир. Энг яхши тупроқ аралашмаларида 20—30% ва ундан кўпроқ органик модда ҳамда 12—15% чиринди бўлади.

Механик таркибига кўра тупроқ аралашмалари ўртача қумоқли (35% физик лой ва 65% бўлган физик қум) ва ўртача қумоқ тупроқли (20—30% ва 70—80%) бўлиши керак. Улар агрегатларининг ҳажми 1 дан 5 мм гача бўлган майда донадор таркибли бўлиши керак.

Тупроқ аралашмасининг физик хусусиятлари қўйидаги кўрсаткичга эга бўлиши лозим: салмоғи (қаттиқ муҳит массасининг ҳажмига нисбати) 1,5—2,0 ҳажм оғирлиги (тегилмаган тузилиши тупроқ массасининг ҳажмига нисбати) ер усти сатҳи учун 0,4—0,9 г/см³ бўлакли ёки ғовак (заррачалар орасидаги оралиқ ва ғоваклик умумий ҳажмда) 46—80%, қаттиқ, суюқ ва газсимон фазалар нисбати 1:1:1, умумий намлиқ 45—60%.

Тупроқда тупроқ муҳити реакцияси ёки кислоталилик (рН) карбонатлар 0,3—0,5% бўлганда — 6,3—6,7 бўлиши маъқуллар. Тупроқ аралашмасида хлорнинг йўл қўйиладиган нормаси помидор, карам ва шпинат учун — 0,02% ва қолган экинлар учун —

0,01% дир. Ижобий қобилиятни тақозо этувчи органиканинг йўл қўйиладиган таркиби. Органика 10% бўлганда тузларнинг йўл қўйилиши 0,35%, 15% бўлганда — 0,45%, 20% да — 0,55%, 30% да — 0,75% дир. Ўзлаштириладиган формалар 1 кг тупроққа азот 40—60, фосфор 120—130, калий 160—240 мг ни ташкил қилиши керак. Бу талабларга жавоб берадиган тупроқ аралашмаси органик ва минерал ўғитларни қўшиб турли компонентлардан тузилади. Бунинг учун чиринди, торф, гўнг, қум, чимли дала, иссиқхона ва парникларнинг эски тупроғидан фойдаланилади. Зарурият бўлганда буларга турли юмшатувчи материаллар қўшилади. Аралашма тур ва нисбатлари ўстирилаётган экин ва биноларга, фойдаланиш вақтига боғлиқ бўлади. Итузумдош ва қовоқсимон экинлар, гулкамар ва редиска ўртача оғир бой аралшмаларни талаб қиласди. Кўчатлар учун илдиз системасини шаклланишида ва қазиб олишда илдизларга чирмасиб юмaloқланниб қоладиган аралашма маъқулдир. Маромига етгунгача ўстириладиган ўтлоқ экинлари тупроқнинг ҳосилдорлиги ва физик хусусиятларига талабчан эмас.

Турли районлардаги ҳимояланган сарда хилма-хил аралашмалардан фойдаланилади. Уларнинг таркиби яқин жойлашган ресурсларга боғлиқ. Торф запаслари бор районларда бу субстрат тупроқнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Торф йўқ жойларда: Россия жануби, Украина, Кавказ орти, Ўрта Осиёда тупроқнинг устки қатламига чиринди, гўнг ва компост аралашмасидан юмшатувчи материаллар ёки сунъий структура ҳосил қилувчилар қўшиб фойдаланилади. Ўзбекистонда янги қурилаётган иссиқхоналарда тупроқ аралашмаси тайёрлашда иссиқхона қурилаётган дала ерига 300—400 т га сомонли гўнг ёки чиринди, ҳажмининг 20—30% атрофида юмшатувчи материаллар (қипик, шоли қипифи, гўза ва каноп чиқитлари) қўшилади. Юмшатувчи материаллар олдиндан компост қилинади.

Сабзавот ва кўчат етиштиришга мўлжалланган иссиқхона комбинатлари технологик лойиҳаларида тупроқ аралашмасининг қўйидаги таркиби тавсия этилади.

28-жадвал

НТП — СХ-10-73 иссиқхоналари учун тупроқ аралашмасининг тахминий таркиби (%)

Компонент	Асосий қатлам								Сепишга						
	тупроқ аралашмаси								тупроқ аралашмаси				помидор учун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	1	2	3	4	1	2	3
Дала ёки чимли ер	—	50	30	—	25	20	50	40	50	60	50	40	65	70	50
Чиринди	—	—	—	—	—	—	—	40	—	35	—	30	35	25	—
Торф: пастки	—	20	—	—	—	20	30	—	50	—	50	—	—	—	50

ўтувчи юқори	—	—	50	—	—	60	—	20	—	—	—	20	—	—	—
Күм	50	—	—	100	60	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Гүнг	10	—	—	—	15	—	—	—	—	—	—	—	—	5	—
Кипиқ	20	30	20	—	—	—	20	—	—	5	—	10	—	—	—
	20	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

Күчат ўстиришда куйидаги таркибдаги тупроқдан фойдаланилади: юқори қисміда торф бор жойларда — 90% торф ва 10% сигир гүнги; ўтувчи ва қуи торфли жойларда 70% торф, 23% қипиқ, 7% сигир гүнги (аралаштирганда 1:1); торф йүқ жойларда юқори торф олиб келинади ёки чиринді (50%), дала тупроғи (40%) ва қипиқ (10%) дан аралашма тайёланади.

Бундай аралашманинг 1 м³ га 300 г аммиакли селитра, 400 г құш суперфосфат, 400 г калий сульфати, 1,5 кг мис купороси: 3 г молибден алюминийси, 0,5 г натрий барати, 2,25 г марганец сульфати, 0,7 г рух сульфати құшилади.

Озиқ кубикларини тайёлашда тахминан юқоридаги қоришмадан фойдаланиб, унга тупроқ зарраларини ёпиширувчи элемент сифатыда албатта мол гүнги құшилади.

Тупроқ аралашмаларини тайёлаш ва улардан фойдаланиш.

Химояланған ер участкасида зарур миқдордаги компонентларни сақлаш ва уларни аралаштириш учун 1-2 бетонланған майдонча бўлиши керак. Биологик иситиладиган иншоотларда гўнг, тупроқ ва чиринді олиб келиш учун йўл ёки уларни сақлаш учун майдонча бўлиши лозим.

Чимли ер беда ёки бошқа кўп йиллик ўтлар қалин ўсган жойлардан тайёланади. Ўтлар шоналаши даврида ер 10—12 см чуқурликда ҳайдалади ва чим дискли барона билан майдаланади. Озиқ моддалари билан бойитиши учун унга гўнг ва минерал ўғитлар сочилади. Сўнгра Д—535 бульдозерлари билан баландлиги 1,5—2 м, эни 3—4 м қилиб уюмланади, узунилги ихтиёрий. Ёзда уюмларга 2—3 марта суюқ органик ўғитлар қуяилиб СПУ-40М қориштригич ёки Д—535 узлуксиз ҳаракатланувчи юкловчи билан аралаштирилади. Бу тупроқ бир йилдан сўнг ишлатишга тайёр бўлади. Дала тупроғи — чимли тупроқ ўрнини босувчи энг ҳосилдор ерлардан, яхшиси макка ёки дуккаклилар экилган жойлардан тайёланади. Чириндили тупроқни яrim чириган гўнгдан, кўпинча парник гўнгларидан тайёланади. Кузда парниклар тозаланади, тупроқ уюмланади ва ёз давомида икки марта ағдарилади.

Тупроқ аралашмаларини тайёлашга мўлжалланған материаллар темир тўрдан ўтказилади ва сақлаш учун ташиб кетилади. Тупроқ аралашмалари олдиндан ёки фойдаланишдан олдин таркибий компонентлар ва 33% янги тупроқ қўшиб тайёланади. Йирик иссиқхона комбинатларида 15—20% янги тупроқ тайёланади, бу 5—6 см қалинликда олинган эски тупроқ ўрнига солишга керак. Эски тупроқдан 2—4 йилдан сўнг компост қилиб ва зарарсизлантирилгандан кейин фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилганда вегетация охирига келиб тупроқ аралашмаси ўзининг ижобий хусусиятларини йўқотиб зичлашади, таркибидаги озиқ моддалари камаяди, таркибидаги қаттиқ фаза ортади, тузлар, шунингдек зааркунанда ва касаллик қўзғовчилар тўпланади. Шунинг учун тупроқ тўлиқ ёки қисман алмаштирилади, зарур бўлганда юмшатувчи материаллар қўшилади, дезинфекция қилинади ва ювилади.

Узлуксиз фойдаланилганда тупроққа ҳар йили асосий экиндан олдин 20—25 кг/м² гўнг солинади. Минерал ўғитлар бўлиб-бўлиб солинади, асосийсида фосфорилар 100% гача, калийилар 50% гача, азотнинг кўп қисми озиқлантирища берилади.

Тупроқнинг зичланиши 1,0 г/см³ дан ортганда уларга юмшатувчи материаллар қўшилади. Азотли ўғитларнинг асосий дозаларини асосий ўғитлашда бериш лозим. Аммо тупроқ таркибидаги азотни 60—70 мг/м² дан ошириб юбормаслик керак. Ўзбекистонда юмшатувчи материалларни ўрта минтақадагига нисбатан кўпроқ (тупроқ билан баравар ва кўпроқ) миқдорда бериш лозим.

Иссиқхоналарда узоқ муддат фойдаланилган тупроқлар дезинфекция қилиш ва кейинги ювиш ҳисобига соғломлаштирилади. Кимёвий (ҳайдашда 50 кг/га тиазон ёки 50 кг/га ТМТД ва ҳайдашдан кейин 1 м² га 250—300 мл карботион) ёки термик (буғ, қуруқ иссиқ, электр кўмагида) дезинфекциядан фойдаланилади. Энг самаралиси буғлашдир. Кенг тарқалгани ишлов беришнинг чорқирра усулидир. Олдинги экин ва иншоот заарсизлантирилгандан кейин буғланади. Буғланишни тезлаштириш учун тупроқ олдиндан 25—30 см чуқурликда юмшатилади ва иссиқхонада тупроқ остидан иситиши ишга туширилади. Ярим секция ёки пролёт узунлигига буғ ўтказадиган варонкасимон мосламали буғ тақсимловчи металл қувурлар ётқизилади. Унинг ўртасига шланг буғ ўтказгич уланади. Чиқаётган буғ плёнкани куйдирмаслиги учун қувур ва шлангнинг бир қисми устига тупроқ солинади. Сўнгра участка қалинлиги 0,25—0,3 мм ли иссиққа чидамли плёнка билан ёпилиб, устидан қумли қоп бостирилади. Буғнинг ҳарорати 110—120° бўлади. Унинг сарфи 45—50 кг/м²; 10—14 соат берилади, 30 см гача чуқурлик 70—90° қизийди. Буғланган тупроққа 1 л/м² ҳисобидан формалин билан ишлов берилади.

Ўзбекистонда иссиқхоналарини заарсизлантириш ёзда қуёш нурлари билан қиздириш орқали амалга оширилади. Бунинг учун ер чопилади, иншоотга дезинфекцияловчи эритмалар билан ишлов берилади ва 2—3 ҳафтага тамоман бекитилади, бунда ёруглик ўтказадиган қопалама чангдан тозаланган бўлиши керак. Бу иш июль ойида ёзда экинлар экilmайдиган вақтда ўтказилади. Бунда ҳайдаладиган ер ҳарорати 70° гача кўтарилади. Қизитиш вақтида қуёш радиацияси билан бирга сувли иситиш системаси ҳам ишлатилади. Тупроқ аввал қуритилади, сўнгра 15—20 кун давомида ҳарорат 50° гача етказилади. Бу уччалик самарали усул эмас ва у қиздиришининг ўрнини боса олмайди.

Тупроқдаги тузларнинг умумий концентрациясини камайтириш учун тупроқ буғлангандан сўнг ювилади. Ювишда 200—250 л/м³ сув сарфланади. Тупроқ 3—5 марта 5—8 соат оралатиб ювилади.

Ювишдан ташқари иссиқхона ерига тузлар оқиб келишининг олдини олиш керак. Бунинг учун 2—2,5 м чуқурликда айланга горизонтал дренаж қилинади.

Сабзавот экинлари етиштиришда ўғитларни қўллаш. Ҳимояланган ерда юқори ҳосилдор тупроқ аралшмаларидан фойдаланиш ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига кўра уларни озиқлантиришни бошқаришни истисно қилмайди. Бу ўсимликни керакли нисбатдаги минерал озиқ элементлари билан таъминлаш тупроқ қоришимаси концентрацияси ва унинг реакциясини мақбул даражада сақлаш имконини беради. Шунинг учун экинлар тупроқда ўстирилганда агрехимик таҳлиллар асосида асосий ва қўшимча озиқлантириш тарзида минерал макро ва микро ўғитлардан фойдаланилади. Кичик хўжаликларда органик ўғитлар ҳам солинади.

Қўшимча ўғитларга эҳтиёж тупроқ таркибидаги органик моддалар, уларнинг фойдаланилаётган ўғитлар тарзида озиқ элементлари билан таъминланганлик даражасини назарда тутиб ҳисобланади.

Асосий ўғитлашдан олдин тупроқ таркибидаги органик моддалар, солиштирма ва ҳажм оғирлиги, чегара-дала нам сигими фойдалилиги, азот, фосфор, калий ва кальций, магний, шунингдек хлорнинг ўзлаштириладиган формалари, тузларнинг умумий тўпланиши ва pH аниқланади.

Асосий ўғитлашда ҳам вегетация давридаги озиқлантиришда ҳам таркибидаги озиқ элементларининг оптималь даражаси қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$A = \frac{B \cdot 2 + 15}{1,5}; \quad B = \frac{B \cdot 2 + 15}{3}; \quad G = (B \cdot 2 + 15) \times 0,2$$

А — бунда оптималь миқдордаги калий, мг/100 г мутлақ қуруқ тупроқ; Б — оптималь миқдордаги азот (аммиак ва нитрат) мг/100 г тупроқ; Г — оптималь миқдордаги магний, мг/100 г тупроқ; В — органик модда миқдори, %.

Тупроқдаги озиқ моддалар миқдори қуидагича характерланади: паст 1/3 А, Б, Г гача; ўртача 1 /6 дан 2/ 3 гача; нормал 2—3 дан 1 гача; оширилган 1 дан 1/3 гача ва юқори 1 1/3 А, Б, Г дан кўпроқ.

Фосфор миқдорини аниқлашда қуидаги шкаладан фойдаланилади (органик ўғит миқдори ҳисобга олинмайди): паст 0—2 мг/100 г тупроқ ҳисобига мўътадил 2—4; нормал 4—6; ошган 6—8 ва баланд 8 мг/100 г дан кўпроқ. Ўғитлар миқдори

$(\text{г/м}^2) = \frac{\text{A}_{\text{опт}} - \text{A}_{\text{ахак}}}{\text{В}} \times \text{Б}$, бунда $\text{A}_{\text{опт}} = 100$ г тупроқдаги озиқ элементининг оптималь миқдори; А таҳлил асосидаги элементнинг

ҳақиқий миқдори; Б — 30 см чуқурлиқдаги 1 м² тупроқнинг оғирлиги; В — ўғитдаги амалий модда миқдори.

Тупроқдаги органик модда миқдори 30% дан кам бўлган Ўзбекистонда формула бўйича асосий ўғитлаш ҳисоб-китобларни қилмай, минерал ўғитлар элементларини қўйидаги дозаларда беравериш мумкин (29-жадвал).

29-жадвал

Асосий ўғитлашда ерга солиш учун тавсия этиладиган озиқ элементлари миқдори

Элемент миқдори, мг/кг	Ўсимликларнинг озиқ элементлари билан таъминланганлик даражаси	солиши миқдори г/м ³	
		бодринг	помидор
100 гача	Азот		
100—200	Паст	30—20	35—25
200—300	Нормадан паст	20—10	25—15
300—400	Нормал	10—5	15—5
400 дан ортиқ	Нормадан юқори	5—0	5—0
	Ортиқча	0	0
	Фосфор		
30 гача	Паст	50—35	50—35
30—60	Нормадан паст	35—20	35—20
60—90	Нормал	20—5	205
90—120	Нормадан ортиқ	5—0	5—0
120 дан ортиқ	Ортиқча	0	0
	Калий		
250 гача	Паст	60—40	10070
250—500	Нормадан паст	4020	70—40
500—750	Нормал	20—0	40—10
750—1000	Нормадан ортиқ	0	100
1000 дан ортиқ	Ортиқча	0	0

Асосий ўғитлашда азот, фосфор ва калийдан ташқари 1 м² ерга бодрингга 20—30 ва помидорга 40—50 г магний, ҳамда магний сульфат солиши тавсия этилади.

Асосий ўғитлашда минерал ўғит ерни ҳайдашда ёки фрезерлашдан олдин солинади. Уларни гўнг билан бирга ҳам солиши мумкин, аммо бунда гўнгни анализ қилиш, у билан бериладиган озиқ элементи миқдорини ҳисоблаш, минерал ўғитлар дозасини шунга кўра камайтириш лозим бўлади.

Минерал ўғитларни ҳисоблаш калийлилардан бошланади, бу кейинчалик калийли селитра билан солинадиган азот миқдорини аниқлаш учун зарурдир. Азот солишига эҳтиёж бўлмаса, калий селитраси калий сульфат билан алмаштирилади. Ўғитлар миқдорини белгилашда тупроқ аралашмасининг концентрацияси мумкин бўлгандан ошиб кетмаслигига эътибор бериш лозим.

Асосий ўғитлашда минерал ўғитлар тўлиқ миқдорда берилади, кўчат экилгандан кейинги 4—5 ҳафтада қўшимча озиқлантириш ўтказилмайди. Ўсув даврида азот, фосфор, калий, магний миқдори, тузларнинг умумий концентрацияси ва pH анализи ойда бир марта ўтказилади. Асосий ўғитлашдаги сингари ҳисобланган

ўғитлар миқдори ой давомида бўлиб-бўлиб 3—4 марта берилади. Ҳар бир озиқлантириш учун ўғитлар миқдорини ҳисоблашда ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалари ҳам назарда тутилади.

Қўшимча озиқлантиришда миқдори тупроқда нормадан кам бўлган элементлар солинади. Уларнинг миқдорини ҳам формула бўйича ҳисоблаш шарт эмас. 30-жадвалдан, ҳосилдорликни ўрганиш кифоядир.

Қўшимча озиқлантиришда солинаётган минерал ўғитларнинг умумий миқдори $70 \text{ г}/\text{м}^2$ дан, эритма концентрацияси — 0,7% дан ортмаслиги керак. Ҳисоб миқдори катта бўлса, уларни бир неча озиқлантиришга тақсимлаш лозим.

Ўсув даврида ўсимликлар озиқ моддаларини бир хилда сингдирмайдилар. Унишдан то гуллашгача ўсимлик 10% атрофида озиқ моддаси олади: тугунчалари ҳосил бўлгунча 20% асосий масса 70—80% мева тувиш даврига тўғри келади. Шунинг учун биринчи озиқлантиришдан кейингилари 10 кунда 1 марта ўтказилади.

Ҳаммаси бўлиб қўшимча озиқлантириш учун бир оборотда 1 га ерга: бодрингта 300—350 кг азот, 450—500 кг калий, помидорга 200—250 кг азот ва 120—170 кг калий солинади.

Замонавий иссиқхоналарда қўшимча озиқлантиришда ўғитлар марказлашган ҳолда ягона эритиш узелидан юқорига қаратилган ёмғирлатиш системаси орқали берилади. Қўшимча озиқлантиришда аввал ўғитларнинг кучсиз эритмалари — 0,05% (0,25 атм) берилади, ўсимликнинг ўсишига кўра концентрация 0,1% (0,4—0,5 атм) гача оширилади ва ёзги даврларда эритманинг босими 0,2% (1 атм) га етказилади. 0,16% дан юқори концентрациядаги эритмалар билан озиқлантирилгандан сўнг ўсимлик 3 дақиқа давомида тоза сув билан суғорилади.

30-жадвал

Тупроқни озиқ модда билан таъминланганилигига қараб ўғитлаш миқдори

Озиқ моддалар билан таъминланганилик даражаси	Таъсир кўрсатувчи моддаларга қараб ўғитлаш миқдори кг/га			
	№	P ₂ O ₅	K ₂ O	МО
Помидор				
Паст	315—250	600—450	1000—780	250—150
Меърдан паст	250—190	450—230	780—170	150—100
Меърда	190—130	230—0	570—390	100—60
Меърдан юқори	130—60	0	390—180	50—30
Ортиқча	60—0	0	180—0	30—0
Бодринг				
Паст	252—162	600—450	390—260	70—50
Маърдан паст	168—84	450—230	260—130	60—30
Меърда	84—0	230—0	130—0	30—0
Меърдан юқори	0	0	0	0
Ортиқча	0	0	0	0

Асосий ўғитлаш ва қўшимча озиқлантиришда тупроқда туз қолдирмайдиган юқори концентрацияли ўғитлар: калий, аммиак, кальций, селитра, мочевина, қўш суперфосфат, магний сульфат, калий магнезия қўлланади. Кейинги йилларда комплекс ўғитлар: карбоомофоска, нитраоммофоска, диаммофос: оммофоска, шунингдек ҳимояланган ер учун ишлаб чиқарилаётган растворнинг ҳар хил турлари (таркибида турли нисбатларда азот, фосфор, калий ва магний бўлган тўлиқ эрийдига ўғитлар) катта аҳамият касб этмоқда.

Айрим хўжаликларда қўшимча озиқлантиришда органик ўғитларнинг ҳар хил турларидан фойдаланилади.

Қўшимча озиқлантиришда минерал ўғитлар миқдори 1 m^2 ерга 5—6, 8—10 г атрофида бўлади. Органик ўғитлар олдиндан ажратилади, солиш кунида эса сувга аralаштирилади: парранда гўнгига 10—12 марта, қора мол гўнгига 3—5 марта, шалтоққа 2—4 марта. Органик қўшимча озиқлантириши минерал қўшимча озиқлантириш билан алмашлаб туриш керак, чунки биринчиси тупроқни микрофлора ва озиқ моддалари, ҳавони эса карбонат ангидрид билан бойитади, иккинчиси эса илдиз системаси ва барглар куйишининг олдини олиши мақсадида осон сингдирилладиган озиқ моддалари билан бойитилади, қўшимча озиқ нам ерга берилади, сўнгра барглардаги ўғит тоза сув билан ювилади.

Ўсимликларни илдиздан ташқари озиқлантириши зааркунанда ва касалликларга қарши заҳарли химикатлар билан бирга ўтказиш мумкин. Бу ҳолатда тайёрланган аralашма эритмаси олдиндан айрим ўсимликларда синааб кўрилади. Қўшимча озиқлантиришда антикаразин препаратидан фойдаланилади.

Ҳимояланган ерда илдиздан ташқари озиқлантириш ҳам қўлланади. Улар айниқса қишида ёритилиш ва ҳаво ҳамда тупроқ ҳарорати паст, илдизлар фаолияти учун шароит ноқулай бўлган ҳолатларда самаралидир. Бодрингни илдиздан ташқари озиқлантиришда 10 л сув таркибида 10—12 г суперфосфат (сув экстрати) 10—12 г калий дигидрофосфат, 5—7 г аммиак селитраси ёки мочевина бўлган 0,32% озиқ эритмаси, помидор учун таркибида юқоридаги элементлар 10 л сувда 8—10, 10—15 ва 15 г бўлган 0,4% озиқ эритмасидан фойдаланилади. Илдиздан ташқари озиқлантириши булатли ҳавода кун мобайнида, қуёшли об-ҳавода эса барглардан намлик кам буғланадиган кечки вақтларда ўтказиш керак, акс ҳолда барглар куйиши мумкин. 1000 m^2 иссиқхонага 250—300 л эритма сарфланади. Илдиздан ташқари озиқлантириш илдиздан озиқлантириш билан уйғунлаштирилади.

Ҳимояланган ерда сабзавот экинлари етиштиришда зарурат тугилганда микрозлементли ўғитлар билан озиқлантирилади. Микроэлементли ўғитлар билан қўшимча озиқлантириш 1 кг тупроқ таркибида 0,3—0,5 ҳаракатчан мис, 11—16 мг марганец, 2—3 мг рух ва 0,2—0,3 мг молибден бўлганда ўтказилади.

Микроэлементлар билан озиқлантиришга ўсимлик шоналай бошлаганда ва мева тугиши даврида жуда талабчан бўлади. Микроэлементлар билан биринчи марта кўчатлар пуркалади. Иккинчи марта бу усул гуллаш вақтида ўтказилади. Микроўғит

эритмалари аввал юқори концентрацияда тайёрланади, сүнгра бу эритмадан микроўғитли озиқ эритмалари тайёрлашда фойдаланилади. Микроўғитларнинг концентрацияланган эритмасини тайёрлаш учун 1 л сувда 2,86 г барот кислота, 1,8 г марганец сульфат, 0,2 г рух сульфат, 0,08 г мис сульфат, 1,5—1,7 г темир сульфат, 0,01 аммоний молибден эритилади. Бу эритма 10 см³ миқдорида микроўғитлар озиқ эритмасининг 10 л ига қўшилади ва илдиздан ташқари қўшимча озиқлантиришда фойдаланилади. Эритма сарфи 1 га ерга 500—600 л.

Микроэлементлар физиологик жиҳатдан жуда активлигини унутмаслик керак. Ўсимлик учун унинг етишмаслиги ҳам, ортиқчалиги ҳам заарлидир. Кўпчилик микроэлементлар оғир металллар бўлиб, киши учун заарлидир. Шунинг учун микроэлементларни асосли қўлланиш лозим.

Келиб чиқиши органик бўлган субстратларни қўллаб сабзатларни озиқ эритмаларида ўстириш. Сабзвотларни ўстиришнинг бу усули ҳам хемокультура дейилади. Унда субстратни сувли сақлаб қолиш қобилияти кучли бўлганлиги учун озиқ моддалари билан сугориш нисбатан кам, аммо катта нормаларда ўтказилади. Хемокультуранинг тури ионитопоника (понит смолаларда ўстириш) бўлиб, унда ўсиш даврида ўсимлик тоза сув билан сугорилади, субстратни озиқ моддалари билан тўйинтириш ионит тупроқни тайёрлашда амалга оширилади. Хемокультурани тупроқда экин ўстиришдан субстратларда ўстиришга ўтиш босқичи дейиш мумкин.

Юқори торфда экин ўстириш чириш даражаси 10—20% ва кули 3—5% дан ортиқ бўлмаган юқори торф қатламларига бой мамлакатнинг шимолий-ғарбий районларида қўлланади, ишлатишдан олдин торф диаметри 2—3 см қилиб майдаланади. 70% НВ гача намланади ва майдаланган бўр ёки оқак уни билан нейтралланади. Нейтралланган торф 20—35 см қатламда токчаларга ва тупроқли иссиқхоналарда 30 см қатламда ерга солинади. Токчали иссиқхоналарда 1 м² га 28—32 кг, тупроқлиларда 1 га ерга 3 минг м³ торф сарфланади. Сабзвот экинларнинг кўчатлари бевосита торфга экилади. Торфдан алмаштиrmай 4—5 йил фойдаланилади. Торф субстратда минерал озиқнинг керакли даражасини сақлашнинг 3 усули бор: 1) бутун вегетация даврида ўсимликларни озиқ эритмалари билан сугориш; 2) торфга экишдан олдин катта миқдорда микроўғитлар солиш, кейин сув билан сугориш, субстратдаги озиқ моддалар миқдорини агрохимик анализ машиналари асосида тўғрилаб бориш; 3) субстратни минерал ўғитлар билан асосий ўғитлаш ва ўсимликларни вегетация давомида озиқ эритмалари билан сугориш.

Ўрта Осиёда бундай торф запаслари йўқ ва шунинг учун экинларни ўстиришнинг бу усули қўлланмайди.

Сомон тойларида экин ўстириш. Баҳорда пленкали ва ойнаванд иссиқхоналарда, айниқса тупроқ остидан иситилмайдиган ҳолларда бу усулдан фойдаланиб бодринг ва помидор ўстириш самаралидир. Субстрат сифатида гербицидлар билан ишлов бе-

рилмаган, даладан қуруқ об-ҳавода йиғиширилиб, прессланган (тойланган) сомон фойдаланилади.

Тойлар 90x60x40 см ва 80x40x35 см ўлчамда прессланади. Улар 1 га ерга 8—9,5 минг той ҳисобидан тайёрланади. Кўчат экишдан икки-уч ҳафта олдин улар иссиқхонага олиб кирилади ва ҳайдалган, кесиб ишлов берилган, заарсизланган, яхши текисланган ерга ёки олдиндан МЮЗТ-1,0 машинаси билан (эгат очишга ва похол тойларга тупроқ тортадиган машина) чуқурлиги 15 см, эни той энидан 8 см ортиқ қилиб очилган эгатга тахланади. Тойлар бир-бирига ёни билан қўйилади. Тойлар боғланган сим похолни тахлаш ва ундан фойдаланиш вақтида олиб ташланмайди, бир оз бўшатилади холос. Сомон қўйиб чиқилгач, у қайнок сув (60—70°) билан 1 кг сомонга 1,5—2 л сув сарфлаб тўйиннунга қадар намланади. Сўнгра тойлар устига 2—3 марта минерал ўғит солинади (100 кг сомонга) 350 г аммиак селитраси, 600 г оддий суперфосфат, 300 г калий селитраси, 200 г магний сульфат, 500 г оҳак.

Азотли ўғитлар берилгач, сомон иссиқлик ажратиб, чирий бошлайди. Тойлардаги ҳарорат 20 см чуқурликда 7—8 кун орасида 50—55° кўтарилади ва 3—4 кун шундай сақланади. Сўнгра ҳарорат пасаяди. Ҳарорат 35—37° га тушганда устига 10—12 см қилиб янги тупроқ солинади. Бу ишни МБЗТ-1,0 машинаси бажаради. 10—12 кундан сўнг сомоннинг ҳарорати 30—32°, тупроқни 22—30° гача пасайганда кўчат экилади ёки уруғ сепилади. Сомондан тупроқ солмай ҳам фойдаланиш мумкин. Помидор икки қатор, бодринг эса бир қатор экилади.

Тойлардаги намлик ўсимликлар гуллагунига қадар 75—80%, мева туғиши вақтида 80—100% (похолнинг қуруқ вазни) бўлиши керак.

Ўсув даврида кўшимча минерал озиқлантириш: биринчиси кўчат экилгандан кейин 10—12 кун ўтгач, кейингилари ҳар 7—10 кундан кейин ўтказилади. Кўшимча озиқлантиришнинг тахминий миқдори: 10 л сувга 7,5 г калийли ва аммиакли селитра солинади. Фосфор ва магнийли ўғитлар солинмайди. Ўсув даврида икки марта таркибида бор, марганец, мис, рух, молибден, кобальт ва юд бўлган илдиздан ташқари озиқлантириш ўтказилади.

Минерал элементлар билан озиқлантиришга бўлган талаб ойда икки марта ўтказиладиган похол субстратининг агрехимик анализи натижаларига кўра аниқланади.

Тошкент Давлат аграр университети маълумотларига кўра похол тойларда сабзавот экинларини ўстириш Ўрта Осиё шароитларида ҳам самаралидир.

Қипиқ ва дараҳт пўстлоқларидан фойдаланиб экин ўстириш. Сабзавот ўстиришнинг бу усулидан ёғочни қайта ишловчи корхоналарга яқин жойлашган хўжаликларда фойдаланилади. Янги қипиқ субстрат сифатида 25—30 см қатламда солиниб, унга 5—6 йил давомида, ҳар йили 10 см қатлам қўшиб фойдаланилади. Янги қипиқда ўстиришда 1000 м² га ўғитлар қўйидаги миқдорда солинади (кг ҳисобида) ёғоч кули — 300, аммиак селитраси — 250, суперфосфат — 200, калимогнезия — 150. Кейинги йилларда

ошган кислоталиликни нейтраллаш учун кулдан ташқари (100 м² га 250 кг) бошқа ўғитлар ишлатилмайды. Қипиқса сув яхшилаб сингдирилгандан сўнг у белгилаб чиқилади. 15 см чуқурликда чуқурчалар қилинади, улар ҳар бир чуқургача 1 л сув ҳисобидан 0,5% мис купороси эритмаси билан ювилади. Ўсув даврида қипиқ субстратидаги ўсимлик қар ҳафтада суюқ минерал ўғитлар билан қўшимча озиқлантириб турилади. Эритма 100 л сувга 250 г аммиак селитраси, 300 г суперфосфат, 200 г калий сульфат, 200 калий магнезия, 0,5 мис, темир, рух, марганец, калий дихромат, алюминийли ачиқтошлар тузлари, 0,25 г аммоний хлорид ва 2 г бор кислотаси ҳисобидан тайёрланади. Қаторлар ўртасига солинадиган эритма сарфи 3—4 л 1 м² га.

Компост қилинган дараҳт пўстлогида сабзавот ўстириш ҳам тахминан худди шундай амалга оширилади.

Шоли шулхасида экин ўстириш. Ўрта Осиёда шоли шулхаси сероб бўлади. Улар кўчат ўстиришда ҳам, сабзавот экинларини ҳосил олиш учун ўстиришда ҳам яхши субстрат хизматини ўтайди. Кўчатларни уруғдан кўкартиришда субстрат қатлами 3—5 см, кўчатни кўчириб ўтқазилгандан кейинги ўстиришда 8—10 см бўлади. Шоли шулхаси солиниётганда намланади ва бир оз зичланади. Унинг ўстидан 5—7 см қалинликда тупроқ қатлами солинади, бу ўзига хос намликни ушловчи тўшак ҳисбланади. Уруғлар ва кўчат бевосита шоли шулхасига ўтказилади. Ўсув даврида қўшимча озиқлантириш режими тупроқ аралашмасида сабзавот етиштиришдаги сингари.

Ўзбекистон Сабзавот-полицизилк ва картошкачилик иммий текшириш институти иссиқхона ва очиқ ерларда шоли шулхасида сабзавот экинларини ўстиришнинг оддий усулини таклиф этган. Бу қуйидаги: чуқурлиги 40 см, эни 90—120 см хандақ, сўнгра ўстидан сув қуйиб намланади, бунда шулха яхшилаб аралаштирилади. Бундай хандақлар очиқ ерга қилинганда улар вақтинча плёнка билан қопланади. Помидорни бу усулда ўстирилганда, унга қўшимча озиқлантириш учун қуйидаги миқдорларда ўғит солинади (10 л эритма 1 м²) (31-жадвал).

31-жадвал

Помидорларни холис субстратда етиштирганда ўғитлаш миқдори (В. Я. Волков, 1965)

Ўғитлар	Эртаги навлари		Эртаги-ўртаги навлари		Ўртаги ва ўртагикечки навлари	
	мева ҳосил бўлгунча	мева ҳосил бўлаётган даврда	мева ҳосил бўлгунча	мева ҳосил бўлаётган даврда	мева ҳосил бўлгунча	мева ҳосил бўлаётган даврда
Аммиак селитраси	14	23	17	20	19	17
Суперфосфат	36	14	20	15	4	15
Калий хлори	17	10	15	8	13	6
Магний сульфати	26	4	20	6	14	7
Жами	93	51	72	49	50	45

Бақлажон, гармдори, бодринг учун ўғитлар миқдори эрта пишар нави билан бир хил. Микроэлементлар күчтөр экилгандан сүнг 10 кун ўтгач, бир-икки шохлар ялпсига гуллаганда ва бир-икки шох ялпи шоналаганда 2 г мис сульфати, 0,2 г темир сульфати, аммоний молибрат, бор кислотаси ва 0,1 г марганец сульфати ҳисобидан берилади. Құшимча озиқлантириштада бир кун олдин ўсимлик сугорилади. Биринчи құшимча озиқлантириш күчтөр экилгандан сүнг 10 кун ўтгач, иккінчиси 10—12 кун кейин ўтказилади.

Контейнерлар ва ионит тупроқда әкін ўстириш. Кейинги иилларда мамлакатимиз ва чет залларда иссиқхона экинларини маңсус субстратли контейнерларда яримгидропон ўстириш бүйіча тажрибалар олиб борилди. Бу усулда ўсимлик илдиз системаси-нинг қуын қисми озиқ әритмаси билан түйинтирилған қатламда, юқори қисм әса ҳаво ва сув яхши ўтадиган ғовак субстратда бўлади. Контейнерлар қайта ишланган полиэтилен плёнка, винитил тўр ва бошқа материаллардан тайёрланади. Контейнер ҳажми ўстириладиган әкінга боғлиқ бўлади. Помидор учун ҳажми 10—15 литрли контейнерлардан фойдаланиб, унга 1—3 та күчтөр экилади.

Субстрат тайёрлашда турли органик компонентлардан фойдаланилади. Агрономика институти контейнерлар учун субстраттинг қуийдаги таркибини ишлаб чиқсан: 1) 60% қуий торф, 20% қишиқ ва 20% гүнг; 2) 50% юқори торф, 20% қуий торф, 15% гүнг ва 15% қипиқ. Бу субстратлар таркибида 70% органик модда бўлганда минерал озиқ элементларининг қуийдаги даражаси тавсия этилади 1 m^2 (100 г мутлақ қуруқ тупроқ): 1-ёш күчтатлар учун (б та шох пайдо бўлгунча). NO_2 — 80, NH_4 — 100, K_2O — 200, P_2O_5 — 60, Mg — 50; 2) Шунга кўра 60, 10, 250, 40 ва 40. Контейнерлар учун саноатда юқори торфдан тайёрланадиган торфли субстратлар (АМБ ТКС—2 тупроқ) ишлаб чиқарилади.


Кейинги вақтларда ўсимлик ўстиришда тупроқнинг ўрнини босувчиларни ишлаб чиқып устида ишлар олиб борилмоқда. Қумоқ-қумоқ асосидаги субстрат — синтетик ион алмашинуви бўлган ионит смолалар ишлаб чиқариш синовидан ўтмоқда. Органик ион алмашинувчилардан таркиб топган сунъий субстрат бир неча мавсумга ўсимликлар учун зарур бўлган, илдизлар томонидан сингдирилганда әритмага айланишга қодир бўлган моддалар билан түйинтирилади. Ионда ўстиришда (ионитопоника) субстрат фақат тоза сув билан сугорилади, ўсимлик ион алмашинуви орқали озиқланади. Уруғ сепиш ва күчтөр экиш, шунингдек парвариш қилиш мураккаб эмас. Ўсимликлар токчаларда, тувакларда ёки бошқа идишларда ўстирилади. Сепиш ва экиш оддий усулда бажарилади. Парвариш қилиш ионит сатхини юмшатиш ва тоза сув билан ҳафтада 2—3 марта сугоришдан иборат бўлади. Ионли тупроқ баргли сабзавот экинлари ва гулларни ўстириш учун қулайдир.

Сабзавотларни нейтрал субстратларда ва субстратсиз ўстириш. Экинларни нейтрал субстратлар ёки субстратларсиз озиқ эритмалари воситасида ўстириш гидропоника (гидро — сув, поника-озиқланиш) дейилади. Гидропон усулининг қуйидаги асосий турлари: экинни сувда ўстириш, аэропоника ва агрегатопоникадан фойдаланилади.

Экин сувда субстратсиз озиқ эритмаларида ўстирилади. Бунда уларнинг илдизлари эритма ичида бўлади. 1 м² майдонга 200—300 л эритма талаб қилинади. Бу усулнинг кенг жорий қилинишига йесёнақайлиги ва фойдаланишнинг мураккаблиги, эритманинг бекарор реакцияси, илдизнинг кислород билан қониқарли таъминланмаслиги тўсқинлик қиласди.

Ҳозирда сувда ўстиришнинг бошқа тури, ўсимликларни айланувчи озиқ эритмасида ўстириш ёки плёнкали гидропоника кенг тарқалмоқда. Бу усулда сабзавотлар озиқ эритмасининг айланиши ёпиқ бўлган плёнкали тарновлар (узунлиги 5—25 м ва эни 20—35 см) да ўстирилади. Илдизни кислород билан таъминлаш мақсадида қатламнинг қалинлиги камайтирилади ва эритманинг ҳаракат тезлиги оширилади, тарнов эни ҳам кенгайтирилади.

Аэропоника — бу субстратсиз ўстириш бўлиб, унда илдиз системаси махсус токчалардаги қоронгулаштирилган ҳаволи бўшлиқда бўлади. Ўсимлик илдизи вақти-вақтида (12—15 минутда) 10—15 секунд давомида автоматик тарзда озиқ эритмаси билан пуркалади (30-расм).



30-расм. Сув ўсимлигининг тузилиши

Аэропоникада субстратларни келтириш, тайёрлаш ва кейинги ишлов беришга эҳтиёж қолмайди қамда ўсимликнинг нематода касаллиги билан зарарланиши истисно қилинади. Аммо бундай ўстириш ҳали етарлича ўрганилмаган ва чекланган ҳолда қўлланилади.

Агрегатопоника — бу экинларни намликтарни унча күп талаб қылмайдыган гранулланган қаттық ноозиқ субстратларида ўстиришдир. Субстрат ва илдиз вақти-вақтида озиқ эритмасига шимдириб турилади.

Агрегатопониканинг бошқа турлари ҳам синовдан ўтмоқда. Бу экинларни минерал пахтадан қилинган түшакларда (қалинлиги 7,5 см, эни 30 см) ва чуқурлиги 15 см ҳовуздаги озиқ эритмаси ўстига қўйилган помистерол плиталардан фойдаланиб ўстиришдир. Қум-шағал ва қум субстратда ўстириладиган экинларни озиқ эритмаси билан субстратригацион сугориш усули ишлаб чиқилган. Ўстидан сугориладиган ариқлар унчалик чуқур бўлмаган ён деворли котлованлардан (чуқурлиги 20 см) қилиниб, унинг оқаваси ва гранит шагалдан дренажи бўлади. Қум-шағалли аралашмадан сув ўтказадиган токчаларни тўлдиришда фойдаланилади. Ўстиришнинг бу усулида сув ўтказмайдиган токча ва поддонлар қилишга эҳтиёж қолмайди, озиқ эритмаларини кўтариб беришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш воситалри талаб этилмайди, меҳнат ва ўғит сарфи камаяди.

Тажриба кўрсатишича агрегатопоникада территориядан оқил фойдаланилади, меҳнат сарфлари кескин камаяди, чунки тупроқдан фойдаланишга алоқадор сермеҳнат жараёнлар (тайёрлаш, ташиб, аралаштириш, алмаштириш ва ўстидан солиш, экишдан олдинги ва қатор ораларига ишлов бериш)га барҳам берилади, ўсимликни парвариш қилиш ишлари (сугориш, озиқлантириш) озиқ эритмаларини автомат тарзда бериш билан алмаштирилади, дезинфекция ва илдиз яшайдиган муҳитни иситиш, бегона ўтларга қарши кураш осонлашади. Гидропоникада ўсимликлар, илдиз системасини сув, минерал озиқ эритмалари ва кислород билан узлуксиз таъминлаш масаласи муваффақиятли ҳал этилади. Бу жараён бошқариладиган жараёнга айланади, бу ўстирилаётган экин катталигини ва сифатини бошқариш имконини беради. Гидропон иссиқхоналарда ишлаб чиқаришнинг санитария-гигиена шартларини таъминлаш осонлашади, чунки бу ерда органик ўғитлар ишлатилмайди.

Тупроқсиз ўстиришнинг бу барча афзаллуклари паст таннархда максимал ҳосил олиш имконини беради. Масалан, Тошкентдаги 1-иссиқхона комбинатида сабзавотлар гидропоника усулида ўстирилганда тупроқда ўстирилгандағига нисбатан ҳосилдорлик 15—20% юқори, меҳнат сарфи 16—30% кам, маҳсулот таннархи 25—40% паст бўлди.

Агрегатопоникани жорий қилиш маҳсус ускуна ва автоматика воситаларини ўрнатиш учун катта маблағларни, бундан ташқари ўсимликларнинг озиқланиши ўстидан мунтазам агрохим назоратни амалга ошириш юқори малакали кадрларни талаб қиласди. Субстрат илдиз инфекцияси билан ялписига касалланишининг олдини олиш учун уни вақти-вақтида ювиш, стерилизация қилиш, илдиз қолдиқлари ва заарли туз қатламларини олиб ташлаш зарур бўлди. Гидропон иссиқхоналарда ўсимлик карбонат ангирид билан сунъий таъминлашни талаб қиласди. Минерал ўғитлар 20 т/га атрофида сарфланади. Шундай бўлсада,

хосилдорликнинг юқорилиги ва меҳнат сарфининг камлиги уларни тупроқли иссиқхоналарга нисбатан рентабеллироқ қиласи.

Ҳозирги кунда сабзавотларни агрегатопоникада ўстириш учун субстратларни жойлаштиришга мўлжалланган темир-бетон токчалар билан жиҳозланган иссиқхоналарнинг қуидаги лойиҳалари тавсия этилади: омборсимон — 810—14, 810—29, 810—31, блокли — 810—70, 810—88.

Субстрат сифатида майдаланганди гранит, шагал, керамзит гранулларининг ҳажми 5—10 мм (70%) ва 25—35 мм (30%) дан, баъзан қум, вермикулит ва полимер материаллардан фойдаланилади. Субстратлар ҳаво намлигини яхши ўтказиши, илдизларнинг бемалол ўтиши, яхши намланиши учун шароит яратиши, химик инерт бўлиши керак. Субстрат кўп йиллар мобайнида хизмат қиласи, шунинг учун улар илдиз қолдиқларидан мунтазам тозаланиб туриши, ҳар йили карбатионнинг 40% ли эритмаси билан дезинфекция қилиниши керак. Туз босгандага уларга кислота ёки ишқорлар билан ишлов берилади, сўнгра ювилади.

Озиқ эритмаларида ўсимлик учун зарур барча макро ва микроэлементлар бўлиши керак. Эритмаларни тузишда экин ва унинг ривожланиш даврига кўра айрим озиқ элементларининг оптимал нисбати ҳисобга олинади. Кўпчилик сабзавот экинлари учун озиқ эритмасининг оптимал концентрацияси 1,2—2,2 г/л ёки 0,12—0,22%, pH — 6,5—6,7 дир. Ҳар хил озиқ эритмаларидан фойдаланилади, аммо энг кўп тарқалгани В. А. Чесноков ва Е. Н. Базирина эритмасидир. Бу эритманинг 1000 литрида (г): калийли селитра — 500, суперфосфат — 500, магний сульфат — 300, аммиак-селитра — 200, темир хлори — 6, бор кислотаси — 0,72, марганец сульфат — 0,45, мис сульфат ва рух сульфат — 0,02 дан болади.

Эритмалар ўсимликларга автоматик тарзда АБТ—4,0613—6, ТГЦ—2000, ДР—0,1, РКПК—4 қурилмалари воситасида берилади. Субстрат эритма билан кунда тўрт марта тепасига 2—3 см етказмай тўлдирилади. Ҳафта давомида эритма концентрацияси 20—25% ўзгартирилади. Шунинг учун унинг таркиби мунтазам агрохимик назоратни талаб қиласи. pHни мунтазам тўғрилаб бориш, асосий озиқ эритмаларини ҳар ҳафтада кимёвий анализ қилиш, етишмаганин тўлдириш ва озиқ эритмасини ойда 1 марта тўлиқ алмаштириш назарда тутилади.

Амалий машғулот

20 - мавзу. Тупроқ аралашмалари ва ўғитга эҳтиёжни аниқлаш

Машғулотнинг мақсади. Ўқувчиларга хўжаликнинг ҳимояланган ер учун тупроқ аралашмалари ва ўғитларга эҳтиёжини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни ўргатиш.

Топшириқлар. Топшириқни ҳар бир ўқувчи мустақил бажаради. Тупроқ аралашмаларига эҳтиёж солинадиган қатлам қалинлигини ҳисобга олиб аниқланади. Бу қатлам уруғдан ўстиришда 10—12 см, кўчириб ўтказилган карам ва гармдори кўчатларини ўстиришда 12—15 см, помидор ва бақлажон учун 15—20 см. Иssiқхонада кўкатлар ўстирилганда тупроқ қатламининг қалинлиги 15—20 см, бодринг ва помидор учун 25—30 см бўлиши керак. Тупроқ аралашмасининг таркиби унинг вазифасига боғлиқ бўлиб, XVII-бобда муфассал баён қилинган.

Ўқувчилар кўчат ўстириш учун тупроқ аралашмаларига эҳтиёжни 32-жадвалда назарда тутилган ҳисоб-китобларни бажариб аниқлайдилар.

32-жадвал

1 га ерга экиладиган кўчатни ўстириш учун тупроқ аралашмасига бўлган эҳтиёжни аниқлаш бўйича ҳисобот

	1 га учун ромларга эҳтиёж, дона	Тупроқ аралашмаси қатлами нинг қалинлиги, см	Тупроқ аралашмасига эҳтиёж, м ²		Тупроқ аралашмаси таркиби, %		1 га ерга эҳтиёж, т		
			1 ромга	1 га ерга	чи-ринди	чим ер	чи-ринди	чим	кум
Парник									
Эртаги карам Эртаги помидор Үртаги помидор Бақлажон Гармдори									
Иssiқхона									
Эртаги карам Эртаги помидор Үртаги помидор Бақлажон Гармдори									

Иssiқхоналарда сабзавотларни ўстириш учун ўғитларга бўлган эҳтиёжни ўқувчилар 33-жадвалда назарда тутилган ҳисоб-китобларни бажариб аниқлайдилар.

Ҳар бир ўқувчи экинлардан бири бўйича топшириқ номерини олади ва у бўйича барча зарур ҳисоб-китобларни бажаради. Топшириқда айтилганлар асосида тупроқдаги минерал озиқ элементларининг таркибини ўқувчилар 29-жадвалдан (18-боб) оладилар ва уларнинг асосий ўғитлашда бериладиган миқдорларини аниқлайдилар. Қўшимча озиқлантиришлар сони экинга кўра 18-бобда баён қилинган тавсиялар асосида аниқланади. Қўшимча

озиқлантиришдаги озиқ миқдорлари 30-жадвалга асосланиб топилади.

1 м² учун озиқ элементларининг умумий миқдори алоҳида қўшимча озиқлантиришларни жамлаб аниқланади. Бунинг учун озиқлар миқдори ўсимлик ривожланишидаги айрим фазаларда қўшимча озиқлантиришлар сонига кўпайтирилади. Олинган кўпайтма озиқ элементига бўлган эҳтиёжни англатади. Айрим фазадаги эҳтиёжларни қўшиб 1 м² учун умумий эҳтиёж аниқланади.

Минерал ўғитларнинг кг/га даги зарур миқдорини аниқлаш учун аввал кг/га даги озиқ элементларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш лозим. Бунинг учун г/м² даги элементларга умумий эҳтиёж 10 га кўпайтирилади (10000 ўрнига 10 га кўпайтириш граммларни килограммларга айлантиришни осонлаштириади) сўнгра элементларга эҳтиёж минерал ўғитларга айлантирилади. Бундай ўтказиш тема (VI-боб)га берилган методик кўрсатмаларга асосланиб қилинади.

Кўчат ўстиришда ўғитларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш мала-каларини мустаҳкамлаш мақсадларида қўйидаги масалаларни ечиш тавсия этилади.

Масала. Агарда қўшимча озиқлантириш бир ёки икки марта ўтказиладиган бўлса 50, 100, 120, 140 ром остида карам, помидор кўчатларини ўстириш учун қанча аммиакли селитра, суперфосфат ва калий тузи талаб қилинади?

Ҳисоб-китобда қўйидагиларга амал қилинади: уруғдан ўстирилган кўчатлар улар заиф бўлса, қўшимча озиқлантириш суғориш вақтида 1 ром учун 10 л сувга 5—10 г аммиакли селитра ҳисобидан ўтказилади. Кўчат кўчириб ўтказилган, у 1—2 қўшимча озиқлантирилади. Қўшимча озиқлантириш суғориш вақтида амалга оширилади. Ҳар бир ромга 10 л эритма берилади. Ўғитлар миқдори карам учун 10 л сувга 5 г аммиак селитраси, 20 г суперфосфат, 20 г хлорли калий, помидор учун биринчи озиқлантиришда 5,40 ва 12 г, иккинчисида 10, 80 ва 40 г дир. Биринчи қўшимча озиқлантириш кўчат қилиб ўтказилгандан сўнг 10 кун ўтгач, иккинчиси биринчидан 10—15 кун кейин ўтказилади. Кўчатлар иссиқхоналарда ўстирилгандага ўғитлар миқдори парниклардаги билан бир хил бўлади, аммо эритма 1,5 м² га 10 л сарфланади.

Фойдаланиладиган асбоблар. Ҳимояланган ер сабзавотчилигига оид плакатлар, маълумотномалар. Ҳисоблаш техникаси, чизгичлар.

19 Боб

ХИМОЯ ҚИЛИНГАН ЕР ИНШООТЛАРИ ВА АГРОТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УМУМИЙ УСУЛЛАРИ

Иншоотлардаги тайёрлов ишлари. Ҳимояланган ер иншоотларида асосий иш бошланишидан олдин у тузатилиши ва дезинфекция қилиниши керак.

Вақтингча плёнкали қопламалар остида сабзавот ва кўчат ўстиришга далага чиқиш имконияти туғилиши билан киришилади. Тупроқни тайёрлаш, уруғ сепиш, экиш очиқ ердаги билан бир хил. Сўнгра каркаслар ўрнатилиб, устидан плёнка ёпилади. УРП—20, бекитиш узслари участкага қисмларга ажратилган қолда 20 каркас икки кўндаланг брусадан иборат ППК—20 мосламаси бўлган ўзиорар шассида олиб келинади.

Парникларни тайёрлаш ромларни тузатишдан бошланади. Кузда синган ойналарни алмаштириб ва тирқишиларни суваб, парник котлованлари совуқлар бошлангунга қадар чиринди ва тупроқдан тозаланади. Тупроқдан такрор фойдаланилганда улар экинлар бўйича ажратилади, бу зааркунанда ва касалликлар тўпланишининг олдини олиш учун зарур. Ўра тозалангандан сўнг кесакиси тузатилади. Фойдаланишдан олдин парникларнинг ички қисмига 0,1% колътен ва 0,5% карбофос қўшилган 2% формалин билан дезинфекция қилинади ва парник бир кечакундаз ёпиб қўйилади. Дезинфекциядан сўнг парник бир сутка шамоллатилади. Парникка 150 г ҳисобидан олтингугурт ёқиб ҳам дезинфекция қилиш мумкин.

Парникка солищдан олдин уюм ҳолатида сақланган гўнг 4—6 кун олдин қизиши учун юмшатилади. Гўнгдан олдин парник тагига 1015 см қатламда қамиш, похол, поя солинади. Қизиган гўнг бир хил қалинликда паншаха билан бир оз зичлаб тарқатилади. Гўнг аввал солингани устидан юрмаслик учун бир чеккадан солинади. Гўнг тезда чўкади, шунинг учун уни кесакнинг юқори қисмигача тўлдириб, солинади.

Гўнг солингандан сўнг ромлар ёпилади. Гўнг чўкиб, қизиганидан сўнг текисланади ва устидан тупроқ солинади. Гўнг сарфи иссиқ парниклар учун 1 ромга 1,2—1,5 м³, ярим иссиқ парниклар учун 0,7—1 м³. Уруғ сепишга мўлжалланган тупроқ парникка 10—12 см қалинликда, кўчат қилиш учун 15—18 см, сабзавот ўстириш учун 15—20 см қалинликда солинади. Гўнг ва тупроқ парникка шундай солиниши керакки, улар чўкканидан сўнг тупроқ билан ром ойнасигача бўлган оралиқ уруғ сепиладиганда 10—12 см, кўчат қилинадиганда 15—18, сабзавот ўстириладиганда 18—25 см бўлсин. Бир ромга тупроқ сарфи уруғ сепиладиганда 0,2—0,25 м³, кўчат қилинадиганда 0,30—0,35, сабзавот ўстириладиганда 0,30—0,40 м³.

Тупроқ солингандан сўнг у қизиши учун ромлар 3—4 кун давомида ёпиб қўйилади. Ўзбекистон шароитида иссиқ парникларда барча тайёрлов ишлари декабрь бошларига тутатилиши керак. Парниклардаги тайёрлов ишларига похол тўшаклар тайёрлаш ҳам киради. Улар МВМ—250 машиналарида тўқилади.

Баҳорги иситимайдиган плёнкали иссиқхоналарни тайёрлаш ердан қор кетгача бошланади. Бунда иссиқхона ичи ва каркаслар тузатилади. Сўнгра иссиқхона плёнка билан ёпилиб, бир неча кун қуритилади ва қуёш нурида иситилади. Сўнгра тупроқ солинади ва ишлов берилади, ариқлар олинади. Тупроқ тўлиқ

музлаганда нематодлар ҳалок бўлади. Тупроқда бошқа заарку-нандалар бўлмаса, ерни дезинфекция қилиш шарт эмас. Агарда ер заарланган бўлса, у кимёвий заарсизлантирилади.

Ойнаванд иссиқхоналарда ойна қўйиш ва каркасни тузатиши ишлари ёзда бажарилади. Бинонинг бетон ва гиштили жойлари оҳак билан оқланади, ёғоч қисмлар бўялади, рухланмаган металл қисмлар занглашга йўл қўймайдиган оч рангларга бўялади. Иссиқхонанинг ифлосланган томи яхшилаб ювилади. Ойналарга махсус таркибли пуркагичлар сепиб, сув узлуксиз келиб турадиган гидроҷетка билан ювилади.

Ёзда қозонхона ва иситиш қурилмалари тузатилади. Тузатилган иситиш қурилмалари икки марта ювилади ва қайноқ сув қўйилади. Бу сув иситиш қурилмаларида иситиш мавсуми бошлангунга қадар қолдирилади. Иссиқхоналарда ёмғирлатувчи қурилма, карбонат ангирид газ берадиган ускуна пухта текширилади ва тузатилади, автоматика ишлари текширилади.

Янги мавсум бошланишидан олдин иссиқхонанинг барча ички деталлари ва ойна илиқ сув билан ювилади, сўнгра бинони дезинфекция қилишга киришилади. Иссиқхонанинг металл қисмлари олтингугурт газининг кемирувчилик ҳаракатидан яхши ҳимояланган бўлса, тутатиш йўли билан дезинфекциялаш мумкин. Барча тирқишлар ва тешиклар яхшилаб бекитилади, инвентарь ва идишлар ичкарига олиб кирилади. Шундан сўнг металл идишларда думалоқ олтингугурт (бинонинг 1 m^3 500—100 ёки олтингугурт шашкаси (26—60 г) ёқилади. Иссиқхона икки кунга яхшилаб беркитилади. Зичликнинг пухта эмаслиги туфайли иссиқхоналарда заарсизлантиришнинг нам усули қулайдир. Тупроқ, барча ички қисмлар, иссиқхона ойналари, инвентарь ва идишлар 0,3% кельтон ва 0,5% карбофос қўшилган 2% ли формалин билан пуркалади. Дезинфекциядан сўнг иссиқхона бир сутка давомида шамоллатилади. Сўнгра тупроқни термик ёки химик заарсизлантиришга киришилади. Дезинфекциядан сўнг ер 25—28 см чуқурликда ҳайдалади ва текисланади.

Ўзбекистонда иссиқхоналарда сабзвотларни ўстириш июнь охирида тугайди. Барча тайёрлов ишлари янгитдан август бошига, иссиқхоналарга сабзвот экинлари уруғларини сепиш ва экишга киришиладиган вақтга тугалланиши керак. Иссиқхоналар ишга туширилишидан олдин органик ва минерал ўғитлар солинади, ер ҳайдалади ёки чопилади.

Ўсимлик ва иншоотларга қарашиб. Уруғлар парник ва иссиқхоналарда парник сеялкалари билан сепилади. Кўчат экишдан олдин ерни 75—80% намлаб $20—30 \text{ л}/\text{м}^2$ нормасида нам тўплаш мақсадларида сугориш ўтказилади. Кўчатлар қўлда олдиндан белгиланган жойларга экилади. Чуқурчалар матигалар билан очилиб уларга илиқ сув ($30—35^\circ\text{C}$) қўйилади. Экишда чуқурчада кўчат баргларини тупроқ босмайдиган даражада ўйилади. Ўсиб кетган кўчат қиялатиб экилади. Тупроқни қисман заарсизлантириш учун айрим хўжаликларда тупроқ мис купоросининг 0,05%

эритмаси билан пуркалади. Күчатлар ТУТ-100 токчали аравачада олиб келинади. Йирик иссиқхоналарда РПШ-4 күчтөн экиш машинасидан фойдаланилади.

Үсимликлар, сепилган уруғларни парваришилаш қўлда ягана-лашдан бошланади. Бодринг қисқич билан яганаланади. Күчтөн қилинган экинларда парваришилаш экишдан 5—6 кун ўтгач кўкармаганлари ўрнига экишдан бошланади.

Ўтоқ қилиш ва ўсимликлар орасидаги тупроқни юмшатиш ишлари қўлда тури асбоблар кўмагида бажарилади. Йирик иссиқхоналарда қаторлар орасига КРСШ-2,8 осма культиваторли Т-16 М ўзи юрар шассисида ишлов берилади.

Парниклар ва иситилган тупроқда ўсимликлар ётқизиб жойлаштирилади. Иссикхоналарда узун пояли экинлар вертикал шпалер ва чизимча билан бошқарилади. 2—2,2 м баландликда 40—50 см оралиқда горизонтал тортилган, параллел тортилган сим қаторлари чизимча учун таянч хизматини ўтайди. Чизимчанинг иккинчи учи ўсимлика боғланади ва поянинг ўсуви учлари чизимчага ўраб қўйилади.

Ўсимликларни парвариш қилишнинг муҳим усули узун пояли ўсимликларга шакл беришдир. У вегетатив ва генератив органлар ўртасидаги нисбатни бошқариш имконини беради. Ҳосилсиз новдалар, бачкилар, сўлиётган ва касал, айниқса пастки эски шохлар олиб ташланади. Ўсимликларни парвариш қилиш, боғлаш, новдаларни олиб ташлаш, ойнаванд томни артиш, блокли иссиқхонадаги бошқа ички ишларни бажаришда кўчма платформа-нарвон ПСП-1,4 дан фойдаланилади.

Бодрингнинг аридан чангланадиган навлари ҳосилдорлигини ошириш учун гуллашидан 3—5 кун олдин иссиқхонага асалари уялари қўйилади (1000 m^2 га бир асалари оиласи). Асаларилар олдиндан бодрингнинг эркак ва урғочи гули бўлган шакар шарбати билан озиқлантирилади.

Парник ва кичик иссиқхоналарда экинлар водопроводдан учлик шланг билан сугорилади. Сугориладиган жой кичик бўлса, лейкадан фойдаланилади. Йирик иссиқхоналарда қўшимча озиқлантириш, заҳарли химикатлар билан ишлов беришда ҳам фойдаланиладиган стационар ёмғирлатиш қурилмалари ўрнатилади.

Ўсимликларни заараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш системаси. Ҳимояланган ерда қулай микроиқлим шароитларининг яратилиши заараркунанда ва касалликларнинг оммавий кўпайишига ёрдам беради. Уларнинг заарарини профилактика, агротехника, кимёвий ва биологик кураш усуllibарини ўз вақтида қўллаб бартараф этиш мумкин.

Профилактика тадбирлари:

- 1) ўстириш иншоотлари, ҳосил йиғилгандан кейин қолган ўсимлик қолдиқлари, инвентарь, идиш, ускуна ва транспорт воситаларини кузги-қишики заарарсизлантириш;
- 2) озиқланиш тувакларини тайёрлашда ишлатиладиган тупроқ ва аралашмаларни буф билан стерилизация қилиш;
- 3) уруғларни термик ва кимёвий усулда заарарсизлантириш;

4) кўчатларни яхшилаб саралаш, касаллик нишонаси борларини чиқитга чиқариш; 5) иссиқхонада ёт гулли ўсимликларни сақлашни ва иссиқхона яқинида итузумдошлар ҳамда қовоқдош сабзавот экинларини экишини тақиқлаш; 6) ҳар бир иссиқхонага кираверишда хлорли оҳак, мис купороси ёки ош тузи эритмасига шимдирилган тутамалар солиш; 7) иссиқхонага ёт кишиларнинг киришини тақиқлаш; 8) инвентарь, шунингдек маҳсус уст ва оёқ кийимни бириктиришни ўз ичига олади.

Агротехник тадбирлар: 1) ўсимликнинг зааркунанда ва касалликларга чидамлилнгини оширишни таъминловчи қулай миқроиқлимни яратишни; 2) ўстириш технологиясининг барча элементларини ўз вақтида қўллашни; 3) балансланган озиқланиш системасини таъминлашни назарда тутади.

Курашнинг кимёвий усусларидан профилактика учун ҳам, ўсув даврида касаллик ва зааркунандаларни қириш воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Қўшалоқ иссиқхоналарда ўсимликларни заҳарли химикатлар билан пуркашга мўлжалланган стационар ускуналар назарда тутилади. У эритмаларни тайёрлаш, эритма узели, плунжер, насос, шланглар ва жўмракларга эга бўлган химикатларни тарқатувчи трубопроводли унификация қилинган қурилмадир. Катта бўлмаган жойларга яrim автомат кўчма пуркагичлар билан ишлов берилади.

Кейинги йилларда иссиқхона сабзавотчилигига атроф муҳитни тоза сақлаш ва маҳсулотни заҳарли химикатлар қолдиқларисиз олишини таъминлайдиган биологик метод кенг тарқалмоқда.

Ҳосилни йиғиштириш ва ундан кейинги ишлар. Бодринг ва помидор ҳосилини йиғиштиришда кўчат ҳамда тайёр маҳсулотни ташишга мўлжалланган ТУТ—100 аравачаларидан фойдаланилади. Аравачада секция ичиди иситиш — транспорт системаси бўйича ҳаракатлантирилади. Ҳосил уч усулда: 1) аввал бир қатордагиси, қайтишда иккинчи қатордагиси терилади; 2) иккала қатордагиси, қайтганда қолганлари олинади; 3) қайтишда иккила қатордагиси терилади. Иккала қатордаги ҳосил йиғиб олингач, аравача регистрлардан бетон йўлкага олиб чиқилади. Аравачанинг дастаги юқори ҳолатга кўтарилиди ва у ҳосил тўпланадиган жойга олиб борилади.

Ўсимликларнинг юқори қисмидаги ҳосилни ПСП-1/4 платформа нарвонда териш қулай. Платформа қўл узатмаси ёрдамида узунасига иситиш — транспорт трубалари бўйича шпалерлар бўйлаб ҳаракат қиласи. Ишчи платформа майдончасида тиргак тепасидаги дастакни ушлаб туради ва ҳаракат механизми дастагини айлантириб, қаторлар бўйлаб ҳаракат қиласи, у ҳосилни йиғиши учун тўхтайди.

Навларга ажратиш одатда ҳосилни йиғишда амалга оширилади. Аравачада яшиклар икки қават қилиб жойланади. Юқоридагисига — стандарт, пасткисига — майда, ностандарт ҳосил солинади. Йигилган ҳосилли яшиклар қаторлар орасидан олиб чиқилади ва стандарт ёғоч тагликларга қўйилади. Яшикли тагликлар ПУТ-0,7

трактор юк күтәргиши ёки ЭП-101 электр юклагиши вилкаларидан ташылади. Тагликлар (поддон) тарозуда тортилади ва майдончага қўйилади. Парник ва плёнкали иссиқхоналарда бодринг, помидор ҳосили қўлда терилади.

Редиска, бош ўрайдиган салат саралаб терилади ва боғларга боғланади. Қолган кўқатлар бир вақтда йигиштирилади. Барглилар йигиштирилиши билан илдизи ёки бандини пастга қилиб яшик ёки саватларга қатор қилиб тахланади.

Ҳимояланган ер сабзавотлари дарҳол истеъмолга жўнатилади, улар узоқ муддат сақланмайди. Қисқа муддат сақлаш учун иссиқхона комбинатларда сунъий совитиладиган омборхона ва пишмаган сабзавотларни етилтириш камсралари бўлади.

Сўнгги ҳосил йигиб олиниши билан, заараркунандалар ҳали ўсимликда бўлган вақтда дезинфекция ўtkазилади. Бодринг ўсимлиги заараркунанда ва касалликлар комплексига қарши 1% кельтан, 30% эмульсия концентрати, акрекс аралашмасига 0,2% фосфомид, 0,2% ДДВФ ни қўшиб, помидор ўсимлиги — ценеб (0,25%), фосфомид (0,2%) ва акрекс (0,2%) аралашмаси билан пуркалади.

Ўсимлик қолдиқлари олиб ташлангач, илдиз системаси галлавой наметодлари билан заарарланганикка яхшилаб текширилади. Шпалерлар ўсимлик гажаклари ва шпагат қолдиқларидан газ горелкалари кўмагида холос қилинади. Шундан сўнг дезинфекция тақрорланади.

Парник ромлари олинади, тузатилади, қайишмаслиги учун брусл тўшамага тахланади. Улар сарой ёки шийпонда сақланади. Тўшаклар қуритиб, сичқонларни қочириш учун заҳарли хими катлар билан ишлов берилгач, шийпонда сақланади.

Плёнка ёпишга эҳтиёж қолмаган вақтда иссиқхона ва тоннеллардан плёнка ва ёйлар йигиштириб олинади. Келгуси мавсум учун яроқлилари ғалтакка ўралади ва бинода сақланади. Чорқирра плёнкали ёпкичлар каркаслари лойдан тозаланади, қуритилади ва сақлаш учун шийпонга тахлаб қўйилади. Иситилган ср участкасининг територияси келгуси йилга куздан бошлаб тайёрланади. Участка ўсимлик қолдиқларидан тозаланади, ўғит солинади, шудгор қилиб ҳайдалади. Биологик иситиладиган иншоотлардаги чириндили тупроқ аралашмалари олиб ташланади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш. Ҳозирги кунда ҳимояланган ер иншоотларидаги тупроқни тайёрлаш ва алмаштириш, тувакларни тайёрлаш, уруғ сепиш, сугориш, қўшимча озиқлантириш, заараркунанда ва касалликларга қарши кураш, ҳосилни ташишга оид ишларнинг кўп қисми механизациялаштирилган. Меҳнатни кўп талаб қиласидиган ишларда Д-535, Д-565, Д-579 бульдозерлари, ПЭ-0,8Б юкловчи экскаватор, Э-1514 экскаватори, ПФП-0,8Б универсал ташлама юклагич, Т-16МТ ўзиюрар шасси, Т-25А, Т-54В, "Универсал" 445, МТ-25/30Т тракторларидан фойдаланилади.

СТМ-В-30 қоришигичи тупроқ қоришималарини, ШГГ/10 дастгоҳи күчатлар учун туваклар тайёрашга хизмат қилади. Гидроторфорф усулида туваклар тайёрашда ТП-5-30 транспортер-эловчи ва ГВД-44 тебранма тувак бергичли СТТ-3,0 қоришигичидан фойдаланилади.

Иссиқхона ерини текислаш ва қаттиқ ерларни тозалашда БН-1,4У бульдозери, тупроқта ишлов беришда МПТ-1,2 машинаси, ФС-0,7А фрезаси, ФТ-1,5 иссиқхона фрезаси ёки ЭМ-12А электр матигаси ишлатилади. Уруғ СПО-22, ПРСМ-7, СОП-43 сеялкалари билан сепилади. Үсимлик зааркунанда ва касаллик-ларига қарши курашда, иссиқхона ва парникларни дезинфекциялашда, қоронғилатиш мақсадларида ойнага әритма сепишда ОЗГ-120А пуркагичидан фойдаланилади.

Үсимлик түп-түп заарланганда құл осма пуркагичлари ОРР-1, "Эра ОРВ-1", "Ветерок" пуркагичлари ишлатилади. Үсимликлар ГСП-90 ёки НСП-960 күчма насос станциялари күмегида құшым-ча озиқлантирилади.

Хавони карбонат ангирид гази билан бойитадиган турли машина ва мосламалар (ЭРА-15-Н, генератор ГН-7,5) күчатларни құшымча әритадиган ОТК-250 ускунаси, помидор гулларини чанглатувчи ОЦТ-65 күчма чанглатгичи, күк пиәзни қирқұвчи СОП-2,5 дастгоҳи яратылған.

Плёнкалы иссиқхоналарда күчатларни ўстиришга мүлжаллаб ишлаб чиқарылған машиналар комплексларидан фойдаланиш амалдаги механизация воситаларидан фойдаланилғанға күра меңнат сарфини 1 минг дона күчатта 4,7 дан 1,2 киши соаттага камайтиради. Бу комплексге минерал ўғитларни сочувчи (РТТ), гербициздларни берувчи пуркагич (ОН-200 ЭР) фреза ФТ-1,8, вакуум роторли сеялка (СВР), күчат қатор ораларига ишлов берувчи роторли культиватор (КРС-1,8), күчатнинг ўсіб кетған шохларини қирқұвчи (НСР-1,8) киради.

Замонавий иссиқхоналарда күргина технологик жараёнлар автоматлашған. Бошқариш станцияси ҳаво қароратини (берила-ёттан иссиқлик даражасини ўлчаб, форточкаларни очиб ва епіб) тупроқ остидан иситиши, сугориши ва намлаш сувлари қароратини, әртишни ва шу кабиларни автоматик бошқаради.

Бу машина ва ускуналарни құллаш меңнат унумдорлиги, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш имконини беради.

20 Боб

ОЧИҚ ЕР УЧУН КҮЧАТ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Күчат етиштиришнинг аҳамияти. Күчат — доимий ўсиш жойи-га күчириб ўтказыши мүлжалланған, ҳосил берувчи органлари ҳали шаклланмаган ёш үсимликдир. Күчат иссиқлик режими уни далага ёкиш имконини бергунга қадар ҳимояланған ерда ўстирилади. Күчат

методи — бу ўстиришнинг махсус усули бўлиб, унда ўсимлик аввал махсус ажратилган жойда ўстирилиб, сўнгра далага ёки ҳимояланган ерга экиласди. Кўчат қилиб экиласдиган ўсимлик очиқ ердаги сабзавот экинларининг ярмидан кўпини ва ҳимояланган ердагиларни 109 процентини ташкил қиласди. Мамлакатда йилига 25 млрд, кўчат етиштирилади.

Кўчат методи вегетация охирида катта озиқ майдони талаб қиласдиган экинлар ва маҳсулотни эрта олиш зарур бўлганда рационалдир.

Кўчат методи уруғларни ерга экишга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Кўчат одатда 30—80 кун ўстирилади. Ўсимлик ривожланишидаги эришилган илгарилаш эртанги ҳосил олиш имконини беради. Эртанги ҳосилни юқорироқ баҳоларда сотиш қўшимча даромад олишни таъминлайди. Илгарилаш туфайли кўчат методи вегетация даврини чўзиш имконини беради. Бу ўсимликлар ҳосилдорлигини оширади, ўсимликнинг вегетация даври унчалик давомли бўлмаган иссиқликка талабини суриш имконини беради. Уруғ экилганда уларнинг ҳосили шаклланиб улгурмайди.

Кўчат методи ўсимлик ҳаётининг бошларида эрта эҳтиёжини камайтиради. Кўчат тайёрлашда майдон бирлигига кўп миқдорда ўсимликларни ўстириб, ўсимликни озиқ, намлик, иссиқлик, ёргулик ва бошқа омиллар билан яхшироқ таъминлаш, ҳали заиф ниҳодларни зараркунандалар, касаликлар, бегона ўтлардан яхшироқ ҳимоя қилиш, уларга қарши курашда меҳнат сарфини камайтириш мумкин. Кўчат методида уруг сарфи доимий жойга экилгандан кўра 3—7 марта камаяди.

Ўзбекистонда кўчат методи ўсимликни ўстириш даврининг қисқариши туфайли карамни бир жойга икки марта, помидорнинг тезпишар навларини эса такрор экин сифатида экиш имкони яратилади.

Аммо кўчат ўстириш иншоотларини қуриш ва ўстиришга алоқадор кўп меҳнат сарфларини талаб қиласди. 1000 дона кўчатнинг таннархи жуда юқори: кўчатхоналарда 2—3 сўм, иситилган ерда — 3—5 сўм, иссиқхоналарда 6—10 сўм, парникларда 15—20 сўм. Кўчатни экишда илдиз системасининг кучли зарарланиши унинг ўсиши ҳамда ривожланишига салбий таъсир этади. Бундай ҳолда ўсимликнинг нисбатан чуқур бўлмаган илдиз системаси ўқилдизиз ривожланади, бунда ўсимликнинг ноқулай шароит ва касаликлар, айниқса вируслиларга чидамлилиги камаяди.

Таннархининг юқорилигига қарамай кўчат методи иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди, сабзавотчиликда кенг қўлланилади. Айрим ҳолларда эса бу методсиз иш юрмайди. Ўстиришнинг кўчатли ёки кўчатсиз методини, кўчат етиштириш усул ва техникасини мулоҳазали танлаш сабзавотчилик иқтисодиётидаги муҳим аҳамиятга эга.

Сабзавотчиликда кўчатдан ўстирилган ўсимликларни кўчатсиз усулда ўстирилган худди шундай ўсимликларга нисбатан ўсиш ва ривожланишда олдин кетиши илгарилаш дейилади. Илгари-

лашни ўсимликнинг доимий ўсиш жойига экилган вақтдан бошлаб белгиланадиган ёки унишидан экилишига қадар ўтган кунлар ёки ҳақиқий баргларининг сонига кўра ифодаланадиган ёши билан аралаштираслик керак. Илгарилашни кўчат қилиб экилиб доимий жойида илдиз отган ўсимликни худди шу тур ва навдаги кўчatsиз усулда ўстирилган ўсимлик билан қиёслаб фикр юритлади. Илгарилашни экилган ёки сепилган кундан то ҳосилни биринчи йигишгача ўтган кунлар сонига кўра баҳолаган маъкул. Илгарилашнинг давомийлиги доимо кўчат ёшининг давомийлигидан кам бўлади, чунки кўчат қилинмаган экинлар яхши ёритилган шароитларда ривожланади, илдиз системаси зааралланмайди, очиқ ер шароитларига яхши мосланган бўлади.

Сабзавот экинларининг кўчатлари ўстириш моддий ва технологиясига кўра эртанги (эртанги бошли ва гул карам, эртанги помидор), ўртаги (карам, бодринг, полиз экинлари, помидор, бақлажон, гармдори), кечки (карам, такрор экин сифатида помидорнинг тезпишар навлари) бўлади. Эртанги кўчатлар иссиқ парник ва иситиладиган иссиқхоналарда, ўрта кўчатлар яrimиссиқ парник ва плёнкали иситилмайдиган ёки авария ҳолатидаги иссиқхонларда, кечкилар-очиқ ерда етиштирилади.

Яқин кунларгача кўчатлар асосан парник ва кўчатхоналарда биологик иситиш асосида етиштирилган. Ҳозирги кунда очиқ ер учун кўчат етиштириш саноат асосига кўчирилган. Ихтисослашган сабзавотчилик хўжаликларида аввал кўчат, кейин сабзавот ўстириледиган иссиқхона (асосан плёнкали), плёнкали ҳимоя қилинган жой, совуқ кўчатхонадан ташкил топувчи кўчат-сабзавот комплекслари бор. Плёнкали иссиқхоналарда етиштирилган кўчатларнинг таннархи парникдагиларга нисбатан 30—50 процент арzon, меҳнат шароитлари яхшироқ бўлади. Кўчат етиштирувчи иссиқхоналар кўчатларни экишдан олдин чиниқтирадиган шароитга эга бўлиши керак.


Ўстириш усуллари. Кўчат икки хил: кўчириб ўтказиб ёки кўчириб ўтказмай ўстирилади. Кўчириб ўтказиши ўстиришда уруғ қалин қилиб сепилади ва тўлиқ шаклланган уруғ паллали ёки ҳақиқий 1—2 баргли ўсимлик майдони катта бўлган иншоот ерига озуқа кубик ёки тувакларига экиласди. Бундай экиш, ёш майсани кўчириб ўтказиш, пикировка (рассад қилиш) ёш кўчириб ўтказиладиган майса, уларни зич экилган жойи майсазор дейилади. Кўчатни олдиндан белгилаб чиқилган қозиқча, тишли маркер солинган жойга экиласди, бундай усулда кўчат ўстиришда меҳнат сарфи 1,2—1,5 марта ортади. Кўчат қилиш кўчатларни тайёрлаш даврида (2—3 ҳафта) майдонни танлаш, заиф ва касалланган ўсимликларни брак қилиш илдиз системасининг шаклланишига ёрдам беради. Бу усул билан кўпинча эртанги экинлар кўчатлари ўстирилади.

Агарда кўчат уруғни сепмай ўстириледиган бўлса, уруғлар бевосита ерга ёки тувакка экилиб, зарур озиқ моддаси билан бирваракайига таъминланади. Ўрта ва кечки экинлар, шунингдек қовоқдошлар кўчатлари уруғини алоҳида-алоҳида экиласди.

Кўчат ўстиришнинг асосий усули бор: туваксиз ва тувакли. Туваксиз ўстиришда уруғларни экиш ёки пикировка қилиш бевосита иншоот ерида амалга оширилади. Кўчатни туваксиз ўстириш осон ва арzon. Аммо кўчириб олишда илдизнинг кўп қисми тупроқда қолиб кетади ва бошқа ерга экилганда у тутиш ва ўсишда кечикади. Кўчатни туваксиз ўстиришда уруғлар плёнкали иссиқхона еридаги пушталарга турли парник сеялкалари билан экилади. Секциясининг эни 6 метрли иссиқхоналарда эни 1,6 м дан учта пушта олинади, 0,4 м дан иккита йўлка қилинади ёки эни 2,5 метрдан иккита пушта қилиб, ўртасидан йўлка ўтказилади.

Кўчат кўчириб ўтказилмайдиган ҳолларда уруғ сийрак сепилади, униб чиққан ўсимлик далага экиладиган вақтгача шу ерда қолади.

Тувакли кўчат озиқли кубиклар ёки 5,6, 8,10 см ҳажмли тувакларда ўстирилади. Озиқ кубиклари компонентларнинг мавжудлигига кўра таркибдаги озиқ аралашмаларидан тайёрланади. Уларни ИГТ-9 М ва ИГТ-10 дастгоҳларида пресс slab, шунингдек суваш ёки гидроторф усулида тайёрланади. Заводлар торфблоклари (плиталари) ва брикетлар (таблетка тарзидаги дисклар) ишлаб чиқармоқда. Кўчатлар доимий жойига озиқ кубиги билан бирга экилади. Туваклар ичи бўш идиш бўлиб, озиқ кубиклари учун қўлланиладиган аралашма билан, аммо мол гўнгини қўшмай тўлдирилади. Туваклар турли илдиз тешиб ўтадиган ва ўтмайдиган материаллардан тайёрланади (31-расм).



31-расм. Озиқ тувакчалари. 1.2 — пластмассадан ясалган тувакча (озиқ модда билан тўлдирилгани ва ичи бўши). 3. Торфдан ясалган (озиқ модда билан тўлдирилган) тувакчалар

Торф саноати юқори торф ва целлюлоза аралашмасидан далага экилгандан кейин маълум муддатдан сўнг ўз хусусиятини йўқотадиган елимловчи моддалар қўшилган ичи бўш туваклар ишлаб чиқаради. Бундай туваклар стаканлар ёки уячали блоклар кўринишида бўлиб, тупроқда тез парчаланади ва илдиз учун тўсиқ бўлолмайди. Чет элларда бундай туваклар қофоз ва пластмассанинг маҳсус турларидан тайёрланиб, улар кўчат даладаги доимий жойига экилгандан сўнг осон парчаланиб кетади. Кўчатни паперпот қофоз тувакларида ишлаб чиқарадиган автомат линияси алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу линияда тувакларни субстрат билан тўлдириш ва уни зичлаш, ургуни экиш ва устидан ёпиш учун 1 минг дона кўчатга ҳаммаси 0,16 одам-соат сарфланади.

Қўлда экилгандан кўчат ўстириш учун баъзан полиэтилен қопча ва полимер материаллардан тайёрланган туваклардан фойдаланилади. Лоток ёки кассета тарзидаги қаттиқ пластмассадан тайёрланган ячейкали блоклардан (40—70 ячейка) фойдаланилади. Экишда улардаги кўчатлар тупроғи билан олинади.

Тувакли кўчат кучлироқ илдиз системасига эга бўлиб, буни у экишда тўлиқ сақлайди, экилган кўчат тувакдаги озиқ моддалари ҳисобига бойийди. Тувакли кўчат ўсишда тўсиқнинг йўқлиги туфайли 12—14 кун олдин ҳосил олиш имконини беради. Ҳосилдорлик бунда 20—30 процента ортади. Тувакда кўчатлар одатда ҳосилни эртароқ олиш учун ёки кўчат қилишда яхши тутмайдиган қовоқдош экинлар экиласди.

Ленинград сабзавотчилари кўчат ўстиришнинг контейнер усулидан фойдаланадилар. 40x30x7 см ўлчамдаги яшиклар контейнер хизматини ўтайди. Контеинерларга 40 дона диаметри 5,5—6 см кубиклар қўйилади, ёки кейин кубиклар қирқиб олиш учун пульпа қўйилади. Яшиклар иссиқхона ерига зич қилиб қўйиб чиқилади. Кўчатли контейнерлар экишдан 7—10 кун олдин чиниқтириш учун иссиқхонадан олиб чиқилади. Иншоот кўчатлардан 7—10 кун олдин бўшатилади. Демак ўз вақтида иккинчи экиладиган экинларни экишга киришиш мумкин. Кўчатларни саралаш ва ташиш соддалашади. Кўчатлар далага олиб борилганда эзилмайди, шунда илдизлар яхши сақланади. Бундан ташқари кўчатлар экишда мажбурий тўхташлар натижасида сўлиб қолмайди.

Кейинги йилларда кўчатни плёнкага экишдан фойдаланилмоқда. Одатда тупроқ аралашмаси ёки озиқ кубикларда ўстириладиган кўчатлар илдизлари ерга тез кириб кетади, танлаб олишда эса улардан бир қисми узилади. Агарда тупроқ аралашмаси ёки озиқ кубиклари остига плёнка ёзиб қўйилса, кўчат қувватлироқ ва ихчамроқ илдиз системасини ҳосил қиласди, кўчириб олаётганда илдиз системаси узилиб қолмайди ва экилгандан кейин тезроқ тутади, ривожланишидаги илгарилашни яхшироқ сақлайди.

Кўчат ўстиришнинг умумий ҳоидалари. Очиқ ер учун сабзавот экинларининг кўчатлари барча иншоотларда ўстирилади.

Кўчатни саноат асосида етиштириш вазифа ва усулларига кўпроқ плёнкали иссиқхона ҳамда кўчатхоналар мос келади. Шамоллатиш ва чиниқтириш етарли бўлса кўчатлар плёнкали иссиқхоналарда тезроқ ривожланади, уларни парникларда ўстирилгандан кўра 10—12 кун олдинроқ экиш мумкин. У очиқ ерга экилганда чидамлироқ ҳамдир.

1 га очиқ ерда кўчат ўстириш учун (55—60 минг дона) 150—200 м² плёнкали иссиқхона зарур. 1 га плёнкали иссиқхонага 10 см қатламда тупроқ аралашмаси солиш учун 1000 м³ талаб қилинади. 1 м² дан 2500—3000 дона уруғдан сепилган кўчат чиқади, озиқ майдонига кўра кўчатнинг чиқиши 100—600 дона.

Кўчат ўстиришда субстрат сифатига катта аҳамият берилади. Унинг физик таркиби енгил, ҳаво ва намлик ўтадиган, pH нейтралга яқин, зааркунанда ва касалликлардан холи бўлиши керак. Субстрат таркибida 40 процентли органик модда, 10—15 процент чиринди, зичлиги 0,8—1,0 г/см³, намлиги 70—75% НВ, говаклиги 58—61%, бўлиши керак. Озиқ моддаларининг миқдори 100 граммга: азот — 15—25, фосфор 20—30, калий 20—35 мг бўлиши керак. Тузларнинг умумий тўпланиши 0,9—1,7%, хлор 0,007%.

Ўзбекистонда кўчат юқори сифатли ер: дала тупроғи (40 процент) чиринди (40 процент), қипиқ шелухаси ёки қумдан (20 процент) иборат ерда ўстирилади.

Дастлабки компостглашда тупроқ ва чиринди миқдорини камайтириб, юмшатувчи материалларни 40 процентга олиш мумкин. 1 м³ аралашмага ўйтларнинг қўйидаги миқдори киритилиши лозим: амиак селитраси — 300, қўш суперфосфат — 40, аммоний сульфат — 400, калий сульфат — 400—500, мис купороси — 1,5, аммоний молибден — 3, марганец сульфид — 2,25, натрий сульфат — 0,7, рух сульфати — 0,7.

Бегона ўтларга қарши курашда кўчат пикировкасиз ўстирилганда экишдан олдин 5—7 см чуқурликда қўйидаги гербциздлардан бири солинади (кг)га: трефлан — 0,5—0,75, тилам — 4, дифенамид — 6.

Тувакларни дорилашда аралашмага ёпишириувчи модда сифатида 5% суюқ мол гўнги солинади. Экилган уруғли пикировка қилинган кўчатлар туваклар ўрнатилгандан сўнг улар орасидаги бўш жой шу аралашма билан тўлдирилади.

Кўчатнинг ўсишидаги илгарилаши ва таннархига уругни сепишдан ниҳоллар пайдо бўлгунга қадар ўтган вақтни қисқартириш таъсир этади. Шунинг учун уруғларни намлаш, ундириш ва чиниқтиришга катта аҳамият берилади. Чиниқтириш айниқса кўчат очиқ кўчатхона ва плёнкали иншоотларда ўстирилганда самаралидир. Уруғ олдиндан йирик ва ўрта фракцияга ажратилиди, майдаси брак қилинади (15—20% атрофида). Сўнгра улар зааркунанда ва замбуруғ спиралларини ўлдириш учун қиздирилади. Бу мақсадда сутка давомида 25—30°C да 3—3,5 соат қиздирилади. Агарда уруғлар устида касаллик қўзғовчилар ва зааркундалар йўқ бўлса улар қиздирилмайди, касалланишининг

Иссиқхоналарда етиштирилган сабзавотларнинг озиқ моддаларга бўлган талабини ҳисоблаш

Экин	Топ-шириқ номе-ри	1 кг тупроқда элемент миқдо-ри, мг			Асосий ўғитлаш, г/м ²			Қўшимча озиқлантириш															
					Ҳосил бериш давригача			Ҳосил бериш вақти-да			Жами талаб қилинади			Талаб қилинади									
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	Қў-шим-ча озиқ-лан-ти-риш сони	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	Озиқ лан-ти-риш сони	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	ам-ми-ак се-ли-раси	Су-пер-фос-фат	Ка-лий тузи		
Бодринг	1	80	25	100																			
	2	130	35	300																			
	3	160	60	600																			
	4	220	80	630																			
	5	270	100	720																			
	6	420	130	800																			
Помидор	1	90	20	160																			
	2	140	30	400																			
	3	180	40	650																			
	4	240	50	670																			
	5	210	70	750																			
	6	260	70	780																			

олдини олиш учун улар 80 процентли ТМДТ кукуни (1 кг уругга 6—8 г) ёки фентиурамнинг 65%ли кукуни (1 кг уругга 3—4 г) билан пуркалади. Уруғлар вирусли инфекцияга қарши махсус экишдан олдинги тайёргарликдан ўтказилади.

Ҳажмга кўра экиш қўлда ёки сеялкаларда бажарилади. Қўлда экилганда уруғлар сочиб ёки қаторлаб экилади. Қаторлаб экилганда тупроқ текисланади ва бир оз зичланади. Сўнгра маркер билан чуқурлиги 1—1,5 см ариқча олинади. Мана шу ариқчага бир-биридан 1—1,5 см оралиқда уруғлар ташлаб чиқилади. Уруғларнинг усти ғалвир орқали озиқ аралашмасини ўтказиб 0,5—1 см қалинликда ёпилади. Маркер тагига экилганда уларни хаскашнинг орқа томони билан бекитиш мумкин. Кўчатлар очиқ ер учун ўстирилганда уруғларни экиш муддатлари уни далага экиш муддати, ўстиришнинг давомийлиги, фойдаланиладиган иншоот турига кўра аниқланади. Плёнкали иссиқхоналарда ўстириш учнчалик узоқ давом этмаслиги туфайли уруғлар 10—12 кун кейинроқ экилади. Уруғларни экиш миқдори уруғнинг йириклиги, ўсимликнинг озиқланиш майдони ва ўстириш усулига боғлиқ бўлади (34-жадвал).

Кўчатларни ўстириш технологияси фақат соғлом эмас, балки чиниқкан, очиқ ер шароитларига тайёrlанган кўчатларнинг олинишини таъминлаши керак.

Кўчат даврида иссиққа талабчанлигига кўра сабзавот экинлари уч гуруҳга ажратилади: совуққа чидамли — кундузги оптимал ҳарорат қўёшли кунда 14—18°, булутли кунда 12—16°, кечаси 6—10°. Иссиққа кам талабчан барча қарам турларининг иссиққа талаби мўътадиллар (кўк пиёс, салат, сельдерей, лавлаги), қўёшли кундаги оптимал ҳарорат 16—18° атрофида, булутли кунда 15—16°, кечаси 12—14°. Иссиқсевар (помидор, бодринг, бақлажон, полиз экинлари) помидор учун оптимал ҳарорат қўёшли кунда 20—24°, булутли кунда 16—18°, кечаси 10—12°, гармдори ва бақлажон — қўёшли кунда 22—28°, булутли кунда 18—20°, кечаси 16—19°, бодринг ва қовоқдошлар — кундузи 22—25°, кечаси 20—22°, полиз экинлари учун 2—3° юқори.

34-жадвал

Очиқ ер учун кўчат стиштиришда уруғ экиш миқдори, озиқ майдони, ўстиришнинг давомийлиги ва яроқли кўчатнинг чиқиши

Қарам	Экиш миқдори		озиқ майдони, см	кўчат ўстиришнинг давомий. кун	яроқли кўчатнинг чиқиши, дона/м ²
	пикировкали	пикировкасиз			
бош қарам эртangi ва гулли ўртangi бош қарам кечки бош қарам	12—15 — 12—15	3—5 1,5—20 4—5	6x6 7x7 5x5	45—60 35—45 40—45	200—250 250—320 250—200
помидор гармдори бодринг	8—10 10—12	1—1,5 4—5 4—5	6x6 8x8 5x5	60—65 55—60 20—25	100—125 150—170 150—160

Күчат ўстириш учун келтирилган ҳарорат режими доимий эмас. Күчат ўстириш жараёнида у ўзгариши мумкин. Масалан, әкілгандан сүңг ниҳоллар тез ва қийғос униб чиқиши учун биринчи, иккінчи гурух ўсимліклари ва помидор учун ҳарорат 20—25°C атрофида, гармдори, бақлажон ва қовоқдошлар учун 25—30°C атрофида бўлади. Ниҳоллар пайдо бўлгач, улар бўйига чўзилиб кетмаслиги учун ҳарорат 6—10°C га пасайтирилади, карам учун 12—15°C, итузумдошлар ва қовоқдошлар учун 15—17°C даражасида 4—7 кун сақланади. Ҳарорат шунингдек кўчат экилишидан 10—15 кун олдин чиниқтириш мақсадларида ҳам пасайтирилади: совукқа чидамлилар учун 6—8°C гача, иссиқтабалларга 12—14°C гача, полиз экинлари учун 16—18°C гача. Экишдан бир неча кун олдин қоплама аввал кундуз куни, сўнгра кечасига тўлиқ олинади.

Кўчат ўстиришда ёруғлик яхши ўтиши учун қоплама тоза ҳолда бўлиши керак. Табиий ёритилиш сифати ва интенсивлиги етарли бўлиши керак, аммо баъзан қўшимчя ёритиш фойдалидир.

Кўчат сифатига субстратнинг намлик режими таъсир этади. Ниҳоллар ялписига пайдо бўлган даврдан кўчатни чиниқтиришгача субстратдаги оптималь суғориш олди намлиги карам учун 55—65% НВ, помидор учун 55—60% НВ га tengdir. Кўчат намлигининг оширилиши ортиқча сарфлар ва кўчатнинг заифлашувига, камайиши — ҳосилнинг эртангилигини, баъзан умумий ҳосилни камайтиради. Кўчат мунтазам, ҳафтада бир-икки марта суғорилади, қўшимчя озиқлантириш икки марта: биринчиси пикировкадан 25—30 кун кейин, иккінчиси биринчисидан 10—15 кун кейин ўтказилади. Ҳавонинг оптималь нисбий намлиги бош карам, итузумдошлар ва полиз экинлари учун 60—70%, гул карам, бодринг ва қовоқдошлар учун 70—80% дир.

Экишдан бир неча кун олдин ер қуритилади. Бу экилаётган кўчатнинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширади.

Намлик, худди ҳаво ҳарорати сингари шамоллатиш орқали камайтирилади, ёмғирлатиб суғориш орқали эса оширилади. Шамоллатиш ҳарорат ва қаво намлигини камайтирибгина қолмай, балки унинг ҳаракатини ҳам таъминлайди, у кўчат тўқималарини механик пишиқ ва қайишқоқ қиласади.

Кўчатни парвариш қилиш тадбирлари комплексига касаллик ва зааркундаларга қарши кураш ҳам киради. Тайёрланиш давридаги касалларларга қарши бино, тупроқ, уруғларни зааррасизлантиришдан ташқари кўчатни парвариш қилиш жараёнида шамоллатиш, юмшатиш, тупроқ солиш амалга оширилади, минерал озиқ режимига риоя қилинади. Қалбаки уншудрингта қарши 1% бардос суюқлиги ($0,2 \text{ m}^2$) билан пуркалади ёки оқак билан чангланади. Помидор кўчатининг стрик касаллигига қарши у 100 $\text{мл}/\text{м}^2$ ҳисобидан калий перманганати билан пуркалади. Зааркундаларга қарши курашда кўчат 12% дуст гхц ($1,5 \text{ г}/\text{м}^2$) билан пуркалади.

Экишга тайёр кўчат соғлом, яхши чиниқтирилган, катталиги бир хил, пояси тўғри, сўлиш белгиларисиз бўлиши керак. Кўчатнинг катталиги: илдиз бўғимидан то барглар охиригача 20—25 см (камида 15 см) барглар сони карамда 5—7, помидорда 6—8, бодринг ва бошқа қовоқдошларда 3—5 та бўлиши керак. Поянинг йўғонлиги карамда 4—5, помидорда 6 мм. Механик хусусияти қайишқоқ, кўчат таркибида намлик 87—92% бўлади.

Танлаб олишда илдиз системасини мумкин қадар сақлаб қолишга эришиш кўчатнинг яхши тутиб қолишига олиб келади. Кўчат тайёрлашда озиқ кубиклари парчаланмаслиги керак. Туваксиз кўчат албатта тупроғи билан олиниши керак. Сув қўйилганда унга минерал озиқ қўшилади. Туваксиз кўчат танлаб олинишидан 2—3 соат олдин такрор суғорилади.

Ўсимлик далада заарланишининг олдини олиш учун кўчатга заҳарли химикатлар билан ишлов берилади. Танлаш вақтида кўчат катталигига кўра навларга ажратилади, касалланган, заиф, ортиқча ғовлаб кетган, учки куртакка эга бўлмаганлари брак қилинади. Танлаща экиш учун резерв қолдирилади. Туваклида 2—3%, туваксизда 5—7%.

Танлаб олинган туваксиз кўчатнинг илдиз системаси тез қурийди ва қисман ўлади. Илдизни яхши сақлаш учун уни 10 литрига 2 г ТМТД қўшилган тупроқ ва мол гўнгидан тайёрланган аталага ботириб олинади.

Олиб кетиладиган кўчат 50 озиқ кубикларига ёки 150 туваксиз кўчат сиғадиган стандарт сабзавот яшикларига тахланади. Экиш жойига автомашина ёки бошқа транспорт воситасида олиб борилади. Сақлаш ва ташиш вақтида кўчат сояда сақланади ёки устига нарса ёпиб қўйилади.

Ҳаво очиқ бўлганда кўчатни очиқ ерга бутун кун давомида экиш мумкин, қўёшли кунда эрталабки соатларда ва куннинг иккинчи ярмида экилади. Кўчатлар кўчат экувчи машиналар ёрдамида, кичик жойларда эса қўлда экилади. Экиш билан бирга уялаб суғориш (0,3—1 л) амалга оширилади.

Айрим экин кўчатларини ўстириш хусусиятлари. Карам. Ўзбекистонда карамнинг эртаги (далага февраль охири — март бошларида экилади), ўртаги (апрель охири — майнинг боши) ва кечки (июнь охири — июль бошлари) навлари етиштирилади. Эртаги карам кўчатлари йилнинг энг совуқ вақтида ўстирилади, шунинг учун бу мақсадда иситиладиган ойнаванд ёки плёнкали иссиқхона ёки иссиқ парниклардан фойдаланилади. Ўрта карам кўчатлари иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналар, совуқ парник ва кўчатхоналарда ҳамда плёнкали пана жойларда, кечки карам очиқ дала эгатлари ва кўчатхоналарда ўстирилади.

Эртаги ва ўрта карам кўчатлари туваксиз усулда иссиқхоналарда ўстирилганда ишлов беришдан олдин тупроқقا 1 m^2 га: 20—25 кг чиринди ёки компост, унга 25—30 г аммиак селитраси, 50—60 г суперфосфат, 15—20 г калий сульфат қўшиб солинади. Тувакли кўчатлар учун иссиқхонанинг табиий ери чопилади,

текисланади ва унга озиқ кубиклари ўрнатилади. Парникларда уруғлар учун тупроқ биоёнилги устига 10—12 см қалинликда, кўчат учун 15—18 см қалинликда солинади.

Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институти кўчатни шоли шелухасида ўстириш усулини ишлаб чиқкан. Озиқ аралашмасига 1,2—2 см қалинликда намланган шоли шулхаси солиниб унга уруғ сепилади, сўнгра унинг устига ҳам 1,5—2 см қалинликда намланган шулха солинади ва текислаш тахтаси билан зичланади. Пикировка қилинадиган бўлса шоли шулхаси 7—8 см қалинликда солинади. Бу усул содда ва кўчатни илдиз чириши касаллиги билан зарарланишдан асрайди. Уни кўчатларни иссиқхоналарда ўстиришда ҳам қўллаш мумкин.

Уруғ эртанги карам кўчатларини олиш учун парникларга далага экишдан 60—65 кун олдин, иситиладиган плёнкали иссиқхоналарда эса 45—50 кун олдин сепилади. Тошкент ва Самарқанд вилоятларида эртанги карам кўчатларини олиш учун уруғ парникларга 20—30 декабрда, плёнкали иситиладиган иссиқхоналарда январь бошларида экилади. Фарғона водийсида 10 кун олдин, Хоразм ва Қорақалпогистонда 20 кун кейин экилади. Уруғдан унган кўчатларни бир вақтда пикировка қилмаслик учун уруғлар 10—15 кун давомида экилади.

1 га очиқ срга экиладиган карам кўчатлари олиш учун 400 г уруғ экилиши керак. Экишдан олдин уруғ колиброка қилинади ва дориланади.

Эртаги карам кўчатлари кўпинча пикировка қилиб ўстирилади. Шунинг учун уруғлар 1 m^2 дан 1800—2000 кўчат олиши мўлжаллаб қалинроқ сепилади. Бу мақсадда 1 m^2 иссиқхона ерига 10—12 г ёки парникнинг 1 ромига 15—20 г уруғ сарфланади. Уруғ сочма усулда сепилади. Уруғлар 1 см чуқурликка кўмилади.

Ўсимликларнинг ривожланиши фазаларини ҳисобга олиб, юқорида баён этилган ҳарорат режимига риоя қилинади. Уруғлар меъёрида илиқ сув билан сугорилади. Ўсиш яхши бўлмаса 1 л сувга 0,5—1 г ҳисобидан аммиак селитраси билан қўшимча озиқлантирилади, эритма сарфи 5—6 л/м².

Уруғдан унган кўчатлар иссиқхонада ниҳоллар пойдо бўлгач 10—12 кундан кейин ва парникларда 15—18 кундан кейин пикировка қилинади. Танлаб олишдан олдин кўчатлар яхшилаб сугорилади. Пикировка 5x5, 5x6, 6x6 см озиқ майдонига, ёки шу ҳажмдаги озиқ кубикларига қилинади. Пикировкадан сўнг 2—3 кун қоронғилатиб ҳавонинг намлиги юқори даражада сақланади. Бунинг учун парниклар тўшак билан ёпилади.

1 га ердаги карамни пикировка қилиш учун: 100—150 одам-соат сарфланади. Кўп меҳнат талаб қилгани учун бу усул қўлланмайди. Плёнкали иссиқхона майдонларига эга бўлган хўжаликларда карам кўчатлари пикировкасиз ўстирилади. Бу мақсадда уруғлар 5x5, 6x4, 6x5 см озиқ майдонига аниқ экилади. Қўлда экилганда 1 m^2 жойга 3 г уруғ, сеялка билан экилганда 5,5 мм ячейкали экиш аппаратларидан фойдаланилади.

Пикировка қилинган күчатларни парвариш қилиш ҳарорат режимини бошқариш, мунтазам шамоллатиш, суғориши, қўшимча озиқлантириш, касаллик ва зааркунандаларга қарши қурашдан иборат бўлади.

Ҳавонинг нисбий намлиги 65—75% даражада ушланади. Исиқхоналарда ҳарорат режими иситиш ва шамоллатиш орқали парникларда тўшаклар ёпиш ва шамоллатиш орқали сақланади. Плёнкали иссиқхоналарда, айниқса қўёшли кунларда ҳароратга эҳтиёт бўлиш, 20°C дан ошиб кетмаслигини кузатиб бориш керак.

Кўчатлар баъзан кўп суғорилади. Ҳар бир суғоришдан сўнг шамоллатилади. Эртанги карам кўчатлари минерал ўғитлар эритмалари билан икки марта озиқлантирилади. Биринчи озиқ пикировка қилингандан кейин 10 кун ўтгач, иккинчиси экишдан 10 кун олдин берилади. Биринчи озиқда 1 литр сувга 0,5 г аммиак селитраси, 2 г суперфосфат ва 2 г хлорли калийли эритмасидан, иккинчисида шунга кўра 1,8 ва 4 г эритмадан фойдаланилади. 1 м² срга 6—7 л эритма сарфланади. Кўчат озиқлантирилгандан сўнг тоза сув билан мўл қилиб суғорилади. Минерал азот ўрнида мол гўнги (1:8) ёки аралаштирилган шалтоқдан (1:4) фойдаланиш мумкин.

Кўчат пикировкасиз ўстирилганда қўшимча тупроқ солинади. Экишдан 10—15 кун олдин кўчатларни чиниқтириш бошланади. Чиниқтириш-шамоллатишни аввал кундузи, сўнгра кечаси ўтказилади. Кўчат экилишидан 5—7 кун олдин фақат кундузи эмас, балки кечаси ҳам очиқ ҳолда қолдирилади. Бунинг учун иссиқхоналардан плёнка, парниклардан ромлар олинади. Суғориш тўхтатилади. Ўртаги карам кўчатлари иситилмайдиган иншоотларда етиштирилади. Экишдан 20—25 кун олдин қопламаси олинади. Ўстириш давомийлиги қисқаради. Шунинг учун кўчат таннархи арzon. Одатда у пикировкасиз, озиқ кубикларисиз ўстирилади.

Уруғлар кўчатни далага экишдан 40—45 кун олдин спилади. Сийрак экилиш туфайли кўчатга эҳтиёж камроқ бўлади, шунинг учун уруғ сарфи 350 граммгача камайтирилади. Пикировкасиз ўстирлганда 1 м² жойга 2—3 г уруғ сепилади.

Ўртаги карам кўчати эртанги карам кўчати билан бир хил парвариш қилинади. Аммо ўстириш вақтининг қисқалиги туфайли суғориши, қўшимча озиқлантиришлар сони камаяди. Суғориш зарур бўлганда ўтказилади. Ўртаги карам кўчатини ўстиришда зич жойдаги кўчатлар қўлда ягана қилинади. Кўчатни ўстиришда уруғлар майнинг иккинчи ярмида экилиши учун 30—35 кун олдин сепилади. У ёзги юқори ҳароратларда ўсади, шунинг учун ёпиладиган нарсага эҳтиёж бўлмайди. Дока, бўйра билан пана қилиш яхши натижা беради. У ортиқча қуёш радиацияси ва қизиб кетишидан асрайди.

Карам кўчатлари ўстириладиган жойлар ҳосилдор ерлардан танланади ва улар олдиндан тайёрланади. Эрта баҳорда 1 м²

ерга 40—50 кг чиринди, 15—20 г аммиак селитраси, 30—40 г суперфосфат ва 20—25 г хлорли калий солинади.

Сепиш парник ёки сабзавот сеялкалари билан эгат ёки марзаларга лентали күп қаторлы усулда ораси 6—13 см, қатордаги ўсимликлар ораси 3—8 см қилиб амалга оширилади. Лентанинг эни 0,6—1,2 м, ленталар ўртасида ўтиш йўлкалари қолдирилади. Ургуни экиш нормаси 2—3 г/м². 1 га очиқ ерга карам кўчати олиш учун 300 г уруғ сепилади.

Жўякларда ўстирилганда лентанинг эни торайтирилади, ленталар орасидаги оралиқдан сугориш ариқлари олинади. Марзаларда ўстирилганда сув тўлдириб сугорилади. Марзалар устига чиринди солинади. Қуюқ жойлар ягана қилинади. Иккита ҳақиқий барг чиқарганда минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Кечки карам кўчатлари 4—5 барг чиқарганда экилади.

Помидор. Эртанги навлар Ўзбекистоннинг марказий қисмларида апрель бошларида, ўртаги помидор — апрель охирида экилади. Эртаги помидор кўчатлари эртаги карам кўчатларидан бўшаган иситиладиган иссиқхона ва иссиқ парникларда етиштирилади. Эртаги карам кўчатларидан бўшаган иситилмайдиган иссиқхона ва ярим иссиқ парникларда кўчатлар пикировка қилинади.

Жумҳуриятнинг марказий қисмларида уруғлар февралнинг ўрталарида, экишдан 45—50 кун олдин, парникларда ой бошида (экишдан 55—60 кун олдин) сепилади. Помидор кўчатларини ўстириш учун карам кўчати билан бир хил тупроқ аралашмаси талаб қилинади. Тупроқ аралашмасига 1 м² жойга 40 г аммиак селитраси, 100 г суперфосфат ва 65 г калий сульфати солинади.

1 га очиқ ерда кўчат етиштириш учун 300—400 г уруғ экилади. Кўчат пикировка қилиб ўстирилганда уруғ яшиклар ёки иссиқхона ва парник ерига экилади. Экиш нормаси 8—10 г/м². Уруғ сочма ёки қаторлаб 1 см чуқурликка экилади. Уруғлар экишдан олдин колибрювка қилинади. Уруғ экилгач, ниҳолларнинг тез униши учун у илиқ сув билан сенгил сугорилади. Ўсишдан орқада қолган кўчатлар аммиак селитраси (10 л сувга 5—10 г) билан қўшимча озиқлантирилади. Нисбий намликтин ортиқча ошишига йўл қўймаслик учун парник ва иссиқхоналар шамоллатилади, ҳаво булути кунларда форточка ва фрамугалар очилади. Ҳавонинг оптималь намлиги 50—60%.

Ниҳоллар пайдо бўлганидан кейин 15—18 кун ўтгач, майсалар пикировка қилинади. Пикировкани кечиктиримаслик керак, чунки бу кўчатларнинг далада тутиши ва ҳосилдорликка таъсир этади. Пикировка 6х6, 7x7 см озиқ майдони билан қилинади. Пикировкадан 10 кун олдин қўшимча озиқлантирилади. Ўгитлар дозаси биринчи озиқлантиришда г/л; аммиак селитраси — 0,5 суперфосфат — 4,0, хлорли калий 12; иккинчисида — 1,8, 4, 1 м² ерга 6—7 л эритма сарфланади. Кейинги парвариш сугориш, юмшатиш, ўтқ қилиш, шамоллатиш ва қўшимча озиқлантиришдан иборат бўлади. Чиниқтириш 10—15 кун қолганда бошланади.

Помидор кўчатларини говлаб ўсиб костишининг олдини олиш учун 3—4 ҳақиқий барг чиқаргандан кейин ТУР ингибитори эритмаси билан 8—10 кун оралиқда 2—3 марта пуркалади. Эритма аралашмаси препарат бўйича 0,05—0,10%. Ҳар бир ўсимликка 5 мл берилади.

Ҳосилни эрта олиш учун кўчатнинг бўйи 20—25 см, пояси йўғон, 7—9 барг ва 1—2 тўпгулга эга бўлиши керак. Танлаб олишдан олдин кўчат 0,5—1% бордо суюқлиги билан пуркалади, бу унинг барг ва меваларининг далада ўсиш вақтида касалликларга чидамлилнгани ошириди.

Оммавий экиш муддатларида кўчат етказиб бериш учун уни мувакқат плёнкали пана жойларда ўстириш мумкин. Кўчатлар мартнинг иккинчи ўн кунлигига, қўёш радиацияси старлича юқори, тоннеллардаги суткалар ўртача ҳарорат парниклардагидан $0,5^{\circ}\text{C}$, очиқ ердагидан $1,6^{\circ}$ юқори бўлган вақтда пикировка қилинади. Бу ердаги ёритилиш ҳам парникдагилардан яхши.

Етилиши оммавий бўлган помидор кўчатлари пикировка қилинмайди. Бунинг учун 2 г/ m^2 уруғ экиласди, ссялка билан экилганда 5 мм тешикли уячадан фойдаланилади.

Бақлажон ва гармдори. Бу экинларнинг кўчатлари кўчириб ўтказилишга мойил эмас. Шунинг учун уларнинг кўчатларини озиқ идишларида уругни бевосита идишга экиб кўкартириш маъқул. Аммо ўстиришнинг бошқа усулларидан ҳам фойдаланилади.

Бақлажон ва гармдори уруғлари очиқ срга апрелнинг охири — майнинг бошларида экиласди. Уруғларнинг суст унишини назарда тутиб бақлажон ва гармдори уруғлари пишиши оммавий муддатларда бўладиган помидор уруғларидан бир ҳафта олдин (февраль охири — март бошларида) экиласди. Унишдан кўчат бўлгунча 50—60 кун ўтади. 1 га очиқ ерда кўчат олиш учун 600 г бақлажон уруги ва 800—1000 г гармдори уруги талаб қилинади. Пикировка билан ўстиришда экиш нормаси: гармдори 20—25, бақлажон 15—20 г, пикировкасиз: гармдори 5—6, бақлажон 3 г.

Кўчат пикировкасиз ўстирилганда уруғ қатор усулида экилиб, оралари 6—10 см бўлади. Қатордаги ўсимлик 1 m^2 жойга 500 дона гармдори ва 350 бақлажон кўчати кетадиган қилиб экиласди. Кўчат гармдори учун 5x5 см, бақлажон 6x6 см озиқ майдони билан пикировка қилинади.

Гармдори ва бақлажон кўчати намга талабчанроқ, аммо ортиқча намликка бардоши йўқ. Ниҳоллар пайдо бўлишидан то чиниқтиришгача сугоришдан олдинги намлик 65—70 НВ бўлиши керак. Ҳаммаси бўлиб 5—6 марта сугорилади. Сугориш нормаси 12—13 л/ m^2 . Чиниқтириш ва кўчатни танлаб олишдан олдин кўчат яна бир марта сугорилиб, намлик ҳар бир сугоришда тўлиқ дала нам сигимигача стказилади. Ўсимликларнинг ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириш учун сугориш сувларига 10 л сувга 2—3 г калий солинади.

Күчириб ўтказишига тайёр гармдори күчтенинг баландлиги 18—20 см, 8—9 барг, ердан чиқиб турган массаси 6—7 г, илдизи массаси 0,6—1 г; бақлажон күчтенинг баландлиги 18—20 см, барглари 5—6 та: ердан чиқиб турган қисми 10—12 г, илдизи 0,6—1 г бўлиши керак.

Бодринг. Бодринг кўчати тоннель типидаги мувакқат пана жойларга ва баъзи ҳоллардагина очиқ ерга экилади. Кўчат пана жойга март бошида, очиқ ерга эса икки ҳафта кейин экилади. Экишда 20—30 кунлик кўчатдан фойдаланилади. Пана жойларга экиш учун уруглар февраль охири — март бошида экилади. Кўчатлар парниклар, плёнкали ва ойнаванд иссиқхоналарда этиштирилади.

Бодринг кўчати илдиз системасининг заарланишига бардоши сиздир. Шунинг учун унинг уруғи бевосита озиқ кубикларига экиб ўстирилади. Озиқ аралашмаси қисмининг таркиби бошқа сабзавот экинлари кўчатларини ўстиришдаги билан бир хил. Минерал ўғитлар аралашмаси қўйидаги миқдорда (аралашма m^3 жойга, кг): аммиак селитраси 0,5—1,3, суперфосфат 1—6 ва калий сульфат 0,5—1,5. Озиқ кубикларининг ҳажми бхбх ёки 8x8x8 см. Ундирилган уруглар тегишли тайёргарликдан сўнг 1—2 тадан кубикларга экилади.

Заиф ривожланган кўчат тўлиқ минерал ўғитлар билан 2—3 марта озиқлантирилади. Қўшимча озиқлантиришда фойдаланиладиган озиқ эритмасининг аралашмаси 0,5% дан ошмаслиги керак. 1 m^2 жойга минерал ўғитлар: 10 г аммиак селитраси, 30 г суперфосфат ва 10—15 г калий хлоридни 10 л сувда эритиб фойдаланилади. Сўнгти марта озиқлантириш экишга 5—6 кун қолганда ўтказилади. Ҳар бир озиқлантиришдан сўнг ўсимлик тоза сув билан сугорилади.

Агарда бодринг кўчати очиқ ерга экишга тайёрланса, уни экишдан 5—7 кун олдин чиниқтириш бошланади. Плёнка остига кўчат 3—4 барг чиқарганда, очиқ ерга эса 2—3 барг чиқарганда экилади.

21 Боб

ХИМОЯ ҚИЛИНГАН ЕР ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИ (АЛМАШЛАБ ЭКИШ)

Алмашлаб экиш, унинг аҳамияти ва ташкил этиш принциплари. Ҳимояланган ер иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш катта сарфларни талаб қиласди. Уларга қилинган харатни оқлашни тезлаштириш учун хўжаликни интенсив юқори рентабелли юритиш лозим. Бунда майдон бирлигидан юқори ҳосил олишига маҳсулотни паст таннархда этиштириш орқали эришиш мумкин.

Ҳимояланган ер иншоотларидан рационал фойдаланишининг муҳим замонавий шарти технология ва юқори ҳосилдор навларни қўллаш билан бирга йил давомида ўстириш биноларидан фойдаланиш даврини узайтириш, экинларни зичлаштиришининг жадал усулларини қўллаш, экин алмашинувини тўғри ташкил этишидир.

Алмашлаб экиш касаллик ва зараркунаидаларга қарши кураш олиб бориша, ўғит, микроқлим шароитлари, ишчи кучидан унумлироқ фойдаланиш, сабзавотларни етиштиришининг аҳоли эҳтиёжларига жавоб берадиган конвейерини яратиш, маҳсулот таннархини камайтиришда ёрдам беради.

Алмашлаб экиш ҳар бир ўстириш иншооти учун алоҳида тузилади. Аммо бу экинларни алмашлаш схемаси вариантларининг сони иссиқхоналар сонига мувофиқ келиши керак деган маънони англатмайди. Доимий экин алмашинувининг 2—8 варианти кифоядир, уларнинг ҳар бири бўйича экинлар бир турли ўстириш иншоотлари гуруҳида алмаштирилади.

Алмашлаб экиш экинларни жойлаштиришининг хўжалик нуқтаи назаридан асосланган схемаси, агротехника, фойдаланиш муддатларинигина эмас, балки маҳсулот турлари, иссиқхонани янги мавсумга тайёрлашни ҳисобга олиб майдон бирлигидан олинадиган ҳосилни, ялпи ҳосилни ва маҳсулотнинг ойлар бўйича чиқишини назарда тутади. Алмашлаб экиш очиқ ер учун кўчат ва маҳсулот сифатида сабзавот етиштиришни режалаштириш асосида ишлаб чиқилади. Бунда фойдали майдоннинг бирор квадрат метри бирор соат ҳам бўш турмайдиган қилиб тузилиши керак, табиийки, биноларни тайёрлаш вақти ва ёзги ҳарорат юқори бўладиган даврлар бундан мустаснодир. Ўзбекистонда барча тайёрлов ва тузатиш ишлари ёзнинг иссиқ даврига мўлжалланади.

Майдондан тўлиқроқ фойдаланишга, шунингдек зичлаб ўстириш, ўсимликларни токчали ерлар, муваққат кўп қаватли токчаларда ўстириш ва ўз кабилар ёрдам беради.

Ҳар бир экин учун иншоотнинг энг арzon, аммо унинг биологик хусусиятларига мувофиқ келувчи тури танланади. Экинларни экиш ёки сепиш муддатларига кўра жойлаштириш иншоот турининг хусусиятлари ва иқлим шароитларини ҳисобга олиб режалаштирилади.

Алмашлаб экишни тузища парник ва иссиқхона сабзавотлари таннарх бўйича очиқ ер маҳсулоти билан рақобат қила олмаслигини унутмаслик керак. Шунинг учун экиш ва кўчат қилишнинг шундай муддатларини белгилаш керакки, у маҳсулотнинг сабзавотларни очиқ ср ва омборхоналардан олиш мумкин бўлмаган даврларда чиқарилишини таъминласин. Ўзбекистонда ҳимояланган ерда кўк экинларни ўстиришни ноябрдан апрель бошлирагача, бодринг ва помидорни эса ноябр охиридан июннинг ўрталаригача режалаштириш керак. Иссиқхонада ёриқликнинг камайиши туфайли декабр — февраль ойларида бодринг ва помидорнинг чиқиши камаяди, шунинг учун бу вақтда бошқа маҳсулотни чиқаришни кўпайтиришни назарда тутиш керак.

Алмашлаб экиш парник, иссиқхона хўжаликларининг йиллик режалари билан бирга ишлаб чиқилади. Уларни тузиш кўчатни жойлаштиришдан бошланади. Бу мақсадда олдиндан кўчат ўстириш топшириги очиқ ер учун, ҳимояланган ср иншоотининг ҳар бир тури учун алоҳида ишлаб чиқилади. Кўчат ўстириш топширигида уни доимий жойга экишнинг тахминий муддати кўрсатилади.

Кўчатлар жойлаштирилгач, мавсумий бўлмаган маҳсулотни этиштириш учун ўстириладиган асосий сабзавот экинларини танлашга киришилади. Ўзбекистонда ойнаванд ва плёнкали иситиладиган иссиқхоналар учун бундай экин бодринг ва помидордир. Бошқа турдаги иншоотлар учун барги кўп сабзавотлар, кўкатлар ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Асосий экинлар жойлаштирилгач, қўшимча ва зичловчи экинлар танланади. Қўшимча экинлар одатта тезпишар бўлиб, уларни майдон кўчат ёки асосий экинлар билан банд бўлмаган вақтларда экилади. Зичловчи экинлар асосий экинлар орасига уларнинг ўсув бошларида ва ажратилган майдонни эгаллаб олишларидан олдин жойлаштирилади. Қўшимча экинлар петрушка ва сельдерей, кўк пиёз, редиска, шпинат, салатдир. Зичловчилар редиска, укроп, баргли салат ва бошқалар бўлиб, уларнинг ўсув даври қисқа, озиқ майдонини кўп талаб қилмайди. Алмашлаб экиш тартибини тузиб, маҳсулот чиқаришнинг бошланиш ва якунланиш муддатлари аниқланади. Ҳар бир экин бўйича ҳосилдорлик, маҳсулот олишнинг календарь муддатлари, яроқли кўчатнинг чиқиши режалаштирилади. Алмашлаш сони, зичловчилар, ҳосилдорлик ва маҳсулотнинг умумий чиқиши аниқланади.

Ҳимояланган ср майдонлари катта бўлмаган хўжаликларда алмашлаб экишни матн (текст) ёки жадвал тарзида тўзиш мақбул. Амалдаги барча алмашлаб экишни қамраб олиш зарур бўлган йирик хўжаликларда у график тарзида тузилади. Алмашлаб экишнинг пировард агроиктисодий баҳоси алмашлаш сони ёки алмашлаш коэффициенти (алмашлаш турли экинлар экилган ўстириш иншоотларининг бир йилдаги майдонини иншоотлар инвентаръ майдонига бўлишдан олинган йигиндига teng) бўйича фойдаланиш мавсумида $1m^2$ инвентаръ майдондан маҳсулотнинг ўртacha ялпи чиқиши, етакчи экинларнинг салмоғи (тонна ва фоизларда), маҳсулот чиқишининг декада графиги, $1m^2$ дан олиш кутилаётган фойда бўйича чиқарилади. $1m^2$ инвентаръ майдондан олинадиган ялпи ҳосил алмашлаб экишдаги ҳар бир экиндан $1m^2$ да олинадиган ҳосилни қўшиб ёки масум давомида ўстирилган барча экинлардан олинган ҳосилни иншоотлар, инвентаръ майдонга бўлиб аниқланади.

Ҳимояланган ернинг барча иншоотлари бўйича алмашлаб экиш лойиҳалари тузиб чиқилгач, уларни ягона системага бириттирилади. Уларнинг жамланган йигиндиси хўжаликнинг йиллик режаларидағи тегишли кўрсаткичлар билан қиёсланади. Қиёслаш кўчатларнинг чиқиши (ялпи ва алоҳида экилган), сабзавот маҳсулотининг чиқиши (ялпи турлари) ва чиқиш даврлари, $1m^2$ инвентаръ майдондан сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги,

кўчатларнинг чиқиши, режадаги таннарх, меҳнат ва маблағ сарфлари бўйича амалга оширилади. Кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ жиддий бўлса, алмашлаб экиш лойиҳаларига зарур ўзгариш ва аниқликлар киритилади.

Алмашлаб экишнинг тахминий схемалари. Алмашлаб экиш турлари ва у ёки бу экинларни экиш муддатлари табиий ёритилишга боғлиқдир. Жанубий районларда қиш кунларининг давомийлиги шимолий районлардагига нисбатан кўпроқдир. Ўзбекистонда қиш вақтида ҳам қўёш радиацияси юқори бўлганлиги туфайли барча экинларни исталган вақта ўстириш мумкин.

Қишки иссиқхоналар. Ўзбекистонда қишки иссиқхоналардан рационал ва юқори самарали фойдаланиш мақсадларида уч алмаш бўлгани маъқул: кузги-қишки, кузги-қишки-баҳорги (ўтувчи), қишки-баҳорги. Иссиқхоналарда алмашлаб экиш фоиз муносабатида қуйидагича бўлиши керак: кузги-қишки — 60, ўтувчи — 40 ва қишки-баҳорги (кузги-қишки йигиштириб олингач) — 60.

Кузги-қишки алмашлашнинг фарқловчи хусусияти шундаки, бу даврда ёруғлик, ҳарорат пасаяди ва куннинг давомийлиги қисқаради, бу эса ўз навбатида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш шароитларини ёмонлаштиради. Шунинг учун қўёшнинг сентябрь-октябрдаги юқори радиациясидан фойдаланиб юқорироқ ҳосил олишини таъминлаш мақсадларида сепиш ва экиш ишларини эртароқ муддатларда амалга ошириш керак бўлади. Шу билан бирга бодринг ва помидорнинг кечроқ, очиқ ердан маҳсулот олиб бўлмайдиган вақтда ҳосилга кириши мақсадга мувофиқдир. Помидор ва бодринг кўчатларини экишнинг энг яхши муддатлари: Қорақалпогистонда — июль охири — август бошлари, Қашқадарё вилоятида — август охири, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 10—15 август, Фарғона водийсида 15—20 августдир. Қишки-баҳорги алмашлашнинг фарқловчи хусусияти ҳарорат ва ёритишнинг ортиб боришидадир. Ҳосилдорлик кузги-қишки алмасишнишга кўра деярли икки марта ортади.

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий текшириш институти қишки ойнаванд иссиқхоналар учун Алмашлаб экишнинг қуйидаги схемасини таклиф этади (35-жадвал).

35-жадвал

Ўзбекистон шароитидаги қишки ойнаванд иссиқхоналар учун алмашлаб экиш

Экип алмасиши №	Экип	Экиш	Ўтқазиш	Экиннинг тугаси	Ҳосил, кг/га
I	Бодринг (ўтувчи экип) Бодринг (кузги-қишки)	20—25/X 10—15/VIII	уруг ерга уруг ерга	VI I/II	22.6 6—8

II	Бодринг (қишки-баҳорги)	1—5,01	5/II тувакка, қўшимча ёритиш	VI	8—10
III	Помидор (ўтувчи экин)	15—30/IX	28—30/IX тувакка экилган 30—40 кун- лик кўчат 10/VIII тувакка экилган	I—5/I	7,6
IV	Бодринг (қишки-баҳорги)	5—10/XII	10/1 тувакка қўшимча ёритиш	V	19,2
V	Помидор (кузги-қишки)	15/VII	10—15/VIII тувакка	II	8,5
VI	Бодринг (қишки баҳорги) Помидор (қишки-баҳорги)	1—5/I 15—20/XI	5/II тувакка қўшимча ёритиш 5—10/I тувакка қўшимча ёритиш	VI VI	8—10 10,7
VII	Помидор (кузги-қишки) Бодринг (қишки-баҳорги)	10—15/VII 1/I	10—15/VIII тувакка 1/I тувакка қўшимча ёритиш	II VI	7,8 16,3

Ўзбекистонда плёнкали иситиладиган иссиқхоналардан худди ойнавандлар сингари уч алмашлашда фойдаланилади. Бундан ташқари улардан очиқ ер учун эртаги карам ва помидор кўчатларини ўстириша фойдаланилади.

Сабзавот кўчатлари етиштирадиган плёнкали иситиладиган иссиқхоналар учун алмашлаб экишнинг қўйидаги схемаси тавсия этилади (36-жадвал).

36-жадвал

Ўзбекистон шароитида сабзавот кўчати етиштирадиган плёнка иситилган иссиқхоналардаги алмашлаб экиш

Экин алмашлаш номери	Экин	Ўстириш муддатлари	Ҳосилдорлик кг м ² ёки кўчатларининг чиқиши дона/м ²
1	Бодринг (уругни ерга экиш) кузги-қишки алмашлаш Очиқ ердаги эртаги карам кўчати Помидор кўчатларини пикировка қилиш (кўчатни очиқ ер учун ўстириш)	5—10,08 15—20,12 25,12—5,01 20,02—3,03 15—20,01 5—15,04	10 кг/м ² 350 д/м ² 300 д/м ²
2	Помидор (тувакли кўчатни экиш) кузги-қишки алмашлаш Эртаги карам кўчати помидор кўчатларини пикировка қилиш (очиқ ерда ўстириш учун)	5—10,07 10—15,01 15—20,01 25,02—5,03 5—15,01 5—15,04	6 кг/м ² 850 д/м ² 300 д/м ²

3	Бодринг (уругни ерга экин) кузги-қишки алмашлаш Помидор (тұвакли күчат экин) қишки-баҳорғи алмашлаш	5—10.08 20—25.12 1—10.01 20—25.06	10 кг/м ² 10 кг/м ²
4	Бодринг (уругни ерга экин) кузги-қишки алмашлаш Әртәнгі карам күчати Бодринг (тұвакли күчат экин) қишки-баҳорғи алмашлаш	5—10.08 10—15.12 5—10.01 25.02—1.03 1—5.03 15—20.06	8 кг/м ² 350 д/м ² 7 кг/м ²
5	Помидор (тұвакли күчат экин) кузги-қишки алмашлаш Бодринг (тұвакли күчат экин) қишки-баҳорғи алмашлаш	5—10.07 1—5.03 5—10.03 15—20.06	10 кг/м ² 7 кг/м ²
6	Помидор (тұвакли күчат экин) — ўтұвчи алмашлаш Иссиқхонаның дезинфекция қилиш, тупроққа иссиқлик ишлови беріш	5—10.09 1020.06 2506—25.07	

Баҳорғи плёнкалы иссиқхоналар ва мұваққат (вақтингчалик) плёнкалы пана жойлар. Бу иншоотларда уругни сепиш ва экинш муддатлари улардаги ҳарорат ва ўсимликнинг иссиққа талабига бөглиқ бўлади. Плёнкалы пана жойлар ҳароратни очық ерга нисбатан минимал ($1-2^{\circ}$) ошириш имконини беради. Шунинг учун уларда иссиқсевар ўсимликларни совуқлар тугаганидан кейин, совуққа чидамлиларни эса иссиқсеварлардан бир ой олдин экиш мумкин.

Ўзбекистонда плёнкалы пана жойлар ва баҳорги плёнкалы иссиқхоналарда эрта баҳорда тұвакли күчатдан маҳсулот учун бодринг ва помидор, редиска, пиёз, күк баргли сабзавотлар стишириллади, шунингдек карам ва итузумлилар күчатлари пикировка қилинади. Бу иншоотлардан кузги-қишки даврларда совуққа чидамли экинлар ва кузги карам ўстириша фойдаланилади. Улардан рационал фойдаланиши иккى, баъзан эса уч алмашлаб экиш орқали таъминланади. Аввал совуққа чидамли экинлар экиласди, сўнгра күчат ўстириша фойдаланилади, ундан кейин иссиқсевар экинлар экиласди. Иссиқ об-ҳаво барқарор бўлгандан сўнг плёнка олинади, иссиқсевар ўсимликлар эса ўсишда давом этади. Баҳорғи ва кузги даврларда экин алмашлашнинг қўйидаги схемаси ҳам қўлланилиши мумкин (37-жадвал).

Баҳорғи плёнкалы иссиқхоналар ва мұваққат плёнкалы пана жойлардан агарда баҳор даврида уларда иситишнинг биологик усули қўлланилса, самаралироқ фойдаланиши мумкин.

Иситилмайдиган плёнкали иссиқхона ва топиелли папа жойлар учун алмашлаб экиш (Ўзбекистон марказий зонаси)

Экин алмашлаш номери	Мавсум давомида экинларни алмашлаш тартиби	Вегетация даврида		Маҳсулот олишиниң бошланиси	Ҳосил кг/м ²
		Бошланиши	Охири		
Баҳорги алмашлаш (плёнка апрель охири-май бошларида олинади)					
1	Редиска ёки кўкатлар (укроп, салат)	1—5/II	15—25/III	5—10/III	3—5
1	Помидор кўчати (пикниковка қилиш) Бодринг ёки помидор кўчатдан	10—20/III 10—15/IV	10—15/IV 10—15/VII	25/V—1/VI	4—6
2	Редиска ёки кўкатлар Помидор ёки бодринг кўчат билан	1—5/II 20—30/III	15—25/III 10—15/VII	5—10/III 25/IV—10/V	3—5 46
3	Бодринг уруғдан	15—20/III	10—15/VII	20—25/V	4—5
4	Эртаниги карам	1—5/II	10—15/V	1—5/V	4—5
Кузги алмашлаш (плёнка октябрь боши, ўрталарида ёпилади)					
1	Уруғдан кўк пиёз Редиска ёки кўкатлар	20—30/VII 5—10/X	5—10/X 15—20/XII	5—10/X 10—20/XII	5—6 2—3
2	Укроп Кўк пиёз (сарапалб олиш)	5—15/VIII 5—15/X	1—10/X 10—15/XII	1/X 1—5?XII	3—4 6—8
3	Помидор ёки бақлажон кўчатдан Кузги карам кўчатдан	5—15/VII 15—20/XI	25/X—1/XI 1—5/V	5—10/IX 15—20/IV	2—3 2—3

Парниклар. Ўзбекистонда парникларда асосан очиқ ер учун кўчатлар етиширилади. Кўчатлар сайлаб олингач, уларга эртанги сабзавот экилади. Парниклардан фақат сабзавот маҳсулотлари етиширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо иссиқхоналарнинг кенгайиши туфайли улардан бу мақсадда кам фойдаланилади. Иссиқ ва биологик иситиладиган ярим иссиқ парникларда алмашлаб экишнинг тахминий схемаси қуйидагичадир (38-жадвал).

38-жадвал

Биологик усулда иситиладиган парниклардаги алмашлаб экиш (Ўзбекистоннинг марказий минтақалари учун)

Экин алмашлаш №	Мавсум давомида алмашлаб экиш тартиби	Ўстириш даври		Маҳсулот олишиниң бошланиси	1 ромдан ҳосил, кг
		боши	охири		
1	Карам кўчати Помидор кўчати Бодринг ёки помидор кўчати билан	10—25/XII 25/II—5/III 20—25/IV	25/II—5/III 20—25/IV 10—20/VII		8—10

2	Карам күчати Помидор ёки бол- ринг күчати билан	10—25/XII 25/II—5/III	25/II—5/III 15—20/VII		20/IV—1/VII	10—12
3	Редиска ёки күкатлар Помидор күчати Бодринг ёки поми- дор күчати билан	20—25/XII 25/II—5/III 20—25/IV	20—25/II 20—25/III 10—20/VII	1—10/II 1—15/VI	7—10 8—10	

Кузда парникларда уларни биологик ёнилги билан түлдиришдан олдин гулкарама ўстириш, помидор ҳосилини қизартыриш мүмкін.

Амалий машғулот

21 - мазу. Ҳимояланган ер турли иншоотлари учун алмашлаб экишнинг тахминий схемасини тузиш

Машғулотнинг мақсади: Ўқувчиларга ҳимояланган сринг турли иншоотлари учун алмашлаб экишнинг тузиш принципларини таништириш.

Топшириқлар. Топшириқни бажариш учун ўқувчилар 2—3 кишилик гурӯҳларга бирекишади. Ҳар бир гурӯҳга алоҳида топшириқ берилади (39-жадвал).

39-жадвал

Алмашлаб экиш схемасини тузиш учун топшириқлар

Топ-ши-риқ	Ишлаб чиқариш режаси, т							Мавжуд иншоотлар			
	помидор		болринг		күк пиёз	ре- ди- ска	күкат	қиши- ки ис- сиқхо- на- лар. м	пар- ник- лар, пол- лар	плён- кали иси- тил- майди- ган ис- сиқхо- на, м2	тонисл- ли плёнка спил- ган жойлар
	ож- ами	ок- тябр- дан 1 ап- рел- гача	ож- ами	ок- тябр- дан 1 ап- рел- гача							
1	500	700	500	300	100	100	200	60000	1000	20000	30000
2	700	400	500	300	100	—	50	90000	—	40000	—
3	600	350	500	250	100	100	100	60000	—	30000	50000
4	1000	600	1200	700	200	200	400	120000	16000	—	100000
5	150	100	200	150	30	30	50	20000	—	20000	20000
6	1200	700	1000	600	300	300	200	100000	—	60000	—
7	1200	700	1000	600	200	200	300	180000	—	—	50000

Гурӯҳлар топшириқни олгандан сўнг алмашлаб экишларни тузиш ва маҳсулотнинг чиқишини ҳисоблашга киришадилар. Режа топшириги ва ҳимояланган ер иншоотини айрим турларининг майдонлари ҳақидаги маълумотлар асосида иқтисодий жиҳатдан сўнг фойдали алмашлашни тузиш ҳамда танланган схемага пировард баҳо бериш керак.

Алмашлаб экишни тузиш топширигининг бажарилиши ҳақида ҳисобот

Иншоот тури	Экин алмашлаш №	Май-дон, м ² (ром)	Фойдаланиш мавсумида экинларни алмашлаш тартиби	Үстириш даври		маҳсулотни олишинг бошлипиши	Ҳосилд кг/м ²		Ялпи ҳосил, т		Экин алмашлаш бўйича ялпи ҳосил, т	Барча ҳосилга бодринг ва помидор ҳиссаси %	Октябрдан апрелгача ҳосилнинг чиқиши	Экин алмашлаш бўйича майдонлар йигиндиси, м
				бошлиниши	охири		I/IV гача	жами	I/IV гача	жами				
Қишки иссиқхоналар														
Баҳорги иссиқхоналар														
Парниклар														
Тоннелли пана жойлар														
Жами														

Топшириқ қүйидаги ҳисоботни тұлдириш йўли билан бажа-
рилади (40-жадвал).

Иншоотнинг ҳар бир тури учун бир неча алмашлаб әкиш
бўлиши мумкин. Шунинг учун алмашлаб әкиш тартиб номери,
у аталган майдон кўрсатилади. Масалан, биринчи топшириқ ёки
6 гектар майдонли иссиқхона блоки учун топшириқни бажаришда
ҳар бирининг майдони 20000 m^2 дан учта ёки биринчи ва
иккинчиси учун 20000 m^2 дан тўртта ва учинчи ҳамда тўртинчиси
учун 10.000 дан экин алмашлаш схемаси тузилиши мумкин.

Алмашлаб әкиш схемаси 35—38-жадваллар асосида тузилади.
Танланган алмашлаб әкиш, ўстиришнинг бошланиши ва тугаши,
маҳсулот олишнинг бошланиши, эртанги ва умумий ҳосил ҳисо-
ботга ушбу жадваллар асосида ёзилади. Яъни ҳосил майдон
ҳосилдорлиги кўрсаткичларини кўпайтириб аниқланади.

Ҳисобот кейинги тўлдиришлар, умуман алмашлаб әкиш бўйича
юритилади ва шу экиндан кейинги қаторга ёзилади. Ялпи ҳосил
айрим экинлардан олинган ялпи ҳосил ҳақидаги маълумотларни
қўшиб аниқланади.

Алмашлаб әкиш бўйича майдон йигиндиси алмашлашдаги у
ёки бу экинларнинг барчаси билан банд бўлган экинлар майдо-
нини қўшиб аниқланади. Алмашлаш коэффициенти алмашлаб
әкиш бўйича майдон йигиндисини иншоотнинг инвентарь майдо-
нига бўлиб аниқланади. Барча иншоотлар бўйича алмашлаб әкиш
схемаси тузиб чиқилгач, экинлар тури ва даврлари бўйича
маҳсулотнинг чиқиш йигиндиси аниқланади. Бу кўрсаткичлар
режа топшириғи билан қиёсланади. Айтилган кўрсаткичлар
бўйича жiddий фарқлар бўлса, тегишли ўзгартиш ва аниқликлар
киритилади.

Топшириқнинг тўгри бажарилганлигини ўқитувчи тўлдирилган
ҳисоботни текшириб аниқлади. Бунда танланган экин алмашти-
ришларнинг асосланганлиги, m^2 ҳосилдорлиги, йигинди
кўрсаткичлар фарқи режа топшириғи билаи қиёсланади.

Фойдаланиладиган асбоблар. Зонадаги иссиқхона, парник,
иситилган ерлардаги алмашлаб әкишнинг тахминий схемаси,
плакатлар. Ҳимояланган сринг турли иншоотларида ўстирил-
гандага турли экинларнинг тахминий ҳосилдорлик жадваллари.

22 Боб

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙДА БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бодринг ҳимоя қилинган жойда стиштириладиган асосий экин
бўлиб, у энг кўп ҳосил ва даромад келтиради. Ўзбекистонда
бодринг иссиқхона майдонларининг 55—57%ини эгаллайди ва
иссиқхона маҳсулотининг 60%ини беради.

Навлари ва дурагайлари. Ҳимоя қилингган жойда асалари ёрдамида чангланадиган, ҳамда партенокарпик навлари стиширилади. Бодрингнинг кичик мевали, асалари чанглантирадиган нави юқори ҳосил ва сифатли маҳсулот бсрди, бироқ саноат асосида стиширилганда парваришига катта меҳнат талаб этгани учун юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаб бўлмайди. Бу талабга кўпроқ партенокарпик навлари жавоб беради: экин қалинлигини камайтириш ҳисобига бир кишининг иш майдонини кенгайтириш ва меҳнат сифатини камайтириш мумкин. Бу узун мевали навлар кичик мевали бодрингдан бир қатор афзалликларга эга: улар юқори ҳосилли, меваси юқори товар сифатига эга, узоқ вақт сарғаймасдан туриши мумкин, чунки уларда уруги йўқлиги учун стилиш жараёни давом этмайди.

Бир иссиқхона хўжалигидаги вақтда партенокарпик ва асалари чанглайдиган навларни стишириш тавсия этилмайди, чунки асаларилар очиқ форточкадан кириб партенокарпик бодрингларни ҳам чанглайдилар, оқибатда стандарт бўлмаган бодрингларнинг стилиши ортади (мева учида "уругли бош" пайдо бўлади).

Ўзбекистонда теплица учун бодрингнинг қийидаги дурагай навлари районлаштирилган: қишки-баҳорги экишда меваси ўртача катталиқдаги асалари чанглайдиган "Сюрприз-66" ва "Манул" (ТСХА-211), "Марафон", қиш фасли учун узун мевали партенокарпик "Сентябрский" нави.

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тескишириш институти иккала экиш муддати учун асалари чанглайдиган ТСХА-211 ("Манул"), ТСХА-1043 ("Граната") ва портенокарпик "Московский тепличный", дурагай-1—800 ("Вестерок"), дурагай — 77 ("Зазулл") дурагай — 98 ("Апрельский") навларини кенг жорий этишни тавсия этади. Чанглатувчи сифатида асалари чанглайдиган "Ўзбекистон" — 740, "Одностабельний" — 33, "Сюрприз" — 66 ва "Алмаатинский" — 1 навлари тавсия қилинади.

Қишки иссиқхонала етишириш. Ўзбекистонда қишки иссиқхоналарда бодринг кузда-қишида, қишида-баҳорда ва алмашлаб экиш оралигида стиширилади.

Кузги-қишки даврда бодринг уругини иссиқхона тупрогига экиш орқали стиширилади. Уругни экишнинг энг мақбул муддати: Қорақалпогистонда — август бошида, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 10—15 августда, Фарғона водийисида — 15—20 августда, Қашқадарё вилоятида — август охирида. Бунда гетерозис дурагайдан бир даврда 7—10 $\text{кг}/\text{м}^2$ ва сошқа навлардан 6—7 $\text{кг}/\text{м}^2$ ҳосил олинади. Биринчи теримни экилгандан сўнг 50—60 кундан сўнг ўтказилади. Охирига ҳосил январь бошида тугайди.

Юқори қосилли дурагай бодрингнинг қимматбаҳо уругини иқтисод қилиш учун кўчат қилиб экилади. Бунда албатта 8x8x8 ва 10x10x10 см ҳажмли озиқли кубикдан фойдаланилади. Уругни кубикка экиш муддати худди тупроққа экиш билан бир хил. Кўчатни доимий ўрнига 2—3 барг чиқарганда ўтказилади.

Экиш олдиндан намлаш учун сүфорилади ёки чуқурчаларга сув қуйилади ва кўчат экилади, бунда кубикнинг $3/4$ қисми ерга қўмилади.

"Ўзбекистон"— 740 нави бир қаторлаб 80×35 см ёки икки қаторлаб $\frac{80 \times 80}{2} \times 35$ см қилиб экилади, бунда 1 m^2 га 4 та ўсимлик жойлаштирилади. Асалари чанглайдиган дурагайни 80×50 см,

90×50 см ёки икки қаторли $\frac{80 + 80}{2} \times 50$ см схемада экилади. 1 m^2 га 2—2,5 та ўсимлик жойлаштирилади. Асалари чанглайдиган дурагайни стиштираётганда ҳар 5—6 қатордан сўнг бир қатор чанглатувчи навлар экилади. Партенокарпик навлар қатор оралиги 1—1,2 м ва ўсимликлар оралиги 45—50 см қилиб экилади.

Ўсимлик баланд пушталарга (30—40 см) ўтказилади, сүфориш эса чуқур эгатлар орқали бўлади. Ангар типидаги эски иссиқхоналарда қаторларни иншоот кўндаланги бўйлаб, блокли замонавий иссиқхоналарда узунасига экилади.

Бодринг тик шпалерга боғлаб ўстирилади. Кўчат ўтказилгандан сўнг 3—4 кун ўтгач ёки уруғидан униб чиқсан ўсимликни 3—4 та барги чиқгач, ип билан кўндалангига ўтган симларга 2,2—2,5 м баландликдан боғлаб қўйилади. Ўсимлик илип тупроқ юзасидан 10—12 см баландлигига эркин халқа қилиб боғлаб қўйилади. Кейинчалик ҳафтасига бир мартарап ўсимликни ип атрофига бураб қўйилади, бунда поя уни бўш қўйилади.

Бодрингни иссиқхонада стиштирганда ўсимликни чанглантириш зарур тадбирлардандир. Бодрингни маҳаллий "Ўзбекистон"— 740 навида марказий поядга кўпроқ эркак гуллар, ён пояларда она гуллар ҳосил бўлади. Ипга тортиб новдаларининг чиқишини тезлаштириш учун марказий поя 17 ва 20 барги устидан ён поялар 1 ва 2 баргдан чиллиб ташланади. Агар туганаги бўлмаса поя тўлиқ олиб ташланади.

Партенокарпик ("Московский тепличный" ва ТСХА — 800) ва асалари чанглайдиган ("Сюрприз"— 66, ТСХА — 21 ва 1043) дурагайларда ҳосил поялари чилпинмайди.

Ўсимлик парваришида эски баргларини олиб ташлаб туриш керакли тадбир ҳисобланади. Эски барглар касаллик манбаидир. Шунинг учун уларни ўткир пиçoқ ёки секатор билан бандини қолдирмай кесиб ташланади. Қуриган барг, бужмайган ва мўйловларини доимо олиб туриш зарур.

Иссиқхонада ўсаётган бодрингни чанглатиш учун асаларидан (1000 m^2 майдондаги иссиқхонага бир қути) фойдаланилади. Асалари қутисини (асалари учун тутилади) ноябрь ойида ўрнатилади. Асалари бўлмаганда сунъий чангланади, бунда чанглатувчи навлар билан она гуллар чангланади. Бироқ бу тадбир кўп меҳнат талаб қиласи. Партенокарпик навлар учун чанглатгич кераккина эмас, балки у зарар ҳам қиласи.

Бодрингдан кузги-қишки даврда юқори ҳосил олиш учун ҳарорат режимини, намлики ушлаш, ўсимликнинг минерал ва ҳаводан озиқланишини таъминлаш даркор.

Ноябрь-декабрда ҳаво ва тупроқ иссиқлиги бирмунча тушади ($20-22^{\circ}$ гача). Ҳаво намлиги мева туккунча $70-75\%$, мева тугаётганда $75-80\%$ бўлиши керак.

Ўзбекистон иссиқхоналарида нисбатан зич тупроқдан фойдаланилади, шу сабабли сугориш пайтида эгат орқали амалга оширилади. Агар ёмғирлатиб сугориш қўлланилса, нам томчилари баргларда узоқ сақланмаслиги учун уни ёрталаб ўтказилади.

Эгатлар орқали сугориш август, сентябрь ва октябрь ойининг биринчи ярмида ҳар 3—4 кунда ўтказилади, бунда сугориш нормаси $10-12 \text{ л}/\text{м}^2$, сўнг ҳар 5—6 кунда $5-6 \text{ л}/\text{м}^2$ ни ташкил этади. Ёмғирлатиб сугориша сугориш тез-тез, бироқ кам миқдорда ўтказилади. Айрим ҳолларда бир-икки тупроқ аралашмаси $1-2 \text{ см}$ қалинликда сепилади. Ўсимликни озиқлантириш икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Мавсум охирида сугориш ва озиқлантириш чесланади. Ҳаво намлиги $70-75$ фоизга пасайтирилади.

Қиши мавсумида $22-24^{\circ}$ иситилган сув билан сугорилади. Озиқлантириш сугориш билан бир вақтда тупроқ анализига асосан ўтказилади. Агрехимик хизмат ташкилоти бўлмаса, озиқлантириш ҳар $1,5-2$ ҳафтада амалга оширилади. 10 л сувга уларни солиш нормаси қўйидагича: мева туккунча — 10 г аммиакли селитра, 15 г хлорли калий ва 40 г суперфосфат, мева тугаётган даврда — шунга мувофиқ равишида $30, 15, 60 \text{ г}$ солинади. Ёруғлик билан таъминланиши ёмоплашиши билан азотли ўғитлар миқдори камайтирилади, калий миқдори кўпайтирилади. Тупроқ доим юмшатилган ҳолда сақланади. Бунинг учун вақти вақти билан юмшатиб турилади. Юмшатиш билан бир қаторда бегона ўтлар йўқотилади.

Замонавий иссиқхоналарда ўсимлик карбонат ангидрид гази билан озиқлантирилади. Бодрингни стиштираётганда ҳавода CO_2 концентрацияси $0.3-0.6\%$ бўлиши мақбул ҳисобланади. Агар ҳавода карбонат ангидрид гази бўлмаса, гўнгдан фойдаланилади, уни $4-5 \text{ м}$ ҳажмли ўрага солинади. Қиши-баҳорги алмашлаш Узбекистонда кузги-қишки алмашлашдан сўнг бошланади, бунда аввал помидор, сўнг бодринг стиштирилади. Эрта муддатларда экинларнинг юқори ҳосил беришини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тўрт ва бешта ҳақиқиий баргга эга бўлган 30 қунлик бодрингкўчатини экишнинг мақбул муддати январнинг биринчи ярми ҳисобланади. Бунда экин ҳосили мартнинг ўрталарида стила бошлияди.

Юқори сифатли кўчкат олиш учун уруғни декабрь бошларида, 8×8 ва $12\times 12 \text{ см}$ ҳажмли озиқли тувакчаларга экилади.

Юқори сифатли кўчкат стиштириш учун кўчкат экиладиган иссиқхона қуриш мақсадга мувофиқ, чунки бу сраҳа керакли микроиқлим яратиш, ёш кўччатларга керакли парвариши қилиш

мумкин. Ўсимликни экишдан сўнг эгат бўйлаб ёки ёмғирлатгич системаси орқали 2—3 дақиқа давомида илиқ сув (14—20°) билан сугорилади.

"Ўзбекистон"— 740 нави учун $\frac{80 + 80}{2} \times 40 - 50$ см ли экиш схемаси тавсия қилинади. Кўп баргли бодрингнинг бўлак навлари каттароқ озиқ майдонини талаб этади, бунда қаторлар оралиги 90 см, ўсимликлар оралиги 60 см бўлиши ёки $\frac{80 + 80}{2} \times 60$ см ёки $\frac{90 + 90}{2} \times 60$ см ли схемада экилиши керак.

Партенокарпик навлар янада катта озиқ майдонига муҳтож: яъни 2—3 ўсимликка 1 м² (қаторлар оралиги 1—1,2 м, ўсимликлар оралиги 45—50 см) ер зарур.

Қишки-баҳорги мавсумда бодринг кўчати бир пояни қилиб ўстирилади. "Ўзбекистон"— 740 навида бош пояни 10—12, 15—17 барги юқорисидан чилпиб ташланади. Бош пояни чилпиш ён навларнинг ўсиб чиқиш ва уларда тугунча ҳосил қилишни таъминлайди. Ён новдаларни тугунчалар ҳосил бўлгандан сўнг 1—2 барглари юқорисидан чилпилади. Иссиқхонада ўстириладиган бодрингнинг бошқа навлари куз-қишидаги каби шакл бериб ўстирилади.

Қиши-баҳорги шакл бериб ўстиришда ўсимликлар қучли бўлиб ривожланади, шунинг учун сув-озиқ ресими ниҳоятда яхши бўлиши керак. Ҳарорат кўтарилиши ва ёргулар кўпайиши билан тез-тез сугориб ва озиқлантириб туриш керак (айниқса, март, апрель, май ойларида).

Ўсимликлар месва туккунича месва тугиш давридагига қараганда ҳароратини бир неча даражада паст сақлаш керак. Акс ҳолда ўсимликлар пояси ингичка, ён шохлари нимжон бўлиб ўсади.

Серқўёш кунлар бошлангунча ҳар 4—5 кунда 7—8 л/м² нормада эгатлар сугорилиши керак. Серқўёш кунларда эса тез-тез, яъни кун оралатиб сугорилди. Сугориш нормаси 10—12 л/м² гача оширилади.

Дастлаб ҳар 2—3 кунда бир марта, кейин ҳар куни ёмғирлатиб сугорилади. Сугориш миқдори 3—5 л/м².

Минерал ўғитлар тупроқ анализи натижаларига мос равишда ерни сугориш билан бир вақтда солинади. Агрехимия хизмати бўлмаган жойларда ўсимликлар ҳар 10—12 кунда минерал ва органик ўғитлар солиб қўшимча озиқлантирилади. Бунда 1 м² майдонга таркибида 10 г аммиакли селитра, 15 г калий хлорид, 40 г суперфосфат бўлган 10 л эритма берилади. Ҳосил тугилиши даврида минерал ўғитлар нормаси: 30 г аммиакли селитра, 15 г калий хлорид ва 60 г суперфосфатгача оширилади. Органик ўғитлар билан озиқлантириш учун 1:8 ёки 1:10 ҳисобида шарбат тайёрланади.

Ерни доим юмшатиб, бегона ўтлардан тозалаб турилади.

Ўткинчи давра — Ўзбекистонда иссиқхонада сабзавот тишибиритидаги муҳим босқичдир, чунки йилнинг энг қийин

(яни қишки) ойларидагы тармоқда хилма-хил сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Ўткинчи, яни куз-қиши-баҳордаги давра учун Московский тепличный, Тоска ва асаларилар ёрдамида чангланадиган ТСХА-211 ва ТСХА-1043 каби партенокарпик дурагайлар қўйл келади.

Кубикларга экиладиган энг қулай муддат октябрининг боши, кўчириб ўтқазиладиган вақти ноябрининг боши ҳисобланади. Бунда ўсимликлар сийрак, яни қатор ораларини 1,6 м дан қилиб, секциялар оралиги 6,4 м, ҳар секцияда тўрт қаторлаб экилади.

Ўткинчи даврада партенокарпик дурагайларга қўйидагича шакл берилади. Тупнинг пастки 4 та бўғимидағи гуллар ва ён палаклар олиб ташлаб, бош поядаги 7—8 та мева, (майда мевалиларда), узун мевалиларда 6 та мева қолдирилади. Иккинчи тартиб палаклари фақат асосий поянинг меваси йўқ бўғимларида қолдирилади ва иккинчи барги тагидан чилпилади. Асосий пояси шпалера (симбагаз)дан юқорида 2—3-барги юқорисидан чилпилади, ҳосил бўлган 2—3 та ён новдасини боғлаб, пастга осилтириб қўйилади; уларнинг бўйи бир метрга стганда учи чилпилади. Ўткинчи даврада партенокарпик навларга қўйидагича шакл берилади. Майда мевали навларда 7—8 та, узун мевалиларда (Тоска типида) 4 та мева қолдирилади. Фақат меваси йўқ бўғимларда иккинчи тартиб палаклар қолдирилиб, улар ҳам 2-барги юқорисидан чилпилади. Асосий пояси бағаздан юқорида 2—3-барги юқорисидан чилпилади, ҳосил бўлган 2—3 та ён новдасини боғлаб, пастга осилтириб қўйилади, бўйи бир метрга стганда учи чилпилади. Ана шунда кўп мева тугилади, унинг товарлиги, ҳосилдорлиги ортади, мевалар стилиши тезлашади.

Бодрингни парвариш қилишда иқлим шароити ҳисобга олиналиди. Январнинг ўрталаригача ёргумлик бир оз етишмаслиги сезизлади, кейин нормал ҳолатда бўлади. Шунинг учун иссиқхоналарда температура, тупроқ ва ҳавонинг намлиги оширилади, минерал озиқлар кўпроқ берилади.

Барча даврада бодринг етиштиришда заараркунанда (ўргимчакканга, шира, оқпашша, триплслар) ва касалликлар (ун-шудринг) га қарши кураш олиб борилади, химиявий ва биологик чора-тадбирлар амалга оширилади.

Қишки иссиқхоналарда бодринг ёппасига ҳосилга кирганда ҳафтасига 2—3 марта терилади. Бодринг гуллаганидан то меваси пишиб стилгунича ёргулликка ва навига қараб 10—20 кун ўтади. Бодринг меваси мазкур нав учун ўртача вазнда бўлганда, яни асаларилар ёрдамида чангланадиганлари 200—250 г, партенокарпиклар 250—350 г бўлганда терилади. Терилган бодринг аравалардаги яшикларга жойлашиб, қатор ораларидан олиб чиқиб кетилади.

Гидропоника усулида бодринг етиштириш. Ўзбекистонда куз-қиши-баҳорда гидропоника усулида бодринг етиштириш мумкин. Ўткинчи даврада экиш унча фойдали эмас, чунки ўсимликлар

ердагига қараганда тез қарийди. Гидропоника усулида бодринг етишириш учун ТСХА-211 (Манул) ва Сюрприз 66 навлари энг истиқболлидир.

Бодринг күчатлари ичига шагал-қум аралашмаси тұлдырилған сопол ёки пластмасса тувакчаларда етиширилади. Ҳар бир тувакчага 0,355 г дан преципитат ёки фторсизлантирилған фосфат құшилади.

Уруғ әкілгандан то уруғ барглари ҳосил бүлгүнча тувакчалары кунига 2 марта илиқ сув, майса чиқарғандан кейин олдин бир марта сув, В. А. Чесноков ва Е. Н. Базириналарнинг озиқли эритмаси ёки НИИОХ эритмаси, кейин бир марта сув ва иккى марта эритма, әкишга бир ҳаfta қолғанда 3 марта эритма қуйилади.

30 кунлик бодринг күчатларини тупроғи билан тувакчадаға олиб, қаторлардаги ярмігача сув тұлдырилған чуқурча ёки әгатчаларға әкіллади. Даастлабки иккى кунда күчатларға кунига 2 марта илиқ сув қуйилади. Учинчи кундан бошлаб озиқли эритма берилади.

Күчатлар қаторлар орасини 80—90 см ва туплар орасини 35—40 см дан қилиб (1 м^2 жойда 3—3,5 та ўсимлик ҳисобидан) бир қаторлаб әкіллади. Шунингдек, 90x50x35 см (1 м^2 жойда 4,1 та ўсимлик ҳисобидан), 120x60x35 (1 м^2 жойда 3,2 та ўсимлик ҳисобидан) схемаларда иккى қаторлаб лента шаклида әкиш усули ҳам құлланилади.

Гидропоника усулида ўстирилаётган бодринг тик бөгөзларға күтариб қуйилади.

Бодрингни парвариш қилишда деярли ҳамма жойда В. А. Чесноков ва Е. Н. Базириналарнинг озиқ эритмасидан фойдаланылади. Лекин бодринг вегетацияси даврида бүлиб-бүлиб озиқлантирилса, ҳосили анчагина ортади. Бундай озиқ эритмаларининг күп хиллари тавсия этилған. Шулардан СИТИ да яратылған озиқ эритмаси энг самарали деб топилған (41-жадвал).

41-жадвал

**Бодринг учун СИТИ да тайёрланған озиқ эритмаси
(100 л сувға г ҳисобидан)**

Үгітлар	Тайёрланған күчатлар	Әкілгандан то ҳосил түккүнча	Ҳосил түгіш даврида
Олдий суперфосфат	690	550	550
Аммиаклы селитра	515	515	250
Калий сульфат	405	417	140
Калий хлорид	340	448	120
Калий нитрат	—	—	400
Кальций хлорид	530	—	—
Магний сульфат	360	360	300
Әрүйнан молдаларнинг умумий концентрациясы	1,90	1,84	1,27

ИЗОХ. Микроэлементлар эритмасининг таркиби В. А. Чесноков озиқ эритмаси таркиби билан бир хил, лекин марганец сульфат нормаси 1000 л сувга 1 г гача камайтирилган.

Эритма субстратга пастидан кунига 2—4 марта берилади. лекин бунда унинг юқориги 1,5—2 см қатламига тегмаслиги керак. Эритма 30—40 дақиқа давомида берилади. Ҳар ҳафтада эритма анализ қилинади ва тузатиш киритилади. Ойда бир марта эритма канализация тармоғига оқизиб юборилади, субстрат эса pH=6,2-8,4 бўлган илиқ сув билан ювилади. Ҳар ойда бир марта микроэлементлар билан барги орқали (илдиздан ташқари) озиқлантирилади. Вегетация даври охирида субстратдаги илдиз қолдиқлари йўқотилади. Йилда бир марта сульфат кислотанинг 0,3% ли эритмаси ёки 5% ли формалин билан дезинфекцияланади.

Устига плёнка ёпиладиган баҳорги иссиқхоналарда бодринг ўстириш. Ўзбекистонда баҳорда усти ёпиладиган, лекин иситилмайдиган иссиқхоналарда баҳор-ёзда бодринг стиштирилади. Республикализнинг жанубида бундай иссиқхоналардан февраль охирида, марказий қисмида март бошида фойдаланилади.

Серқ ўёт кунларда устига плёнка ёпилган иссиқхоналарда ҳарорат ташқаридагидан анча юқори бўлади. Кечалари эса кескин пасайиб, ташқи ҳароратга яқинлашади. Ҳароратнинг ўзгариш амплитудаси жуда катта. шамоллатилмайдиган иссиқхоналарда ҳавонинг нисбий намлиги жуда ортиб кетади.

Устига плёнка ёпилган иссиқхоналар уруғ ёки кўчат экишдан 10—15 кун олдин тайёрлаб қўйилиши керак. Тошкент Давлат аграр университетида олиб борилган тажрибалардан маълум бўлишича, ТСХА-211, ТСХА-1, Алматинский-1, Ўзбекистон 740 навлари Ўзбекистонда баҳорда плёнка ёпиб бодринг стиштиришдаги энг истиқболли навлардир.

Баҳорда устига плёнка ёпиладиган иссиқхоналарда уруғни экишга тайёрлаш ва ўсимликларни парвариш қилиш усуслари худди қишки иссиқхоналардаги билан бир хил. Лекин уруғ ҳам, кўчатлар ҳам чиниқтирилади. Яхши ёритилган шаронтда кўчатларни кеч стиштириш уни тайёрлаш муддатини қисқартиришга имкон беради.

Тажрибалардан маълум бўлишича. Манул дурагайи ва Ўзбекистон-740 нави учун $\frac{80 + 40}{2} \times 40\text{cm}$ ва $\frac{70 + 40}{2} \times 40\text{cm}$ энг яхши схема ҳисобланади.

Баҳорги иссиқхоналарда бодринг ўстириш худди қишки иссиқхоналардаги каби парвариш қилинади. У вертикал симбағазда бир пояли қилиб ўстирилади ва бағазга стмагунча учи чилпилмайди. Барча нав ва дурагайларининг ён шохлари 1—2-барги юқорисидан чилпилади. Агар ён шохида тугунчалар бўлмаса, учинчи барги юқорисидан чилпилди ёки бутунлай кесиб ташланади.

Агар иссиқхона тупроғи унумдор бўлиб, кўчат экишдан олдин ерга органик ва осон эрувчан минсрал ўғитлар солинса, ўсимликлар ҳосилга киргунча озиқлантирилмайди. Кам унумдор ер бўлса, кўчат экилгандан бир ҳафтадан кейин озиқлантирила бошлади. Ҳосил туғиш даврида 7—10 кунда бир марта озиқлантирилади.

Ўзбекистоннинг марказий қисмида устига плёнка ёпилган иссиқхоналардаги бодринг ҳосили апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то июннинг ўрталаригача, яъни далалардаги бодринг пишгунча терилади.

Иссиқхоналар биологик усуlda иситилса, бодринг етиштириш самарадорлиги ортади. Бунда иситилмайдиган иссиқхоналардагига қараганда кўчатлар 10—15 кун олдин экилади.

Вақтинча плёнка ёпиб бодринг етиштириш. Бундай усуlda уруғ ёки кўчатлар очиқ жойдагига қараганда 15—25 кун олдин (республиканинг марказий қисмида мартнинг биринчи ярмida) экилади. Бунда энг тез ҳосил тўплаб, эрта пишадиган, Эртаги — 645 ва Ўзбекистон-740 навлари қўл келади.

Бодринг уруғи яхшилаб ивтилиб, ниш чиқаргандан кейин экилади. Экиш чуқурлиги 3—4 см бўлади, экилган қаторлар устига плёнка ёпилади, уни сим билан тортиб қўйилади. Ана шунда плёнка остида ҳарорат аста-секин кўтарилиб, 5—6 кундан кейин майса чиқади.

Бодрингдан эрта ҳосил олиш мақсадида уни кўчат қилиб экилади. Кўчатлар озиқ кубикчаларда 20—25 кунда тайёрланади.

Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кичик жойларга устини плёнка билан ёпиб экишнинг оптимал муддати мартнинг учинчи ўн кунлиги, Фарғона водийисида 15—20 март, Сурхондарё вилоятида 25 февраль — 5 март ҳисобланади.

Бодрингни кўчат қилиб экиб, устига вақтинча плёнка ёпиб ўстириш ҳосилни 15—20 кун олдин узишга имкон беради. Бунда уруғдан экилгандагига қараганда 40—50% ортиқ эртаги ҳосил олинади.

Плёнка ёпиб ўстириладиган бодринг кўчат қилиб ёки уруғдан, икки қатор лента усулида экилади. Ленталар ораси 140 см, қаторлар ораси 70 см ва қатордаги ўсимликлар ораси 20 см бўлади. Лентадаги қаторлар орасида эгат очилади. Уларнинг чуқурлиги 90—100 см, баландлиги 60—70 см, узунлиги 50—60 м бўлади. Ленталар орасидаги масофа (140 см) бўш қолдирилади, яъни йўл ҳисобланади. Плёнка олиб ташлангандан кейин ўсимликлар палаги йўл томонга ёйиб қўйилади, натижада кенг қаторлар ҳосил бўлади. Экиш схемаси қўйидагича бўлади:

$$\frac{140 + 70}{2} \times 20\text{cm.}$$

Бодринг кўчатини ёки уругини экиш билан бир вақтда уялар орасига салат, укроп ёки кўк пиёз экиш мумкин.

Устига плёнка ёпиб ўстириладигаи бодринг ерга ёйилиб ўсганлиги учун уларга шакл берилмайди. Плёнка ёпилгандан кейин бодрингни суғориш ва қатор ораларини ишлаш имкони бўлмайди. Шунинг учун ернинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади. Уз вақтида кузги шудгор қилинади, тайёргарлик ишларининг кўпчилиги баҳорда эмас, балки кузда бажариладиган бўлди. Кузги шудгорлашдан олдин 30—40 т/га гўнг ёки чиринди, 700—800 кг/га суперфосфат ва 400—450 кг/га аммоний сульфат солинади. Кузда сугориш эгатлари олинади. Уларнинг марказлари орасидаги масофа 210 см бўлади.

Устига вақтингча плёнка ёпилган бодрингни парвариш қилишда серқуёш кунлари шамоллатилади ва уялар атрофи юмшатилади. Апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб сугорилади ва озиқлантирилади. Серқуёш кунлари плёнка остида ҳарорат 35—40°C гача кўтарилади, натижада тупроқ нами жадал буғланади. Бу нам плёнканинг ички юзасида конденсат шаклида тўпланади. Шунинг учун мунтазам равишда кундузи плёнка остини шамоллатиб, кечаси яхшилаб беркитиш керак.

Вегетация даврида бодринг ҳар 10—15 кунда озиқлантирилади. Бунда бериладиган ўғитларининг умумий миқдори қўйидагича: 100 кг/га азот, 150 кг/га фосфор ва 60 кг/га калий.

Эрта баҳорда қаво булат бўлган кунлари ўсимликлар сувга эҳтиёж сезмайди. Серқуёш кунлар бошланиб, ёмғир ёғмайдиган вақтда ернинг намлиги 70—75% дан камайганда албатта сугорилади.

Вегетация даври бошланганда каркас ва плёнкаларни олиб бўлмайди, шунинг учун биринчи марта қўлда юмшатилади. Совуқ бўлиш хавфи тугагандан кейин қатор оралари тракторда ишланади, ўсимликлар озиқлантирилади, культивация қилинади ва туплар атрофи юмшатилади (окучка).

23 Боб

ХИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙДА ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Иссиқхоналарда ўстириладиган сабзавотлар орасида помидор иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда химоя қилинган жойларда помидор 40—42% майдонни эгаллайди ва иссиқхонада етиштириладиган ялпи сабзавот маҳсулотларининг 30% ни ташкил этади.

Қишики иссиқхоналарда помидор етиштириш. Ўзбекистонда қишики иссиқхоналарда помидор кузда экиласди. Ана шунда ноябрь-январда ҳосил олинади (куз-қишики) ёки кейинги йил июлигача ҳам парвариш қилинаверади (ўткинчи давра). Шунинг-

дек, қишида әкиб, мартдан июлгача ҳосил олинади (қиш-баҳорги давра).

Ўзбекистонда қишики иссиқхоналарга әкиш учун: куз-қишик учун Майкопский урожайный 2090 ва Ташкентский тепличный; қиш-баҳор учун Перемога 165, Внуковский ва Ташкентский тепличний навлари районлаширилган.

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти куз-қишик ва қиш-баҳорда әкиш учун Майкопский урожайный 2090, Южанин (Навруз), Гулқанд; қиш-баҳор ва ўткинчи даврда әкиш учун Волгоградский 5/95, Южанин навларини, Голландия селекционерлари томонидан чиқарилган Ревермунд ва Sonata дурагайларини тавсия этади.

Куз-қишида әкиладиган помидор ёруғлик камаядиган давр бошлангунча вегетатив органларида ассимиляция маҳсулотлари тўплаб олади. Ана шу запас за фотосинтез маҳсулотлари ҳисобига ҳосил тугади ва пишиб етилади. Шунинг учун декабргача ўсимликлар етарлича вегетатив масса тўплашини ва ҳосил тугишини таъминлайдиган шароитда парвариш қилинади. Бунинг учун мос навлар таңлаб, тегишли муддатларда уруғ сепиб, кўчат етиширилади, шунингдек, ўсимликлар жадал парвариш қилинади. Куз-қишики даврда әкиладиган ёруғликка ва ҳароратга кам эҳтиёж сезадиган навлардан кўп ҳосил олиниши керак.

Иссиқхоналарда кўчат әкиладиган оптимал муддатлар: Қорақалпогистонда августнинг бошлари, Қашқадарё вилоятида августнинг охири, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 10—15 август, Фарғона водийсида 15—20 август ҳисобланади. Уруғлар иссиқхонага 30—35 кун олдин сепилади, куз-қишики оборот январнинг бошида тугайди, бунда ҳосилдорлик 5—7 кг/м² бўлади.

Куз-қишики даврда 25—30 кунлик кўчатлар әкилади. Касаллик юқтирасмаслик учун бу кўчатлар шу иссиқхоналарнинг ўзида етиширилади. Кўчатларни ўта ёруғлик ва иссиқликдан сақлаш учун иссиқхоналар томига бўр ёки тупроқ аталаси пуркалади. Помидор кўчатларини бошқа жойда етишириб бўлмайди. Парник ёки кўчатхоналарда кўчатлар вируслар, касаллик тарқатувчилардан зарарланади; булар ширалар бўлиб, ёш кўчатларга осонгина ёпишиб олади.

Куз-қишики даврда әкиладиган кўчатларни 10x10 см ҳажмли озиқ кубикларда етишириш мақсадга мувофиқдир. Бу усулда ўсимликларнинг ўсиб ривожланиш даври қисқа бўлади, шунинг учун сабзавот ўсимликларининг озиқланиш майдони қиш-баҳорги оборотдагига қараганда бир оз кичикроқ бўлади. Бунда кўчатлар икки схемада: 70x35-10 ёки 80x20 схемада бир қаторлаб ва

$\frac{80 + 80}{2} \times 30$ схемада икки қатор қилиб әкилади. 1 м² майдонда 4—5 туп ўсимлик қолдирилади.

Помидор кўчатлари баландлиги 30—40 см ли пушталарга экилиб, эгат бўйлаб сугорилади. Ангар типдаги иссиқхоналарда

кўндалангига, блокли иссиқхоналарда узунасига пушта олинади эни 6,4 м ли блокли иссиқхоналарга помидор 8 қатор қилиб экилади.

Куз-қишики оборотда помидор тик бағазга кўтариб ўстирилади. Кўчат экилгандан 3—4 кун кейин канопга боғланади. Улар ўсган сари ҳар ҳафтада канопга чирмаштириб борилади.

Куз-қишики даврда помидор экиб ўстиришда ўсимликларга шакл бериш зарур. Помидор тупларида 4—6 та барг ҳосил бўлгандан кейин учини чилпиб, ўсиши секинлатилади. Ҳосили терилгандан кейин биринчи шохчаларидағи пастки барглар юлиб ташланади. Бунда ўсимликларга ёруғлик тушиши ва аэрация яхшиланади. Қуриган ўсимликлар ва барглар йўқотилади.

Куз-қишики давр бошланishiда ҳароратга эътибор берилади, у 35° дан кўтарилиб кетмаслиги керак. Ўсимликлар қизиб кетмаслиги учун иссиқхона томи оқланади ёки сув ёмғирлатиб турилади. Октябрь-ноябрда ҳаво ҳарорати серқўёш кунлари 25—30° ва булути кунлари 18—20° бўлиши, лекин 12° дан пасайиб кетмаслиги керак. Тупроқнинг ҳарорати 15—17° бўлиши керак. Декабрда табиий ёруғлик камайиб, кун қисқара борган сари иссиқхоналар ҳарорати аста-секин кундузи 18—20° га, кечаси 14—15° га туширилади. Бундан мақсад фотосинтез жараёни сусайган даврда ўсимликлар нафас олишида ассимилятлар сарфини камайтиришдан иборат. Бунда ҳавонинг нисбий намлиги имкони борича паст (60% дан оширмай) сақланади; бундай шароит помидор гуллари чангланиши учун ва касалликларнинг олдини олишда зарур ҳисобланади. Бунинг учун пастдан ёмғирлатиб сугорилади ёки шланглардан сув бериб сугорилади.

Тупроқнинг сувли сўримини анализ қилиш йўли билан тупроқдан озиқланишини мунтазам равишда назорат қилиб турилади. Қатор оралари 2—3 марта юмшатилади, ўсимликлар тупининг атрофи чопилади.

Помидор август-сентябрда тез-тез, кейин ҳарорат пасайиб, булути кунлар бошланганда ҳар ойда 2—3 марта сугорилади. Лекин тупроқ намлиги дала тўлиқ нам сифимининг 75% дан пасайиб кетмаслигига эътибор бериш керак.

Муҳит нам бўлса, помидор гулларининг чангланиши қийин бўлади. Шунинг учун ноқулай шароитда, айниқса ҳаво булат бўлса, гуллари яхши чангланиши учун электрмагнит вибратор ёрдамида силкитилади. Бу усул ҳосилни 10—12% га оширади. Уни ҳафтада 2 марта эрталаб 2—3 секунддан тақрорлаш мумкин. Агар вибратор бўлмаса, симбағазни секин силкитиб, бунга эришиш мумкин. Бундан ташқари, ўстирувчи моддалардан ҳам фойдаланиш мумкин, улар ҳатто уруғланмасдан ҳам мева тугилишини таъминлайди.

Помидор ҳосили ноябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то январнинг ўрталариғача терилади. Агар бу вақтда помидор тупларида пишмаган яшил мевалар бўлса, улар илдизи билан

сугириб олиниб, бино ичига осиб қўйнлади, шунда мевалар пишиб стилади.

Ўзбекистонда куз-қишида бодринг стиштирилгандан кейин қишибаҳорги оборот бошланиб, помидор экилади. Бунда энг олдин нав танланади; бошқа оборотларда экиладиган барча навлар мазкур оборотда экиш учун ярайверади. Қишибаҳорги оборотда ўсимликлар табиий ёргулар ортиб температура кўтарилаётган шароитда ўсади. Бундай шароитда ўсимликларни парвариш қилиш осон. Бу оборотда куз-қишидагига қараганда ҳосилдорлик 2 марта ортади.

Помидор кўчат қилиб экилганда анча эрта ҳосил олиш, узоқ ҳосил бериши ва ҳосилдорлиги ортиши мумкин бўлади. Ўзбекистонада 45—50 кунлик кўчатлар иссиқхонага декабрнинг охири ва январнинг биринчи ярмида экилади. Кўчат тайёрлаш учун помидор уруги 10—15 ноябрда сепилади. Уруғ кўчатлар 8x8 дан 14x14 см гача бўлган гўнгчиринди кубикларга пикировка қилинади ёки бевосита шу кубикларга уруғ экилади.

Сифатли кўчат стиштириш учун маҳсус иссиқхона бўлиши мақсадга мувофиқ; у ерда зарур микроқлим яратиш, ёш кўчатларни нормал парвариш қилиш мумкин бўлади.

Ҳарорат юқори бўлган ва ёргулар яхши тушиб турган шароитда помидор ўсимликларида ассимиляцияловчи кучли аппарат шаклланади. Шунинг учун бу даврда уларнинг озиқланниш майдони катта бўлади. Помидорнинг Майкопский, урожайний-2090, Волгоград-5/95, Ревермун, Ташкентский тепличный, Южа-

нин, Гулқанд навларини экиш учун $\frac{80 + 80}{2} \times 40 - 50$ смли схема тавсия этилади.

Кўчатларни тик қилиб, кубиклар 3/4 қисм баландлигигача кўмилади. Ўсиб кетсан бўлса, қияроқ жойлаштирилади. Экилгандан кейинги температураси 23—25° бўлган сув билан сугорилади. 2—3 кундан кейин кўчатлар каноп билан горизонтал бағазларга боғланиб, ҳар ҳафтада канопга чирмаштириб борилади.

Помидор битта пояли қилиб ўстирилади, бачки новдалари доим юлиб ташланади; улар 6—7 см дан узайиб кетмаслиги керак. Индетерминант навлар 8—9 та гул шингили чиқаради (бағазгача). Кейин асосий пояси бағаздан ошириб туширилади ва яна гул шингиллари ҳосил қилинади. Ўсимликлар уни чилпилади. Саргайиб, қуриб қолган пастки барглари ҳафтада бир марта юлиб ташланади.

Ёргулар кам шароитда помидор ҳосил туккунча ҳароратни: серкүёш кунлари кундузи 22—24°, булути кунлари 18—20°, кечаси 16—17° сақлаш; мевалар стила бошлаганда ва ёргулар кўпайганда юқоридагига мувофиқ, 24—26°, 20—22°, 17—18° сақлаб туриш тавсия этилади. Баҳор — ёз даврида иссиқхона ҳарорати 32° дан ортиб кетиши ўсимликларга салбий таъсир қиласи. Бундай ҳолда уни яхшилаб шамоллатиш ва сугориш

керак. Лескин тупроқ ҳарорати 18° дан, ҳавонинг нисбий намлиги 60—70% дан ортмаслиги керак. Қишида ҳали фрамугалар очилмайдиган вақтда ҳаво намлигини оширишга ва ўсимликларни ҳўллашга доир барча ишларни эрталаб бажариш керак, шунда ўсимликлар қуриб улгуради.

Помидор тупроқ намлигига жуда талабчан бўлади. Унинг оптималь намлиги 75—80% бўлиши керак. Қишида 6—8 кунда бир марта $5—7 \text{ л}/\text{м}^2$ нормада сугорилади. Кунлар илиши билан тез-тез сугорилади. Май ойида ҳар 2—3 кунда бир марта $10—12 \text{ л}/\text{м}^2$ нормада сугорилади. Ҳар гал сугорилгандан кейин иссиқхона шамоллатилади. Агар намлик нормал бўлмаса ёки етишмаса, гул ва тугунчалар тўклилиб, тугилган помидор мевалари ёрилиб кетади, чириш касаллиги ривожланади.

Иссиқхоналарга кунига 2 марта: эрталаб қуёш чиққунча ва соат 16 дан кейин газ ёкиш тавсия этилади. Иссиқхона ҳавосидаги СО₂ миқдорини 0,10—0,20% гача стказиш тавсия этилади.

Қиши-баҳорги даврда помидор авж олиб ўсиб ривожланади. Шунинг учун ер озиқ элементларига бой бўлиши керак. Март ва май ойларида айниқса кўп озиқлантириш керак. Вегетация даври бошида 1:3,5—4 нисбатда азот ва калий берилади. Кейин ёргулик кўпайиши ва ўсимликлар ўса бориши билан бу нисбат 1:2 ёки 1:1 бўлади. Кўчат экилгандан кейин илдииздан озиқлантириладиган (ерга солинадиган) эритманинг концентрацияси 0,7%, ҳосил тугилиши даврида 1% бўлиши керак. ҳар 10—12 кунда илдииздан, 25—30 кунда барги орқали озиқлантирилади.

Бундан ташқари, қиши-баҳорги даврда ўсимликлар гули чангланиши учун шингиллари силкитилади, ер юмшатилади, касаллик ва заараркундаларга қарши курашилади. Кўчатлар дастлаб бутун озиқ майдонини эгалламагани учун бўш қатор ораларига редиска ва бошқа эртапишар кўкат, сабзавотлар экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Помидор экилганидан таҳминан 2 ойдан кейин ҳосил туга бошлайди. Ҳосили нимранглигида терилади. Ана шунда тупида қолганлари тез этилаверади. Баҳорда ҳар 2—3 кунда, ёзда ҳар куни терилади. Ҳосилини терганда бир йўла сараланади ҳам.

Ўткинчи даврда помидор шу йилги куздан кейинги йил ёзгача ўсади. Мазкур даврда мавсумдан ташқари вақтда помидор етишибтиришни таъминлайди. Ўсимликлар куздан ҳосил туга бошлайди ва тўхтовсиз қишида ҳам давом этиб, ёзгача боради. Бу даврда бодрингга қараганда помидор яхши стилади. Унинг ҳосили $15—16 \text{ кг}/\text{м}^2$, декабрь-апрелда $10 \text{ кг}/\text{м}^2$ ни ташкил этади.

Ташкентский тепличный, Ревермунд, Волгоградский-5/95 каби узоқ ҳосил берадиган навларни 10—20 августда, Майкопский урожайный-2090, Южанин навларини 20 сентябрда экиш керак.

Куз-қишки даврдаги каби, ўткинчи даврда декабрь-январда ўсимликлар ёруғ даврда тўплланган ассимиляция маҳсулотлари ҳисобига ҳосил тугади ва фақат февралдан бошлаб фотосинтез

ҳисобига ўсадиган янги ҳосил органлари пайдо бўлади. Ўткинчи даврдаги экинларни экишдан мақсад қиши ойларида маҳсулот олишдан иборат. Бунда гарчи ҳосил унча юқори бўлмаса-да, Ўзбекистонда бу муддатда помидор кўп экиласди.

Кўчатлар худди куз-қишига тайёрлангандек стиштирилади. Узоқ ўсиб ривожлангани учун помидор ўсимликларининг озиқла-ниш майдони бошқа оборотлардагига қараганда катта бўлади. 1 м² майдонга 2,5—2,7 та ҳисобидан кўчат экиласди. Бунда қатор ораларини 80 см, ўсимликлар орасини 40—50 см дан қилиб

(80 × 40 — 50 см ёки $\frac{80 + 80}{2} \times 40 - 50$ см) қаторлаб ёки лента шаклида экиласди. Ўткинчи даврда ўсимликларга бир пояли қилиб шакл берилади. Бунда ҳар тупда 20 та ва ундан ортиқ гул шингили ҳосил бўлади. Январнинг ўрталарида помидор туплари юқориги бағазгача ўсиб чиқади. Ана шунда улар олдинги-пастки иккита бағаздан бўшатилиб, шахмат усулида биринчи бағазга кўчирилади. Натижада ўсимликлар пояси пастга осилиб, ўсиш жараёнлари янада тезлашади.

Волгоградский-5/95 навига бошқача шакл берилади. Декабрь-январь ойларида ёруғлик стишмаганда бу нав ўсимликлари қариб, вегетатив массасининг бир қисми қуриб қолади, янги новдалар ҳосил бўлиш жараёни дсанярли тўхтайди. Январнинг охиридан ёруғлик кўпаяди ва илдиз бўйнидан юқорида янги новдалар чиқара бошлайди. Улардан биттасини асосий поя ўрнига қолдириш мумкин, чунки асосий поясининг ҳосили февралда тугайди. Ёшартирилган ўсимлик апрелнинг ўрталаридан июлнинг охири-гача ҳосил беради.

Бошқа вақтда помидор худди куз-қишидаги каби парвариш қилинади. Февраль-мартда кун узайиб, ёруғлик кўпайиши билан иссиқхоналар ҳарорати кўтарилади, ўсимликлар яхшилаб озиқлантирилади ва сугорилади, иссиқхоналар ҳавоси CO₂ гази билан бойитилади. Агрехимиявий анализ натижалари бўйича, ўсимликларининг вегетация даври тугашидан 1—1,5 ой олдин озиқлантириш тўхтатилади.

Касалликлардан баргларининг жигарранг доғ тушиб қуриш, зараркундалардан оқсанот пашша (теплица алайронди) ёнг зарарли бўлади. Оқ пашша ўсимликлар ширасини сўриб, йил бўйи зарар етказади. Уларга қарши иссиқхоналарни дезинфекция қилишдан ташқари, ўсимликлар вегетацияси даврида турли химиявий ва биологик кураш чоралари қўлланилади.

Гидропоника усулида (иссиқхонада) помилор етиштириш. Бу усулда помидор стиштиришда кўчатлар учун срдагига қараганда янада қулай шароит яратилади. Чунки стеллажларга ёки идишларга озиқ эритмаси юборишида унинг сатҳи субстрат сатҳидан 2—3 см паст бўлади. Шунинг учун ўсимликлар барги ёйилган зонадаги ҳаво намланмайди.

Гидропоникали иссиқхоналарга экиладиган күчатлар ичига шағал-құм аралаштириб солинган сопол тувакчаларда етиштирилади. Парвариш қилиш даврида күчатлар кунига 1—2 марта В. А. Чесноков ва Е. Н. Базириналарнинг озиқ әритмаси билан сугорилади.

Күчатлар 7—8 та барг чиқарганда иссиқхоналарга күндаланғ қилиб қаторлаб экилади. Уларни жуда қалин экмаслик керак. Бунда битта давр: күз-қишида ёки қиши-бахорда помидор етиштирилади. Гидропоника усулида ўсимликлар тез қаригани учун иссиқхонада ўткинчи даврдан фойдаланылмайди. Бу усулда помидор туплари вертикал (тик) бағазда ўстирилади.

Помидор күчатлари шағалли субстратта экилғандан кейин Чесноков ва Базирина әритмасида ўстирилади. Ундан 3—4 ҳаfta фойдаланилади. Бу әритмани ҳар ҳафтада анализ қилиб, етишмаган айрым элементлар ўрнига ўғит қүшилади. "Киев сабзавотчилик фабрикаси" совхозида маҳсус озиқ әритмаси рецепти ишлаб чиқылған бўлиб, ўсимликларнинг ўсиш фазалари бўйича ундан бўлиб-бўлиб (дифференцияланган ҳолда) фойдаланилмоқда.

Әритмани вақт-вақтида бериш, субстраттинг намланиш экспозицияси, әритмани алмаштириш ва камчилигини тўлдириш ва ҳоказолар худди бодринг етиштиришдаги билан бир хил бўлади.

Гидропоника усулида помидор етиштиришда юқорида айтиб ўтилган навлар экилади, экиш муддатлари ва ўсимликларга шакл бериш ҳам худди юқоридаги каби. Лекин ҳарорат ва ҳавонинг намлиги, ундаги CO₂ миқдори қулагай бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Устига плёнка ёпилган баҳорги иссиқхоналарда помидор етиштириш. Ўзбекистонда иситилмайдиган иссиқхоналарда баҳор-ёзда мартнинг бошларидан то июннинг бошигача помидор етиштирилади. Республиканинг марказий зоналарида помидор мартнинг ўрталарида экилади, апрелнинг учинчи ўн кунлигига ҳосили пишади. Июннинг биринчи ярмида энг кўп ҳосил олинади. Устига плёнка ёпиладиган иссиқхоналарга серҳосил навлардан: Перемога 165, Талалихин 186 ва бошқаларни экиш тавсия этилади.

Күчатлар қишки иссиқхоналарда етиштирилади. Январнинг бошида уруғ сепилади. Күчатлар 60 кунда етишади. Улар пикировка қилиниб 10x10x10 см ҳажмли гүнг-чиринди кубикчаларда етиштирилади. Күчат етиштириш усуllibари худди қишки оборотдаги каби, лекин экишдан олдин уларни албатта чиниқтириш керак. Иссиқхонага күчатлар қаторлаб, 70x35-40 см схемада ёки кўпинча икки қатор қилиб лента усулида, ленталар орасини 80—90 см, қаторлар орасини 50—60 см ва ўсимлик туплари орасини 25—40 см дан қилиб экилади.

Помидор тик бағазга boglab ўстирилади. Тупига бир ёки икки пояли қилиб шакл берилади. Тезпишар навлари 3—4-гул шингили юқорисидан, баланд бўйли ўртапишар навлари 5—6 чиси юқорисидан чилпилади.

Устига плёнка ёпилган иссиқхоналардаги помидорни парвариш қилишда кундузи ҳароратни $25-27^{\circ}$, кечаси $10-12^{\circ}$ ва ҳавосининг намлигини $60-70\%$ сақлаш, мунтазам сугориб, озиқлантириб туриш, 3—4 марта чопиқ қилиш, касаллик ва зараркунаидаларга қарши курашиш зарур.

Мавсумда 3—4 марта озиқлантириш керак. Ҳар гал озиқлантирилгандан кейин устига янги тупроқ сепилади ёки ўсимликлар тупининг атрофи юза юмшатилади. Минерал ўғитлар бериш нормаси ўсимликларнинг ривожланиш фазасига ва тупроқдаги минерал элементлар миқдорига боғлиқ. Минерал ва органик ўғитлар галма-гал солинади. Микроэлементлар билан бир қаторда мавсумда 2—3 марта макроэлементлар ҳам озиқлантирилади.

Иссиқхона плёнкаси шамоллатиб турилгандан кейин помидор ҳосили терилади. Навлар экиш муддатлари тўғри танланса, июль ойигача парвариш қилинса (далаларда помидор пишгунча), иссиқхоналарнинг ҳар 1 m^2 сридан 4—5 кг дан ҳосил олиш мумкин.

Устига вақтинча плёнка ёпиб помидор етиштириш. Бундай усулда помидор кўчкат қилиб экиласди. Республикамизнинг жанубида кўчкатлар февраль охирида, Фаргона водийсида 15—20 марта, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида мартнинг учинчи ўн кунлигига экиласди. Парвариши қилиш технологияси худди далалардаги билан бир хил. Фақат баҳорги совуқдан ҳимоя қилиш керак. Кичик ҳажмдаги устига плёнка ёпилган жойнинг микроқўлими иситилмайдиган иссиқхоналардагига қараганда ёмнороқ бўлади. Лескин суткалик ўртача ҳарорат атроф-муҳит ҳароратидан $2-4^{\circ}$ юқори бўлади. Бу срга экиласдиган кўчкатлар ярим иссиқ парникларда ёки иситиладиган иссиқхоналарда етиштирилади. Помидор уруғи январь охири-февраль бошларида сепилади. Кўчкатлар 8×8 см схемада пикировка қилинади. Оддий усулда парваришлаб чиниқтирилади. Сўнгра 45 кундан кейин плёнка остига экиласди.

Помидор экиласдиган майдон ҳам худди бодринг экишдаги каби тайёрланади. Плёнка остига фақат суст ўсадиган жуда тезшишар дегтерпинант навларни экиш мақсадга мувофиқ, шунинг учун кўчкатлар оддий экишдагига қараганда зичроқ жойлаштирилади. Уларнинг энг яхшилари Талалихин 186, Персомога 165. Қаторлар ва ленталар ораси ишлов беришда фойдаланиладиган машина ва қуролларга мослаб қолдирилади. Қаторга ўсимликларни зичроқ экиш ҳисобига улар қалинлигига эришиш мумкин. Уларни парвариш қилишда асосан плёнка тагидаги температура ва ҳавнинг нисбий намлигини назорат қилиб туриш керак, акс ҳолда ҳарорат тез кўтарилиб, намлик ортиб кетади. Эрталаб фақат бош томони, бир қанча вақтдан кейин об-ҳавога қараб бутун ёнлари очиб қўйилади. Агар об-ҳаво яхши бўлса, плёнка бутунлай очиб қўйилади. Кечаси яна ёшиб қўйилади, ана шунда ҳосил стилиши тезлашади. Агар ёғин-сочин бўлмаса, апрелда эгат бўйлаб 2—3 марта сугорилади. Апрельнинг охири-мартнинг бошида плёнка олиб ташланиб, майдон ёппасига юмшатилади, минерал ўғит солинади ва эгат бўйлаб сугорилади. Вақтинча плёнка ёпиб етиштириладиган помидор срга ёйиб ўстирилади.

ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙДА КҮҚАТЛАР, РЕДИСКА ВА БОШҚА ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШ

Ҳимоя қилинган жойда помидор, бодринг билан бир қаторда күқатлар — редиска, күк пиёз, карам, булгор гармдориси, полиз маҳсулотлари ва бошқалар ҳам стиштирилади. Улар камроқ майдонга экилади ва Ўзбекистонда асосан устига плёнка ёпиладиган иссиқхоналарда ва вақтинча плёнка ёпид ўстирилади.

Күқатлар. Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жойда ҳар хил күқатлар стиштирилади. Улар ноябрдан келгуси йил апрелгача ўстирилади. Ўзбекистонда кузнинг охири ва қишининг бошланышда мева, узум, янги ва тузланган сабзавотлар мўл бўлади. Бу даврда күқатларга талаб камроқ бўлади. Шунинг учун куз-қишики оборотда фақат укроп, кress-салат ва кашнич экилади. Қиши-баҳорги оборотда асосан барғли салат экилади. Вегетация даври қисқа бўлган күқатлар уруғини сепиб ўстирилади. Вегетация даври узун бўлганлари тезлаштириш усулида стиштирилади.

Күқатларни ҳар қандай жойда ҳам уруғини сепиб стиштириш мумкин, лекин устига плёнка ёпиладиган иситиладиган ва иситилмайдиган иссиқхоналарда ўстириш мақсадга мувофиқдир. Бу күқатларни қишки иссиқхоналардаги помидор ва бодринг орасига ҳам экиш мумкин. Лекин асосий экинлар билан күқатларнинг хароратга эҳтиёжи ҳар хил бўлганлиги учун күқатлардан юқори ҳосил олиш қийин. Уларнинг ҳаммаси ҳароратга жуда талабчан эмас. $12-18^{\circ}$ улар учун етарли.

Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жойда кўқат ўсимликлардан укроп, кашнич ва петрушка стиштирилади. Укропнинг Ўзбекский-243 ва Андижон маҳаллий навлари экилади.

Қишки иссиқхоналарда укроп бодринг, помидор орасига сспилади, шунингдек, баҳорги иссиқхоналарда ёруғ жойга қўйилган яшикларга, парникларда ўсимликлар орасига ва камдан-кам соф ҳолда экилади.

Куз-қишида күқатлар 40—45 кунда, эрта баҳордагиси 30—35 кунда стилади. Экиш муддатлари маҳсулот қачон стиштирилиши зарурлигига қараб белгиланади. Укроп тез стилгани учун иссиқхоналарда бир неча марта экилади. Иситилмайдиган баҳорги теплицаларда ва вақтинча устини ёпид, кузги даврда укроп октябрнинг ўрталаридан ноябрнинг охиригача, эрта баҳоргида февраль бошидан мартнинг ўрталаригача ўстирилади.

Укропнинг ўзи (соф ҳолда) устига плёнка ёпиладиган иссиқхоналарга парник сеялкасида тор қаторлаб экилади ёки қўлда сепилади. Орасида тор (40—50 см ли) йўл қолдириб, кснг лента шаклида (1,2—1,5 м) экилади.

Иситилмайдиган иссиқхоналарда ва устига вақтинча плёнка ёпилганда баҳорда укроп асосий экин экилгунча стиштирилади,

баъзан зичловчи экин сифатида экилади. Экишдан олдин уруғи 2 кун давомида сувда ивитиб қўйилади.

Қишик иссиқхоналарда кўчат яшикларига уруғ ялпи сепилади (ҳар бир яшикка 3—4 г ҳисобидан); ўйлар четига 20—30 г/м² дан сепилади. Зичловчи экин сифатида экилса, 4—6 қаторли лента шаклида 10—15 г/м² ҳисобидан уруғ сарфланади.

Парникларга соғ ҳолда экилганда уруғи ҳар бир рамага 40—50 г ҳисобидан сепилади. Кейин илиқ сув билан сугорилади; устига 0,5 см қалинликда чиринди сепиб, снгилгина зичланади (босилади). Уруғ сепилган яшикларни устма-уст тахлаб, 3—5 кун ҳарорати 20—25° ли шароитда сақлаш мумкин. Майсалаши билан (5% дан кўпроқ) яшиклар бир қатор қилиб жойлаштирилади. Укропни парвариш қилишда зарур (15—18°) ҳарорат, тупроқ намлиги (70—80%) ва ҳавонинг нисбий намлиги (60—70%) оптимал сақланади. Зарурат бўлса ўтоқ қилинади. Вегетация даврида 2—3 марта сугорилади ва азотли ўғитлар билан (1 л сувга 3—4 г аммиакли селитра ҳисобидан) озиқлантирилади.

Укроп ёш вақтида ўриб олинади. Уни илдизи билан суғуриб ҳам олинади. Ўрилгандан кейин сугорилса, яна ўсади ва уни иккинчи марта ўриб олиш мумкин. Ўрилган укропни 0° да 3—5 кун сақлаш мумкин.

Укроп ҳосилдорлиги ҳар бир кўчат яшикдан 200—400 г. Иssiқхона йўлка ва коридорларидан 1—1,5 кг дан, плёнка ёпилган иссиқхона, парник, вақтинча ёпилган плёнкалар тагидан 1,5—2,5 кг/м² дан ҳосил олинади. Зичловчи экин сифатида экилса, ҳосили 2 марта кам бўлади.

Кашнич ҳам тез стилиши жиҳатидан укропга яқин. Шунинг учун у ҳам укроп каби экиб ўстирилади. Укроп экиладиган муддатларда экилиб, ўша муддатларда йигиб олинади. Уруғи ёппасига сепилади ва тор қаторлаб экилади. У ҳам асосий экин сифатида ёки зичловчи сифатида экилади. Кашнич уруги яхши унади, у бир кун ивitiлади. Уруғ экиш нормаси укропникидан кам; соғ ўзи экилганда 12—18 г/м².

Петрушка қишик ойнаванд ёки плёнка ёпилган иссиқхоналарда кичикроқ майдонларда етиштирилади. Уругини экиб петрушка етиштиришда биринчи ўримигача иссиқхоналарда маълум майдонни 40—45 кун узоқроқ эгаллаб туради. Лекин бу усулда уни далада етиштиришга, илдизмевасини тайёрлаш ва ташишга, уларни сақлаш ва экишга зарурат қолмайди. Петрушка кўп марта ўрилса, ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Исиқхоналарга Урожайная, Сахарная, Бордовиковская навлар уруғи экилади. Сентябрда кенг қаторлаб, кўп қаторлаб (қатор ораларини 10—15 см дан қилиб), орасида йўл қолдириб экилади. Уруғ экиш нормаси 1,5—2 г/м². Яганалангандан кейин қатордаги ўсимликлар ораси 2—3 см бўлади.

Петрушка учун етарли иссиқлик (15—17°), ҳавонинг нисбий намлиги (60—70%) ва тупроқнинг оптимал намлиги (60—70% НВ) бўлиши керак. У кўп сув бериб сугорилади (лекин тез-тез

эмас акс ҳолда чириб кетади). Декабрь-январда ёруғлик камай-ганды намлик күплигидан қийналади.

Петрушка бир неча марта ўрилади. Ўримлар ораси куз-қишида 50—60 кун, эрта баҳорда 30—40 кун. Бутун мавсумда (сентябрьдан май ойгача) 5—7 марта ўриш мумкин. Бунда 8—10 кг/м² дан петрушка ўриб олинади.

Күчат қилиб петрушка стиштиришда илдизмеваси қатор ораларини 6—8 см ва туплари орасини 7—8 см дан қилиб, 8—10 см чуқурликда экилади. Ўртача йирик илдизмевалари танланыб, 5—6 кг/м² нормада экилади. Илдиз бўғзи очиқ қолдирилади, шунда барглари яхши ўсиб чиқади. 35—40 кун ўсади. Бу даврда ҳарорат 19—20° сақланади. Кейин ёппасига ўрилади, ҳосилдорлиги 6—7 кг/м² бўлади.

Ўзбекистонда фақат баргли сельдерей экилади. У илдизмева-сидан стиштирилади. Бунинг учун илдизмеваларини 60—70 г дан қилиб тайёрлаб, қатор ораларини 8—10 см, туплар орасини 3—4 см дан қилиб экилади. 1 м² майдонга 120—140 та сельдерей кўчатини экиб, устига (илдиз бўғзигача) тупроқ бостирилади. 12—18° иссиқда 35—40 кун ўстирилади.

Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жойда баргли кўкатлардан салат, кress-салат ва камлан-кам ҳолда пекин карами экилади. Улар қиш-баҳорги ва эрта баҳорги даврда стиштирилади.

Московский парниковый ёнг кўп тарқалган баргли салат бўлиб, фақат уругдан экиб ўстирилади.

Ойнаванд ёки устига плёнка ёниб иситиладиган қишки исиқхоналарда салат фақат қиш-баҳорги бодринг ва помидор орасига, шунингдек, қўшимча майдонларга экиб ўстирилади. У бодринг ва помидордан 2—3 кун олдин эгатларнинг нишаблигига (ён томонига) экилади. 4—6 қаторли ленталарда қаторлар ораси 5 см бўлади. Экиш нормаси 1—2 г/м². Январда экилса, 35—40 кунда стилади.

Устига плёнка ёнилдиган иситилмайдиган теплицаларда, вақтинча плёнка ёпган ҳолда баҳорги иссиқсвар экинлар экилгунча соф ҳолда салат стиштирилади. Уни зичловчи экин сифатида экиш ҳам мумкин. Республикаизнинг марказий зонасида салат юқорида айтилган жойларга февралнинг биринчи ўн кунлигига экилади.

Устига вақтинча плёнка ёниб салат стиштириш учун механик таркиби ёнгил тупроқли майдонлар ажратилади. Куздан бошлаб ерга чиринди ёки компост (50—60 т/га ҳисобидан), суперфосфат (3—4 ц/га), калий хлорид (1,5—2 ц /га) солинади. Ерга экин экиш олдидан ишлов берилади. Эрта баҳорда қўлда ёки парник сеялкасида уруғ сепилади; 1 м² майдонга 1,5—2 г дан уруғ сарфланади. Кейин юпқа қилиб гўнг сепиб, устига плёнка ёниб қўйилади.

Баъзан салат парниклардаги эртаги карам кўчатлари тугагандан кейин улар ўрнига экилади (январнинг охирида). Бунда

қатор оралари 6—7 см бўлади. Ҳар бир ром тагига 6—7 г уруғ сепилади. Майса чиқарғандан сўнг яганаланади ва ўсимликлар ораси 5—6 см қилиб қолдирилади.

Салат соф ҳолда экилганда дастлаб температура 12—14° атрофида сақланади. Ҳавонинг оптимал намлиги 80% дан ош-маслиги керак.

Салат эҳтиётлаб сугорилади, акс ҳолда барглари могорлаб чириб кетади. Бунда онда-сонда, лекин кўлоблатиб сугориш керак. Кейин ортиқча сув чиқариб ташланади. 1—2 марта аммиакли селитра (10 л сувга 40—50 г ҳисобидан) билан озиқлантирилади.

Салат 7—10 та ҳақиқий (чин) барг чиқарғандан, бир ёки икки марта: биринчи марта яхши ўсған барглари, иккинчи марта қолган ҳамма барглари йигиштириб олинади. Салат зичловчи сифатида экилганда ҳосилдорлиги 0,8—0,9 кг/м², соф ҳолда экилганда 2—2,5 кг/м².

Пекин карамининг Хибинская нави ҳимоя қилинган жойда худди баргли карам сингари стиширилади. У ҳам салат сугорилган муддатларда сугорилади. Бу карам экилгандан 23—25 кундан кейин стишиади. Баргли салатга қараганда пекин карамини экиш нормаси юқори (5—6 г/м²). У ҳароратга талабчан, яъни 6—7 та барг чиқаргунча 20—25° бўлишига эҳтиёж сесади. Ҳарорат бундан юқори бўлса, вирусли касалликлар пайдо бўлади. Пекин карами мустақил экилганда 3—5 кг/м² дан ҳосил олинади.

Кресс-салат тез стилиши жиҳатидан салатбоп пекин карамига яқин туради, худди салат экилган муддатларда экиб, йигиб олинади. Уруғи сочиб, қаторлаб, укроп сингари зич экилади. Экиш нормаси 8—10 г/м². Кресс-салат соф ҳолда ҳамда зичловчи экин сифатида экилади. Ҳосили ҳам салат ва пекин карами сингари йигиштирилади.

Қўқ пиёзни Ўзбекистонда йил бўйи стишириш мумкни. Ҳимоя қилинган жойда уруғдан экилмайди. Баъзан нўш пиёз экилади. Бунда 4 см йириклидаги пиёзбошлар 10—12 кг/м² ҳисобидан зич қилиб экилади. Устига плёнка ёпилган иссиқхоналарда ва парникларда пиёз биринчи даврда стиширилади. Қишки иссиқхоналарда 2—3 даврда стиширилади ёки зичловчи экин сифатида экилади.

Баргли салатни стишираётганда дастлабки ҳарорат 12—14° бўлиши керак. Биринчи ҳақиқий баргни чиқаргач, 16—18° га кўтарилади. Салат учун мақбул ҳаво намлиги 80% дан ортиқ бўлмагани маъқул.

Салат эҳтиёт бўлиб сугорилади. Суғориш кам, бироқ мўл қилиб ўтказилади, ортиқча нам чиқариб юборилади. Салат бир-икки марта аммиакли селитра (40—50 г 10 л сувга) билан озиқлантирилади.

Баргли салат 7—10 та ҳақиқий барг ҳосил қилгандан сўнг йигиштирилади. Ҳосил бир ёки икки марта йигиштириб олинади.

Салатнинг ҳосилдорлиги зичловчи экин сифатида 0,8—0,9 кг/м², мустақил экин сифатида -2—2,5 кг/м².

Кресс-салат тез пишиш бўйича пекин карам салатига яқин, экиш ва йигиштириш бир хил вақтга тўғри келади. Уругини сочиб ёки қатор қилиб, укропдек зич қилиб экиласди. Экиш нормаси 1 м² ерга 8—10 г. Мустақил экин ёки зичловчи экин сифатида стиштирилади. Ҳосилини салат ёки пекин карамига ўшаб стиштириб олинади.

Баҳорги пиёсни Ўзбекистонда очиқ усулда йил давомида стиштириш мумкин, шу сабабли ҳимоя қилинган жойга пиёз уруғи экилмайди. Айрим ҳолда пнёздан баррасини олиш учун стиштирилади. Пнёздан бош кўкатини олиш учун диаметри 4 см ли пиёзбошни бир-бирига зичлаб 1 м² ерга 10—12 кг ҳисобида экиласди. Плёнкали иссиқхонада ва парникда кўкат учун биринчи алмашлашда экиласди. Қишки иссиқхонада кўкат учун икки-уч алмашлашда экиласди ёки пиёсни зичловчи экин сифатида экиласди.

Пиёсни экишдан олдин бўйин боши кесилади. Бундай кессиши пиёзнинг тез ўсишига яхши шароит яратади ва чиқиши муддатини қисқартиради. Кўк пиёз 16—22° ҳароратда 25—35 кунда етилади. Бундан юқори ҳарорат пиёз барраларини ҳосил бўлишини секинлаштиради. Ўстирилаётгандага сугорилади ва аммиакли селитра (20—30 г 10 л сувга) билан озиқлантирилади. Ҳосил пиёз бўйи 30—35 см га етганда йигиштирилади. 1 м² дан 10—15 кг ҳосил олинади.

Ўзбекистонда айрим ҳолларда шовул барглари стиштирилади. Экиладиган илдизлар йўқотишга мўлжалланган эски плантациялардан олиб тайёрланади. Зич қилиб экиласди, 1 м² ерга 6—8 кг илдиз сарфланади. Аввалига ҳароратни 10—22° да сақланади. Сўнгра 18—20° гача кўтарилади. Барглари 3—4 марта кессиб олинади. 1 м² ерга 2—4 кг дан ҳосил тўғри келади.

Редиска. Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жойдаги барча иншотларда редиска кўпроқ эрта баҳорда зичловчи экин сифатида стиштирилади. Кўкат экинларга нисбатан редиска ёруғликка талабчанроқ ва юқори ҳароратни хоҳламайди. Шу туфайли, редиска кузги-қишки муддатда етиштирилмайди. Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жода фақат уруғдан стиштирилади ва унинг "Сакса", "Круглий красный", "Эртапишар" сингари эртапишар, шунингдек, "Заря", "Тепличный" ва "Красний Великан" навлари стиштирилади.

Қишки иссиқхоналарда редискани зичловчи экин сифатида бодринг ёки помидор ораларига экиш мумкин. Асосий экинни экишдан 6—8 кун олдин жўякнинг икки томонига 4—6 қатор қилиб лента шаклида экиласди. Редискани кўчат яшикларида ёруғ йўлакларда ҳам стиштириш мумкин. Экиш чуқурлиги 0,5—2 см бўлиб, қўлда ёки сеялкада 1 м² га 3—4 г уруғ

сепилади. Бунда озиқ майдони 5×5 см бўлади. Униб чиққач, ягана қилинади.

Кузги иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда редиска биринчи алмашлаш февраль бошидан мартнинг ўрталаригача, асосий иссиқсевар экинлар экилгунча стиштирилади. 1 m^2 майдонга 4—5 г уруғ сепилади. Экишни парник сеялкасида ёки қўлда маркер ёрдамида озиқ майдонини 6—3 см белгилаб амалга оширилади. Кенг ленталар оралиғида (1,2—1,5 м) энсиз йўлка қолдирилади.

Ўсимликнинг парваришига тавсия этилган ҳароратни сақлаш (қўёшли кунда -16 — -18° ли, булутили кунда -12 — -14°). Ҳаво намлиги (60—65%) ва тупроқни озиқлантириш (75—80%) киради. Қишки иссиқхонада, бундан ташқари, ўсимлик катталашиб борганд сари тагига тупроқ сочиб турилади.

Тўлиқ ўсиб чиқмагунча сугориш ўтказилмайди, чунки у уругнинг чиришига сабаб бўлади. Тупроқнинг юқори қатлами қуриб қолса юзасига сув сепилади. Униб чиққач, аввалига камроқ, сўнгра тез-тез сугорилади. Редискани стиштириш даврида икки марта озиқлантирилади. Биринчиси униб чиққандан сўнг икки ҳафта ўтгач берилади. Бунда гўнг (1:6 нисбатда сув билан аралаштирилгани) 15 г суперфосфат ва 10 г калий тузининг 10 л эритмаси билан қўшиб солинади. Иккинчи ўйтитлаш биринчидан бир ҳафтадан кўсийн ўтказилади. Бунда 40 г аммиакли селитра, 20 г суперфосфат, 15 г калий тузи 10 л сувда эритилади. 1 m^2 майдонга 6—7 л эритма қўйилади.

Қишида ҳосил уруғ униб чиққандан сўнг 32—35 кун, эрта баҳорда 25—28 кун ўтгач йигиштирилади. Илдизмевани саралаб, уч-тўрт марта диаметри камида 2 см бўлганда йигиштириб олинади. Ҳосил 10—12 кун давомида йигиштирилади. Йигиштирилаётганда барглари билан сугуриб олинади ва 10 донадан боғлам қилиб бойланади. 1 m^2 иссиқхона майдонидан 2—3 кг редиска йигиштириб олинади.

Редиска вақтингчалик плёнка остида ҳам стиштирилади. Экишни очиқ майдонга (Ўзбекистоннинг марказий зоналарида 5—10 февралда) нисбатан 10—15 кун аввал ўтказилади. Уруғ униб чиққунча плёнка эгат устига ёпилади. Бу тупроқ ҳароратини кўтаради, уругнинг кўкаришини ва униб чиқишини тезлаштиради.

Ҳар бир кўчатга озиқ майдони 6×3 ва 6×4 см дан тўғри келиши керак, уруғ экиш нормаси 3—4 г/ m^2 . Экиладиган лента кенглиги фойдаланиладиган плёнка майдонига қараб белгиланади.

Плёнкали иншоотни тез-тез шамоллатиш, керакли ҳароратни ва паст нисбий ҳаво намлигини сақлаш керак. Ҳар бир сугоришдан сўнг пана жой 1—2 соат яхшилаб шамоллатилади. Тупроқнинг қуриб қолишига ва сўнгра мўл қилиб сугоришга йўл қўйиб бўлмайди. Бунда илдизмевалар ёрилиб кетади. Униб чиққандан сўнг 25—28 кун ўтгач, ҳосил йигиштирилади. Редис-

кани танлаб, 3—4 галда териб олинади. 1 м² майдоннинг ҳосилдорлиги 20—30 боғлам.

Парникларда (ярим иситиладиган ёки иситилмайдиган), шунингдек кўчатхоналарда редиска эрта баҳорда яхши бўлади. Қишки даврда ўсув даври нисбатан узаяди ва редиска ҳосилдорлиги пасаяди. Баҳорги етиштиришда етилган илдизмева униб чиққандан сўнг 30—35 кун ўтга, ҳосил бўлади. Редисканинг уруғи февраль бошида сепилади. Бир ромга уруғ нормаси 6—7 г. Қўлда ёки парник сеялкасида 0,5—1 см чуқурликда, қатор оралигини 6 см қилиб эклиади.

Редискани етиштираётганда ҳароратни 15—18° да, униб чиққандан сўнг 5—6° да сақлаш тавсия этилади. Редиска намга жуда талабчан ва уни мўл-кўл ва тез-тез суғориш, айниқса илдизмеваси ҳосил бўлаётганда, талаб қилинади.

Биринчи барглари чиққандан сўнг ягана қилинади, бунда ўсимликлар оралиги 3—4 см қилиб қолдирилади. Яганадан сўнг ром остида 500—550 дона ўсимлик қолиши керак. Парник остидаги редиска 2—3 марта озиқлантирилади. Эритма тартиби худди иссиқхонадагига ўхаш, бир ромга 10 л эритма билан суғорилади.

Парникда етиштирилган редиска ҳосилини териб олиш мартнинг ўрталаридан бошланиб, апрелгача давом этади. Ҳосилдорлиги бир ромдан 5—6 кг.

Полиз экинлари. Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жойда қовун ва тарвузни иситиладиган ва иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда, вақтингчалик плёнка остида эрта баҳордаги алмашлашда етиштирилади. Мевалари очиқ срга нисбатан 1,5—2 ой олдин стилади.

Ҳимоя қилинган срда қовуннинг тезпишар ҳандалаклар группаси ва "Давлатбой" нави, тарвузнинг "Эртапишар ВИР", "Оғонёк", "Мрамор", "Стокс" навлари етиштирилади.

Тошкент вилоятидаги "Хасково" давлат хўжалигида ҳимоя қилинган жойда У. Каримшосв томонидан яратилган жуда тезпишар қовуннинг "Хандалак", "Ассати", "Давлатбой" навларининг эркин чатишмасидан ҳосил бўлган дурагайлари, тарвузнинг "Король куба", "Оқ уруғ" ва "Мрамор" навлари етиштирилади.

Ўзбекистонда иссиқхона ва парникда кўчат қилиб, шунингдек доимий срига бевосита экиш йўли билан полиз экинлари етиштирилади. Қишки иссиқхоналарда кўчатни февраль охирларида, қисман иситиладиган иссиқхоналарда — мартнинг ўрталарида; иситилмайдиганларида — мартнинг охира, вақтингчалик плёнка остига эса — апрелнинг биринчи ўн кунлигига ўтқазилади. Уругни бевосита доимий срга кўчатни экишга нисбатан 10—12 кун олдин ташланади. Бундай муддатларда кўчат экилганда қовун меваси ҳосилини қишки иссиқхонадан — апрелнинг охирги числоларида, тарвузни — май бошида, қўёш

нури билан иссийдиган плёнкали иссиқ хонада, қовунни майнинг бошланишидан ва тарвузни май ўрталарида; вақтингчалик плёнка остидан — қовунни июннинг ўрталарида ва тарвузни июннинг учинчи ўн кунлигига олинади. Уруғ экилганда меваси 15—20 кун кейин етилади.

Кўчатни кўчатзор иссиқхонада етиштирилади. Навларга ажратилган ва дезинфекция қилинган уруғ ундирилади ва гўнгичиринди озиқ тувакчага (диаметри 10—12 см) 2 тадан экилади. 4—5 кундан сўнг униб чиққач, ниҳолдан нозиклари олиб ташланади. Қовун кўчатини 20—25, тарвузни 25—30 кунда етиштирилади. Уругни экиш муддати уни доимий ерга ўтқазиш вақтига ва унинг чиқиши давомийлигига қараб белгиланади. Кўчатни етиштираётганда ҳароратни кундузи 22—24° ва кечаси 17—19° да сақлаб туриш керак. Кўчат меъёнда сугорилади, бунда албатта илиқ сув қўйилади.

Кўчат секин ривожланса икки барг чиқарганда озиқлантирилади. 10 л сувга 10 г аммиакли селитра, 30 г суперфосфат, 10 г калий хлори солинади. Ўсимлик нормал ўсаётганда озиқлантириш кўчат доимий ерга ўтқазаётганда берилади. Бунда фақат фосфорли ва калийли ўгит (10 л сувга 40—45 г суперфосфат, 10 г хлорли калий) солинади.

Доимий ерга экилаётганда кўчат 2—3 та, лекин тўрттадан ортиқ бўлмаган ҳақиқий баргга эга бўлиши керак. Экилишдан 5—7 кун олдин кўчат чиниқтирилади. Тупроқ ҳарорати 14° дан кам бўлмагандан кўчат ўтқазилади. Полиз экинларига иссиқхонадаги тупроқ таркиби органик ўгитлар ва юмшатувчи материаллар билан бойитилган бўлиши керак. Ўгит ўсимлик тагига солинади. Вақтингчалик плёнка остида етиштирилаётганда участкани кўчат экишга куздан тайёрлаб қўйилади. Кузда ҳайдалганда ерга 300—400 кг/га суперфосфат, баҳорда экишдан олдин 300 кг/га аммиакли селитра ва суперфосфат солинади.

Ерга экишдан олдин иссиқхона ва плёнка остида етиштириш учун ажратилган участка қабул қилинган схема бўйича кўчатларни жойлаштиришга тайёрланади. Кўчат экиладиган жойга чуқурча қилиниб, тубига чиринди тупроқ билан аралаштириб солинади. Чуқурчаларга сув қўйилади (1,5—2 л). Сув шимиши билан чуқурчага кўчатли кубик қўйилади ва тупроқ юзасидан 1,5—2 см баланд тупроқ билан кўмилади, бунда ўсимлик атрофида дўнглик пайдо бўлади. Экиб бўлгандан сўнг эгатлар бўйлаб сув қўйилади.

Иссиқхонада кўчат қаторлаб экилади, бунда қатор оралиги 80 см, қатордаги ўсимлик оралиги 40—45 см бўлади. Биринчи икки сугоришни қар бир эгат бўйлаб, кейингисини қатор оралаб ўтқазилади. Кўчат лентасимон икки қаторли схемда

$$\frac{80 + 80}{2} \times 40 - 50 \text{ см экилади.}$$

Иссиқхонада ўсимлил тик шпалерда ўстирилади.

Вақтингчалик плёнка остида ҳам лента усулида экилади. Лентадаги қаторлар оралиғи 70—80 см, ленталар оралиғи 140—190 см ва ўсимликлар оралиғи 60 см

($\frac{140 - 190 + 70 - 80}{2} \times 50 - 60\text{ см}$) қилиб белгиланади. Икки қатор устига плёнка ёпилиб, ленталар оралиғида йўлакча қолдирилади. Ўсимлик ётқизиб ўстирилади. Апрель охири — май бошида иссиқхона ва тоннель устидан плёнка олинади.

Ўсимлик парвариши ўз вақтида, аввалига озроқ, сўнгра нисбатан мўлроқ қилиб сугориш, тупроқни юмшатиш, озиқлантириш, бегона ўтлардан тозалаш, касаллик ва зарапқунандаларга қарши курашдан иборат.

Ўсув даврида сугориш жўяклар бўйлаб ўтказилади. Мавсумда иссиқхонадаги қовун 8—10 марта, тоннелдагини камроқ-6—7 марта сугорилади. Иссиқхонадаги тупроқ икки-уч марта, тоннелдаги уч-тўрт марта юмшатилади. Озиқнинг таркиби ва миқдори: 1 м² срдаги қовунга 15 г аммиакли селитра, 30 г аммофос ва 10 г калий тузи; тарвуз учун шунга муносиб равишда 10, 30 ва 30 г. Озиқлантириш навбатдаги тупроқни юмшатиш билан қўшиб олиб борилади. Ўгит қўлда сочинади ва тупроққа арапаштирилади.

Районлаштирилган эртапишар навларда пастки икки ён шохлар олиб ташланади, чунки уларда оналик гуллари одатда кеч пайдо бўлади. Кейинги уч-тўрт шохчалари тупроқ юзаси бўйлаб ёйилади ва онагуллари пайдо бўлгандан сўнг ҳар икки-уч бўгимдан кейин чилпилади.

6—7 бўгимдан сўнг оналик гуллари ҳосил бўлмаган шохлари олиб тошланади. Марказий новда чилпилмайди.

Ён новдаларнинг биринчи қаторидан (шпалернинг ўрта ва юқори ярусидан) шохчалар оналик гулларидан 2—3 барг юқоридан чилпилади. Найчаларни нормаллаштириш биринчи меваларнинг шаклланишини тезлаштиради ва уларнинг товарлик ҳамда таъм сифатини яшилади. Ҳар бир ўсимликда 4—5 мева (0,8—1,2 кг оғирликда) қолдирилиши керак. Меваларни тўр қопчаларга солиб шпалернинг юқоридаги чизимчаларига ёки иссиқхона каркасига бөвлаб қўйилади. Тупроқ юзасида ёйилиб ётган мевалар тагига плёнка бўлаклар солиб қўйилади.

Қовун ва тарвузнинг ҳосилдорлиги қимоя қилинган жойда очиқ срдагига нисбатан 2—3 марта юқори: иссиқхонада 5—6 кг/м², тоннелда 35—40 т/га.

Қалампир ва қарам. Ўзбекистонда ҳимоя қилинган жойда чучук қалампирлар эрта баҳорги алмашлашда қисман иситиладиган ва иситилмайдиган плёнкали иссиқхона ва вақтингчалик плёнка остида стиширилади. Бунинг учун очиқ майдонлар учун районлаштирилган навлардан фойдаланилади. Иссиқхонада ва

плёнка остида чучук қалампир йирик, тиниқ мевалар ҳосил қилиб, улар сифати бўйича очиқ срдагисидан фарқ қилмайди. Ҳимоя қилингган жойда қалампир кўчатидан стиштирилади. Бунинг учун ойнаванд ёки плёнкали иссиқхонада гўнгли чиринди солингган бҳбҳ см ҳажмдаги кубикларда ўстирилади. Катта ҳажмдаги кубикларда иккитадан ўсимлик қолдирилади.

Ойнавандли иссиқхонадаги доимий ерга 50—60 кунлик, плёнка остига 40—45 кунлик кўчат ўтқазилади. Ўзбекистоннинг марказий қисмида, иситиладиган плёнкали иссиқхоналарга кўчатни февральда, вақтинчалик плёнка остига мартнинг иккинчи ярмида ўтқазилади.

Иссиқхоналарда кўчатлар қаторлаб, оралиги 60 см, ўсимликлар оралиги эса 15—20 см қилиб ўтқазилади. Кубикнинг катта ҳажмдагиси фойдаланилганда қатордаги чуқурчалар оралиги 30—35 см гача озайтирилади. 1 м² ерга 10—11 дона ўсимлик ўтқазилади. Тоннель остида ўстирнлганда лента усулида уч қатор қилиб ўтқазилади. Лентадаги қаторлар орасини 60 см, ўсимликлар ораси 20—25 см қилиб белгиланади. Уч қаторли лента бир тоннель билан ёпилади. Ленталар орасида 120 см масофа қолдирилади. У тоннеллар орасида юриш учун йўлка вазифасини бажаради.

Катта майдонларда кўчат ўтқазадиган машиналардан фойдаланилади. Ўсимлик парвариши ўз ичига ҳарорат ва ҳаво намлигини сақлаш, тупроқни юмшатиш, озиқлантириш, заараркунанда ва касалликларга қарши курашни олади.

Иссиқхонада ҳароратни кундузи қўёшли кунда 26—28, кечқурун 13 дан паст бўлмаган даражада сақлаш керак. Тупроқнинг мақбул ҳарорати 24—26°. Иситилмайдиган иншоотларда эрта муддатларда экилганда ўсимликни совуқ урмаслиги учун қўшимча равишда плёнка билан беркитилади. Плёнка остида ҳарорат нормадан ошиб кетганда вақти-вақти билан шамоллатиб турилади. Тоннелдан плёнкани май бошида тўлиқ олинади. Тупроқ намлиги 75—80%, ҳавонинг нисбий намлиги 60—70%. Сугоришдан сўнг кўчат тури тагидаги тупроқ юмшатилади, ленталар орасидаги мевалар йигиб олингач, навбатдаги сугориш ўтқазилади.

Озиқ бир неча марта, ҳар 10—15 кундан сўнг берилади. 1 м² ерга 20 г аммиакли селитра, 30 г аммофос ва 15 г хлорли калий солинади. Мевалари тезда етилиши билан узиб олинади. Биринчи ҳосил тўрт-беш кунда бир марта, кейингилари — биринки кундан сўнг узилади. Ҳимоя қилингган жойда чучук қалампирнинг ҳосилдорлиги 5—6 кг/м². Ўзбекистоннинг марказий зоналарида карамнинг эртаги ҳосилини апрелнинг иккинчи ярмида стиштиришга имкон бор.

Тошкент минтақасидаги айрим хўжаликлар қишики экин ўрнига эрта баҳорги экинларни — февралнинг биринчи декадасида

вақтингалик плёнка остига экадилар. Бунда "Июнская" ва "Номер первый грибовский"—147 навларидан фойдаланадилар. Экиб бўлишлари билан тоннель тўсқичини қўядилар. Зарур бўлганда тоннелни шамоллатиб турадилар. Плёнка тўсиқни бир ойдан сўнг, март бошларида олиб ташлайдилар, ундан иссиқсвар ўсимликларни етиштириш учун фойдаланадилар. Ўсимликни жойлаштириш схемаси, унинг парвариши худди очиқ ерда карамешилар. Плёнка остидаги ҳосил очиқ ердагига нисбатан 15—20 кун олдин йигиштирилади (май бошида).

САБЗАВОТЧИЛИКДА ТАЖРИБА ИШЛАРИ

25 Боб

**ИЛМИЙ ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДИКАСИ. ФАН ЮТУҚЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ**

Илмий текширишларни ташкил этиш ва методикаси. Ҳозирги шароитда сабзавот-полиз экинлари ва картошка етиштиришни күпайтишишга фан ютуқлари ва илғор тажрибани қўлламасдан эришиш мумкин эмас. Шу туфайли бизнинг мамлакатда илмий-текшириш ишларига катта аҳамият берилади. Барча жумҳуриятларда илмий-текшириш институтлари ва тажриба станциялари, шунингдек, сабзавотчилик бўйича илмий иш олиб борадиган олий ўқув юртлари бор.

Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик бўйича илмий текширишларни ва селекция-уруғчилик ишларини, Ўзбекистон сабзавотчилик-полизчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти, Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-текшириш институти, Тошкент Давлат аграр университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олиб боради.

Илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртлари сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш бўйича ўз зоналарида қўллаш мумкин бўлган замонавий илғор индустрiali технологияни ва уларнинг асосий элементларини ишлаб чиқадилар.

Ассортиментни кўпайтишиш — янги сабзавот экинларини аниқлаш, агротехникасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, сабзавот маҳсулотларини сақлаш йўллари бўйича текшириш олиб борилмоқда. Юқори қосилли, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, механизация ёрдамида териб олишга яроқли, диетик сифатга эга янги навлар яратилмоқда, сабзавот уругини олиш агротехника ва методикаси ишлаб чиқилмоқда. Ҳимоя қилинган жой бўйича турли хил иншоотлар, янги навлар, кўчат ва сабзавот етиштириш технологияси такомиллаштирилмоқда.

Иқтисод соҳасида ва тармоқни ташкил этиш бўйича саноат асосида сабзавот етиштирувчи ихтисослаштирилган хўжаликлар тузишини мукаммаллаштириш, сабзавотчиликни оқилона жойлаштириш, хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси асосида сабзавот етиштирувчи хўжаликларни концентрациялаш ва ихтисослаштириш режалари ишлаб чиқилмоқда.

Ишлаб чиқариш, илмий текширишларни түгри йүлга қўйиш ва ташкил этиш учун ягона методика керак, у текширишларда аниқ натижалар олиш имконини беради. Кartoшка бўйича дала тажрибалари ўтказиш методикаси картошкачилик хўжалиги институти, сабзавот ва полиз экинлари бўйича НИИОК ва Украина сабзавотчилик ва полизчилик илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган.

Агротехника саволлари ишлаб чиқилаётганда дала тажрибалари асосий ҳисобланади, ўсув даври тажрибалари ва лаборатория текширишларини ўз ичига олади. Уни уч асосий модификацияда қўллайдилар:

- а) дастлабки, ёки режага олишдан илгариги тажриба;
- б) лаборатория — дала тажрибаси;
- в) ишлаб чиқариш дала тажрибаси.

Уни айрим ҳолда ишлаб чиқариш шароитида дала тажрибаси ёки оддий дала тажрибаси деб ҳам атайдилар.

Одатда текширишни лаборатория — дала тажрибасидан бошлийдилар ва ишлаб чиқариш — дала ва олинган мълумотларни ишлаб чиқариша текшириш билан якунлайдилар.

Текширишни муваффақиятли ўтказиш учун уни тўғри планлаштириш ва ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Улар белгиланган вазифа ва текшириш ҳажмини, ечиладиган саволларни ўрганиш, ишчи программасини ишлаб чиқиш, тажриба схемаси ва методикаси, ер участкасини танлашни ўз ичига олади.

Белгиланган мавзу бўйича ечилмаган саволларни аниқлаш учун ва олимларнинг қайси ишлаб чиқаришларидан ўз ишларидаги фойдаланишларини аниқлаш учун аввал адабиётлар ўрганилади. Шундан сўнг ишчи программаси тузилади, унда мавзу номи кўрсатилади, муддати ва ишни ўтказиш жойи, вазифаси, раҳбар ва бажарувчининг исм ва фамилиялари, текшириш мақсад ва вазифаларини асослаш, экспериментни ўтказиш методикаси (лаборатория, ўсув даврида, лизиметрик, дала ёки уларни бирга қўшиб), тажриба ўтказишнинг схемаси ва методикаси, шунга монанд ҳисоб ва кузатишлар рўйхати ва методикаси, кутилаётган натижалар; тажриба ўтказиш учун зарур бўлган воситалар, материаллар ва жиҳозлар кўрсатилади.

Ишчи программасининг энг зарур элементи дала тажрибаси схемаси ҳисобланади, унда ўрганилаётган тажриба ва контрол варианtlарнинг рўйхати бўлади. Тажриба схемаси албатта элементларга эга бўлиши керак. Тажриба схемасини шундай қурадиларки, унда албатта солиштириш элементи бўлиши зарур, у фойдаланаётган варианtlарнинг самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Шу сабабли схеманинг бир варианти контрол (стандарт) бўлиши керак, у билан қолган барчаси солиштирилади.

Контролга одатда мазкур хұжалик құллаётган вариант олинади. Контрол нисбатан күп бўлмаган варианtlарда ўтиши керак (10—12 тадан ортиқ эмас).

Тажриба бир факторли ва кўп факторли бўлиши мумкин. Бир факторли тажрибада ҳар бир вариант бошқаси билан улар ўртасида ягона фарқ бўлганда таққосланади. Кўп факторлиси бир неча факторли тажрибаларни ичига қамраб олади. Унда фақат ҳаракат эмас, балки факторларнинг ўзаро алоқаси ва уларнинг оқибати ўрганилади.

Дала тажрибасига энг зарур талаб — зонанинг тупроқ-иқлим ва агротехник шароитларга нисбатан типиклик принципини сақлашдир. Шу туфайли тажриба ўтказиладиган участка тупроғининг типи ва хоссаси, шунингдек унинг рельефи мазкур районда тарқалган тупроқ ва рельефга мос келиши керак. Бундан ташқари, участка тупроқ юзаси бир жисмлиги билан ажралиб туриши зарур.

Дала тажрибалари одатда алмашлаб экиш шароитида ўтказилади. Стационар тажрибалар учун мўлжалланган далаларда, шунингдек бир иккى марта вақтinchалик эксперимент учун фойдаланилаётган участкаларда тупроқни нормаллаштирадиган ишни бажариш керак. Бир текис экишда тупроқ унумдорлигини бир хиллаш ва кейинги тажрибалар учун зарур фонни яратиш мақсадида ўтказилади. У бўлажак тажриба участкасининг ҳамма ерига тўлиқ бирон-бир экинни бир неча йил экишдан иборат бўлади. Минерал ва маҳаллий ўғитлардан далага бир текисда чиқарган ҳолда фойдаланилади. Охиригъ йили ҳосилни далалар бўйича (бутун участка бўлиб қўйилади) ҳисобга олинади.

Ҳосилни кўриб ҳисоблаш, тажриба ўтказиш учун нисбатан текис далаларни ажратиш, уларнинг энг қулай ҳажмини, жойлашишини ва тажриба такрорини белгилаш имконини беради.

Умумий (екин) ва тажриба далалари майдони фарқланади. Ҳосил ҳисоби (майдон ҳисоби) олинадиган экин майдони, ҳимоя майдони ва нусха танлаб олиш учун ажратиладиган лаборатория минтақаси.

Тажрибани такрорлаш мажбурий ҳисобланади. У участкадаги бир хил бўлмаган тупроқ унумдорлигига боғлиқ, тажрибадаги хатони, ўсимликларнинг ўзига хос фарқларини, тасодифий шикастланишлар ва техник тартибдаги хатоларни ҳисобга олишга имкон беради. Дала тажрибасида такрорлаш, территорияда қоида бўйича 4 мартадан, далаларга бўлинганда 6—8 мартадан кам бўлмайди. Тажрибани 3—4 йил давомида ўтказиб туриш керак, бу 3 йиллик маълумотга эга бўлишга имкон беради.

Дала тажрибаларида 4—6 марталик такрорлашда ҳисобдаги ернинг ҳажми қўйидаги миқдордан кам бўлмаслиги керак (m^2)

да); салат, укроп, исмалоқ учун 3; пиёз, петрушка, сабзи ва лавлаги боғлам учун — 5; кўп йиллик сабзавот экинлари, илдиз-мевали сельдерей ва петрушка, пиёз, саримсоқниёз, колъраби, Брюссель карами, дуккакли сабзавот экинлари, пастернак, турп ва редиска учун — 10; сабзи ва лавлаги, шолғом, турп, помидор, қалампир, бақлажон, гул ва бош карам учун — 20; кабачки, патиссон, қовун ва қовоқ учун — 40; тарвуз, қовун ва қовоқ учун — 80.

Дала тажрибасида варианктарни бўлинган ерларга стандартлар, систематик ва реномизир (тасодифий) усулларда жойлаштириш мумкин. Сабзавот экинлари билан тажрибада назорат қилишнинг стандарт усуллари тажриба вариантынинг бир-иккисидан сўнг кам қўлланилади. Одатда кўпроқ систематик, айрим қолларда реномизир усуллар қўлланилади. Систематик усулда ҳар бир вариантынг бўлинган ерлари турли қайтаришлар участка бўйича бир текис жойлаштирилади. Участканинг тузилиши, бўлинган ернинг ҳажми, қайтаришлар ва вариантынг сони бўлинган ерларни бир ярусга, олдинма-кейин ёки шахмат усулда бир неча ярусларга жойлаштирилади.

Тажрибалар районлаштирилган навлар билан олиб борилиши керак, бунда юқори сифатли, бир хил катталиктаги уруғлар ва кўчатлардан фойдаланилади. Тажрибадаги ўсимликларни парвариш қилиш бўйича ишлар бир вақтда, бир хилда қисқа вақтда, юқори агротехник даражада бажарилади, бунда ўрганилаётган агуусулга ўзгаришлар киритилмайди. Бир қайтаришдаги барча вариантынг ишни тугатгандан сўнг навбатдаги қайтаришларга ўтиш мумкин.

Барча дала тажрибалари ҳисобга олиш, кузатиш ва таҳлил қилиш билан биргаликда олиб борилади. Ҳар бир тажриба учун алоҳида программа ишлаб чиқилади. У тажрибанинг мақсадидан келиб чиқиши ва унинг ўзига хослигини акс эттириши керак. Бироқ, бир қанча ҳисоблар ва кузатишлар бўлиб, улар кўпчилик тажрибаларда бажарилади. Уларга метеорологик факторлар (ҳарорат, ҳавонинг нисбий намлиги, ёғингарчилик), фенологик кузатишлар (10 фоиз ва 75 фоиз ўсимликда фазаларнинг бошланниши қайд этилади), тупроқ намлигини аниқлаш, ўсимликнинг зичлигини ҳисобга олиш (кўчатни эккандан сўнг ёки униб чиқсан кўчатни иккинчи яганадан сўнг ва ҳосилни териш олдидан), биотермик текширишлар киради.

Сабзавот экинларида фенологик кузатишларда ўсиш фазаси бошланганда қуйидаги ишларни бажариш муддати қайд этилади.

Карамада — униб чиқиши, ягана, ерга экиш, шакланиши, бош караманинг пайдо бўлиши, техник этилиш вақти; гул ва оқбош

карамда биринчи ва охирги йигишириш кунлари, числоси; кечки карамда — ҳосилни йигишириш куни, числоси.

Помидор, бақлажон, қалампир — униб чиқиши, ягана, биринчи ва иккинчи ҳақиқий баргларининг чиқиши, кўчатни ерга экиш, шоналаш, гуллаши (помидорда гуллаш вақти, биринчи гул шодасининг ўрни белгиланади), мева ҳосил бўлишининг бошланиши, помидорда — пишишнинг бошланиши, қалампир ва бақлажонда — ҳосилнинг техник етилиши биринчи ва охирги терим.

Бодринг — униб чиқиши, учинчи баргининг фазаси, ён гулларнинг ҳосил бўлиш даври, оналик гулларининг гуллаши, найчаларнинг ҳосил бўлиши, ҳосилнинг, биринчи ва охирги терими.

Полиз экинлари — худди бодрингнига ўхшаш, фақат учинчи баргнинг фазаси ўрнига — шатрика фазаси ва палаги ҳосил бўлишининг бошланиши.

Бош пиёз ва пиёзча — уруғдан етиштириладиган пиёзча ва саримсоқ униб чиқиши, саримсоқ бошининг пайдо бўлиши, баргларнинг ётиб қолиши, баргларнинг қуриши, йигишириш бошланиши.

Илдизмевали сабзавот экинлари — униб чиқиши, илдизмеваси ҳосил бўлишининг бошланиши, техник етилишининг бошланиши, йигишириш.

Кўкат ва зиравор сабзавот экинлари — униб чиқиши, техник етилиши (одатда саккиз-ўнта баргининг ҳосил бўлишида), йигишириш, агар зарур бўлса — гуллашининг бошланиши ва тўпгули, гуллаши, уруғининг пишиши.

Кўп йиллик сабзавот экинлари — униб чиқиши ёки қишдан чиққандан сўнг ўсув даврининг бошланиши, техник етилиши, йигишириш, ҳосилни кесиб олгандан сўнг уна бошлаши, хрен ва қатронда — баргларининг қуриши.

Булардан ташқари, барча ўсимликларда экиш ёки кўкатларни ўтқазиш муддати қайд этилади. Бироқ ўсув даври экиш муддатидан қисобланмайди, балки ялписига ўсиб чиққандан сўнг ҳисобланади.

Биометрик текширишлар бир неча муддатларда (чар 10—20 кундан сўнг) ва ўсув даври охирида ўтказилади. Уни ажратилган 3—5 жойдаги 10 қатор ўсиб турган ўсимликда 3—5 марта қайтариш орқали ўтказилади.

Карам: кўчат фазасида — ерга экиш олдидан, карам бош ҳосил қилган фазада — 5 кундан сўнг, ялписига карам ўрай бошлаганда, баргини биринчи ва охирги йигиширишда.

Помидор: кўчат фазасида (далага экишдан олдин), ялписига гуллай бошлаганда, биринчи тўп гулида, биринчи ва охирги йигиширишда.

Илдиз мевалилар: учинчи ҳақиқий барг чиқарганда, боғлам қилиб олинаётганда, сўнгра маҳсулоти баргсиз бўлганда, техник етилган илдиз меваларни йигиштираётганда.

Бодринг ургини тупроққа экканда: учинчи барги фазасида; оналик гулларининг гуллашида; ҳосил бераётганда; энг кўп ҳосили терилаётганда; охирги йигиштиришда (бу вақтда ўсимлик ердан сугориб олинади ва ўлчанади); кўчат экинларда: кўчатни ерга экиш олдидан.

Полиз экинлари (тарвуз, қовун, қовоқ): шатрик фазасида, палак ҳосил бўлиш даврида, оналик гулларининг гуллаш даврида, меваларининг етилиш даврида.

Пиёз: учинчи барги ҳосил бўлганда; пиёзбоши ҳосил бўлаётганда, ҳосилни йигиштираётганда.

Карамда биринчи ва иккинчи ўлчамларда барглари сони ҳисобланади, баргнинг эни ва бўйи, тўпбарг ҳажми, баргларнинг икки томонга кетиши: карамбошининг диаметри ўлчанади; помидорда бош поясининг баландлиги ва ён шохларнинг сони, барглари сони, шингиллар сони, уларнинг жойлашиш тартиби (қайси баргдан сўнг) ва улардан туккан мевалар сони аниқланади. Илдизмевалиларда барглар сони ва энг катта баргнинг узунлиги ҳисобига олинади; илдизмевани барги ва баргсиз оғирлити; мевасининг диаметри ва уларнинг узунлиги ўлчанади. Бодринг, тарвуз, қовун ва қовоқда асосий ва ён палакларининг узунлиги ва сони; шохида барглар юзаси аниқланади, ён новдалар сони, оталик ва оналик гуллари, найчалари, уларнинг жойлашиши (қайси новдада ва қайси баргдан кейин), мевасининг кўндалангига ва узунасига диаметри; полизда — барглар сони, энг катта баргининг узунлиги, пиёзбоши диаметри.

Агротехник тажрибаларда касаллик ва заруркунандаларнинг пайдо бўлиши ва бўлакларга ажратилган ерлардаги ўсимликларнинг заарланганларининг сони аниқланади. Кўп миқдордаги ўсимлик заарланган бўлса тажрибадан чиқарилади. Агар ўрганилаётган тажрибадаги усуllар ўсимликнинг касаллик ва заарлунанда билан заарланиш даражасига таъсир кўрсатса чиқариб бўлмайди.

Тажрибада ўтмишдош экинларни ўрганиш, тупроқни гербицид билан ишлашда бегона ўт билан қанчалик қопланганини ҳисобга олиш зарур ҳисобланади.

Бегона ўтлар ҳисобга олиниб, ҳар галги культивация олдидан, шунингдек ўташ ва доимий майдондан ҳосилни йигиб олиш олдидан уларнинг ҳажми ва турлари аниқланади. Бегона ўтлар билан заарланганини ҳисобга олишни қайтариш 6—10 марта бўлиши керак.

Ҳар қандай тажрибада биринчи кунданоқ барча тажриба учун ажратилган ерларни мунтазам равиша кузатиб бориб, ўсимликларнинг ривожланишини варианatlарга солишишиш ва ўрганилаётган усуллар бўйича ва тасодифий сабабларга кўра ўсимликларнинг ўсиши жараёнида барча мумкин бўлган ўзгаришларни қайд этиш керак.

Кўпгина дала тажрибалари физиологик, биохимик ва агрохимик текширишлар билан биргаликда олиб борилади, уларни бажариш усуллари маҳсус адабиётларда ёритилган.

Тажрибадаги асосий кўрсатгич ҳосил миқдори, стилиш муддати ва сифати билан ўлчанади. Шу туфайди ҳосилни тўғри ҳисоблаш — тажриба ўтказишнинг энг зарур давридир. Теримдан олдин ҳар бир ажратилган ер текшириб чиқилади ва ўсимликларнинг зичлиги ҳисобланади.

Агар юқори сийраклика бўлиб, ўрганилаётган агроусулларга боғлиқ бўлмаса чиқариб ташланади. Агар ўрганилаётган агроусул ўсимлик зичлигига таъсир кўрсатса чиқариб ташланмайди. Пиёз ва сабзи билан олиб борилаётган тажрибада участкада қаторасига 30 см узунликда ва ундан ортиқ, бодринг ва лавлагида — 50 см ва ундан ортиқ ётиб қолган, қуриган бўлса тажрибадан чиқариб ташланади. Карам, помидор, бақлажон ва қалампирни ва полиз экинларини экишда қаторда икки ёки ундан ортиқ ўсимлик қуриган бўлса, қаторнинг бир бўлаги ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисобдан чиқариладиган майдон аниқлананаётганда унга қўшни ўсимликлар ҳам қўшилади, шунда улар нормал бўлмаган шаротларда ўсади. Ҳисобдан чиқариладиган майдонга квадрат ёки тўғри тўртбурчак шакли берилади ва унинг майдони аниқланади. Бодринг, карам, полиз экинлари уялаб экилганда ҳисобдан чиқариладиган майдон бир ўсимликнинг озиқланиш майдонини ёки ўсимлик уясини қуриб қолган ўсимликлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади, пиёз ва сабзини қаторлаб экканда — қатор узунлигини қатор оралари кенглигига кўпайтириб аниқланади. Ҳисобдан чиқарилган майдон дала журналида қайд этилади.

Агар ҳисобдан чиқарилган майдон ажратилган ернинг 50% дан ортигини ташкил этса, барча ажратилаги ер ҳисобдан чиқарилади.

Ердаги ҳосилни йигиш ва уни ҳисоблашни бир хил усулда ва бир кунда ўтказиш мақсадга мувофиқdir. Агар бирон-бир сабаб билан бундай қилиб бўлмаса, унда қайтаришнинг барча варианtlарини бир кунда йигиштириб олиш керак.

Ҳосилни варианtlар бўйича эмас, балки қайtаришлар бўйича йигиштириб олиш зарур (агар тажриба программасида варианtlарни ҳар хил муддатда териб олиш кўзда тутилмаган бўлса). Фақат ҳосилни бир қайtаришда тўлиқ йигиштириб олгач, кейинги

ҳосилни йиғиширишга киришилади. Ҳосилнинг товар ҳисмини ҳам товар бўлмаган ҳисмини ҳам ҳисобга олишда ажратилган ердаги барча ҳосилни бевосита тортиш усули билан аниқланади. Ҳосилнинг товар ҳисмида алоҳида стандарт (ГОСТ бўйича) ва стандарт бўлмагани аниқланади. Ҳосилнинг стандарт бўлмаган товар қисмига ГОСТ талабига жавоб бермайдиган, бироқ сотишга ва ҳайта ишлашга яроқли қисми киради, товар бўлмаган қисмига эса сотишга ва қайта ишлашга ярамайдиган қисми киради.

Ҳосилни ҳисобга олишда ўсимлик маҳсулдор қисмининг ўртача оғирлиги аниқланади. Бунинг учун карам ва полиз экинларининг товар ҳосил оғирлиги йиғиширилган карам бош ва мева сонига бўлинади, пиёз ва илдизмевалиларда намуна сифатида 5–10 кг икки мураккаб бўлмаган ҳайтаришдан олинади, кўп марта териладиган экинлар айрим меваларда ўртача ҳажмини ҳар галги теримда аниқланади, сўнгра ўртача ҳисоблаб топилади.

Текширишда маҳсулотнинг химиявий таркиби ва таъм сифатини билиш учун биохимик ва дегустация баҳоси аниқланади.

Тажрибада олинган маълумотларни ишлашда энг муҳим босқич ҳисобга олинган ерда ҳосилнинг гектар бошига қанчадан тушишини аниқлаш, вариантлар бўйича ўртача ҳосилдорликни ҳисоблаб чиқиш ҳисбланади.

Тажрибанинг аниқлиги ва ҳосилга қўшилган қўшимча тўғрилиги математик ҳисоблаш йўли билан аниқланади, олинган маълумотлар дисперссиян таҳлил усулида текширилади (Б. А. Доспехов, 1979).

Агротехник усулларни ўрганиш бўйича кўпгина тажрибаларда ўрганилаётган усуллар иқтисодий баҳоланади ва ўтказилган тажрибалар натижасининг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. У ҳосилдорлик даражаси, маҳсулот тарзи ва таннахи, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги асосида ўтказилади.

Ялпи маҳсулотнинг нарҳдаги ифодаси сонининг ҳисоби асосида, сифати ва қосилни таннахиха ёки харид нархига (9% товар скидкаси билан) етказиб бериш муддати билан аниқланади. Маҳсулотнинг тўлиқ таннахи бутун ишлаб чиҳаришга кетган, ялпи ишлаб чиҳариш ва реализация этиш (амортизацион ажратмаларни қўшиб) учун сарфланган харажатларни 1 центнер маҳсулотга бўлиш орқали аниқланади.

Даромад бутун маҳсулотни этишириш ва уни реализация этиш учун кетган чиқимларини чиҳариб ташлаб аниқланади.

Дала тажрибасини олиб бораётганда ҳужжатларни юритиш ва ҳисбот топширишга катта аҳамият берилади. Асосий илмий ҳужжат бўлиб тажриба иш программаси (план) ҳисбланади, унинг асосида илмий текшириш ишлари ташкил этилади ва ўтказилади.

Эксперимент утказилаетганда ижрочи оарча агротехник ишларни регистрация этиши, атроф-муҳит шароити ва ўсимликларни кузатиши ва ҳисобга олиши зарур, кейинчалик улар эришилган натижаларни тушунтиришга керак ва илмий ҳисоботни тузишда асос бўлади.

Кузатишларнинг ва қисботларнинг барча натижалари дала ишлари ва кузатувлари кундалигига қайд этилади. Унга ёзувлар мунтазам, хронологик тартибда бевосита далада ёки лабораторияда иш бажарилаётганда ва кузатилаётганда холисона ва аниқ қилиб ёритиб борилади. Ёзув қаламда ёки шарикли ручкада ёзилади, киритилаётган тузишларга изоҳ берилади.

Кундаликка қўшимча бошланғич ҳужжат бўлиб ишчи дафтари ва журналлари киради. Уларда ялпи кузатишларнинг ҳисоб-китоби, ҳисоботлар ва тахминлар қайд этилади.

Йигма илмий қужжат бўлиб дала тажрибаси журнали қисобланади. У сиёҳда эътибор билан ишни бажариш ва мунтазам жараёнда ўз вақтида, бошланғич қужжатларга асосланиб тўлдирилади. У хонада сақланади. Унда тажриба бўйича барча асосий материаллар бўлиши керак: тажрибанинг мақсади ва вазифаси; тажрибани жойлаштириш схемаси ва плани; участканинг характеристика ва тарихи (тупроқ, ўтмишдош экин, ўғит ва бошқалар); тупроқ характеристикаси, участканинг агрофизик ва бошқа характеристикалари; тёксиришнинг программаси ва усуллари; тажриба ўтказиш давридаги амалга ошириладиган ишларнинг рўйхати (вақтини, бажариш йўли ва сифатини кўрсатиш); барча таҳлил ва кузатилган натижаларни жадвал ёки график шаклида; бўлинган ерлар бўйича қосил ҳисоби таҳлил натижаларини ва унинг гектар ҳисоби (шу ернинг ўзида ҳисобдан чиқарилган ерлар ҳақида маълумот, ерлар ҳажми ва ўсимликлар сони); маълумотлар статистик таҳлили натижалари.

Тажриба тугагандан сўнг илмий ҳисобот тузилади, унда қўйидаги асосий бўлимлар бўлиши керак: текширишнинг мақсади ва вазифалари; масаланинг қисқача тарихи (ўрганилган адабиётлар материаллари асосида) эксперимент схемаси, усуллари ва шароити; текшириш натижалари; ҳолосалар ва амалий таклифлар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ҳимоя қилинган жойда текшириш ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўпик иншоотларда текшириш ўтказаётганда дала тажрибаси методикасининг кўрсатишларига асосланилади.

Бироқ бу ерда айрим ўзига хос хусусиятлар бор.

Ҳимоя қилинган жойда асосий текшириш усули — лаборатория — ишлаб чиқариш (кичик ерларда) тажрибасидир. Унинг натижалари катта майдонларда ишлаб чиқариш шароитларида текширилади. Қўшимча сифатида лаборатория ва ўсув даври

тажрибалари құлланилади. Тажрибани иншоот ичидә ўтказилаётгандың өрүөлик, иссиқлик, тик ва ёпиқ йұналишлар бүйіча ҳаво ва тупроқ намлығы ҳисобға олинади. Аввалари бу ерда вариантынан қайтаришнинг систематик жойлаштириш амалиёттә кенг құлланилади.

Химия қилинган жойда лаборатория — тажриба ишлаб чиқарышыда 4—8 вариантынан, тажрибани тақрорлаш түрт марта, иссиқхонадаги тупроқ замини бўлинган ерлар — 4—6 м² бўлиши керак. Катта озиқ майдони талаб этувчи экинлар учун бўлинган ерлар катта бўлиши, кичик озиқ майдони етарли бўлган экинлар учун бўлинган ерлар майдони ҳам кичик бўлиши зарур. Ҳажми қисқартирилган ерларда вариантынан сонини кўпайтириш керак бўлса, унда қайтаришлар сони кўпайтирилади.

Иншоотнинг микроқлими кескин фарқланадиган қисмлари одатда тажрибадан чиқарилади ва ҳимоя экинлари учун ажратилади. Ҳимоя майдонининг эни иншоотнинг конструкциясига, иситиш турига ва тажрибанинг вазифасига қараб белгиланади.

Тажрибада бир-биридан кескин фарқ құлувчи навлар, турли тупроқ турлари ва ўғитлар бўлса, иккى ҳимоя қатори ажратилади, ўхаш навлар ва вариантынан бўлса — бир қатор, ҳимоя майдонларида эса қаторлар орасида ҳимоя қатори ажратилади.

Ҳимоя қилинган жойда текшириш ўтказилаётганды очиқ майдонда ўтказиладиган тажрибалардаги тадбирлар қўлланилади, жумладан кузатишлар, ҳисоблар, таҳлилар олиб борилади. Бу ерда ҳам ўсимликларни парвариш этиш бүйіча амалга ошириладиган ишларни бир вақтда ва сифатли ўтказиш талаб этилади. Бироқ бу ерда иншоотнинг микроқлимини текшириш бүйіча катта ҳажмда иш олиб борилади; радиацион режими, ҳарорати ва тупроқ ҳамда ҳаво намлығы, тупроқ таркиби ва бошқа субстректлар, озиқ әритмалари мукаммал текширилади ва ҳоказо.

Ҳосилни йигишириш ва ҳисоби, текширишлар натижаларини қайта ишлаш, иқтисодий баҳолашни ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, бошлангич ҳужжатларни юритиш ва ҳисобот тузиш усуллари очиқ ердаги тажрибадагидек.

Фан ютуқлари ва илғор тажрибани ишлаб чиқарышга жорий этиш. Сабзавотчиллик, полизчиллик ва картошкачилини интенсификациялаш, фан-техника ютуқларини кенг жорий этишини талаб этади.

Бундан ташқари, ҳар қандай иммий иш унинг натижаларини ишлаб чиқарышга жорий этиш билан якунланиши керак. Шу туфайли иммий ташкилотларнинг вазифаси фақат янги усуллар ва технологияни ишлаб чиқиш, янги навлар ва машиналар намунасини ишлаб чиқишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки улар қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва хўжаликларга иммий

ишлиар натижаларини ишлаб чиқаришга муваффақиятли құллашлари бүйіча амалий ёрдам беришлари ҳам зарур.

Жорий этишга тавсия этилаётган тадбирлар илмий ташкилоттар ва ўқув юртларининг бўлимлари, кафедралари ва кенгашлари йиғилишларида кўриб чиқилади. Шундан сўнг, ҳар бир илмий ташкилот ва ўқув юрти илғор тажрибаларни таҳлил этиб, қишлоқ хўжалик ташкилотлари билан келишиб, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича режаларини тузадилар. Унда тадбиқ этиладиган тадбирларнинг номи қандай ва у қачон ишлаб чиқилгани, ўрни, ҳажми ва жорий этиш усууллари, кутилаётган самарадорлик, шунингдек жорий этиш бўйича масъул шахсларнинг номлари қайд этилади.

Илмий ютуқларни жорий этиш, хўжаликларга жорий этиш бўйича ёрдам бериш шакллари илмий ташкилотлар ва ўқув юртларида турличадир. Жорий этишнинг энг кўп тарқалган шакли — хўжаликлар бўйича айрим ёки бир гуруҳ ходимларни бириктириб қўйишидир, улар илғор тажрибани бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида жорий этиш бўйича амалий ёрдам берадилар. Шунингдек, илмий ташкилотлар ва ўқув юртларида, намунали хўжаликларда, экспериментал хўжаликларда семинар, конференциялар ўтказиш, вақтли ва марказий матбуотда, радиода чиқиши ва турли хил кўргазмалар ташкил этиш, илғор тажриба текширишлари натижаларини зълон қилиш, тавсияномалар, агрокўрсатмалар ва методик қўлланмалар чиқариш орқали илмий ютуқлар ва илғор тажрибаларни кенг тарғиб этиш самаралидир.

Фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этишни тезлаштиришда қишлоқ хўжалик ташкилотлари раҳбарлари ва мутахасислари малакасини ошириш, шунингдек давлат ва жамоа хўжаликларида ишловчи кадрларни назарий курсларда ва бевосита хўжаликларнинг даласида ёки илмий ташкилотларнинг базасида амалий машғулотлар ўтказиб тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Илмий ташкилотлар билан қишлоқ хўжалик ташкилотлари ёки хўжаликлар ўртасида шартнома асосида фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш кенг қўлланилмоқда. Бунда икки хил шароитдан фойдаланилади: ҳамкорлик ҳақида шартнома ва хўжаликлар шартномаси. Биринчи ҳолатда илғор тажриба ва унинг натижаларини жорий этиш биргаликда пул маблаги сарф қилмай бажарилади. Хўжалик шартномасида илмий ташкилотлар ўз ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиши буюртмачи томонидан ҳақи тўланадиган бўлса, жорий этилиши кўзда тутилади. Илмий ташкилотларнинг тадбирларни жорий этишдаги масъулияти айниқса каттадир. Ўзлаштириш учун шундай тадбирларни тавсия этиш мумкинки, улар кенг ишлаб чиқариш текширувидан ўтган, юқори самарадорлигини кўрсатган ва ушбу тадбирлар

текширилгандардын мутахассисларининг ижобий баҳосини олган бўлсин.

Узоқ йиллар ишлаб чиқаришда сабзавот етиштиришнинг умумий технологиясидан ажратилган ҳолда алоҳида агроусуллар, машиналар, қуроллар, навлар қўлланилди. Бу ҳаммавақт ҳам сезиларли ижобий самара бермади. Амалиётнинг кўрсатишича, алоҳида тадбирларни қўлланмасдан, балки экинларни жадал технология усулида етиштириш ва йигиштириш комплексидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай усулни жорий этиш юқори самара олишга имкон беради.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Сабзавотчилик фани ва унинг мазмуни	3
БИРИНЧИ ҚИСМ. Умумий сабзавотчилик	8
1-боб. Сабзавот ўсимликларининг умумий таърифи ва уларни сипфларга ажратиш	8
Амалий машгулот	14
2-боб. Сабзавот ўсимликларининг ташқи муҳитга муносабати	16
3-боб. Сабзавот экинларини кўпайтириш усуллари	30
Амалий машгулот	41
Амалий машгулот	44
Амалий машгулот	46
4-боб. Сабзавот экинларини жойлаштириш схемаси ва озиқланиш майдони	49
Амалий машгулот	53
ИККИНЧИ ҚИСМ. Очиқ ерда сабзавот етиштиришнинг саноат технологияси	58
5-боб. Сабзавот экинларини алмашлаб экиш	58
Амалий машгулот	
6-боб. Сабзавотларни саноат асосида етиштириш технологияси.	
Ўйтлаш, тупроққа ишлов бериш, парваришилаш ва ҳосилни йигиштириш	67
Амалий машгулот	78
7-боб. Сабзавот экинларини парвариши ҳилиш ва ҳосилни йигиб-териб олишнинг умумий усуллари қамда уларни саноат асосида етиштиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари	81
Амалий машгулот	96
8-боб. Картошка	101
Амалий машгулот	113
Амалий машгулот	115
9-боб. Полиз экинлари	116

Амалий машгулот	132
10-боб. Итазумдош сабзавотлар.....	140
Амалий машгулот	154
11-боб. Бодринг ҳамда ошқовоқлар	157
Амалий машгулот	166
12-боб. Карам ўсимликлари	169
Амалий машгулот	181
13-боб. Пиёз экинлари	185
Амалий машгулот	196
14-боб. Илдизмевали сабзавотлар.....	198
Амалий машгулот	210
15-боб. Баргли кўкатлар ва кам тарқалган сабзавот экинлари	213
УЧИНЧИ ҚИСМ Ҳимоя қилинган жой сабзавотчилиги.....	229
16-боб. Ҳимоя қилинган жойнинг тузилиши ва иншоотнинг жиҳозлари	229
Амалий машгулот	240
Амалий машгулот	240
17-боб. Ҳимоя қилинган жой иншоотларида иқлим шароити ва уни созлаш усувлари	244
Амалий машгулот	253
18-боб. Ҳимоя қилинган ердаги ўсимликларни минерал ўғитлар билан озиклантириш	254
Амалий машгулот	270
19-боб. Ҳимоя қилинган ер иншоотлари ва агротехникасидан фойдала- нишнинг умумий усувлари	272
20-боб. Очик ер учун кўчат етиштириш технологияси.....	278
21-боб. Ҳимоя қилинган ер иншоотларидан фойдаланиш.....	292
Амалий машгулот	299
22-боб. Ҳимоя қилинган жойда бодринг етиштириш технологияси.....	301
23-боб. Ҳимоя қилинган жойда помидор етиштириш технологияси....	310
24-боб. Ҳимоя қилинган жойда кўкатлар, редиска ва бошқа ўсимликлар етиштириш.....	318
ТЎРТИНЧИ ҚИСМ Сабзавотчиликда тажриба ишлари.....	328
- 25-боб. Илмий текширишларни ташкил этиш усувлари ва методикаси. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш	328

На узбекском языке

**Владимир Ильич Зуев,
Абдуфаттох Гуламмахмудович Абдуллаев**

ОВОЩНЫЕ КУЛЬТУРЫ И ТЕХНОЛОГИЯ ИХ ВЫРАЩИВАНИЯ

Учебник для студентов сельскохозяйственных вузов

Мусаввир В. Шуминов
Бадий муҳаррир И. Кученкова
Тех. муҳаррир М. Ҳўжамқулова
Мусаҳҳиқ М. Йўлдошева

Теришга бўрилди 14.09.92. Босишга рұксат этилди 23.06.97 й.
Ўлчами 60x90⁷/16. № 2 босма қоғозга Таймс гарнитурада оффсет босма
усулида босилди. Шартли б. т.21,5. Нашр т. 23,62. Нускаси 1000.
Буюртма №132 Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 77—92.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитаси китоб-журнал фабрикасида босилди.
700194. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

3 87 В. Зуев, А. Абдуллаев

Сабзавот экинлари ва уларни етишириш технологияси:
Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари учун дарслик. — Т.:
Ўзбекистон, 1997. — 344 б.

ISBN 5-640-02016-6

Ушбу дарслик қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг талабаларига
мўлжалланган бўлиб, унда сабзавотчилик фани ва унинг мазмуни, сабзавот
ўсимиликларининг умумий тарифи ҳамда уларни синфларга ажратиш ҳақида
тўлиқ тушунча берилади. Шунингдек, унда очиқ ва ҳимоя қилинган ерларда
сабзавот етиширишнинг саноат технологияси, уларни йигиб-териб олиш
усуллари, иқлим шароити, созлаш усувлари мукаммал ёритилган.

1. Автордош.

42.34 я 73

№ 457-95
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

3 3704030700-166
M 351 (04) 95 97